5. Afees A.Salisuab, Muneer Shaikc o'zlarining Islom fond indekslari va COVID-19 pandemiyasi. International Review of Economics & Finance Volume 80, 2022, Pages 282-293.

**Мамлакатда инвестициявий мұхит жозибадорлигини оширишда халқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирок этишни таъминлаш йўллари
(Иқтисодий эркинлик индекси мисолида)**

Бозоров Руслан Хамдамович
Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси доценти
иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (*PhD*), доцент.
E-mail: ruslanhamdamovich@mail.ru

Аннотация. Мақолада мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини намоён этишнинг зарурлиги ҳамда бу борада халқаро рейтинг ва индексларнинг аҳамиятининг назарий ва методологик асослари ёритиб берилган. Шунингдек, Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индексидаги иштироки ҳолати таҳлил қилинган ҳолда мақсадли кўрсаткичларга еришиш борасида тегишли хуносалар келтирилган.

Таянч сўзлар: халқаро рейтинг ва индекслар, инвестиция, инвестициявий жозибадорлик, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар, индикаторлар, иқтисодий эркинлик, мулк ҳуқуқи, фискал соғломлик.

Аннотация. В статье подчеркивается необходимость показа инвестиционной привлекательности страны, а также теоретические и методологические основы важности международных рейтингов и индексов в этом отношении. Также при анализе состояния участия Узбекистана в индексе экономической свободы делаются соответствующие выводы относительно достижения целевых показателей.

Ключевые слова: международные рейтинги и индексы, инвестиции, инвестиционная привлекательность, прямые иностранные инвестиции, показатели, экономическая свобода, права собственности, финансовое благополучие.

Abstract: The article highlights the need to show the country's investment attractiveness, as well as the theoretical and methodological foundations of the importance of international ratings and indices in this regard. Also, in the analysis of the state of Uzbekistan's participation in the index of Economic Freedom, relevant conclusions are made regarding the achievement of target indicators.

Key words: international ratings and indices, investment, investment attractiveness, foreign direct investment, indicators, economic freedom, property rights, fiscal health.

Кириш

Дунё иқтисодиётида охирги бир неча ўн йиллик капиталнинг халқаро ҳаракати кўламининг кенгайиши ва ўсиб бориши, бунинг эвазига халқаро ишлаб чиқариш мажмуаларининг бунёд бўлиши билан алоҳида давр сифатида кўзга ташланади. Албатта бу ҳолат келгуси даврлар учун ҳам ҳар бир иқтисодиётни ривожлантиришнинг глобаллашув жараёни билан боғлиқлигини англатади. Бу ҳолатда эса ресурс манбалари сифатида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар билан таъминланган трансмиллий корпорациялар (ТМК) ҳамда нуфузли инвесторлар ўз навбатида минимал ризк билан инвестицияларнинг рентабеллиги ва потенциал бозор сиғими юқори бўлган мамлакатларни танлайдилар.

Хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун мамлакатимизнинг инвестиция салоҳиятини тўла намоён этиш чораларини кўришимиз керак.

Ш.Мирзиёев

Жаҳоннинг аксарият мамлакатлари янги иш ўринлари яратиш, инновацион технологиялар ва самарали бошқарув моделларига эга бўлиш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, ижтимоий-иқтисодий инфратузилма обьектларини барпо этиш ҳамда шу каби иқтисодиётда юқори даражада кўшилган қиймат яратишни таъминловчи имконият манбаларига эга бўлиш борасидаги олиб бораётган фаолиятларини молиялаштиришдаги инвестиция ресурсларига бўлган етишмовчиликни қоплаш мақсадида хорижий инвесторларга нисбатан либерал сиёsat олиб бормоқдалар.

Шу сабабли, халқаро майдонда иқтисодиётнинг глобаллашуви ҳолатида ҳар бир мамлакат айниқса, иқтисодий ривожланаётган мамлакатлар хорижий инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция муҳитини яратиш ва инвестициявий жозибадорлигини ошириш учун рақобатлашади. Бундай ҳолатда халқаро индекслардаги мамлакатларнинг инвестициявий жозибадорлик рейтинглари тўғридан-тўғри сармоялар йўналтириш учун хорижий инвесторларга кўрсатма бўлиб хизмат қиласди.

Демак, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги хақидаги дастлабки ва ишончли маълумотларни олиш мақсадида инвесторлар аввало халқаро рейтинг ва индексларга мурожаат қиласди.

Маълумки, мамлакатимизда жорий беш йиллиқда миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлаш борасида аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ҳажмини 1,6 баробарга ошириш, яъни 2500 АҚШ долларига етказиш ҳамда 2030 йилга бориб эса ушбу кўрсаткични 4000 АҚШ долларидан ошириш орқали иқтисодиётимизни “даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар” қаторига киритиш мақсад қилинганд⁵. Иқтисодиётда ушбу ўсиш суръатларига эришишда талаб этиладиган молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжларни самарали молиявий манбалар билан таъминлаш мақсадида мамлакат инвестициявий жозибадорлигини ошириш орқали 2022-2026 йилларда иқтисодиётга 120 миллиард, жумладан 70 миллиард АҚШ доллари миқдорида хорижий инвестициялар жалб этиш белгиланган.

Мамлакатимиз иқтисодиётида ислоҳотларни амалга оширишда талаб этиладиган ҳажмдаги самарали инвестицияларни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш учун инвестиция муҳитни яхшилаш ва инвестициявий жозибадорликни ошириш билан бир қаторда уларни глобал миқёсда намоён этиш талаб этилади. Чунки, салоҳиятли инвесторлар томонидан бирор миллий иқтисодиётга сармоя йўналтиришга доир инвестицион қарор қабул қилишда албатта ушбу мамлакатнинг инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлигини ўрганиш ҳамда баҳолаш керак бўлади. Бу борада, халқаро ва глобал ташкилотлар томонидан юритиладиган мамлакатларнинг инвестиациявий жозибадорлигини турли жихатларини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар бўйича эълон қилинадиган йиллик ҳисоботлар инвесторлар томонидан дастлабки маълумотларни олиш манбаи бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатнинг халқаро рейтинг ва индексларда самарали иштирокини таъминлаш, иқтисодиётнинг инвестиациявий жозибадорлигини оширишда ва уни намоён этиш орқали манфаатли сармоялар жалб қилишида долзарб масаладир.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мамлакатнинг халқаро иқтисодий индекслардаги иштироки ва ўрнини инвестициявий жозибадорликка таъсирини тадқиқ қилиш орқали уларни ушбу индекслардаги иштирокини кенгайтириш ва улар бўйича баҳолаш кўрсаткичларининг ижобий ҳолатига эришиш бўйича илмий изланишларни олиб борища, энг аввало “инвестиция муҳити” ва “инвестициявий жозибадорлик” ҳамда “халқаро иқтисодий индекс” тушунчаларининг иқтисодий категория сифатида моҳиятини очиш керак.

К. Балдин, О. Быстров, И. Передеряев ва М. Соколовлар инвестиция муҳитига таъриф беришда, уни инвесторларга прогноз қилиш имкониятини берувчи омиллардан иборатлигини таъкидлаган ҳолда ёндашади (Балдин К.В. ва бошқ., 2007). Уларнинг фикрича, инвестиция муҳити - бу капитал қўйилмалар риск даражаси ва улардан самарали фойдаланиш имкониятларини олдиндан белгилаб берадиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий, майший, иқлим, табиий, инфратузилма ва бошқа омилларнинг бирлашмаси деб ҳисоблайди.

Ушбу олимларнинг фикрига кўра инвестиция муҳитини инвесторлар томонидан сафарбар этиладиган капитал қўйилмаларни ушбу ҳудудда кутаётган рискларни ҳамда

⁵Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 ии 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60 сонли Фармони.

ушбу маблағлардан кутилаётган самаранинг даражасини олдиндан ифодалайдиган омиллар йиғиндисида деб қараши билан баҳоланади.

Энг аввало, маҳаллий иқтисодчи олимларимиздан Ш. Мустафакулов “инвестицион мұхит – инвестицион жараёнлар амалға ошадиган шароит бўлиб, у ҳудуднинг инвестицион фаолияти ҳамда инвестицияларнинг риск даражасини аниқлайдиган сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа омиллар таъсирида шаклланади” дея таъриф келтиради (Мустафакулов Ш.И., 2017).

Мазкур таърифга асосан муаллиф инвестиция мұхити тадбиркорларнинг инвестицион фаолияти ҳамда ушбу жараёндаги инвестицияларининг маълум бир ҳудудда ва даврда дуч келиши мүмкін бўлган риск даражалари билан боғлиқлигини ҳамда уларни келтириб чиқарувчи омилларнинг ҳолати билан белгиланишини изоҳлаган. Шу билан бирга, инвестиция мұхити ва таваккалчилик даражаси бир-бирига тескари пропорционал натижалар билан баҳоланишини таъкидлаган. Яъни таваккалчилик қанча юқори бўлса, инвестиция мұхитининг қулайлиги шунчалик паст бўлади ва бу ҳолат иқтисодиётга инвестицияларнинг жалб этиш ҳажмига салбий таъсир кўрсатади.

Инвестиция соҳаси бўйича изланишлар олиб борган иқтисодчилардан Б.Маматов, Д.Хужамкулов ва О.Нурбековларнинг фикрича, инвестициявий жозибадорлик – мамлакат, тармоқ ёки алоҳида олинган бирор-бир корхона инвестицияларининг даромадлилиги, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция риски даражаси нуқтаи назаридан баҳоланиши, дея таъкидланади (Маматов Б.С. ва бошк., 2014).

Бизнинг фикримизча, инвестициявий жозибадорлик ҳақиқатдан ҳам инвестициялашнинг даромадлилиги, риск даражаси ҳамда уларнинг келгусидаги ривожланиш даражалари каби хусусиятларини баҳолаш имкониятига эга бўлган тушунчадир.

XIX аср охири ва XX аср бошларида АҚШдаги саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ вазият зарурий эҳтиёж сифатида илк кредит рейтингларини пайдо бўлишига асос бўлди. Яъни, мамлакатда темир йўл инфратузилмасининг кескин ривожланиши туфайли хусусий компаниялар томонидан чиқарилган облигациялар сони кўпайган. АҚШдаги ушбу ривожланаётган темир йўл соҳасидаги компанияларнинг облигацияларни сотиб олиш ва улардан даромад кўриш истагини билдирган инвесторлар учун мазкур компаниялар иш фаолияти ва молиявий ҳолати тўғрисида сифатли маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда етарли бўлишлиги уларнинг инвестиция қарорларини қабул қилишлари нуқтаи назаридан аҳамияти юқори бўлган.

Мазкур масалага илк бор Генри Варнума (Henry Varnum Poor) 1860 йилда нашр этилган “АҚШдаги темир йўллар ва каналлар тарихи” (“History of Railways and Canals in the United States”) номли асарида эътиборни қаратган. Мазкур китоб АҚШ темир йўл компаниялари тўғрисида инвесторлар учун керак бўладиган маълумотларни тўплашга уриниш эди. Шу билан бирга тадқиқотчининг ушбу китоби келгуси асрда ишлаб чиқиладиган таҳлил ва биржа ҳисботларининг кашшофи бўлди. 1867 йилда Генри Варнума ўғли Генри Уилям билан биргаликда “HV and HW Poor” ни яратди ва ҳар йили ушбу китобнинг янгиланган версиясини нашр этишни бошлади.

Шундан сўнг 1906 йилда Лютер Ли Блейк (Luther Lee Blake) темир йўл соҳасига таалуқли бўлмаган компаниялар тўғрисида молиявий маълумот бериш мақсадида акциялар учун кунлик индексларни нашр этувчи “Standard Statistics Bureau” (“Стандарт статистика бюроси”) га асос солганд⁶.

XX аср бошларига келиб АҚШда облигациялар бозори кескин кенгайиб кетган бир пайтда инвесторлар учун маълумотлар билан боғлиқ фавқулодда муаммонинг ечимини ўзида мужассам этган биринчи рейтингларни бериш 1909 йилда америкалик молиявий таҳлилчи, тадбиркор ва инвестор Жон Муди (John Moody) томонидан акциялар қиймати тўғрисида таҳлилчилар маълумотлари билан бойитилган “Moody’s Analyses of Railroad Investments” нашрини чоп этиш билан бошланди. Кейинчалик дунёда етакчи ўринлардан бирига айланган Mood’s рейтинг агентлигига асос солган.

Шу аснода халқаро рейтинглар пайдо бўла бошлаган. Бугунги кунда дунё амалиётида бир қанча глобал индекслар ҳамда рейтинглар юритилади. Улар таркибида маълум бир компания, ҳудуд, соҳа, тармоқ ҳамда мамлакатлар бўйича рейтингларни эълон қилувчи халқаро рейтинг ва индекслар мавжуд бўлиб, ҳар бири ўзига хос фойдаланувчилар аудиториясига эга.

⁶ Изоҳ: Poor’s ва Standard Statistics 1941 йилда бирлашиб Standard and Poor’s Corporation ни ташкил қилган.

Шу ўринда мамлакатнинг инвестиция мұхитини баҳоловчи халқаро рейтинг ва индекслар борасидаги назарий изланишларни давом эттиришда, индекс ҳамда рейтинг атамаларининг моҳиятини аңглаш мақсадга мувофиқдир.

Энциклопедик луғатларда индекс сўзи лотинча “index” сўзидан олинган бўлиб рўйхат, регистр, кўрсаткич деган маънолари борлиги таъкидланган бўлиб (Дьяченко В.П., 1964), индекс – элементнинг ёки маълум бир тизимнинг ҳолати бўйича тўпламдаги ўрнини, номинал ўлчовини тавсифловчи рақамлар, ҳарфлар ёки белгилар комбинациясидир.

Рейтинг эса, инглизча “to rate” феълидан келиб чиқиб, “баҳолаш” ёки “баҳо бермоқ” маъносига эга. Рейтинг маълум бир объект ёки ҳодисанинг долзарблиги ёки аҳамиятини акс эттирувчи рақамли ёки тартибли кўрсаткичdir.

Демак, индекс ва рейтинг атамалари бир-бирини тўлдирувчи тушунчалар бўлиб, мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлиги нуқтаи назаридан, индекс бу – унда иштирок этувчи мамлакатлар жамланмасида ҳар бир мамлакат бўйича инвестицион мұхитга таъсир қилувчи омилларни тавсифловчи индикаторларнинг мавжуд ҳолатига кўра кўрсаткичларининг рўйхати ёки регистри бўлса, ушбу ҳолатда рейтинг мазкур рўйхат ёки регистрнинг долзарблиги ва аҳамиятига кўра баҳо бериш орқали тартибли қилиб тузилган шаклидир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотнинг асосий мақсади мамлакат инвестициявий мұхити жозибадорлигини яхшилашда унинг халқаро иқтисодий рейтинг ва индексларда иштирокини кенгайтириш ва ўрнини яхшилашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш учун илмий хулосалар қилишдан иборат. Ушбу мақоланинг назарий ва услубий асоси сифатида умумиқтисодий адабиёт ҳамда илмий мақолалар, иқтисодчи олимларнинг мамлакатда инвестициявий мұхит жозибадорлигини ҳамда бунинг учун халқаро рейтинг ва индексларда иштирок этишини таъминлаш бўйича изланишлари, олимлар ва соҳа вакиллари билан суҳбат, уларнинг ёзма ва оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, эксперт баҳолаш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хулоса, таклиф ва тавсиялар берилган. Мавзуни ўрганиш жараёнида умумиқтисодий усувлар билан бир қаторда маълумотларни тизимлаш бўйича маҳсус ёндашувлар, яъни таққослаш, назарий ва амалий материалларни жамлаш ҳамда тизимли таҳлил каби усувлар қўлланилган.

Таҳлил ва натижалар

Индекслар орасида мамлакатларнинг иқтисодий эркинлик даражасини баҳолашнинг кўп томонлама ёндашув методлари асосида аниқловчи, инвесторлар томонидан маълум бир мамлакатга сармоя йўналтиришда ушбу мамлакат иқтисодиётининг эркинлигини таҳлил қилиш мақсадида мурожаат қиласидаги ижтимоий-иктисодий соҳага оид халқаро индекслардан бири, бу Иқтисодий эркинлик индексидир. Иқтисодий эркинлик индекси 1995 йилда АҚШнинг The Heritage Foundation (Мерос жамғармаси) таҳлил маркази ва The Wall Street Journal ҳамкорлигига, улар томонидан дунё мамлакатларидағи иқтисодий эркинлик даражасини ўлчаш учун яратилган индекс ва рейтингдир. Иқтисодий эркинлик ҳар бир инсоннинг ўз меҳнатини ва мулкини назорат қилишнинг асосий ҳуқуқидир. Иқтисодий эркин жамиятда одамлар ўзлари хоҳлаган тарзда ишлаш, ишлаб чиқарish, истеъмол қилиш ва сармоя киритишда эркиндиндир. Иқтисодий эркин жамиятларда ҳуқуматлар меҳнат, капитал ва товарларнинг эркин ҳаракатланишига имкон беради ҳамда эркинликни ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун зарур бўлган даражадан ташқарида мажбурлаш ёки чеклашдан ўзини тияди. Йиллик ҳисоботларни чоп этиш орқали жамғарма бундай эркинликлар қаерда эканлигини таъкидлайди.

Индекс 186 мамлакатда мулк ҳуқуқидан тортиб молиявий эркинликкача бўлган эркинликнинг 12 жиҳатини 4 кенг тоифага бирлаштирган. Ушбу тоифалардаги ўн иккита эркинликнинг ҳар бири 0 дан 100 гача бўлган шкала бўйича баҳоланади. Мамлакатнинг умумий балли ушбу ўн иккита иқтисодий эркинликнинг ўртачаси ҳисобига олинади ва ҳар бирига teng вазн берилади. Чунки Иқтисодий эркинлик индексида иқтисодий эркинликнинг ҳар бир компоненти иқтисодий эркинликнинг ижобий афзалликларига эришишда бирдек мұхим ҳисобланади. Шу сабабли, ҳар бир эркинлик мамлакат балларини аниқлашда teng даражада баҳоланади.



1-расм. Иқтисодий эркинлик индексининг 4 тоифа бўйича 12 та иқтисодий эркинлик кўрсаткичлари⁷

Мамлакатлар иқтисодий ислоҳотларни белгилашда ва амалга оширишда индексдаги энг паст балл тўплаган эркинлик омилларига доир натижаларни яхшилашга қаратилган мақсадли вазифаларни қўйиши, уларнинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига самарали имконият яратиши мумкин.

Иқтисодий эркинлик индексининг баҳолаш методикалари, мезон, индикатор ва субиндикаторлари.

Индексни тузувчиларга биноан, баҳоланувчи мамлакатнинг индексдаги балли қанчалик юқори бўлса шунчалик иқтисодий эркин бўлади. Шу билан бирга давлатларнинг иқтисодий эркинлик даражаси индексга кўра бешта гурухга бўлинган (2-расм).



2-расм. Иқтисодий эркинлик индекс бўйича давлатларнинг иқтисодий эркинлик даражасининг бешта гурухи⁸


Иқтисодий эркинлик индекси 4 та йўналишга, 12 та индикаторга ва 49 та суб-индикаторга бўлинади:

⁷ Мерос жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индеси ҳисоботида келтирилган методология асосида муаллиф томонида тайёрланди.

⁸ Мерос жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индеси ҳисоботида келтирилган методология асосида муаллиф томонида тайёрланди.

Баҳоланишдаги мұхиммик:

- ✓ **Даврийлиги:** 2022 йил ҳисоботи учун 2020 йил 1 июлдан 2021 йил 1 июлгача



бүлган

маълумотлар базаси таҳлил қилинади;

- ✓ **Эркинлиги:** Индекснинг қиймати қанча катта бўлса, мамлакат шунчалик иқтисодий жиҳатдан эркин бўлади;

✓ **Асосланиши:** Индикаторлар натижалари давлат органлари томонидан эълон қилинган очиқ маълумотлар ҳамда турли халқаро ташкилотларнинг (World Economic Forum, World Bank, International Monetary Fund, Transparency International ва бошқалар) рейтинг ҳисботлари натижаларига асосланади.

Иқтисодий эркинлик индексининг йиллик ҳисботларида мамлакатимиз соҳа ва тармоқларининг мунтазам паст баҳоланаётган субиндикаторлари ва уларнинг сабаблари.

2022 йилда эълон қилинган ҳисботда, иқтисодий эркинлик индекси бўйича Ўзбекистон 186 мамлакат ичидаги 55,7 балли кўрсаткич билан 117 ўринни эгаллади, бу эса мамлакатни иқтисодий эркинлик даражаси ўртачадан паст (mostly unfree) гуруҳидаги мамлакатлар орасидан жой олганлигини кўрсатди. Ушбу кўрсаткич, мамлакат олдига қўйган тараққиёт мақсадлари ҳамда олиб борилаётган ислоҳотлар фонида, нисбатан паст кўрсаткични билдиради. Шундан келиб чиқиб, иқтисодий эркинлик индексини ошириш, бугунги олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашдек мұхим устувор вазифасини таъминлашга мувофиқ келишини таъкидлаш лозим.

1-жадвал


Иқтисодий эркинлик индекси 2021-2022 йиллардаги ҳисботидаги Ўзбекистоннинг кўрсаткичлари таҳлили⁹

T/p	Индикаторлар номланиши	Балл			Ўрин		
		2021 ҳисбот	2022 ҳисбот	+/-	2021 ҳисбот	2022 ҳисбот	↑↓
	Иқтисодий эркинлик индекси	58,3	55,7	-2,6	108	117	↓9
1.	Мулкчилик ҳуқуқи	57,8	31,6	-26,2	75	148	↓73
2.	Суд фаолияти самарадорлиги	50,8	13,1	-37,7	72	166	↓94
3.	Давлатнинг яхлитлиги	30,5	23,8	-6,7	137	150	↓13
4.	Солиқ юки	92,4	90,8	-1,6	23	27	↓4
5.	Давлат харажатлари	79,9	78,1	-1,8	64	67	↓3
6.	Фискал саломатлик	98,3	96,6	-1,7	14	12	↑2
7.	Бизнес эркинлиги	73,5	59,1	-14,4	53	100	↓47
8.	Мехнат бозори эркинлиги	61,2	48	-13,2	84	141	↓57
9.	Монетар эркинлик	60,3	61,6	1,3	172	165	↑7
10.	Савдо эркинлиги	55,4	75,6	20,2	163	64	↑99
11.	Инвестициялар эркинлиги	20	50	30	164	129	↑35
12.	Молиявий эркинлик	20	40	20	160	116	↑44

Юқоридаги жадвал маълумотларидан кўринади, Ўзбекистон Иқтисодий эркинлик индексининг 2022 йилги ҳисботида 55,7 балл тўплаб 117-ўринни эгаллаган бўлиб, бу 2021 йилги 108-ўриндан 9 поғонага пастлагани кўриш мумкин. Бу натижа Индексга кўра,

⁹Мерос жамғармасининг Иқтисодий эркинлик индеси ҳисботида келтирилган маълумотлар асосида тайёрланди.

мамлакатимизни иқтисодиёти асосан эркин бўлмаган давлатлар қаторида қолишига олиб келган. Осиё-тинч океани миңтақасида 39 та мамлакат орасида 25-ўринни эгаллади. 12 та индикаторнинг 4 тасида ижобий, 8 тасида салбий ўзгаришлар қайд этди.



З-расм. 2018-2022 йилларда мамлакатимизни Иқтисодий эркинлик индексидаги кўрсаткичлари¹⁰

Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистоннинг ўрни сўнгги беш йил давомида 35 поғонага ва баҳоси 4,2 баллга яхшиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида” ПФ-6003-сонли Фармонига кўра, Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индекси бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари белгиланган. Мазкур меъёрий ҳужжатга асосан 2030 йилга бориб мазкур индекс бўйича балимизни 82,3 га етказиш қайд этилган.

3-жадвал

Ўзбекистоннинг Иқтисодий эркинлик индекси бўйича самарадорликнинг энг муҳим кўрсаткичлари¹¹

№	Индикаторлар	2030	№	Индикаторлар	2030
1	Мулк ҳукуки	82,8	7	Бизнес эркинлиги	94,5
2	Давлат яхлитлиги	58,2	8	Мехнат эркинлиги	80,7
3	Суд фаолияти самарадорлиги	78,3	9	Пул-кредит эркинлиги	75,4
4	Солиқ юки	95,7	10	Савдо эркинлиги	73,6
5	Давлат харажатлари	89,4	11	Инвестиция эркинлиги	80,0
6	Фискал соғломлик	99,5	12	Молиявий эркинлик	80,0
Индекс бўйича					82,3

Ўзбекистоннинг 2010-2022 йилларда Иқтисодий эркинлик индексидаги иштироқи ва эришган кўрсаткичларини таҳлил қиласиган бўлсак, мунтазам равишда паст баҳоланиб келаётган (70 баллгача, индикатор бўйича иқтисодиётни асосан эркин даражасини таъминланмаётган) индикаторлар қўйидагилардан иборат:

- Мулкчилик ҳукуки (ўртacha 31,2 балл; 2022 йил 31,6 балл);
- Давлатнинг яхлитлиги (ўртacha 21,1 балл; 2022 йил 23,8 балл);
- Суд фаолияти самарадорлиги (ўртacha 34,9 балл; 2022 йил 13,1 балл);
- Бизнес эркинлиги (ўртacha 69,1 балл; 2022 йил 59,1 балл);

¹⁰ <https://www.heritage.org/index/explore>

¹¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги ПФ-6003-сонли Фармони ва Иқтисодий эркинлик индеси бўйича 2021 йилги ҳисоботда келтирилган маълумотлар асосида мувалиф томонидан тайёрланди.

- Мөхнат бозори эркинлиги (ўртача 58,4 балл; 2022 йил 48,0 балл);
- Монетар эркинлик (ўртача 62,1 балл; 2022 йил 61,6 балл);
- Инвестициялар эркинлиги (ўртача 22,0 балл; 2022 йил 50,0);
- Молиявий эркинлик (ўртача 13,8 балл; 2022 йил 40,0 балл).

Юқоридаги таҳлилий маълумотлардан кўринадики, 2022 йилдаги кўрсаткичлар ушбу индикаторлар бўйича охирги 13 йилги натижаларнинг ўртачаси билан солиштирганда, 6 та индикатор бўйича ҳолат ёмонлашган бўлиб, фақатгина инвестициялар эркинлиги ва молиявий эркинлик бўйича 2022 йилги натижалар ижобий кўринишга келган. Аммо умумий якуний ҳолат мазкур икки индикатор бўйича ҳам қониқарли эмас.

Иқтисодий эркинлик индексидаги мамлакатимизнинг паст кўрсаткичли мезонлар бўйича Индексдаги пешқадам мамлакатлар ҳамда мазкур мезонлар бўйича ўз кўрсаткичларини тез суръатлар билан яхшилаб бораётган мамлакатларнинг тажрибаси ва амалга ошираётган ислоҳотлари.

Иқтисодий эркинлик индекси ҳисоботларига кўра, индекс билан қамраб олинган дунё мамлакатларининг ўртача балли 2022 йилда 1,6 баллга пастлаган. Охирги 13 йиллик динамикани кузатсан индекс балли дунё бўйича ўртача 60 балл атрофида, яъни 59,4-61,6 баллар ўртасида 2,2 балли диапазонда тебраниб турганини кўришимиз мумкин (4-расм).



4-расм. 2010-2022 йилларда Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистон ва дунё мамлакатлари бўйича ўртача баллар¹²

Бугунги кунда дунё мамлакатлари ичида Иқтисодий эркинлик индекси мезонларига кўра, иқтисодиёти тўлиқ эркин бўлган давлатлар рейтингига кучли учлиқдан Сингапур, Швейцария ва Ирландия мамлакатлари ўрин олган (5-жадвал).

5-жадвал

2021-2022 йилги Иқтисодий эркинлик индекси ҳисоботларига кўра ТОП-10 давлатларнинг кўрсаткичлари¹³

T/p	Мамлакатлар номи	2021 йил ҳисоботи		2022 йил ҳисобот		Ўзгариш	
		ўрин	балл	ўрин	балл	ўрин	балл
1.	Сингапур	1	89,7	1	84,4	-	-5,3
2.	Швейцария	4	81,9	2	84,2	+2	+2,3
3.	Ирландия	5	81,4	3	82,0	+2	+0,6
4.	Янги Зеландия	2	83,9	4	80,6	-2	-3,3
5.	Люксембург	18	76,0	5	80,6	+13	+4,6
6.	Тайвань	6	78,6	6	80,1	-	+1,5
7.	Эстония	8	78,2	7	80,0	+1	+1,8
8.	Нидерландия	16	76,8	8	79,5	+8	+2,7

¹² <https://www.heritage.org/index/explore>

¹³ <https://www.heritage.org/index/explore>

9.	Финляндия	17	76,1	9	78,3	+8	+2,2
10.	Дания	10	77,8	10	78,0	-	+0,2
...
117.	Ўзбекистон	108	58,3	117	55,7	-9	-2,6
...

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Сингапур ҳар иккала йилги ҳисоботда ҳам рейтингга етакчилик қилаётган бўлса, Янги Зеландия 2021 йилги 2-ўриндан 2022 йилда 4-ўринга тушган, Швейцария аксинча 4-ўриндан 2-ўринга кўтарилиган, Ирландия ҳам 2 поғонага кўтарилиб 3-ўринга чиқсан.

6-жадвал

Иқтисодий эркинлик индексининг 2022 йилги ҳисоботида индекс индикаторлари бўйича юқори кўрсаткичга эришган давлатлар ва уларнинг баллари¹⁴

Индикатор	Давлат	балл	Индикатор	Давлат	балл
Мулкчилик ҳуқуки	Финляндия	100	Бизнес эркинлиги	Норвегия	91,4
	Норвегия	99,6		Люксембург	89,3
Давлатнинг яхлитлиги	Дания	99,5	Мехнат бозори эркинлиги	Микронезия	81,5
	Янги Зеландия	97,5		Австрия	78,4
Суд фаолияти самарадорлиги	Швейцария	98,0	Монетар эркинлик	Япония	87,1
	Финляндия	97,8		Португалия	86,8
Солик юки	БАА	100	Савдо эркинлиги	Сингапур;	95,0
	Бахрайн	99,9		Австралия	90,0
Давлат харажатлари	Гаити	97,0	Инвестициялар эркинлиги	Люксембург;	95,0
	Конго Д.Р.	95,7		Дания	90,0
Фискал саломатлик	Кувайт	99,7	Молиявий эркинлик	Австралия;	90,0
	Микронезия	99,5		Швейцария	90,0

Мулк ҳуқуқлари дунёдаги энг кучли ижро режимларидан бири томонидан ҳимояланган. Финляндия интеллектуал мулкни ҳимоя қилишга қаратилган қўплаб халқаро шартномаларга амал қиласди. Шартнома шартномалари қатъий бажарилади. Суд тизимиning сифати умуман юқори. Транспаренс Интернационал ташкилотининг 2020 йилги коррупцияни идрок этиш индексида сўровда қатнашган 180 мамлакат ичida 3-ўринни эгаллаган Финляндияда коррупция муҳим муаммо эмас.

Сиёсатдаги ҳалоллик коррупцияга қарши курашнинг қалитидир ва бу ҳолатда Дания яна бир бор етакчилик қиласди. Давлатнинг яхлитлиги индикатори бўйича юқори ижобий баҳо бу бевосита юқори даражадаги матбуот эркинлиги, давлат харажатлари тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиш, давлат амалдорлари учун ҳалоллик стандартлари ва мустақил суд тизимлари билан боғлиқ.

Лозаннадаги Федерал Суди Федерал Ассамблея томонидан олти йиллик муддатга тайинланган 30 нафар доимий аъзодан иборат. 2000 йилгача суд кантон ёки федерал ҳукумат иштирок этган кўпгина ишларда дастлабки ва якуний юрисдикцияга эга эди ва кўп турдаги ишлар бўйича энг юқори апелляция суди эди. 2000 йилда амалга оширилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари федерал жиноий суд ва суд ваколатига эга бўлган федерал маъмурий органларни яратиш орқали Федерал суднинг иш юкини қисқартириди. Энди Федерал суд соғ апелляция суди сифатида мавжуд.

Ҳар бир кантон ўзининг кантон судларига эга. Туман судлари 3-5 аъзодан иборат бўлиб, унчалик катта бўлмаган жиноий ва фуқаролик ишларини кўради. Ҳар бир кантонда апелляция суди ва кассация суди мавжуд бўлиб, уларнинг юрисдикцияси суд жараёнларини кўриб чиқиш билан чекланган. 1942 йилда ўлим жазоси бекор қилинди. Кичик ишларни

¹⁴ <https://www.heritage.org/index/explore>

битта судья, оғир ишларни судьялар ҳайъати, қотиллик ва бошқа оғир жиноятларни эса жамоат судьяси кўради.

Суд ҳокимияти мустақил ва ҳокимиятнинг бошқа тармоқлари аралашувидан холи. Суд жараёнлари адолатли, суд жараёни самарали. Суд тизими одат ҳуқуқи таъсир кўрсатадиган фуқаролик ҳуқуқига асосланади. Швейцария Халқаро Суднинг мажбурий юрисдикциясини қабул қиласди.

7-жадвал

2021-2022 йилги Иқтисодий эркинлик индекси ҳисоботларига кўра МДҲ давлатлари кўрсаткичлари¹⁵

Т/р	Мамлакатлар номи	2021 йил ҳисобот		2022 йил ҳисобот		Ўзгариш	
		ўрин	балл	ўрин	балл	ўрин	балл
1.	Арманистон	32	71,9	58	65,3	-26	-6,6
2.	Қозогистон	34	71,1	64	64,4	-30	-6,7
3.	Озарбайжон	38	70,1	75	61,6	-37	-8,5
4.	Молдова	85	62,5	78	61,3	-7	-1,2
5.	Россия	92	61,5	113	56,1	-21	-5,4
6.	Қиргизистон	78	63,7	116	55,8	-38	-7,9
7.	Ўзбекистон	108	58,3	117	55,7	-9	-2,6
8.	Беларусь	95	61	135	53	-40	-8
9.	Тоҷикистон	134	55,2	147	49,7	-13	-5,5
10.	Туркманистон	167	47,4	165	46,2	+2	-1,2

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Мамлакатимизнинг Иқтисодий эркинлик индексидаги паст кўрсаткичли субиндикаторлар бўйича мамлакат соҳа-тармоқларидағи тизимли хатоликларни бартараф этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш амалиёти:

Мамлакатда иқтисодий эркинлик даражасини ошириш, барча ҳўжалик субъектлари, жумладан, тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий фаолияти учун самарали тизимни ташкил қилиш бугунги ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар режаларига мувофиқ келишини, шунингдек, 2022-2026 йилларга мўлжалланган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да белгиланган устувор вазифаларни самарали амалга ошириш, 2030 йилгача амалга оширилиши режалаштирилган ислоҳотлар режалари ва давлат дастурларининг мақсади ва долзарблиги билан ўлчанади.

Ушбу йўналишда қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, иқтисодий эркинлик ва тадбиркорлик муҳитини яхшилашнинг ҳуқуқий асосларини яратишга ҳамда мазкур йўналишдаги ислоҳотларни амалга оширишнинг долзарблигини кўрсатади.

Жумладан, “Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори (21.04.2021 йилдаги ПҚ-5087-сон), “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон), “Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони (02.06.2020 йилдаги ПФ-6003-сон) мамлакатда иқтисодий эркинлик даражасини ошириш, Иқтисодий эркинлик индексидаги халқаро кўрсаткичларни яхшилашнинг бугунги кундаги аҳамиятини билдиради.

“2022-2030 йилларга мўлжалланган Иқтисодий эркинлик индексида Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш стратегияси” лойиҳаси Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичларини яхшилашнинг ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган, илмий-тадқиқотлар асосида ишлаб чиқиладиган комплекс чора-тадбирлар режасини ташкил қиласди.

Хуроса ва таклифлар

Стратегияни муваффақиятли бажарилишини таъминлаш, белгиланган вазифалар ва чора-тадбирларни самарали амалга оширишда, қуийидаги асосий қоидаларни белгилаш муҳим аҳамиятга эга:

¹⁵ <https://www.heritage.org/index/explore>

✓ Мазкур стратегияда белгиланадиган вазифаларни амалга ошириш узоқ муддатли жараён бўлиб, кенг қўламли ва давомли тадқиқотлар ўтказишни тақозо этади. Шу сабабли, стратегияни босқичларга ажратган ҳолда, вазифаларни кетма-кетлик асосида амалга ошириш билан узоқ муддатли вазифаларни нисбатан қисқа муддатда бажаришга эришиш ҳамда вақт жихатидан самарадорликка эришиш мақсадга мувофиқ;

✓ Индекс таркибидаги мунтазам паст кўрсаткични қайд этаётган индикаторларни таҳлил қилишда сабаб-оқибат боғлиқликларини ўрганишга аҳамият қаратиш, бугунги кундаги мавжуд тизимли хатоликлар аниқланиб, уларнинг ечимлари бўйича таклифлар пакетини тайёрлаш;

✓ Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги индикаторлар, мамлакат иқтисодиётининг кўп соҳаларини қамраб олишини инобатга олган ҳолда, стратегияда белгиланган вазифаларни бажаришда тегишли давлат ташкилотларини жалб қилган ҳолда ўзаро ишларни самарали ташкил қилиш механизми шакллантириш зарур;

Умуман олганда Стратегиянинг асосий мақсади Ўзбекистоннинг 2022-2030 йилларда Иқтисодий эркинлик индексидаги ўрнини яхшилаш ҳамда дунё мамлакатлари орасида мавқеини оширишдан иборат. Хусусан, дунёдаги ва минтақадаги мамлакатлар орасида эркин иқтисодиётга эга мамлакатлар сафидан жой олишига эришиш ҳисобланади.

Стратегияда қўйилган мақсад ва вазифаларнинг бажарилиши, кетма-кетлиги ва илмий тадқиқот йўналишлари жихатидан қўйидагича умумлаштириш мумкин:

- Иқтисодий эркинлик индекси таркибидаги мунтазам паст кўрсаткичли индикаторлар ва субиндикаторларни аниқлаш, уларнинг жорий ҳолатини ўрганиш натижасида Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари орасидаги ўрнини баҳолаш;
- мунтазам паст кўрсаткични қайд этаётган индикаторларга таъсир қиласиган омилларнинг сабаб-оқибат боғлиқликларини тадқиқ этиш. Ушбу индикаторларнинг нисбатан паст кўрсаткичда қолаётганлигининг сабаблари ва келтирадиган оқибатлари ўрганилади;
- индекс таркибидаги паст баҳоланаётган кўрсаткичлар билан боғлиқ тизимли хатоликлар ва мавжуд муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- тизимли хатоликларни бартараф этиш учун илмий тадқиқотга асосланган ечимлар ва таклифларни ишлаб чиқиши;
- ечимлар ва таклифлар билан боғлиқ равишда юзага келадиган хатарларни баҳолаш. Бунда мавжуд хатарлардан ижобий ва салбий таъсирларга эга бўладиган тарафлар аниқланиб, уларнинг манфаатлари нуқтаи назардан ҳамма учун фойдали ечимларни шакллантиришга ёътибор қаратилади;
- индекс кўрсаткичларини яхшилашда тегишли ташкилотлар билан ишлашнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида тизимли ишлаш механизмини шакллантириш. Бунда ҳар бир ташкилот ўзига тегишли соҳа ва йўналиш бўйича маълумотларни шакллантириш ва тадқиқот ишларини олиб боришни йўлга қўяди;
- Стратегиянинг ҳар бир босқичида амалга оширилаётган ишларнинг мониторинг ва назоратини олиб бориш. Ҳар бир босқичда амалга оширилган ишларнинг сифатини баҳолаш, вақт билан боғлиқ чекловларни инобатга олиб, вазифаларнинг ўз вақтида бажарилиши юзасидан доимий мониторинг йўлга қўйилади ва уларнинг назорати юритилади;
- Иқтисодий эркинлик индексидаги кўрсаткичларни кўзланган даражага олиб чиқишида олинган тажриба ва билимларни ривожлантириш ҳамда индекс кўрсаткичларини узлуксиз яхшилаш бўйича тизимли ишлаш жараёнини такомиллаштириш. 2030-йилгача қўйилган мақсадларга мувофиқ, эришилган индекс кўрсаткичларини давомли ошириб бориш бўйича ишлар давом эттирилади. Қўйилган мақсадлардан паст кўрсаткични қайд этган индикаторлар бўйича ишлаш тизими такомиллаштириб борилади. 2030 йилдан кейинги даврда индекс кўрсаткичларини янада ошириб бориш бўйича янги режалар ва чора-тадбирларнинг йўл харитаси ишлаб чиқилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 25 декабрдаги «Инвестициялар ва инвестиция фаолияти тўғрисида» ги ЎРҚ-598-сон Қонуни. <https://lex.uz/docs/4664142>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4210-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/4215422>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 7 мартағи «Халқаро рейтинг ва индексларда Ўзбекистон Республикасининг ўрнини яхшилашга оид чоратадбирларни тизимлаштириш тұғрисида»ги ПФ-5687-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4230916>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинг ва индекслардаги ўрнини яхшилаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотларида улар билан тизимли ишлашнинг янги механизмини жорий қилиш тұғрисида»ги ПФ-6003-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4838762>

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 18 майдаги «Халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлашда илмий салоҳият ҳамда амалий фаолият үйфунлигини таъминлаш чора-тадбирлари тұғрисида»ги ПҚ-246-сон Қарори. <https://lex.uz/docs/6026692>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022-2026 йилларга мүлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тұғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

7. Балдин К.В., Быстров О.Ф., Передеряев И.И., Соколов М.М. Инвестиции: Системный анализ и управление / Под ред. Проф. К.В. Балдина. - 2-е изд. - М.:Издательско-торговая корпорация «Дашков и Ко», 2007.-16 с.

8. Мустафакулов Ш.И. Ўзбекистонда инвестицион мұхит жозибадорлигини оширишнинг илмий-услубий масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун тайёрган диссертация. Т.: 2017. – 46 б.

9. Маматов Б.С., Хужамкулов Д.Ю., Нурбеков О.Ш. Инвестицияларни ташкил этиш ва молиялаштириш. Дарслик. Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 137 б.

10. Финансово-кредитный словарь/Под редакцией Дьяченко В.П.-М.: Финансы, 1964. – С. 295

O'zbekistonning Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan savdo aloqalarining rivojlanish yo'nalishlari

Voxidova Mehri Xasanovna

Toshkent davlat sharqshunoslik universiteti dotsenti v.b., iqtisodiyot fanlari

bo'yicha falsafa doktori.

mehrivoxidova@gmail.com

998936617246

Annotatsiya. Ushbu ilmiy maqolada O'zbekistonning 2000-2021 yillarda Markaziy Osiyo (MO) mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasi regression-korrelyatsion tahlil qilingan bo'lib, unda O'zbekistonning Markaziy Osiyo har bir mamlakati bilan savdo aylanmasining mamlakat tashqi savdo aylanmasiga ta'siri o'rganilgan. Tahlil natijalariga ko'ra, O'zbekistonning Qozog'iston, Qirg'iziston va Turkmaniston bilan tashqi savdo aloqalarini rivojlantirish istiqbolli ekani aniqlangan. Muallif tomonidan ushbu mamlakatlar bilan savdo hajmini oshirish bo'yicha yo'nalishli takliflar berilgan.

Kalit so'zlar: Markaziy Osiyo (MO), O'zbekiston, eksport, import, savdo hajmi, tashqi savdo aylanmasi, kooperatsiya.

Abstract. In this scientific article, the foreign trade turnover of Uzbekistan with the countries of Central Asia (CA) in 2000-2021 was analyzed by regression-correlation, in which the influence of the trade turnover of Uzbekistan with each country of Central Asia on the country's foreign trade turnover was studied. According to the results of the analysis, it was determined that the development of foreign trade relations of Uzbekistan with Kazakhstan, Kyrgyzstan and Turkmenistan is promising. The author has given directional suggestions for increasing the volume of trade with these countries.

Key words: Central Asia (CA), Uzbekistan, export, import, trade volume, foreign trade turnover, cooperation.

Аннотация. В данной научной статье внешнеторговый оборот Узбекистана со странами Центральной Азии (СО) в 2000-2021 гг. проанализирован регрессионно-корреляционным методом, в котором изучено влияние товарооборота Узбекистана с каждой страной Центральной Азии на изучался внешнеторговый оборот. По результатам анализа определена перспективность развития внешнеторговых отношений Узбекистана с Казахстаном, Кыргызстаном и Туркменистаном. Автор дал направленные предложения по увеличению объема торговли с этими странами.

Ключевые слова: Средняя Азия (МО), Узбекистан, экспорт, импорт, объем торговли, внешнеторговый оборот, сотрудничество.

Kirish

2016 yildan keyin O'zbekiston tashqi iqtisodiy siyosatining takomillashishi natijasida uning Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan ham savdo aloqalari rivojlonib bormoqda. Jumladan, O'zbekistonning yirik 5 ta eksport hamkorlarining 2 tasi (Qozog'iston-11%, Qirg'iziston-8,2 % ulushga ega), import hamkorlarining 1 tasi (Qozog'iston-11% ulushga ega) ushbu mamlakatlardir. Mamlakat Markaziy Osiyo mamlakatlarining barchasi bilan aktiv savdo aylanmasiga ega.

Jumladan, 2021 yilda O'zbekiston va Qozog'iston o'rtaсидаги ikki tomonlama savdo hajmi 3,9 mlrd dollarni tashkil qilgan bo'lsa (2020 yilga nisbatan 30,4 foizga ko'p), 2022 yil yanvar yoyaborda - 4,2 mlrd dollar (+18,8%): eksport - 1,27 mlrd dollar (+20,2%), import - 2,93 mlrd dollar (+18,1%)ga yetdi.

Eksportning asosiy pozitsiyalari: transport vositalari (27,8%), oziq-ovqat tovarlari (19,1%), xizmatlar (14%), plastmassa va undan yasalgan buyumlar (5%), to'qimachilik mahsulotlari (4,5%), qora metallar (4,2%) va boshqalar.

Import: un mahsulotlari (27,3%), qora metallar ulardan yasalgan mahsulotlar (17,8%), energiya mahsulotlari (10,5%), ruda va shlak (12,7%), qurilish materiallari (5%), transport vositalari (4,6%) va boshqalar.

O'zbekistonning Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan umumiy hisobda 7 mlrd AQSH dollariga teng o'zaro savdosining 60 foizi Qozog'istonga to'g'ri keladi. Ayni paytda O'zbekiston va Qozog'iston o'rtaisdagi o'zaro savdo Markaziy Osiyodagi hududiy ichki savdoning 25 foizini tashkil qiladi (16,5 mlrd) [1].

O'zbekiston Qirg'iziston bilan ham ikki tomonlama kelishuvlar, SHHT va MDH doirasida savdo-iqtisodiy munosabatlarini olib boradi. 2016 yildan 2020 yilgacha bo'lgan davrda O'zbekistonning Qirg'iziston bilan tovar aylanmasi 3,5 barobar o'sib, 903 million dollarga yetdi [2]. 2021 yil yakunlari bo'yicha O'zbekiston va Qirg'iziston o'rtaisdagi tovar ayirboshlash hajmi 953,5 million dollardan, 2022 yil birinchi yarmida esa 590 million dollardan oshdi [3].

O'zbekistonda qirg'iz sarmoyasi ishtirokidagi 187 ta korxona bor (ular soni 2016 yilda 49 ta bo'lgan), shulardan 98 tasi qo'shma korxona hisoblanadi. Shu bilan birgalikda, energetika, yengil sanoat, farmatsevtika, avtomobilsozlik, qurilish materiallari va qishloq xo'jaligi mahsulotlari ishlab chiqarish sohalarida qo'shma loyihibar sonini ko'paytirish istiqbollari mavjud.

O'zbekiston savdo salohiyati uchun foydali bo'lgan "Xitoy - Qirg'iziston - O'zbekiston" transport koridorining imkoniyatlari juda baland. U mamlakatga dengizga va Janubiy-Sharqiy Osiyo mamlakatlariga chiqish imkonini beradi.

2021 yilda O'zbekiston va Tojikiston o'rtaisdagi tovar ayirboshlash hajmi 22,6 foizga oshib, 604,5 million dollarni tashkil etgan bo'lsa, Tojikistonga eksport hajmi 23,6 foizga oshib, 500,9 million dollarni, import 17,7 foizga oshib, 103,6 million dollarni tashkil etdi. Pandemiya davrida Tojikiston bilan tovar ayirboshlash hajmi kamaymadi va bir oz bo'lsada, 2019 yildagi 480,5 million dollardan 2020 yilda 493,1 million dollargacha 2,7 foizga oshganini ko'rsatdi [4].

2021 yilda O'zbekiston va Turkmaniston o'rtaisdagi ikki tomonlama savdo hajmi 902,0 mln dollarni tashkil etib, 2020 yilga nisbatan 67,6%ga o'sdi. Shu bilan birga, 2022 yil yanvar-may oylarida mamlakatlar o'rtaisdagi tovar ayirboshlash hajmi 322,6 mln dollarni tashkil etdi va 2021 yilning shu davriga nisbatan 1,2%ga oshdi.

O'zbekiston Respublikasi 2021 yilda dunyoning 182 davlati bilan savdo aloqalarini amalga oshirdi. O'zbekiston tashqi savdosida Turkmanistonning ulushi umumiy savdo aylanmasida - 2,1%, eksportda - 1,2% va importda - 2,8%ni tashkil etdi.

2021 yil ma'lumotlariga ko'ra, O'zbekistonda Turmaniston kapitali ishtirokida 173 ta korxona[5] faoliyat olib boradi. Ikki mamlakat o'rtaida chegaraviy savdoni rivojlantirish bo'yicha kelishuv imzolangan.

Markaziy Osiyodagi har bir mamlakat O'zbekiston tashqi savdo aylanmasida o'ziga xos salohiyatga ega. Ushbu mamlakatlar etnik tarkibining bir-biriga o'xshashligi o'zaro savdo imkoniyatlarini oshirsa, Qozog'iston, Qirg'iziston va Tojikistonning JSTga a'zo ekanligi hamda O'zbekiston va Turkmanistonning a'zo emasligi savdo munosabatlarini murakkablashtiradi.

Ushbu maqolaning maqsadi ham O'zbekiston tashqi savdo aylanmasiga Markaziy Osiyo mamlakatlari bilan savdo aylanmasining ta'sirini aniqlangan holda, o'zaro hamkorlikning istiqbolli yo'nalishlari bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqishdir.

Mavzuning o'rganilganlik darajasi

Markaziy Osiyo mamlakatlarining savdo-iqtisodiy hamkorligi hudud olimlari va boshqa yirik xorijiy olimlar tomonidan ham samarali o'rganilgan.

Uuriintuya Batsaikhan, Marek Dombrovskiy tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda Markaziy Osiyo mamlakatlarining tarixi, geografiyasi va gosiyosati, savdo-iqtisodiy yo'nalishdagi integratsiyasi, mamlakatlarda olib borilgan islohotlar va ijtimoiy-iqtisodiy ko'rsatkichlari tahlil qilinadi.

Tahlillar natijasida Markaziy Osiyo mamlakatlari tabiiy resurslariga boy bo'lishiga qaramasdan, hali-hanuz sotsealistik rejimning qoldiqlarini iqtisodiy hamda siyosiy yo'nalishlarda namoyon etishini ko'rsatib beradi.

Maqola keng qamrovli bo'lib, Markaziy Osiyo mamlakatlarining siyosiy-iqtisodiy holatini ko'rsatib beradi. Hudud mamlakatlarining xalqaro tashkilotlar va boshqa mamlakatlar bilan aloqalarini tahlil qiladi, ammo Markaziy Osiyo davlatlarining o'zaro savdo-iqtisodiy hamkorligi va ularning istiqbollariga e'tibor qaratilmaydi [6].

Lyu TSzyunbysya tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda[7] Markaziy Osiyodagi energetik diplomatiya to'g'risida so'z boradi. Xalqaro investitsiyalar orqali tashqi energiya bozorlaridan foydalanish energiya xavfini bartaraf etish va energiya manbalarini taqsimlashni optimallashtirishning muhim strategiyasiga aylandi. Muhim jug'rofiy joylashuvi va turli xil boy energiya manbalari bilan Markaziy Osiyo xalqaro hamjamiyat e'tiborini jalb qildi va xorijiy

investitsiyalarni jalb qilish joyiga aylandi. Biroq, korruptsiya xavfi, xususan energetika sohasidagi xorijiy sarmoyadorlar uchun katta muammo hisoblanadi. Respondent sifatida Markaziy Osiyoning besh mamlakati bilan bo'lgan xalqaro investitsiyalar arbitrajidagi korruptsiyaning ulushi energetika sohasida 75% gacha. Bunday vaziyatlarda sarmoya kiritish uchun joy sifatida Markaziy Osiyonni tanlash resurslarni talab qiladigan investitsiyalarni yaratish uchun ham imkoniyatlar, ham tavakkallarni ko'rib chiqqandan so'ng qabul qilingan qarordir. Ushbu fonda ushbu hujjat davlat boshqaruvi organlari, siyosatchilar va xorijiy investorlarga siyosiy ta'sir ko'rsatishga mo'ljallangan. Ikki tomonlama sarmoyaviy bitimlarga o'zgartirishlar kiritish, Markaziy Osiyo mamlakatlari uchun huquqiy bazani yaratish, investitsiyalarni rag'batlantirish choralarini ko'rish, investorlarning o'zini o'zi boshqarish va o'zini o'zi himoya qilish, investitsiya kafolatlari tizimini kuchaytirish taklif etiladi.

Xitoy olimlari tomonidan keltirilgan ushbu xulosani boshqa ko'plab olimlar ilmiy tadqiqoti natijasida ham uchratishimiz mumkin. Mintaqaga mamlakatlarining nafaqat, energetika sohasida, balki boshqa ko'plab, savdo, iqtisodiy, tranzit, bojxona va chegara soliqlari bo'yicha ham hamkorligi 21 asrda Markaziy Osiyo mamlakatlari oldida turgan muhim muammolardan biri hisoblanadi.

Valyuta kurslarining o'zgaruvchanligi kapital bozori narxlari bilan chambarchas bog'liq va import-eksport hamda real iqtisodiyotga xorijiy investitsiyalar hajmiga ham ta'sir qiladi. Xuping Ma, Jun Wang, Xiaolei Sun[8] tomonidan olib borilgan tadqiqotlarda VAR indeksiga asoslangan yondashuvni qo'llagan holda, bir necha marshrutli yo'l bosib o'tgan davlatlar o'rtasidagi almashinuv kurslarining o'zgarishi xavfini o'rganildi.

Markaziy Osiyo valyuta bozorlaridagi ichki o'zaro ta'sir kuchsiz, Qirg'iziston valyutasi esa butun mintaqada muhim rol o'ynashi keltirib o'tiladi. SHu o'rinda Qirg'izistonning Jahon savdo tashkilotiga ega ekanligi ham nazarda tutiladi. Ammo Qozog'iston hamda O'zbekiston singari mintaqaga tashki savdo aylanmasida muhim ahamiyat kasb etadigan mamlakatlarning o'rni inobatga olinmaydi.

Materiallar va metodlar

1-jadval. O'zbekistonning Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston va Turkmaniston bilan 2000-2021 yillardagi savdo aylanmasi hajmi (mln. AQSH dollarri) [9]

Yillar	O'zbekistonning tashqi savdo aylanmasi	O'zbekiston-Qozog'iston	O'zbekiston-Qirg'iziston	O'zbekiston-Tojikiston	O'zbekiston-Turkmaniston
2000	6 212,1	53,9	156,8	284	387,5
2001	6 307,3	224,3	108,8	238	berilmagan
2002	5 700,4	78,7	81,9	205	berilmagan
2003	6 689,2	229,9	50,2	200	berilmagan
2004	8 669,0	409	57	235	berilmagan
2005	9 500,1	476	71,5	218	berilmagan
2006	11 171,4	679	58,5	243	berilmagan
2007	15 719,6	1 367	194,7	301	berilmagan
2008	21 197,3	1 742	141	229	berilmagan
2009	21 209,6	1 158	140,9	198	berilmagan
2010	22 199,2	1 539	126,6	81	berilmagan
2011	26 365,9	1 911	201,4	69,4	berilmagan
2012	26 416,1	2 103	0	62	berilmagan
2013	28 269,6	2 074	251,4	12,1	berilmagan
2014	27 530,0	2 060	265	12,8	373,9
2015	24 924,2	1 629	151,5	12	278,7
2016	24 232,2	1 490	193,1	67,3	183
2017	26 566,1	2 243	322	76,5	151,5

2018	33 429,9	2 870	511	295	254,2
2019	41 751,0	3 170	775	376	426,5
2020	36 256,1	2 890	912	401,2	439
2021	42 170,5	3 740	934	428,1	784,6

Tadqiqot natijalarini hisoblash 1-jadval ma'lumotlariga muvofiq olib boriladi. Unga ko'ra, O'zbekistonning Qozog'iston, Qirg'iziston, Tojikiston va Turkmaniston bilan tovar aylanmasining O'zbekiston umumiy tovar aylanmasiga ta'siri 2000-2021 yillar bo'yicha regression-korrelyatsion tahlil qilinadi.

Tahlil natijalariga ko'ra, Markaziy Osiyo mamlakatlarining qaysi biri bilan savdo aloqalarning rivojlanishi O'zbekiston tashqi savdo aylanmasining ortishiga olib kelsa, u bilan hamkorlikni va savdo-iqtisodiy aloqalarni rivojlantirish bo'yicha tavsiyalar ishlab chiqiladi.

Tahlil va natijalar

2-jadval. Regressiya tengliklari

	Regression line equation $\hat{Y} = 5035.5438 + 10.5955X$
O'zbekiston-Qozog'iston	$\hat{Y} = 12021.9179 + 35.2363X$
O'zbekiston-Qirg'iziston	$\hat{Y} = 19624.7752 + 9.601X$
O'zbekiston-Tojikiston	$\hat{Y} = 21718.5266 + 28.7481X$
O'zbekiston-Turkmaniston	

Reporting linear regression in APA style
 X predicted Y, R² = .97, F(1,20) = 607.5, p < .001.
 $\beta = 10.6$, p < .001, $\alpha = 5035.54$, p < .001, $\beta = 10.6$, p < .001, $\alpha = 5036.14$, p < .001.
 X predicted Y, R² = .68, F(1,20) = 42.65, p < .001.
 $\beta = 35.24$, p < .001, $\alpha = 12021.92$, p < .001.
 $R^2 = .011$, F(1,20) = 0.23, p = .635.
 $\beta = 9.6$, p = .635, $\alpha = 19624.78$, p < .001.
 X predicted Y, R² = .62, F(1,6) = 9.81, p = .020.
 $\beta = 28.75$, p = .020, $\alpha = 21718.53$, p = .001.

O'zbekiston-Qozog'iston savdo aloqalari korrelyatsiyasi

Source	DF	Sum of Square	Mean Square	F Statistic (df1,df2)	P-value
Regression (between \hat{Y} and \bar{Y})	1	2667429130	2667429130	607.5041 (1,20)	2.22e-16
Residual (between Y_i and \hat{Y}_i)	20	87816007.87	4390800.393		
Total (between Y_i and \bar{Y})	21	2755245137	131202149.4		

1. Y va X munosabatlari

R-kvadrat (R²) 0,9681 ga teng. Demak, Y ning o'zgaruvchanligining 96,8% X bilan izohlanadi.

Korrelyatsiya (R) 0,9839 ga teng. Bu shuni anglatadiki, X va Y o'rtasida juda kuchli to'g'ridan-to'g'ri aloqa mavjud.

Nishab: $b_1 = 10,5955$ CI[9,6988, 11,4923] X ni 1 ga oshirganingizda, Y qiymati 10,5955 ga oshishini bildiradi.

y-kesishmasi: $b_0 = 5035.5438$ CI[3360.8867, 6710.2008] X 0 ga teng bo'lganda Y qiymatining bashorati 5035.5438 ekanligini bildiradi.

X-kesishmasi -475,2511 ga teng.

2. Muvofiqligi

Umumiy regressiya: o'ng dumli, F (1,20) = 607,5041, p-qiymati = 2,22e-16. P-qiymati < a (0,05) bo'lgani uchun biz H₀ ni rad etamiz.

Chiziqli regressiya modeli, $Y = b_0 + b_1X + e$, mustaqil o'zgaruvchisiz modelga qaraganda yaxshiroq moslikni ta'minlaydi, natijada $Y = b_0 + e$.

Nishab (b_1): ikki dumli, T(20)=24,6476, p-qiymati = 2,22e-16. Bitta bashoratchi uchun u umumiy model uchun p-qiymati bilan bir xil.

Y-kesish (b_0): ikki dumli, T(20) = 6,2723, p-qiymati = 0,000004003. Demak, b_0 noldan sezilarli farq qiladi.

3. Qoldiq normallik

Chiziqli regressiya modeli qoldiq xatolar uchun normallikni qabul qiladi. Shapiro-Wilk p-qiymati 0,6611 ga teng. Ma'lumotlar normal taqsimlangan deb taxmin qilinadi,

O'zbekiston-Qirg'iziston savdo aloqalari korrelyatsiyasi

Source	DF	Sum of Square	Mean Square	F Statistic (df1,df2)	P-value
Regression (between \hat{y}_i and \bar{y})	1	1875615433	1875615433	42.6456 (1,20)	0.000002302
Residual (between y_i and \hat{y}_i)	20	879629704.4	43981485.22		
Total (between y_i and \bar{y})	21	2755245137	131202149.4		

1. Y va X munosabatlari

R-kvadrat (R^2) 0,6807 ga teng. Demak, Y ning o'zgaruvchanligining 68,1% X bilan izohlanadi.

Korrelyatsiya (R) 0,8251 ga teng. Bu shuni anglatadiki, X va Y o'rtasida juda kuchli to'g'ridan-to'g'ri aloqa mavjud.

Nishab: $b_1=35,2363$ CI[23,9809, 46,4917] X ni 1 ga oshirsangiz, Y qiymati 35,2363 ga oshadi.

y -kesishmasi: $b_0=12021.9179$ CI[7800.6204, 16243.2154] X 0 ga teng bo'lganda Y qiymatining bashorati 12021.9179 ekanligini bildiradi.

X-kesishmasi -341,18 ga teng.

2. Muvofiqligi

Umumiy regressiya: o'ng dumli, $F(1,20) = 42,6456$, p-qiymati = 0,000002302. P-qiymati $< a(0,05)$ bo'lgani uchun biz H_0 ni rad etamiz.

Chiziqli regressiya modeli, $Y = b_0 + b_1X + e$, mustaqil o'zgaruvchisiz modelga qaraganda yaxshiroq moslikni ta'minlaydi, natijada $Y = b_0 + e$.

Nishab (b_1): ikki dumli, $T(20)=6,5304$, p-qiymati = 0,000002302. Bitta bashoratchi uchun u umumiyl model uchun p-qiymati bilan bir xil.

y -kesishmasi (b_0): ikki dumli, $T(20) = 5,9407$, p-qiymati = 0,000008253. Demak, b_0 noldan sezilarli farq qiladi.

3. Qoldiq normallik

Chiziqli regressiya modeli qoldiq xatolar uchun normallikni qabul qiladi. Shapiro-Wilk p-qiymati 0,01923 ga teng. Ma'lumotlar odatda taqsimlanmagan deb taxmin qilinadi, siz o'zgartirishni yoki kattaroq namunani olishni ko'rib chiqishingiz kerak. Bu natija ko'p hollarda ikki mamlakat o'rtaсидаги savdo aylanmasi dinamik ko'rinishga ega bo'lmaganda, o'rganilgan vaqt davomida ko'rsatkichlar tez-tez o'zgarganda yuzaga keladi.

O'zbekiston-Tojikiston savdo aloqalari korrelyatsiyasi

Y va X munosabatlari

R-kvadrat (R^2) 0,01149 ga teng. Demak, Y ning o'zgaruvchanligining 1,1% X bilan izohlanadi.

Korrelyatsiya (R) 0,1072 ga teng. Bu shuni anglatadiki, X va Y o'rtasida juda zaif to'g'ridan-to'g'ri aloqa mavjud.

Nishab: $b_1=9,601$ CI[-31,9434, 51,1453], X ni 1 ga oshirganingizda, Y qiymati 9,601 ga oshadi.

y -kesishmasi: $b_0=19624.7752$ CI[10078.4328, 29171.1176] X 0 ga teng bo'lganda Y qiymatining bashorati 19624.7752 ekanligini bildiradi.

X-kesishmasi -2044.0394 ga teng.

2. Muvofiqligi

Umumiy regressiya: o'ng dumli, $F(1,20) = 0,2324$, p-qiymati = 0,635. P-qiymati $\geq a(0,05)$ bo'lgani uchun biz H_0 ni qabul qilamiz.

Chiziqli regressiya modeli, $Y = b_0 + b_1X + e$, mustaqil o'zgaruvchisiz modelga qaraganda yaxshiroq moslikni ta'minlamaydi, natijada $Y = b_0 + e$.

Nishab (b_1): ikki dumli, $T(20)=0,4821$, p-qiymati = 0,635. Bitta bashoratchi uchun u umumiyl model uchun p-qiymati bilan bir xil.

y -kesishmasi (b_0): ikki dumli, $T(20) = 4,2882$, p-qiymati = 0,0003586. Demak, b_0 noldan sezilarli farq qiladi.

3. Qoldiq normallik

Chiziqli regressiya modeli qoldiq xatolar uchun normallikni qabul qiladi. Shapiro-Wilk p-qiymati 0,06909 ga teng. Ma'lumotlar odatda tarqatiladi deb taxmin qilinadi.

O'zbekiston-Turkmaniston savdo aloqalari korrelyatsiyasi

Source	DF	Sum of Square	Mean Square	F Statistic (df1,df2)	P-value
Regression (between \hat{y}_i and \bar{y})	1	234886346.5	234886346.5	9.8134 (1,6)	0.02026
Residual (between y_i and \hat{y}_i)	6	143611611.4	23935268.56		
Total (between y_i and \bar{y})	7	378497957.9	54071136.84		

1. Y va X munosabatlari

R-kvadrat (R^2) 0,6206 ga teng. Demak, Y ning o'zgaruvchanligining 62,1% X bilan izohlanadi.

Korrelyatsiya (R) 0,7878 ga teng. Bu X va Y o'rtaida kuchli to'g'ridan-to'g'ri bog'liqlik mavjudligini anglatadi.

Nishab: $b_1=28,7481$ CI[6,2929, 51,2034], X ni 1 ga oshirganingizda, Y qiymati 28,7481 ga oshadi.

Y-kesishmasi: $b_0=21718.5266$ CI[12566.3076, 30870.7456] X 0 ga teng bo'lganda Y qiymatining bashorati 21718.5266 ekanligini bildiradi.

X-kesishmasi -755,4767 ga teng.

2. Muvofiqligi

Umumiy regressiya: o'ng dumli, $F(1,6) = 9,8134$, p-qiymati = 0,02026. P-qiymati < a (0,05) bo'lgani uchun biz H_0 ni rad etamiz.

Chiziqli regressiya modeli, $Y = b_0 + b_1X + e$, mustaqil o'zgaruvchisiz modelga qaraganda yaxshiroq moslikni ta'minlaydi, natijada $Y = b_0 + e$.

Nishab (b_1): ikki dumli, $T(6)=3,1326$, p-qiymati = 0,02026. Bitta bashoratchi uchun umumiy model uchun p-qiymati bilan bir xil.

Y-kesishmasi (b_0): ikki dumli, $T(6) = 5,8066$, p-qiymati = 0,001145. Demak, b_0 noldan sezilarli farq qiladi.

3. Qoldiq normallik

Chiziqli regressiya modeli qoldiq xatolar uchun normallikni qabul qiladi. Shapiro-Wilk p-qiymati 0,6164 ga teng. Ma'lumotlar normal taqsimlangan deb taxmin qilinadi.

Ko'rib turganimizdek, korrelyatsiya koeffitsenti Qozog'istonning O'zbekiston savdo aylanmasi hajmiga tasiri 0,98, Qиргизистонни 0,82, Tojikistonni 0,10 (eng past), Turkmanistonniki 0,79 ni tashkil etdi. Demak, O'zbekistonning Qozog'iston, Qиргизистон va Turkmaniston bilan savdo aylanmasini oshirish mamlakat tashqi savdo aylanmasining ortishiga olib keladi. Keyingi bo'limda O'zbekistonning Qozog'iston, Qиргизистон, Tojikiston va Turkmaniston bilan eksport va import pozitsiyalarini tahlil qilish orqali kengroq natiajaga ega bo'lamiz.

Muhokamalar

Olib borilgan tahlillar shuni ko'rsatadiki, O'zbekiston Markaziy Osiyo mamlakatlariga transport vositalari, mineral yoqilg'i, trikotaj, kiyimlar, meva va sabzavotlar eksport qilsa, uning importi tarkibida mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar, tuz, oltingugurt, tuproq, tosh, gips, ohak va tsement, yorma, mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar ustunlik qiladi. O'zbekiston MO mamlakatlariga oziq-ovqat mahsulotlarining boshqa rozitsiyalari bo'yicha ham eksportni amalga oshiradi, ammo umumiy hisobda ularning narxi yuqori emasligi sababli, eksport hajmida yuqori ahamiyat kasb etmaydi.

O'zbekistonning savdo balansi manfiy sal'doga ega (2022 yil noyabrь bo'yicha eksport 1539,5 mln dollarni, import 2754 mln dollarni tashkil etgan). Buni MO mamlakatlari bilan tashqi savdo aylanmasida ham ko'rish mumkin. Masalan, birligina MO mamlakatlarining Tojikistondan tashqari barchasi bilan O'zbekiston manfiy sal'doga ega.

3-jadval. O'zbekistonning MO mamlakatlari bilan eksport va import tuzilmasi (2021 yil, mln. AQSH dollarida)

	Eksport (AQSH dollarida)	Import (AQSH dollarida)
O'zbekiston-Qozog'iston	Transport vositalari (325,06 mln), meva, yong'oq, qovun (112,77 mln), sabzavotlar (74,43 mln), plastmassa	Yorma (649 mln), temir va po'lat (474,3 mln), rudalar (347,21 mln), mineral yoqilg'ilar, moylar va

O'zbekiston-Qirg'iziston	(58,08 mln), mashina, yadro reaktorlari, kotellar (49,38 mln dollar) va boshqalar. Kiyim (187,48 mln), trikotaj va to'qilgan buyumlar (97,52 mln), boshqa tekstil buyumlari (33,66 mln), plastmassa (31,51 mln), sabzavotlar (28,95 mln) va boshqalar.	distillatorlar (288, 80 mln), temir yo'l va tramvaydan tashqari transport vositalari (119,95 mln) va boshqalar. mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar (44,11 mln), tuz, oltingugurt, tuproq, tosh, gips, ohak va tsement (33,03 mln), temir va po'lat (21,05 mln), mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar (8,65 mln), shisha va shisha idishlar (6,96 mln) va boshqalar.
O'zbekiston-Tojikiston	Mineral yoqilg'i (54,83 mln), oziq-ovqat sanoati chiqindilari (43,79 mln), o'qitlar (30,13 mln), plastmassa (17,69 mln), temir va po'lat (17,46 mln) va boshqalar.	tuz, oltingugurt, tuproq, tosh, gips, ohak va tsement (33,77 mln), mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar (22,99 mln), temir va po'lat (17,96 mln), alyuminiy (8,28 mln), paxta (5,62 mln) va boshqalar.
O'zbekiston-Turkmaniston	O'g'itlar (48,41 mln), tuz, tsement va gips (5,79 mln), meva, yong'oq va qovun (5,49 mln), hayvon, hayvon yog'lari (3,74 mln), tosh, gips va asbest (3,47 mln) va boshqalar.	mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar (633,54 mln), plastmassa (31,00 mln), shisha va shisha idishlar (7,76 mln), sun'iy iplar (2,08 mln), mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar (1,94 mln) va boshqalar.
O'zbekiston MO mamlakatlariga transport vositalari, meva va sabzavotlar, hayvon, hayvon yog'lari, temir va po'lat, oziq-ovqat sanoati chiqindilari, kiyim, trikotaj va tekstil buyumlarini eksport qiladi.		
MO mamlakatlaridan import tarkibida rudalar, mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar, yorma, mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar ustunlikka ega (3-jadval).		
<p>Buni bir necha omillar bilan asoslash mumkin:</p> <ul style="list-style-type: none"> - Mamlakatda mavjud mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlarning aholi ehtiyojlarini to'liq qoplamasligi va buning natijasida importga ehtiyojni keltirib chiqarishi; - mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar ishlab chiqarishning O'zbekistonda rivojlanmaganligi; - kimyo sanoatining modernizatsiyalanmagan tarmoqlarining saqlanib qolayotganligi va kimyo sanoatida innovatsiyalarni joriy etish zaruriyati. 		
<p>Xulosa va takliflar</p> <p>Olib borilgan tadqiqot natijasida quyidagi takliflar shakllantirildi:</p> <ul style="list-style-type: none"> - O'zbekiston tashqi savdo aylanmasining ortishidagi eng katta muammoning uning JSTga a'zo bo'limaganligida emas, balki ishlab chiqarishning modernizatsiya qilinishi keraklidadir. SHu sababli ham, kimyo sanoatining tarmoqlarini modernizatsiya qilish va ushbu yo'nalishga xorijiy investitsiyalarni jalb qilishni ham iqtisodiy-matematik tahlil qilish zaruriyati kelib chiqadi; - mashinalar, yadro reaktorlari va qozonxonalar ishlab chiqvarish imkoniyatini tahlil qilish zarur. Qirg'iziston va Turkmaniston bilan hamkorlikda ushbu mahsulotlarni ishlab chiqarishni yo'nga qo'yish mumkin; - Markaziy Osiyo mamlakatlarining eksport va import tovarlari tarkibi bir-biriga o'xshash. Shu sababli ham MO mamlakatlari o'rtaida sanoat kooperatsiyani rivojlantrish maqsadga muvofiq. Masalan, tuz, oltingugurt, tuproq, tosh, gips, ohak va tsement, plastmassa ishlab chiqarish jarayonida kooperatsini yo'nga qo'yish mumkin. Bu kooperatsiyaga kirgan tarmoq va sohalarning rivojlanishiga imkoniyat yaratadi; - Shuningdek, mamlakatlar o'rtaida transchegaraviy aloqalarni rivojlantrishga xizmat qiladigan transchegaraviy maxsus iqtisodiy zonalarni ham tashkil etish maqsadga muvofiq. Bunday turdagи zonalar savdo aloqalarni rivojlantrish bilan birga, savdo infratuzilmasining (transport va logistika) rivojlanishiga ham imkoniyat yaratadi [11]. - O'zbekistonning Turkmaniston bilan savdo aloqalarini rivojlantrish istiqbolli yo'nalish bo'lib hisoblanadi. O'zbekiston Turkmaniyaton bozoriga meva va sabzavotdan tashqari, boshqa oziq-ovqat mahsulotlari, kiyim va trikotaj mahsulotlari, o'g'itlar va boshqa kimyoviy mahsulotlar eksporti hajmini oshirish va tarkibini rivojlantrish imkonii mavjud. Mineral yoqilg'ilar, moylar va distillatorlar, plastmassa, shisha va shisha idishlar, neft tarkibidan olinadigan kimyo mahsulotlari importini oshirish O'zbekiston iqtisodiyoti uchun foydali bo'lishi mumkin. Sababi, Turkmaniston 		

kimyo sanoatiga jalb qilingan xorijiy investitsiyalar natijasida kimyo sanoati rivojlanish tendentsiyasini ko'rsatmoqda.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. <https://daryo.uz/k/2022/12/21/songgi-6-yilda-amalga-oshirilgan-13-dan-ortiq-ozaro-tashriflar-2-mlrd-dollardan-4-mlrd-dollargacha-osgan-ozaro-savdo-yildan-yilga-rivojlanayotgan-madaniy-gumanita>
2. <https://www.uzanalytics.com/xalqaromunosabat/9826/>
3. <https://sputniknews-uz.com/20220726/ozbekiston-va-qirgiziston-avtomobilsozlik-sohasidagi-qoshma-loyihalarni-kopaytirmoqchi-26543226.html>
4. Infografika: O'zbekistonning Tojikiston bilan savdosi.
<https://review.uz/oz/post/infografika-torgovlya-uzbekistana-s-tadjikistanom>
5. Опыт торгово-экономического сотрудничества Узбекистана и Туркменистана в современный период <https://www.uzdaily.uz/ru/post/70320>
6. Uuriintuya Batsaikhan, Marek Dabrowski (2017). Central Asia - Twenty-five Years After the USSR Breakup // Russian Journal of Economics, Volume 3, Issue 3, 2017, Pages 296-320, ISSN 2405-4739, <https://doi.org/10.1016/j.ruje.2017.09.005>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S2405473917300429>)
7. Liu Junxia (2019). Investments in the energy sector of Central Asia: Corruption Risk and Policy Implications // Energy Policy, Volume 133, 2019, 110912, ISSN 0301-4215, <https://doi.org/10.1016/j.enpol.2019.110912>. (<http://www.sciencedirect.com/science/article/pii/S0301421519304902>)

ХУДУДИЙ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАЛАРИДА САМАРАЛИ БОШҚАРУВНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Дўстмуҳаммад Ҳусан Усмон ўғли
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети “Молия” кафедраси доценти
E-mail: dostmuhammad.xusan@bk.ru

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги тизимидағи вилоят халқ таълими бошқармаларидағи бошқарув механизми таҳлил қилинган. Ундаги камчилик ва муаммолар ўрганилган ҳамда муаллиф томонидан бу борадаги илғор хорижий тажрибаларни инобатга олган ҳолда, бошқармада самарали бошқарув механизмини жорий этиш таклифи илгари сурилган.

Аннотация: В статье изложены результаты анализа механизмов управления областных управлений народного образования системы Министерства народного образования Республики Узбекистан. Определены недостатки в этой сфере, а также изучено передовой зарубежный опыт. Автором предложены обоснованные рекомендации по внедрению эффективных механизмов в областных управлениях.

Annotation: The article analyses the current management mechanisms in the regional boards of education of the system of the Ministry of Public Education of the Republic of Uzbekistan. The shortcomings of this sphere have been identified and the pertinent foreign experiences this regard have been researched. The author makes substantial recommendations to introduce effective management mechanism at these boards.

Калит сўзлар: Таълим тизими бошқаруви, стратегик менежмент, аналитик таҳлил, самарали бошқарув механизмлари, прогнозлаштириш, ҳудудий таълим бошқаруви органлари.

Кириш

Жаҳонда таълим энг ноёб капитал сифатида қадрланаётган бугунги шароитда «таълимнинг ҳамма босқичларида, таълим натижаларини баҳолаш самарадорлигини ошириш ва усулларини такомиллаштириш механизмларини жорий этиш орқали барча инсонлар учун уларнинг ҳёти давомида сифатли таълим олиш имкониятини яратишни долзарб вазифа қилиб қўймоқда»[1].

Бугунги кунда барча мамлакатлар, ҳаттоқи, энг тараққий этган давлатлар ҳам таълим тизимини ривожланишида алоҳида эътибор қаратиб, мазкур йўналиш кун тартибидаги энг долзарб вазифага айланиб қолмоқда.

Бизнинг малакатимизда ҳам таълим тизимини ривожлантириш стратегик мақсадларни бири сифатида қаратилади.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегиясининг ижтимоий соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларининг 4.4.-банди Таълим ва фан соҳасини ривожлантиришга бағишлиланган бўлиб, унда мактабгача таълимдан бошлаб олий таълим ва ундан кейинги таълимни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш вазифаси белгиланган[2].

Унда халқ таълими тизимидағи мактабгача таълим муассасаларидан тортиб умумий ўрта таълим муассасалари, мусиқа ва санъат таълим муассасалари ҳамда болалар спорти объектларини моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан мақсадли чора-тадбирларни кўриш, мактабгача таълим ва умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш,

ёшларимизни ҳар томонлама интеллектуал, эстетик ва жисмоний ривожланиши учун шарт-шароитларни тубдан яхшилаш каби долзарб вазифаларни амалга ошириш назарда тутилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Таниқли олимлар В.С.Лазарев, М.М.Поташник, В.П.Симонов, П.И.Третьяков, Т.И.Шамоваларнинг изланишларида таълим бошқарувининг илмий аппарати фан сифатида қаралган.

Уларнинг фикрича, таълим бошқаруви фанининг назарий-методологик асосини тизимли, функционал, синергетик, фаолиятли, вазиятли, рефлексив, миллий-худудий ва натижага асосланган ёндашувлар ташкил этади.

Олимлар томонидан таълим тизимини бошқариш моделларини ишлаб чиқиша қайсиdir ёндашувлар алоҳида қўлланилмасдан, уларнинг турли комбинациялари ишлатилади, чунки мазкур ёндашувларнинг ҳар бири таълим тизимидағи жараёнлар моҳиятини тушуниб етишда алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг муайян жиҳатини ёритишга ёрдам беради.

П.И.Третьяков раҳбарлигидаги олимлар жамоаси таълим тизимларини бошқаришга яна бир ёндашув – натижага кўра бошқаришни таклиф қилган. Мазкур ёндашишнинг асосий ғояси – ташкилот маълум натижаларга эришиш мақсадида бирлашган шахслардан иборат тартибланган тузилма. “Натижага кўра бошқариш” деб ташкилотнинг барча аъзолари томонидан белгиланган ва келишилган натижаларга эришишни таъминловчи бошқаришга айтилади. Бунда ташкилот раҳбари ва бўйсунувчи шахс муайян натижани белгилайди, бажарувчи эса мустақил равишда мазкур натижага эришиш учун зарур бўлган ресурсларни танлайди[3].

1992 йилда Дэвид Осборн ва Тед Геблер янги илмий асар яратиши: “Бошқарувни қайта ташкил этиш: тадбиркорлик руҳи давлат секторини қандай қилиб ўзгартиради?”

Ушбу асар асосида давлат бошқаруви тизимида менежментнинг янги илмий мактаби шаклланди - «Янги давлат маъмурчилиги» мактаби. Унда “Янги давлат маъмурчилиги” нинг 10 та тамойили ишлаб чиқилди. Мазкур 10 та тамойилдан бири қўйидагича:

Давлат бошқаруви органлари фаолиятида стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланишни жорий этиш[4].

Тадқиқотда таълим тизимини бошқаришда айнан ушбу тамойилдан қай даражада мақсадли фойдаланиш мумкин деган саволга асосли жавоб топишга ҳаракат қилинган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотни амалга оширишда эмперик усулдан фойдаланилган бўлиб, унда тизимли ёндашув, статистик кузатиш, таққослаш, эксперт интервью, қиёсий таҳлил каби методлар ишлатилган. Ҳудудий Ҳалқ таълими бошқармаларида статистик ва қиёсий таҳлил қилиш натижасида берилган илмий тавсиялар ва амалий таклифлар таълим тизимини ривожлантиришни янада такомиллаштириш, айниқса таълимни стратегик ривожлантириш, таълим сифатини ошириш ва уни назорат қилиш, бюджет мабалағларини иқтисод қилишга эришиш каби имкониятларни яратади.

Таҳлил ва натижалар

Бугунги кунда ҳудудий ҳалқ таълими бошқармаларида ҳам стратегик менежментдан фойдаланиш имкониятини ўрганиш мухим ҳисобланади.

Ҳудудий ҳалқ таълими бошқармаларидағи бошқарув фаолиятини таҳлил қиласиган бўлсак, унда қўйидаги камчиликларни кўришимиз мумкин:

1. Штат бирлигининг камлиги (иш ҳажмининг кўплиги ва аниқ тақсимотнинг йўқлиги);
2. Таълим сифатини ошириш уни назорат қилиб бориш билан шуғулланувчи бўлимнинг ёки штат бирлигининг йўқлиги;
3. Туман ва шаҳарларда таълим сифати ва мазмундорлигини ошириш бўйича стратегияни ишлаб чиқиш ва уни жорий этиш билан шуғулланувчи бўлимнинг йўқлиги;

4. Мактабдан ташқари таълим, ижтимоий ҳимоя, ўқувчиларни касбга йўналтириш, кадрлар масаласи билан шуғулланувчи бўлимлар ҳамда юрист штатининг йўқлиги.

Бошқарма бошлиғи

Бошлиқ ўринбосари

Умумий ўрта,
мактабгача таълим ва
дарсликлар бўлими 2 киши

Молиялаштириш,
бухгалтерия ҳисоби ва
моддий таъминлаш
бўлими 2-3 киши


Маънавий-ахлоқий
тарбия ва спорт бўйича
мутахассис 1 киши

1-расм. Вилоят халқ таълими бошқармасининг намунавий тузилмаси [5]

Бундан ташқари, Вилоят таълим бошқармалари ҳузурида вилоят методика марказлари ҳам фаолият юритади. Бошқарма айнан ушбу марказдаги ходимларни ҳам таълим бошқарувига жалб этиб туради. Марказда республика бўйича жами 196 та штат бирлиги мавжуд бўлиб, уларнинг сони ҳар бир вилоят бўйича фарқ қиласди ва бу фарқ ҳеч қандай мезонга тўғри келмайди. Яъни штат бирликларини ташкил этишда ўша ҳудуддаги таълим муассасалари сонидан келиб чиқиб ёндошилмаган ёки бошқа бир мезонлар инобатга олинмаган. Тадқиқот жараёнида ушбу ҳудудлардаги таълим марказларини ташкил этиш бўйича Ҳукумат қарори, Халқ таълими вазирлиги буйруғи каби бирор-бир меъёрий аниқланмади. Эксперт интервью натижаларига кўра, ушбу марказларнинг ташкил этилиши вилоят ҳокимлари қарори билан тасдиқланган.

Сўровлар натижасида ушбу марказларни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг 1988 йил 30 августдаги 310-сонли қарори асосида Тошкент шаҳрида ташкил этилган Республика таълим маркази мувофиқлаштириб боради. Мазкур марказ шунингдек, мамлакат бўйлаб умумтаълим мактабларида методик хизмат кўрсатиш жараёнини ташкил этади. Демак, Республика Таълим марказининг ҳам институционал ва ташкилий жиҳатларини такомиллаштириш зарур.

Тадқиқот доирасида айрим тараққий этган давлатлардан айнан таълим тизими ривожланган Америка Қўшма Штатлари ва Жанубий Кореяning ҳудудий таълим бошқарув органларида самарали бошқарувнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги атрофлича ўрганилди.



Ходи млар бўлими	Сиф ат самарадо рлик бўлими	Ҳисоб дорлик ва баҳолаш бўлими	Стр атегик ҳамкорл ик бўлими	Инно вация бўлими	Моли явий муносабат лар бўлими
Страт егия ва истиқбол шўъбаси	Таъ лим тарбия ва лицензия лаш шўъбаси	Ҳисоб от ва мониторин г шўъбаси	Мак табни қўллаб қувватла ш шўъбаси	Инно вация ишларини танлаш шўъбаси	Макта б молияси шўъбаси
Қону нчилик алоқалар и ва сиёsat шўъбаси	Фед ерал дастурла р шўъбаси	Баҳла ш шўъбаси	Дав лат кутубхон аси	Олий таълим ва меҳнатга тайёрлаш шўъбаси	Бюдж ет, ҳисоб- китоб ва харид шўъбаси
Хўжа лик ва техник ишлар шўъбаси	Иқти дорли талабала р билан ишлаш шўъбаси	Таъли м сифатини яхшилаш ва режалашт ириш шўъбаси	Сиҳат - саломатли к ва соғломла шириш шўъбаси	Ўқиши ни ташлаб кетишни олдини олиш ва ташлаб кетганлар ни ўқишига қайтариш шўъбаси	Капит ал таъмирла ш шўъбаси
	Ўқув методика шўъбаси				Фиска л грантлар шўъбаси
					Макта бларда овқатлани ш шўъбаси

2-расм. АКШнинг Колорада Штати таълим бошкармасининг ташкилий тузилмаси

Манба: АҚШнинг Колорадо штати Таълим департаменти расмий сайти:
www.cde.state.co.us

АҚШ ҳудудудий таълим бошқармасида стратегик менежментдан юқори даражада фойдаланилади. Шунингдек, Таълим сифатини ошириб бориш ва уни баҳолаш ҳамда мониторинг қилиб бориш ҳам яхши йўлга қўйилган. Айнан ушбу вазифалар билан Бошқармадаги Стратегия ишлаб чиқиш бўлими, Сифат ва самарадорлик бошқармаси, Сифатни яхшилаш ва режалаштириш каби бўлимлар шуғулланади.

Жанубий Кореяда таълим айниқса, мактаб таълими сифати юқори даражада ривожланганлигини дунёдаги кўплаб соҳа эксперталари таъкидлашмоқда. Буни PISA (Program for International Student Assessment - Ўқувчилар билимини баҳолаш халқаро дастури) натижалари ҳам исботлаб турибди. Бутун жаҳондаги 15 ёшли мактаб ўқувчиларининг математика, физика-химия ва ўқиш бўйича билим натижаларини ўрганадиган тадқиқот якунларида 70 га яқин мамлакатлар орасида Корея бир неча йиллардан бўён нуфузли ўринларни эгаллаб келмоқда.

Жанубий Кореяда ҳам таълимни стратегик менежмент орқали самарали бошқариш яхши йўлга қўйилган. Ушбу мамлакатнинг таълим соҳаси бўйича давлат органи ҳисобланган Таълим вазирлигига ҳам миллий таълим стратегиясини ишлаб чиқиш ва прогнозлаштириш бўлимларини кўриш мумкин. Жанубий Корея пойтахти Сеул шаҳрида жойлашган Сеул таълим бош бошқармасининг ташкилий тузилмасига эътибор қаратадиган бўлсак, унда алоҳида Таълим стратегияси бошқармаси мавжуд бўлиб, мазкур бошқарма ўз ичига 5 та бўлимни қамраб олади. Бошқарма асосан Сеулда таълим сифати ва мазмунини мунтазам ошириб бориш стратегияларини ишлаб чиқиш, таълим соҳасидаги кўрсаткичларни прогнозлаш ва таҳлил қилиб бориш ҳамда таълимни инновацион ривожланиб боришини таъминлаш билан шуғулланади.

Бошқарма бошлиғи	Бошқарма бошлиғи вакили	Бошқарма бошлиғи	Бошқарма бошлиғи
Бошқарма ўринбосари	бошлиғи	Аудит бошқармаси	
Режалаштириш ва мувофиқлаштириш бошқармаси	Таълим стратегияси бошқармаси	Узлуксиз таълим ва касб ҳунар таълими бошқармаси	Таълим маъмурияти бошқармаси
Стратегия ва наҷжалаштириш бўлими	Административ менежмент бўлими	Ўрта таълим бўлими	
Бюджет бўлими	Административ менежмент бўлими	Демократик фуқоролик таълими бўлими	
	Административ менежмент бўлими	Узлуксиз таълим бўлими	
	Таълим инновацияси бўлими	Мактаб ҳаёти таълими бўлими	
	Мактабгача таълим бўлими	Каръера ва касб-ҳунар таълими бўлими	
	Бошланғич таълим бўлими	Жисмония тарбия, соғломалаштириш ва ёнгап бўлими	
	Ўрта таълим бўлими	Мактабни кўллаб-кувватлаш бўлими	
		Таълим молияси бўлими	
		Хавфсизлик бўлими	

З-расм. Сеул Таълим бош бошқармасининг ташкилий тузилмаси. Манба: Жанубий Кореянининг Сеул Таълим департаментининг расмий сайти: www.english.sen.go.kr

Бундан ташқари, Сеул Таълим бошқармасига туман таълим бўлимлари, илмий парк, тадқиқот марказлари, тренинг институтлари ва маҳсус таълим марказлари киради.

Хуроса ва таклифлар

Худудий таълим бошқаруви органларидаги мавжуд ҳолатни таҳлил қилиш ва бу борадаги халқаро тажрибалар ва бошқарув механизмларини ўрганиш натижасида қўйидаги таклифни илгари суриш мумкин:

Худудий халқ таълими бошқармаларида янада самарали бошқарувни ташкил этиш учун бошқармаларнинг аввало ташкилий тузилмасига ўрнатилган тартибда ўзгартириш киритиш ҳамда тузиладиган янги структурани таълим сифатини оширишга бевосита алоқадор бўлган бўлимлар билан тўлдириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, бошқарма бошлиғи учун “think-tank” (юксак салоҳиятли олимлар ва юқори малакали мутахассислар

жамоасидан иборат юқори даражадаги маслаҳат органи) вазифасини бажарувчи асосий бўлимни шакллантириш орқали бошқарма фаолиятида стратегик режалаштириш ва прогнозлаштириш усулларидан фойдаланишни жорий этиш зарур.

Бугунги кунда АҚШ ва Европа мамлакатларининг ҳаттоки олий ўқув юртларида ҳам бундай “think-tank” лар фаолияти ташкил этилган. Таклиф этилаётган мазкур асосий стратегик бўлим бошлиғи бевосита бошқарма бошлигининг бош маслаҳатчиси сифатида вилоятнинг барча туманларида таълим сифатининг бир хилда ривожлантиришга масъул ҳисобланади.

Стратегия ишлаб чиқиш ва аналитик таҳлил бўлими ходимлари томонидан худудда мавжуд барча туманлардаги таълим сифатига таъсир этаётган ва келажакда таъсир этиши мумкин бўлган омиллар аниқланади ҳамда ўрганилади. Уларни бартараф этиш бўйича турли тадқиқотлар олиб борилади ҳамда уларнинг ечими илмий асослангач, аниқ стратегик режалар ишлаб чиқлади.

Бошқармада ташкил этиладиган мазкур бўлим бошқа бўлимлардан фарқли равишда туман ва шаҳар ҳокимликлари, маҳаллалар ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ишлаши билан ажаралиб туради.

Стратегия ишлаб чиқиш ва аналитик таҳлил бўлими ходимлари вилоятдаги мавжуд туманларда таълим соҳасининг турли йўналишдаги муаммоларини ўрганади, тадқиқот олиб боради ва масаланинг реал ечимини излаб топади. Масалан, таълим муассасаларидағи бошқарувдаги камчиликлар, кадрлар танқислиги, сифатли ва ахлоқли ҳамда фидойи кадрларга бўлган эҳтиёж, мактабгача таълим ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг қамровини жойларда ошириш, ёшларни спортга жалб этишдаги муаммолар, аёл мураббийлар ва қизларнинг спорт билан шуғулланишларининг статистикалари ҳамда нима сабабдан уларнинг спорт билан шуғулланишларининг камайиб боришининг асл сабаблари ва реал ва асосли ечимлари, таълим соҳасида оқсаётган туманларни сифатли педагог кадрлар билан таъминлаш ва ўқувчиларнинг ўқишига, спорт ва санаътга бўлган қизиқишлиарни ошириш, бу борада маҳалла ва ота-оналарнинг ролини ошириш, хуллас барча йўналишлар бўйича муаммоларни чуқур ўрганиб, илмий тадқиқотлар ҳамда хорижий тажрибалар асосида аниқ ечимларни таклиф этиш билан шуғулланади.

Шунингдек, турли масалалар бўйича тақдим этилган таклифларни ўрнатилган тартибда тасдиқланишига масъул бўлади ҳамда унинг ижросини тўлиқ назорат қиласи. Лозим бўлса, қўшимча тезкор чора-тадбирлар белгилайди.

Таълимнинг айрим йўналишлари ёки умуман таълим сифати бўйича оқсаётган туманларда муаммонинг асл сабабларини ўрганиш бўйича тадқиқот олиб боради ҳамда тадқиқот натижаларидан келиб чиқиб туманнинг маълум муддатга мўлжалланган таълим стратегиясини ишлаб чиқади. Уни ўрнатилган тартибда тасдиқлашни ташкил этади.

Қабул қилинган стратегияни амалга оширишда бошқарманинг бошқа тааллуқли бўлимлари, вилоят ва туман ҳокимликлари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорлик қиласи. Изланишлар якунида ушбу тавсияни бериш мумкин. Яъни Вилоят Халқ таълими бошқармаси ташкилий тузилмасини қўйидагича тузиш ҳамда уни тасдиқлаш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин:

Бошқарма бошлиғи

Бошлиқ ўринбосари

Мактабгача ва умумий
ўрта таълим ҳамда
ўқувчиларни касбга
йўналтириш бўлими

Стратегия ишлаб чиқиш ва аналитик таҳлил бўлими

Таълим сифатини назорат
қилиш бўлими

Маънавий-ахлоқий
тарбия, ижтимоий ҳимоя ва
мактабдан ташқари таълим
бўлими

Молиялаштириш,
бухгалтерия ҳисоби, қурилиш ва
моддий таъминот бўлими

Методик хизмат
бўлими

Кадрлар бўйича инспектор

Юридик масалалар бўйича
маслаҳатчи

4-расм. Вилоят Халқ таълими бошқармасининг ташкилий тузилмаси лойиҳаси

Манба: Муаллифнинг тадқиқотлар асосидаги ишланмаси.

Кўриниб турганидек, янги структурада янгича бўлимлар пайдо бўлган ва бу ўз-ўзидан янги қўшимча иш ўринларни ташкил этишни талаб қиласди. Айнан ушбу масалани қўйидагича ечиш мумкин.

Бугунги кунда, вилоятлардаги методик марказлари штат бирлигини худудлардаги таълим муассасалари сонидан келиб чиқиб ўзгартирадиган бўлсак 196 та штат бирлигини 125 тага қисқартириш имконияти яратилади.

Шунингдек, Вилоят Халқ таълими бошқармасининг ташкилий тузилмасини такомиллаштириш имконини беради. Натижада 1 йилда тахминан 556 млн. сўм бюджет маблағлари иқтисод қилинган ҳолда, иқтисодий самарадорликка эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Incheon Declaration/ Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (Word Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли фармони.
3. Регион: Управление образованием, теория и практика / Под ред. П.И. Третьякова. – М.: Новая школа, 2001. – 880 с.
4. Osborne, David, and Ted Gaebler. 1992. Reinventing Government: How the Entrepreneurial Spirit Is Transforming the Public Sector. Reading, MA: Addison-Wesley.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”ги 372-сонли қарорига 5-илова.
6. АҚШнинг Колорадо штати Таълим департаменти расмий сайти: www.cde.state.co.us
7. Жанубий Кореяning Сеул Таълим департаментининг расмий сайти: www.english.sen.go.kr.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ЭСТЕТИК ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДИК МАНБАЛАРДАГИ АҲАМИЯТИ

Жумабоев Наби Пардабоевич

Гулистан давлат педагогика институти катта ўқитувчиси
nabijumaboyev@gmail.com +99899 6421785

Аннотация: мақолада ота-боболаримиздан қолган ва асрлар мобайнида сайқалланиб, бойитилиб келинган маънавий меросимиз комил инсон тарбиясида дастурлама амал бўлиб хизмат қилиши тўғрисида фикрлар акс эттирилган. Табиийки, жамият тараққиёти ва шахс камолоти учун зарур бўлган маънавий-ахлоқий фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди. Зоро, маънавият тарбиясининг заминида Қуръони Карим, Ҳадиси Шарифлар ва Шарқ қомусий олимлари сифатида шуҳрат қозонган буюк мутафаккирларнинг маънавий меъроси ётади. Агар Шарқ адабиётига назар ташласак, исломий ғоялар негизидаги ахлоққа оид дастлабки асарлар панднома, ҳикматлар кўринишида яратилганинг гувоҳи бўламиз. Бу, албатта, исломий адабиёт оламида инсон тарбияси масаласи қадимдан катта аҳамиятга эга бўлишини кўрсатади. Чунки панднома ва ҳикматларда кўтариладиган асосий ғоялар шахснинг маънавий, эстетик ва жисмоний камолоти масаласи эканлиги таъкидлаб ўтилган.

Калит сўзлар: маънавият, ахлоқ, баркамол шахс, таълим-тарбия, эстетик қараш, бадий мерос, қадрият.

Abstract: the article reflects the ideas that our spiritual heritage, left from our ancestors and refined and enriched over the centuries, serves as a program and practice in the education of a perfect human being. Naturally, the spiritual and moral qualities necessary for the development of the society and the perfection of the individual do not appear by themselves. After all, on the ground of spiritual education lies the Holy Kur'an, the Hadis Sharifs, and the spiritual heritage of great thinkers who gained fame as scholars of the Eastern encyclopedia. If we look at the literature of the East, we can see that the first works on ethics based on Islamic ideas were created in the form of pandnama and wisdom. This, of course, shows that the issue of human education has been of great importance in the world of Islamic literature since ancient times. Because it is emphasized that the main ideas raised in pandnama and hikmats are the issue of spiritual, aesthetic and physical perfection of a person.

Key words: spirituality, morality, well-rounded person, education, aesthetic vision, artistic heritage, value.

Аннотация: в статье отражены представления о том, что наше духовное наследие, оставшееся от наших предков и уточнявшееся и обогащавшееся на протяжении веков, служит программой и практикой в воспитании совершенного человека. Естественно, духовно-нравственные качества, необходимые для развития общества и совершенствования личности, не появляются сами по себе. Ведь в основе духовного образования лежит Священный Коран, хадисы-шариfy и духовное наследие великих мыслителей, прославившихся как знатоки восточной энциклопедии. Если мы посмотрим на литературу Востока, то увидим, что первые работы по этике, основанные на исламских идеях, были созданы в форме панднамы и мудрости. Это, безусловно, свидетельствует о том, что вопрос образования человека имел большое значение в мире исламской литературы с древних времен. Потому что подчеркивается, что основные идеи, поднимаемые в панднаме и ҳикматах, - это вопрос духовного, эстетического и физического совершенствования человека.

Ключевые слова: духовность, нравственность, всесторонняя личность, образование, эстетическое видение, художественное наследие, ценность.

Кириш (Introduction)

Жаҳоннинг нуфузли олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқотмарказларида олиб борилаётган изланишлар, Шарқ мутафаккирлари асарларида халқларнинг келиб чиқиши ва этнопедагогик хусусиятлари IX-XII асрлар Шарқ мутафаккирлари асарларидаги шахснинг маънавий-маърифий фазилатлари ҳақидаги қарашлари, алломаларнинг илмий мероси мазмуни, жаҳон илм-фан тараққиётига қўшган ҳиссасини ўрганиш асосида таълим тизимини такомиллаштириш вазифалари қўйилмоқда. Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий, лаёқатга оид, математик қарашлари, шахс камолоти ва одоб-ахлоқ масалалари илмий-амалий аҳамиятга эга. Ушбу тадқиқотларнинг истиқболли йўналишлари сифатида шахс маънавияти, оила ва никоҳ, фарзанд тарбиясига оид ёндашувлари, аждодлар меросига нисбатан ёшларда ҳурмат ҳиссини шакллантириш деб хисоблаш мумкин¹⁶. Шундан аён бўладики, Шарқ алломаларининг илмий қарашлари замонавий таълим мазмунини такомиллаштириш учун муҳим методик манба вазифасини ўтайди. Шу маънода алломаларнинг эстетик қарашлари, шубҳасиз замонавий бадиий таълим мазмунини такомиллаштиришнинг муҳим манбаи сифатида аҳамиятлидир.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳалар қатори халқимиз учун миллий-маънавий, маданий қадриятлар, қадимий урф-одат ва анъаналарни ўрганиш, кенг қамровли тадқиқ этиш ҳамда тиклаш борасида кенг имкониятлар очиб берилди. Ёш авлодни ҳар томонлама камол топтириш, уларни маънавиятли, маданиятли ва сиёсий онгли шахс этиб тарбиялашда замонавий тенденциялар билан бир қаторда тарихий манбалардан ҳам оптималь тарзда фойдаланиш устувор йўналишлардан бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам Шарқ мутафаккирларининг илмий мероси, шу жумладан эстетик қарашларидан замонавий бадиий таълим жараёнида фойдаланишнинг педагогик асослари ҳамда дидактик имкониятларини очиб берувчи тадқиқот ўтказиш зарурияти мавжуд.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримовнинг ота-боболаримиз қолдирган маънавий-ахлоқий мероснинг ёш авлод тарбиясидаги аҳамияти ҳақида билдириган қўйидаги сўзлари алоҳида эътиборга лойиқdir: “Неча йиллар бизни тарихимиздан, динимиздан, маънавий меросимиздан ғофил этишга уриндилар. Аммо биз ҳурриятни орзу этишдан, ҳуррият учун курашишдан чарчамадик. Мустақиллигимизни, наслу-насабимизни доимо ёдда сакладик. Улуғ бобокалонларимиз руҳига, башарият тарихи ва маданияти ҳазинасига катта ҳисса қўшган улуғ аждодларимизга, улар қолдирган улкан меросга муносиб бўлиш истаги жамиятимиз аъзолари орасида кенг ёйилиши, ҳар бир фуқаронинг онгидан мустаҳкам жой олиши – бу ҳам янги замоннинг муҳим хусусиятиdir”¹⁷. Дарҳақиқат, Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий, Муҳаммад ат-Термизий, Абу Наср ал-Форобий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Муҳаммад Тарагай Улуғбек, Алишер Навоий каби мутафаккирлар нафақат ўзбек халқи, балки жаҳон илм-фан, маданиятига ўзларининг бебаҳо улушларини қўшганлар.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили (Literature review)

Ўзбекистонда замонавий бадиий таълим тизимида шарқ мутафаккирларининг эстетик қарашларидан фойдаланиш узлуксиз таълим тизимининг барча турлари учун такомиллаштирилган Давлат таълим стандарти, миллий ўқув дастури талаблари асосида муаммога методологик ёндашув асосида тасвирий санъат таълими мазмунини такомиллаштириш, хусусан, талабаларда тасвирий саводхонлик бўйича эстетик дунёқарашларини шакллантириш ва ривожлантириш замонавий бадиий таълимнинг устувор йўналиши саналади. Шу маънода муаммога оид манбаларнинг таҳлили дикқат марказида бўлмоғи лозим. Мазкур муаммонинг илмий-методик асослари масаласи турли фан тармоғлари мисолида тадқиқ этилган.

Муаммонинг психологик тадқиқига оид ишлар сирасига М.Г.Давлетшин, В.В.Давидов, Л.С.Виготский, А.В.Запорожец, А.Жабборов, П.И.Иванов, Е.Б.Игнатьев, В.С.Кузин, Б.Ф.Ломов, С.Л.Рубинштейн, П.М.Якобсон, М.Г.Ярошевский каби психолог олимларнинг изланишларини киритиш мумкин.

Ўзбекистонлик олимлардан С.Абдирасилов, Н.У.Абдуллаев, С.Абдуллаев, Х.И.Аляминов, А.Амануллаев, С.Аннамуратова, Б.Бойметов, С.Булатов, А.Восиқов, Ж.Дарменов, А.Иноғомов, Н.Кевиш, Ж.Мажидов, Ў.Нуртоев, Н.Оидинов, Б.Орипов,

¹⁶ З.Жалилов. IX-XII асрларда Шарқ мутафаккирлари яратган тарбиявий қадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018 й. 5-б.

¹⁷ И.Каримов. Ижобий ишларимизни охиригача етказайлик. Т.: “Ўзбекистон”, 1994 й. 8-9 б.

Д.Собирова, А.Сулаймонов, Н.Толипов, А.Турдалиев, С.Х.Файзулина, О.Худоёрова, К.Куломов, Қ.Қосимов, Б.Қўчқоров каби олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда тасвирий санъат таълим мининг у ёки бу муаммолари ўрганилган. Ҳ.Болтабоев, З.Жалилов, Г.Зарипова, Н.Комилов, У.Мансур, У.Мажкамов, С.Нишонова, К.Носиров, Н.Ортиқов, О.Мусурмонова, М.Хайруллаев, М.Ҳасанов, К.Қиличеваларнинг ишларида, ёш авлод маънавий-ахлоқий камолотида буюк мутафаккирлар, алломаларнинг маънавий-педагогик мероси, шахс маънавиятини шакллантиришдаги имкониятлари тадқиқ этилган.

Тадқиқот методологияси (Research Methodology)

Биз фарзанд тарбиясида мутафаккирларнинг қарашлари, олимларнинг фикрларини ўрганар эканмиз, беихтиёр миллатимизга хос бўлган ахлоқий, тарбиявий фазилатлар кўз ўнгимизда гавдаланади. Шунингдек, илк тарбия, самимий муносабат, гўзал мумомала оиласдан ота-оналаримизнинг намунаси тимсолида шаклланади. Абу Наср Форобийнинг: “Инсон ўз бахтига эришишда гўзалликни кўриши ва ҳис қилишининг ўзи етарли эмас, бунинг учун гўзалликни яратса олиши мухимдир”, – деган фикрларида олам-олам маъно бор. Мутафаккирнинг бу фикрида бугунги ота-оналаримиз ўzlари намуна бўлган ҳолда оиласарида, ишларида, рўзгорларида, уй тутишларида, ўзаро муносабатларида, юриштуришларида, кийинишилларида, саломатликларида, фарзанд тарбиясида, улар билан бўладиган мумомалада гўзалликни яратса олишлари зарур, деган ғоя ўз аксини топган. Аждодларимиз ҳам ўzlари намуна бўлган ҳолда ўз фарзандларига панду насиҳатлар қилганлар. Жумладан, Абу Наср Форобий: “Ҳар инсон касб-корини мукаммал билмоғи, яхши тарбия олмоғи, яхши хулқ-атворга, фазилатларга эга бўлмоғи керак”, – деган экан. Араб ҳикматларининг бирида: “Уч нарса киши ақлини пешлайди: бири олимлар ва кексалар билан сұхбат, иккинчиси ҳаётий тажриба, учинчиси чидам ва сабот билан интилиш. Инсон икки нарсанинг қадрини факат йўқотгандагина билади: бири ёшлиқ, бири соғлиқ”, – деб таъкидлангани бежиз эмас¹⁸. Дарҳақиқат, инсон одамлар орасида яшар экан, ўзаро мумомала ва муносабатда бўлади ҳамда ўша жамиятдаги инсонларнинг ахлоқи, тарбияси кўзгусида яшайди, унга кўнишиб кетади.

Турли манбаларда Мирзо Улуғбек (1394-1449) аниқ фанлар бир қаторда адабиётшунослик, тилшунослик, мусиқа ва тарих фанларини пухта билган аллома сифатида таърифланади. Ҳақиқатан унинг раҳбарлигида яратилган “Тарихи арба улус” (“Тўрт улус тарихи”) китоби Улуғбек тарих ҳақида пухта билимга эга бўлганлигини кўрсатади. Умуман, “Тарихи арба улус” китоби Чингиз хонлигининг Улуғ юрт, Олтин Ўрда, Хулагу ва Чигатой улусларининг тарихи ёритилган қимматли асардир. Унда ва яна Улуғбекнинг бошқа асарларида болаларга бериладиган таълим-тарбиянинг мазмуни, ўқитувчининг вазифалари ифодаланган.

Улуғбек болаларни баркамол инсон бўлиб етишиши учун уларни ўқитиш ва тарбиялаш зарурлиги, турли билимларни ўрганишга қизиқтириш кераклигини қайд қилган. Болаларнинг ўқишидан совушига сабаб аввало, ўқитувчилардаги разолат эканлиги, бундай ўқитувчилар яроқсиз усууллар билан ёшларнинг билим олишга қизиқишини сўндириши мумкинлиги таъкидланган. Унинг фикрича, тарбиячи аввало, ўзини тарбиялаши, яъни билим ва маҳоратини муттасил ошириб бориши лозим. У: “Билимларни эгаллаш жуда ҳам қийин ва машаққатлидир... бунга эришиш учун ҳаётни ўрганиш, ҳормай-толмай шуғуланиш, ўз ақлини такомиллаштириш лозим”, деган эди¹⁹. Улуғбек муаллимлар турли вазиятларда ўзини муносаб тута билиши, ўз обрўсини сақлаши, дарсни қизиқарли ўтиши, мадрасада тартиб-интизом ўрнатиши кераклигини батафсил таърифлаган.

Алишер Навоий – нафақат буюк шоир, ўзбек адабиётининг асосчиси, илк бора “Хамса” асарини туркий тилда яратган буюк мутафаккир ҳам эди. Унинг бир қанча насрый асарлари ўзбек тилига бағишиланган. Ўзининг “Мажолис ун-нафоис”, “Муҳокаматул-луғатайн”, “Мезон ул-авзон” каби асарларида ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатиб берган. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек тилини форс-тожик тили билан қиёслаб унинг бойликларини, ўзбек тилининг имкониятлари ниҳоятда чексиз эканлигини исботлаб берган. Ҳолбуки, Навоийгача ўтган бир қанча шоирлар бу тилда асарлар яратиб бўлмайди, унинг имкониятлари чекланган, деган қарашларни илгари суришган. Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таъбирича: “Алишер Навоий назарий ғояларни илгари сурибгина қолмай, балки бу тилда жуда кўп ва хўп асарлар яратган. Алишер Навоий асарларида шунчалик кўп сўзлар ишлатилганки, тўла бўлмаган ҳисоб-китобларга кўра, у ўз ижодида 26 мингдан ортиқ сўз

¹⁸ М.Фармонова. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. Илмий-услубий қўлланма. Т.: “Tasvir nashriyot uyi”, 2020 й. 11-б.

¹⁹ О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳомидов. Педагогика тарихи. Т.: 2004 й. 107-108 б.

ишлатганлиги аниқланган. Мутафаккир ўз асарларида бир қатор түртликларни аёллар, отана ва фарзанд муносабатлари таърифига бағишилади. Навоий ижодида аёллар, айниқса, оналарга бўлган чуқур хурмат ва эҳтиром доимо сезилиб туради. Жумладан, “Иффатли, ширинсўз, хушмуомала, ақлли ва гўзал хулқ аёллар ҳамиша кутбарака, ширин ҳаёт манбаидирлар. Сен ўзингга ёр, маҳбубу тиласанг, унинг тўғрисўзлиги, ҳақгўйлиги, юриштуришига боқ”²⁰ – дейди. Албатта, шоир аёлларни бебаҳо сўзлар билан кўкларга кўтарар экан, эркакларни аёл танлашда нималарга аҳамият бериш кераклигини таъкидлаб ўтади.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбекнинг “Навоий” романида инсонийлик, яхшилик, адолат, миллатлараро ва динлараро тотувлик каби эзгу ғояларнинг илгари суримишини кўришимиз мумкин. Инсон қалбининг қувонч-қайғусини, эзгулик ва ҳаёт мазмунини Навоийдек теран ифода этган шоир жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам топилади²¹. Биз бу бебаҳо меросдан халқимизни, айниқса, ёшларимизни қанчалик кўп баҳраманд этсак, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўламиз.

Захириддин Муҳаммад Бобур (1483-1530) асарларининг мавзуси ранг-баранг бўлиб, уларда инсоннинг маънавий қиёфаси, илм-фаннынг фойдаси, муҳаббат, яхшилик ва ёмонлик тасвирланган. У яратган “Хатти Бобурий” асари араб ёзувини осонлаштиришга қаратилган. Бобур араб ҳарфларининг ости ва устига қўйиладиган диакретик белгилар зерзабар ўрнига ҳарфлар киритишни таклиф қилган. Буюк адаб халқни осонроқ саводли қилиш йўлини излаб яратган мазкур алифбо амалга ошмади. Чунки у исломга шак келтириш билан биробар, деб ҳисобланди.

Бобур таълим-тарбия ҳақидаги ғояларини ўзининг “Бобурнома”, “Мубаййин”, “Рисолаи волидия” каби асарларида баён этган. Бобур инсон камолотининг остонаси оила эканлигини уқтириб, у жараён ниҳоятда қийин ва мураккаблигини ҳис этган эди. Болаларнинг ахлоқ-одоб қоидаларини ўрганиши кўп жиҳатдан атрофдаги шахсларга боғлиқлигини яхши билган Бобур ўз фарзандларини тарбиялашда тадбиркор, билимдон одамлар билан маслаҳатлашиб, тажрибали фозил ва тарбия кўрган кишилар билан кенгашиб иш тутган. У ўзининг “Эътиқодийя”²² асарида болаларни ёшлиқдан бошлаб эътиқодли, имонли қилиб тарбиялаш масалаларига эътибор берган.

Абдулла Авлоний: “Таълим ва тарбия узвий боғлиқ жараёнлардур, дарс или тарбия орасида бироз фарқ бор бўлса ҳам, иккиси бир-биридан айрилмайдурган, бирининг вужуди бирига бойланган жон или тан кабидур”, — деб таъкидлайди. Авлоний инсонга яхшилик ва эзгулик фақат илм эгаллаш орқали сингади, деган қатъий фикрни билдиради. Илмли, эзгу ғоя руҳида тарбияланган кишидагина Ватан туйғуси шаклланади, она юрти ва она тилига муҳаббат уйғонади, садоқати қарор топади. Бу фазилатларсиз комил инсонни тасаввур этиб бўлмайди, деган фикрларни илгари суради.

Юрт равнақи, аввало, унинг фарзандларига, уларнинг маънавий ва жисмоний камолотига боғлиқдир. Шу боис Абдулла Авлоний ёшларни илм, фойдали ҳунар эгаллашга, китоб мутолаасига ундейди. Шунингдек, Авлоний илмсизни жаҳолат билан тенглаштириб, шундай фикрларни билдиради: “Жаҳолат деб ўқимаган, билимсиз, ҳеч нарсага тушунмайдурган нодонликни айтилур”, — дейди. “Илм саҳрова – дўст, ҳаёт йўлларида – таянч. Ёлғизлик дамларида – йўлдош, баҳтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мададкор, одамлар орасида – зебу зийнат, душманларга қарши курашда – қуролдир”²³. Мутафаккир: “Гўзаллик юзда эрмас, эй биродар, сўзи ширин киши ҳар кимга ёқар”, “Сўзинг оз бўлсину, маъноли бўлсун, эшитганлар қулоғи дурга тўлсун,”²⁴ – деб инсонларни хушсухан бўлишга чорлайдики, токи сўзларимиз фарзандларимиз учун намуна бўлсин.

Фитрат “Раҳбари нажот” асарида ёш авлод тарбияси тўғрисида шундай ёзган: “Дунё курашнинг умумий майдонига ўхшайди ва бу майдоннинг бузрук пахлавонлари инсонлардир. Бу курашда ғолиб чиқиш учун уч хил қуролга эга бўлиш керак: биринчиси – “Саломатлик”, иккинчиси – “Соғлом фикр”, учинчиси – “Ахлоқи сано” (олий ахлоқийлик). Болаларни баркамол қилиб вояга етказиш учун унинг тарбиясига фақат оиласигина жавобгар бўлмасдан, бутун миллат аҳли жавобгардирлар”²⁵. Фарзанд, унинг тарбияси қадимдан

²⁰ А.Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Т.: “Сано-стандарт”, 2016 й. 82-6.

²¹ М.Фармонова. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. Илмий-услубий қўлланма. Т.: “Tasvir nashriyot uyi”, 2020 й. 15-6.

²² О.Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Хомидов. Педагогика тарихи. Т.: 2004 й. 134 6.

²³ И.Сувонқулов. Маънавият илдизлари. Қўлланма. Самарқанд.: 2000 й. 72-6.

²⁴ М.Фармонова. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. Илмий-услубий қўлланма. Т.: “Tasvir nashriyot uyi”, 2020 й. 19-6.

²⁵ А.Фитрат. Оила. Т.: Маънавият, 1998 й.

халқимизнинг эзгу орзуси бўлиб келган. Фитратнинг фарзанд тарбияси ҳақидаги бу фикрлари бугун ҳам ўз кучини йўқотгани йўқ.

Юқорида келтирилган парчалардан хулоса шуки, инсон ҳар қандай материални ҳар қандай нуқтаи назаридан ўрганиши ва таҳлил қилиши учун, аввало, илмий ёндашув талаб этилади. Демак, Шарқ алломаларининг эстетик қараашларини уларнинг умумий қараашлари, таълимотларидан ажратиб олиш учун манбанинг мазмуни ва моҳияти, жамият ва инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини теран англаб олиш лозим бўлади. Шу маънода Шарқ алломаларининг эстетик қараашларини тадқиқ этиш комплекс ёндашувни талаб этиди. Бу борада Э.Юсуповнинг илмий фаолияти андаза вазифасини ўтайди. Олим Шарқ алломаларининг фалсафий қараашларини тадқиқ этар экан, “Инсон ўзини англаши бошқаларни ҳам холис англашга интилиши билан боғланмоғи керак. Бу ҳам Шарқ фалсафасининг асосий қадриятларидандир”²⁶. Демак, инсон мукаммал шахс бўлиши учун тарихий қадриятлар билан замонавий тенденцияларни мантиқий-тадрижий боғлай олиши, бу боғлиқликнинг эстетик компонентларини англаш бадиий қадриятлар, Шарқ алломаларининг эстетик қараашларини замонавий таълим-тарбия тизимига татбиқ этишнинг педагогик механизмларини ишлаб чиқиши учун асос бўлади. “Шарқ фалсафасидаги яна бир муҳим муаммо – инсоний муносабатлар маданиятининг ахлоқий, хуқуқий мезонлари таҳлилидир”²⁷. Зоро, олимнинг фикрига кўра, одамлар атрофдагилардан, жамиятдан алоҳида муайян мақсадларни, амалга ошириши, шу жумладан эстетик мазмундаги хатти-ҳаракатларни амалга ошириши мумкин эмас.

Таҳлил ва натижалар (Analysis results)

“Шарқ анъаналарига кўра инсоний муносабатларнинг барчасига замин бўладиган маънавий мерос – ахлоқ ва одобдир. ...Шарқда одамлар ўртасидаги муносабатларда ахлоқий масъулият хуқуқий масъулиятдан ҳам устун турган. ...Демак, Шарқ фалсафаси сиёсатга эмас, балки маънавиятга асосланган фалсафадир”²⁸. Эстетик мазмун эса бу фалсафанинг ажралмас таркибий компонентидир.

Шарқ мутафаккирларнинг педагогик меросида инсон ва табиат муштараклиги масаласи алоҳида эътибор қаратилган масалалар сирасига кирган. Бу муаммо глобаллашув, ишлаб чиқаришни жадал суръатларда ривожланиши натижасида тобора долзарблашиб бормоқда. Шунинг учун ҳам Шарқ мутафаккирларининг инсон ва табиат муносабатларига оид қараашларини ўрганиш ва улардан замонавий бадиий таълим тизимида фойдаланиш муҳим аҳамият касб этиди.

“Шарқ фалсафасида инсон ва табиат бир-биридан ажратилмайди, бир-бирига қарама-қарши қўйилмайди ҳам. ...Шарқ фалсафасига анъаналарига кўра инсон ва табиат бир бутун экосистемадир”²⁹. Шунинг учун бадиий таълим ва тарбия, хусусан тасвирий санъат билан боғлиқ долзарб мавзудаги тадқиқотларда ўқувчи-ёшларда табиатни эстетик идрок этиш, табиатга эстетик мунгосабатни шакллантириш каби масалаларга устувор тарзда қарааш лозим. Бу борада Шарқ мутафаккирларининг илмий меросини ўрганиш, турли қараашларни таҳлилий-танқидий ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида умумлашган вариантда замонавий бадиий таълим амалиётига татбиқ этиш нафақат бадиий таълим, балки инсон ва табиат муносабатларини оптималлаштиришдек долзарб ижтимоий муаммонинг муҳим ечимларидан бири сифатида қаралмоғи лозим.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси (Discussions)

Таъкидлаш жоизки, таълим-тарбия жараёнида аждодларимиз яратган бебаҳо маънавий-педагогик меросдан фойдаланиш муҳим аҳамиятта эга. Шарқ мутафаккирлари томонидан яратилган тарбиявий қадриятлар, ёш авлодни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда ҳамон долзарб бўлиб турибди. Бу мерос ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол шахс сифатида шакллантириш, уларга тўғри таълим-тарбия беришга хизмат қиласи, чунки, улар таълимотида инсон одоби, ахлоқи, иймон-эътиқоди, виждони, эркинлиги, оила, фарзанд тарбияси масалалари назарий ва амалий аҳамиятини йўқотмаган³⁰. Уларнинг тарбиявий

²⁶ Э.Юсупов. Шарқ фалсафаси ва инсонийлик. Жаҳон адабиёти” журнали. 2003 йил, 10-сон. Материал интернетдан олинган.

²⁷ Э.Юсупов. Шарқ фалсафаси ва инсонийлик. Жаҳон адабиёти” журнали. 2003 йил, 10-сон. Материал интернетдан олинган.

²⁸ Э.Юсупов. Шарқ фалсафаси ва инсонийлик. Жаҳон адабиёти” журнали. 2003 йил, 10-сон. Материал интернетдан олинган.

²⁹ Э.Юсупов. Шарқ фалсафаси ва инсонийлик. Жаҳон адабиёти” журнали. 2003 йил, 10-сон. Материал интернетдан олинган.

³⁰ З.Жалилов. IX-XII асрларда Шарқ мутафаккирлари яратган тарбиявий қадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018 й. 10-б.

қадриятлари, дидактик асарлари бугунги кунда ҳам ёшлар таълим-тарбиясига улкан ҳисса қўшиб келмоқда.

Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги таълим-тарбияга оид ёндашувлар, ғоялар, қарашларни ёш авлоднинг онгига сингдиришда тарбия усуслари ва воситаларини билиш, ҳаётда улардан тўғри фойдаланиш – олий педагогик таълим жараёнида профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳоратидаги муҳим хусусиятлардан бири ҳисобланади³¹. “Маълумки, ўзбек халқи азалдан ўзининг болажонлиги, оиласпарварлиги билан ажралиб туради. Албатта, фарзандга меҳр қўйиш, уларнинг қорнини тўқ, устини бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлик чоғидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказиш биз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафақат айрим ота-оналар, балки бутун жамият учун жуда қимматга тушишини ҳам кўпгина миссолларда кўриш мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, юқорида зикр этилганидек, бола тарбиясида соғлом насл масаласи ҳам муҳим роль ўйнашини инкор этиб бўлмайди. Ақли расо ҳар қайси инсон яхши англайдики, бу ёруғ дунёда ҳаёт бор экан, оила бор. Оила бор экан, фарзанд деб аталмиш бебаҳо неъмат бор. Фарзанд бор экан, одамзот ҳамиша эзгу орзу ва интилишлар билан яшайди”³². Зоро, ота-боболаримиздан қолган бой маънавий мероснинг ёш авлодни ҳар томонлама юксалиши тизимидағи ўрни ва роли ўзига хос хусусиятга ва кўринишларга эга. Улар ўз асарларида шахс маънавияти, инсонда одоб-ахлоқнинг юксак намуналарини таркиб топтириш, оила, никоҳ, фарзанд тарбияси, ҳалолу-пок меҳнати билан кун кечириш, атроф-муҳит ва табиатга нисбатан оқилона муносабатда бўлишга оид қарашларни баён қилиб келганлар. Маънавий юксак, замонавий илм ва фанни эгаллаган, аждодларимизнинг бой маънавий меросга соҳиб чиқсан авлодни ҳеч қандай ташқи куч, ғоя ёки мафкура асло ўз таъсирига тушира олмайди. Бундай авлодни вояга етказган халқнинг истиқболи порлоқ, келажаги буюқдир.

Хулоса ва таклифлар (Conclusion/Recommendations)

Бевосита эстетик нуқтаи назаридан ёндашадиган бўлсак, Шарқ мутафаккирларидан Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг маънавий-маърифий, бадиий мероси алоҳида эътиборга молик. Навоий ўз даврида замондош хунармандлар, айниқса, хаттотлар, мусаввирлар, наққошлар, муқавасозларнинг ижодий меҳнатига юқори баҳо берганлиги замонавий шароитда амалга ошириладиган бадиий таълим учун, аввало, таълим мазмунининг тарихий-миллий негизини мустаҳкамловчи, қолаверса, бугунги кун ўқувчисининг бадиий саводхонлик даражасини оширишнинг муҳим манбаи сифатида аҳамиятлидир. Айниқса, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” асари шунчаки мемуар асар, дидактик манбаигина эмас, балки миллий тасвирий санъатнинг тарихи ва нуфузини кўрсатувчи нодир асар сифатида дунё аҳлини завқлантириб келади. Демак, Шарқ мутафаккирларининг педагогик мероси деганда нафақат улар томонидан айтилган фикр, ёзилган манба, балки уларнинг асарларига оид материаллар ҳам бадиий таълим учун тарихий материал сифатида қўлланиши мумкин. Зоро, “Бобурнома”га ишланган миниатюралар юксак бадиий савияда яратилган, юқори даражадаги эстетик қадриятга даҳлдор манба сифатида дунёнинг энг нуфузли музейларида сақланиши бугунги кун ўқувчиси учун нафақат эстетик завқ берувчи манба, балки миллий ғурур туйғусини тарбияловчи восита сифатида ҳам эътиборлидир.

Айни пайтда алоҳида таъкидлаш ўринлики, эстетик қараш деганда материални фақат санъатга, хусусан тасвирий саъатга оид манбалардангина қидириш тушунилмаслиги керак. Бир неча бор таъкидлаганимиздек, кўпгина алломаларнинг (Хоразмий, Фарғоний, ибн Сино, Форобий, Улуғбек ва б.) эстетик қарашлари уларнинг илмий ва дидактик асарларида, ижодий фаолиятлари маҳсулотларида баён этилган. Шу маънода адабиётшунос олим профессор Боқижон Тухлиевнинг фикрига кўра, Юсуф Хос Ҳожиб, Жаҳон отин Увайсий каби олим ва шоираларнинг ижодий меросини ўрганиш, уларнинг таълимий ва тарбиявий аҳамиятини аниқлаш ва улардан замонавий таълим тизимида фойдаланишнинг педагогик шарт-шароитлари, механизмларини ишлаб чиқиш замонавий педагогиканинг долзарб муаммоларидан биридир³³. Илм-фан тарихидан маълумки, эстетик мазмун бевосита фалсафий моҳиятга мансуб қараш сифатида талқин этилган. Шу маънода Сайд Шермуҳамедов, Эркин Юсупов, Виктор Алимасов, Тилаб Маҳмудов каби мамлакатимиз философларининг тадқиқотлари муҳим манба сифатида педагогик тадқиқотлар ўтказишни

³¹ Ж.Ҳасанбоев, Х.Тўракулов, И.Алқаров. Педагогика назарияси (Дидактика). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: “Фан ва технологиялар”, 2011 й. 144-6.

³² И.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: “Маънавият” 2009 й. 55-56 6.

³³ Н.Ҳ.Воҳидова. Шарқ мутафаккирларининг таълимий-ахлоқий қарашлари/ Олий таълим/Высшее образование. 2008 й. 8-сон. 19-6.

тақозо этиди. Зеро, академик Эркин Юсуповнинг талқинига кўра "...инсоннинг моҳияти, манфаатлари, борлиққа муносабатини муайян қадриятларга таяниб, яхлит таҳлил этиш зарурияти барча даврларда ҳам бўлган, бундан кейин ҳам давом этаверади. Мен бу оламга нима учун келдим, яшашимдан мақсад нима, борлиқнинг моҳияти қандай, табиатга, жамиятга, инсонларга муносабатнинг қандай ахлоқий, хуқуқий мезонлари бор, деган саволларни ҳеч ким, ҳеч қачон четлаб ўта олмайди. Бу саволларга жавоб топиш жараёнида инсон кўп нарсаларни ўйлади, фикрлари, билимлари ва ҳаётий тажрибаси, ўтмиш сабоқлари якунларини бирма-бир боғлаб, маълум ижтимоий, маънавий қадриятларга таяниб ақлий таҳлил этади, ҳаётий дастур бўладиган хulosалар чиқаришга ҳаракат қиласди" [21]. Демак, инсон мукаммал шахс бўлиши учун тарихий қадриятлар билан замонавий тенденцияларни мантиқий-тадрижий боғлай олиши, бу боғлиқликнинг эстетик компонентларини англаш бадиий қадриятлар, Шарқ алломаларининг эстетик қарашларини замонавий таълим-тарбия тизимига татбиқ этишнинг педагогик механизmlарини ишлаб чиқиш учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати (Reference)

1. З. Жалилов. IX-XII асрларда Шарқ мутафаккирлари яратган тарбиявий қадриятлардан олий педагогик таълим жараёнида фойдаланиш технологияларини такомиллаштириш. Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати. Т.: 2018 й. 5-б.
2. И. Каримов. Ижобий ишларимизни охиригача етказайлик. Т.: "Ўзбекистон", 1994 й. 8-9 б.
3. М.Фармонова. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросида фарзанд тарбияси. Илмий-услубий қўлланма. Т.: "Tasvir nashriyot uyи", 2020 й. 11-б.
4. О. Ҳасанбоева, Ж.Ҳасанбоев, Ҳ.Ҳомидов. Педагогика тарихи. Т.: 2004 й. 107-108 б.
5. А. Навоий. Ибратли ҳикоятлар ва хислатли ҳикматлар. Т.: "Сано-стандарт", 2016 й. 82-б.
6. И.Сувонқулов. Маънавият илдизлари. Қўлланма. Самарқанд.: 2000 й. 72-б.
7. А. Фитрат. Оила. Т.: Маънавият, 1998 й.
8. Э. Юсупов. Шарқ фалсафаси ва инсонийлик. Жаҳон адабиёти" журнали. 2003 йил, 10-сон. Материал интернетдан олинган.
9. Ж. Ҳасанбоев, Х.Тўрақулов, И.Алқаров. Педагогика назарияси (Дидактика). Олий ўқув юртлари учун дарслик. Т.: "Фан ва технологиялар", 2011 й. 144-б.
10. И. Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: "Маънавият" 2009 й. 55-56 б.
11. Н.Ҳ. Воҳидова. Шарқ мутафаккирларининг таълимий-ахлоқий қарашлари /Олий таълим/Высшее образование. 2008 й. 8-сон. 19-б.

Ўрта осиё давлатларининг ўзаро ахборот алмашинув сиёсатининг панорамаси

Жумаев Маъруфжон Шарифжон ўғли

"Эл-юрт умиди" жамғармаси Матбуот котиби, ахборот сиёсати масалалари бўйича ижрочи деректор маслаҳатчиси

Аннотация. Ушбу мақолада Ўрта Осиё минтақасида жойлашган мамлакатларнинг ўзаро ахборот алмашинув сиёсати, давлатлар ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари, ахборот алмашиш бўйича имзоланган норматив хуқуқий хужжатлар, камчиликлар каби масалалар ёртилган.

Калит сўзлар: ахборот алмашинуви, ахборот коллаборацияси, мамлакатлар ахборот сиёсати.

Аннотация. В данной статье освещены такие вопросы, как политика взаимного обмена информацией стран, расположенных в Центрально-Азиатском регионе, отношения сотрудничества между государствами, подписанные нормативно-правовые документы по обмену информацией, недостатки.

Ключевые слова: информационный обмен, информационное сотрудничество, информационная политика стран.

Annotation. This article covers issues such as mutual information exchange policy of the countries located in the Central Asian region, cooperation relations between the states, signed regulatory legal documents on information exchange, and shortcomings.

Keywords: information exchange, information collaboration, information policy of countries.

Кириш

XXI ахборот асрида, фойдали ва долзарб, инновацион ғоялар, маълумотлар қиймати юқори баҳоланиши ҳақидаги фиклар кўплаб футурологлар томонидан айтиб ўтилган ва бу айни пайтда ўз тасдигини топаётганини кўрмоқдамиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган янги модернизация даврида жаҳон тараққиётининг ҳозирги босқичи бўлган глобаллашув жараёни тенденцияларига Ўзбекистоннинг ҳар томонлама муносаб бўлишини талаб қилмоқда. Бу борада 2017 йил 7 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан ПФ-4947-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясининг 5.2-бандида кўрсатиб ўтилган "Ўзбекистон Республикасининг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш, мамлакатда олиб борилаётган ислоҳотлар тӯғрисида жаҳон ҳамжамиятига холис ахборот етказиш" вазифасини амалга ошириш ватанимизни янги тараққиёт йўлига олиб чиқишнинг муҳим омилларидан бири сифтида кўрсатиб ўтилган.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Мақолани ёзиш давомида бир қатор илмий адабиётлардан, телевидение соҳасига тегишли бўлган ўқув қўйлланмаларидан ва Президентимизнинг оммавий ахборот воситаларига тегишли қарор ва фармонларидан фойдаланилди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев ҳамда Биринчи Президент И.Каримовнинг концептуал қарашлари, ахборот хавфсизлиги, ахборот хуружларига қарши иммунитетни шакллантириш, ахборот маконида ўз ўрнимизга эга бўлиш, халқаро алоқалар, Ўзбекистоннинг ижобий имиджи, мамлакатнинг қўшничилик муносабатларини яхшилаш каби масалаларга бағишланган Қарорлар ҳужжатлар фикр ҳамда асарларига, фармонлар ва фармойишлари, қатор норматив хуқуқий таянилди. Илмий ишнинг назарий асослари сифатида Назира Абдуазизованинг "Мустақил Ўзбекистон журналистикаси тарихи", Е.П Прохоровнинг «Введение в теорию журналистики», Мухтор Худойқуловнинг "Журналистика ва

публицистика”, Перхан Алламбергенованинг “Тележурналистика жанрлари”, И. Фэнгнинг “Теленовости, радионовости” китоблари каби ўқув қўлланмаларни, мақоланинг услубий асослари сифатида эса Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонун, “Ахборот олиш эркинлиги тўғрисида”ги қонунларни келтириш мумкин.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда кузатиш, сұхбат, эксперимент, натижаларни математик-статистик усулда таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Ўзбекистон ташқи сиёсатида мустақил қардош давлатлар - Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон билан дўстлик алоқаларини, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ўрнатиш, мустаҳкамлаш, чуқурлашириш асосий йўналишлардан биридир. Негаки, бу мамлакат халқларининг тарихи, маданияти, тили, дини бир-бирига яқиндир. Улар минг йиллар давомида бир иқтисодий, маънавий-маданий маконда яшаб келдилар.

Марказий Осиё мамлакатлари даражасидаги интеграцияга келсак, у ўзининг алоҳида ҳусусиятлари билан ажralиб турди. Бу интеграция ўз моҳиятига кўра ҳамиша халқ интеграцияси бўлиб келган ва шундай бўлиб қолмоқда. Ҳусусан Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг ягона иқтисодий макон тўғрисида имзолаган шартнома М.О халқлари олдида турган мураккаб вазифаларнинг биргаликда хал қилиш йўлида қўйилган мухим қадам ҳисобланади.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев томонидан қўйидаги фикрлар такидланган эди: “Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир мухим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқарashi билан боғлиқ”³⁴. Ушбу масалалар хақиқатда ҳам бугунги ва ўтмиш сиёсатининг асосий урғуларидан бири ҳисобланганҳамда ўринли таъкидланган. Ёшларни ахборот хавфсизлиги таъминланган мухитда тарбиялаш бу келажакнинг асоси ёрқин ва ҳавфсиз, бардавом бўлишини таъминлайдиҳамда бирламчи вазифаси ҳисобланади. Ўрта Осиё мамлакатлари орасидаги мустаҳкам алоқалардан ташқари шаффоф ва тўғри йўлга қўйилган ахборот алмашинувининг ушбу минтақада жойлашган мамлакат ёшларига ҳам бевосита ижобий таъсир этади.

Хозирги кунга келиб нафақат ёшлар, балки катта авлод вакиллари ҳам ахборотга бўлган талабларини асосан ижтимоий тармоқлар ва гаджетлар орқали қондиришмоқда. Халқаро миқиёсда мобил қурилма фойдаланувчилари асосан интернет тармоқлари орқали янгиликлар ва кўнгилочар саҳифаларга кўп қизиқишаётганини таъкидлаб ўтиш лозим бўлади ва шунга яраша медиа махсулотлар қамрови ҳам каттароқdir. Бу эса оммавий ахборот воситаларидан берилаётган махсулотларни мослаштирилишини талаб қиласди. Cisco Visual Networking берган рақамларга кўра, 2018 йилда интернет фойдаланувчиларининг трафиги харажатларининг 74% ни видеолар ташкил этган. Ўрта Осиё оммавий ахборот воситалари кенг аудиторияга мўлжалланган янгиликларни етказиш ва тарқатиш учун янги платформаларни ўзлаштир чораларини кўллашмоқда.

Минтақада қамров ва қурилмалардан фойдаланиш имкониятлари мавжудлиги туфайли бошқаларга таққослаганда нисбатан кўрсаткичлар яхшироқ. Ўрта Осиё мамлакатларида интернетнинг чекка ҳудудларга етиб борганлик деярли 100% ни ташкил этади. Ваҳоланки, дунё миқиёсида бу кўрсаткич 96% дир. Телекоммуникацион тармоқларнинг модернизация ва провайдер компанияларининг 4G ва 5G ўтганлиги туфайли фойдаланувчилар тезкор тарзда интернетдан, шунингдек, қурилманинг турли функцияларидан фойдалана олишади. Манашундай қулай омиллар туфайли ижтимоий тармоқларда Ўрта Осиё минтақаси мамлакатлари янгиликларига ихтисослаштирилган бир қанча сайтлар ҳамда саҳифалар бугунги кунда фаолият юритмоқда. Centralasia.news; sputniknews.ru; fergananews.com; trend.az; russian.rt.com; ca-portal.ru; centralasia.media; timesca.com, regnum.ru каби сайтларда ва рукнларда Ўрта Осиё минтақасида рўй бераётган сиёсий-ижтимоий, маданий, илмий-технологик янгиликлар бериб борилади. Минтақада жойлашган мамлакатларнинг ўзаро алоқалари ҳамкорлиги ва муносабатлари ҳам ёритилиб борилади. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожигистон, Туркманистон Республикаларига оид янгиликларни ёритиб борувчи, улар ўртасидаги ахборот алмашинувидаги асосий воситачи вазифасини бажарувчи кенг қамровли ОАВлар ҳам мавжуд. Ўзбекистон ахборот агентлиги “ЎзА”, Қозоғистон ахборот агентлиги “Казинформ”, Қирғизистон ахборот агентлиги “Кабар”, Тожикистон ахборот агентлиги “Азия-плюс”, Туркманистондаги ягона ахборот агентлиги “Туркмендавлет хаберлари” (ТДХ) каби республикаларнинг етакчи ахборот агентликлари

³⁴Ш.М.Мирзиёевнинг Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 78-мактабдаги нутқидан. 2018 й.

минтақадаги ахборот алмашинуви ва сиёсатига катта таъсир этади ҳамда, Ўрта Осиё давлатларининг халқаро ахборот майдонидаги имиджини шакллантиришда асосий рол ўйнайди. Бундан ташқари, минтақадаги республикаларнинг етакчи информацион телеканаллари “Ўз24”, “24КЗ”, “КГ24” ҳисобланиб, Ўрта Осиё мамлакатларига оид янгилик сайtlарига маълумотлар манбаси бўлади.

Ўрта Осиё минтақасида жойлашган давлатларнинг ахборот сиёсати халқаро стандартлар асосида ва миллий йўналишлардан келиб чиқиб шакллантирилади. Қоидага кўра, ахборот сиёсатининг мақсад ва вазифалари, қатор қонун актлар, массмедиани қўллаб-қувватлаш учун молиялаштириш ҳукумат органлари томонидан белгиланади. Бу масалаларга ҳукумат органлари қарорлари изоҳлари ва мамлакат фаолиятини ижобий ёритиш, ахборот бериш, турли-туман маълумотлар тарқатишдаги хавфсизлик дастурлари ҳам киради. Давлат органлари халқ манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда ахборот сиёсатини белгилайди, бюджет харажатларини самарали сарфланишини кўриб чиқади, ягона ахборот маконини яратади, массмедиа ва интернет, жамоатчиликнинг фаолиятини назорат қиласди. Марказий Осиё мамлакатлари давлатлари шахс, жамият ва давлат ўртасидаги қарашларини мувозанатга солиш ҳақида изланмоқдалар. Лекин бу жараёнда турлли тафовутлар юзага келади. Ахборот маконини назорат қилиш мақсадида баъзи Ўрта Осиё мамлакатларида, турли сайtlарда, блогларда, оппозицион сайtlарда, ижтимоий тармоқларда мамлакатнинг манфаатини ҳимоя қилиб фикрлар, постлар қолдириб борувчи фойдаланувчилар тайёрланмоқда.

Сиёсат ўзига ҳос бизнесга айланганлигини бугунги кунда кўпчилик салоҳиятли инсонлар англаб етдилар. Бугунги кун кишисининг онги информацион зўриқишига дучор бўлмоқда. Шунинг учун ҳам ортиқча, кераксиз маълумотлардан чекланишни ахборот истемолчиси мақул кўрмоқда. Ақлий зўриқтирадиган маълумотларга инсонларда иммунитет шаклланиб, пассивлик юзага келмоқда. Анашуладан келиб чиқсан ҳолда, Ўрта Осиё мамлакатлари ахборот сиёсати хавфсизликни таъминлаш, зарур ва ишончли маълумотларни узатиш кабиларга йўналтирилган. 1990 йилда Ҳамдўстлик мамлакатлари ўртасида “Ахборот йўналишида ҳамкорлик келишуви”, “Ҳамдўстликка аъзо мамлакатларнинг давлат ахборотидан фойдаланиш ва уни олиш масаласида низом”, “МДҲнинг ягона ахборот маконини шакллантириш концепцияси”, “МДҲга аъзо мамлакатлар – давлат илмий-техникавий янгиликларидан эркин фойдаланиш ва алмашиб келишуви”, имзоланган бўлиб, бу МДҲ минтақасидаги ягона ахборот маконини яратиш ва ҳамкорликдаги ахборот сиёсатини олиб боришга мақсадига қаратилган. 1996 йилда Ҳукумат раҳбарлари кенгашни томонидан “МДҲ ахборот маконини шакллантириш юзасидан концепция” тасдиқланган. Ҳужжатда, телекоммуникацион хизматлар, дастурлар учун шароит ва амалга оширилиш механизмлари, мамлакатлараро ахборот алмашинуви ривожлантириш кабилар МДҲ аъзо давлатларининг ташкилий масалалар ва принциплари этиб белгиланган. Ушбу концепцияга кўра, МДҲ ахборот майдони – бу ҳамкор мамлакатларнинг ўзаро манфаатли келишувлари, ахборот сиёсати асосида олиб бориладиган медиа майдонидир. Фуқароларига, давлат фаолиятига тегишли бўлган очиқ маълумотлардан тўсиқлар ва цензурасиз, миллий ва хорижий янгиликлардан эркин фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш кабилар шартномаларга аъзо мамлакатларнинг умумий манфаатлари этиб белгиланган. Ушбу мақсадларни амалга ошириш учун “Мир” телерадио комапанияси ташкил этилган. МДҲга аъзо мамлакатларнинг сиёсий-жамият, иқтисодий ва маданий хаётида рўй бераётган янгиликларни тўхтовсиз ва объектив равишда бериб бориш мақсадида журналистлар йўналиш олиб иш олиб бордилар. МДҲ давлатларининг оммавий ахборот воситалари ўртасидаги ҳаморлик йўқлиги сабабдан ўзига ҳос алоқаларни ва улар ўртасида рақобатни шакллантириш, бунинг оқибатида ахборот маконини вужудга келтириб аъзо мамлакатлар ўртасидаги пайдо бўлиши мумкин бўлган ихтилоф, кескинлашувларни ОАВ орқали бартараф этиш ҳам режалаштирилган эди. Собиқ иттифоқ мамлакатларининг мустақилликларини қўлга киритишганидан сўнг, гуманитар қадриятлар майдонини яратиш уларни бирлаштирадиган фактор бўлиши лозим эди. Бу эса массмедиа орқали “ҳукумат ва халқнинг ўзаро яқин алоқаларини мустахкамлаш, умумий сиёсий ва жамият рухини яратиш ҳамда низоларни келтириб чиқарувчи ёд ғояларни кириб келишига қаршилик кўрсатиш” каби мақсадларни ўз ичига олган эди. МДҲга аъзолар умумий ахборот сиёсатини яратиш учун, гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгашни ташкил этиш муҳим эди. Коммуникация воситалари ва ахборот йўналишидаги кенг тармоқли ҳамкорлиги, механизмларининг ривожлантириш ушбу ҳамкорлик организининг мақсадлари этиб белгиланди. Муҳим вазифаларни аниқлаш ва гуманитар йўналишлардаги ривожланиш, халқаро замонавий дастуриш таъминотлар билан таъминлаш, ахборот коммуникациялари йўналишидаги лойиҳа ва тадбирларни амалга ошириш асосий функциялардан этиб

белгиланган эди. Ўрта Осиё мамлакатлари ўртасида 2007 йилда имзоланган “Узоқ муддатли ривожланиш ва ҳамкорлик концепцияси”да гуманитар йўналишларда алоқаларни ривожлантириш ва барча даражалардаги самарали мулоқот майдонини яратиш асосий мақсадлардан этиб белгиланган эди. Бу мақсадларни амалга оширишда оммавий ахборот воситалари асосий ролни ўйнаши керак эди.

Ўрта Осиё давлатларида ҳамкорликдаги ахборот сиёсатини амалга ошириш учун бугунги кунга келиб етарлича шарт-шароитлар яратилмоқда. Олдинлари бундай шароитларни яратиш учун Ўрта Осиё мамлакатларининг ўзаро сиёсий муносабатларидағи номутаносиблик ва келишмовчиликлар йўл қўймас эди. Бир томондан лидерлар халқаро стандартлардан четлашмасликга, дунё ҳамжамияти кўз ўнгидаги сиёсий маргинал бўлиб кўринмаслик учун интилмоқда. МДҲга аъзо мамлакатларнинг кўпчилигига ахборот тарқатиш учун ҳуқуқий асос яратилган. Одатда демократик жамиятда, ахборот сиёсатини шакллантиришда етакчи сиёсий париялар ҳам муҳим роль ўйнайди. Ўрта Осиё мамлакатларининг ахборот ҳамкорлигидаги пассивликни қуидагида изоҳлаш мумкин: у ёки бу давлатни иқтисодий барқарор эмаслиги ва кучсизлиги, ахборот сиёсити эркинлигини пасайтиради ҳамда кучли назорат ўрнатилганлигига далолат беради. Журналистика давлат бюджетига қараб қолса албатта сиёсий бошқарув манфаатларидан келиб чиқсан ҳолда иш олиб боради, хоҳ ҳукумат адолатли сиёсат олиб борсин ҳоҳ нотўғри. Иқтисодий кучли бўлмаган давлат бошқарув органлари томонидан плюриализмнинг пайдо бўлишига, ортиқча харажат ҳамда мавжуд имкониятларини чекловчи, танқид ёғдирувчи таҳдид, миллий ҳавфсизликга путур етказувчи омил сифатида баҳоланади. Ўрта Осиё мамлакатларининг бошқарув органлари ахборот сиёсати бўйича тузилган келишувларини амалга оширишлари учун қилинадиган асосий ишлар хали олдинда туриби ва бу имзоланган хужжатарларни тўлиғлигича хаётга ҳам тадбиқ этилалишидан далолат беради.

Битимлардаги келишувларни тўлиқ амалга ошириш аввало мамлакатларнинг ички ахборот сиёсатини ривожлантириш билан бошланади. Бу вазифаларни амалга ошириш учун, юртимиз телевидениясини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Мамлакатимиз телевидениесида эфирга узатиладиган информацион дастурлар куннинг энг асосий воқеаларига тезкорлик билан жавоб бериб, аҳолини юртимизда ва хорижда рўй бераётган барча ўзгаришлардан хабардор қилиб, унинг турли воқеа ва ҳодисалари тўғрисида тасаввурга эга бўлишида ёрдам беради. Зотан, ахборий дастурларнинг муҳим вазифаси ҳам шундан иборат. Бу Вазирлар Маҳкамасининг “Республика аҳолисининг ахборотларга бўлган эҳтиёжини тўлароқ қондириш, телерадиодастурларни мазмунини тубдан яхшилаш” тўғрисидаги қарорида ўз тасдиғини топган.

Сўнги йилларда қўшни мамлакатлар билан ўзаро алоқалар тикланиб, янада мустаҳкамлашиб бораётган паллада, қардош мамлакатларда рўй бераётган воқеа-ҳодисаларга нисбатан янгиликлар дастурларининг реакциялари ҳам ўзгарди. Олдин у давлатларда рўй бераётган воқеа воқеаларга нисбатан бироз эътиборсизлик билан, аниқроғи панжа ортидан қаралган бўлса, хозирга келиб эса очиқлик билан ўзаро ахборот воситалари ёритилмоқда. Ўзаро янгиликлар алмашинуви ҳам сезиларли даражада ўсади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Эрих Фихтелиус. Радио ва телевидение асослари. Тошкент: Шарқ, 2002.
- Ф.Мўминов. «Журналистика ижтимоий институт сифатида», Т.: Университет, 1998.
2. Дўстмуҳамедов Х.Н. Оммавий ахборот воситаларини ривожлантиришнинг демократик андозалари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005.
3. Ўзбекистон Миллий университети. Нодавлат телевидение ва радио. Ўқув услубий мажмуя. Тошкент: Университет, 2012.
4. Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – Учеб. пособие. Серия “Практическая журналистика”. – Москва: РИП-холдинг, 2000.
5. Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Университет, 2008;

Geografik ko'rsatkichlar va tovar kelib chiqqan joy nomlarining yuridik tabiatini o'rtaSIDagi varqlari

Jo'rayeva Muslima Bahodir qizi

Toshkent davlat yuridik universiteti

Magistratura talabasi

Telefon: +998935657881

Toshkent, O'zbekiston

E-mail: muslimajuraya110899@gmail.com

Annotatsiya

Ushbu maqolada muallif kelib chiqqan joy nomlari va geografik ko'rsatkichlarning huquqiy mohiyatini tahlil qilishga harakat qilgan. Bundan tashqari, ushbu maqola ob'ektlarining o'xshash va farqlovchi tomonlari o'chib berilgan. Muallif xalqaro shartnomalarni chuqur o'rganish orqali milliy qonunchilikda mavjud bo'lgan normalar va xalqaro normalar solishtirgan.

Kalit so'zlar: intellektual mulk, individuallashtirish vositalari, tovar kelib chiqqan joy nomlari, geografik ko'rsatkichlar

Соотношение правовой природы географических указаний и наименований места происхождения товара

Аннотация

В данной статье автором предпринята попытка проанализировать правовую сущность наименований места происхождения товаров и географических указаний. К тому же, раскрыты схожие и отличительные стороны объектов данной статьи. Путем углубленного изучения международных соглашений автор сопоставил международные нормы и нормы, содержащиеся в национальном законодательстве.

Ключевые слова: интеллектуальная собственность, средства индивидуализации, наименования места происхождения товаров, географические указания.

Annotation

In this article, the author made an attempt to analyze the legal essence of appellations of origin and geographical indications. In addition, similar and distinctive aspects of the objects of this article are disclosed. Through an in-depth study of international agreements, the author compared international norms and norms contained in national legislation.

Key words: intellectual property, means of individualization, appellations of origin of goods, geographical indications.

В эре глобализации человечество не устает открывать для себя новые горизонты, получать новые знания посредством умственных и физических стараний, что приводит к получению определенного опыта в той или иной сфере жизнедеятельности человека. Люди испокон веков стараются улучшить условия жизни для себя и будущего поколения. Для этого они начали создавать, творить, что послужило появлению нового института гражданского права под названием «интеллектуальная собственность» (далее по тексту - ИС). Объектами данного института стало то, что создано людьми именно творческим трудом.

С развитием разных сфер быта объекты данного института стали расширяться. Например, объекты условно разделены на три группы: 1. результаты интеллектуальной деятельности; 2. средства индивидуализации; 3. другие результаты интеллектуальной деятельности и средства индивидуализации участников гражданского оборота, товаров, работ и услуг в случаях, предусмотренных гражданским законодательством.

В данной статье предпринята попытка исследовать вопрос соотношения правовой природы наименований места происхождения товаров (далее по тексту - НМПТ), которые относятся к средствам индивидуализации, и географических указаний (далее по тексту - ГУ), происхождение которых до сих пор является спорным.

Итак, верно ли то, что шампанское может происходить только из Франции? Может ли Пармская ветчина производиться только в Италии? Может ли портвейн быть только Португальским? Может ли айдахский картофель выращиваться только в Айдахо?

Ответы на данные вопросы могут зависеть от места, где находится конечный потребитель. Существуют товары, производство которых неразрывно связано с местом, регионом их производства. Именно из-за того, что эти товары производятся в этом регионе, например Айдахский картофель, их свойства являются своего рода гарантией качества, которую невозможно достичь в другом регионе. Соответственно, как отмечает профессор Э.А.Шахназарова, «указанные объекты ИС юридически фиксируют связь товара, обладающего особыми свойствами, с территорией географического объекта, чем обеспечивают его узнаваемость и, как следствие, способствуют поддержке отечественных производителей, развитию производства и туризма, созданию новых рабочих мест» [1, с.14].

По данным OriGin в мире насчитывается более 9 050 зарегистрированных ГУ [2].

В данной статье применялись методы сравнительно-правового, логический метод научного познания, а также метод анализа, синтеза и формализации, позволившие достаточно всесторонне исследовать вопросы соотношения двух близких по роду и значению средств индивидуализации.

Для детального анализа настоящая статья разделена на три части:

1. Изучение понятийного аппарата и эволюцию развития двух исследуемых объектов;
2. Рассмотрение схожих и отличительных свойств этих объектов на основании актов международного и национального права.

3. Вывод.

Обращаясь к истории происхождения термина НМПТ и ГУ, то следует обратить внимание на мнение профессоров Н.В.Шереметьевой и Е.М.Гамзяковой, которые считали, что впервые понятие «географическое указание» было предложено Всемирной организацией интеллектуальной собственности (далее по тексту - ВОИС) в 70-х годах XX века при разработке международного договора». В 1925 году, в Гааге в тексте появились понятия «указание происхождения» и «наименование мест происхождения», включающие в себя свойства специфического товара, связанного с происхождением [3].

Международная правовая охрана НМПТ была введена с 1992 года [4], правовая охрана географического указания на региональном уровне появилась в рамках Европейского Союза (ЕС) в 1992 году [5].

Итак, мы можем сказать, что НМПТ появилось раньше, чем ГУ, однако правовую охрану оба объекта получили одновременно.

Что же касается их сущности, то уместно будет отметить, что до сих пор мнения ученых расходятся по отношению к понятиям этих объектов.

Некоторые считают, что ГУ «второй, дублирующий во многом НМПТ, охраняемый объект» [6, с.2], «установление самостоятельной правовой охраны географического указания как средства индивидуализации наряду с правовой охраной наименования места происхождения товара излишне» [6, с.4].

Другие ученые считают, что ГУ является особым видом товарного знака, так как ГУ, как и товарные знаки, являются символами, которое потребители используют при принятии решения о покупке[7].

В свою очередь профессор А.П.Рабец полагает, что «НМПТ – это особый вид ГУ»[8].

Впервые понятие ГУ дается в ст.ст.22-24 ТРИПС, где говорится, что ГУ представляет собой обозначение, которое идентифицирует товар как происходящий с территории члена ВТО, где определенное качество, репутация или другие характеристики товара в значительной степени связываются с его географическим происхождение.

ВОИС указывает на то, что «наименование места происхождения представляет собой особый вид географического указания», объясняя дифференциацию между ними тем, что «в случае наименования места происхождения, происхождения связь с местом должна быть более сильной»[9].

По мнению правоведа ФГОБУ ВО «Финансовый университет при Правительстве Российской Федерации» Д.У.Седова, изложенного в статье «Наименование места происхождения товара и географическое указание: проблемы соотношения», «ГУ и НМПТ как средства индивидуализации активно используются и развиваются по всему миру. Большое количество стран уже урегулировало НМПТ и ГУ в своих национальных юрисдикциях»[10].

Что же касается национального законодательства, то в первую очередь стоит

отметить тот факт, что ГУ не включен как объект ИС в действующий Гражданский кодекс Республики Узбекистан (далее по тексту – ГК РУз). Однако, в Гражданском кодексе Российской Федерации ГУ включено в список объектов ИС Федеральным законом от 26.07.2019 г. N 230-ФЗ) [11].

Данный феномен оставил открытый вопрос: относится ли ГУ к объектам ИС или же ГУ – это производный объект от других объектов ИС?

Обсуждая вопрос понятийного аппарата, содержащегося в нормативно-правовых актах Республики Узбекистан, стоит отметить следующее: согласно ст.3 Закона «О географических указаниях» от 03.03.2022 года, под ГУ понимается обозначение, которое идентифицирует товар как происходящий с территории определенного географического объекта, где качество, репутация или другие характеристики товара (далее – характеристики товара) в значительной степени зависят от его географического происхождения. На территории данного географического объекта должна осуществляться хотя бы одна из стадий производства товара, оказывающая существенное влияние на формирование характеристик товара.

В Законе «О товарных знаках, знаках обслуживания и наименованиях мест происхождения товаров» дается понятие НМПТ. Так согласно ст.5 настоящего Закона, НМПТ - название страны, населенного пункта, местности или другого географического объекта (далее – географический объект), используемое для обозначения товара, особые свойства которого исключительно или главным образом определяются характерными для данного географического объекта природными условиями или иными факторами либо сочетанием природных условий и этих факторов.

Просмотрев международные акты, необходимо выделить Парижскую конвенцию по охране промышленной собственности, где не дается четкого понятия ГУ и НМПТ, что усложняет попытки различить эти два понятия между собой.

Одним из основных международных соглашений в области ГУ и НМПТ является Лиссабонское соглашение об охране НМПТ и их международная регистрация. В данной Конвенции существует понятие НМПТ, который похож на понятие, содержащееся в национальном законодательстве.

В продолжение данному Соглашению был принят Женевский акт, который позволил осуществлять международную регистрацию НМПТ и ГУ, а также ввел понятие ГУ.

2. Рассмотрение схожих и отличительных свойств этих объектов на основании актов международного и национального права.

Схожие стороны ГУ и НМПТ:

- ✓ Правовая охрана предоставляется с момента регистрации;
- ✓ Уполномоченным государственным органом, регистрирующий ГУ и НМПТ, является Агентство по интеллектуальной собственности при Министерстве юстиции Республики Узбекистан;
- ✓ Лицо, зарегистрировавшее ГУ и НМПТ, получает право пользования;
- ✓ Право пользования ГУ и НМПТ может быть предоставлено и другому юридическому или физическому лицу, находящемуся в том же географическом объекте и производящему товар с теми же характеристиками;
- ✓ Проходят два вида экспертиз: формальная и экспертиза заявленного обозначения;
- ✓ Обжаловать результаты экспертиз можно в Апелляционный совет Министерства юстиции Республики Узбекистан в течение 3-х месяцев с даты принятия решения, после решения Апелляционного совета – в административный суд в течение шести месяцев.

Отличительные признаки ГУ и НМПТ

ГУ

Хотя бы одна из стадий производства должна происходить в указанном регионе.

НМПТ

Товар должен обладать особыми характеристиками, обусловливаемыми исключительно природными условиями (климат, рельеф местности, состав почвы, полезные ископаемых, состав и температура воды и т.д.) и/или людскими факторами, характерными для региона/местности (традиции производства, профессиональное

Достаточно, чтобы на территории региона осуществлялся один этап производства товара, влияющий на его свойства.

Условия регистрации: заявка на регистрацию географического указания может быть подана несколькими физ. и/или юр. лицами, также:

1. негосударственной некоммерческой организацией, созданной в форме объединения, уполномоченной представлять интересы юридических и (или) физических лиц, указанных в части первой настоящей статьи (далее — объединение);

2. органом исполнительной власти на местах, на территории которого находится соответствующий географический объект.

Требования к заявке:

указание места производства товара в границах географического объекта;

сведения, касающиеся зависимости характеристик товара от места его производства;

описание характеристик товара, в значительной степени обусловленных его географическим происхождением, характерными для данного географического объекта природными условиями и (или) людскими факторами, включая исходный материал, используемый для производства товара, физические, химические, микробиологические, органолептические или художественные характеристики товара;

наименования и места нахождения (почтовые адреса) компетентных инспекционных органов и лабораторий, подтверждающих соблюдение заявленных положений и конкретных характеристик товара, если это предусмотрено в административном регламенте об оказании государственной услуги по регистрации географических указаний, утверждаемом Кабинетом Министров Республики Узбекистан (далее — административный регламент).

Формальная экспертиза проводится в 15-дневный срок

Предупредительная марка - «GI»

мастерство, культурные и этнографические особенности).

В обязательном порядке все стадии производства должны происходить в одном регионе.

физическими и юридическим лицом (далее — заявитель) в Агентство (ныне Департамент интеллектуальной собственности) через государственные информационные системы.

Специфических требований нет.

Формальная экспертиза проводится в

30-дневный срок

Предупредительная марка - «R»

Резюмируя вышеизложенное, хотелось бы выделить следующее:

Во-первых, среди ученых-цивилистов, исследовавших сферу интеллектуальной собственности, не существует единого мнения насчет ГУ. Однако, мы считаем, что ГУ — это отдельный объект ИС, который необходимо включить в ГК, так как имеет признаки, которые относятся именно к ГУ.

Во-вторых, основными международными актами в области НМПТ и ГУ являются Лиссабонское соглашение и Женевский акт.

В-третьих, наряду со схожествами между НМПТ и ГУ, существует ряд различий, что наделяет их соответствующими характеристиками для разграничения их в качестве отдельных видов ИС.

В-четвертых, связь товара при НМПТ намного сильнее, чем с ГУ.

Список использованной литературы:

1. Шахназарова Э.А. «Охрана средств индивидуализации, содержащих указание на географическое происхождение товаров, в международном частном праве». Дисс. ... канд. ист. наук. М., 2019.
2. <https://www.fao.org/geographical-indications/ru>
3. Рабец А.П. «О некоторых аспектах правовой охраны географических указаний в качестве новых объектов интеллектуальных прав» // Азиатско-тихоокеанский регион: экономика, политика, право. 2019. Т. 21. № 2. С. 140-151.
4. Научная статья Шереметьевой Н.В. и Гамзяковой Е.М. «Наименование места происхождения товаров или географическое указание?», стр.167. [Электронный ресурс]// <https://cyberleninka.ru/article/n/naimenovanie-mesta-proishozhdeniya-tovarov-ili-geograficheskoe-ukazanie/viewer>
5. Об охране географических указаний и наименований местных сельскохозяйственных продуктов и продовольственных товаров: Постановление Совета ЕЭС № 2081/92 от 14.07.1992 г. [Электронный ресурс]// WIPO IP Portal. – Режим доступа: <https://wipolex.wipo.int/ru/legislation/details/1412>.
6. Городов О. А. «О географических указаниях и наименованиях мест происхождения товаров» // Патенты и лицензии. Интеллектуальные права. 2019 № 8. С. 2–9.
7. GIPA-Russian-GeoIndications.pdf
8. Рабец А.П. «О некоторых аспектах правовой охраны географических указаний в качестве новых объектов интеллектуальных прав» // Азиатско-Тихоокеанский регион: экономика, политика, право. 2019. № 2. С. 140–151.
9. Ярыгин Н.О. Научная статья «Как стоит различать географические указания и наименования места происхождения товара», стр.51.
10. Седов Д.У. Научная статья «Наименование места происхождения товара и географическое указание: проблемы соотношения», ст.74
11. http://www.consultant.ru/document/cons_doc_LAW_64629/2a4870fda21fdff70bade7ef80135143050f0b1/

Тадбиркорликнинг жамиятда тутган ўрни ва уни ривожлантириш истиқболлари

Жўраева Шахло Учқун қизи
Тошкент давлат иқтисодиёт университети таянч докторанти
E-mail: jorayevashaxlo@gmail.com
Телефон: 94-622-78-71

Аннотация. Рақамли иқтисодиёт ва жаҳон иқтисодий тизими жараёнлари жадаллашган шароитда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва унинг ривожланиш истиқболлари бўйича муаммоларни илмий тадқиқ этиш жараёни кучайган. Шу боисдан, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиш истиқболларини таъминлаш узлуксиз жараён бўлиб, ҳаётй аҳамият касб этади. Ушбу мақола Ўзбекистон республикаси аҳолисининг тадбиркорлик салоҳиятини ривожлантиришга қаратилган бўлиб, унда назарий ва эмпирик таҳлилдан фойдаланган ҳолда тадбиркорлик салоҳияти ҳолати ўрганилган ва илмий асосланган ҳолда баҳоланган. Шунингдек мақолада тадбиркорликни ривожлантириш, ҳамда ташкилий-иктисодий механизmlарини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш йўналишлари кўрсатиб ўтилган. Ҳудуд аҳолисининг тадбиркорлик салоҳиятига муносабати аниқланган, тадбиркорликка жалб этиш ва ўз тадбиркорлигини очишига тайёргарлик даражаси баҳоланган. Аҳолининг тадбиркорлик фаоллигини ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар аниқланган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, тадбиркорлик фаоллиги, кичик тадбиркорлик субъектлари, тадбиркорлик фаолияти, тадбиркорликни ривожлантириш истиқболлари.

Abstract. In the conditions of accelerated processes of the digital economy and the world economic system, the process of scientific research on the development of entrepreneurship and its development prospects has intensified. Therefore, ensuring the prospects for the development of entrepreneurship is a continuous process and is of vital importance. This article is aimed at developing the entrepreneurial potential of the population of the Republic of Uzbekistan, in which the state of entrepreneurial potential is studied and scientifically evaluated using theoretical and empirical analysis. Also, the article shows directions for the development of entrepreneurship, improvement of organizational and economic mechanisms and increasing their efficiency. The attitude of the population of the region to the entrepreneurial potential was determined, the level of involvement in entrepreneurship and preparation for opening one's own business was evaluated. The necessary conditions for increasing the entrepreneurial activity of the population have been determined.

Keywords: entrepreneurship, entrepreneurial activity, small business entities, entrepreneurial activity, prospects of entrepreneurship development.

Аннотация. В условиях ускоренных процессов цифровой экономики и мировой экономической системы активизировался процесс научных исследований развития предпринимательства и перспектив его развития. Поэтому обеспечение перспектив развития предпринимательства является непрерывным процессом и имеет жизненно важное значение. Настоящая статья направлена на развитие предпринимательского потенциала населения Республики Узбекистан, в которой изучается и научно оценивается состояние предпринимательского потенциала используя теоретический и эмпирический анализ. Также в статье показаны направления развития предпринимательства, совершенствования организационно-экономических механизмов и повышения их эффективности. Определено отношение населения области к предпринимательскому потенциалу, оценен уровень вовлеченности в предпринимательство и подготовленность к открытию собственного дела. Определены необходимые условия для повышения предпринимательской активности населения.

Ключевые слова: предпринимательство, предпринимательская деятельность, субъекты малого предпринимательства, предпринимательская деятельность, перспективы развития предпринимательства.

Кириш

Бугунги инновацион ва рақамли иқтисодиёт, шунингдек янгиланаётган жамиятда тадбиркорлик фаолиятининг ривожланиши бозор иқтисодиёти шаклланиши ва тарақкий этишига, шунингдек, рақобатбардош иқтисодиётнинг самарадорлик даражаси ва бозор ислоҳотларининг муваффақиятлилик даражасига таъсир этувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонининг туб моҳияти ҳам мамлакат ижтимоий- иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш ва иқтисодиётни эркинлаштириш, тадбиркорликни янада ривожлантиришни назарда тутади[1].³⁵ Тараққиёт стратегиясида кўзда тутилган энг муҳим вазифалардан бири макроиктисодий барқарорликни таъминлаш, давлат бюджети тақчиллигини қисқартириш, саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш, иқтисодиётда давлат иштирокини қисқартириш, хусусий секторга кенг йўл очиш ва унинг устувор мавқеини янада кучайтириш, иқтисодий муносабатларда эркин бозор тамойилларини жорий этишни кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш ва таркибий ислоҳотларни давом эттиришдан иборат.

Бугунги кунда коронавирус пандемияси келтириб чиқарган глобал иқтисодий инқизор шароитида мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари қатори тадбиркорлик соҳасида вужудга келган мураккаб вазиятни юмшатиш мақсадида ҳукуматимиз томонидан бир қатор меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2020 йил 3 апрелдаги ПФ-5978-сонли [2]³⁶, «Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 20 июлдаги ПФ-6029-сонли Фармонларини[3]³⁷ бунга мисол қилиш мумкин. Мамлакатимиз Президенти Ш.Мирзиёев Олий Мажлисга Мурожаатномасида «Жойлардаги ижтимоий муаммоларни ҳал этишга оид тадбиркорлик ташаббусларини, айниқса, ёшлар ва аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга устувор аҳамият бериш зарур. Шу мақсадда аҳоли ва тадбиркорларга, микромолия хизматлари ва молиявий ресурсларга, давлат харидларига кенг йўл очиб берилади. Бундай чоралар орқали одамларимизда тадбиркор бўлишга иштиёқ ва ишонч ортади, улар кўпроқ даромад олишга интиладиган бўлади,» деган фикрларининг ўзиёқ ҳукуматимиз томонидан тадбиркорликка бўлган эътиборнинг қай даражада юқорилигидан далолат беради. Тадбиркорликни янада ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 13 октябрда “Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4862-сон Қарори тасдиqlаниши юқорида Президентимиз томонидан қайд этиб ўтилган фикрларнинг ҳаётдаги исботи сифатида қараш мумкин[4]³⁸.

Мавзуга оид адабиётлар тахлили

Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш истиқболларини ўрганар эканмиз, авваламбор тадбиркорлик тушунчасининг моҳиятини англаб етмоғимиз лозим. Тадбиркорлик тушунчасини ҳозирги маъносида биринчи бўлиб XVII аср охири ва XVIII аср бошларида инглиз иқтисодчиси Ричард Кантлон қўллаган эди. Унинг фикрича, тадбиркор таваккалчилик шароитида фаолият кўрсатувчи кишидир. Шу боисдан у ер ва меҳнат омилини иқтисодий фаровонликни белгилаб берувчи бойлик манбаи деб билган. Кейинчалик XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошида машҳур француз иқтисодчиси Ж.Б.Сей, “Сиёсий иқтисод рисоласи” китобида тадбиркорлик фаолиятини ишлаб чиқаришнинг уч мумтоз омиллари: ер, капитал, меҳнатнинг яхлитлиги деб таърифлаган эди.

³⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони

³⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон

³⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон

³⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 13.10.2020 йилдаги ПҚ-4862-сон

У Англия саноатининг муваффақиятини “инглиз тадбиркорлари истеъоди” таъминлаганигини таъкидлаган эди. Ж.Б.Сейнинг асосий тезисида маҳсулот ишлаб чиқаришда тадбиркорлар асосий фаолият кўрсатади дейилади. Ж.Б.Сейнинг фикрича, тадбиркор олган даромад унинг меҳнати, ишлаб чиқаришни ташкил этганлиги, маҳсулотни ўз вақтида сотганлиги учун берилган мукофотдир. Тадбиркор таваккал қилиб, бирор-бир маҳсулотни ишлаб чиқаришни ўз бўйнига олади. Қайд этиш лозимки, иқтисодиёт фанининг асосчилари тадбиркорлик шаклига кам эътибор берганлар. Тадбиркорлик фаолияти уларнинг илмий-тадқиқот ишларининг таҳлил обьекти бўлмаган. Инглиз иқтисодчи олимлари А.Смит ва Д.Рикардо иқтисодиётни ўз-ўзини мувофиқлаштирувчи механизм деб қабул қилганлар. Ушбу механизмда ижодий тадбиркорликка ўрин йўқ эди. «Халқлар бойликларининг моҳияти ва сабабларини тадқиқ этиш” китобида А.Смит тадбиркор таърифига алоҳида эътибор берган эди. А.Смит фикрича, тадбиркор-капитал эгаси. У муайян тижорат ғоясини амалга ошириб, даромад олиш учун таваккалчилик билан иш бошлайди, чунки капитални бирор-бир ишга сарфлаш доимо таваккалчилик билан боғлиқдир. Тадбиркорликдан олинган даромад, А.Смит фикрича, шахсий таваккалчилик учун олинган мукофот. Тадбиркор ишлаб чиқаришни ўзи режалаштиради, ташкил этади, ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига эгалик қиласди. Бу ишлар, ўз навбатида, бозор тизими билан боғлиқ. Шу боис А.Смит бизларни бозор тизимининг марказий механизми-рақобат механизми билан таништиради. Ўз манфаатини кўзлаб юрган ҳар бир киши бозорда шу мақсад билан юрган кишиларга дуч келади. Натижада, бозордаги ҳар бир ҳаракат қилувчи субъект рақобатчи таклиф қилган нархларга рози бўлади. Бундай рақобатда ўхшаш товарларга меъёрдан ортиқ нарх қўйган ишлаб чиқарувчи харидорни йўқотиши ҳеч гап эмас.

XIX-XX асрлар чегараларида тадбиркорлик институтининг аҳамияти ва ролини кўпчилик англай бошлади. Машҳур америкалиқ иқтисодчи Й. Шумпетер ўзининг «Иқтисодий ривожланиш назарияси” китобида, тадбиркорни новатор (янгилик бунёд қилувчи одам, деб таърифлаган). Олим тадбиркорлик фаолиятини капиталистик иқтисодиётнинг ривожланишида, иқтисодий ўсишни таъминлашда катта рол ўйнайдиган янгиликларни жорий этишдан иборат, деб билади. Функцияси янги комбинацияларни жорий этишдан иборат бўлган хўжалик субъектларини биз тадбиркор деб атаемиз. Ушбу муаммога иқтисодиёт соҳасида Нобел мукофотига сазовор бўлган инглиз иқтисодчиси Фридрих Фон Хайн бошқача ёндашган. Унинг фикрича, тадбиркорлик фаолият бўлмасдан, балки янги иқтисодий имкониятларни излаб топиш, ҳатти-ҳаракатларни таъминлашдир. Олим тадбиркорликни фаолият эмас, деб талқин этади.

Америкалиқ олим Р.Хизрич «Тадбиркорлик ўз қийматига эга бўлган қандайдир янги нарсани яратиш жараёни, тадбиркор эса бунинг учун барча зарур вақти ва кунини сарфлайдиган, барча молиявий, психологик ва ижтимоий хавф-хатарни ўзига олиб, эвазига мукофот сифатида пул ва эришилган ютуғидан қаноатланувчи шахс” - деб таъкидлайди.

XVIII асрдаёк вужудга келган биринчи босқич - тадбиркорлик хавф-хатарини ўзига олиш. бошқача қилиб айтганда, таваккалчилик билан боғлиқ. Тадбиркорликнинг иккинчи босқичи эса инновация жараёни билан боғлиқдир. Америкалиқ иқтисодчи олим Й.Шумпетернинг фикрига кўра, тадбиркорликнинг новаторлик характери қўйидагиларда акс эттирилади: бозор учун янги товар ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнига янги технологияларни татбиқ этиш, янги сотиш бозорларини ўзлаштириш, хом ашёнинг янги турлари ва манбаларини топиш.

Тадбиркорликни вужудга келишининг учинчи босқичи тадбиркорликнинг алоҳида шахсий сифатлари, иқтисодий ва ижтимоий вазиятнинг ўзгаришида тўғри йўл топа билиш қобилияти, бошқарув қарорларини танлаш ва қабул қилишда мустақиллик, бошқарув қобилиятларининг тўла намоён бўлиши билан таърифланади. Тадбиркорлик назариясининг ривожланишидаги ҳозирги босқични тўртинчи босқичга киритиш мумкин. Унинг пайдо бўлишини тадбиркор ҳаракатини таҳлил қилишдаги бошқарув аспектига кўчирилиши билан боғлайдилар. Бу ҳозирги вақтда назарияда тадбиркорлик муаммолари таҳлили кўплаб ўзаро боғлиқ фанлар доирасида олиб борилишини билдиради.

Шунингдек юртимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам тадбиркорлик тушунчаси ҳақида фикрлар билдирилган. Масалан, таникли иқтисодчи С.С.Ғуломовнинг “Тадбиркорлик ва кичик бизнес” номли ўқув қўлланмасида тадбиркорлик, унга ички ва ташқи омилларнинг таъсири ва уларнинг ўзгарувчанлиги тўғрисида қисқа фикр берилган, Б.Ю. Ходиев, М.С. Қосимова, А.Н. Самадов каби иқтисодчилар “тадбиркорлик фаолиятини самарали олиб бориш учун маълум бир ишчи муҳити бўлиши керак” деб қайд этадилар.

Тадқиқот методологияси


Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига бағишланган илмий тадқиқотлар кўп бўлсада, уни жамиятга янада кенгроқ тадбиқ этиш ва бу орқали инсонлар турмуш тарзини яхшилаш мухим ҳисобланади. Шунинг учун жамият ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлашда аҳолининг тадбиркорлик салоҳиятини аниқлаш ва уларни тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга жалб этиш масалалари долзарб ҳисобланади.

Илмий мақолани ёритишида тадбиркорликни ривожлантириш истиқболларига йўналтирилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, иктисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги таниқли олимларнинг илмий асарлари, уларнинг мазмун, моҳияти ўрганилиб, мазкур секторни ривожлантиришини ифодаловчи мавжуд кўрсаткичлар статистик таҳлил қилинди. Шу билан бирга, тадқиқот жараёнida мавзуга оид статистик маълумотлар ва назарияларни ўрганишда мантиқий фикрлаш, илмий мушоҳада, тизимли ёндашув, статистик ҳамда қиёсий таҳлил каби усуслари қўлланилган. Мавзуни ёритишида илмий техникавий аҳборот манбаларидан, яъни дарсликлар, ўқув қўлланмалар, хорижий адабиётлар, даврий матбуот, илмий-амалий анжуман тўпламлари ва интернет маълумотларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизда тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун қулай шарт-шароит яратиш, хусусий мулк муҳофазаси ва кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш йўлида бюрократик тўсиқларни бартараф этиш, инвестиция муҳити ва ишбилармонлик ҳолатини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар изчил равишда амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига бир қатор қулайликлар яратилмоқда ва бунинг натижасида улар сони кунсайин ошиб бормоқда. Хусусан, 2022 йилнинг 2 чорак оралиғига келиб мамлакатда тадбиркорлик субъектлари сони 517,5 мингтани ташкил этди ва ҳозирда уларнинг 484 935 таси фаолият кўрсатмоқда (1-расм).




1-расм. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари сони
Муаллиф томонидан турли манбалар (<http://www.xabardor.uz>) асосида тузилган.³⁹

Шунингдек иктисодий фаолият турлари бўйича ҳам таҳлил қилишимиз мумкин (2-расм).

³⁹ Муаллиф томонидан турли манбалар (<http://www.xabardor.uz>) асосида тузилган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича



2-расм. Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари сони
Муаллиф томонидан турли манбалар (<http://www.xabardor.uz>) асосида тузилган.⁴⁰

Юқоридаги рақамларни таҳлил қиласиган бўлсак Ўзбекистонда тадбиркорлик субъектлари сони ўтган йилларга нисбатан сезиларли даражада ўсганингизни кўришимиз мумкин, яъни 2021 йилда 454 975 тани ташкил қилган бўлса, 2022 йил май ҳолатига 517,5 мингтани ташкил қилган.

Мамлакатимизда иш билармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг имкониятлар яратиш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Юртимизда фаровонлик ва тараққиётга эришиш йўлида тадбиркорликни ривожлантириш, қўллаб-қувватлашга эътибор қаратилгани бежиз эмас. Зеро фақат шу йўл билан аҳоли фаровонлиги ошиб, иқтисодиёт янада кенг йўл очади ва уларнинг сони кун сайн ошиб боради.

Юқоридаги гапларнинг исботи ўлароқ, Президентимиз раҳбарлигига жорий йил 22-август куни тадбиркорлар билан ўтказилган очик мулоқотни келтиришимиз мумкин. Давлат раҳбари унда соҳа вакилларини қўллаб-қувватлаш юзасидан 5 та йўналишда ташаббусларни билдириб ўтди. Шулардан бирини айтиб ўтадиган бўлсак, 2023 йил 1 январдан бошлаб кичикдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар икки йил давомида фойда солигининг фақат 50 фоизини тўлайди. Шунингдек, мулкни суғурта қилиш харажатларининг 50 фоизи давлат ҳисобидан қоплаб берилади. Бу эса ўз навбатида тадбиркорликка янада кенг йўл очади ва уларнинг сони кун сайн ошиб боради.

1-жадвал

Тадбиркорлик субъектлари сони йиллар кесимида

Йиллар	Жами	фарқи/-	фарқи/%
2018	250 503	20081	108,7
2019	314 489	63986	125,5
2020	376 982	62493	119,9
2021	454 975	77993	120,7
2022	517 500	62525	113,7

⁴⁰ Муаллиф томонидан турли манбалар (<http://www.xabardor.uz>) асосида тузилган.

Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган⁴¹ юқоридаги жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, тадбиркорлик субъектлари йил сайин ошиб борганлигини кўриш мумкин, яъни 2018 йилда тадбиркорлик субъектлари сони 250 503 тани ташкил қиласа, 2019 йилда 314 489 тани ташкил қилиб, 63 986 тага ошганлигини кўришимиз мумкин. Қолган йиллар миқёсида ҳам яъни, 2020 йилда 376 982 тани, 2021 йилда 454 975 тани, 2022 йилда эса 517 500 тани ташкил қилиб, тадбиркорлик субъектлари йилдан йилга ошганлигини кўриш мумкин. Бу кўрсаткичларнинг йилдан йилга ошиб борганлиги сабаби деб, мамлакатимизда тадбиркорликка қаратилаётган эътибор, яратилаётган имкониятларнинг юқори эканлигига деб айтсак нотўғри бўлмайди деб ўйлаймиз.

Мустақиллик йилларида хусусий мулқдорларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясини, давлат, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларда тадбиркорларнинг ҳуқуқлари устуворлигини, хусусан, тадбиркорлик субъектларининг фаолиятига асоссиз аралашувлардан ишончли ҳуқуқий кафолатларни таъминлаб берадиган мустаҳкам қонунчилик базаси яратилди.

Бугунги кунда юртимизда 525 мингдан ортиқ тадбиркорлик субъекти фаолият юритмоқда. Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 56 фоиздан ортиғи кичик ва хусусий бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилаётган бўлиб, улар республикамиз меҳнатга лаёқатли аҳолисининг 78 фоиздан ортиғини иш билан таъминламоқда.

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши

Соҳа турлари	2019 йил	2020 йил	2021 йил
Саноат (млрд.сўм)	83344,2	103020,8	121719,2
Савдо (млрд.сўм)	138920,7	164106,1	204787,4
Экспорт (млн.АҚШ доллари)	4714,8	3100,9	3711,2
Импорт (млн.АҚШ доллари)	14972,2	10943,3	12389
Хизматлар (млрд.сўм)	103106,6	114052,7	144812,7

Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган⁴²

Тадбиркорликни 2019-2021 йиллардаги тармоқлараро ривожланишидаги ўсиш суръатлари бир мунча кузатилади. Соҳалардаги фарқлар ишлаб чиқариш кучлари жойлашувида, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасида сезиларли фарқларнинг мавжудлигига, шунингдек уларга яратилаётган имкониятлар ва рағбатларнинг турличалигидир. Биз юқоридаги жадвалда экспорт улушкининг камайганлигини кўришимиз мумкин. Шу боис тадбиркорлик субъектларини жадал ва барқарор ривожлантириш йўлидаги тўсик ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чоралар кўриш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Таъкидлаш лозимки тадбиркорлик соҳаси фаолиятини кенгайтириш аҳоли турмуш даражасини оширишда муҳим роль ўйнайди. Тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодий ўсишнинг ҳамда ўрта мулқдорлар синфини истиқболи ривожлантиришнинг муҳим омили сифатида нафақат жамиятнинг миллий ва маънавий салоҳиятини оширишга кўмаклашади, балки миллий бойликни кўпайтириш, иқтисодиётни жаҳон тизимига ўйғунлашувини ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайди. Ўзбекистонда тадбиркорлик ривожланиши учун етарли даражада қулай имкониятлар, шарт-шароитлар яратилган бўлсада, лекин иқтисодиётда ҳали ҳам унинг улуши дунёнинг ривожланган мамлакатлари даражаси миқдоридан паст бўлиб, бу соҳада ечимини кутаётган ташкилий, иқтисодий, ҳуқуқий ва ижтимоий муаммолар талайгина. Шунинг учун ҳар бир ҳудудни ривожлантириш асосида

⁴¹ Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

⁴² Статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

тадбиркорликни кенгайтиришга имкониятлар яратиш мақсадга мувофиқидир. Бунинг учун эса тадбиркорлик фаолиятини кенг жалб қилишга қаратилган қонунлар, фармонар, қарорлар ишлаб чиқилди. Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва аҳоли бандлигини таъминлашдаги улушкини ошириш, кредит ресурсларига бўлган эҳтиёжни қондириш каби йўналишларда тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди:

- Faoliyatini янги бошлаган тадбиркорларни даромад солиғидан озод қилиш ёки камайтириш;
- Худудлар жойлашувига қараб тадбиркорларга имкониятлар бериш;
- Бўш турган бино ва ер участкаларини пасайтирилган нархларда тадбиркорларга бериш;
- Маҳсулотларни экспорт қилишда тадбиркорларга давлат томонидан кўмак бериш;
- Тадбиркорлик курсларини ташкил қилиш ва аҳолини жалб қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги 28.01.2022 йил ПФ-60-сонли фармони//<http://lex.uz>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947-сонли фармони//<http://lex.uz>.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 09.06.2022 йил ПФ-150-сонли "Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси фаолиятини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони//<http://lex.uz>.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 03.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон "Коронавирус пандемияси даврида аҳоли, иқтисодиёт тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" ги фармони//<http://lex.uz>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон

"Коронавирус пандемиясининг салбий таъсирини камайтириш учун аҳоли, тадбиркорлик субъектлари, умумий овқатланиш, савдо ва хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони//<http://lex.uz>.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 13.10.2020 йилдаги ПҚ-4862-сон "Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш тизимини такомиллаштириш ва тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори//<http://lex.uz>.

7. Мансур Эшов П.Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши: омиллар, натижалар ва истиқболлар. Монография. –Т.. «Маънавият», 2017. – 80 б.

8. Алимардонов И.М. Кичик бизнес субъектларини кредитлашнинг услубий ва амалий асосларини такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2018.

9. Гафуров У.В. Кичик бизнесни давлат томонидан тартибга солишнинг иқтисодий механизmlарини такомиллаштириш: иқт. фан. док. дисс. –Т.: 2017. – 309 б.

10. Абдураҳмонова Г.К. Кичик бизнесда аҳолини мунособ мөхнат тамоиллари асосида иш билан таъминлашни такомиллаштириш. Дис. ... и.ф.д. – Т. 2016.

11. Ходиев Б.Ю., Қосимова М.С., Самадов А.Н. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик. Ўқув қўлланма. –Т.: ТДИУ, 2010.

12. Ўзбекистон ҳудудларининг йиллик статистик тўплами. – Т.; 2021. – 290 б.

РАҚАМЛИ ДИПЛОМАТИЯ РИВОЖЛАНИШИ АҚШ ТАШҚИ СИЁСАТИ МИСОЛИДА

Иzzатуллаев Бобиржон Иzzатуллаевич

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети

Мустақил излаувчи

E-mail: izzatbobur@gmail.com

Тел: +99890-902-01-49

Аннотация. Мақола АҚШ ташқи сиёсатида рақамли дипломатиянинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи, ҳамда мамлакат ташқи сиёсатининг асосий воситаларидан бирига айланишига бағишиланган. Шунингдек, рақамли дипломатияни ривожлантириш бўйича қабул қилинган асосий хужжатлар ва стратегиялар, шунингдек, уларнинг мазмун-моҳияти бўйича умумий хуносалар берилган.

Калит сўзлар: рақамли дипломатия, ташқи сиёсат, АҚШ, Давлат департаменти, ахборот коммуникация-технологиялари, алоқалар, стратегия.

Аннотация. Статья посвящена истории становления и развития цифровой дипломатии во внешней политике США, а также ее становлению одним из основных инструментов внешней политики страны. Также приведены основные документы и стратегии, принятые для развития цифровой дипломатии, а также общие выводы по их содержанию.

Ключевые слова: цифровая дипломатия, внешняя политика, США, Государственный департамент, информационно-коммуникационные технологии, коммуникации, стратегия.

Annotation. The article is devoted to the history of the formation and development of digital diplomacy in US foreign policy, as well as its formation as one of the main instruments of the country's foreign policy. The main documents and strategies adopted for the development of digital diplomacy, as well as general conclusions on their content, are also given.

Key words: digital diplomacy, foreign policy, USA, Department of State, information and communication technologies, communications, strategy.

Кириш

Raқамли дипломатия вужудга келиши асосларидан бири бўлган АҚШ Давлат департаментида рақамли инфратузилмаларнинг шаклланиши 1990 йиллар бошларига тўғри келади. Хусусан, мазкур даврда Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетгандан сўнг Мудофаа вазирилиги ва АҚШ Давлат департаментининг вазифалари қандайдир тарзда бир-бирини тақорлай бошлади. Ҳарбийлар тинчликпарварлик миссиясини ўз зиммасига олди ва Давлат департаментининг ижтимоий дипломатияси лойиҳалари каби дастурлари молиялаштирилиши эса камайтирилди.

Дипломатик фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг электрон воситаларининг марказлаштирилган тизимини яратиш бўйича мунозаралар 1990 йилларнинг охирида фаол олиб борилди. Натижада Давлат департаменти томонидан “Хориждаги ташқи ишлар маслаҳат кенгашининг ҳисоботи” қабул қилинди. Ҳисботда ахборот коммуникация-технологиялари тизимларини зудлик билан янгилаш, дипломатлар учун ҳам очик, ҳам маҳфий тармоқларни, шунингдек, фуқаролар учун очик ресурсларни жойлаштириш бўйича тавсиялар берилди. (В., 1999) Ўша пайтларда марказлаштирилган электрон инфратузилмани яратиш қиймати дастлабки босқичда 330-400 миллион долларга баҳоланган эди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Сўнгги йиллардаги мазкур тенденция анъанавий дипломатия олиб боришнинг шакл ва услубларини ўзгартириб юбормоқда. Соҳа назариётчи ва олимлари томонидан дипломатиянинг янги турларини вужудга келаётгандигини алоҳида тъқидланмоқда. Жумладан, рақамли дипломатия, дипломатия 2.0, дипломатия 3.0, янги ижтимоий

дипломатия, кибер дипломатия, ижтимоий дипломатия 2.0, тармоқлашган дипломатия, рақамлашган дипломатия ва бошқалар.

Бугунги кунда замонавий халқаро муносабатлар тизимида АҚШ дүнёда күпгина соҳаларда, айниқса, ҳарбий, сиёсий, иқтисодий, технологиялар ва ахборот маконидаги энг құдратли давлатлардан бири ҳисобланади. Кенг имкониятларга эга бўлган АҚШ ўз ташқи сиёсат ва дипломатияни олиб боришида турли восита ҳамда усуллардан фойдаланади. Хусусан, АҚШ томонидан асосий вазифаси ташқи сиёсий ва дипломатик вазифаларни амалга оширишда замонавий ахборот коммуникация технологияларидан фойдаланиш ҳисобланган рақамли дипломатиядан самарали фойдаланиб келинмоқда.

Дипломатиянинг янги воситалардан фойдаланиш ва ривожлантириш масаласи 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон Таракқиёт стратегиясида ҳам қайд этиб ўтилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг хориждаги дипломатик ваколатхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, чет элларда мамлакатимизнинг янги дипломатик ваколатхоналарини очиш ҳамда миллий манфаатларни илгари суриш ва ҳимоя қилишда иқтисодий дипломатия самарадорлигини ошириш ва уни фаоллаштириш асосий вазифалардан бири сифатида қайд этилган. (Anon., 2022)

Тадқиқот методологияси

Тадқиқот жараёнида тарихийлик, анализ, синтез, таққослаш, тизимлилик, кейс-стади, умумлаштириш, мантиқийлик, қиёсий таҳлил ва бошқа фалсафий усуллардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

“Рақамли дипломатия” атама сифатида илк бор 1996 йил АҚШда “Washington Files” онлайн нашрида қўлланилган эди. (Подберезкин., 2016) Кейинчалик мазкур терминнинг АҚШдаги бошқа газета, журнал, радио ва телевиденияларда кенг қўлланила бошланиши унинг оммалашувига олиб кела бошлади.

Рақамли дипломатия вужудга келгунга қадар АҚШ ташқи сиёсатида ижтимоий дипломатия анчагина долзарб эди. Агарда бугунги кунда рақамли дипломатияни олиб боришида асосий ташкилот АҚШ Давлат Департаменти бўлса, ижтимоий дипломатия билан 1953-1999-йилларда АҚШ ахборот агентлиги шуғулланган эди. 1999 йилда ушбу агентлик тугатилиб, унинг вазифалари Давлат Департаментига юклатилди, натижада ижтимоий дипломатияни рақамлаштиришда янги босқич бошланади.

2001 йил 11 сентябрь воқеалари АҚШни ўз ташқи сиёсатида жадал ўзгариш қилишга ва ҳали расмий ҳужжатларда қайд этилмаган рақамли дипломатия асосларини янада мустаҳкамлашга олиб келди. Ўша пайтларда Жорж Буш администрацияси ижтимоий дипломатия соҳасида янги ташаббуслар ишлаб чиқишиади. Шундай лойиҳалардан бирига, бўлажак ташқи сиёсий фаолиятини қўллаб-қувватлаш учун радио, телевидения, Интернет, босма нашрлар ва пропаганда дастурлари учун 12 миллион доллар ажратади. Ундан кўзлаган мақсад АҚШ ўз ташқи сиёсатини олиб боришида таянч бўлиш учун араб ва ислом дунёсида коммуникация каналларини яратиш эди.

Ишлаб чиқилган лойиҳага кўра, араб ёшлари билан мулоқот ўрнатиш учун “Hi” журнали(2003) ва унинг интернет саҳифаси, Америка овозининг анъанавий янгиликларни берib бориш услубидан фарқли бўлган “Sawa”(2002) радиоси ишга туширилди. Унда араб мусиқалари билан биргаликда америка поп мусиқалари ҳам берилиб бориладиган бўлди. 2004-йилда эса Ал-Жазеера ва Ал-Арабияга қарши ўлароқ араб тилидаги Ал-Хурра сунъий йўлдош телевизион канали ишга туширилди. (Zaharna, 2010)

2002 йилда Давлат Департаментида Интернет-дипломатия масалалари бўйича 6 кишидан иборат илк ишчи гуруҳ ташкил этилади. 2003 йилда эса ушбу гуруҳ негизида э-дипломатия бўлими (Office of e-Diplomacy) ташкил этилади. Мазкур бўлимнинг вазифаси ахборот технологиялари таъминоти эди.

Умуман олганда 2001-2004 йилларда АҚШ ташқи сиёсатидаги амалга оширилган юқоридаги ишлар кўзланган натижада бермади. Бунга сабаб сифати АҚШ томонидан танланган аудиторияни яхши ўрганилмаганлигида эди. Арабларнинг маданияти, турмуш тарзи ва менталитетини ҳисобга олмасдан АҚШ томонидан амалга оширилган турли тарғиботлар ва ахборотларни минтақада тарқатиш анти-америка кайфиятини келтириб чиқарди.

2005 йилда Жорж Буш Карен Хюзни Давлат котибининг ижтимоий дипломатия бўйича ўринbosари этиб тайинлади. Дастреб, К.Хюз асосий вазифа этиб дунёда АҚШ бўйича тасаввурларни яхшилаш ва Яқин Шарқقا саёҳат қилиб, уларнинг АҚШ бўйича қарашларини ўрганишни белгилайди.

Шундан сўнг, Туркия, Саудия Арабистони ва Мисрга саёҳати давомида АҚШ бўйича тасаввурлар нотўғри эканлиги ва АҚШнинг фоялари хато тушунилаётганини таъкидлайди. Карен Ҳюз ўз фаолияти давомида қуидаги янги ташаббуслар билан чиқиб, уни амалга оширишга муваффақ бўлди:

Биринчидан, АҚШ расмий шахслари учун маълум вазият юзасидан жамоатчилик ва ОАВга тезкор жавоб қайтаришдаги бюрократик тўсиқлар олиб ташланди.

Иккинчидан, ёлғон ахборотларга жавоб қайтарувчи "Тезкор жавоб бирлашмаси" тузилди.

Учинчидан, баъзи давлатларда медиа-марказлар ташкил этилди. Ундан кўзланган мақсад 8 ёшдан 14 ёшгача болаларга инглиз тилини ўргатиш эди.

Тўртинчидан, Карен Ҳюзнинг ташаббуси билан "Фуқаролар Мулоқоти" дастури ишлаб чиқилди. Унга кўра мусулмон америкаликларнинг бошқа мусулмон жамияти вакиллари билан мулоқот қилиши таъминланди. Ушбу дастур бўйича бошқа мамлакатлардан журналистлар келиб АҚШда малака оширишлари таъминланди. Бундай алмашинув дастурлари учун 800 млн доллар маблағ ажратилди.

АҚШ ташки сиёсатида ахборот ва коммуникация технологияларни фаоллаштириш сиёсати орқали вужудга келаётган рақамли дипломатия асосларини мустаҳкамлаб борди.

2005 йилга келиб SIPRNET (маҳфий маълумотларни узатиш учун) ва OSIS (очик тармоқлар) тизимларига узлуксиз уланиш таъминланди, серверлар ягона тизимга бирлаштирилди, асосий дипломатик бошқармаларнинг веб-сайтлари дастурлари тугалланди, электрон почта манзиллари глобал тармоққа интеграция қилинди, бошқарма бўлинмалари фаолияти самарадорлигини ошириш дастурлари жорий этилди ҳамда ходимлар малакасини оширилади.

Соҳа етакчи олимлардан бири И.Манор рақамли дипломатия 2006-2007 йилларда пайдо бўлди дея таъкидлайди. Унинг исботида сифатида 2006 йилда Давлат Департаментида ахборот-тарғибот гурӯҳи (US digital outreach team) ва Швеция виртуал элчихонасини (Second Life) ташкил этилганини келтириб ўтади. (Manor, 2018)

Шунингдек, 2006-2007 йиллар давомида Давлат Департаментидан ташқари, Марказий разведка бошқармаси, Мудофаа вазирлиги ва АҚШ Халқаро тараққиёт агентлигида (USAID) хорижий Интернет аудитория шуғулланадиган, маҳаллий ва халқаро ижтимоий тармоқлар, блоглар, мулоқотларни таҳлил этадиган 15 дан ортиқ бўлимлар ташкил этилади. Кейинчалик бундай бўлимлар сони ортиб борди.

АҚШнинг рақамли инфраструктураси бошқа давлатлар билан қиёсланганда фарқи катта эди. Шу сабабли дастлаб, рақамли дипломатияни олиб боришда баъзи қийинчиликларга дуч келади. Ўша пайтлардаги Давлат котиби Кондолиза Райс мазкур масала билан шуғулланади. Хусусан, биргина инфратузилманинг ўзи етарли эмаслиги, ривожланишнинг барқарорлашуви ва бир хиллигини таъминлаш учун тегишли демократик институтлар зарурлиги аён бўлди. Бундай шароитда рақамли инфраструктура тафовутини камайтириш, алоқа тармоқларини кенгайтириш ва операцияларни стандартлаштириш зарур эди.

2007 йилдан бошлаб чет минтақаларда инфраструктурани барпо этишда мазкур ҳудудларда ишлайдиган кадрларни ўқитиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади. Хусусан, АҚШдан ташқари ҳудудларда минимал ресурслар ва ходимларга эга бўлган кичик консуллик бўлинмалари ташкил этилди. Улар виза бериш ҳуқуқига эга бўлмаган, аммо чекка ҳудудларни марказ билан боғлаш учун техник алоқа воситалари билан яхши жиҳозланган муҳим маълумотларни узатиш бўлинмалари эди.

Бундан ташқари э-дипломатия бўлими томонидан АҚШнинг сиёсатини мезбон давлатларга тўғри тушунирадиган сайтлар ишга туширилади. Шунингдек, дипломатларнинг интернет ва тизим ресурсларига киришини осонлаштириш бўйича бир қатор ташаббуслар таклиф этилди. Хусусан, Диплопедиа (*Diplopedia*) ички маълумотлар базаси, бўлимлар ва алоҳида ходимлар ўртасида тезроқ ва ишончли алоқа ўрнатиш мақсадида "Йўлак" (*Corridor*) ички платформаси ишга туширилади, ҳозирда ва келажақдаги дипломатларни маҳсус ўқитадиган – "Виртуал талабаларнинг ташки хизмати" (*Virtual Student Foreign Service*) дастури яратилди. Дипломатик восита сифатида симсиз технологиялар, мобил илова ва қурилмалар, мослаштириш аудиовизуал алоқа, VoIP, таржима хизматлари, ақлли қидирув, ижтимоий тармоқларни синовдан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилди.

2003-2007 йилларда пайдо бўлган технологик инновациялар аллақачон Давлат департаменти томонидан АҚШ ташки сиёсати манбаатларини илгари суриш воситаси сифатида жиддий кўриб чиқила бошланди.

2008 йилда АҚШ Давлат котиби ўринбосари Ж.Глассман янги пайдо бўлган “рақамли дипломатия” билдириш учун биринчи марта “ижтимоий дипломатия 2.0” тушунчасидан фойдаланади. Шунингдек, АҚШ ташки сиёсати тарғибот майдони (*DiploNote*) сифатида блогосферани фаоллаштириш ва оммалаштириш бўйича дастлабки қадамлар амалга оширилади. Ижтимоий масалалар бўйича “Очиқ майдон” (*Opinion Space*) ва ички мулоқот майдони “Штат жамиятлари” (*Communities@State*) платформалари яратилди.

Рақамли дипломатия соҳасида тадқиқотчи олим Н.А.Цветкова АҚШ рақамли дипломатияси ривожланишининг уч босқичини таъкидлайди. Унга кўра, биринчи босқичда 2009-2012 йилларни ўз ичига олиб, Давлат котиби Х.Клинтон рақамли дипломатия тушунчасини таништирди ва янги лойиҳаларни ишга туширилади. (А., 2020) Мазкур дастурлар Ж. Най томонидан тасвирланган ижобий имидж яратиш ва аудиторияни жалб қилиш “рақамли юмшоқ куч” стратегияларига асосланган эди. Лойиҳалар асосий восита хорижлик аҳоли билан мулоқот қилиш, умумий рақамли платформаларда кўшма тадбирларга жалб қилиш, медия етакчилари билан ишлаш ва уларни ўқитишга мўлжалланган эди. Иштирок этиш нафақат медиа мухитида, балки ҳалқаро масалалар бўйича эксперплар орасида ҳам бўлди.

Диплопедия ташки фойдаланувчи учун очиқ бўлди, Facebook, Twitter, LinkedIn ва бошқа ижтимоий тармоқларда эксперт аккаунтлари фаол равишда яратилди. Янги технологиялар бўйича ўқитиш ва 2010 йилда ёш техник мутахассислар, журналистлар ва ННТ вакиллари учун *TechCamp* ижтимоий дипломатияси дастурида амалга оширилади.

2010 йилда Давлат Департаментининг дипломатия ва ривожланиш бўйича тўрт йиллик таҳлил режаси ишлаб чиқилади ҳамда унда тегишли бўлимларни глобал тармоқлар билан ишлашни ривожлантириш масалалари ҳам қайд этилади. 2010 йил бошларида Х. Клинтон энг йирик хусусий Интернет компаниялари (Google, Facebook, Twitter, Howcast, AT&T) раҳбарлари билан ҳамкорлик қилишга муваффақ бўлади.

Айниқса, Барак Обама президентлиги даврида хавфсизлик ва барқарорлик таъминлашда, шунингдек, ташки сиёсатда ахборотга алоҳида аҳамият қаратди. Унинг давридан бошлаб, рақамли дипломатиянинг АҚШ ташки сиёсатидаги ўрни мустаҳкамлаган бир қатор лойиҳа ва ҳужжат ишлаб чиқилади.

Жумладан, шундай ҳужжатлардан бири 2009 йилда Давлат Департаменти томонидан қабул қилинган “XXI асрда давлат бошқаруви”дир (21st Century Statecraft). Ушбу ҳужжатни қабул қилиниши Давлат Департаментининг самарадорлигини ошириш учун рақамли дипломатия салоҳиятидан фойдаланиш зарурати назарда тутади. Унда Давлат Департаментининг ҳалқаро муносабатларнинг барча субъектлари, жумладан, бошқа давлатлар ҳукуматлари, трансмиллий компаниялар, нодавлат ташкилотлар, АҚШда жойлашган йирик ахборот технология компаниялари – Google, Facebook, Twitter билан ўзаро ҳамкорлиги кўзда тутилган.

Бундан ташқари ҳужжатда АҚШ бўйича салбий ахборот тарқатаётган мамлакатларга, экстремистик ва террористик ғояларга қарши курашиб учун Интернетнинг имкониятларидан фойдаланиш вазифалари қўйилади. Шунингдек, анъанавий ташки сиёсат инструментларини давлат бошқарувининг инновацион воситалари билан тўлдириш зарурлиги ҳақида сўз боради.

Шу муносабат билан, АҚШ Давлат Департаменти ва чет элдаги муассасалар ходимлари учун АҚШнинг жаҳон ҳамжамиятидаги ташки сиёсий вазифаларини амалга оширишда замонавий ахборот коммуникация технологиялари, биринчи навбатда, ижтимоий медиа воситаларидан фойдаланишлари заруратини қайд этилди. Бундан ташқари, АҚШ билан дипломатик алоқалари тўхтатилган ёки ўрнатилмаган давлатлар, шу жумладан, Эрон давлати билан боғлиқ чекловларни бартараф этиш вазифалари ҳам мавжуд эди. Ўтган 40 йил давомида икки мамлакат ўртасида дипломатик алоқалар мавжуд эмаслиги сабабли, АҚШ Эрон фуқаролари билан мулоқот қила олмади. 2011 йил декабрда Давлат Департаменти Эрон виртуал элчихонасини (IR.usembassy.gov) ишга туширди. У икки тилга яъни инглиз ва форс тилларига мўлжалланган бўлиб, асосий вазифаси расмий доирадаги шахслар, шунингдек, оддий фуқаролар билан мулоқот қилиш ҳамда консуллик ёрдамларини кўрсатишdir.

2011 йилда эса Э.М.Слотер (2009-2011 йилларда Давлат Департаментида сиёсий режалаштириш бўлими директори) томонидан рақамли дипломатиянинг асослари ишлаб чиқилди. Унга кўра кенг тарқалган алоқа ва каналларга эга бўлган давлатлар глобал кун тартибини белгилайди.

2010 йилда қабул қилинган дипломатия ва ривожланиш бўйича тўрт йиллик таҳлил режаси АҚШни халқаро ахборот маконидаги етакчи ўрнини кўрсатиб берган ҳужжатлардан бири бўлди. Жумладан, унда қўйидаги вазифалар белгиланиб қўйилади: (Anon., 2010)

– фуқароларнинг бутун дунё бўйлаб Интернетга эркин киришини таъминлаш;

– халқаро муносабатларнинг барча субъектлари билан ўзаро ҳамкорлик олиб боришда рақамли дипломатия усусларини ривожлантириш ҳамда Давлат Департаменти ходимларининг ишини такомиллаштириш;

– АҚШнинг айни пайтда амалга ошираётган сиёсатни тушунтириш ва тарқатиш учун “хорижий аудиторияни хабардор қилиш концепсияси” ни тайёрлаш;

– АҚШнинг жаҳон ахборот маконида ахборот имкониятларини кенгайтириш, ташқи ва ички сиёсий ташаббусларини хорижий оммавий ахборот манбаларига тарқатиш учун Давлат Департаментининг виртуал макондаги ролини кучайтириш;

– демократик институтларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, барча давлатлар билан онлайн режимда инсон ҳуқуқлари масалаларини мулоқот орқали кўтариш, айrim давлатлarda ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзгартиришга ҳаракат қилаётган фаоллар ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш;

– АҚШ қадриятлари ва маданиятини қўллаб-қувватловчи Интернет фойдаланувчилари билан муносабатларни ўрнатиш учун Давлат Департаментининг Интернет платформаларида алоқаларини такомиллаштириш;

– рақамли дипломатияга ургу берган ҳолда нафақат маҳаллий балки хориждаги фуқаролар, диний гурӯҳлар ва бошқа ташкилотлар билан алоқалар ўратиш

– хорижий аудиторияларга ахборот бериш ва таъсир кўрсатиш учун минтақавий медиа-марказларни кенгайтириш, АҚШ вакилларининг халқаро майдонда олиб борилаётган сиёсат бўйича хорижий оммавий ахборот воситаларининг барча каналларига маълумот беришини таъминлаш;

– таълим дастурларини, шу жумладан инглиз тили курсларини, хорижий мамлакатлардаги маданий дастурларни кенгайтириш.

2011 йилда “2011-2013 йилларда ахборот технологияларини ривожлантиришнинг стратегик режаси: рақамли дипломатия” қабул қилинди. Ҳужжатда рақамли дипломатия тушунчаси АҚШ дипломатик амалиётида ижтимоий тармоқлардан фойдаланиш зарурати сифатида тавсифланди. Шунингдек, ҳар бир ташқи сиёсий вазифани амалга ошириш рақамли дипломатия усусларидан фойдаланиш қайд этилди. “Diplopedia”, “Twitter”, “Facebook”, “LinkedIn”, “Communities@State” ижтимоий тармоқлари рақамли дипломатияни амалга ошириш учун асосий воситалар сифатида белгиланади.

Бундан ташқари, 2011-2013 йилларга мўлжалланган стратегик режага кўра, дипломатик фаолиятнинг бир қисми Интернетга экспериментал ва марказлашмаган асосда эмас, балки тизимли ва доимий амалиёт сифатида ўтиш белгиланди. Бу вақтда сиёсатчилар ва давлат арбобларининг шахсий ҳисоблари учун рақамли PR стратегиялари ишлаб чиқила бошланди, контент режалари яратилди ва халқаро эшиттиришлар рақамлаштирилди. Булатли ҳисоблаш ҳамда ишончли ва хавфсиз глобал булат инфратузилмасини яратишга катта эътибор қаратилди. Ахборот ресурслари бошқармаси томонидан Давлат департаменти тармоғи (FAM) ташаббуси – бўлимлар, шу жумладан, Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ўртасида махфий маълумотларни узатиш учун мўлжалланган марказлаштирилган булатли платформа илгари сурилди. Бу даврда янги оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўйича ички ўқув дастурлари, шунингдек, хорижий мамлакатлар аҳолиси, хусусан, хорижий журналист ва ўқитувчилар учун медиа саводхонлик дастурлари пайдо бўлди. (Anon., 2011)

Бу қадамларнинг барчаси глобал маълумотларни йиғиш ва сақлашнинг бошланишига йўл очди. 2011 йилда Б.Обама “Терроризмга қарши коммуникация ташаббусини ривожлантириш ва хориждаги ҳукумат алоқаларини қўллаб-қувватлаш бўйича муваққат ташкилотни ташкил этиш тўғрисида”ги 13584-сонли Фармонни имзолайди.

2012 йилда “дипломатияни модернизация қилиш: янги алоқа технологиялари даврида Америка ташқи сиёсати” ҳужжати қабул қилинди. Ҳужжатда Ҳ.Клинтоннинг АҚШ давлат котиби лавозимида электрон дипломатияни ривожлантириш бўйича фаолияти сархисоб қилинди. Айниқса, АҚШда рақамли дипломатияни ривожлантириш бўйича иш олиб бораётган гурӯҳнинг натижаларига эътибор қаратилди. (Anon., 2011)

Ушбу гурӯҳнинг раҳбари А.Росс бўлиб, у Интернет ва ижтимоий тармоқ фойдаланувчилари халқаро майдонда янги акторлар эканлигини таъкидлаган эди. Шунингдек, А.Росс бошчилигидаги гурӯҳ хulosасига кўра, АҚШ Интернет-фойдаланувчиларни виртуал жамоа сифатида қабул қилиши керак, улар билан алоқа ўрнатиш ва Америка қадриятлари атрофида ҳамкорликни йўлга қўйиш керак. Шунингдек,

Давлат департаментининг ходимлари, шу жумладан хорижий мамлакатлардаги АҚШ элчихоналари вакиллари ижтимоий тармоқлардан фуқаролик жамияти билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун фойдаланишлари керак. Бундан ташқари, хорижий мамлакатлар фуқароларининг Интернетга киришини таъминлаш масаласи алоҳида эътиборга олиниши лозим.

2012 йилда президент Б. Обама Америка халқи учун қулай рақамли хизматларни тақдим этишга қаратилган “рақамли ҳукумат стратегияси” (*Digital Government Strategy*) ҳужжатини ишлаб чиқди. Стратегия қўйидаги вазифаларни бажаришни назарда тутарди: (Anon., 2012)

- АҚШ фуқароларига ҳар қандай жойда ва исталган вақтда юқори сифатли рақамли ахборот ва хизматлардан фойдаланиш имкониятини бериш;
- мамлакат аҳолисига арzon нархларда рақамли хизматларни тақдим этиш моделини модернизация қилиш;
- ҳукуматни янги рақамли дунёга мослаштириш учун, қурилмалар, иловалар ва маълумотларни мавжуд бўлган барча усуllар билан сотиб олиш ва бошқариш.

2012 йилга келиб, АҚШ Давлат департаменти Facebook ижтимоий тармоғида 288 та саҳифаси, Twitterда 200 га яқин аккаунти ва YouTubeda 125 каналини бошқарган эди. (Hayden, 2012) 2012-2015 йиллар Давлат департаменти учун рақамли трансформацияга мослашиш ва амалга синаб кўриш даври бўлди. Айнан шу йилларда Давлат департаменти мазкур жараёнга янада жиддий ёндашди. Н.А.Цветкова АҚШ рақамли дипломатияси ривожланиши иккинчи даврининг 2013 йилдан бошлаб, “рақамли юмшоқ куч”дан стратегик коммуникациялар концепциясига ўтиш билан тавсифлайди. (A., 2020) Мазкур даврдан бошлаб, буутли инфратузилма тўлиқ ишга тушади. Стратегик аксилтеррор коммуникациялар маркази ташкил этилди (*Center for Strategic Counterterrorism Communications*) ва унинг таркибида Рақамли тарғибот гурухлари (*Digital Outreach Teams*) тузилди. Мазкур гурухлар АҚШ бўйича ижобий ахборот фонини яратиш, мамлакат ташқи сиёсати кун тартибини илгари суриш, душман давлатларнинг ахборот ҳаракатларига қарши туриш ва Интернетдаги душманлик кайфиятидаги ахборотни заарсизлантириш билан шуғуланиши керак эди.

2014 йилда “ахборот технологияларини ривожлантиришнинг 2014-2016 йиллар стратегик режаси” қабул қилинди. Унда мобил дипломатия, рақамли дипломатия, глобал инфратузилма ва IT-технологиялар соҳасидаги етакчиликни такомиллаштириш вазифаси қўйилади. Ушбу 5 стратегик йўналиш келгуси икки йил давомида рақамли дипломатияни ривожлантириш режаси сифатида белгиланди. (Anon., 2014)

Ушбу ҳужжат рақамли дипломатиянинг янги элементи – мобил дипломатияни ривожлантириш учун асос яратди. АҚШ Давлат департаменти ва дипломатик ваколатхоналарининг чет элдаги барча ходимлари ўз вазифаларини амалга ошириш учун Интернетга уланган смартфон ва планшетларга эга бўлиши кераклиги ҳам қайд этилди.

Бундан ташқари, киберхавфсизлик биринчи марта ҳужжатларда дипломатик фаолият инфратузилмасининг асосий таркибий қисмларидан бири сифатида пайдо бўлди. *ICAM* идентификация тизими ишлаб чиқилади ва жорий қилинади, дипломатлар учун *SMART* ички очиқ мессенжерини ва *TS* махфий хабарлар алмашиш воситаларини ишлаб чиқиш якунлади. Шунингдек, хавфсиз симсиз уланиш, шахсий виртуал хизматлар билан буутли ҳисоблаш, OpenNet форматида таҳлилларни яратиш ва сақлаш учун мобил иловаларни жорий этишга аҳамият қаратилди. Энергияни тежовчи тизимларни яратиш имконини берадиган “яшил” ахборот технологияларини жорий этиш ғояси пайдо бўлди. Шундай қилиб, логистика ва маълумотларни сақлашнинг глобал тизими қурилди, маълумотларни йиғиш ва қайта ишлашнинг янги усуllари пайдо бўлди.

Стратегик коммуникациялар концепцияси, Интернет маконида юқори профессионал ахборот ва коммуникация ишларини ҳам англатарди, шунинг учун “Америка бизнеси билан тўғридан-тўғри алоқа” (*Direct Line to American Business*) пилот лойиҳаси ишга тусирилди. Ушбу дастур хорижий элчихоналар ва Америка ахборот технологиялари индустряси вакиллари ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ва долзарб масалалар бўйича онлайн маслаҳатларни таъминлади.

2016 йилнинг январь ойида Б.Обама Давлат департаменти ҳузурида янги тузилма шакллантириш бўйича қарорни имзолади. Унга кўра янги “Глобал мувофиқлаштириш маркази” ташкил этилди. Унинг вазифаси ИШИД тарқаётган ахборотларга қарши курашаётган блоггерлар фаолиятини мувофиқлаштириш эди. Ушбу тадбирни амалга ошириш учун АҚШ ҳукумати томонидан турли тадбир, саммит ва давра сұхбатларига умумий 10 миллион доллар маблағ сарфлади. Бундан ташқари Google, Facebook ва Twitter

компанияларидан мутахассислар таклиф қилинди. Юқоридаги ҳаракатларнинг самараси ўлароқ 2016 йилнинг ўзида Twitter томонидан ИШИДга алоқадор бўлган 125 мингдан ортиқ профил ўчириб ташланди. Р.Стенгел ўзининг Конгрессдаги маъruzасида Twitterда террористларнинг ахборотлари 50%га камайганлиги таъкидлади. (Цветкова, 2017)

2017 йилда АҚШда “Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг 2017-2019 йилларда стратегик режаси” қабул қилинди. Ҳужжатдан кўзланган асосий мақсад “инновацион дипломатия”ни ривожлантиришга қаратилган. Инновацион дипломатия доирасида Давлат департаментида ҳамкорликка кўмаклашиш, илғор технологиялар ва билимларни бошқариш, шунингдек, самарали ахборот-таҳлилий ишларни амалга ошириш учун қўшимча имкониятлар тақдим этиш кўзда тутилган эди.

АҚШ доимо ўз ташқи сиёсатини олиб бориша энг янги замонавий технологиялардан фойдаланиш, янги тузилмалар ташкил қилиш ёки мавжудларини ўзгаришиш натижасида, энг самарали усуслардан фойдаланиб келган. 2019 йилнинг апрель ойида Давлат департаментида иккита бўлим қўшиб юборилди. Улардан бири хорижий, иккинчиси маҳаллий мулоқотга мўлжалланган эди. Давлат департаментидаги бу ўзгаришни эксперталар 20 йил ичидаги энг катта структуравий ўзгариш дея баҳолади. Юқоридаги ўзгаришга сабаб сифатида Россия ва Хитойнинг ёлғон ахборотларига қарши туриш учун қилинган ҳаракат сифатида қарадмоқда. (Morello, 2019)

АҚШ Давлат департаменти томонидан ахборот технологиялар соҳасида қабул қилинган стратегиялар рақамли дипломатияни ривожлантиришда ва асосий устувор вазифаларни белгилаб олишда мухим аҳамиятга эга ҳисобланади. Хусусан, соҳада қабул қилинган энг сўнгги стратегиялардан бири АҚШ Давлат департаментининг “Ахборот технологияларини ривожлантиришнинг 2019-2022 йилларда стратегик режаси”дир.

Мазкур стратегиядан кўзланган асосий мақсад ахборот технологиялари соҳасидаги энг сўнгги воситаларни Давлат департаменти ва хорижий элчихоналарда жорий этиш, ахборот тизимлари хавфсизлиги янада кучайтириш, булатли сақлаш ва сунъий интеллект каби технологияларни соҳада жорий этиш. Бундан ташқари, мазкур стратегияда овозли компьютер интерфейсларини (*voice-to-computer interfaces*) амалга ошириш бўйича вазифаси қўйилади. Киберхавфсизлик рақамли дипломатия кун тартибидаги асосий масалалардан бири бўлиб қолди.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

АҚШнинг Марказий Осиёга қаратилган ташқи сиёсий стратегияларидан келиб чиқиб, истиқболдаги АҚШнинг минтақага қаратилган рақамли дипломатия устувор йўналишлари очиб берилди.

Бугунги кунда Ўзбекистоннинг рақамли дипломатияси фаолияти, ривожланиш тенденциялари ва муаммолари Интернет ҳамда ижтимоий тармоқлардаги фаолияти орқали очиб берилди. Мамлакатимизнинг хориждаги дипломатик ва консуллик муассасалари ижтимоий тармоқдаги кузатувчилари сони фаолият олиб борилаётган давлат аҳоли сонига таққосланди. Илғор АҚШ тажрибаси асосида мамлакатимизда рақамли дипломатияни ривожлантириш бўйича аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

Хулоса ва таклифлар.

Рақамли дипломатиянинг илмий-назарий асослари, халқаро муносабатлар тизимида ривожланиши ва АҚШ ташқи сиёсатида шаклланиши ҳамда устувор йўналишлардан бирига айланишини тадқиқ этган ҳолда қўйидаги хулосаларга келиш мумкин:

Биринчидан, бугунги кунда рақамли дипломатиянинг илмий-назарий асослари тўлиқ ишлаб чиқилмаганлиги боис, халқаро муносабатлар назарияларида рақамли дипломатия “Юмшоқ куч” (Soft power) нуқтайи назаридан келиб чиқиб неолибераллар томонидан ўрганилади. Уларнинг фикрича рақамли дипломатия мамлакат “Юмшоқ куч”(Soft power)нинг ажралмас қисмларидан биридир. Конструктивизм назарияси вакиллари рақамли дипломатияни янги ижтимоий дипломатиянинг ривожланишини сифатида қарайди.

Иккинчидан, замонавий ахборот коммуникация технологияларининг ривожланиб бориши, Интернет ва ижтимоий тармоқлар ривожланиши анъанавий дипломатиянинг олиб бориш услубларини ўзгаририб юборди. Натижада, рақамли дипломатия халқаро муносабатлар тизимида оммалашиб борди.

Учинчидан, АҚШда дипломатик фаолиятни қўллаб-қувватлашнинг электрон воситаларининг марказлаштирилган тизимини яратиш бўйича масалалари XX асрнинг 90 йилларнинг охирларида фаол олиб борилади. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг, ташқи сиёсатни рақамли технология воситалари орқали қўллаб-қувватлаш бўйича турли лойиҳалар ишлаб чиқилиб, рақамли дипломатия асослари мустаҳкамланиб борди. Ўша пайтдаги АҚШ президенти Жорж Буш ва кейинги президент Барак Обама даврида ташқи

сиёсат ва дипломатияда замонавий ахборот ва коммуникация технологияларга алоҳида аҳамият қаратилди. Ниҳоят аксарият соҳа мутахассислари томонидан рақамли дипломатия 2006-2007 йилларда АҚШда вужудга келганлиги таъкидланади.

Тўртинчидан, сўнгти 10 йилликда рақамли дипломатиянинг АҚШ ташки сиёсатда муҳим ўрин эгаллаши, ривожланиб бориши ва устувор йўналишларнинг шаклланишида Давлат департаменти томонидан қабул қилинган стратегик режалар муҳим ўрин тутади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фармони, <https://lex.uz/docs/5841063>
2. "Наталья Цветкова: Наследие президента Обамы в области публичной дипломатии США" // 01.02.2017 <https://gorchakovfund.ru/news/view/natalya-tsvetkova-nasledie-prezidenta-obamy-v-oblasti-publichnoy-diplomatii-ssha/>
3. Цветкова Н. А. Феномен цифровой дипломатии в международных отношениях и методология его изучения // Вестник Российского государственного гуманитарного университета. Серия «Политология. История. Международные отношения». 2020. № 2. С. 40
4. Carol Morello. "State Department to take a step into the digital age in effort to counter disinformation" April 12, 2019 <https://www.washingtonpost.com/world/national-security/state-department-to-take-a-step-into-the-digital-age-in-effort-to-counter-disinformation/2019/04/12>
5. Craig Hayden, 'Social media at state: power, practice, and conceptual limits for US public diplomacy', Global Media Journal 11: 21, 2012, p. 10.
6. Developing an Integrated Strategic Counterterrorism Communications Initiative and Establishing a Temporary Organization to Support Certain Government-Wide Communications Activities Directed Abroad Executive Order 13584. September 9, 2011. URL: <https://www.federalregister.gov/documents/2011/09/15/2011-23891/developing-an-integrated-strategic-counterterrorism-communications-initiative-and-establishing-a>
7. Modernizing Diplomacy: U.S. Foreign Policy in an Age of Connection Technologies, April 2012. <https://2009-2017.state.gov/documents/.../189411.pdf>
8. FY 2017 - 2019 IT Strategic Plan. <https://www.state.gov/m/irm/itplan/264054.htm#innovation>
9. IT Strategic Plan: Fiscal Years 2014-2016, <https://2009-2017.state.gov/m/irm>
10. U.S. Department of State. The Quadrennial Diplomacy and Development Review. <https://www.state.gov/s/dmr/qddr/>
11. U.S. Department of State Information Technology Strategic Plan FY 2020-2022 // <https://www.state.gov>

Мактабгача ёшдаги болаларни тарбиялашда таълимнинг шахсга йўналтирилган ёндашуви

Исмадиярова Умида Абдураҳмон қизи

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллӣ университети Ижтимоий фанлар факультети стажёр ўқитувчisi

Аннотация. Жамият тараққиётида болаларни комил инсон даражасида тарбиялашда оила мухим ахамият касб этади. Ёш авлодни тарбиялаш оиласи тегишли бўлиб, у шахснинг ижтимоий муносабатларида мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчига айланади, асосий пойдевор бўлади. Айнан ёш авлоднинг баркамол улғайиши ва мувафаққиятга эришишида оиласидаги тарбиянинг таъсири каби масалалар ҳақида ушбу мақолада сўз юритилади.

Аннотация: В развитии общества семья играет важную роль в воспитании детей до уровня совершенного человека. Воспитание подрастающего поколения принадлежит семье, она становится координатором и регулятором в социальных отношениях человека, является главной опорой. В данной статье говорится о таких вопросах, как влияние воспитания в семье на благополучный рост и успешность подрастающего поколения.

Ключевые слова: обучение, методы воспитания, методы влияния на воспитание, диагностика, анализ.

Annotation: In the development of society, the family plays an important role in raising children to the level of a perfect person. The upbringing of the younger generation belongs to the family, it becomes the coordinator and regulator in the social relations of a person, is the main support. This article deals with such issues as the impact of family upbringing on the successful growth and success of the younger generation.

Keywords: teaching, methods of education, methods of influence on education, diagnostics, analysis.

Кириш

Бугунги кунда мамлакатимизда 2022 — 2026 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришга қаратилган Тараққиёт стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар аввало халқнинг ижтимоий турмушини яхшилашга, маънавий-маърифий тафаккурини юксалтиришга қаратилди[1]. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чукур қарор топтиришга хусусан халқимиз, айниқса ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда Она Ватанини ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда таълим асоссий меъзон сифатида белгиланган.

Жамиятнинг тараққиётида болаларни комил инсон даражасида тарбиялашда оила мухим ахамият касб этади, ёш авлодни тарбиялаш оиласи тегишли бўлиб, у шахснинг ижтимоий муносабатларида мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчига айланади, асосий пойдевор бўлади. Илмий-техник тараққиёт, модернизация, тадбиркорлик соҳасини кенгайтириш, нуфузини ошириш таълим инсонни муваффақиятга эришиш учун интилишга унга эришишга учун чорлайди. Кўпинча бундай вазиятларда инсоннинг ҳаракати мувоффақиятга эришиш мотивациясининг куч ва йўналишга боғлиқ. Мактабгача ёшдаги болаларнинг мувоффақиятга эришиш мотивациясини шакиллантиришда оиласидаги таълим тарбия усусларини тўғри йўналтира олишни ўрганиш илмий психологиянинг долзарб масалаларидан биридир.

Оила ва оиласидаги тарбия муаммолари билан шуғулланувчи олимларнинг тадқиқотларида асосий эътибор оила бўйича амалдаги бўлинишга ва болалар тарбиясида ота-оналарнинг фаол даражасига қаратилади. Шунингдек, ота-оналарнинг, болаларнинг

ҳамда аёлларнинг бандлиги ва уларнинг болалар тарбиясига бўлган таъсири оиланинг моддий имкониятлари ва турар жойларига боғлаб ўрганилади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Оилада бола характерини аниқловчи ота-оналарнинг намунавий бирлиги хусусиятлари қанақа кўринишда, деган саволга руҳшунослик тадқиқотлари жавоб беради. Шу каби тадқиқотлар учун дидактик асос А.М.Гельмотнинг ишида мавжуд. Мазкур ишда болаларнинг фарқланган характер таҳлили ва унинг сабаблари берилган. А.М.Гельмот томонидан фарқланган характер асосига қўйилган ўлчамлардан бири руҳий характерга эга, бу – салбий ҳолатни енгиб ўтишнинг енгиллик (ёки қийинчилик) даражаси. Асосий мазмун болаларлар билан боғлиқ бўлган сабабларга эга бўлади:

1) ёмон хулкли ва кўзга ташланарли камчиликлар;

2) оиласага салбий муносабат;

3) ташкилий меҳнатга кўникма мавжуд эмаслиги, умумий ривожланишнинг етарли даражада эмаслиги.

В.И.Самохвалова болаларнинг хулқи ва уларнинг шахси хусусияти фарқида кўриб чиқилиши мумкин бўлган учта кўрсатгични ажратади:

1) оиласага муносабат;

2) ота-онага муносабат;

3) оиласаги фаолияти.

Ушбу кўрсатгичлар болаларда турли кўринишда намоён бўлиши мумкин, зотан, тарбия килиш ва оргатиш даражаси оралиғида бир маънога эга алоқалар кўзга ташланмайди. Бир хил тарбия олувчи болалар гуруҳларини таснифлаётib, бошқа барчасини аниқловчи кайси бир белги гуруҳини ажратиб кўрсатиш мумкин. Мазкур ҳолат А.С.Славинанинг (64, 109 б.) ишларидан бирида, муаллиф ўзлаштиромовчи болаларнинг фикрлаш фаолияти хусусиятларини батафсил баён этган, “интеллектуал пассив (мажхул)” дея номланган ишида ривожланади. Мазкур “пассивлик” ўйлашни истамасликда, ҳар қандай ақлий зўриқишдан қочишига уринишда ифодаланади. У бола тарбиясида кўзга ташланади.

А.А.Бударний ўз тадқиқотларидан оиласаги тарбиянинг фарқланган формалари оиласа болиши заруриятини асослаш учун фойдаланади. У руҳшуносларнинг тадқиқодларини ўрганаётib, бир оиласаги тарбияни қандай қабул қилаётганини кузатди. А.А.Бударний, болаларни гуруҳларга ажратиб, мана шу руҳий хусусиятларга таянади:

1) енгиллик ва тарбиянинг тез ўзлаштиришида намоён бўладиган ўрганиш;

2) ишга лаёқат.

А.А.Бударнийнинг ҳисоблашича, хулки ёмон бола ишга лаёқатнинг юксаклиги билан тўлдирилади ва аксинча, яхши хулкли бола ишга лаёқат билан биргаликда натижасизdir.

Ўз ишларida В.Н.Волокитина болаларга ота-онасининг бераётган тарбияси хусусида гапиради. Унинг ҳисоблашича, бола бурчининг юқори ривожланган туйғусига эга болалар оиласаги қийинчиликларни сабр килиб енгиш билан тўлдирадилар. Оиласаги, фарзандларига юзаки ёндошувчи ота-оналар ўзларида мавжуд муаммолар ечими ўзлари учун оғир эканлигига ишончи комил.

Н.А.Менчинская ва З.И.Калмикскаянинг ишлари шуни кўрсатдик, улар оиласаги тарбиянинг самарали услубларини билишмайдиган ва буни билишга уринмайдиган отаоталар унутмасликлари керакки, бола ота-она истагандек эмас, балки, улар тарбиялагадек булиб улгаяди, минг афсуски бу борада аксарият ота-оналар фикрлай олмайдилар. Б.Г. Ананев ушбу иборани боланинг билимга зеҳни ўткирлиги сифатида тушуниб, “ўрганиш” тушунчасидан фойдаланган. Болаларнинг ёшлигадан оиласаги турли предметларни ўзлаштириш ва фаолиятнинг турли кўринишларида етарлича кенг тарқалган, шунингдек у нисбатан барқарорлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда кузатиш, сухбат, эксперимент, натижаларни математик-статистик усулда таҳлил қилиш усусларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Бошланғич синф ўқувчилари орасида муваффақиятга эришишнинг шаклланиш босқичлари, таркиби ва ривожланишининг ўзига хос томонларини ўрганиш ҳамда зарур вақтда керакли психолого-педагогик чораларни кўриш зарурдир. Турли тарбия усусларини қўллайдиган оиласада шахслараро муносабатларда ота-оналарнинг болаларга ижобий ёки салбий муносабати уларнинг муваффақиятга эришишларида мухим ўрин тутиши аниқланди.

Аксарият руҳшунослар тарбия жараёнини таҳлил этаётиб, у кераклича бошқариладиган эмаслигини қайд этадилар. Ўрганишни бошқарилувчи жараёнга

айлантиришнинг эҳтимолий бир йўли – ўзлаштириш жараёнини топширилган жараён каби махсус ташкил этишдир. Ақлий ҳаракатларни бирин-кетин шакллантириш назариясига кўра, ҳаракатларнинг интероризацияси жараёни амалга ошади – ташки ҳатти-ҳаракатларнинг ички, ақлий ҳаракатларга аста-секинлик билан айланиши жараёни. Шунга мувофиқ тарбия жараёни ҳам қурилади. Ўқитиш жараёнини бошқаришнинг бошқа имкониятларини ахтариш дастурлашган тарбиянинг руҳий асосларини ишлаб чиқиш билан боғлиқ. Дастурланган тарбия тарбиянинг шундай ташкил этилишини эҳтимол қиладики, ўқувчи ўзлаштиришда аввалгисига эга бўлмай туриб, навбатдаги одимни қўя олмайди.

Тарбия жараёнини ўрганишнинг навбатдаги босқичи тадқиқотчиларнинг янги ташкил этилаётган, ҳар бири боланинг ўраб турган муҳитга янги хилдаги муносабати бўлмиш нарсаларга синчковлик билан эътибор қаратишидан иборат. Булар янги ташкил топаётган нарсаларнинг қўйидаги турларидир:

1) боланинг ўрганилаётган, унинг параметрларни ажратиб ташлашга бўлган лаёқатида кўзга ташланувчи предметга бўлган муносабатининг янги тури;

2) боланинг ўз фаолиятига бўлган муносабати янги тури – эркинлик (ўзини бошқариш);

3) ўз фаолиятига қўшимча цингари янги турдаги муносабати.

Ўзини назорат қилишнинг нисбатан осон ва оддий, янгиланиш предметлари билан бирга келувчи формаларини бажариш ўз хулқини бошқарув бўйича Тарбия жараёнинишакллантиришнинг муҳим шарти ҳисобланади.

Тадқиқотларга кўра “ўзлаштириш” тушунчаси мавжуд. Унинг қайд этишича, тарбияни ўзлаштириш муаммосини хотира муаммоси билан чалкаштириш мумкин эмас, билимларни ўзлаштириш фақат хотирага хос эмас, у субъектнинг фикрлаш фаолиятини назарда тутади, ушбу тушунча “ўзлаштириш” ибораси билан руҳий жараёнларнинг бутун бир сафини (қабул қилиш, хотира, фикрлаш) ўзига қўшуви илмий фаолиятни белгилаб беради. Оила шароитининг тажрибасида ота-она учун ҳар қадамда боланинг улар томонидан кўрсатилаётган муносабатга, танбеҳларга, қарашларга, қийинчиликларга нисбатан салбий эмоционал реакциялари билан тўқнашишига тўғри келади.

Аксарият ҳолларда ота-оналар мазкур реакцияларнинг маъносини тушунмайди, ушбу реакциялар эса бир томондан, бола тарбиясидаги қандайдир носоғломлик кўрсатгичи ҳисобланади, бошқа томондан – уларнинг ўзи боланинг танбеҳларга, оиласа, ота-онага, унинг қарашлари ва қизиқишлирига, шахсининг шаклланишига бўлган муносабатига таъсир кўрсатадилар. Ушу реакциялар турли терапија ва кучда, турлича давомийликда бўлиши мумкин.

Юқоридагилардан шундай хуносага келинадики, бола катталарнинг талабларини қабул қилмайди, зеро, ушбу талаблар унинг учун ҳақиқий маънога эга эмас ёки бошқача, бутунлай тескари маъно касб этади.

Ушбу ҳолат “маъновий тўсиқ” дея номланган. Болаларнинг реакцияси ота-онанинг ҳаракатидаги нафақат объектив адолат ёки адолатсизлик билан, балки боланинг ўзига баҳо бериши ва ўзига бўлган муносабати билан боғлиқ қандайдир ички руҳий ҳусусияти билан аниқланади. Агар ота-оналар ўз фарзандларининг индивидуал ҳусусиятларини ҳисобга олганда ва уларга индивидуал ёндошганларида эди, ўзлаштиришдаги фарқни йўққа чиқариш мумкин бўларди. Тарбияни ўзлаштирумаслик турли болаларда турлича сабаблар билан пайдо бўлади. Баъзи бирларида ўзлаштирумасликнинг асосий сабаби – оиласа нисбатан нотўғри шаклланган муносабат билан боғлиқ, бошқаларида – тарбияни ўзлаштириш қийинлиги уни ўзлаштирумасликнинг сабаби ҳисобланади, учинчиларида – тарбия жараёни услубларини нотўғри эгаллаганларидир. Шундай болалар учрайдики, уларнинг ўзлаштиришлари оиласий қизиқишлири ривожланмагани боис сезиларли даражада пасайиб кетади. Янада кўпроқ учрайдигани, мазкур боланинг тарбияни ўзлаштирумаслигини пайдо қилувчи дастлабки сабабга аввалроқ пайдо бўлган тарбияни ўзлаштира олмаслик натижасида рўй берган янги иккиламчи ҳолатлар қатлам ҳосил қилади. Болаларда маълум бир босқичда нисбатан барқарор ўзига ўз баҳо бериш ва унга асосланган интилишлар даражаси пайдо бўлади, бу нарса эса янги эҳтиёжнинг пайдо бўлишига олиб келади: нафақат атрофдагиларнинг даражасида бўлиш, балки ўзига бўлган шахсий талаблар даражасида ҳам.

Атрофдагиларнинг талабларини ўзлаштира бориб, атрофга ўз баҳоси ва ўзига ўзи баҳо беришни ишлаб чиқсан ўлароқ, болалар аста-секинлик билан вазиятнинг бевосита таъсиридан халос бўлади. Ёшига қараб уларнинг руҳий ривожланишининг асосий стимули нафақат атрофдагиларнинг маъқуллашини олишга интилиш, балки, ўзига бўлган талабларни бажариш эҳтиёжи ва олдиларига қўяётган ўша вазифалар даражасида бўлади.

Шундай қилиб, жағон рухшунослари ишидаги болани қандай тарбия қилиш мүаммоси анчайин кенг ўрганилган.

Фойдаланылған адабиёттар рұйхати:

1. Сорокоумова Е.А. Возрастная психология: Учеб. пособие / Е.А. Сорокоумова. - СПб.: Питер, 2007. - 208 с.
2. Виготский Л. С. Проблема воли и ее развитие в детском возрасте // Собрание сочинений. - 1982 - Т. 2. - С. 454 -466.
3. Иванников В. А. Эйдман Е. В. Количественная оценка волевого усилия при напряженной физической работе // Вопросы психологии, №5 1986. - С. 129-140.
4. Ильин Е. П. Психология воли. - Санкт Петербург, 2000. -С. 288 .
5. Корж С. В. О количественной оценке волевого усилия // Вопросы психологи, №1 1979, - С. 118-121.
6. Пуни А. Ц. Психологические основы волевой подготовки в спорте. - М .: Физкультура и спорт. 1977, - С. 41-43.
7. Калин В. К. Классификация волевых качеств / В.К. Калин. – В кн.: Эмоциональноволевая регуляция поведения и деятельности. – Симферополь, 1983. – С. 175-181.
8. Шульга Т. И. Возрастные особенности волевых качеств, школьников и их формирование в процессе физического воспитания: Автореф. дис. ... канд. Психолог. наук: 19.00.07 - М., 1986. - С. 16.
9. Шайхтдинов Р.З. Личность и волевая готовность в спорте / Р.З. Шайхтдинов. – М.: Физкультура и спорт, 1987. – С. 112.

КИМЁ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ КОМПЛЕКС БАҲОЛАШНИНГ НАЗАРИЙ-УСЛУБИЙ ЖИХАТЛАРИ

Кадиров Абдумалик Маткаримович

*Ph.D, Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил тадқиқотчisi
E-mail: abdumalik.kadirov@list.ru*

Аннотация. Мақолада кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг услугубий жиҳатлари ёритилган. Муаллиф томонидан кимё саноати корхоналар иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг статик ҳамда динамик кўрсаткичлари ўрганилиб, корхона иқтисодий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар тадқиқ этилиб, тизимлаштирилган.

Калит сўзлар: кимё саноат, корхона иқтисодий барқарорлиги, индикаторлар, кўрсаткичлар, барқарорлик.

Аннотация. В статье рассмотрены методологические аспекты оценки экономической устойчивости промышленных предприятий химической отрасли. Автором изучены статические и динамические показатели экономической устойчивости предприятий, а также исследованы и систематизированы показатели, характеризующие экономическую устойчивость предприятия химической отрасли.

Ключевые слова: химическая отрасль, экономическая устойчивость предприятия, показатели, индикаторы, устойчивость.

Abstract. In the paper have been described the methodological aspects of assessing the economic stability of chemical enterprises. The author studied the static and dynamic indicators of economic stability of chemical enterprises, and the indicators describing the economic stability of the chemical enterprise were researched and systematized.

Key words: chemical industry, enterprise economic stability, indicators, stability.

Кириш

Жаҳон кимё тармоғининг ҳозирги ҳолати шуну кўрсатмоқдаки, тармоқ ривожланишига салбий таъсир этаётган асосий омиллардан бири бу геология-қидириув ишлари харажатлари ҳисобланади. «Дунё бўйича ушбу харажатлар 60% дан ортиқ камайган ва 2014 йилда 153 млрд. АҚШ долларидан 2017 йилда тахминан 58 млрд. АҚШ долларигача етган. Инвестицияларнинг кескин камайиши янги конларда қазиб олиш ҳажмига бевосита таъсир кўрсатади»[1]. Кимё тармоғи экспертларининг фикрича, нефть ва газга бўлган талаб йиллик прогнозга нисбатан юқори бўлмоқда, товар захиралари қисқарган ҳолда нефть ва газ захиралари камаймоқда. Бу борада жаҳоннинг бир қатор мамлакатларида, хусусан АҚШ, Хитой, Россия Федерацияси, Қозогистон каби давлатларда геология-қидириув ишлари орқали янги конларни ишга туширилиши муҳим вазифалардан ҳисобланмоқда.

Жаҳоннинг кимё саноати ривожланган давлатларида мазкур тармоқда ресурс ва энергия тежаш технологияларидан кенг фойдаланган ҳолда геология-қидириув ишлари харажатларини камайтириш; маҳсулот ассортиментининг кенгайтириш ва таннархини пасайтириш; замонавий миллий кимё саноатини шакллантириш мақсадида институционал, ҳукуқий ва инвестицион муҳитни яратиш, кимё саноати корхоналарини иқтисодий рағбатлантириш, кимё тармоғини модернизациялаш, бошқариш тизимида бозор механизмларини кенг жорий қилиш, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ташкилий-иктисодий механизмларини ишлаб чиқиш каби йўналишларда кенг кўламли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шунингдек, кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлигини замонавий молиявий-иктисодий менежмент ёндашувлари асосида таъминлашни илмий-услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этиш бугунги куннинг долзарб илмий йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётида амалга оширилаётган чуқур таркибий ўзгаришлар, жумладан кимё саноати корхоналарининг иқтисодий салоҳиятидан кенгрөк фойдаланиш асосида корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур вазифаларнинг самарали ижросини таъминлаш республикамиз кимё саноати корхоналарини иқтисодий барқарорлигини оширишнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқиш ва жорий этишда муҳим масала бўлиб қолмоқда.

Ички ва ташқи барқарорлик ўзаро алоқадорликда бутун корхонанинг иқтисодий барқарорлигини шакллантиради. Бир томондан, ташқи мухит корхонанинг ички барқарорлигига таъсир кўрсатади, иккинчи томондан – ички барқарор ҳолатнинг мавжудлиги ташқи барқарорликда акс этади, бу эса корхонанинг юқори рақобатбардошлигини таъминлайди ва бизнес соҳасида тегишли нуфузини таъминлайди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг устувор йўналишлардан бири иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни янада жадаллаштириш, саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник янгилаш ва диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий этиш ҳисобланади. Зоро, мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши саноат тармоқларни жадал ривожланиши ва саноат корхоналарининг иқтисодий барқарорлигига бевосита боғлиқ. Айниқса, Ўзбекистонни жаҳон иқтисодиётига жадал интеграциялашиб бориши, давом этаётган жаҳон иқтисодиётидаги инқизоз ва жаҳон бозорлардаги беқарор конъюнктура шароитида корхоналар иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ва ошириш механизмларини ишлаб чиқиш аҳамияти ва долзарблиги янада ошиб бормоқда.

Адабиётлар шарҳи

Иқтисодий барқарорлик тушунчасига бўлган ёндашувларда ўзига хос тафовутлар бўлишига қарамасдан, иқтисодчи-олимлар таҳлил қилинаётган кўрсаткичларнинг меъёрий миқдорини аниқлаб олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайдилар. Модомики, меъёрий миқдорнинг ўзгариши, яъни белгиланган чегарадан чиқиб кетиши иқтисодий барқарорлик даражасининг пасайишини англатади. Амалиётда доимий фойдаланиладиган усуллар мавжуд бўлиб, улар қўйидагилардан иборат:

- корхона фаолиятининг максимал ва минимал қийматлари асосида чегараларни белгилаш;
- ўтган давр маълумотларини баҳолаш ва таҳлил қилиш асосида корхонанинг барқарор ҳолати чегарасини белгилаш.

Маълумки, баҳолашни ҳам статик ҳам динамик кўрсаткичлар (ўсиш суръати, абсолют ўсиш ва бошқалар) асосида амалга ошириш мумкин. Шу ўринда, корхона иқтисодий барқарорлигининг у ёки бу жиҳатларини тавсифловчи кўрсаткичларни таклиф этган М.Н. Козин [2], С.Ю.Плешков [3], Г.Р. Яруллина [4] илмий ишларига назар солиш мақсадга мувофиқ. Шу ўринда, ўзбек олимлари Бурханов А.У. [5], Ибрагимов А.К. [6], Қурбанов З.Н., Исаев Ф.И. [7] корхоналар фаолияти барқарорлигини баҳолашда асосий ургуни молия жиҳатларига қаратишган. Шунингдек, иқтисодчи олим Қурбанов З.Н. иқтисодий барқарорликни ифодаловчи кўрсаткичларга макродаражада ёндашган ҳолда қўйидаги учта “иқтисоди ўсиш” кўрсаткичларини берган, яъни сифатида қараб ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши, давлат бюджетининг даромад қисми шаклланиши ва солиқ юкининг пасайишидир [7].

Корхоналарнинг иқтисодий барқарорлигини динамик меъёрлар асосида ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолаш усуллари биринчилардан бўлиб, иқтисодчи-олим И.М. Сыроежин [8] томонидан амалга оширилган кейинчалик Н.Н.Захарченко [9], Н.Н. Погостинская [10] ва бошқалар илмий тадқиқотларида такомиллаштирилган. Бироқ ушбу тадқиқотларда кимё саноати корхоналарининг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган услубиёт келтирилмаган.

Методология

Ҳар қандай корхона фаолиятини маълум бир иқтисодий кўрсаткичлар динамикаси билан акс эттириш имкони бор, бунда ўзаро үйғунлик ва боғлиқлик корхонанинг бир ҳолатдан бошқасига ўтиши билан ўзгариши мумкин. Барча кўрсаткичларнинг ўзаро боғлиқлиги “иш тартиби” тушунчаси билан тавсифланади. Корхонанинг ҳар бир иш тартиби белгиланган кўрсаткичлар тизимини изоҳлайди, уларни ўсиш суръати бўйича таснифланса корхонанинг меъёрий иш тартиби, бошқача қилиб айтганда кўрсаткичларнинг меъёрий тизими (динамик меъёр) юзага келади. Ўзоқ вақт давомида бундай динамик (қаторни) ўсишни ушлаб туриш корхонанинг оптималь тартибда ишлашига имкон беради. Корхонани баҳолаш корхонанинг ҳақиқий динамик қаторини меъёрий қатор билан тақбослаш асосида амалга оширилади.

Бундай ёндашувнинг аҳамиятли жиҳати, бизнинг фикримизча, меъёрий қийматни ҳақиқий ифода орқали бериш зарурати йўқлиги ҳисобланади. Динамик меъёр ишлаб чиқариш жараёнлари қўллаб-қувватлаш ва самарадорликни оширишга имкон берувчи ўсиш суръатларини белгиловчи кўрсаткичлар ўртасидаги ўзаро боғланишни ифодалаб, бу ҳар қандай саноат корхоналари мақсадлари билан мос келади.

Иқтисодий фаолиятни баҳолашда динамик меъёрларни кенг қўлланилишига қарамасдан, фикримизча будай ёндашувни ҳар бир тармоқ фаолият тизими ва ривожланишининг ўзига ҳос хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда мослаштириш мақсадга мувофиқ ҳамда қўйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

- иқтисодий барқарорликни ифодалавчи кўрсаткичлар таркибини асослаш;
- таҳлил қилинаётган кўрсаткичларни тармоқ учун белгиланган ўртacha қиймати асосида динамик меъёрни аниқлаш;
- баҳолашда олинган натижаларни изоҳлаш.

Юқорида таҳлил қилинаётган илмий ишларда баҳолаш натижаларини изоҳлаш агар корхонанинг иш тартиби меъёрига мос келса, у ҳолда корхона иқтисодий барқарор деган фикрга келинган. Бироқ, барқарорлик нисбий тушунча ҳисобланади. Шундай қилиб, биз фақат корхона ўзининг иқтисодий барқарорлигини оширади ёки пасайтиради деган фикр юритишимиз мумкин. Бундан ташқари, бегиланган вақтда корхонанинг ҳақиқий иш тартиби динамик меъёрга тўлиқ мос келишига эришишидан ташқари, эришилган натижани ушлаб қола оладими, агар ушлаб қолмаса корхона бир ёки бир нечта кўрсаткичларни қай даражагача пасайтириши мумкин.

Бугунги кунда кенг қўлланилаётган иқтисодий барқарорликни интеграл кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш ва баҳолашнинг иқтисодий-математик усуларини кўриб чиқамиз. Чунки, статик ва динамик кўрсаткичлардан фойдаланишда ҳисоб-китоб усувлар тубдан фарқ қиласди. Аввал статик кўрсаткичларни кўриб чиқамиз.

Барқарорликни B_i акс эттирувчи алоҳида кўрсаткичлардан таркиб топган ўртacha геометрик кўринишдаги интеграл кўрсаткичлардан фойдаланиш мумкин [11]:

$$B_i = \sqrt[n]{\prod_{n=1}^n K_n} \quad (1)$$

бу ерда, K – корхона бўлинмаларидан бирининг барқарорлик кўрсаткичи; n – корхонадаги бўлинмалар сони.

Бу усул ишлатиш учун қулай. Ушбу усульнинг камчилиги кам сонли кўрсаткичларга асосланишидир, уларнинг қиймати эса, одатда бирга яқин бўлади. Шунингдек, кўрсаткичларнинг ҳақиқий миқдоридан дастлабки қайта ҳисоблашларсиз фойдаланиб бўлмайди ва бу баҳолаш тартибини янада қийинлаштиради.

Иқтисодий барқарорлик B_i айrim илмий ишларда коэффициентларни кўпайтириш усувларини қўллаш орқали аниқланади:

$$B_i = \prod_{i=1}^n K_{ij}; j = 1, \dots, m \quad (2.)$$

Биринчи ва иккинчи усувларнинг афзаллик ва камчиликлари деярли фарқ қилмайди.

Айrim муаллифлар [12] интеграл кўрсаткичларни қўшиш усули, яъни ҳақиқий миқдорларни қўшиш орқали ифодалайди:

$$K_j = \sum_{i=1}^n \frac{x_{ij}^h}{x_{ij}^m}; i = 1, \dots, n; j = 1, \dots, m \quad (3.)$$

бу ерда, x_{ij}^h – j -чи гурӯҳ кўрсаткичларидан i кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори;

x_{ij}^m – j -чи гурӯҳ кўрсаткичларидан i кўрсаткичнинг маъёрий миқдори.

Ушбу усульнинг ижобий жиҳати бизнинг фикримизча, баҳолаш турли ҳил меъёрий қийматларга асосланиши мумкин. Бироқ, бундай ёндашувнинг мухим камчилиги барча кўрсаткичларнинг ўзгариши бир-бирига ўхшаш бўлди, яъни ҳар қандай кўриб чиқилётган кўрсаткичларнинг ошиши корхона иқтисодий барқарорлигини ўсишини ва аксинча камайиши эса, барқарорликни пасайишини билдиради. Бундан ташқари, ушбу усувода корхона иқтисодий барқарорлигини баҳолашда ҳатоликлар юзага келиш эҳтимоли бор. Хусусан, аксарият кўрсаткичлар қийматининг аниқ бир кўрсаткичдан анча орқада қолиб кетиши каби ҳолатларни кузатиш мумкин.

Шунингдек, таҳлил қилинаётган илмий ишларда ушбу усульнинг қўшимчалар киритилган шаклидан фойдаланилган, яъни меъёрий қийматига нисбатан алоҳида

кўрсаткичларнинг ижобий ва салбий оғишилари йигиндисини изоҳловчи қўшимча иккита кўрсаткичлар аниқланади.

$$K_j^+ = \sum_{i=1}^n x_{ij}^+; K_j^- = \sum_{i=1}^n x_{ij}^-; j = 1, \dots, m \quad (4.)$$

бу ерда,

$$x_{ij}^+ = \begin{cases} \frac{x_{ij}^h}{x_{ij}^m}, & \text{агар } x_{ij}^h > x_{ij}^m; \\ 0, & \text{агар } x_{ij}^h < x_{ij}^m. \end{cases} \quad (5.)$$

$$x_{ij}^- = \begin{cases} \frac{x_{ij}^h}{x_{ij}^m}, & \text{агар } x_{ij}^h < x_{ij}^m; \\ 0, & \text{агар } x_{ij}^h > x_{ij}^m. \end{cases} \quad (6.)$$

Бир қанча олимларнинг фикрича, барқарорликни ифодаловчи кенг тарқалган усуллардан бири бу – масофа усули [13]. Бу усул ҳам бошқа усулларга ўхшаб кўрсаткичлар меъёrlарига асосланади, бу эса баҳолаш жараёнида турли ҳил кўрсаткичлардан фойдаланиш имконини беради.

Бироқ, ушбу усулдан фойдаланишда корхона иқтисодий барқарорлигининг ҳақиқий миқдорини аниқлаш имкони йўқ, бу кўп ҳолларда корхоналарни таққослаш учун танлаб олинган энг яхши кўрсаткичлар орқали аниқланади. Яъни, кўрсаткичлари энг юқори бўлган пешқадам корхонани баҳоланаётган гуруҳдан олиб ташланса, унда қолган барча корхоналарда барқарорлик миқдори ошади. Шунингдек, ушбу усулни кўрсаткичлар манфий бўлган тақдирда кўллаб бўлмайди.

Ушбу усулни муаллифлар жамоси ишида [13] такомиллаштирилди, натижада бир қатор афзаликларга эга бўлди, яъни барқарорлик кўрсаткичларини ҳисоблашда манфий ифодаларни ҳам қабул қилиш мумкин. Умумий баҳолаш миқдори 0 дан 100 гача оралиқда бўлиб, барқарорлик энг юқори ва энг паст даражаларда аниқланади.

Бу усуlda ҳар бир кўрсаткичга энг паст ва энг юқори қийматлар тармоқдаги энг юқори кўрсаткичлар, режалаштирилган қийматлар эксперт баҳолаш асосида берилиши мумкин.

Ҳар бир алоҳида кўрсаткичларнинг меъёрий миқдори қуйидагича ифодаланади:

$$x_j = \frac{\alpha_{h_j} - \alpha_{min_j}}{\alpha_{max_j} - \alpha_{min_j}} \quad (7.)$$

бу ерда, x_j – 1 чегарасида ўзгариб туради, бунда: $x_j = 0$, агар $\alpha_{h_j} = \alpha_{min_j}$;

$x_j = 0$, агар $\alpha_{h_j} = \alpha_{max_j}$; $\alpha_{min_j} - j$ кўрсаткичнинг энг паст миқдори; $\alpha_{max_j} - j$ кўрсаткичнинг энг юқори миқдори;

$\alpha_{max_j} \geq 0$; $\alpha_{h_j} - j$ кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори; $\alpha_{min_j} \leq \alpha_{h_j} \leq \alpha_{max_j}, j = 1, \dots, m$.

Иқтисодий барқарорликни B_i баҳолашнинг умумий ифодаси қуйидагича:

$$B_i = \frac{\sum_{j=1}^m x_j}{m} * 100 \quad (8.)$$

Унинг қиймати 0 дан 100 гача оралиқда бўлиб, бу кўрсаткич қанча юқори бўлса, корхона иқтисодий барқарорлиги ҳам шунча юқори бўлади.

Иқтисодий барқарорлик Выборова Е.Н. [14] томонидан ҳам ҳудди шундай тарзда, бироқ мезонали кўрсаткичларни кўшган ҳолда ифодаланган:

$$B_i = \frac{X_{max} - X}{X_{max} - X_{min}} \quad (9.)$$

бу ерда, X_{max} – кўрсаткичнинг энг юқори миқдори;

X_{min} – кўрсаткичнинг энг паст миқдори;

X – кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори.

Каср махражи кўрсаткичнинг тебраниш чегарасини кўрсатади ва ушбу доирада корхона иқтисодий барқарор ҳисобланади. Сурати эса, кўрсаткичнинг ҳақиқий миқдори пастки чегарадан қанчалик ошишини кўрсатади. Ушбу ҳисоб-китоблар ҳар бир кўрсаткич бўйича алоҳида амалга оширилади, умумлаштирилган кўрсаткич ўртача арифметик миқдор кўринишида аниқланади.

Айрим иқтисодчилар [15] иқтисодий барқарорлик кўрсаткичларини мезонлар йигиндисининг ўртачасини аниқлаш асосида ҳисоблашни тақлиф қилишади.

Дастлабки маълумотлар векторлар тўпламида берилади:

$$A_i = (a_{ij}, \dots, a_{iN}) \quad (10.)$$

бу ерда, i – барқарорликка таъсир этувчи муайян омилга тегишли кўрсаткичлар гурухи рақами;

iN – i -чи гурухдаги күрсаткичлар сони.

Меъёрий қиймат сифатида муайян вақт давомидаги корхонанинг энг юқори күрсаткичи қабул қилинади.

Шундан кейин уларни стандартлаш амалга оширилади:

$$x_{ij} = \frac{a_{ij}}{b_{ij}} \quad (11.)$$

$$x_{ij} = \frac{b_{ij}}{a_{ij}} \quad (12.)$$

бу ерда, a_{ij} – i -чи гурухдаги j күрсаткичнинг ҳақиқий миқдори;

ij – таҳлил қилинаётган корхоналар ичida i -чи гурухдаги j күрсаткичнинг энг юқори миқдори.

Юқорида келтирилган 1.11-формула шундай күрсаткичлар учун қўлланилади, унинг ўсиши барқарорлик ошишини англатади. 1.12-формула эса, иқтисодий барқарорлик ошиши вақтида ҳақиқий қийматнинг пасайишини англатадиган күрсаткичлар учун қўлланилади.

Иқтисодий барқарорликнинг интеграл күрсаткичи қўйидаги формула билан аниқланади:

$$B_i = \sum_i \sum_j \lambda_i \beta_{ij} \chi_{ij} \quad (13.)$$

бу ерда, B_i – корхонанинг иқтисодий барқарорлик күрсаткичи;

λ_i – i -чи гурухдаги күрсаткичларнинг ($i = 1, \dots, m$) аҳамиятлилиги коэффициенти;

β_{ij} – i -чи гурухдаги j күрсаткичнинг аҳамиятлилиги коэффициенти ($j = 1, \dots, N$, бу ерда N_i – i -чи гурухдаги күрсаткичлар сони);

χ_{ij} – муайян корхонанинг i -чи гурухдаги j күрсаткичлари билан пешқадам корхонанинг худди шундай күрсаткичлари миқдорининг нисбати коэффициенти;

$\sum \lambda_i = 1; \sum \beta_{ij} = 1$ – аҳамиятлилик коэффициенти бўйича қийматлар йиғиндиси тенглигини англатадиган шарт.

Аҳамиятлилик коэффициенти қиймати ўртача эксперт баҳолаш йўли билан аниқланади.

Айтмуҳаметова И.Р. [16] корхонанинг иқтисодий барқарорлигини баҳолаш учун рейтинг ва баллар билан баҳолаш усулини таклиф этади. Бунда интеграл күрсаткичлар таҳлил қилинаётган күрсаткичларнинг ўртача йиғиндиси сифатида аниқланади, аҳамиятлилик даражаси эса, эксперт баҳолаш асосида амалга оширилади. Кейин энг юқори ва энг паст миқдор, күрсаткичлар ранги (даражаси) ва вақт оралиғи аниқлади. Ранглар (даражা) йиғиндиси күрсаткичларнинг комплекс миқдорини белгилаб беради.

Шундан кейин корхона иқтисодий барқарорлигига таъсир этувчи омиллар шакллантирилади. Энг юқори таъсир этувчи омиллар эксперт баҳолаш асосида аниқланади.

С.В. Чикишев [17] илмий ишида иқтисодий барқарорликни баҳолашнинг қўйидаги усули таклиф этилган. Жумладан, биринчи бўлиб эксперталар томонидан тақдим этилган корхона мақсадларига мос келадиган күрсаткичлар танлаб олинади. Кейин эса, эксперталар фикрига асосланган ҳолда корхоналарнинг ихтисослашуви бўйича мос равишда умумий баҳолаш амалга оширилади ва бу қўйидаги формулада акс эттирилган:

$$\bar{v}_i = \sum_{k=1}^m v_{ik} r_k \quad (14.)$$

бу ерда, v_i – корхона ихтисослашуви i күрсаткичи мувофиқлигининг ўртача миқдори. Бу ҳолатда, агар $v_i < 0,5$ бўлса, унда бу күрсаткич баҳолашдан чиқариб ташланади;

$k = 1, \dots, m$ – тадқиқотда иштирок этаётган эксперталар сони;

$i = 1, \dots, n$ – иқтисодий барқарорликни баҳолаш учун танлаб олинган күрсаткичлар сони;

r_k – k -чи экспертнинг чуқур билимга эгалик коэффициенти ($\sum_{k=1}^m r_k = 1$).

Эксперталар фикри билан келишилганлик даражасини аниқлаш конкордация коэффициенти орқали аниқанди:

$$W = \frac{12 * S}{m^2(n^3 - n)} \quad (15.)$$

бу ерда, S – ўртача арифметик ранглар (даражаси) йиғиндисидан i күрсаткич ранги (даражаси) йиғиндисининг фарқлари квадрати йиғиндиси.

$$S = \sum_{i=1}^n \left(\sum_{k=1}^m r_{ik} - \bar{r} \right)^2 \quad (16.)$$

бу ерда, $k = 1, \dots, m$ – тадқиқотда иштирок этажтган эксперталар сони;

$i = 1, \dots, n$ – иқтисодий барқарорликни баҳолаш учун танлаб олинган күрсаткичлар сони;

r_{ik} – k -чи экспертни i күрсаткичга берган ранги (даражаси);

\bar{r} – математик өхтимолларни баҳолаш.

$$\bar{r} = \frac{\sum_{i=1}^n \sum_{k=1}^m r_{ik}}{n} \quad (17.)$$

Конкордация коэффициенти эксперталар фикрларининг келишилганигини күрсатади ҳамда ушбу коэффициент 0,5 га тенг ва ундан юқори бўлса қониқарли ҳисобланади.

Кейинги босқичда эксперталар томонидан күрсаткичларга ўлчов бирлиги ўрнатилади. Кейин ҳар бир күрсаткич ва күрсаткичлар гурухи аҳамиятлилиги бўйича ҳисоб-китоб қилинади, шундан кейин иқтисодий барқарорлик күрсаткичи аниқланади.

Таҳлил ва натижалар

Юқорида келтирилган илмий ишлар таҳлилларидан кўриниб турибдики, кўпгина муаллифлар иқтисодий барқарорликни баҳолашда эксперт сўровларидан фойдаланишади, бу эса, тажрибали, билимли эксперталарни топиш ва танлаб олишдаги қийинчиликларни келтириб чиқаради. Бундан ташқари, ушбу сўровлар математик ҳисоб-китобларда жиддий ноаниқликларни келтириб чиқаради. Маълумки, эксперталар фикри ҳар қандай таҳлилини амалга оширишда мухим ахборот манбаи ҳисобланади.

Бироқ, фикримизча, ундан иқтисодий барқарорликни акс эттирувчи күрсаткичларни танлаб олиш билан чекланиш ёки умуман фойдаланмаслик лозим.

Юқорида илмий ишларда айтиб ўтилган усусларга мос равишда динамик мъёрлар асосида иқтисодий барқарорликни баҳолашни учта босқичда амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

1. Жуфт таққослаш меъёрий күрсаткичини аниқлаш:

$$k_{ij} = \begin{cases} k_{ij} = 1, & \text{агар } a_i > a_j, \text{ ва } j > i \\ k_{ij} = -1, & \text{агар } a_i < a_j, \text{ ва } j < i \end{cases} \quad (18.)$$

бу ерда, k_{ij} – матрицада i қатор ва j устун кесишиш қиймати;

a_i – i күрсаткичнинг ўсиш суръати;

a_j – j күрсаткичнинг ўсиш суръати.

2. Биринчи босқичга ўхшаган ҳолда корхонанинг реал ҳолатидан келиб чиқсан ҳолда жуфт таққослашнинг ҳақиқатдаги күрсаткичини аниқлаш.

3. Меъёрий ва ҳақиқатдаги күрсаткичларни таққослаш ҳамда умумий иқтисодий барқарорлик коэффициентини ҳисоблаш, уни қўйидаги формула билан аниқлаш мумкин.

$$B_i = \frac{\sum_{i=1}^r \sum_{j=1}^r k_{ij}^+}{\sum_{i=1}^r \sum_{j=1}^r |k_{ij}|} \quad (19.)$$

бу ерда, B_i – корхона иқтисодий барқарорлиги даражаси;


k_{ij}^+ – амалга оширилган жуфт таққослаш йифиндиси;

$|k_{ij}|$ – жуфт таққослашларнинг умумий сони.

Бундай усуlda баҳолашнинг камчилиги иккита күрсаткичининг ўсиш суръати тенг бўлган ҳолат инобатга олинмаган. Бироқ, юқорида айтиб ўтилганидек, ушбу ёндашувнинг мухим афзаллиги, бу статик күрсаткичлар ёрдамида баҳоланган күрсаткичларни таққослаш имкони борлигидир. Бу эса, кўпгина күрсаткичлар чегаралари ўзгаришининг иқтисодий моҳиятини асослаш имконини беради.

Юқорида келтирилган усул ва ёндашувлар таҳлилидан келиб чиқсан ҳолда, саноат корхоналарининг ҳақиқатдаги күрсаткичлари ўзгаришини баҳолаш билан бир қаторда динамик ўзгаришларга муайян чегараларни бегилаш мумкин бўлган иқтисодий устуворликни баҳолаш усулини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашнинг статик ва динамик усуслари асосида уларнинг қийёсий тавсифи иқтисодий жиҳатдан қўйидагича асослаш мумкин (1-расм).



1-расм. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорликни баҳолашнинг статик ва динамик усуллари қиёсий тавсифи

Манба: Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Юқорида келтирилган усул ва ёндашувлар таҳлилларига асосланаб, кимё саноати корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини иноабтга олган ҳолда кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолаш услубияти молиявий, ишлаб чиқариш, технологик, маркетинг ва ташкилий мезонлар үйғунлигига такомиллаштиришни тақлиф этамиз ва уларни 1-жадвалда келтирилган кўринишда таснифлаш мумкин.

1-жадвал

Кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолашнинг тақомиллаштирилган услубияти ва уни таснифлаш

№	Кўрсаткичлар	Формула	Меъёр
1. Молиявий барқарорлик кўрсаткичлари			

1.1. Жорий ликвидлик коэффициенти

бу ерда: A_j – жорий активлар, минг сўм;

$> 1,25$

QMM – қисқа муддатли мажбуриятлар, минг сўм.

$$k_{Lj} = \frac{A_j}{QMM}$$

бу ерда: $O'M_m$ – ўз маблағлари манбалари, минг сўм;

$> 1,00$

A_j – жами активлар, минг сўм.

1.2. Молиявий мустақиллик коэффициенти

бу ерда: $O'M_m$ – ўз маблағлари манбалари, минг сўм;

$> 1,00$

№	Кўрсаткичлар	Формула	Меъёр
1.3.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	$k_{O'AM_t} = \frac{O'M_m + UMM - UMA}{A_j}$ бу ерда: UMM – узоқ муддатли мажбуриятлар, минг сўм; UMA – узоқ муддатли активлар, минг сўм	> 0,20
1.4.	Активлар рентабеллиги коэффициенти	$k_{A_r} = \frac{F_s}{A_q}$ бу ерда: F_s – соф фойда, минг сўм; A_q – активларнинг ўртаси йиллик қиймати, минг сўм	> 0,05
1.5.	Йуртаси молиявий барқарорлик кўрсаткичи	$Ml_b = \frac{\sum L_j M_m O'AM_t A_r}{4}$	max
2.	Ишлаб чиқариш барқарорлиги кўрсаткичлари		
2.1.	Ишлаб чиқариш барқарорлиги коэффициенти	$k_{Ich_b} = \frac{Ich_q}{IchZK_d}$ бу ерда: Ich_q – корхонанинг ишлаб чиқариш қуввати, минг тонна; $IchZK_d$ – ишлаб чиқариш ҳажмининг зарар қўрмаслик даражаси, %	max
2.2.	Ишлаб чиқариш рентабеллиги	$k_{Ich_r} = \frac{F_s}{(AV_q + O'M_m)}$ бу ерда: AV_q – асосий воситалар қиймати, минг сўм	max
2.3.	Фонд қайтими коэффициенти	$k_{F_q} = \frac{T_s}{AV_{o'q}}$ бу ерда: $AV_{o'q}$ – асосий воситалар ўртаси йиллик қиймати, минг сўм	max
2.4.	Йуртаси чиқариш барқарорлиги кўрсаткичи	$Ish_b = \frac{\sum k_{Ich_b} k_{Ich_r} k_{F_q}}{3}$	max
3.	Маркетинг барқарорлиги кўрсаткичлари		
3.1.	Сотиш ҳажмининг ўзгариши коэффициенти	$k_{MSH_{oI}} = \frac{1T_s}{2T_s}$ бу ерда: $1T_s$ – йил бошига соф тушум, минг сўм; $2T_s$ – йил охирига соф тушум, минг сўм	max
3.2.	Бозор улуши коэффициенти	$k_{B_u} = \frac{T_s}{MS_{rjh}}$ бу ерда: MS_{rjh} – жами республика бўйича сотилган маҳсулот ҳажми, минг сўм	max
3.3.	Товар-моддий захиралари айланиси коэффициенти	$k_{TMZ_a} = \frac{TMZ}{T_s}$ бу ерда: TMZ – товар-моддий захиралар ҳажми, минг сўм	max
3.4.	Йуртаси маркетинг	$Mr_b = \frac{\sum k_{MSH_{oI}} k_{B_u} k_{TMZ_a}}{3}$	max

№	Кўрсаткичлар барқарорлиги кўрсаткичи	Формула	Меъёр
4.	Технологик барқарорлик кўрсаткичлари		
4.1.	Техника ва технологияларнинг яроқлилиги коэффициенти	$k_{TT_y} = \frac{(2AV_q - E_s)}{1AV_q}$ бу ерда: $1AV_q$ – йил бошига асосий воситалар қиймати, минг сўм; $2AV_q$ – йил охрига асосий воситалар қиймати, минг сўм; E_s – эскириш суммаси, минг сўм	max
4.2.	Асосий воситаларнинг эскириш коэффициенти	$k_{AV_e} = \frac{E_s}{AV_{bq}}$ бу ерда: AV_{bq} – асосий воситаларнинг бошланғич қиймати, минг сўм	< 0,50
4.3.	Асосий воситаларнинг янгилаш коэффициенти	$k_{AV_y} = \frac{O'AU_q}{2AV_q}$ бу ерда: $O'AU_q$ – ўрнатилган асбоб-ускуналар қиймати, минг сўм	Меъёр мавжуд эмас
4.4.	Ўртacha технologик барқарорлик кўрсаткичи	$T_b = \frac{\sum k_{TT_y} k_{AV_e} k_{AV_y}}{3}$	max
5.	Бошқарув барқарорлиги кўрсаткичлари		
5.1.	Контроллинг самарадорлиги коэффициенти	$k_{Knts} = \frac{[CF_{кон.1}, CF_{кон.2}]}{[z_1, z_2]}$ бу ерда: $CF_{кон.}$ – контроллинг тизимини жорий этиш натижасида қўшимча равишда олинган пул тушумлари; $[z_1, z_2]$ – контроллинг тизимини жорий қилишга кетган харажатлар	max
5.2.	Контроллингга сарфланган харажатларнинг оқланганлиги коэффициенти	$k_{KntX_o} = \frac{X_{s-li}}{X_{s-siz}}$ бу ерда: X_{s-li} – самарави харожатлар қисми; X_{s-siz} – самарасиз харожатлар қисми.	max
5.3.	Ўртacha бошқарув барқарорлиги кўрсаткичи	$B_b = \frac{\sum k_{Knts} k_{KntX_o}}{2}$	max
6.	Иқтисодий барқарорлик даражаси	$I_b = \frac{\sum Ml_b Ish_b Mr_b T_b B_b}{5}$	>1,00

Манба: Муаллиф изланишлари асосида ишлаб чиқилган.

Фикримизча, юқорида келтирилган услубиёт кимё саноати корхоналари фаолиятининг ўзига хос хусусиятларини қамраб олади, ва корхонанинг молиявий, техник, ишлаб чиқариш, маркетинг, контроллинг ва бошқарув барқарорликларини комплекс баҳолаш имконини беради.

Ушбу услубиётдан саноатнинг бошқа тармоқларида (ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда адаптиция қилингандан сўнг) фойдаланиш мумкин.

Хуноса

Хулоса қилиб айтагнад, саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолаш усулини такомиллаштиришга нисбатан қўйидаги талабларни эътиборга олиш мақсадга мувофиқ:

1. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашни ҳар бир тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олган ҳолда, тармоқлар бўйича ўртача кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш лозим. Чунки, ҳар бир тармоқ корхоналарига ташки ва ички омиллар ўзига хос таъсир этади, бу эса, математик ҳисоб-китобни амалга оширишда ноаникликларни келтириб чиқаради.

2. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини тавсифловчи кўрсаткичлар корхоналар фаолиятининг натижаси ҳисобланган даромад ва фойда, ишлаб чиқариш ресурсларидан самарали фойдаланиш (асосий воситалар, айланма маблағлар ва меҳнат ресурслари) билан бевосита боғланган.

3. Саноат корхоналари иқтисодий барқарорлигини баҳолашда иложи борича эксперт баҳолаш усулидан камроқ фойдаланиш лозим, бу биринчидан, сўров орқали амалга ошириладиган кўрсаткичлардаги ноаникликлар бўлса, иккинчидан, тажрибали эксперталарни топиш ва танлаб олиш имкониятининг чегаралангандиги ҳисобланади.

4. Ушбу мақолада келтирилган кимё саноати корхоналари иқтисодий барқарорлик даражасини баҳолашнинг такомиллаштирилган услубиёти корхонанинг молиявий, техник, ишлаб чиқариш, маркетинг, контроллинг ва бошқарув барқарорликларини комплекс баҳолаш имконини беради, ҳамда ушбу услубиётдан саноатнинг бошқа тармоқларида фойдаланиш имкони мавжуд.

Адабиётлар:

1. https://www.strategyand.pwc.com/media/file/Oil-Gas-Trends-2018-19_RU.pdf
2. Козин М.Н. Динамическая модель оценки производственно-экономической устойчивости оборонного предприятия / М.Н. Козин // Аудит и финансовый анализ. – Москва, 2007. - №4. – с. 24-31.
3. Плешков С.Ю. Разработка механизма повышения уровня экономической устойчивости деятельности строительного предприятия / С.Ю. Плешков.: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. - Екатеринбург, 2010. – с. 18.
4. Яруллина, Г. Р. Динамическая модель мониторинга устойчивого экономического развития промышленного предприятия / Г. Р. Яруллина // Аудит и финансовый анализ. - 2012. - № 6. - с. 195-202.
5. Бурханов А.У. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини таъминлаш стратегияси. Т.: Фан. 2009. – 216 б.
6. Ибрагимов А.К. ва бошқ. Молиявий ва бошқарув ҳисоби., Ўқув қўлланма. Тошкент: «Iqtisod-moliya», 2008. 480 бет.
7. Қурбанов З.Н., Исаев Ф.И. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 1, январь-февраль, 2017 йил – 1-8 бетлар.
8. Сыроежин И.М. Совершенствование системы показателей эффективности и качества / И.М. Сыроежин. - М.: Экономика. - 1980. - 191 с.
9. Захарченко Н.Н. Экономические измерения: теория и методы / Н.Н. Захарченко. - Изд-во СПб ун-та экономики и финансов, 1993. - 157 с.
10. Погостинская Н.Н., Погостинский Р.Л., Жамбекова Р.Л. [и др.]. Экономическая диагностика: теория и методы. - Нальчик: Эльбрус, 2000. - 319 с.
11. Хомяченкова Н.А. Механизм интегральной оценки устойчивости развития промышленных предприятий / Н.А. Хомяченкова.: Автореф. дис. ... канд. экон. наук. - Тверь, 2011. – 24 с.
12. Бендинков М.А, Сахарова И.В., Хрусталев Е.Ю. Финансово-экономическая устойчивость предприятия и методы ее регулирования // Экономический анализ: теория и практика. - 2006. - № 14 (71). - с. 5-14.
13. Бухонова С.М., Дорошенко Ю.А., Бендерская О.Б. Комплексная методика анализа финансовой устойчивости предприятия / С.М. Бухонова, Ю.А. Дорошенко, О.Б. Бендерская// Экономический анализ: теория и практика. - 2004. - № 7 (22). - с. 8-15.

КОНСТИТУЦИЯ ПРАВОСОЗНАНИЯ И ПРАВОВОЙ КУЛЬТУРА ГРАЖДАНСКОГО ОБЩЕСТВА НОВОГО УЗБЕКИСТАНА

Каххаров Абдулахат Ганиевич- доктор социологических наук, профессор
Абдуллаев Сардорбек Усмонхуджаевич-доктор философии социологических
наук (PhD) академии МВД Республики Узбекистан

Аннотация: Правовая культура, вбирая в себя все то, что присуще праву, как регулятору общественных отношений, и культуре, как общему материальному и духовному достоянию людей, по большому счету, представляет собой знание требований действующего законодательства и умение пользоваться ими в различных жизненных ситуациях. Обусловленность и взаимосвязанность требований законодательства с конституционными установками делает необходимым знание, прежде всего, Конституции страны, и уважительного к ней отношения.

Ключевые слова: Конституция, общество, государство, право, правовая культура, правосознание.

Annotatsiya: Maqolada ikkilik bilan ajralib turadigan huquqiy ong tahlil qilinadi. U shaxs dunyoqarashining bir qismi va jamiyat huquqiy makonining asosidir. Huquqiy ong fuqarolar mentalitetining ideal yashirin ko'p bosqichli hodisasi sifatida qaraladi, bu ularning identifikatsiyasini, bilimlari, motivlari, qadriyat yo'nalishlari, huquqiy voqelikka baholash munosabatlari, uni amalga oshirish amaliyoti yig'indisini aks ettiradi, bu shaxslarning kundalik xatti-harakatlarini tartibga soladi. huquqiy ahamiyatga ega bo'lgan holatlar. Huquqiy ongning sezgirligi nafaqat vatanparvarlik va fuqarolik mas'uliyati bilan belgilanadi. Jamiyatda erkin bag'rikenglik, qonun-tartibot va qonunga itoatkorlik muhitining institutsionalizatsiyasi xolisona huquqiy ongni shakllantirish muvaffaqiyatining kafolati bo'lib xizmat qiladi.

Kalit so'zlar: Huquq, huquq sotsiologiyasi, huquqiy ong, huquqiy madaniyat.

Annotation: Legal culture, incorporating all that is proper to law, as a regulator of public relations, and culture, as a common material and spiritual heritage of people, by and large, represents current legislation knowledge requirements and the ability to use them in different life situations. The conditionality and interconnectedness of legislation requirements with constitutional guidelines makes it necessary to know, first of all, the Constitution of the country, and to respect it.

Key words: Law, sociology of law, legal consciousness, legal culture.

Конституция Республики Узбекистан является твердой правовой гарантией независимости нашей Родины, мирной жизни нашего народа, прав и свобод, законных интересов наших граждан.

Правовая культура представляет собой специфическое явление в жизни современного общества. С одной стороны, она является результатом многолетней правовой жизни общества, а с другой стороны, она не только способствует правовому решению разнообразных конфликтных ситуаций, но и позволяет избежать житейских недоразумений на основе наличия определенных правовых знаний. Бессспорно, трудно обозначить в качестве основного смыслообразующего элемента в словосочетании «правовая культура» какое-то одно слово: «право» или «культура», тем не менее, правовая культура на то и называется правовой культурой, потому что она, прежде всего, имеет отношение к праву. В свою очередь, при всем множестве споров о праве и наличии различных подходов к правопониманию, нельзя игнорировать значение конституции как самого главного правового явления в жизни современного общества. Однако прежде, чем начинать говорить о роли и значении Конституции, на наш взгляд, необходимо уяснить то, что такое конституция, когда она появилась и для чего нужна. Исходя из этого, необходимо подчеркнуть, что Конституцию иначе называют Основным законом, в соответствии с

которым должны быть упорядочены все стороны жизнедеятельности того общества, который принял данную конституцию.

Однако Конституция, как Основной закон, стоит особняком среди всех законов не только своей самой высшей юридической силой, потому что юридическая сила закона определяется местом того органа, который принял данный закон, в иерархической лестнице государственных органов, но и потому, что Конституция принимается всенародным голосованием.

Правовая культура современного общества зеркально отражает отношение людей к праву, в целом, и к Конституции, как Основному закону, в частности. По нашему мнению,

воспитание уважительного отношения к Конституции страны связано с тем, что Конституция

представляет собой правильное изложение всего того, что связано с данным государством,

т.е. того, что оно представляет собой, как оно организовано и устроено, кто в данном государстве хозяин и на что он имеет право. На наш взгляд, воспитание уважительного отношения к Конституции страны связано с наличием знаний о том, что такая Конституция, зачем

она нужна людям, проживающим на территории той или иной страны? Поэтому уважительное отношение к Конституции формируется на основе этого знания и оказывает огромное влияние на основные направления дальнейшего развития правовой культуры общества в целом. По нашему мнению, при таком подходе, во-первых, Конституция сама рассматривается как достижение, как ценность, потому что правовая культура, прежде всего, представляет собой совокупность правовых ценностей, накопленных в течение жизни того или иного человеческого общества. Во-вторых, правовая культура предполагает знание основных требований действующего законодательства и умение ими пользоваться в реальных жизненных ситуациях. Любая деформированность представлений об основных требованиях действующего законодательства, в конце - концов, приводит к правовому нигилизму.

Процессы разработки, обсуждения и принятия Конституции являются неотъемлемой частью истории независимости нашей страны. Глядя на историю создания нашей Конституции, можно увидеть, что Основной закон является логическим результатом долгого пути узбекского народа к независимости.

Первая Конституция Узбекской ССР была принята 30/31 марта 1927 года на 2-м Всеузбекском съезде Советов, опубликована 11 июля 1927 года, и действовала 10 лет.[1]

Конституция Узбекской ССР, принятая 14 февраля 1937 года, действовала на протяжении более 40 лет. 19 апреля 1978 года была принята последняя Конституция УзССР, составленная по образцу Конституции СССР 1977 года.

О необходимости разработки новой Конституции было заявлено еще на II сессии Верховного Совета Узбекской ССР, которая состоялась 20 июня 1990 года и на которой была принята «Декларация о суверенитете». Сессия приняла постановление о создании комиссии по подготовке проекта Конституции из 64 человек во главе с Президентом Узбекистана Исламом Каримовым. В состав комиссии вошли депутаты Верховного Совета, представители Каракалпакстана и областей, учёные и специалисты.

Конституционная комиссия почти 2,5 года трудилась над разработкой Конституции Республики Узбекистан. На заседании Конституционной комиссии, которое прошло 12 апреля 1991 года, была создана рабочая группа из 32 человек — ведущих специалистов и ученых. Для подготовки разделов Конституции было создано 6 небольших групп из 50 человек. Провозглашение государственной независимости Узбекистана 31 августа 1991 года и принятие Закона «Об основах государственной независимости Республики Узбекистан», придание этому закону статуса конституционного, еще больше усилили ответственность Конституционной комиссии.

При разработке проекта Конституции была изучена мировая практика конституционного развития, учтены успехи, достигнутые в мире в области прав человека, демократии и законодательства. 26 сентября 1992 года проект Конституции Республики Узбекистан был опубликован в прессе для всенародного обсуждения. Обсуждение продолжалось около двух месяцев. Проект с исправлениями, внесенными на основе предложений, высказанных в процессе обсуждения, был опубликован в прессе 26 ноября 1992 года. Во время всенародного обсуждения было внесено более 6 тысяч предложений, которые были приняты комиссией к рассмотрению.

XI сессия Верховного Совета, которая проходила в декабре 1992 года, обсудила вопрос принятия Конституции Республики Узбекистан.

Сегодня вынесение на референдум — всеобщее голосование Конституционного закона «О Конституции Республики Узбекистан» является демократическим прогрессивным шагом в истории нашей правовой государственности.

С момента принятия Конституции Республики Узбекистан и до сегодняшнего дня на основе соответствующих законов неоднократно вносились поправки, дополнения и изменения, эти законы принимались парламентом.

В соответствии с Законом «О референдуме Республики Узбекистан», референдум представляет собой всенародное голосование граждан по наиболее важным вопросам жизни общества и государства в целях принятия законов и иных решений Республики Узбекистан. Референдум, наряду с выборами, является прямым выражением воли народа, и решения, принятые на референдуме, приобретают высшую юридическую силу.

В соответствии со статьей 78 Основного закона принятие Конституции Республики Узбекистан, внесение в нее изменений и дополнений, принятие конституционных законов, законов Республики Узбекистан, внесение в них изменений и дополнений, принятие решения о проведении референдума Республики Узбекистан и о назначении даты его проведения являются совместными полномочиями Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан.

Согласно статье 7 Конституции Республики Узбекистан, «народ является единственным источником государственной власти», а статья 9 определяет, что «важнейшие вопросы жизни общества и государства представляются на народное обсуждение, выносятся на всеобщее голосование (референдум)». Это самое демократичное и прогрессивное решение.

Конституция является основным юридическим фундаментом для построения в нашей стране демократического правового государства и справедливого гражданского общества, основанного на рыночных отношениях и приоритете частной собственности, для того, чтобы Узбекистан занял достойное место на международной арене.

Правовая культура, безусловно, относится к тем специфическим явлениям в жизни общества, которые сложно, а, может быть, даже невозможно культивировать. Но независимо от этого, на наш взгляд, представляется не только возможным, но и обязательным создание необходимых условий для распространения правовых знаний, для дальнейшего укрепления в общественном правосознанииуважительного отношения к праву и требованиям действующего законодательства, что «является важнейшим условием дальнейшего совершенствования не только правовой культуры, но и культуры вообще».

Сегодня особенно актуальна проблема взаимодействия государства, социума, так как вариативность традиций нормативных взаимоотношений индивидов и институтов власти способствует тому, что правовое поведение населения не всегда можно отнести к законопослушному.

Основной формой ее разрешения выступает формирование гражданского общества, призванного обеспечить наиболее полную реализацию и содействовать самореализации потребностей, законных интересов и прав граждан. Не случайно к важным критериям гражданского, правового общества относят умение и готовность его членов защищать свои права, признавать такие права за другими людьми, не нарушая их. Это характеризует уровень правовой культуры, которая формируется правовой социализацией. С позиций социологии эта культура формируется под влиянием общества, его структур и институтов, которые обуславливают генерирование правовых норм, ценностей и смыслов, включенных в правовое сознание. Деформации правосознания, искаженные представления значимости права и его проявлений обнаруживаются в нигилизме, инфантилизме, дилетантизме, экстремизме, что демонстрирует низкий уровень правовой культуры в целом.

Правосознание определяется менталитетом и традиционным правопониманием, его специфической ценностной компонентой. Правосознание зависит от состояния права, которое является социальным феноменом и несводимо к собственно законодательству, - то есть находится под влиянием потребностей, интересов, мотивов людей поддерживать упорядоченность социальных связей на основе определенных, компромиссов, устраивающих большинство общественных субъектов.

В то же время необходимо отметить, что в современном обществе правосознание в большей степени зависит именно от законодательства.

В современных условиях актуальность приобретает интерпретация правового сознания как социологической и информационной категории.

В процессе анализа уровня правосознания важно иметь в виду положения о неразрывной связи государственной идеологии, правосознания с существующим и действующим в обществе правом. Как и все общественное сознание, правосознание относится к политике, идеологии и определяется, в конечном счете, экономическими и производственными отношениями.

Так, Л. И. Петражицкий, практически отождествляя право с правосознанием, считал правовыми любые эмоциональные переживания, связанные с представлениями о взаимных правах и обязанностях [2]. Правовые эмоции рассматривались как двусторонние. Считалось, что возникающие из них правовые нормы имеют атрибутивно-императивный (представительно обязывающий) характер [3]. С позитивистских традиций обосновывалось освобождение права от жесткого политического влияния [4] и приведение его в соответствие с нравственными ценностями личности[5], интересы которой признавались высшим приоритетом[6]. При этом доминировала вера в объективность, наущность идеи всеобщей справедливости (В. Соловьев, Е. Н. Трубецкой), а также ее метафизическое обоснование (Б. Н. Чичерин, П. И. Новгородцев, Б. А. Кистяковский)[7].

В советский период под влиянием работ К. Маркса и Ф. Энгельса актуализировался (официально не существующий в тот период) социологический подход к пониманию правосознания[8]. Так, А. А. Пионтковский и С. Ф. Кечекян полагали, что для правильного восприятия права следует обращать внимание на нормы права и регулируемые этими нормами правоотношения[9]. Однако изучение правосознания носило системноцентристский характер[10], нацеленный на поддержание и укрепления строя, но не индивида.

Социология воспринимает правовые ценности как общественные феномены, созданные в результате социального взаимодействия, межличностного конструирования социальной реальности [11]. Соответственно, понятие правосознания рассматривается в контексте формы ментальности, выступающей основой своеобразных практик. В связи с этим оно выступает как объективный факт социальной жизни, ее атрибут и неотъемлемое свойство. Правосознание отражает качественный срез знания права, постижение его необходимой важности, его включение в механизм личностной мотивации повседневного и ситуационного поведения. Обладающий им индивид не только понимает свои обязанности перед обществом, окружающими людьми, но и осознает свои права личности, которая обладает ценностью и достоинством, не допуская их ущемления. Формирование правосознания происходит под влиянием социально-политических, экономических, культурных факторов, а также морали, искусства, религии, науки. Правосознание, будучи базовым компонентом правовой жизни социума, одновременно является идеальным, латентным, не наблюдаемым непосредственно, феноменом ментальности, который можно, по определению Э. Дюркгейма, отнести к коллективным представлениям. Оно проявляется в форме юридических знаний, оценочного отношения к праву и практике его реализации, соответствующих ценностно-нормативных установок, регулирующих повседневное поведение людей в юридически значимых ситуациях. Отсюда вытекает его первая особенность – ориентированность на формирование субъектных условий для реализации гражданином своих прав. Вторая особенность правосознания заключается в том, что оно воспринимает и воспроизводит жизненные ситуации в ракурсе социальной справедливости, праведности и свободы, предполагая существование общеобязательных значимых норм как границ свободного поведения и наличие правового механизма для их поддержания и обеспечения. Поэтому его отличают некоторая формализованность, определенность и категоричность. Правосознание как формальная категория служит для большинства населения в определенных правовых ситуациях нормой поведения с конкретными правовыми предписаниями и актами, регулирующими потребности, позиции, отношения и поведение людей в социально-правовом пространстве. Допустимые границы активности правосознания определяются мерой соответствия его свойств общепринятым эталонам, нормативно-правовым образцам, стандартам, узаконенным конкретным социумом, освещенным авторитетом власти и базовыми принципами социальной системы.

Еще одной спецификой социологического видения правосознания является то, что оно постоянно проникает не только в сферу правовых отношений, но и в другие области общественных отношений. Так, для того чтобы быть зафиксированными в форме закона государства, необходимые экономические, политические, нравственные и другие социальные притязания, требующие юридического закрепления, должны пройти сквозь призму правосознания, наполнить содержание, принять форму его элементов, а впоследствии стать закрепленными в качестве новых форм права [12].

Социологическая интерпретация правосознания предполагает выделение его функций в обществе. В публикациях выделяют познавательную, диагностическую, регулятивную [13] функции правосознания. Познавательная функция определяется через восприятие и понимание ситуаций, общественных процессов как правовых проявлений. Субъектами здесь являются законодатели, профессионалы и граждане, которые использует свои представления о праве в целенаправленных повседневных и профессиональных практиках. Диагностическая функция проявляется в анализе и оценивании конкретных юридически значимых жизненных ситуаций с позиций юриспруденции, когда осуществляется правовая оценка деятельности граждан, устанавливаются и квалифицируются обстоятельства их жизнедеятельности с позиций сравнения с должностными, нормативными критериями. Такая оценка и анализ требуют высокого уровня правосознания [14]. Поэтому основными субъектами становятся не только граждане, сколько юристы. Актуальной является реализация регулирующей функции правосознания, которая на базе имеющейся юридической информации контролирует степень соответствия поведения индивида правовым предписаниям. Она опосредуется опытом, способностью к самоконтролю, мотивами, ценностями и правовыми установками граждан и может сопровождаться широким спектром чувств и эмоций [15].

Правосознание концентрированно отражает правовые явления, процессы и институты. Его непосредственная реализация заключается в приобретении знаний о праве и законе, их идентификации в призме сформированного у индивида мировоззрения, включая личностную моральную оценку и особую мотивацию. По типу правосознание делится на обыденное, ситуационное и профессиональное, по степени реализации – на малоразвитое, средне развитое и высоко развитое, по виду – на легитимное (законное) и нелегитимное (противозаконное) [16].

Все это связано с Конституцией, которая, являясь Основным законом, представляет собой Общественный договор, что предполагает обязательность всего того, что в нем написано. Но для этого нужно знать, понимать и признавать все то, о чем говорится в Конституции, что имеет прямое отношение к правовой культуре общества, которая должна способствовать тому, чтобы установки Основного закона страны имели такую же действенность, как и законы природы, ибо человеческое общество, безусловно, это соответствующая составляющая той же естественной природы. Без выполнения этого условия, все проблемы, имеющие правовой характер, будут решаться исключительно с помощью применения принудительной силы государства, что в демократическом правовом государстве и гражданском обществе должно происходить только в особых случаях, а не на основе позитивного правосознания и цивилизованного самоуправления, присущих правовой культуре современного общества.

Иқтибослар/Сноски/ References:

1. Конституция УзССР от 1927 года. Дата обращения: 8 декабря 2019. Архивировано 23 декабря 2018 года.
2. Петражицкий Л. И. Введение в изучение права и нравственности. Основы эмоциональной психологии. 3-е изд. СПб. : Тип. Ю. Н. Эрлих, 1908.
3. Кистяковский Б. А. В защиту права : интеллигенция и правосознание // Вехи: сборник статей о русской интеллигенции. М. : Правда, 1991.
4. Евдеева Н. В., Перов О. Ю. Правосознание и правопонимание : диалектика взаимодействия // Современное право. 2007. № 7. С. 48–53.
5. Галкин А. Г., Коротченко А. С. К вопросу об истории развития правопонимания в российской доктрине // Изв. вузов. Поволжский регион. Общественные науки. 2018. № 2 (46). С. 5–11.
6. Палеха Р. Р. Современное отечественное правопонимание : состояние и перспективы развития. М. : РАП, 2010.
7. Фролова Е. А. История политических и правовых учений. М. : Проспект, 2017. С. 314.
8. См.: Попов В. И. Правопонимание в советской юридической науке : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2001.
9. Черкасова Е. В. Роль понимания права в формировании прецедентной практики : теоретико-правовое исследование : дис. ... канд. юрид. наук. М., 2006.
10. Лапаева В. В. Конкретно-социологические исследования в праве. М. : Юрид. лит., 1987.

Марказий Осиёда барқарор тараққиёт ҳудудини яратиш - Янги Ўзбекистон стратегиясининг бош мақсади

Курбанов Элдар Эрмаматович
Гулистон давлат университети
“Тарих” кафедраси катта ўқитувчиси
eldorgdu85@gmail.com
+998916248054

Аннотация. Мақолада сўнгги беш йилликда ва кейинг даврда дунё минтақалари ичидаги “кичик минтақа” деб қаралаётган, асосий транспорт, логистика, тарихий макон ва ўзаро барқарорликни ривожлантиришига қаратилган харакатлар тадқиқ қилинган ва ёритиб беришга харакат қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг таклиф ва тавсиялари муҳиммилиги ва истиқболлилиги ҳуқуқий жиҳатдан асослаб берилган.

Калит сўзлар. Марказий Осиё, стратегик мақсад, тараққиёт стратегияси, глобал муаммолар ечими, барқарорлик ва хавфсизлик омили, Маслаҳатлашув учрашуви, халқ дипломатияси.

Аннотация. В статье рассматриваются и предпринимаются попытки осветить усилия, направленные на развитие базового транспорта, логистики, исторического пространства и взаимной стабильности в рамках регионов мира, считающихся «малым регионом», за последние пять лет и далее. Обоснована важность и перспективность предложений и рекомендаций Президента Республики Узбекистан Ш.Мирзиёева с правовой точки зрения.

Ключевые слова: Центральная Азия, стратегическая цель, стратегия развития, решение глобальных проблем, фактор стабильности и безопасности, Консультативная встреча, народная дипломатия.

Annotation: The article examines and attempts to highlight the efforts towards the development of basic transport, logistics, historical space and mutual stability within the regions of the world, considered as a “small region”, over the past five years and beyond. The importance and prospects of the proposals and recommendations of the President of the Republic of Uzbekistan Sh. Mirziyoyev from a legal point of view are substantiated.

Key words: Central Asia, strategic goal, development strategy, solution of global problems, factor of stability and security, Consultative meeting, people's diplomacy.

Кириш. Маълумки XXI аср бўсағасида Марказий Осиё давлатлари халқаро ҳаётнинг мустақил субъект сифатида пайдо бўлиши, муҳим жараёнларни ифодаловчи ҳодисага айланди. Марказий Осиё халқлари миллий мустақиллик сари қадам ташлар экан, умумий тарих, миллий тараққиётининг бошланғич чегараларни топиш асносида, ўзларининг тарихий менталитетига хос шарқона демократик ислоҳотларга қадам қўйди. Бу ислоҳотларнинг туб моҳияти умумий тарихдан, бирдамлик тараққитёига қараб йўналтирилди. Стратегик мақсад эса минтақа халқларига умргузаронилк учун барқарор муҳитни яратишdir. Тан олиш керакки, йиллар давомида ислоҳотлар ўзига хос камчиликларнинг мавжудлиги мақсадларни ортга суришга, тўсиқлар баръерини пайдо бўлишига ҳам олиб келди. Шунга қарамасдан Давлат сиёсатининг асосий ташқи тамойили тенглик ва биродарлик ғоясига қурилди. Айниқса, 2016-йилги Президентликка сайловлар, унда Президент Ш.Мирзиёевнинг сайловда ғалаба қозониши, юртимизда катта туб бурилиш дея эътироф этилган, мамлакатимизда прогматик ички ва ташқи сиёсат олиб боришнинг даври бошланганлигини хорижий сиёсат вакиллари, эксперталар билдириб ўтди.

Ўзбекистонда сўнгги беш йил давомида амалга оширилган туб ўзгаришлар кўплаб мутахассислар томонидан мамлакат тарихида янги даврнинг бошланиши, юксалиш ва ривожланиш босқичи сифатида баҳоланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев бошчилигига мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада юксак босқичга кўтариш бўйича принципиал янги сиёсий ёндашув ва механизмларни изчил ишлаб чиқилди. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси бунга ёрқин мисол бўла олади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Дастреб Ҳаракатлар стратегиясида, эндиликда эса Тараққиёт стратегиясида белгиланган устувор йўналишлар ва муҳим вазифалар миллий ёки минтақавий миқёсдагина эмас, балки глобал даражада улкан аҳамиятга молик халқаро ҳужжатлар билан ўйғун ва ҳамоҳангdir. Шу нуқтаи назардан, Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси Ўзбекистон бажаришни ўз зиммасига олган БМТ Барқарор тараққиёт мақсадларини мамлакатимиз ҳаётига татбиқ этишининг аниқ миллий дастури белгилаб берилди⁴³.

Ўтган давр мобайнида Ҳаракатлар стратегияси доирасида хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлаш, мутаносиб, ўзаро манфаатли ва конструктив ташқи сиёсатни амалга ошириш борасида ҳам улкан ишлар амалга оширилиб, қатор ижобий натижаларга эришилди.

Хусусан, мамлакатимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа доктринаси қабул қилинди. Қуролли Кучларнинг ташкилий тузилмаси, жанговар таркиби ва самарадорлиги мустаҳкамланиб бормоқда.

Диний бағрикенгликни таъминлаш борасидаги принципиал янгича ёндашув туфайли нафақат бу борадаги миллий сиёсат, балки халқаро майдонда илгари сурилаётган ташаббуслар ҳам жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг қўллаб-қувватланмоқда.

Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги тарихий нутқида Ўзбекистондаги ислоҳотлар, инсон ҳуқуқлари, демократия, ёшлар масаласи, халқаро хавфсизлик, минтақавий ҳамкорлик, экология каби қатор глобал муаммолар билан бир қаторда диний бағрикенгликни мустаҳкамлаш масаласига ҳам алоҳида тўхталиб, бу борада БМТ Бош Ассамблеясининг “Маърифат ва диний бағрикенглик” маҳсус резолюциясини қабул қилиш ташаббусини илгари сурган эди⁴⁴.

Мазкур ташаббус БМТга аъзо 193 та мамлакатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва 2018 йил 12 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси 73-сессиясининг 51-йиғилишида A/Res/73/128-рақамли “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюцияси яқдиллик билан қабул қилинди⁴⁵. Мунтазам ижобий ўзгаришлар натижасида Ўзбекистон “маҳсус назорат остидаги давлатлар” рўйхатидан чиқарилди, бу эса жаҳон ҳамжамияти томонидан юртимиизда бошланган демократик ислоҳотларнинг тан олиниши эди.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни ёритишда тарихийлик, қиёсий таҳлил, тизимлилик, сиёсий жараёнларни комплекс моделлаштириш каби усуслардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Мамлакатимизда миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида пухта ўйланган сиёсат самарасида миллатлараро ва конфэссиялараро мулоқот механизмлари такомиллаштирилиб, фуқаролар ўртасидаги ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашнинг ҳуқуқий ва ташкилий асослари мустаҳкамланмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси ташкил этилди. 2021 йил якунига кўра дўстлик жамиятлари сони 38 тага, миллий марказлар сони эса 150 тага етди⁴⁶.

Маълумки, мамлакатимизнинг халқаро нуфузига муайян даражада таъсир кўрсатган жиҳатлар чет давлатлардаги юртдошларимиз билан, шу жумладан, меҳнат муҳожирлари билан боғлиқ бўлиб келди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат фонди бугунги кунда мамлакатимиз халқаро обрўсини мустаҳкамлаш, демократик тараққиёти учун самарали инструмент бўлиб хизмат қилмоқда. Мазкур фонд орқали

⁴³ Акмал Саидов. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси – инсон қадрини улуғлаган халқчил бош дастур. 28.01.2022. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi--inson-qadrini-uluglagan-xalqchil-bosh-dastur>

⁴⁴ Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 20.09.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>

⁴⁵ Муҳаммадсодик Рахимов. БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг моҳияти ва аҳамияти. 11.12.2021. <http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bmtning-marifat-va-dinij-bagrikenglik-rezoluciasining-moiati-va-aamiat>

⁴⁶ Стратегия развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 гг. – интервью исполнительного директора узбекистанского Центра «Стратегия развития». 09.03.2022. <https://cabar.asia/ru/strategiya-razvitiya-novogo-uzbekistana-na-period-2022-2026-gg-intervyu-s-eldorom-tulyakovym>

хорижий давлатларда истиқомат қилаётган юртдошларимиз билан доимий ва самарали алоқалар ўрнатишга, уларни Ўзбекистон ҳудудида инвестициявий, илмий, маърифий ва маданий фаолиятга изчил жалб этишга, юртимизнинг бой илмий, маданий ва маънавий меросини кенг тарғиб қилиш ва оммалаштириш, ватандошларга маданий-маърифий тадбирларни ташкил этишда кўмаклашиш масаласида алоқаларни ривожлантиришга эришилмоқда⁴⁷.

Хориждаги меҳнат муҳожирлари ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг алоҳида қарори қабул қилингани бу масаланинг нечоғли муҳим эканлигидан далолат беради. Қарор билан 2022 йил 1-июндан бошлиб Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия, Туркия ва Қозоғистоннинг ҳудудларида вакиллиги институти жорий қилинмоқда. Вакилнинг асосий фаолият йўналишлари этиб хориждаги фуқароларимизнинг ҳуқук ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга меҳнат фаолияти бўйича ахборот ва маслаҳатлар бериш, уларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, маданий ва маънавий-маърифий алоқаларни ривожлантириш каби вазифалар белгиланди⁴⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичининг муҳим жиҳатларидан бири ички ва ташқи сиёсатнинг уйғуналигидир. Бугун ҳеч бир давлат, ҳеч бир ҳалқ мустақил ривожлана олмайди. **Янгича қараш ва ёндашувлар асосида олиб борилаётган ички сиёсат унинг мантиқий давоми сифатида мамлакат ташқи сиёсатида ҳам ўз ифодасини топмоқда.**

Президент Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “мамлакатимизнинг ташқи сиёсат соҳасидаги устувор йўналишлари барқарор, адолатли ва демократик давлат қуришга, унинг ташқи дунёга очиқлигини илгари суришга ҳамда минтақавий ва кўп томонлама ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилгандир”⁴⁹.

Шу муносабат билан очик, прагматик ва амалий ташқи сиёсат юритиш, дунё давлатлари, айниқса, қўшни давлатлар билан яқин дўстлик ва ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш мамлакатимиз ташқи сиёсатининг устувор йўналишларидандир.

Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг еттинчи устувор йўналиши ҳам айнан мақсадларни назарда тутган бўлиб, унинг доирасида Ўзбекистоннинг жаҳон миқёсидаги ролини ошириш, Марказий Осиёда турли соҳаларда яқин ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, анъанавий ҳамкор давлатлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва иқтисодий дипломатияни мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ўрин олган⁵⁰.

Марказий Осиё давлатлари билан ҳамкорликни янада яқинлаштириш мақсадида ҳар иили Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказишини таъминлаш, Минтақавий ҳамкорлик стратегиясини ишлаб чиқиш бўйича ишларни бошлиш, Ўзбекистондаги чегара пунктларининг салоҳиятини ошириш, экология ва атроф-муҳит муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳамкорликни янги босқичга кўтариш ва бошқа чора-тадбирлар шулар жумласидандир.

Марказий Осиёда минтақанинг барча давлатлари билан умумий чегарага эга ягона давлат сифатида Ўзбекистон ўзининг замонавий ривожланишида Марказий Осиё минтақасини барқарорлик, изчил тараққиёт ва яхши қўшничилик маконига айлантиришдан бевосита манфаатдордир.

Марказий Осиё давлатларининг Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналиш сифатида эълон қилиниши муҳим геосиёсий жараёнга айланди. Концептуал жиҳатдан Марказий Осиё кучли цивилизацион меросга, улкан ресурс салоҳиятига, истиқболли транспорт ва коммуникация имкониятларига эга минтақадир. Бу ерда содир бўлаётган жараёнлар бутун қитъадаги хавфсизлик ҳолатига сезиларли таъсир кўрсатади.

Мутахассис олимлар фикрича, Марказий Осиё халқларининг узоқ муддатли тарихий қўшничилиги меваларидан бири улар учун бирдек қадрли бўлган муштарак қадриятлар тизимининг шаклланганидир. Айнан шу фазилат минтақавий интеграциялашувга қаратилган саъй-ҳаракатлар муваффақиятини кафолатлайдиган энг ишончли асос бўлиб

⁴⁷ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11-августдаги «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-5220-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5570582>

⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартағи “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5893253>

⁴⁹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2022. – Б. 332.

⁵⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>

хизмат қилади дейилса, асло хато бўлмайди. Бундай қадриятлар тизими ягона диний эътиқод, "оға-ини" тиллар, ўзаро уйғун фалсафий ва бадиий тафаккур тарзи, меъморчилик, санъат ва спортнинг деярли барча турларидағи яқинлик каби ҳар қандай инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини белгилайдиган жиҳатларни қамраб олган⁵¹.

Бинобарин, миңтақанинг маданий-тариҳий меросини "бўлишиш" мумкин эмас. Умумий тарих ва дин, умумий сув йўллари ва транспорт йўллаклари Марказий Осиё ҳалқларининг умумий меросидир. Шу боис Ўзбекистоннинг миңтақадаги асосий ташқи сиёсий мақсади можаролар салоҳиятини камайтириш, ишончни мустаҳкамлаш ва ўзаро манфаатли алоқаларни ўрнатишдан иборат.

Табиийки, изчиллик билан илгари сурилган конструктив руҳдаги янги сиёсий ташабbusлар дунё ҳамжамияти томонидан қўллаб-қувватланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташабbusлари асосида БМТ Бош Ассамблеясининг 4 та муҳим резолюциялари қабул қилингани ҳам бу фикрни тасдиқлади⁵².

Жумладан, 2018 йил 22 июнь куни Ўзбекистон Президенти ташабbusи билан БМТ Бош Ассамблеяси томонидан "Марказий Осиё миңтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича миңтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" резолюцияси қабул қилингани тариҳий аҳамиятга эга бўлди. Резолюция миңтақада яхши қўшничилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш учун мустаҳкам пойdevор яратди. Мазкур ҳалқаро ҳужжатда Марказий Осиё давлатларининг миңтақада тинчлик, барқарорлик ва тараққиётни таъминлаш, миңтақавий ва ҳалқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги ҳал қилувчи роли эътироф этилган⁵³.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилингандан сўнг Президент Ш.Мирзиёевнинг қўшни давлатларга илк расмий ташрифлари амалга оширилди. Ташрифлар чоғида Ўзбекистон раҳбари миңтақадаги барча долзарб масалалар бўйича конструктив мулоқотга тайёр эканини намойиш этди. Туркманистон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тоҷикистон билан стратегик шериклик муносабатлари янги ҳуқуқий база билан мустаҳкамланди.

Натижада қисқа вақт ичida қўшни давлатлар билан муносабатларда мутлақо янги сиёсий вазият вужудга келди, сиёсий ишонч даражаси янада ошди. Икки томонлама савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун янги асослар яратилди, қўшни давлатлар билан давлат чегараларини делимитация ва демаркация қилиш, сув-энергетика муаммоларини ҳал этиш бўйича музокаралар жараёни фаоллашди.

Профессор С.Сайдолимов қайд этишича, чегара пунктлардаги тўсиқларнинг олиб ташланиши натижасида Ўзбекистон ва Марказий Осиё давлатлари фуқаролари ўртасида алоқалар тубдан яхшиланди. Агар 5 йил олдин Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги чегара пунктларида бир суткада 200-300 нафар фуқаро ўтган бўлса, ҳозирги кунда бу рақам 30 минг нафарга етди. Тоҷикистон билан чегара пунктларини ҳам суткасига 20 минг нафар фуқаро кесиб ўтмоқда⁵⁴.

Давлат чегарасини делимитация ва демаркация қилиш борасида Ўзбекистон делегацияси томонидан қўшни мамлакатлар билан жами 63 та, жумладан, Қозоғистон билан 17 та, Қирғизистон билан 27 та, Тоҷикистон ва Туркманистон билан 9 мартадан музокаралар олиб борилди. Натижада Қозоғистон билан давлат чегараси чизиқларини делимитация қилиш ишлари якунланди. Қирғизистон билан чегаранинг 95 фоиз қисми бўйича келишувга эришилди. Тоҷикистон билан чегаранинг 99,9 фоиз қисми келишилди⁵⁵.

Миңтақа давлатлари билан икки томонлама ҳамкорлик динамикаси ҳам янги босқичга кўтарилди. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги икки томонлама учрашувлари, телефон орқали мулоқотлари, расмий ва амалий ташрифлари кўпайди.

Биргина 2020-йилнинг ўзида ташқи сиёсат ва иқтисодий фаолият бўйича давлат органлари томонидан 35 та олий даражадаги ташрифлар, шунингдек, турли тадбирлар

⁵¹ Комилов М.М. Кириш сўзи // Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзХИА, 2022. - Б. 5.

⁵² Saidolimov S. O'zbekiston tashqi siyosati: Milliy manfaatlarga asoslangan faol va pragmatik yo'l // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11. – Б. 346.

⁵³ Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе. 18.06.2018.
<https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/укрепление-регионального-и-международного-сотрудничества-в-целях-обеспечения-мира-стабильности>

⁵⁴ Сайдолимов С.Т. Ўзбекистон ташқи сиёсати: туб миллий манбаатлар асосида қурилган фаол ва прагматик йўл // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. -2021. -№ 1-2. - Б. 10.

⁵⁵ Ўша манба. – Б. 10-11.

ўтказилди. Дўстлик ва яхши қўшничиликни мустаҳкамлаш жараёнида “**халқ дипломатияси**” фаол олиб борилмоқда. Хусусан, фан ва санъат намояндалари, тадбиркорлар, маданият ва дин арбоблари, туризм ва спорт ташкилотлари, жамоат бирлашмалари ходимлари иштирокида 90 дан ортиқ турли учрашувлар, видео конференциялар, давра сұхбатлари ва шу каби бошқа тадбирлар ўтказилди⁵⁶.

Бунинг натижасида минтақадаги икки ва кўп томонлама ҳамкорлик янги босқичга кўтарилиди. Хусусан, 2017-2019 йилларда Марказий Осиё мамлакатлари билан ўртacha йиллик товар айирбошлаш ҳажми 50 фоиздан ортиқ ўсди ва 5,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. 2020 йил якунига кўра, глобал пандемияга қарамай, Ўзбекистоннинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий товар айирбошлаш ҳажми 5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Жумладан, Ўзбекистоннинг улуши 2019 йилдаги 12,4 фоиздан 2020 йилда 13,6 фоизга ошган, шундан Қозоғистон улуши 61 фоиз, Қирғизистон – 18,2 фоиз, Туркманистан – 10,6 фоиз ва Тожикистан улуши 10,2 фоизга тўғри келади⁵⁷.

Шунга кўра, Марказий Осиё мамлакатлари ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатларнинг яхшиланиши минтақанинг инвестицион жозибадорлигини оширишга хизмат қилди. Хусусан, 2017-2020 йилларда Ўзбекистон билан минтақа давлатлари ўртасида умумий қиймати қарийб 75 миллиард долларга тенг 300 дан ортиқ битим ва шартномалар имзоланди⁵⁸.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон-Қозоғистон стратегик шериклиги Марказий Осиёда минтақавий мулокотни ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. 2021 йил 6-декабрь куни Президент Шавкат Мирзиёевнинг Қозоғистонга ташрифи якунлари бўйича Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги декларация имзолангани Марказий Осиёда сўнгги йиллардаги муҳим сиёсий воқеа бўлди.

Хўжжатда икки мамлакатнинг кўп қиррали шериклик салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришдаги ҳаётий ва узоқ муддатли миллий манфаатлари ўз ифодасини топган. Хусусан, томонлар икки мамлакат Олий давлатлараро Кенгаши, Парламентлараро ҳамкорлик кенгashi ва Ташқи ишлар вазирлари кенгашини ташкил этиш, шу орқали ташқи сиёсат соҳасида ҳам яқиндан ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш йўлида ўзаро манфаатларни уйғунлаштириш ва минтақавий яқинлашув ғояларини илгари суриш ниятида эканликларини билдирилар. Икки давлат раҳбарлари мавжуд салоҳиятдан тўлиқ фойдаланиш мақсадида Марказий Осиё давлат раҳбарлари саммити форматини такомиллаштириш бўйича мақсадли иш олиб боришга келишиб олдилар⁵⁹.

Сўнгги йилларда Марказий Осиёда интеграция масалалари яна кун тартибидан муҳим ўрин эгаллаб бормоқда. Бу жараёнларнинг долзарблиги биполяр давр тугаганидан кейин шаклланаётган халқаро муносабатларнинг янги архитектураси, минтақа давлатлари ўртасида биргаликдаги ҳаракатларни амалга ошириш имконияти билан боғлиқ.

Профессор З.Мунавваров қайд этишича, ушбу имкониятлар кўпроқ қуйидаги муҳим соҳаларга тааллуқли бўлмоқда:

– Иқтисодий, айниқса транспорт-коммуникация соҳаси. Минтақадаги барча бешта давлатнинг жаҳон океанидан ажратилганлиги мазкур соҳани энг устувор вазифага айлантиради;

– Минтақавий хавфсизликни таъминлаш соҳаси, биринчи навбатда, халқаро терроризм, радикализм, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва ноанъанавий бошқа таҳдидларга қарши курашиш масалалари. Афғонистонда юзага келган вазият мазкур масалаларни янги босқичда янада долзарблашувига олиб келмоқда;

⁵⁶ O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining 2020-yildagi faoliyati haqida hisobot. 09.01.2021.

<https://mfa.uz/uz/press/news/2021/ozbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-2020-yildagi-faoliyati-haqida-hisobot---29088>

⁵⁷ Туляков Э., Ҳакимов Ф. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 03.04.2021. <https://strategy.uz/index.php?news=1278&lang=uz2>

⁵⁸ Кадыров А. Ключевые приоритеты внешней политики обновленного Узбекистана. 29.07.2020.

<http://www.isrs.uz/ru/maqolalar/klucevye-prioritety-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana>

⁵⁹ Ўзбекистон ва Қозоғистон – иттифоқдош давлатлар. 06.12.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4809>; Ўзбекистон ва Қозоғистон Президентларининг музокаралари мамлакатларимиз ҳамкорликни кенгайтиришга тайёрлигини тасдиқлади. 06.12.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4808>

-геосиёсий, яъни миллий манфаатларни кафолатли таъминлашга хизмат қиладиган, консолидациялашган ёндашувларни ишлаб чиқиш масаласи, шу жумладан, суверенитет ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилиш ва бошқалар⁶⁰.

Дарҳакиқат, постсовет даврида Марказий Осиёда жаҳон тартиботининг ягона қуйи тизими шаклланаётганини кўплаб эксперталар қайд этмоқдалар. Янги шароитда Марказий Осиё давлатлари учун ҳалқаро майдонда ўзаро келишилган ҳаракатларни амалга ошириш афзалликлари яққол намоён бўлмоқдаки, бу эса минтақа давлатлари учун умуммақбул истиқболларини чукур англашга ундейди. Шу боис Марказий Осиё давлатларида минтақавий ҳамкорликни кенгайтириш масаласида ўз позицияларини қайта кўриб чиқиша тобора кўпроқ мойиллик кузатилмоқда.

Президентимиз Ш.Мирзиёев таъкидлаганидек, “мамлакатимизда кечеётган туб янгиланишлар, изчил ва фаол ташқи сиёсат, айниқса, Марказий Осиё минтақасидаги яқин қўшничилик муҳити табора мустаҳкамланаётгани юртимизнинг ҳалқаро нуфузини янада оширмоқда”⁶¹.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ташаббуси билан амалга оширилаётган ўзаро яқинлашиш сиёсати нафақат Марказий Осиёда яхши қўшничилик муҳитини мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда, балки минтақадавлатлари томонидан қизғин қўллаб-қувватловга ҳам сазовор бўлмоқда. Марказий Осиё давлатлари ўртасида мустақил тараққиётнинг дастлабки босқичига хос бўлган, ҳар доим ҳам соғлом бўлмаган етакчилик учун ўзаро рақобат ўрнини бир-бирига нисбатан катта ишонч муҳити эгаллаб бормоқда.

Кейинги йилларда Марказий Осиёда интеграция жараёнлари иккита кучли импульс олди, уларнинг манбай, албатта, Ўзбекистон Республикаси бўлди. Улардан биринчиси, мамлакатимиз ташқи сиёсатининг Марказий Осиё вектори устуворлигини расман эълон қилгани билан боғлиқ. Қолаверса, янги раҳбарият ҳокимиятга келганидан буён ўтган давр мобайнида Ўзбекистон бу мақсадга эришиш учун изчил интилиб келмоқда.

Иккинчи импульс 2018 йил 15 март куни Қозогистоннинг Остона шахрида ўтказилган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг биринчи норасмий учрашуви бўлиб, у минтақа давлатлари умумий тараққиётининг янги механизмини шакллантиришга асос солди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан, Қозогистон, Ўзбекистон, Қирғизистон, Тоҷикистон раҳбарлари ва Туркманистон парламенти спикери учинчи томонлар иштирокисиз илк бор учрашиб, минтақавий ҳамкорлик ва хавфзизлик масалаларини муҳокама қилдилар, шунингдек, Афғонистондаги вазият бўйича ягона позицияни эълон қилдилар.

Марказий Осиё атрофидаги куч марказларида турли гумонлар юзага келишига йўл қўймаслик учун ўшанда минтақа давлатлари маҳсус ташкилот тузишдан тийилишган эди. Бугунги кунда анъанавий бўлиб қолган бу учрашувлар “Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳат учрашуви” сифатида ҳалқаро эътирофга эришли. Ҳозиргача ушбу саммитнинг учта йиғилиши бўлиб ўтди, у Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатларининг минтақавий ҳамкорлигини ва ўзаро интеграциясини мустаҳкамлашга холисона хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашувларини ўтказилиши, шубҳасиз, Ўзбекистон минтақавий ташқи сиёсатидаги муҳим воқеадир.

Биринчи шундай учрашув 2018-йилнинг 15 март куни Остона шахрида бўлиб ўтди ва минтақавий ҳамкорликнинг янги босқичини бошлаб берди. 2019-йил 29-ноябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иккинчи учрашуви минтақавий дипломатиядаги ҳақиқий бурилиш нуқтаси бўлди. Саммит якунлари ва кейинги воқеалар ривожи мулоқот янги форматга ўтганини кўрсатди.

Томонлар Маслаҳат учрашувларини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича Низомни тасдиқладилар. Мазкур ҳужжат саммитларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўриш, уларни тизимли асосда ташкил этиш, келишилган ва ўзаро манфаатли қарорлар қабул қилинишини таъминлайди. Шу билан бирга, саммит чоғида томонлар янги ҳалқаро ташкилот

⁶⁰ Мунавваров З.И. Общие контуры интеграционных процессов в Центральной Азии: история, современность, перспективы // Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантаришнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзХИА, 2022. - Б. 12.

⁶¹ Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2022. – Б. 330.

тузиш ғоясидан узоқ эканликларини, шунингдек, ўз ҳаракатларини бошқа давлатлар манфаатларига қарши йўналтиришни истамасликларини таъкидладилар⁶².

2021-йил 6-август куни Туркманистанда Марказий Осиё давлатлари етакчиларининг учинчи саммити бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти навбатдаги маслаҳат учрашувида бир қанча муҳим ташабbusларни илгари сурди. Улар орасида:

- минтақада замонавий иқтисодий муносабатлар талабларидан келиб чиқсан ҳолда “иқтисодий ҳамкорликнинг янги модели”ни шакллантириш;
- минтақа транспорт тизимини Евроосиё қитъасининг замонавий талабларга жавоб берадиган муҳим транзит марказига айлантириш;
- ягона энергия маконини шакллантириш бўйича саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштиришни таъминлаш;
- экология масалаларига доимий эътибор бериш, бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш;
- Марказий Осиёning дунёning бошқа йирик минтақалари билан алоқаларини янги босқичга олиб чиқиш;
- ёшларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадрияларга ҳурмат руҳида тарбиялаш бўйича қатор маданий-гуманитар лойиҳаларни амалга ошириш;
- ички сайдоҳлик алмашинувларини кенгайтириш, “Битта саёҳат – бутун минтақа” қўшма дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- “Халқ дипломатияси” имкониятларини кўпроқ ишга солиш, парламентлар, фуқаролик жамияти институтлари ва оммавий ахборот воситаларини бу жараёнга кенг жалб этиш ва ҳ.к⁶³.

Учрашувда томонлар 2022-2024 йилларга мўлжалланган минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича “Йўл харитаси”ни тайёрлашга келишиб олдилар. Ушбу ҳужжат маслаҳат учрашувларида илгари сурилган барча ташабbusларни ўз ичига олади, уларни амалга ошириш механизмлари ва муддатларини белгилайди.

Таъкидлаш жоизки, минтақавий ҳамкорликка тизимли тус бериш тенденцияси кузатилмоқда. Айни шу мақсадида Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари келгуси Маслаҳат учрашувини доирасида имзоланиши режалаштирилган XXI асрда Марказий Осиёни ривожлантириш мақсадида Дўстлик, яхши қўшничилик ва ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома минтақамиз мамлакатлари ҳамкорлигитариҳида янги даврни бошлаб бериши мумкин⁶⁴.

Умуман олганда, ҳар бир саммит якунлари минтақада яхши қўшничилик ва ишонч муҳити, кўплаб қийинчиликларга қарамай, мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради. Маслаҳатлашув учрашувлари Марказий Осиёда мутлақо янги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар маконни яратишга хизмат қилмоқда. Айни пайтда минтақахалқлари онги ва дунёқарашида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Бунинг натижасида минтақа мамлакатлари тадбиркорлари ва олимлари ўртасида иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги ҳамкорликнинг янги йўналишлари вужудга келмоқда. Шу муносабат билан Маслаҳатлашув учрашуви Марказий Осиё давлатларининг ташқи сиёсатидаги янги тенденцияларнинг моҳияти ва ролини тушунишга ёрдам берди. Айни пайтда минтақада аввалги “етакчилик учун рақобат” ўрнига ўзаро ишонч, биродарлик ва дўстлик илдизлари чуқурлашиб бормоқда.

Маслаҳат учрашувлари амалда шуни кўрсатмоқдаки, ўзаро ҳамкорлик ривожланиш драйверларини аниқлаш ва қарорлар қабул қилиш механизми сифатида муҳим аҳмиятга эга ҳамда минтақа ривожига сезиларли таъсир кўрсатувчи воқеа ҳисобланади. Ушбу ҳамкорлик формати Марказий Осиёни барқарор ривожлантириш бўйича минтақавий мuloқot учун қулай ва самарали имконият яратади.

Хулоса ва таклифлар. Сўнгги пайтларда постсовет маконининг айrim қисмларида кузатилган ижтимоий-гуманитар ва ҳарбий-сиёсий характердаги хавотирили тенденцияларни ҳисобга олганда, Марказий Осиё давлатлари бугунги кунда долзарб бўлиб бораётган минтақавий ҳамкорлик контекстида ўз йўл хариталарини қайта кўриб чиқиш зарурияти ҳар қачонгидан ҳам ортмоқда. Шу боис, яқин келажакда ташқи сиёсий ҳужжатларни мувофиқлаштиришнинг янги механизмларини, шунингдек, кўп векторли минтақавий иқтисодий ҳамкорликнинг амалий йўлларини излаш фаоллаштирилиши мумкин. Марказий Осиё давлатларининг барқарорлиги ва ҳамжиҳатлиги, **биринчидан**, қардош

⁶² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг Маслаҳат учрашуви якунлари бўйича брифингдаги баёнати. 29.11.2019. <https://president.uz/uz/lists/view/3111>

⁶³ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг учинчи маслаҳат учрашувидаги нутқи. 07.08.2021. <https://president.uz/uz/lists/view/4534>

⁶⁴ Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари учрашуви тўғрисида. 14.05.2022.

https://aza.uz/uz/posts/markaziy-osiyo-mamlakatlari-tashqi-ishlar-vazirlari-uchrashuvi-tograsisida_372225

халқлар фаровонлигига хизмат қилса, **иккинчидан**, минтақанинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, хорижий шериклар билан ҳамкорлик қилиш учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Умумлаштирувчи хулоса сифатида шуни таъкидлаш жоизки, Марказий Осиё минтақасининг ягона тузилмага интеграциялашув ғояси бугунги кунда глобал характердаги янги таҳдидлар қаршисида хавфсиз ва барқарор ривожланишнинг императивларидан бирига айланиб бормоқда. Марказий Осиёни халқаро тизимнинг янги шаклланаётган кичик минтақаси сифатида кўриб чиқиш тенденцияси ортиб бораётгани шундан далолат бермоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ш.М.Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021.
2. Акмал Сайдов. Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси — инсон қадрини улуғлаган халқчил бош дастур. 28.01.2022. <https://yuz.uz/news/yangi-ozbekiston-taraqqiyot-strategiyasi--inson-qadrini-uluglagan-xalqchil-bosh-dastur>
3. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 20.09.2017. <https://president.uz/uz/lists/view/1063>
4. Мухаммадсадик Рахимов. БМТнинг “Маърифат ва диний бағрикенглик” резолюциясининг моҳияти ва аҳамияти. 11.12.2021. [http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bmtning-marifat-va-dinij-bagrikenglik-rezolucesasining-moiati-va-aamiati](http://isrs.uz/uz/smti-ekspertlari-sharhlari/bmtning-marifat-va-dinij-bagrikenglik-rezolucionesining-moiati-va-aamiati)
5. Стратегия развития Нового Узбекистана на период 2022-2026 гг. – интервью исполнительного директора узбекистанского Центра «Стратегия развития». 09.03.2022. <https://cabar.asia/ru/strategiya-razvitiya-novogo-uzbekistana-na-period-2022-2026-gg-intervyu-s-eldorom-tulyakovym>
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11-августдаги «Ватандошлар» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-5220-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5570582>
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022-йил 1-мартдаги “Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбекистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-149-сон қарори. <https://lex.uz/docs/5893253>
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сонли Фармони. 28.01.2022 й. <https://lex.uz/docs/5841063>
9. Комилов М.М. Кириш сўзи // Марказий Осиё давлатлари интеграцияси ва ҳамкорлигини ривожлантиришнинг ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари: республика илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент: ЎзҲИА, 2022.
10. Saidolimov S. O'zbekiston tashqi siyosati: Milliy manfaatlarga asoslangan faol va pragmatik yo'l // Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2021. – Т. 1. – №. 11.
11. Укрепление регионального и международного сотрудничества в целях обеспечения мира, стабильности и устойчивого развития в Центрально-Азиатском регионе. 18.06.2018. <https://www.un.int/uzbekistan/fr/news/укрепление-регионального-и-международного-сотрудничества-в-целях-обеспечения-мира-стабильности>
12. Сайдолимов С.Т. Ўзбекистон ташқи сиёсати: туб миллий манфаатлар асосида қурилган фаол ва прагматик йўл // Ўзбекистон энг янги тарихининг долзарб масалалари. - 2021. -№ 1-2.
13. O'zbekiston Respublikasi Tashqi ishlar vazirligining 2020-yildagi faoliyati haqida hisobot. 09.01.2021. <https://mfa.uz/uz/press/news/2021/ozbekiston-respublikasi-tashqi-ishlar-vazirligining-2020-yildagi-faoliyati-haqida-hisobot---29088>
14. Туляков Э., Хакимов Ф. Марказий Осиё давлатлари билан дўстона ҳамкорлик – Ўзбекистон ташқи сиёсий фаолиятининг устувор йўналиши. 03.04.2021. <https://strategy.uz/index.php?news=1278&lang=uz2>
15. Кадыров А. Ключевые приоритеты внешней политики обновленного Узбекистана. 29.07.2020. <http://www.isrs.uz/ru/maqolalar/klucevye-priority-vnesnej-politiki-obnovlennogo-uzbekistana>
- 16.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ИННОВАЦИЙ И ИННОВАЦИОННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ В УСЛОВИЯХ ТРАНСФОРМАЦИИ

Курпаяниди Константин Иванович

кандидат экономических наук, профессор,

Член-корреспондент Международной академии теоретических и прикладных наук

(США), Профессор Российской Академии естествознания,

Ферганский политехнический институт, Фергана, Узбекистан

Электронная почта: antinari@gmail.com

ORCID: 0000-0001-8354-1512

Аннотация: В современных условиях нестабильности мировой экономики актуальным представляется вопрос ее дальнейшего развития, в том числе с технологической точки зрения. В исторической ретроспективе положительное влияние на рассматриваемый в исследовании процесс оказывало появление на рынке технологических инноваций. Признание инноваций в качестве эндогенного источника экономического роста обусловлено характером постиндустриального хозяйственного уклада, характеризующимся падением роли традиционных факторов производства в формировании конкурентных преимуществ отдельных производителей, а также становлением качественно нового типа поступательной макроэкономической динамики. В этих условиях приобретает особую актуальность инновационная деятельность субъектов предпринимательства. В статье рассмотрены различные подходы ученых и представителей различных экономических школ к определению понятий «инновации» и «инновационная деятельность». На основе проведенного ретроспективного анализа ряда научных трудов, посвященных инновационной деятельности, делается вывод, о том, что для обеспечения успешного и динамичного развития предприятия, производящего наукоемкую продукцию, необходимо в первую очередь широкое применение различных методов управления инновационной деятельностью, которые должны включать одновременное и согласованное использование технологической, научной, кадровой, коммерческой и других политик, обеспечивающих системное решение задач инновационного развития.

Ключевые слова: анализ, инновация, инновационная деятельность, инновационная экономика, НИОКР, трансформация экономики.

Abstract: In modern conditions of instability of the world economy, the issue of its further development, including from a technological point of view, is relevant. In historical retrospect, the emergence of technological innovations on the market had a positive impact on the process considered in the study. The recognition of innovation as an endogenous source of economic growth is due to the nature of the post-industrial economic structure, characterized by the decline in the role of traditional factors of production in the formation of competitive advantages of individual producers, as well as the formation of a qualitatively new type of progressive macroeconomic dynamics. In these conditions, the innovative activity of business entities becomes particularly relevant. The article considers various approaches of scientists and representatives of various economic schools to the definition of the concepts of "innovation" and "innovative activity". Based on a retrospective analysis of a number of scientific papers devoted to innovation, it is concluded that in order to ensure the successful and dynamic development of an enterprise producing high-tech products, it is necessary first of all to widely apply various methods of innovation management, which should include simultaneous and coordinated use of technological, scientific, personnel, commercial and other policies that provide a systematic solution to the problems of innovative development.

Keywords: analysis, innovation, innovative activity, innovative economy, R&D, transformation of the economy.

4. Козлова О.Н., Калачева Е.А., Калачева И.В. Инвестиционная деятельность страховых организаций: возможности, перспективы и направления развития // Финансы и кредит. - 2018. - Т. 24, № 9. -С. 2056 - 2074. <https://doi.org/10.24891/fc.24.9.20565>.

**Хитой Халқ Республикаси ташаббуси “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси
мақсади ва истиқболлари
Қунгиров Одил Абдиросул ўғли
Мустақил изланувчи
E-mail: odil_qungirov2208@mail.ru
Тел: +99893-570-93-83**

Аннотация: Бизнинг замонамизнинг энг муҳим халқаро инфратузилма лойиҳаларидан бири, шубҳасиз, 2013 йилда Хитой Халқ Республикаси раҳбари Си Цзинпиннинг “Бир камар – бир йўл” деб номланган ташқи сиёсий ташаббусидир. “Бир камар – бир йўл” лойиҳаси минтақавий ҳамкорликни чуқурлаштириш ва савдо-иктисодий ҳамкорликни ривожлантириш бўйича асосий мақсадга эга. Шу билан бирга, Хитой ушбу ташаббус орқали савдони ўзининг гиосиёсий ва геостратегик таъсирини кенгайтириш воситасига айлантиришга интилмоқда. Мақолада “Бир камар – бир йўл” ташаббусининг бир қанча жиҳатлари ёритиб берилган. Хусусан янги гиосиёсий ҳақиқат ва потинсиал, минтақавий савдо иктисодий ҳамкорлик түғрисида мунозараларнинг моҳиятини тушунишга ёрдам берадиган нуқтаи назарлар берилган.

Калит сўзлар: “Бир камар – бир йўл”, глобаллашув, Хитойнинг иктиносидий ривожланиши, инфратузилма лойиҳалари, жаҳон савдоси.

Аннотация: Одним из важнейших международных инфраструктурных проектов современности, несомненно, является внешнеполитическая инициатива Председателя КНР Си Цзиньпина 2013 года под названием «Один пояс, один путь». Основной целью проекта «Пояс и путь» является углубление регионального сотрудничества и развитие торгово-экономического сотрудничества. В то же время Китай стремится сделать торговлю средством расширения своего геополитического и геостратегического влияния посредством этой инициативы. В статье освещаются некоторые аспекты инициативы «Один пояс, один путь». В частности, к новой геополитической реальности и потенциалу регионального торгово-экономического сотрудничества приводятся точки зрения, помогающие понять суть дискуссии.

Ключевые слова: «Один пояс, один путь», глобализация, экономическое развитие Китая, инфраструктурные проекты, мировая торговля.


Annotation: One of the most important international infrastructure projects of our time is undoubtedly the foreign policy initiative of Chinese President Xi Jinping in 2013 called "One Belt, One Road". The main goal of the Belt and Road Project is to deepen regional cooperation and develop trade and economic cooperation. At the same time, China aims to make trade a means of expanding its geopolitical and geostrategic influence through this initiative. The article highlights some aspects of the One Belt, One Road initiative. In particular, points of view are given to the new geopolitical reality and the potential of regional trade and economic cooperation, helping to understand the essence of the discussion.

Key words: "One Belt, One Road", globalization, China's economic development, infrastructure projects, world trade.

Замонавий бозор иктисодиёти шароитида жаҳон хўжалигида ташқи иктиносидий алоқалар ҳамда ушбу алоқалар милларий хўжаликларнинг иктиносидий ривожланишидаги аҳамияти тоборо ортиб бормоқда. Дунё мамлакатларининг халқаро интеграцион жараёнларга киришиши жадал суръатларда тезлашмоқда. Бугунги кунда жаҳонда ҳавфиззлик, ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатлари, миллатлараро тотувлик масалаларига қаратилаётган эътибор ҳам глобаллашув жараённинг жадаллиги каби юқори кўрсаткичларга эга бўлмоқда.

Бугунги кунда иктиносидий глобаллашув ва минтақавий интеграция ривожланиши билан, Хитой икки лойиҳа: “Ипак йўли иктиносидий камари” ва “XXI аср дengiz Ипак йўли”дан

иборат улкан лойиха "Бир камар – бир йўл" концепциясини илгари сурди. "Ипак йўли иқтисодий камари"ни шакиллантириш ғояси ҳақида илк бор XXP раиси Си Цинпин 2013 йилнинг сентябрда Қозоғистонга ташрифида яний Назарбоев университетида сўзлаган нутқида маълум бўлди. Ўшанда Хитой раҳбари учта транс евросиё иқтисодий йўлаги: Хитойдан Марказий Осиё ва Фарбий Осиё орқали Форс кўрфази ва Ўртаер денгизига қадар; Хитойдан Жанубий-Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва Ҳинд океанига қадар иқтисодий юлак барпо этишни таклиф қилди. Шунингдек 2013 йил 3 октябрда Индонизияга ташриф чоғида XXP раиси Хитойнинг ғарбий, Жанубий ва жанубий-шарқий Осиё, ҳамда Шарқий Африка ва Европа мамлакатлари билан "XXI аср денгиз Ипак йўли" номли ҳамкорлигини кенгайтириш бўйича режасини илгари сурди.⁶⁵



66

Вақт ўтиши билан Хитойнинг "Бир камар – бир йўл" ташаббуси кенг миқёсли мамлакатларга жалб қилинди ва ташаббус янги мазмун билан тўлдирилмоқда. Ушбу ташаббус Хитой раҳбарларининг бешинчи авлодининг асосий давлат стратегиясига айланди, бу эса Хитойнинг ривожланишига ички ва ташки қийинчилликларни бартараф этади. Хитой бу концепцияни нафақат Хитойнинг ўзи, балки бутун дунёдаги мамлакатларнинг иқтисодий ривожланишини рағбатлантириш учун мега лойиха сифатида қабул қиласи. Концепциянинг ҳақиқий моҳияти, биринчи навбатда, Хитой иқтисодиётининг номутаносиблигини бартараф этиш, шунингдек, қуруқлик ва денгиз Ипак йўли орқали мамлакатларнинг ўзаро манбаатли ҳамкорлигини рағбатлантириш мақсадида янги механизм яратишга қаратилган.

Хитойнинг "Бир камар – бир йўл" ташаббуси эксклюзив эмас, балки

бардошлидир. Расмий ҳужжатларда айтилганидек, "Бир камар - бир йўл" билан боғлиқ давлатлар қадимий Ипак йўли билан чегараланмайди. Ҳар қандай давлат, шунингдек, ҳар қандай халқаро ёки минтақавий ташкилот, истисносиз, унга қўшилишлари мумкин".⁶⁷ Давлатлар мафкураси ва маданияти ўртасидаги фарқни ҳисобга олмагандан, "Бир камар – бир йўл" яратиш натижалари ва катта даромадлари унга қўшилиш учун кўпроқ давлатларни жалб қиласи. "Бир камар - бир йўл" – Хитойнинг халқаро ташаббуси бўлиб, у Марказий Осиё, Европа ва Африка минтақасида жойлашган 60 дан ортиқ мамлакатларни ўзаро боғловчи иқтисодий йўлакларни янада такомилластириш ҳамда янги транспорт ва савдо йўлларини яратишга қаратилган. Ушбу худуддаги давлатлар жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 55 фоизини, глобал энергия захираларининг 75 фоизини ўзида жамлаган.

"Бир камар – бир йўл" доирасида олтита иқтисодий коридор ва битта

денгиз йўли таклиф қилинган:

I. Янги Евросиё қуруқлик кўприги - (Фарбий Хитойни, Фарбий Россияга улаш);

⁶⁵ <https://ria.ru/20170514/1494097368.html>

⁶⁶ https://www.researchgate.net/figure/Xinhua-map-of-the-silk-road-economic-belt-Silk-road-and-21st-Century-maritime-silk-road_fig1_341375486

⁶⁷ Прекрасные перспективы и практические действия по совместному созданию экономического пояса шелкового пути и морского шелкового пути XXI века. Госкомитет по делам развития и реформ, Министерство иностранных дел и Министерство коммерции (издано с санкции Госсовета КНР). // Издательство литературы на иностранных языках, -Пекин, 2015. – С. 33.

II. Хитой - Мўғулистан - Россия йўлаги (Шимолий Хитой, Мўғулистан орқали Шарқий Россияга);

III. Хитой - Марказий Осиё - Фарбий Осиё йўлаги (Фарбий Хитой Марказий ва Фарбий Осиё орқали Туркияга;

IV. Хитой - Ҳиндистон ярим оролининг йўлаги (Жанубий Хитой, Ҳиндистон-Хитой орқали Сингапургача);

V. Хитой - Покистон йўлаги (Жанубий Ғарбий Хитой ва Покистон орқали)


VI. Бангладеш - Хитой - Ҳиндистон - Мянма йўлаги (Жанубий Хитой

Бангладеш ва Мянма орқали Ҳиндистонга);

VII. Хитой соҳилларини Ўртаер денгизи билан Сингапур-Малайзия, Ҳинд океани, Араб денгизи ва Ҳормуз бўғози орқали боғлайдиган денгиз ипак йўли.⁶⁸

Ушбу стратегияни амалга ошириш учун Пекин катта ресурсларни сафарбар қилади. XXP раиси Си Цзинпин "Бир камар - бир йўл" халқаро иқтисодий форумида (2017 йил май) сўзга чиқиб, 60 та мамлакатларидан кўпроқ инфратузилма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун Пекин ўрта муддатда 1 триллион доллардан ортиқ маблағни жўнатишни назарда тувишини таъкидлади. Мутахассислар, лойиҳанинг умумий қийматини (кўп ёки камроқ узоқ муддатда) аниқлашга ҳаракат қилиб, 4 дан 8 триллион долларгача бўлган рақамларни кўрсатади.⁶⁹

Ҳозирги пайтга келиб, XXP "Бир камар - бир йўл" доирасида Венгрия, Мўғулистан, Россия, Тожикистон ва Туркия билан ҳамкорлик тўғрисидаги икки томонлама битимларни имзолаган. Шарқий Хитойни Эрон ва Европа мамлакатларига қадар боғловчи темирийўл тармоқларининг кенгайтирилиши ҳақида эълон қилинди. XXRдан Лаос ва Таиландга, Эфиопия — Жибути, Венгрия — Сербия йўналишидаги темирийўл, Индонезияга тезюар магистраллар қурилиши, XXP — Покистон, Хитой — Мўғулистан — Россия Бангладеш — Хитой — Ҳиндистон — Мянма иқтисодий йўлакларини шакллантириш, Гвадар (Покистон) ва Пирей (Гретсия) портларини модернизация қилиш тўғрисидаги келишувларга эришилган.⁷⁰



Марказий Осиё юрагида жойлашган Ўзбекистон Хитой иқтисодий кооперацияси амалга оширилишидан кўпроқ фойда олиш учун жиддий имкониятларга эга. Мамлакатимизнинг илиқ денгизларга чиқиш имконининг йўқлигини ҳисобга олсак, "Ипак йўли иқтисодий камари" бизда катта қизиқиш ўғотади. 2019-йилда Пекинда бўлиб ўтган олий даражадаги форумда Ўзбекистон Хитой ғоясини амалий рўёбга чиқаришга қаратилган бир қатор аниқ тақлифларни илгари сурди. Шу жумладан, Президент Шавкат Мирзиёев "Хитой — Қирғизистон — Ўзбекистон" темирийўли қурилишини тезроқ бошлишнинг аҳамиятига урғу берди.

Бир сўз билан айтганда, Янги Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасини устувор йўналиш сифатида белгилаб олган ҳолда фаол ташқи сиёsat олиб бормоқда. Минтақада мутлақо янгича муҳит қарор топди. Ҳамкорликнинг турли жабҳаларида тарихий

⁶⁸ M. Choudhury, What is the One Belt, One Road in China?, June, 2017. <https://www.quora.com/What-is-One-Belt-One-Road-in-China>

⁶⁹ <https://cyberleninka.ru/article/n/kitayskiy-proekt-odin-poyas-odin-put-problemy-i-perspektivy-realizatsii>

⁷⁰ www.researchgate.net/figure/Mapping-Chinas-Belt-and-Road-Initiative-Source-Mercator-Institute-for-China-Studies_fig1_329008016

натижаларга эришилди: чегаралар очилди, кўплаб соҳаларда, жумладан, транспорт коммуникацияларини кенг ривожлантириш бўйича қўшма лойиҳалар амалга ошириляпти. Марказий Осиёнинг беш давлати миңтақавий хавфсизликни таъминлаш йўлида барча саъи-харакатини бирлаштирумокда. Шу маънода айтганда, Тошкент Хитойнинг “Бир камар - бир йўл” ташаббуси билан уйғун равишда қадам ташляяпти. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Пекин шаҳрида бўлиб ўтган “Бир камар - бир йўл” форумида мазкур ташабbus ҳар бир давлатнинг ўз имкониятларидан тўла фойдаланиши, иқтисодий жиҳатдан бир-бирини тўлдириши, савдо ҳамда инвестицияларни рафбатлантириши, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада ривожлантириши учун кенг йўл очишини қайд этди. Лойиҳанинг рўёбга чиқиши дунё тамаддунида Марказий Осиёнинг тарихий мавқеини қайта тиклашга замин яратади.

Ўзбекистон - Хитой муносабатлари комплексининг бутун ривожланиш динамикаси ушбу ўзаро алоқалар тенденсиясининг янада кучайиши ва янги марраларга эришишига гувоҳлик бермоқда. Шу сабабдан ҳам, Янги Ўзбекистоннинг янги раҳбарияти томонидан амалга оширилган ислоҳотлар доирасида Хитой Ўзбекистоннинг анъанавий ва устувор ташки шериклари қаторидан жой олганлиги бежизга эмас. Дунёнинг энг йирик савдо мамлакатларидан бири ҳисобланган, янги технология ва инновациялар соҳасида етакчи ҳисобланган Хитой Xалқ Республикасининг йилдан-йилга жадал ривожланиши ҳамда Ўзбекистон билан қадим даврлардан бери яхши алоқалар ўрнатиб келиши бу икки мамлакатнинг келажакдаги истиқболли ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаб келмоқда.

“Бир камар – бир йўл” ташаббуси доирасида XХР билан ҳамкорлик қилиш орқали, шу жумладан, Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқаришини модернизациялаш ва диверсификация қилишнинг асосий устувор йўналишлари қўйидагилар бўлиши мумкин:

– ресурсларни тежайдиган комбинацияланган стансиялари ва қуёш энергиясидан фойдаланишнинг замонавий исботланган технологияларини кенг жорий этиш асосида электр энергетикасида мавжуд бўлган янги ишлаб чиқариш қувватларини изчил модернизация қилиш ва яратиш;

– табиий газ ва газ конденсатини чуқур қайта ишлаш асосида нефт-газ ва нефт-кимё саноатида юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва ассортиментини кенгайтириш;

– рақобатдош тайёр маҳсулотлар жаҳон ва ички бозорларда талаб қилинадиган маҳаллий хом ашёни, шу жумладан бўялган ип матоларни чуқур қайта ишлаш асосида ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобига тўқимачилик, чарм ва поябзал саноатининг товар таркибини такомиллаштириш;

– электр жиҳозларини ишлаб чиқариш бўйича юқори технологик тармоқларни жадал ривожлантириш ва ўзлаштириш, ахборот-коммуникация технологиялари учун асбоб-ускуналар ва аксессуарлар, экологик тоза қурилиш материалларининг кенг ассортиментини ишлаб чиқариш бўйича янги қувватларни яратиш.

Хулоса

Хулоса ўрнида шуни ҳам алоҳида такидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда “Бир камар – бир йўл” ташаббуси Хитойнинг иқтисодий, ташки иқтисодий, ташки ва геосиёсий мақсадларини амалга оширишни ўз зиммасига олади ва ушбу ташабbus кўпроқ иқтисодий интеграция орқали Хитойнинг ўзида миңтақавий тенгсизликни бартараф этишга қаратилганлиги билан ажralиб туради. Ҳозирги босқичда бу ташабbus Россия ва Хитой, АҚШ ва Хитой, Ҳиндистон ва Хитой ўртасидаги геосиёсий қарама-қаршиликлар хавфсизлик, маданий ва лингвистик масалалар билан боғлиқ тўсиқларни келтириб чиқариши мумкин.

Шубҳасиз, Хитойнинг ташабbusини бундай ноаниқ баҳолаш янада пухта таҳлил қилишни ва энг муҳими, “Бир камар – бир йўл” ташабbusини Ўзбекистон Республикаси миллий манбаатлари асосида баҳолашни талаб қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://ria.ru/20170514/1494097368.html>
2. https://www.researchgate.net/figure/Xinhua-map-of-the-silk-road-economic-belt-Silk-road-and-21st-Century-maritime-silk-road_fig1_341375486
3. Прекрасные перспективы и практические действия по совместному созданию экономического пояса шелкового пути и морского шелкового пути XXI века. Госкомитет по делам развития и реформ, Министерство иностранных дел и Министерство коммерции (издано с санкции Госсовета КНР). // Издательство литературы на иностранных языках, - Пекин, 2015. - С. 33.

ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ОШИРИШДА СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЎРНИ

Маматов Алишер Шавкат ўғли

Катта ўқитувчи, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги
Давлат бошқаруви академияси
Email: a.mamatov1991@gmail.com, Тел.: 93-043-91-91

Аннотация: Ушбу мақолада сунъий интеллект технологиялари ва уларнинг таълим жараёнига қўллаш самарадорликлари, ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда смарт таълим платформалари таҳлил қилинган. Бундан ташқари, республикамида сунъий интеллект бўйича амалга оширилган ислоҳотлар натижалари ва истиқболли режалари келтириб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистонда таълим сифатини янада ошириш учун сунъий интеллект технологияларини татбиқ этиш бўйича, илмий асосланган таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: сунъий интеллект, таълим 4.0, рақамли технологиялар, мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълим, смарт таълим платформаси, виртуал ёрдамчи.

Аннотация: В данной статье анализируются технологии искусственного интеллекта и эффективность их применения в образовательном процессе, помимо опыта развитых зарубежных стран и умных образовательных платформ. А также упоминаются результаты и перспективные планы реформ, проводимых в области искусственного интеллекта в нашей республике. Были даны и другие, научно обоснованные предложения и разъяснения по внедрению технологий искусственного интеллекта для дальнейшего повышения качества образования в Узбекистане.

Калит сўзлар: искусственный интеллект, образование 4.0, цифровые технологии, гибкое и персонализированное обучение, умная обучающая платформа, виртуальный помощник.

Abstract: This article analyzes artificial intelligence technologies and the effectiveness of their application to the educational process, in addition the experience of developed foreign countries and smart educational platforms. As well as, the results and prospective plans of the reforms carried out in the field of artificial intelligence in our republic are mentioned. Another else, scientifically based proposals and explanations were given on the implementation of artificial intelligence technologies to further improve the quality of education in Uzbekistan.

Key words: artificial intelligence, education 4.0, digital technologies, flexible and personalized education, smart learning platform, virtual assistant.

Кириш

XXI аср ахборот асри бўлиб, замонавий рақамли технологиялар деярли барча соҳаларни қамраб олди десак муболага бўлмайди. Ҳозирда илм-фан, инновация ва рақамли технологиялар кундан-кунга ривожланиб, сунъий интеллект (СИ) ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб улгурди. СИ атамаси илк бор 1956 йилда АҚШнинг Дартмут университетида сунъий тафаккур масалалари бўйича бўлиб ўтган конференцияда фойдаланилган бўлиб, ушбу анжуманда маъруза қилган америкалик информатика соҳасидаги олим Жон Маккарти (1927-2011) "Artificial Intelligence" ("Сунъий тафаккур") атамаси муаллифи сифатида тарихга ном қолдирди⁷¹. Шу билан бирга, "Тўртинчи саноат инқилоби"⁷² ҳодисаси ўзининг ўлчами, кўлами ва мураккаблиги билан инсоният бошидан кечирган ҳеч бир жараёнга ўхшамайди. Унда жисмоний, рақамли ва биологик дунёни

⁷¹ https://uz.wikipedia.org/wiki/John_McCarthy.

⁷² "Индустря 4.0" атамаси 2011 йил Европада пайдо бўлган бўлиб, унинг асосий хусусияти барча соҳаларга замонавий рақамли технологияларни татбиқ этиш орқали инсон омилини камайтиришдан иборат.

бирлаштирган бир қатор янги технологиялар билан тавсифланган ишланмалар барча соҳалар, жумладан, давлат ва жамият бошқаруви, иқтисодиёт, саноат, ижтимоий ҳимоя, таълим, тиббиёт, бандлик, қишлоқ хўжалиги, мудофаа, хавфсизлик, туризм ва бошқа соҳаларга ўз таъсирини кўрсатиб келмоқда. Шу ўринда, мамлакатда нафақат рақамли технологияларни, балки бошқа барча соҳаларни ривожлантириш асосида сифатли таълим турди. Ҳозирда деярли барча ривожланган мамлакатларнинг таълим жараёнига СИ, виртуал ва кенгайтирилган реаллик (Virtual Reality and Augmented Reality), буюмлар интернети (Internet of Things), катта маълумотлар (Big Data), 3D чоп этиш ҳамда бошқа замонавий рақамли технологияларни татбиқ этилиши натижасида, таълим сифатини янада оширишга эришилмоқда. Шунингдек, смарт таълимга бўлган талаб кундан-кунга ортиб бормоқда.

Ўзбекистонда ҳам барча соҳаларга замонавий рақамли технологияларни кенг жорий этиш орқали 2030 йилга қадар инновацион тараққий этган етакчи давлатлар қаторидан ўрин эгаллаш устувор вазифа сифатида белгиланган.

Қайд этиш жоизки, 2023 йилни "Инсонга эътибор ва сифатли таълим" йили деб номлани натижасида таълим сифатини ошириш учун бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилди. Шу билан бирга, инновацион таълим технологияларини татбиқ этиш, смарт контентни шакллантириш, замонавий мультимедиа воситаларидан фойдаланиш ва ушбу соҳада СИни босқичма-босқич қўллаб борилиш, албатта таълим сифатини янада оширишга ўз ҳиссасини қўшади.

Бундан ташқари, "Рақамли Ўзбекистон – 2030"⁷³ Стратегиясига мувофиқ олий таълим муассасаларида тегишли соҳаларда "Буюмлар интернети", робототехника, СИ технологияларини қўллаш ва ўрганиш бўйича лабораториялар, шунингдек, хорижий корхоналарни ушбу соҳага жалб қилишни ташкил қилиш назарда тутилган. Шу билан бирга, ўқувчиларни билимини баҳолаш бўйича самарали автоматлаштирилган ахборот тизими доирасида СИ функциясидан фойдаланиб ўқувчилар билимини баҳолаш натижаларига кўра уларни олий таълим муассасаларидан бирига ўқишга кириш учун ҳужжат топшириш бўйича тавсия бериш имкониятларини яратиш вазифалари қўйилган.

Шу ўринда, СИ технологияларини жадал жорий этиш ва уларни мамлакатимизда кенг қўллаш, рақамли маълумотлардан фойдаланиш имкониятини ва уларнинг юқори сифатини таъминлаш, ушбу соҳада малакали кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида

2021

йил

2 февралда "Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4996-сонли Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори⁷⁴ қабул қилинди. Унга кўра, СИ технологияларини мамлакатимизда ривожлантириш, ушбу соҳа бўйича мутахассисларни тайёрлаш, ривожланган давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, босқичма-босқич амалиётга жорий этиш бўйича мухим чора-тадбирларни амалга ошириш назарда тутилган.

Қолаверса, сўнгги йилларда ахборотлаштириш ва илфор технологияларни турли соҳаларга татбиқ этиш борасидаги амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонда рақамли технологиялар ва СИ соҳасида ўзига хос салоҳият асослари яратилди. Бунга мисол тариқасида республикамизнинг Фарғона вилоятидаги 10 та умумтаълим мактабларида "Ақлли мактаб" лойиҳаси амалиётга жорий этилиб⁷⁵, ушбу дастур орқали ўқувчиларни билимини баҳолаш, маълумотларни таҳлил қилиш ва ўзлаштирилиши қийин бўлган фанларни мавзулар кесимида аниқлаш имконияти яратилганлигини келтиришимиз мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, СИ технологияларини таълим жараёнларига татбиқ этиш нафақат таълим сифатини ошириш, балки ушбу соҳадаги илмий асосланган таҳлилий материалларни олиш орқали смарт контентни шакллантириш имконини беради. Бунинг учун авваламбор, Ўзбекистонда СИ соҳаси бўйича малакали мутахассисларни тайёрлаш ва замонавий рақамли технологиялар ривошланган хорижий давлатлар билан ҳамкорлик алоқаларини янада кучайтириш ҳамда амалий лойиҳалар устида ишлаш мұхим саналади.

Сунъий интеллект – бу бирор-бир иш ёки жараённи бажариш учун ахборот тизими орқали инсон омилисиз қарор қабул қилиш имкониятини амалга оширувчи замонавий технология.

⁷³ <https://lex.uz/docs/5030957>.

⁷⁴ <https://lex.uz/docs/5297046>.

⁷⁵ <https://xs.uz/uzkr/post/fargonadagi-aqlli-maktablarda-oquvchilar-bilimini-sunij-intellekt-baholamoqda>.

Адабиётлар таҳлили

СИ технологияларини турли хил соҳаларга, шу жумладан таълим соҳасига татбиқ этиш бўйича кўплаб олим ва тадқиқотчилар илмий изланишлар олиб боришмоқда. Улардан Туркияning Анадолу университети профессор-ўқитувчилари Б.Химметоглу, Д.Айдуг ва К.Байрак ўзининг 2020 йилда чоп этган “Таълим 4.0: ўқитувчи, талаба ва мактаб бошқаруви инқилобининг аспектлари” номли илмий мақоласида асосан Туркия таълим тизимиға Таълим 4.0 технологияларини татбиқ этиш ва ундан кутилаётган натижалар таҳлил қилинган. Унга кўра, шахсийлаштирилган таълим, ақлий трансформация, рақамли технологияларни таълимга интеграллашуви, узлуксиз таълим муҳити, умр давомида таълим олиш ва кўп тармоқли таълим технологияларини жорий этиш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар келтирилган.

АҚШнинг Олд Доминион университетида⁷⁶ таълим тизимини рақамли трансформация қилиш бўйича кўплаб илмий тадқиқотлар олиб бораётган ҳамда ушбу олийгоҳнинг таълим технологиялари бўйича халқаро эксперти (PhD) Хелен Кромптон ва Texas A&M университети доценти Донгил Сонг томонидан 2021 йилда чоп этилган, “Олий таълимда сунъий интеллектнинг салоҳияти” номли илмий мақолада СИнинг таълим тизимиға татбиқ этишнинг бир неча самарали усуслари таклиф этилган. Унга кўра талабалар ва профессор-ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашнинг виртуал методлари, жумладан буюртма асосида ўқитиш, ақлли репетиторлик тизимлари, ҳамкорликни осонлаштириш ва автоматлаштирилган баҳолаш усуслари келтириб ўтилган.

Шунингдек, 2022 йилда Малика Сумая технологиялар университети (Иордания) тадқиқотчиси Р. Гнемат, Мичиган университети (АҚШ) тадқиқотчиси А. Шоут ва Жордан университети (Иордания) тадқиқотчиси А. Ал-Совилар ҳаммуаллифликда чоп этган “Сунъий интеллект инқилоби учун олий таълим трансформацияси: унинг асослари” номли илмий мақоласида университетлар, унинг маданияти, амалиёти, мақсади ва таълим жараёнидаги технологияларни ўз ичига оладиган СИга асосланган таълим жараёни тақдим этилган. Улар томонидан таклиф этилаётган трансформация натижасида олий таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги тафовутни камайтириш назарда тутилган. Бундан ташқари, СИ элементларига асосланган таълимдан фойдаланиш талабаларга курс натижаларига осонроқ ва тезроқ эришишга имкон бериб, турли дастур соҳаларида ҳақиқий саноат муаммоларини ҳал қилиш орқали уларнинг фаолигини ошириш учун хизмат қилиши таъкидлаб ўтилган.

Шу ўринда 2022 йил Абай номидаги Қозоқ миллий педагогика университети ўқитувчилари томонидан чоп этилган “Таълимда сунъий интеллект: у орқали шахсийлаштирилган таълимга эришиш” номли илмий мақолада талабалар учун СИга асосланган мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълим бўйича тадқиқот ўтказилган. Унга кўра ижтимоий тармоқлар, чатботлар, таълим учун эксперт тизимлар, ақлли мураббийлар ва агентлар, шахсийлаштирилган таълим тизимлари ҳамда виртуал таълим муҳити бўйича таклиф ва тавсиялар берилган. Шунингдек улар 184 нафар талаба ўртасида сўровнома ўтказиб, СИни таълимга жорий этиш бўйича фикр ва қарашларини ўрганади. Натижада 27/7 режимда таълим олиш, виртуал контент орқали ўқитиш, таълим мазмунини талабалар эҳтиёжидан келиб чиқиб белгилаш, реал вақт ва мунтазаам равишда қайта алоқа ўрнатиш, симуляцион тизимларни қўллаш, таълим сифатини ошириш ва ақлий ривожланишни яхшилаш учун шахсийлаштирилган таълимни татбиқ этиш афзалликларини келтириб ўтишган.

Шу билан бирган, Хитойнинг Зежианг туризм коллежи ўитувчиси томонидан 2022 йилда чоп этилган “Таълимда сунъий интеллектнинг ўқитиш самарадорлигига таъсири” номли илмий мақоласида СИ ўқитувчиларга ўқитиш вазифаларини аниқ белгилаб олиш ва дарс контентини тўғри танлаш имконини яратиб бериши мумкинлигини таъкидлаб ўтади. Ҳамда талабаларга ўқув даврида ўзлаштириш натижаларидан келиб чиқиб, ўқув курсларини таклиф этиши: таълим сифатини оширишга имкон беришини таҳлил қиласди. У шунингдек таълимнинг 5 та фазасини, яъни ўқитиш, амалиёт, имтиҳон, баҳолаш ва бошқарув жараёнларини ананавий шаклда ҳамда СИни татбиқ этиш орқали таҳлил қилиб чиқади. Натижада СИни таълим жараёнига татбиқ этиш ананавий таълимга нисбатан унинг самарадорлигини ошириш учун хизмат қилишини илмий асослаб беради.

Тадқиқот методологияси

Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, анализ ва тизимли таҳлил қилиш ҳамда статистик маълумотларни баҳолаш усусларидан унумли

⁷⁶ Old Dominion University, USA (<https://www.odu.edu>).

фойдаланилди. Бундан ташқари, ушбу соҳада ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси таққосланиб, унинг натижалари жадвал ва инфографик шаклларга келтирилган.

Шунингдек, СИ ва замонавий рақамли технологияларни таълим сифатини оширишдаги афзалликлари бўйича дунё олимлари ҳамда тадқиқотчилари томонидан олиб борилаётган илмий изланишларнинг қиёсий таҳлили ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Айни пайтда замонавий рақамли технологиялар, айниқса СИни деярли барча соҳаларга татбиқ этилаётганини кўришимиз мумкин. Уларга мисол сифатида бугунги кундалик ҳаётимизда энг кўп учрайдиган, СИга асосланган ахборот тизимларига:

1. Саёҳат ва навигация – Google, Apple, Yandex ва бошқа кўплаб навигация хизматларини кўрсатувчи провайдерлар ўзлари қабул қилган кўрсаткичларни шарҳлаш учун СИдан фойдаланадилар ва бизга навигация қилишга ёрдам берадиган маълумотларни тақдим этишади.

2. Смартфонлар учун иловалар – Alice, Siri, Alexa ва Google Assistant каби телефонларимизга ўрнатилган ақлли овозли ёрдамчилар кўпчилигимиз биладиган ва ишлатадиган СИнинг энг ёрқин мисоллариdir.

3. Ижтимоий тармоқларнинг янгиликлар тасмаси - Facebook, Twitter, Instagram, Vkontakte ёки бошқа ижтимоий тармоқ иловалари орқали кўраётган маълумотлар, янгиликлар ва постлар асосан машинани ўрганиш⁷⁷га боғлиқдир.

4. Онлайн реклама – бугун биз Интернет глобал тармоғига уланар эканмиз, “Мен ушбу маҳсулотни сотиб олишни ўйлардим” ёки бошқа биз учун керакли маҳсулотларни тақдим этадиган бир неча эълон ва рекламаларга дуч келишимиз мумкин. Ҳозирда бу СИ томонидан амалга оширилмоқда.

5. Ақлли автомобиллар – СИ кундалик ҳаётимизда ўз иштирокини кучайтирадиган яна бир соҳа ақлли автомобиллардир. Бундай автомобилларни мамлакатимиз кўчаларида ҳам ҳаракатланаётганига гувоҳ бўлмоқдамиз.

6. Мусиқа ва видео оқимлари – биз кўрган видео ва эшитган мусиқаларимизга ўхшашибарини таклиф қилиш СИнинг иши бўлиб, у сиз энг кўп тинглайдиган видео ва мусиқаларни кузатиб боради ва у билан боғлиқ таклифларни таклиф қиласди.

7. Ақлли уй – ақлли уйни ишлаб чиқишида СИдан фойдаланиш ҳақида гап кетганда, овозли ёрдамчилар Alice, Alexa, Bixby ва бошқалар ёдга тушади. Бироқ, бу сунъий интеллект иловалари фақат ушбу ақлли ёрдамчилар билан чегараланиб қолмайди. Сабаби ҳозир деярли барча уй жиҳозларида Интернет тармоғига уланиш функциялари мавжуд. Бу эса ўз навбатида исталган иловани яратиш орқали аққли уй концепциясини қуриш имкониятини беради.

8. Ақлли киритиш – ёзиш СИ интеграцияси билан янада қулайроқ бўлади, унда у сўзлар, иборалар ва кулгичларни мунтазам ишлатишингиз ҳамда ёзиш услубингиз асосида башорат қиласди. Бунга мисол сифатида Google Cloud Speech-to-Text, AWS (Amazon Transcribe), IBM Watson ва бошқалар.

9. Хавфсизлик ва кузатув – юзни таниб олиш, биометрик аутентификация, ахборот тизимларига киришни бошқариш, шунингдек СИдан кузатув фаолиятини амалга тобора кўпроқ фойдаланилаётгани маълум.

10. Молиявий хизматлар – банклар технологик ихтиrolарни бошқа соҳаларга қараганда эртароқ қабул қиласиган хизматлардан биридир. Банк иши энди мобил телефонидан транзакцияларни амалга ошириш имконияти ва смарт банк хизматлари сонини кундан-кунга ошириб бормоқда.

Барча мамлакатлarda сўнгги йилларга келиб таълим соҳасига ҳам ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) ни кенг татбиқ этиш бўйича самарали ишлар амалга оширилмоқда. Қуйидаги 1-расмда биз таълим технологияларини ривожланиш босқичларини кўришимиз мумкин.

⁷⁷ Машинани ўрганиш (Machine learning) - бу СИнинг асосий элементи бўлиб, у тизимга маълумотларни қайта ишлаш натижалари асосида қарор қабул қилиш имкониятини беради.



1-расм. Таълим технологияларининг ривожланишиш босқичлари (Таълим 1.0 дан Таълим 4.0 гача)⁷⁸

Юқоридаги расмдан кўрадиган бўлсак, ҳозирги кунда Таълим 4.0 технологияси деярли барча давлатларнинг таълим тизимиға жорий этила бошлади. Шу ўринда Таълим 4.0 нинг синфларда ўқувчи ва талабалар учун асосий ёрдамчи воситалари планшет ҳамда смартфонлардан фойдаланишни ўз ичига олади. Бунда эса ўз навбатида ақлли ва инновацион технологиялардан синфларда фойдаланиш имконияти яратилади. Шунингдек, Таълим 4.0 ўз ичига онлайн баҳолаш, робототехника, СИ, катта маълумотлар (Big Data), виртуал ҳақиқат (Virtual Reality), кенгайтирилган ҳақиқат (Augmented Reality), чатботлар, буюмлар интернети (Internet of things) ва виртуал муҳитларни ўз ичига олади. Таълим 4.0 технологиясининг энг асосий мақсади ўқувчиларга мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълимни жорий этишдан иборат.



2-расм. XXI аср ўқувчилари ўзлаштириши керак бўладиган энг муҳим компетенциялар⁷⁹.

2-расмдан кўришимиз мумкинки, замонавий ўзлаштириши керак бўладиган энг муҳим компетенцияларга ҳам эга бўлиши бугунги кун талаби бўлиб турибди. Бундай кўникмаларни шакллантириш учун ҳам замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланиш муҳим санадлади.

Шунинг учун ҳам, Таълим 4.0 қўйидаги тенденцияларни илгари суради:

- **Таълим исталган вақтда, исталган жойда бўлиши мумкин.** Бунда электрон таълим воситалари масофавий, мустақил равишда ўрганиш имкониятларини таклиф этади.

⁷⁸ https://www.l-cloud.eu/wp-content/uploads/2019/03/Evolution_of_Education.pdf.

⁷⁹ <https://www.aeseducation.com/blog/what-are-21st-century-skills>.

Синфдаги тескари ёндашув синфда интерфаол ўрганиш имконини беришда мұхим роль үйнайды, назарий қисмлар эса дарсдан ташқарида ўрганилиши мүмкін.

- **Ўрганиш индивидуал талабалар учун мослаштирилади.** Натижада ўқувчиларга қийинроқ вазифалар маълум бир ўзлаштириш даражасига эришилгандан кейингина киритилади. Бунда ижобий мустаҳкамлаш ижобий ўрганиш тажрибасини рағбатлантиради, талабаларнинг академик қобилияларига ишончини оширади.

- **Талабалар қандай ўрганишни хоҳлашларини танлаш ҳуқуқига эга бўлишади.** Курснинг таълим натижалари муассасалар томонидан тақдим этилган бўлсада, талабалар ўzlари ёқтирган ўқув воситалари ёки усувларини танлашида эркинлик берилади. Вариантлар орасида аралаш таълим, ўзгарувчан синф ва ўз қурилмаларидан (ноутбук, планшет ёки смартфон) фойдаланиш имконияти яратилади.

- **Талабалар кўпроқ лойиҳага асосланган таълимга йўналтирилади.** Талабалар ўз билим ва кўникмаларини қисқа муддатли лойиҳаларни бажаришда қўллайдилар, бу эса уларга ташкилий, ҳамкорлик ва вақтни бошқариш кўникмаларини амалда қўллаш имконини беради, шунингдек бу усул уларнинг келажакдаги касбий фаолиятларида самара келтиради.

- **Талабалар амалиёт, устозлик лойиҳалари ва ҳамкорликдаги лойиҳаларни ўз ичига олган мұхит тажрибаси орқали кўпроқ амалий ўрганишга эга бўладилар.** Технологиянинг ривожланиши маълум соҳаларни самарали ўрганишга имкон беради, бу одамлар билимлари ва юзма-юз муроқотни ўз ичига олган кўникмаларни эгаллаш учун кўпроқ шароит яратиб беради.

- **Талабалар маълумотларни шарҳлаш билан шуғулланадилар,** бунда улар ўzlарининг технологик ёки ахлоқий билимларини рақамларга қўллашлари ва берилган маълумотлар тўпламидан мантиқ ҳамда тенденциялар асосида хуросалар қилиш учун фикрлаш қобилияларидан фойдаланишлари керак бўлади. Математик саводхонликнинг қўлланма қисми аҳамиятсиз бўлиб қолади, чунки компьютерлар ва СИ статистик таҳлилни амалга оширади ҳамда келажакдаги тенденцияларни башорат қиласди.

- **Талабалар турлича баҳоланади.** Талабаларни баҳолаш учун анъанавий платформа аҳамиятсиз ёки етарли бўлмаслиги мүмкін. Ҳақиқий билимлар ўқув жараёнида баҳоланиши амалга оширилади, билимларни қўллаш эса улар соҳадаги лойиҳалари устида ишлайтганда текширилади.

- **Ўқув режасини ишлаб чиқиш ва янгилашда талабаларнинг фикрлари инобатга олинади.** Талабаларнинг фикрлари ўқув дастурларини ишлаб чиқувчиларга ўқув дастурларини замонавий, долзарб ва фойдали бўлишига ёрдам беради.

- **Талабалар ўз таълим жараёнида мустақил бўлишади.** Бу ўқитувчиларни ўқувчиларни ўрганиш жараёнида бошқарадиган фасилитатор⁸⁰ сифатида янги ролни олишга мажбур қиласди.

Бундан кўриниб турибдики, Таълим 4.0 асосий таълим масъулиятини ўқитувчилардан ўқувчиларга ўтказади, бу ерда ўқитувчилар асосан ўқишни қўллаб-қувватловчи вазифасини бажаради.

Таълим самарадорлигини ошириш, ўқитувчиларга ёрдам бериш, мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълимни жорий этиш учун сунъий интеллект технологияларининг ўрни бекиёсdir. Лекин, талабаларни компьютерлар ёки роботлар томонидан ўқитилиши, ўқитувчилар сонининг қисқариши, таълим жараёнида инсон элементларининг камайиб бориши ижтимоий ва миллий урф-одатларни ёшлар онгига шакллантиришда бошқа муаммоларни юзага келтириши мүмкін. Шунинг учун СИни аосан таълимни бошқариш, ўқувчиларни билимини баҳолашда шаффофликни таъминлаш, уларни ўзлаштириш даражасини таҳлил қиласи, ўқув дастурлари ва контентни яратиш каби жараёнларга татбиқ этиш самарали ҳисобланади.

Таълимда СИнинг афзалликлари ҳақида таниқли олим ва ёзувчи Метю Линч ўзининг “Таълимдаги сунъий интеллектнинг келажаги ҳақида менинг фикрлариш” номли мақоласида ўз қарашларини келтириб ўтган. У СИдан фойдаланган ҳолда мактабларда таълимни ривожлантириш учун баъзи имкониятларни санаб ўтади. Яъни:

- ✓ Ўқувчиларга жавоб берадиган мослашувчан ўқув дастурлари;
- ✓ Ўқитувчиларга энг яхши таълим тадбирлари ҳақида маслаҳат берадиган миллий ва глобал маълумотлар;
- ✓ Мунтазам равишда янгиланиб турадиган рақамли контент;

⁸⁰ Фасилитатор – муваффақиятли гурӯх муроқотини таъминловчи шахс.

✓ Ўқувчиларнинг эҳтиёжлари ва самарадорлигига асосланган мослаштирилган ўқув режалари;

✓ Мактабга хос бўлган башоратли моделлар ва бошқалар.

Шу билан бирга СИ таълим самарадорлигини оширишини баъзи усулларини санаб ўтади:

- “Машинани ўрганиш алгоритмлари” ўқитувчиларнинг дарс жараёнидаги камчиликларни ва талабалар эҳтиёжини аниқлади;
- Талабалар учун мослашувчан ва шахсийлаштирилган таълим бериш;
- Талабалар саволларига 24/7 жавоб берадиган виртуал ёрдамчилар;
- Ақлли таълим платформаси ва рақамли контент;
- Шахсий таълим эҳтиёжларига мослаштирилган дарсликлар ва контент яратиш каби Сининг келажақдаги афзаликкарни санаб ўтган.



З-расм. Таълимда СИнинг асосий роли⁸¹.

Шундай қилиб СИ синфдаги таълимни камайтиrmайди, балки уни кўп жиҳатдан яхшилайди. Унга қуйидагиларни мисол келтиришимиз мумкин:

1. **Шахсийлаштириш** – барчамизга маълумки бир нафар ўқитувчи учун ўз синфидаги ҳар бир талабанинг эҳтиёжларини қандай қондириш кераклигини аниқлаш жуда қийин бўлиши мумкин. СИга асосланган ахборот тизимлари эса ҳар бир талабанинг индивидуал таълим эҳтиёжларига осонгина мослашади ва уларнинг кучли ва заиф томонларига қараб таълимни мақсад қилиб қўйиши мумкин.

2. **Репетиторлик** – СИ тизимлари ўқувчининг ўрганиш услубини ва олдиндан мавжуд бўлган билимларини таҳлил қилиши, унга мослаштирилган таълим, ёрдам ва кўрсатмалар бериш учун қўлланилиши мумкин.

3. **Баҳолаш** – албатта, СИ жавоб калити ёрдамида имтиҳонларни баҳолашга ёрдам беради, шунингдек у талабалар вазифаларни қандай бажарганликлари ҳақида маълумотларни тўплаши ва ҳатто иншолар каби кўпроқ мавҳум баҳолашларни ҳам амалга ошириши мумкин.

4. **Курс сифати бўйича фикр-мулоҳазалар** – масалан, агар кўплаб талабалар саволга нотўғри жавоб беришса, СИ ўқувчиларга етишмаётган аниқ маълумот ёки тушунчаларни таҳлил қилиши, натижада ўқитувчилар материаллар ва усулларни мақсадли яхшилашлари мумкин.

5. **Талабалар учун мазмунли ва тезкор фикр-мулоҳазалар** – баъзи талабалар синфда таваккал қилиш ёки танқидий фикр-мулоҳазаларни олишдан уялишлари мумкин, аммо СИ ёрдамида талабалар ўрганиш жараёнида хатоларни қилишлари ва уни тузатиш учун зарур бўлган фикр-мулоҳазаларни олишлари мумкин.

Юқорида келтирилган мисоллардан кўришимиз мумкинки, таълим жараёнини бир неча хил усулларини СИни татбиқ этиш орқали, унинг сифатини янада ошириш имконияти мавжуд. Шу ўринда, таълим марказларида СИнинг катта потенциали ўқитувчиларнинг зерикарли вазифаларга сарфлаган вақтини мазмунлироқ ўтиши учун қисқартиришга қаратилган. Бундан ташқари таълим тизимидағи маъмурий вазифаларни автоматлаштириш ҳам самарали усул ҳисобланади.

81
Ўқитувчи ва сунъий интеллект ҳамкорлиги

Дифференсиал ва шахсийлаштирилган таълим

Барча талабалар учун универсал кириш

Бошқарув жараёнларини автоматлаштириш

Синфдан ташқари репититорлик ва ёрдам

4-расм. Бернард Марр таъкидлаган СИнинг таълимдаги бешта потенциали⁸².

Марр нега СИ таълимда “катта таъсир” кўрсатаётганини қуидагича таърифлайди, яъни “СИ ўқитувчилар учун таҳдид ёки уларни алмаштириш учун эмас, балки болаларимизга яхшироқ таълим бериш учун татбиқ этилади. Сунъий интеллектга эга тизимларимиз ва ўқитувчиларимиздан энг яхвисини танлаб олиш учун мўлжалланган келажакдаги гибрид моделни яратиб беради” деб таъкидлайди.

Ҳозирги кунга келиб, олий таълим тизимининг қуидаги жараёнларига сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиш мумкин:

- Плагиатни аниқлаш;
- Имтиҳоннинг яхлитлиги;
- Рўйхатдан ўтиш ва сақлаш учун чатботлар;
- Таълимни бошқариш тизимлари;
- Факультет маъruzalарининг транскрипцияси;
- Кенгайтирилган онлайн мунозара кенгашлари;
- Талабалар муваффақияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш;
- Академик тадқиқотлар;
- Масофавий таълим ва бошқалар.

Бундан кўришимиз мумкинки СИ технологияларини нафақат таълим, балки бошқа барча соҳаларга татбиқ этиш орқали юқори самарадорликларга эришиш мумкин. Бунинг учун биринчи навбатда СИ соҳаси бўйича малакали кадрларни тайёрлаш жуда мухим саналади. СИ бўйича диплом олиш талабаларга имкониятларга тўла дунёни идрок этишга ёрдам беради. Чунки СИ дастурлари бўйича энг яхши мактаблар талабаларга мантиқий фикрлаш, маълумотларни таҳлил қилиш, муаммоларни ҳал қилиш ва бошқа машинани ўрганиш усуслари бўйича кўникмаларини оширадиган маъруза ҳамда амалий билимларни олишга ёрдам беради. Бунинг устига, сунъий интеллект дунёси кундан-кунга ўсишда давом этмоқда. Ҳозирги кунда биз замонавий СИ технологиялари билан биргаликда истиқомат қилябмиз ва бу қанчалик узоққа боришини айтиб бўлмайди. Бироқ, бу соҳада мутахассис бўлиш ҳар қандай одамнинг ўзига бўлган ишончини оширади ва ўз карерасида узоқ йўлни босиб ўтиши шубҳасиз. Шу ўринда биз СИ бўйича дунёning энг яхши мактабларини санаб ўтамиз.

Албатта булар қаторида АҚШда жойлашган Массачусет технология университети (Massachusetts Institute of Technology) СИ соҳаси бўйича мутахассис тайёрлашда етакчилик қилмоқда. У дунёдаги энг яхши сунъий интеллект мактабларидан бири бўлиб, бутун дунё бўйлаб фан ва технология ривожига мухим ҳисса қўшмоқда. 2022 йил QS World University Rankings маълумотларига кўра, у дунё миқёсида биринчи ўриндаги энг яхши олий таълим муассасаси ҳисобланади.

Ушбу соҳа бўйича иккинчи ўриндаги энг яхши мактаб Карнеги Меллон университети (Carnegie Mellon University) бўлиб, у соҳа яратилган кундан бошлаб сунъий интеллект бўйича дунёда етакчилик қилувчи жаҳон даражасидаги хусусий тадқиқот университети ҳисобланади. Карнеги Меллон АҚШда 2018 йилда ишга туширилган сунъий интеллект бўйича бакалавр дастурини таклиф қиласиган биринчи университетdir.


Учинчи ўринда Буюк Британияда жойлашган Оксфорд университети (University of Oxford) турибди. Барчамизга маълумки ушбу университет дунёда энг қадимги иккинчи олий таълим муассасаси ҳисобланади. У дунёда етакчи бўлган биринчи даражали академик дастурларни таклиф қилиб, 2022 йил QS World University Rankings маълумотларига кўра, у дунё миқёсида 2-ўринни эгаллайди.

СИ соҳаси бўйича энг яхши мутахассисларни тайёрлайдиган мактабларнинг тўртинси ўринини Лондон университет коллеки (London University College) эгаллаб турибди. У дунёдаги етакчи давлат тадқиқот университетларидан бири сифатида танилган ва 2022 йил QS World University Rankings рейтингида 8-ўринни эгаллаган. Шунингдек, ушбу таълим муассасаси соғлиқни сақлаш фанларидан тортиб мұхандислик, санъат ва гуманитар фанларгача бўлган турли фанлар бўйича нуфузли тадқиқот дастурларини таклиф қиласиди.

⁸² <https://bernardmarr.com/how-is-ai-used-in-education-real-world-examples-of-today-and-a-peek-into-the-future>.

Кембриж университети (University of Cambridge) дунёдаги энг яхши СИ мактабларидан бири ҳисобланади. Бу энг юқори таълим стандартлари бўйича кўплаб нуфузли академик ва тадқиқот дастурларини таклиф қиласиган дунёдаги етакчи тадқиқот университетидир. 2022 йил QS World University Rankings маълумотларига кўра, у дунёдаги энг яхши З-ўринни эгаллайди. Кембриж университети математиклар, олимлар, сиёсатчилар, ҳукуқшунослар, журналистлар ва муҳандисларни ўз ичига олган турли касбларда кўплаб глобал лидерларни етишириб келмоқда.

Бундан ташқари, Стенфорд, Гарвард ва бошқа дунёнинг етакчи университетлари СИ соҳаси бўйича энг яхши мутахассисларни тайёрлашда етакчилик қилиб келишмоқда. Шу ўринда Ўзбекистондаги олий таълим муассасаларида ҳам СИ бўйича бакалавриат, магистратура ва докторантуратада таълим дастурлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш йўлга кўйилган бўлиб, ушбу соҳа вакилларининг сони кундан-кунга кенгайиб бормоқда.



5-расм. 1996-2022 йиллар мобайнида СИ соҳаси бўйича энг кўп илтадқиқотлар ўтказган давлатлар⁸³.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтишимиз лозимки, таълим жараёнига замонавий рақамли технологиялар, айниқса СИни татбиқ этиш натижасида қўйидагиларга эришилади:

- ўқувчилар ва талабалар билимини баҳолашда шаффофлик;
- ҳар бир ўқувчи учун мослаштирилган ва шахсийлаштирилган таълимни жорий этиш;
- вақт ва харажатларнинг тежалиши натижасида иш самарадорлиги оширилади;
- сунъий интеллект ва катта маълумотлардан (Big Data) фойдаланиш орқали тез ва тўғри қарорлар қабул қилинади;
- ақлли рақамли контентни яратиш;
- ўқитувчи ва талабалар учун виртуал ёрдамчиларни яратиш;
- ақлли чатботлар;
- статистик ва таҳлилий маълумотларни автоматик тайёрлаш;
- юзни таниб олиш орқали ҳаракатларни бошқариш;
- ота-оналар учун фарзандларини кунлик ўзлаштириш даражасини онлайн таҳлил қилиб бориш;
- таълим жараёнини бошқариш ва бошқа кўплаб самарадорликларга эришиш имкониятини яратиб беради.

Демак, СИ технологияларини таълим жараёнига татбиқ этиш ўқитувчи ва ўқувчилар учун қўйидаги афзалликларни беради десак муболага бўлмайди.

Ўқувчилар учун СИнинг афзалликлари:

Ўзини-ўзи ўқитишиш – одатда ўқувчилар кўп вақтини смартфонлар ва планшетлардан фойдаланишга сарфлашади. Шунингдек вазифаларни ҳам мобил қурилмалар орқали бажаришни афзал кўришади. Шу сабабли СИга асосланган иловалар уларнинг бўш вақтларида вазифаларни бажариш учун 10-15 дақиқа ажратишига ёрдам беради. Бундан

⁸³ <https://www.scimagojr.com/countryrank.php?category=1702>.

ташқари ўқувчилар бундай иловалар ёрдамида реал вақт режимида ўқитувчилари билан виртуал алоқа қилиш имконини ҳам беради;

Шахсийлаштирилган таълим – СИга асосланган ечимлар ўқувчининг билим даражасига, қизиқишларига ва унинг имкониятларига мослашиши мумкин. Тизим ўқувчиларнинг билим олишдаги заиф томонларини аниқлаб, уларга ёрдам беришга интилади. Масалан, бирон бир ўқув дастуридан фойдаланишини бошлашдан олдин ўқувчи диагностика тестидан ўтади ҳамда илова жавобларни таҳлил қилиб, унга мос ўқув материалларини тақдим этади.

Профессор-ўқитувчилар учун СИнинг афзалликлари:

Ўқувчиларнинг билимларини баҳолаш – бунда СИ ўқув машғулоти давомида ўқувчиларнинг ўзлаштиришдаги камчиликларини аниқлаш имконини беради. Масалан, ўқувчиларнинг 50% дан ортиғи саволларга нотўғри жавоб берадиган бўлса, СИ иловаси ўқитувчини хабардор қилиши ва унга таҳлилий материаллар тайёрлаб бериши мумкин;

Ўқувчиларнинг дарсларга қизиқишини ошириш – виртуал ҳақиқат⁸⁴ иловалари ва турли хил викториналар орқали ўқувчиларни дарс машғулотларига қизиқишини оширади. Шунингдек уларнинг амалий машғулотларига кўмаклашиб, дарсларни янада интерактив бўлишини таъминлайди;

Шахсийлаштириш – СИни қўллаб-қувватлайдиган турли хил алгоритмлар ўқувчиларнинг билим ва қизиқишларини таҳлил қилиши, уларга мос материалларни тақдим этиши, ўқув дастурларини мослаштириши ҳамда ўқитувчининг ўрнига саволларга жавоб бериши мумкин;

Ўқув дастурларини автоматик ишлаб чиқиш – одатда ўқитувчилар СИни ривожланишидан кўпроқ самара оладилар. Чунки улар СИ ёрдамида ҳисботларни, ўқув дастури ва бошқа турли хил материалларни тайёрлаш ҳамда қидиришга камроқ вақт сарфлашади. Натижада ўқитувчиларнинг ўзлари устида ишлаши учун қўшимча имкониятлар яратилади.

Бундан кўриниб турибдики СИ технологиялари таълим муассасаларининг ташкилий, ўқув, илмий-тадқиқот ва бошқа фаолиятларига татбиқ этиладиган бўлса, малакали кадрларни тайёрлаш бўйича кўплаб муаммоларга рақамли ечимлар топиш имкониятини яратиб беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги “«Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6079-сон фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 февралдаги “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4996-сонли қарори.

3. B.Himmetoglu, D.Aydog, C.Bayrak (2020). “Education 4.0: defining the teacher, the student, and the school manager aspects of the revolution”. Turkish Online Journal of Distance Education-TOJDE, July 2020. ISSN 1302-6488, Pp. 12-28.

4. H. Crompton, D. Song. (2021). “The Potential of Artificial Intelligence in Higher Education” - Editorial | Revista Virtual Universidad Católica del Norte, Volume 62, ISSN: 0124-5821, Pp. 1-4.

5. R.Ghnemath, A.Shaout, M. Al-Sowi (2022). “Higher Education Transformation for Artificial Intelligence Revolution: Transformation Framework”. International Journal of Emerging Technologies in Learning, Vol-17: 2022, DOI: <https://doi.org/10.3991/ijet.v17i19.33309>. Pp. 224-241.

⁸⁴ Виртуал ҳақиқат - реал дунёга ўхшаш ёки ундан бутунлай фарқ қилиши мумкин бўлган симуляция қилинган тажриба ҳисобланади.

Ключевые принципы «Good Governance» и факторы, влияющие на эффективность их применения в государственном управлении

Хурлиман МАРАТОВА,
Докторант Академии государственного управления
при Президенте Республики Узбекистан

Аннотация: В статье анализируются основные принципы концепции good governance, в частности верховенство права, прозрачность, оперативность, ориентация на консенсус, справедливость и инклузивность, эффективность и результативность, подотчетность и участие. При этом автор определил, основные факторы, препятствующие эффективному управлению, а именно коррупция, бюрократия и административные барьеры и др., негативно сказываются на обеспечении эффективности их использования в государственном управлении. В заключение автор приходит к выводу, что хорошо управляемая и целенаправленная стратегия и системы могут улучшить управление в целом, повысить стабильность государственных систем и их способность предоставлять достойные услуги гражданам.

Ключевые слова: эффективность, государственное управление, Good Governance, коррупция, бюрократия, цифровое правительство, человеческий капитал, компетенции государственных служащих.

Аннотация: Мақолада good governance концепциясининг асосий тамоиллари, хусусан, қонун устуворлиги, шаффоффлик, самарадорлик, консенсусга йўналтирилганлик, адолатлилик ва инклузивлик, жавобгарлик ва иштирок этиш таҳлил қилинган. Шу билан бирга, самарали давлат бошқарувига тўсқинлик қилувчи асосий омиллар, яъни коррупция, бюрократия ва маъмурий тўсиқлар ва бошқалар ўрганилган. Хулоса қилиб, муаллиф яхши бошқариладиган ва мақсадли стратегия ва тизимлар давлат бошқарувини такомиллаштириш, давлат тизимлари барқарорлигини ва уларнинг фуқароларга муносиб хизматлар кўрсатиш имкониятларини ошириши мумкин деган хулосага келади.

Калит сўзлар: самарадорлик, давлат бошқаруви, Good Governance, коррупция, бюрократия, рақамли ҳукумат, инсон капитали, давлат хизматчиларининг компетенциялари.

Шунингдек “инновацион стратегия бу жамият ривожланиши йўналишига мувофиқ технологияларда ҳам, технологияларни бошқаришда ҳам янгиликлар киритишни танлаш ва амалга ошириш тизимларини ўзгартириш жараёнини белгилаб берадиган қоидалар ва меёrlар тўпламидир” [18] деб таъкидлаган иқтисодчи олима Х.М.Абдулсаттарова. Ушбу таърифда юкорида келтирилган тижорат банкларининг инновацион бошқариш усуслари таркидида инновацион стратегия ҳам киритилган албатта ҳар бир жарённи амалга оширишда стратегияни олдиндан белгилаб олиниши мақсадга мувофиқдир. Кейинги расмда ҳам банк тизимида стратегияни ўрни кўрсатиб ўтилган.



4-расм. Инновацион фаолият бўғинлари[16].

Ушбу расмда инновацион фаолият бўғинлари келтирилган бўлиб, бирламчи бўғинда методология, стратегия ва бошқариш асосий ўрин эгаллаган бўлиб, иккиламчи бўғинда ноу-хау, инвестиция ва техника-технологиялар орқали амалга ошириш келтириб ўтилган. Бирламчи ва иккиламчи бўғинларни узвий фаолияти орқали инновацион маҳсулот яратилади. Асосий мақсад инновацион маҳсулот яратиш ҳисобланади. Бунга эришишда барча омилларни узвийлигини таъминлаш лозим.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш мумкинки, яхши ғояларни инновацион технологиялар асосида бошқариш имконини яратиш учун банк ходимлари таркибига IT соҳасида чуқур

билимга эга кадрларни жалб қилиш улар зиммасига янги дастурларни ишлаб чиқиш, жорий этиш вазифаларини юклатиши, хорижда малакасини ошириш имконини яратиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга инновацион хизматлар таркибига хориж тажрибасини ўрганган ҳолда мамлактимиз иқтисодиётига хос тарзда янги хизмат турларини жорий этиш орқали банкнинг актив ва пассив операциялар кўламини такомиллаштириш имконига эришамиз.

Келгусида инновация соҳасидаги тадқиқотлар тўртта босқичга бўлиб даврийлаштириш;

инновация назарияси муқобил ва классик назарияларга бўлиб ўрганиш;

тижорат банкларини инновацион бошқаришнинг замонавий усуллари жорий этиш;

инновацион бошқариш пирамидасини тижорат банклар фаолиятида қўллаш;

инновацион бошқариш пирамидасини бошқариш усуллари ва инновацион фаолият бўғинларини банклар фаолиятига жорий этиш орқали банк тизимини инновацион бошқариш жараёнларини такомиллаштириш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. <https://pv.uz/uz/news/opredeleny-zadachi-po-povysheniju-investitsionno-aktivnosti-bankov>.
2. https://www.researchgate.net/publication/324544671_the_innovative_activity_of_the_banks
3. Schumpeter JA (1939) Business Cycles.
4. Кузнец С. Современный экономический рост: результаты исследований и размышлений. Нобелевская лекция / Нобелевские лауреаты по экономике: взгляд из России; под ред. Ю.В. Яковца. СПб.:Гуманистка, 2003. 966 с.
5. Балабанов И.Л. Инновационный менеджмент. Спб.: Питер, 2001.
6. Борисов А.Б. Большой экономический словарь. М.: Книжний мир, 2000.
7. Кантарович Л.В. Системный анализ и некоторый проблемы научно-технического прогресса: Диалектика и системный анализ.М.: Наука,1986
8. Фатхутдинов Р.А.Инновационный менеджмент. СПб.: Питер. 2004
9. Davenport T.H. (2013). Process innovation: reengineering work through information technology. Harvard Business Press.
10. DeYoung R (2001) The Financial Performance of Pure Play Internet Banks. Econ Perspectives 25: 60-75.
11. Hobe I., Alas R. (2016) A Financial Innovation Management Model For Banks. J Manage p: 138-155.
12. Иқтисодий адабиётлар асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.
13. Abaenewe ZC, Ogbulu OM, Ndugbu MO (2013) Electronic Banking and Bank Performance In Nigeria. West Afric Industrial Academic Res 6: 171-187.
14. https://adu.uz/fayl/2020/05/Конференция_умумий_маколалар_2020_15_май.pdf.
15. Муаллиф ишланмаси.
16. X.M.Abdusattarova. «Innovatsiya strategiyasi» –O` quv qo`llanma-T.:TDIU, 2011. 280-bet.

ХУДУДЛАРДА ИНВЕСТИЦИЯ МУҲИТ ЖОЗИБАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАРУРИЯТИ: ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР ВА ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Мухамаджанов Шахриёр Солижон ўғли
Тошкент молия институти мустақил изланувчиси
E-mail: shaxri_7700@list.ru

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакат ва худудларнинг инвестиция мұхити жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таснифи ўрганилган, шунингдек, халқаро ташқилотлар томонидан аникланған Мустақил Давлатлар Ҳамдүстлиги давлатларининг иқтисодий эркинлик индекси кўрсаткичлари таҳлили қилинган.

Таянч сўзлар: инвестиция, инвестиция мұхити жозибадорлигини, инвестицион мұхит, иқтисодий эркинлик индекси.

Аннотация. В данной статье изучены факторы, влияющие на привлекательность инвестиционной среды стран и регионов и их классификация, а также проанализированы показатели индекса экономической свободы Содружества Независимых Государств, определяемые международными организациями.

Ключевые слова: инвестиции, привлекательность инвестиционной среды, инвестиционная среда, индекс экономической свободы.

Abstract. This article examines the factors that affect the attractiveness of the investment environment of countries and regions and their classification, as well as analyzes the indicators of the index of economic freedom of the Commonwealth of Independent States, determined by international organizations.

Key words: investments, attractiveness of the investment environment, investment environment, index of economic freedom.

Кириш

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, худудларга инвестицияларни жалб этишдаги асосий мезонлардан бири – инвестиция мұхитини яхшилаш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, худудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқариш кучларини қулай тарзда жойлаштириш орқали ишбирламонлик мұхитини ривожлантириш ҳисобланади. Бу борада, яратилган қулай инвестиция мұхитининг жозибадорлигини баҳолаш натижаларига кўра ҳар қандай инвестор ўзининг молиявий ресурсини ҳудудий ва тегишли тармоқ иқтисодиётига йўналтириш борасида қарор қабул қиласди. Айнан инвестиция мұхити жозибадорлигини баҳолаш натижалари худудларда инвестиция фаоллигини таъминловчи мұхим омиллардан биридир.

Ривожланган ва ривожланаётган давлатлар тажрибасидан маълумки, худудларга инвестицияларни жалб этишдаги асосий мезонлардан бири – инвестиция мұхитини яхшилаш, унинг жозибадорлигини таъминлаш, худудлардаги ишлаб чиқариш инфратузилма тармоқлари ва ишлаб чиқариш кучларини қулай тарзда жойлаштириш орқали ишбирламонлик мұхитини ривожлантириш ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Тадқиқот мавзуси доирасида “инвестиция мұхити” тушунчасини кўриб ўтамиз. Ушбу йўналишда, қатор хориж иқтисодчи-олимлари, жумладан: Ж.Д.Дэниелс ва Л.Х.Радеба кабилар “инвестиция мұхити” тушунчасини “бизнес мұхити” тушунчасига нисбатан ўзаро синоним сифатида баҳолаб, ўтган асрнинг 70-80-йиллардаги трансмиллий корпорациялар (ТМК) ҳозирда “бизнес мұхити” талабларига мослашув шартларини кўчириб олишга улгуришганликларини таъкидлайдилар [1].

А.М.Басенко, П.В.Тарановларнинг илмий-тадқиқотларида “инвестиция мұхити” ҳамда “инвестиция иқлими” каби терминологик жиҳатларга капитални қўйиш давомидаги

рисклилик даражаси, аниқ режа қилинган объектга нисбатан инвестиция киритишдаги жозибадорлиги даражасини шакллантирувчи ички ва ташқи шарт-шароитлар, қулайликлар сифатида ёндашилганилигини гувоҳи бўламиз [2].

Ш.Мустафақуловнинг таъкидлашича, “мамлакатнинг интеграл инвестицион жозибадорлиги – бу мамлакатнинг хўжалик ривожланиш шароитларини тавсифловчи ва ундаги инвестицион фаолликнинг шаклланишига ижобий ёки салбий таъсир кўрсатадиган объектив ижтимоий-иқтисодий, табиий-географик ва экологик кўрсаткичларнинг умумий даражасидир” [3].

З.Т.Мамадияров, Ф.С.Махмудовларнинг қайд этишича, инвестиция муҳити жозибадорлиги мамлакат ёки алоҳида олинган тармоқ инвестицияларининг даромадлилиги, инвестиция муҳити, инфратузилма, ривожланиш истиқболлари ва инвестиция риски даражаси нуқтаи назаридан баҳоланишидир. Инвестиция жозибадорлиги мамлакат инвестиция салоҳияти ва инвестиция риски даражасининг бир вақтда таъсир этиши орқали аникланади. Бу каби кўрсаткичларга баҳо бериш орқали инвестицияларнинг мақсадга мувофиқлиги ҳамда жозибадорлигини аниқлаш мумкин бўлади. Инвестиция риски даражаси инвестиция муҳитига тўғридан-тўғри боғлиқдир [4].


Тадқиқот методологияси

Мазкур тадқиқотимизда мамлакат ва ҳудудларнинг инвестиция муҳити жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар ва халқаро ташкилотларнинг “Иқтисодий эркинлик индекс” кўрсаткичлари таҳлил қилинган.

Мақола мавзусини ёритишида статистик маълумотларни таққослаш ва таҳлил қилиш, мантиқий фикрлаш, маълумотни гурухлаш, анализ ва синтез усусларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Мамлакатимизга жалб қилинаётган хорижий инвестициялар миқдор жиҳатдан ортиб бораётганига қарамасдан, уларнинг таркибидаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар улуши камлигича қолмоқда. Шунингдек, республикага чет элдан ўзлаштирилаётган маблағлар таркибида кредитларнинг улуши ҳам салмоқли ортиб бормоқда. Бошқача айтганда, сўнгги йилларда хорижий инвестицияларнинг ўсиши асосан давлат кафолати остида кириб келаётган маблағлар ва халқаро молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига юз бермоқда. Ушбу ҳудудларда иқтисодиётнинг рақобатдошлигини ошириш, инвестиция муҳитини яхшилаш, инвестиция рискларини камайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш орқали инвесторларнинг иқтисодиётимизга бўлган тўлиқ ишончини шакллантиришни тақозо этади [5].



1-расм. Худудларда инвестиция мухит жозибадорлигини оширишнинг зарурияти [5]

1-расмда худудларда инвестиция мухит жозибадорлигини оширишнинг зарурияти акс эттирилган бўлиб, биз тадқиқот давомида худудлар миқёсида ва умуман инвестиция мухити ҳамда унинг жозибадорлигини таъминлашнинг зарурияти, унинг ижобий самарасини қўйидаги 3 та мухим йўналишда ифолаладик, яъни:

1) Инвестицион қарорлар қабул қилиш йўналиши. Мазкур йўналишда, таъкидлаш керакки, ҳар бир инвесторлар (маҳаллий ёки хорижий инвестор бўлишидан қатъий назар) қўйидаги жиҳатларни баҳолаган ҳолда инвестиция киритиш ҳақида қарор қабул қиласди:

- ишлаб чиқариш инфратузилмаси ривожланганлик даражасини таҳлил этиш;
- иқтисодиётнинг “эркинлик”, “талаб ва таклиф” қонунларига риоя этилишининг таъминланганлик даражаси;
- инвестиция учун қонуний кафолатларнинг амал қилиши;
- ҳудудий иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси;
- қулай географик жойлашув, логистик имкониятлар: “landlocked” давлатлар, портлар, темир йўллар, автомагистраллар, авиақатновлар, логистик марказлар.

2) Инвестициялар фаоллигини таъминлаш йўналиши. Бу борада, жалб этилган инвестиция қўйидаги мухим жиҳатларга ўзининг ижобий самарасини ва таъсирини кўратиши сабабли долзарб аҳамиятга эгадир:

- худудларнинг истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ва соҳалари учун инвестицияларни жалб этиш;
- иқтисодий “санация”га мухтоҷ тамоқларни “инвестициялаш” орқали иқтисодий фаолиятни тиклаш;
- инвестицион “драйвер”ларни аниқлаш, шакллантириш ва ривожлантириш;
- қулай ишбилармонлик ва тадбиркорлик мұхитини шакллантириш;
- “Давлат-хусусий шериклик” механизми орқали ижтимоий шароитларни яхшилаш;
- реинвестиция фаолиятининг фаоллашуви.

3) Инвестицион имиджни яхшилаш йўналиши. Ушбу йўналишда инвестиция мұхитининг яхшиланиши натижасида мамлакат ва худудий даражадаги “инвестицион имиджи” шаклланади ва буни қўйидагилар орқали кўриш мумкин:

- Мазкур йўналишда инвестиция мұхитининг яхшиланиши натижасида халқаро рейтингларда худудлардаги инвестиция мұхитининг ривожлантирилганлигини сабаби мамлакатнинг ишлабилармонлик мұхити борасидаги позицияларнинг яхшиланиши кузатилади. Ушбу халқаро индеслар тоифиаларига қўйидагиларни келтириш ўринли:

а) Жаҳон иқтисодий форуми (World Economic Forum) томонидан мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий кўрсаткичлари орқали баҳоланадиган “Глобал рақобатбардошлик индекси – Global Competitiveness Report”;

б) АҚШда жойлашган Kearney глобал бошқарув консалтинг компанияси томонидан инвестиция мұхитига таъсир этувчи омиллар асосида ҳар бир давлатнинг келгуси даврда ривожланиш имкониятлари асосида баҳоланувчи “Kearney тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ишонч индекси – The Kearney Foreign Direct Investment Confidence Index”;

в) Швейцариянинг Менежментни ривожлантириш институти томонидан Мамлакатларнинг корхоналар барқарор қиймат яратиши мумкин бўлган мұхитни шакллантириш имкониятларини баҳолаш натижасида эълон қилинадиган “Жаҳон рақобатбардошлик рейтинги – World Competitiveness Ranking”;

г) Бирланган Миллар Ташкилоти (БМТ)нинг Саноатни ривожлантириш ташкилоти (United Nations Industrial Development Organization – UNIDO) томонидан дунё давлатларида рақобатбардош товарлар ишлаб чиқариши ва экспорт қилиш имкониятларини баҳолаш натижалари асосида тузиладиган “Рақобатбардош саноат унумдорлиги индекси – Competitive Industrial Performance”;

д) Жаҳон банки (World Bank Group) томонидан мамлакатлардаги бизнесни юритиш учун қулай ҳуқуқий мұхитнинг яратилганлигини баҳолан натижалари кўра эълон қилинадиган “Бизнесни юритиш индекси – Doing Business Index”;

е) Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (The Organisation for Economic Co-operation and Development (OECD)) томонидан иқтисодий соҳалардаги инвестицияларга нисбатан қонуний чекловларни ўрганиш ва баҳолаш натижалари асосида тузиладиган Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар учун тартибга солиш чекловлари индекси – FDI Regulatory Restrictiveness Index;

ё) 1957 йилда АҚШда нотижорат, нодавлат тадқиқот муассасаси сифатида зўравон можароларнинг олдини олиш ва барқарор ҳавфсизликни таъминлаш учун тадқиқотларни олиб бориши мақсадида ташкил этилган Тинчлик учун жамғармаси (The Fund for Peace) ўрганилаётган давлатда истиқомат қилаётган инсонлар ва фаолият юритаётган компаниялар учун мавжуд ҳавфлар даражасини баҳолаш орқали эълон қилинадиган “Давлатларнинг фаолиятсизлик индекси – Fragile States Index”;

з) 1973 йилда АҚШда ташкил этилган Мерос жамғармаси (Heritage Foundation) томонидан мамлакатлардаги иқтисодий эркинлик даражасини ўрганиб, натижалари юзасидан эълон қилинадиган “Иқтисодий эркинлик индекси – Index of Economic Freedom”;

- хорижий ва маҳаллий инвесторларнинг “ишончини қозониш”;
- инвестициялар учун “суғурта” ва “фойда олиш” тасаввурини шакллантириш.


Тадқиқот натижаларининг мұхокамаси

Heritage Foundation (“Мерос” жамғармаси, АҚШ) томонидан “Иқтисодий эркинлик индекси – 2022” навбатдаги ҳисоботи эълон қилинди. Ҳисоботда Ўзбекистон 177 та мамлакатлар орасида 55,7 балл (сўнгги ҳисоботга кўра рейтинг баҳоси - 2,6 баллга пастлади) билан 117-ўринни эгаллаган. Индекс методологиясига мувофиқ, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан эркин бўлмаган мамлакатлар гурухида қолди. 2- ва 3-расмларга мувофиқ, Жамғарма томонидан эълон қилинган ҳисоботда жумладан қўйидагилар таъкидланади:


“Ўзбекистоннинг иқтисодий эркинлик кўрсаткичи 55,7 балл бўлиб, иқтисодиёти 2022 йил индексида 117-ўринни эгаллади. Ўзбекистон Осиё-Тинч океани минтақасидаги 39

давлат орасида 25-ўринни эгаллаб, умумий кўрсаткичи минтақавий ва жаҳон ўртача кўрсаткичларидан паст". Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги беш йил ичидаги кучли ўсди, 2020-йилни ҳисобга олмагандаги, ўсиш ижобий бўлса-да, суст эди. Иқтисодий эркинлик худди шу даврда ривожланган. Инвестицион эркинлик ва молиявий эркинлик бўйича кўрсаткичларнинг катта ўсиши қонун устуворлиги бўйича кўрсаткичларнинг пасайишини ортда қолдирган ҳолда, Ўзбекистон 2017-йилдан бўён иқтисодий эркинлик бўйича умумий ўсиш 3,4 баллни қайд этди ва "Асосан эркин бўлмаган" мамлакатларнинг ўрта қаторидан жой олди. Молиявий саломатлик мустаҳкам, аммо ҳукуматнинг яхлитлиги ва суд тизимининг самарадорлиги заиф томонларини кўрсатади. COVID-19 таъсири: 2021 йил 1 декабрь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда 1406 нафар ўлим пандемия билан боғлиқ бўлиб, ҳукуматнинг инқирозга муносабати жиддийлиги бўйича ушбу индексга киритилган мамлакатлар орасида 140-ўринни эгаллади. Иқтисодиёт 2020 йилда атиги 1,6 фоизга ўсди" [6].


Қонун устуворлиги



Тартибга солиш самарадорлиги




Давлат аралашуви даражаси Бозорларнинг очиқлиги



2-расм. Ўзбекистоннинг "Иқтисодий эркинлик индекси – 2022"даги ўрни [6]

Индекс методологиясига киритилган ўзгартиришлар натижасида барча МДҲ давлатлари рейтингида баллар қийматининг пасайиши қайд етилган ва фақат икки давлат (Молдова ва Туркманистон) ўз позицияларини яхшилаган.



З-расм. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) давлатларининг “Иқтисодий эркинлик индекси – 2022”даги ўрни [6]

- **Қонун устуворлиги борасида:** Барча қишлоқ хўжалиги ерлари давлатга тегишли, аммо қишлоқ хўжалигига оид бўлмаган ерлар хусусийлаштирилиши мумкин. Гарчи кўчмас мулкка эгалик хуқуки одатда ҳурмат қилинса-да, коррупция кенг тарқалганлиги сабабли мулк хуқуқларини та’минлаш жуда қийин. Суд тизими мустақил, лекин ҳукумат аралашуви ва коррупция кенг тарқалган. Бюрократияда пулхўрлик ва порахўрлик кенг тарқалган;

- **Давлат аралашуви даражаси борасида:** Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг энг юқори ставкаси 22 фоизни, корпоратив солиқнинг энг юқори ставкаси эса 7,5 фоизни ташкил қилади. Бошқа солиқларга қўшилган қиймат ва мулк солиг‘и киради. Умумий солиқ юки умумий ички даромаднинг 19,6 фоизини ташкил қилади. Охирги уч йилда давлат харажатлари умумий ишлаб чиқаришнинг (ЯИМ) 27,0 фоизини, бюджет тақчиллиги эса ЯИМнинг ўртача 0,6 фоизини ташкил этди. Давлат қарзи ЯИМнинг 37,9 фоизига тенг.

- **Тартибга солиш самарадорлиги борасида:** Давлат органлари ва юридик шахслар фаолиятини текшириш мақсадида Коррупсияга қарши курашиб агентлиги ташкил этилди. “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги қонунда ўзини-ўзи иш билан таъминловчилар ва ишсизларнинг илгари э‘лон қилинмаган қонуний хуқуқлари белгиланган. 2017-йилдан бери асосий озиқ-овқат (ун ва нон) ва ёқилғи, жумладан, кўпгина товар ва хизматлар нархлари либераллаштирилди. Коммунал хизматлар тарифлари кўтарилди, лекин тартибга солинди ва харажатларни қоплаш даражасидан паст.

- **Бозорларнинг очиқлиги борасида:** Ўзбекистонда тўртта имтиёзли савдо шартномаси амал қилади. Оддий ўртача тариф ставкаси 4,7 фоизни ташкил этади ва тарифсиз тўсиклар қатламлари савдога янада тўскىнлик қилади. Ўзбекистон Жаҳон савдо ташкилотига аъзо эмас. Умумий инвестиция режимини такомиллаштириш, шу жумладан давлат корхоналарини хусусийлаштиришга розилик бериш чора-тадбирлари қабул қилинди. Молия сектори модернизатсия қилинди, бироқ давлат банклари устунлигича қолмоқда.

Ушбу жиҳатлар асосида айтиш мумкин, “инвестиция мухити макроиқтисодиёт даражасида икки томонлама, яъни инвестор ва аниқ давлат органлари, хўжалик субъектлари ўртасидаги муносабатларда ўз аксини топади. Инвестиция мухити ҳар қандай аниқ вақт учун объектив ҳолат бўлиб, капитал қўйиш учун мавжуд шароитларнинг мажмуасини ўзида қамраб олади. Лекин инвестиция мухити давлат органларининг бошқариш фаолияти таъсирида шакл-ланади. шунинг учун давлатнинг инвестиция сиёсати энг асосий омиллардандир. шу маънода ҳар бир давлат капитал импорт қилишда ўзининг аниқ капитал қабул қилиш тизимига эга бўлади. капитал қабул қилиш тизими бу хорижий капиталга нисбатан давлат сиёсатининг ва қонунларининг, меъёрий ҳужжатларининг мажмуасидир [7].

- хорижий инвестицияларга нисбатан давлат сиёсати;
- ҳалқаро шартномаларга амал қилиш;
- давлатнинг иқтисодиётга аралашиш даражаси;
- ҳалқаро шартномаларда иштирок этиш тизими;
- давлат бошқаруви ишларининг самарадорлиги;
- сиёсий барқарорлик;
- конун устуворлиги.

Ташқи ва ички сиёсий омиллар



- иқтисодиётнинг умумий ҳолати (ривожланиш ёки инкироз);
- инфляция даражаси, валюта курси барқарорлиги;
- турлича солик, бож тўловларидағи имтиёзлар;
- ишчи кучи қиймати ва ишчи кучидан фойдаланиш тартиби;
- аниқ товарларга бўлган талаб ва таклиф;
- ҳом ашё билан таъминланганлик;
- кредитнинг баҳоси
- иқтисодиётнинг рақамлаштирилганлик даражаси.

Ташқи ва ички иқтисодий омиллар



- хорижий капиталга ва хусусий мулкка жамият аъзоларининг муносабати;
- жамиятнинг мафкуравий ва иқтисодий билим даражаси;
- ишчи синфининг ташкилотчилиги;
- жаҳондаги сиёсий-ижтимоий вазият ва жараёнлар.

Ташқи ва ички ижтимоий омиллар



4-расм. Мамлакат ва ҳудудларнинг инвестиция мұхити жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар [Муаллиф ишланмаси]

4-расмда келтирилган мамлакат ва ҳудудларнинг инвестиция мұхити жозибадорлигига таъсир этувчи омиллар тасниф асосида айтиш мүмкінки, Республика ҳудудларида ва улардаги иқтисодиёт тармоқларида инвестицияларни жалб этишни янада фаоллаштириш мұхим ақамиятга эга бўлиб, бу борада хорижий ва маҳаллий инвесторларга кўмаклашиш ва қонуний ҳуқуқлари юзасидан кафолатларни таъминлаш учун уларга инвестиция, солик тизими ҳамда божхона тўловлари соҳаларида кўзда тутилган маълум имтиёзларни тақдим этиш, имтиёзларнинг самарадорлигини таъминлаш, қулай ишбилармонлик шарт-шароитлари ва кафолатлар тизими бўйича аниқ механизм зарур.

Хулоса

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимиз ва унинг ҳудудларида қулай инвестиция мұхитини ривожлантириш, инвестиция мұхити жозибадорлигини янада оширишда инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришнинг бозор механизмларидан кенг фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Яъни инвестицияларни фонд бозори орқали, венчурли молиялаштириш, лизинг, синдициялаштирилган кредитларни кенг жалб этиш орқали инвестиция мұхитини яхшилаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Дэниэлс Дж.Д., Радеба Л.Х. Международный бизнес: внешняя среда и деловые операции. 4-е.изд. – М.: Дело ЛТД, 2014. 438 с.
2. Басенко А.М., Таранов П.В. Особые экономические зоны как институциональный инструмент мобилизации инвестиционно-финансового потенциала территориального развития // Финансовые исследования. 2016. №1 (50).
3. Ш.И.Мустафакулов. Инвестицион мұхит жозибадорлиги. Т.:Baktria press, 2017 – 18-б.
4. З.Т.Мамадияров, Ф.С.Махмудов. Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос жиҳатлари. <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/484>
5. Валиев Б. Инвестиция стратегиясини ишлаб чиқиш ҳудудларда инвестицион фаолликни ошириш асоси. "UzBridge" электрон журнали. 2-сон октябрь, 2019 йил 47-58 саҳифалар
6. Heritage Foundation ("Мерос" жамғармаси, АҚШ) томонидан "Иқтисодий эркинлик индекси – 2022" навбатдаги ҳисоботидан <https://www.heritage.org/index/country/uzbekistan>
7. Мамадияров З.Т., Махмудов Ф.С. Мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга таъсир этувчи омилларнинг ўзига хос жиҳатлари. <https://www.econferencezone.org/index.php/ecz/article/view/484>

ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТЛАШ АМАЛИЁТИНИНГ ЖОРИЙ ҲОЛАТИ ВА УЛАРНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ

Норов Акмал Рузимаматович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
“Банк иши ва инвестициялар” кафедраси доценти., DSc
Email: a.norov@tsue.uz
Тел.+99890-976-00-88

Аннотация: Мақолада мамлакатимиздаги йирик тижорат банкларидан бири “Алоқабанк” АТБ мисолида эконометрик таҳлил қилиб ўрганилди. Таҳлил учун ҳар бир чоракда ажратилган кредитлар миқдори, муаммоли кредитлар ҳажми, жалб этилган депозитлар миқдори, банк капитали, кредитлар ҳамда депозитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари таҳлил қилинган. Мамлакатимиз тижорат банлари кредитлаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: кредит, муаммоли кредит, банк капитали, диверсификация, банк активлари, фоиз ставкаси.

Аннотация: В статье методом эконометрического анализа изучен пример Алокабанка, одного из крупнейших коммерческих банков нашей страны. Для анализа в каждом квартале изучались сумма выданных кредитов, объем проблемных кредитов, сумма привлеченных депозитов, банковский капитал, средние процентные ставки по кредитам и депозитам. Даны практические предложения и рекомендации по совершенствованию практики кредитования коммерческих банков в нашей стране.

Ключевые слова: кредит, проблемный кредит, банковский капитал, диверсификация, банковские активы, процентная ставка.

Abstract: The article uses the method of econometric analysis to study the example of Aloqabank, one of the largest commercial banks in our country. For analysis, in each quarter, the amount of loans issued, the volume of problem loans, the amount of attracted deposits, bank capital, average interest rates on loans and deposits were studied. Practical proposals and recommendations for improving the practice of lending to commercial banks in our country are given.

Key words: loan, problem loan, bank capital, diversification, bank assets, interest rate.

Кириш

Тижорат банк кредитлари ҳозирги замон иқтисодиётининг муҳим ва ажралмас таркибий қисмидир. Ривожланган иқтисодиётда банк кредитларисиз барқарор иқтисодиётни тасаввур этиб бўлмайди. Банк кредитлари иқтисодиёт ривожига тўғридан-тўғри таъсир этади, шунингдек, иқтисодиётнинг юқори даражадаги ривожига эришиш ривожланган кредит тизимини барпо этишни тақозо этади.

Жаҳоннинг ривожланган ва ривожланётган давлатларида тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш борасида банк кредитлари сифатини ошириш, кредит рискларини камайтириш, мижозларнинг кредит қобилиятини объектив баҳолаш усул ва механизмларини мукаммаллаштириш, кредитлаш амалиётини банк учун энг мақбул бўлган даромадлилик стратегиясига айлантириш, банкларнинг молиявий барқарорлиги ва кредитлаш салоҳиятини ошириш бўйича илғор инновацион банк хизматлари ва маҳсулотларини жорий этиш сингари тадқиқот йўналишларига алоҳида эътибор берилмокда. Ривожланган хорижий мамлакатлар тажрибаси ҳамда банк тизими фаолиятининг стратегик мақсадларидан келиб чиқсан ҳолда тижорат банкларининг кредитлаш амалиётини такомиллаштириш, кредит ресурсларини самарали жойлаштириш, бошқариш ва тақсимлаш, кредитлаш рискларини камайтириш, кредитлашнинг замонавий

шаклларини тадқиқ қилиш, шаффоф ва мукаммал кредит сиёсатини шакллантириш сингари муаммоларнинг илмий асослари бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги ПФ-60-сон Фармони [1], 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон "2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида"ги фармони [2], 2018 йил 23 мартағи ПҚ-3620-сон "Банк хизматлари оммаболлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори [3] ва 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сон "Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорлари [4] ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукукий ҳужжатларда белгилаб берилган мухим вазифаларни амалга оширишда мазкур мақола муайян даражада хизмат қиласди.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Ижтимоий жамиятда товар-пул муносабатларининг пайдо бўлиши кредитлаш амалиёти шаклланиши ва ривожланишига замин яратди. Зеро, товар пул муносабатлари амал қилган ҳар қандай ижтимоий-иқтисодий жамиятда кредитни вужудга келиши ва кредитлаш муносабатларини амал қилишини ҳамда бу жараён муттасил ривожланиб боришини тақозо этади. Бироқ, сўнгги йилларда кредит ва уларга ҳисобланган фоизларни ўз вақтида қайтариш, шунингдек кредит таъминоти билан боғлиқ қатор муаммолар пайдо бўлмоқда.

Илмий адабиётларда муаммоли кредитлар бўйича турли хилма-хил таърифлар берилган. Айрим адабиётларда, хорижий иқтисодчи олим проф. Лаврушин муаммоли кредит деганда обьекти, субъекти ва таъминотига нисбатан банк томонидан шубҳа пайдо бўлган кредит тушунилса [5], айрим адабиётларда муаммоли кредитлар деганда, профессор Афанасьев "қарз олувчи бир ёки бир неча тўловларни амалга оширганлиги ёки кредит таъминоти қийматининг пасайиши кредитни муаммоли кредитлар туркумига ўтишини англатади" дея таъриф берилган [6].

Маҳаллий олимларимиз профессор Абдуллаева ёндашувига кўра, субстандарт кредитлар ҳам ўз вақтида қайтарилмаганлиги туфайли муаммо келтирувчи кредитлар сифатида таҳлил қилиниши мумкин дея таъриф бериб ўтган [7].

Маҳаллий олимларимиз профессор Тухтабаев ўз тадқиқотларида муаммоли кредитларга қўйидагича таъриф беради: кредит рискларининг амалда яққол намоён бўлишининг натижаси бўлиб, обьектив ҳамда субъектив сабабларга кўра кредит шартномаси шартларининг бузилиши оқибатида "субстандарт", "шубҳали" ҳамда "умидсиз" кредитлар категориясига ўтиб қолган кредитларга муаммоли кредитлар дейилади [8].

Ушбу охирги таъриф муаммоли кредитларга берилган таърифларнинг ичida тўлиқроқ талқин этилган дейишимиз мумкин. Чунки бунда муаммоли кредитларни юзага чиқишига сабаб бўладиган кредит рисклари билан боғланган ҳамда кредит категориялари ажратиб кўрсатилган. Аммо ҳозирги пайтда мазкур таъриф ўз моҳиятини йўқотди, деб ўйлаймиз. Сабаби Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2015 йил 14 июлдаги "Тижорат банкларида активлар сифатини таснифлаш ва активлар бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун захиралар шакллантириш ҳамда улардан фойдаланиш тартиби тўғрисида"ги 2696-сонли Низоми қабул қилинганидан сўнг, кредитларнинг таснифланишида ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, "яхши" деб таснифланган кредитлар тоифаси олиб ташланди ва унинг ўрнига "стандарт" кредитлардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бундан ташқари "қониқарсиз" деган кредитлар тоифаси киритилди.

Профессор О.К.Иминов Жаҳон банки ва бошқа хориждаги молия ташкилотларнинг республикада кредит тизимини такомиллаштириш бўйича тавсияларини атрофлича таҳлил қилиш асосида, Ўзбекистонда жаҳон стандартларига мос келувчи кредит механизмини яратишнинг илмий-услубий жиҳатларини асослаб берган [9].

Профессор Б.Бердияров илмий тадқиқотларида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредитлаш жараёнларида банкнинг ликвидлилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтган [10].

Фикримизча, юқоридаги ҳолатларда ҳам кредитлаш амалиётига тўлароқ, ҳар томонлама таъриф беришга ҳаракат қилинган, деб ҳисоблаймиз. Биз, энг аввало, кредитлаш амалиёти сўзининг мазмунига эътибор қаратишимиш лозим. Илмий адабиётлар таҳлил қилинганда, кредитлаш амалиёти хусусида бир-бирига боғлиқ равишда ўзаро муносабатлар, яъни бир-бирига таъсир этувчи, бир-бирини тўлдирувчи икки ёки ундан ортиқ элементларнинг яхлит йиғиндиси тушунилиши келтириб ўтилган. Кредитлаш амалиёти, ўз навбатида, мухим хусусиятларга эга, яъни у обьектив, яхлит ҳамда ягонадир.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотимиз давомида мамлакатимизнинг йирик тижорат банкларидан бири Алоқабанкнинг кредитлаш амалиётини жорий ҳолати таҳлил қилиниб, банк кредит портфелининг барқарорлигига таъсир этувчи омиллар аниқланган. Таҳлил жараёнида илмий абстракциялаш, эксперт баҳолаш, индукция ва дедукция, таққослаш, тизимли таҳлил усууларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Банк тизими мамлакатда иқтисодиётдан кейин иккинчи мұхим бүғин ҳисобланади. Шу муносабат билан банк кредитларининг кичик бизнес субъектлари ривожлантирилишига таъсири ҳам мұхим аҳамиятга эга, банк тизими “табиий сармоядорлар”дан бири бўлғанлиги сабабли унинг асосий вазифаси бозор муносабатлари иштирокчилари ўртасида бўш капитални қайта тақсимлашдан иборат.

Шу ўринда, мамлакатимиздаги барқарор тижорат банкларидан бири Алоқабанкнинг фаолияти таҳлил қилинди. Ушбу банк “Ahror-Reyting” миллый рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, Алоқабанк биринчи йирик гурӯҳ банклар таркибига киради. Мазкур банк миллый иқтисодиётнинг давлат аҳамиятига эга тармоқларини молиялаштиришда мұхим ўрин тутади.

Тадқиқотимиз давомида Алоқабанк фаолиятини 2013 йилдан 2021 йилгача бўлган даврдаги чораклик статистик маълумотларига асосланган эконометрик таҳлил қилиб ўрганилди [11]. Бунда, Алоқабанкнинг кредит ажратмаларига таъсири этувчи ички омиллар таҳлил қилинди. Таҳлил учун ҳар бир чорақда ажратилган кредитлар миқдори, муаммоли кредитлар ҳажми, жалб қилинган депозитлар миқдори, банк капитали, кредитлар ҳамда депозитлар бўйича ўртacha фоиз ставкалари олинди. Миллый валютада берилган барча статистик маълумотлар жами активларга нисбати сифатида ифодаланди.

1-жадвал

Тасвирий статистика⁸⁹

Ўзгару вчилаr	Кузатувл ар сони	Ўрта ча	Стд.ч	Мин	Макс
kt	25	0.711 916	0.075 641	0.499 308	0.812447
pt	25	0.002 612	0.002 884	0.000 000	0.013428
dt	25	0.571 612	0.076 224	0.433 884	0.714592
xt	25	0.160 294	0.027 227	0.095 319	0.220653
kpt	25	0.145 599	0.008 690	0.130 900	0.158253
dpt	25	0.032 081	0.020 542	0.006 900	0.089837

Маълумотларга кўра, кредитнинг активлардаги улуши таҳлил даврида ўртacha 72 фоизни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 50 фоиз ва 83 фоиз атрофида бўлган. Муаммоли кредитларнинг умумий активлардаги улуши ўртacha 0,4 фоизни ташкил этган бўлса, минимум ва максимум миқдори мос равишда 0 ва 1,5 фоизни ташкил этган. Депозитларнинг умумий пассив (актив)даги улусига кўра таҳлил давридаги ўртачаси 58 фоизни ташкил этган бўлса, таҳлил давридаги улуш 42 фоиз ва 72 фоиз атрофида тебранган. Капиталнинг активлар улусидаги ўртacha ҳажми 16 фоизни ташкил этгани ҳолда у 9,4 фоиз ва 23 фоиз атрофида тебранган. Кредитларнинг ўртacha фоиз ставкаси таҳлил даврида сезиларли даражада тебранмаган ва ўртacha 14,6 фоизни ташкил этган. Депозитлар бўйича фоиз ставка эса юқори даражадаги тебранишга эга бўлгани ҳолда ўртачаси 3 фоиз атрофида бўлган (1-жадвал).

Кредит ва депозит фоиз ставкалари ўртасида юқори даражадаги ижобий корреляция мавжуд. Шунингдек, банк капитали ва кредитлар ўртасида ҳам юқори даражадаги ижобий корреляция мавжудлигини жадвал маълумотларидан кузатиш мумкин. Ажратилган кредитлар билан жалб этилган депозитлар ўртасида тескари корреляция мавжуд бўлгани ҳолда депозит фоиз ставкаси билан ижобий кучли корреляция мавжуд. Бундан ташқари, ажратилган кредитлар ва ўртacha кредит фоиз ставкаси ўртасидаги корреляция ижобий бўлса-да, кучсиз эканлигини кузатиш мумкин. Жалб этилган депозитлар билан ўртacha

⁸⁹ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

депозитлар бўйича фоиз ставка ўртасидаги корреляция ижобий ҳамда нисбатан анча кучлилигини кузатиш мумкин (2-жадвал).

2-жадвал

Корреляция матрицаси⁹⁰

	kt	pt	Dt	xt	kpt	dpt
kt	1.00					
pt	0.20	1.00				
dt	-0.28	- 0.45	1.00			
xt	0.59	0.09	-0.28	1.00		
kpt	0.23	- 0.05	0.12	0.61	1.00	
dpt	0.45	- 0.17	0.57	0.32	0.54	1.00

Барча ўзгарувчилар биринчи даражали фарқда стационар бўлиб, ноль даражали фарқ эса барча ўзгарувчилар ностационар кўринишга эга. Аммо кузатувлар сони камлиги сабабли, ҳар иккала ҳолат билан ҳам регрессия амалга оширилди. Барча ўзгарувчилар биринчи даражали фарқда стационар бўлиб, ноль даражали фарқ эса барча ўзгарувчилар ностационар кўринишга эга. Аммо кузатувлар сони камлиги сабабли, ҳар иккала ҳолат билан ҳам регрессия амалга оширилди. Қуйидаги жадвалда регрессия натижалари келтирилди (3-жадвал).

Юқоридаги биринчи модель натижаларига кўра, банкнинг хусусий капитали банк кредитлари ҳажмини белгиловчи асосий восита бўлиб қолмоқда. Аммо ушбу модельда автокорреляция муаммоси мавжуд бўлиб, уни икки тест натижаларидан кузатиш мумкин.

3-жадвал

Бирлик илдиз тести натижалари⁹¹

Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса	Ўзгарувчилар	Диккей-Фуллер тести	Хулоса
Kt	-1.877	I(1)	Δkt	-4.841	I(0)
Pt	-2.944	I(1)	Δpt	-5.951	I(0)
Dt	-1.226	I(1)	Δdt	-5.130	I(0)
Xt	-2.426	I(1)	Δxt	-6.295	I(0)
kpt	-0.833	I(1)	Δkpt	-3.715	I(0)
dpt	1.077	I(1)	Δdpt	-4.902	I(0)

Иккинчи модельда автокорреляция муаммосини ҳал этганимизда, кредит ҳажми, ҳамда банк капитали банк томонидан кредит ажратилишида асосий мезон бўлмоқда. Ушбу икки модельда ҳам, ўзгарувчиларнинг ностационарлиги эътиборга олинмаганлиги натижаларни бироз шуҳба остига олади. Шунинг учун ҳам учинчи модельда ўзгарувчилар стационар шаклга келтирилди ҳамда регрессия амалга оширилди.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Регрессия натижаларига кўра, тижорат банк капиталининг ўзгариши кредит ҳажми ўзгаришида асосий ўринга эга. Учинчи модельнинг автокорреляция тести натижаларига кўра, ушбу модельда автокорреляция муаммоси мавжуд эмас. Шунингдек, барча модель натижаларига кўра, бошқа ўзгарувчилар кредит ҳажми тебранишида таъсирга эга эмаслигини кузатишимиш мумкин (4-жадвал).

4-жадвал

Регрессия натижалари⁹²

Ўзгарувчилар	Модел [1]	Модел [2]	Ўзгарувчилар	Модел [3]
Lkt		0.59*** [0.14]		
Pt	3.19 [5.14]	1.35 [3.61]	Δpt	0.28 [3.12]
dt	-0.02[0.22]	-0.09 [0.15]	Δdt	-0.38 [0.25]

⁹⁰ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

⁹¹ Муаллиф томонидан шакллантирилди.

⁹² Муаллиф томонидан шакллантирилди.

xt	1.86** [0.68]	1.12 **[0.52]	Δ xt	1.36*** [0.41]
kpt	-1.37 [2.07]	0.81 [1.55]	Δ kpt	1.11 [2.23]
constant	0.62** [0.24]	0.05 [0.22]	constant	0.00 [0.01]
R-squared	0.39	0.72	R-squared	0.53
Adj R-squared	0.27	0.64	Adj R-squared	0.40
Кузатувлар	25	24	Кузатувлар	24
Дурбин автокорреляция тести [p-value]	19.10 [0.00]	0.11 [0.74]		1.96 [0.16]
Бреусч-Годфрей автокорреляция тести [p-value]	12.53 [0.00]	0.16 [0.69]		2.49 [0.11]

Хулоса ўрнида, Алоқабанкнинг кредит портфели валюталар кесимида таҳлил қилинса асосий катта қисми 65 фоизини корпоратив мижозларга миллий валютада берилган кредитлар ташкил қиласди, умумий кредит портфелининг 20 фоизини чакана мижозларга миллий валютада берилган кредитлар, ҳамда, 18 фоизини корпоратив мижозларга хорижий валютада берилган кредитлар ташкил этади. Банкнинг активлари таркиби кузатилса, 2020 йилда банк активларининг 82 фоизини банкнинг кредитлари ташкил қиласди. Буни банкнинг даромадлилик нұқтаи назаридан ижобий ҳолат сифатида қабул қилиш мүмкін. Аммо банкнинг ликвидлиліги жиһатидан активларнинг 80 фоиздан ортиқ қисмини кредитлар ташкил қилиши салбий ҳолат ҳисобланади [11].

Хулоса ва таклифлар

Мамлакатимиздаги йирик тижорат банкларининг кредит маълумотлари ва кредитлаш амалиётларига таъсир қилувчи омилларнинг эконометрик таҳлил қилиш натижасида қўйидаги, умумлаштирилган хулосаларни келтириб ўтамиш:

- таҳлил натижаларига кўра тижорат банклари кредит қўйилмаларининг диверсификация даражаси паст эканлиги аниқланди;
- фоиз ставкалари ва ажратилган кредитлар орасидаги ижобий боғлиқлик кучсиз эканлиги;
- корреляция матрицасига кўра мустақил ўзгарувчиларнинг ўзаро корреляцияси юқори эмаслиги;
- банк кредит рискини олдини олиш ва камайтиришда замонавий усулларидан кам фойдаланилаётгани аниқланди.

Тижорат банклари томонидан кредитлаш амалиётини тақомиллаштириш билан боғлиқ қўйидаги таклифларни келтириб ўтишимиз мүмкін:

- тижорат банклари томонидан битта соҳага ва битта тармоққа бериладиган кредитларнинг илфор хориж тажрибаси асосида лимит ўрнатиш ва ушбу лимитга қатъий риоя этиш йўли билан банклар кредит портфелининг оптимал диверсификация даражасини таъминлаши лозим;
- жисмоний шахсларга бериладиган чакана кредитлар миқдорини ошириш йўли билан банк кредит портфелининг диверсификациялашни ошириш мақсадга мувофиқ;
- банкларда кредит рискини бошқаришнинг замонавий механизмларга асосланган самарали тизимини яратиш зарурдир.

Тижорат банклари амалиётларида мазкур таклифларнинг қўлланилиши банкларнинг кредитлаш методологиясини тақомиллаштиришга ва унга таъсир этувчи омилларни аниқлашда, кредит хавфини бошқаришда ҳамда банк кредит портфели сифатини оширишга ёрдам беради, деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сон. <https://lex.uz/docs/5841063>
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони, 12.05.2020 йилдаги ПФ-5992-сон. <https://lex.uz/docs/4811025>
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 23.03.2018 йилдаги ПҚ-3620-сон. <https://lex.uz/docs/3593541>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 12.09.2017 йилдаги ПҚ-3270-сон. <https://lex.uz/docs/3342348>

5. Лаврушин О.И. (2002) Банковское дело: современная система кредитования. Учебное пособие. – М.: КНОРУС. – 360 с.
6. Афанасьев В.Г. (1980) Системность и общество. – М.: Политиздат.
7. Абдуллаев Ш.З. (2000) “Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш” мавзусида и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Т. – 36 б.
8. Тухтабаев У.А. “Муаммоли кредитлар ва уларни бартараф этиш йўллари” мавзусидаги иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертацияси авторефарати. Тошкент – 2007 й. 5 б.
9. Иминов О.К. (2001) “Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т. 6-7-б.
10. Бердияров Б.Т. (2020) “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвиддилиги ва тўлов қобилиятини таъминлаш масалалари” мавзусида и.ф.д. илм. даражасини олиш учун дисс. автореферати. – Т.: БМА, 17-19-б.
11. Манба: <https://www.aloqabank.uz/> - Акциядорлик тижорат “Алоқабанк” расмий сайт маълумотлари.
12. <http://www.gov.uz> – Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
13. <https://www.lex.uz/> – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги расмий веб-сайти.

МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИНИ ИСЛОМИЙ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ ОРҚАЛИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Норова Нозима Набиевна

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академияси тингловчиси
Email: nozima.nabievna@mail.ru

Аннотация. Мақолада мамлакат иқтисодиёти ривожида исломий молиялаштириш механизмлари кўриб чиқилган. Ислом молиясининг иккинчи йирик сектори, жумладан, суқуқни ривожлантириш орқали тижорат банк даромадини ошириш ва уларнинг ликвидлигигини таъминлаш мумкинлигини регрессион ва корреляцион моделлар орқали таҳлил қилиниб амалий фикр ва мулоҳазалар келтирилган.

Калит сўзлар: Мамлакат иқтисодиёти, ислом молияси, ислом банки, ликвидлилик, тижорат банки, аҳоли даромади, суқуқ, ялпи ички маҳсулот.

Аннотация. В статье рассматриваются механизмы исламского финансирования в развитии экономики страны. С помощью регрессионной и корреляционной моделей проанализирована возможность увеличения доходов коммерческих банков и обеспечения их ликвидности за счет развития второго по величине сектора исламских финансов, в том числе права, представлены практические мнения и соображения.

Ключевые слова: Национальная экономика, исламские финансы, исламский банкинг, ликвидность, коммерческий банкинг, личные доходы, право, валовой внутренний продукт.

Annotation. The article discusses the mechanisms of Islamic finance in the development of the country's economy. With the help of regression and correlation models, the possibility of increasing the income of commercial banks and ensuring their liquidity through the development of the second largest sector of Islamic finance, including law, is analyzed, practical opinions and considerations are presented.

Keywords: National economy, Islamic finance, Islamic banking, liquidity, commercial banking, personal income, law, gross domestic product.

Кириш.

Исломий молия механизми, анъанавий банк тизимига нисбатан муқобил тизим сифатида дунёда танилди ва қисқа муддатда тўлиқ шаклда тижорат банклари билан рақобатлаша оладиган яхлит механизмга айланди. Тижорат банкларидан фарқли равища, исломий банклар молиялаштиришда фойда ва зарарни иштирокчилар ўртасида мутаносиб тақсимлаш воситасида хўжалик юритувчи субъектларини ва ишбилармонларни ўзига жалб эта олди. Жаҳон миқёсида 48 та мамлакат ислом молиясини жорий этган бўлиб, уларнинг таркибида кўп сонли мусулмон аҳоли яшайдиган мамлакатлардан ташқари, аҳолисининг камчилик қисмини мусулмонлар ташкил этадиган мамлакатлар, жумладан: Буюк Британия (4,4%), АҚШ (0,9%), Сингапур (14%), Швейцария (5,2%), Канада (3,2%), Австралия (2,6%), Франция (9%), Германия (5%), Россия (15%) ва Испания (2,1%) каби мамлакатлар ҳам исломий банк хизматларидан фойдаланмоқда [1].

Исломий молия механизми ўзининг адолатлилиги, молиявий инқирозга учраш даражасининг пастлиги билан нафақат мусулмонларни балки бошқа дин вакилларини ҳам ўзига торта олди. Охирги йилларда ислом молияси умумий ўсиш тедециясини кўрсатиб келмоқда. 2021 йилга келиб ислом молиясининг активлари деярли 2,6 трлн. АҚШ долларга етди. Ҳисоб китобларга кўра 2024 йил якунига қадар 3,4 трлн. АҚШ долларгача етиши кутилмоқда. Шунингдек, ислом молияси G20 кун тартибидан жой олишга ҳам улгургани унинг аҳамиятини янада оширади. Ислом молиясининг иккинчи йирик сектори бу суқуқ нисбатан жадалроқ ўсиб келмоқда. 2020 йилда 123,15 млрд. АҚШ доллари қийматида суқуқ эмиссия қилиниб, жами 1,1 трлн. АҚШ долларини ташкил этди [2].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони [3], 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сон “2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги фармони [4], 2019 йил 5 мартағи ПҚ-4224-сон «Ислом тараққиёт банки гуруҳи ва Араб мувофиқлаштириш гуруҳи жамғармалари билан шерикликни янада кенгайтириш ва чукурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори [5] ҳамда ушбу соҳага тегишли бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгилаб берилган мұхим вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қиласди.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Исломий молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимлар ва мутахассислар томонидан ўзларининг тадқиқотларида ва халқаро конференцияларда фирм ва мұхозаларини келтириб ўтишган. Улар томонидан исломий молиялаштириш механизmlарининг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ва уларнинг салбий ва ижобий жиҳатларини ўз даврларидағи мавжуд ҳолатлар бўйича кўрсатиб ўтишган. Жумладан, Малайзиялик олим Судин Хорун исломий банк тизимида ишлатиладиган беш тоифадаги воситаларни келтиради: биринчи тоифага фойда ва заарларни тақсимлашга асосланган воситалар, иккинчисига эса олди-сотдига асосланган воситалар, учинчисига – йиғим ва комиссияларни ўз ичига олган воситалар киради. Тўртинчи тоифа бепул хизматларни, бешинчиси эса – ёрдамчи хизматларни ўз ичига олган воситаларни баён этиб беради [6].

Иқтисодчи олим Иброҳим Варде исломий молиявий маҳсулотларни мазкур воситалардан фойдаланишда вужудга келадиган хукуқий, молиявий, иқтисодий ва сиёсий муносабатлар мажмуига асосланиб таснифлайди. Шунга мувофиқ равишда у сотишга асосланган муробаҳа, мусовама, истисноъ, салам, таваррүқ ва ийна каби битимлар кирадиган маҳсулотларни ажратиб кўрсатади. Иккинчи гуруҳдаги воситалар ижара (ёллаш)га асосланган маҳсулотлардир. Учинчи гуруҳга эса фойда ва заарларни бўлишиш ҳамда улушли иштирокка (музораба ва мушорака) асосланган маҳсулотлар киради [7].

Исломий молия соҳасидаги россиялик мутахассис Р.И. Беккин исломий молиявий маҳсулотларнинг қўйидаги таснифини келтиради: – фойда ва заарларни тақсимлаш механизмига асосланган воситалар ёки молиялаштиришнинг инвестициявий воситалари: музораба, мушорака; – қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар: муробаҳа, салам, шунингдек, истисноъ ва ижара [8].

Иқтисодчи олим Воҳидов Р.Р. ўз тадқиқотларида молиявий воситаларнинг энг кўп тарқалган икки гуруҳини кўрсатиб ўтади: капиталда иштирок этишга асосланган воситалар ва қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситалар. Капиталда иштирок этишга асосланган воситаларга музораба ва мушоракани, қарз билан боғлиқ молиялаштиришга асосланган воситаларга – муробаҳа, ижара, салам ва сукукни киритади [9].

Ислом молияси ва банк ишининг фундаментал асослари ва тамойиллари хусусан, сукукларнинг ишлаш механизmlари ва унинг истиқболлари бўйича Малайзиялик олимлар Седин Хорун ва Ван Нурсофиза Ван Азми [10], фарб олимларидан Брайн Кеттел [11] иш олиб борган. МДҲ вакилларидан Л.С.Мокина [12] ва Яқин шарқ олимлари Ж.Насиф, Абдулкадир Томас исломий қимматли қоғозлар молиялаштиришнинг янги манбалари сифати намоён бўлишини очиб берган [13]. бундан ташқари М.У.Чапра исломий қимматли қоғозларнинг жаҳон молиявий-иқтисодий инқизози шароитидан кам таъсир билан чиққанига тўхталиб ўтган [14]. Ўзбекистон олимларидан Равшан Абдуллаев, таржимонлардан Ботирхўжа Жўраевлар бу борада илмий ишларни бошлаб беришган [15]. Умуман олганда мавзу жаҳон ҳамжамияти учун бирмунча, Ўзбекистон учун деярли янги бўлганлиги учун келгусида кўплаб изланишларни талаб этади.

Суқукнинг иқтисодиёт ривожланишига таъсирини баҳолашдан олдин бу борада амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш мақсадида Scopus базасида индексацияланувчи Elsevier нашриёти томонидан халқаро илмий журналларда чоп этилган мақолалар ўрганиб чиқилди. Қидирув тизимида “суқук” сўзининг мақола номи, аннотацияси ва калит сўзларида фойдаланишлик хусусиятига кўра 57 мақола мавжудлиги аниқланди [16]. Ушбу адабиётларни ўрганиш натижасида ислом молияси ва ислом банклари билан боғлиқ илмий ишлар кўпайиб бораётганлиги ҳақида хуносага келиш мумкин. Уларнинг таркибида адабиётларнинг илмий таҳлиллари ҳам мавжуд [17].

Суқукларнинг иқтисодиётга таъсири борасида амалга оширилган илмий ишлар кам бўлиб, бу борада илк уриниш суқук эмиссиясининг ЯИМ, ялпи асосий капитал ўсиши ва савдо жараёнларига таъсирига йўналтирилган. Ушбу мақолада суқук эмиссиясининг ЯИМ,

асосий капитал ўсиши ва савдо жараёнларга таъсири 2005-2012 йилларда кўрилган бўлиб, Форс кўрфази мамлакатлари учун таъсири сезилмаган бўлса-да, барча эмитент мамлакатлар биргаликда олингданда суқук эмиссияси ЯИМга ижобий таъсири этиши аниқланган. Ўрганишлар кутилганидек натижа бермаган бўлсада, янги йўналишга қўл урилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Ушбу йўналишдаги кейинги изланиш салмоқли натижаларга эришганлиги билан эътиборга моликдир. Ишда бошқа омиллар ва методнинг танланганлиги билан аввалгисидан фарқ қиласди. 2000-2020 йилларда суқук эмиссия қилувчи мамлакатлар иқтисодий ўсишига сукукларнинг таъсири ўрганилган. Ундаги натижа шуни кўрсатадики, суқуклар узоқ муддатли давр учун иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлади. Бунда корпоратив ва давлат суқуклари бир хил аҳамият касб этади.

Тадқиқот методологияси.

Бугунги кунда банк мижози учун маҳсулот ва хизматлар нархига уни қабул қилиш ва қайта ишлашнинг турли босқичларида катта ҳажмдаги маълумотларни бошқариш учун

фойдаланиладиган имкониятлар, шунингдек олинган маълумотларнинг узлуксизлиги, аниқлиги, хавфсизлиги ва мавжудлиги сезиларли таъсир кўрсатади. Шу муносабат билан банкда ахборотни бошқариш ва қайта ишлашнинг хусусиятларидан бири бу кўплаб операцияларни автоматлаштириш ва уларнинг банк раҳбарияти томонидан якуний қарорларни қабул қилиш учун зарур ҳажмини таъминлашга мўлжалланган мавжуд ахборот методологияларини мослаштиришдир.

Анъянага кўра, банк сектори тижорат, инвестиция ва депозит фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ жуда кўп операцияларни тўплайди, жумладан: аҳоли ва юридик шахслардан фойдаланишни зудлик билан тўлаш ва қайтариш шартлари асосида молиявий ресурсларни жалб қилиш; кредит ресурслари билан таъминлаш; миллий ва хорижий валюталарда ҳисоб-китоблар ва тўловларни амалга ошириш; инвестиция операцияларини ўtkазиш, ва ҳоказо. Шу муносабат билан, ахборот тизимига қўйиладиган талаблар нафақат маълум функционал ҳаракатларнинг бажарилишини ҳисобга олиши, балки ходимларнинг ўзаро таъсири, турли хизматларнинг алоқаси ва маълумотларни бошқариш доирасида тизимнинг барча таркибий қисмларининг мувофиқлиги ва интеграциясини таъминлаши керак.

Банк сектори молиявий инжиниринг асосида ахборот тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини аниқлашнинг энг самарали усули бу мувозанатли кўрсаткичлар картасидан (BSC – Balanced Scorecard) фойдаланиш бўлиб, бу технологияларни банкнинг бизнес жараёнларига интеграциялашнинг асосий жиҳатларини аниқлашни англатади.

Кичкина чекиниш сифатида шуни таъкидлаймизки, мувозанатли кўрсаткичлар картасидан фойдаланиш стратегик мақсадларга эришишда ички ва ташки алоқаларни оптималлаштириш учун ягона стратегияни кенг миқёсда режалаштириш ва бошқариш зарурати билан боғлиқ ҳисобланади [5].

Ахборот тизими банкнинг барча таркибий ва функционал таркибий қисмларини кўллаб-қувватлаганлиги сабабли, унинг архитектураси аризаларни маҳаллийлаштириш ва ходимлар томонидан уларга киришни фарқлашни ҳисобга олган ҳолда аниқ белгиланган. Маълумотларни марказлаштириш асосида кросс-канал ахборот маълумотларини қайта ишлаш маркази ва сақлаш сервери мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда банк ахборот тизимининг ўзига хос меъморий модели яратилади. Замонавий банк ахборот тизимларининг энг муҳим мезонларидан бири бу глобал ахборот серверларига уланишнинг турли даражаларидан фойдаланиш қобилиятидир.

Банк ахборот тизимининг архитектураси очиқ ёки ёпиқ бўлиши мумкин, лекин бугунги кунда замонавий банк фаолиятининг умумий глобаллашуви ахборот тизимининг очиқ архитектурасидан фойдаланишни тобора зарурлаштироқда [6]. Амалдаги операцион шифрлаш технологиялари транзакциялар ва тўловлар пайтида хавфсизликни таъминлайди.

Шундай қилиб, банк сектори учун замонавий ахборот тизими мижозлар учун маълумотларни тўплаш, қайта ишлаш, сақлаш ва тарқатишни таъминлайдиган ягона очиқ ёки ёпиқ моделдир. Ушбу тизимнинг ишлаши банкнинг ички жараёнларини оптималлаштириш, операциялар самарадорлиги ва хавфсизлигини ошириш, банк маҳсулотлари ва хизматларининг мураккаблиги ва рақобатбардошлигини ошириш имконини берувчи илғор рақамли технологиялардан фойдаланиш орқали таъминланади .

Иқтисодиётнинг банк секторидаги технологияларнинг эволюцион ривожланиши (Management information system – MIS) банкларда самарали бошқарув қарорларини қабул қилишни таъминлайдиган мавжуд бошқарув ахборот тизимларини таҳлил қилиш зарурлигини олдиндан белгилаб берди.

Кўпгина илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, банклар раҳбариятнинг стратегик ва тактик режалаштириш учун турли хил ахборотни бошқариш ва қарор қабул қилиш тизимларидан фойдаланишига қараб фарқ қиласди [7]. Албатта, янги бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш тузилмаларини яратиш MIS технологияларини фаол жорий этиш билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, бу банкнинг рақобатбардошлигини ошириш, шунингдек, унинг фаолияти самарадорлигини ошириш зарурати билан боғлиқ бўлади.

Сўнгги ўн йил ичida энг сўнгги ахборотни бошқариш тизимларидан фойдаланган ҳолда кредит ва молия институтларининг улуши барқарор ўсиб бормоқда ва ушбу технологиянинг тарқалиши, кўплаб мутахассисларнинг фикрига кўра ошишда давом этади [8].

Бундан ташқари, баъзи эксперталарнинг фикрига кўра, банкнинг ахборот тизимида доимо потенциал инқироз мавжуд бўлиб, бу кўпинча ахборот ресурсларининг этишмаслигига олиб келади, бу эса уни доимий равишда такомиллаштириш зарурлигини белгилайди [9].

Асосий бошқарув қарорларини қабул қилиш жараёнида нафақат мижозлар ва менежментнинг ахборот эҳтиёжларини режалаштириш, балки юқори рақобатбардош молия бозорида ўз мавқеини сақлаб қолиш зарурати туғилади.

Бугунги кунда илмий ва бизнес адабиётларида "ахборотни бошқариш тизими" тушунчасининг умумий қабул қилинган таърифлари мавжуд эмас. Масалан, Ли С. Фикрига кўра " MIS ташкилотларни самарали бошқариш учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этишга имкон берадиган тизим ёки жараён" деб таърифлаган"^[10]. Бошқа муаллифлар MISни" шахслар, ташкилотлар ёки жамият томонидан ахборот тизимларидан фойдаланиш ва қўллашга умумий ёндашув " деб таърифлайдилар"^[11].

«British Educational Communicationsand Technology Agency» маълумотларига кўра, ахборот тизимини "банкнинг ўзида ишлатиладиган барча алоқа каналлари тармоғидан иборат тизим" деб таърифлаш мумкин"^[12].

Лаудон К. MISни "ахборот тизимларини ўрганишда улардан бизнес ва менежментда фойдаланишга йўналтирилган янги йўналиш."деб таъкидлайди [13].

Асосий таърифларни таҳлил қилиш MIS нафақат ахборотни бошқариш тизими функциясини, балки банк сектори учун янги бошқарув тузилмаси ва ахборотни қайта ишлаш функциясини ҳам бажаради деган хуносага келишимизга имкон берди:

- транзакцияларни қайта ишлаш ва уларни расмийлаштириш вазифасини бажарадиган электрон маълумотлар базаси;
- банкнинг операцион фаолиятини таҳлил қилиш, шунингдек раҳбариятдан фикр-мулоҳазаларни олиш имконини берувчи бошқарув ҳисобот тизимлари;
- бизнес методологиясини амалга оширишнинг янги шакли.

Бошқа муаллифларнинг тадқиқотлари бизга жаҳон молия бозоридаги энг йирик банклар MIS функцияларидан фойдаланиб, тақдим этилган корпоратив дастурлар тизимини яратишга имкон берди, қарор қабул қилиш жараёнининг самарадорлигини ошириш учун банк молиявий ресурсларини режалаштириш (ERP), билимларни бошқариш тизимлари (KMS) ва мижозлар билан муносабатларни бошқариш тизимлари (CRM) каби замонавий IT-воситаларидан фойдаланиш.

Шунга кўра, айнан банк секторига ахборот ва компьютер технологияларини (АКТ) фаол жорий этиш уларнинг ҳамкорлар ва мижозлар билан турли миқёсдаги бозорларда, маҳаллийдан глобалгача бўлган бозорлarda самарали ишлашда рақобатбардошлигини оширишнинг қалитига айланди, бу ерда тегишли молиявий "ўйинчилар" намойиш этилади. Айнан АКТ салоҳияти "банкнинг мавжуд инновацион ечимлари ва технологик имкониятлари доирасида мижозлар учун маҳсулот ва хизматларни танлаш" ни аниқлашга имкон беради. [14].

Тадқиқотимизнинг замонавий банк маҳсулотларини бозорга чиқаришда ахборот ресурсларини ривожлантириш стратегиясининг асосий тамойилларини белгилайдиган, 1-расмда келтирилган кросс-канал банк инфратузилмасини шакллантиришнинг детерминантларини аниқлайди.



1-расм. Рақамли иқтисодиётда ўзаро кросс-канал шаклланишининг детерминантлари ўртасидаги муносабатлар

банк инфратузилмаси ва банк инновацияларини жорий этиш тамойиллари

Банк секторида ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиши бизнес интеллект турли хил ахборот тузилмаларини бирлаштирган ва банк сектори тузилишига катта таъсир кўрсатадиган, анъанавий банк хизматларини вертуал оффислар ва хизматлар билан алмаштирадиган янги бизнес-разведка тизимларини яратишни ўз ичига олади. Аслида, банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим этишнинг анъанавий шаклларининг қайта туғилиши мавжуд. Шу муносабат билан Роце М. томонидан ишлаб чиқилган АКТ таърифи илмий қизиқиш уйғотади, унда муаллиф "соябон атамаси" тушунчасини ахборот, коммуникация ва технологияларни фанлараро ривожлантиришнинг янги йўналиши сифатида ишлатади. [15].

Молия ва банк соҳасидаги замонавий тадқиқотчиларнинг аксарияти яқин келажакда АКТни ривожлантиришга ўз ёндашувларини кўриб чиқмайдиган банклар банк хизматлари бозорида ўз рақобатбардошлигини йўқотиш ва мижозлар базасининг бир қисмини йўқотиш хавфи бор деган фикрни билдирадилар.

"Банк соҳасида ишлатиладиган АКТ маҳсулотларига автоматлаштирилган касса аппаратлари, смарт-карталар, Internet-banking, электрон узатиш тизимлари ва фойдаланувчилар ўртасида маълумотлар алмашинуви киради.

Юқорида айтиб ўтилганларни сарҳисоб қилиш керакки, банк секторида АКТнинг ривожланиши асосан молиявий глобаллашув ва янги технологик ечимлар таъсири билан олдиндан белгиланади. Банк-молия маҳсулотлари ва хизматларини жорий этиш бутун молия тизимини ривожлантиришнинг мухим элементига айланиб, янги касблар, фаолият соҳалари ва бизнеснинг янги шакллари пайдо бўлишини таъминлайди. Мижозлар ўртасидаги битимлар ва ҳисоб-китобларни оммавий виртуализация қилишга ўтиш кўрсатилаётган хизмат сифатини яхшилаш, хавфларни камайтириш ва банклар томонидан тўплланган мижоз маълумотларини ҳимоя қилиш зарурлигини белгилайди.

Хуносасида таклифлар

Шундай қилиб, замонавий рақамлаштириш шароитида банк инфратузилмасининг самарали ишлашининг асосий детерминантлари унинг каналлараро табиати, юқори даражадаги мослашувчанлик ва қаршилик, ҳисботларни яратиш учун маълумотларни тўплаш ва кенг таҳлил қилиш, юқори даражадаги кенг кўламли прогнозлардир. Бу кўрсатилаётган банк хизматлари сифатининг ўсишига ва уларни тақдим этаётган ташкилотларнинг рақобатбардош барқарорлигига ёрдам беради.

Банк соҳасида инновацияларни жорий этишда расмийлаштирилган бизнес жараёнларининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш керак. Бу шуни англатадики, замонавий бошқарув тузилмасини амалга ошириш ва бизнес имкониятлари асосида амалга оширилдиган кросс-канал ахборот ресурсларини қайта ишлаш натижаси ҳар доим илгари амалга оширилган ахборот ечимларидан таклиф қилинган методология нуқтаи назаридан ҳам, амалий амалга оширишда ҳам фарқ қиласи.

Ўзбекистон банклари фаолиятини ривожлантиришда банк инновацияларининг аҳамияти асосланади.

Биринчидан, банк инновацияларининг жорий этилиши кредит-молия соҳасидаги тегишли соҳалар учун мултипликатор эфектини яратади, мижозларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилайди ва банк сектори имиджини сезиларли даражада яхшилайди.

Иккинчидан, банк инновацияларидан фойдаланиш мижозлар учун замонавий маҳсулот ва хизматларни жорий этишни фаоллаштиради, уларни яхшироқ, арzonроқ ва қулайроқ қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Кодзоев З.Б. (2015). Перспективные направления и факторы развития банковской инфраструктуры // Вестник Ростовского государственного экономического университета (РИНХ). №2(50) С. 178-184.

2. Гомонова Т.К. (2014) Банковская инфраструктура как критерий адекватности развития банковской системы // Гуманитарные, социально-экономические и общественные науки. №4. С. 339-342.

3. Makhijani, N., Creelman, J. (2011), «Creating a Balanced Scorecard for a Financial Services Organization», John Wiley Sons, Singapore.

Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматида амалга оширилаётган ислоҳотлар

**Рахимова Дилфузা Нигматовна –
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси кафедра мудири, иф.д.проф.**

**Саттаров Сайдимурод –
Ўзбекистон Республикаси Президенти
хузуридаги Давлат бошқаруви
академияси декани, PhD**

АННОТАЦИЯ. Мақолада Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизматида амалга оширилаётган ислоҳотлар ўрганиб чиқилган. Ривожланган давлатлар тажрибаси асосида амалга ошириладиган ишлар кўлами ўрганилган. Давлат фуқаролик хизматини тартибга солувчи, бу соҳада ислоҳотларни амалга оширишни йўлга қўйишга хос бўлган, қабул қилинган норматив-хуқуқий хужжатлар таҳлили берилган.

Калилти сўзлар: кадрлар сиёсати, давлат фуқаролик хизмати, ходимларни баҳолаш, самарали мотивациялаш, норматив-хуқуқий хужжатлар, лавозимларининг давлат реестри, рекрутинг.

АННОТАЦИЯ. В статье рассматриваются реформы, осуществленные в кадровой политике и государственной гражданской службе в Республике Узбекистан. На основе опыта развитых стран изучается тематика работ. Дан анализ принятых нормативно-правовых документов, регламентирующих государственную гражданскую службу, особенности реализации реформ в этой сфере.

Ключевые слова: кадровая политика, государственная гражданская служба, оценка работников, эффективная мотивация, нормативные правовые документы, государственный реестр должностей, рекрутинг.

ANNOTATION. The article discusses the reforms implemented in personnel policy and the state civil service in the Republic of Uzbekistan. Based on the experience of developed countries, the topics of work are being studied. An analysis is given of the adopted legal documents regulating the civil service, the features of the implementation of reforms in this area.

Key words: personnel policy, public civil service, employee assessment, effective motivation, regulatory legal documents, state register of positions, recruiting.

Кириш. Ўзбекистонда ислоҳотларнинг жадаллашуви турли соҳалар қатори давлатнинг кадрлар сиёсати борасидаги муаммоларини ҳам қайта кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилиш механизмларини такомиллаштиришни тақозо этади. Ривожланган давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, давлатнинг демократик сиёсий тизими кадрлар сиёсати самарадорлигига ҳал қилувчи куч бўлиб хизмат қиласди.

Бугунги кунда давлат ташкилотларида кадрлар сиёсати ва унинг асосий вазифалари ходимларни баҳолаш ва самарали мотивациялаш, ходимларни ривожлантириш, иқтидорларни бошқариш ва кадрлар захирасини шакллантириш, корпоратив қадриятларни ривожлантиришга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев давлат хизмати масаласига ўзининг Президентликка номзод сифатидаги сайловолди дастуридаёқ эътибор қаратган эди. 2016 йил 19 октябрда бўлиб ўтган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маърузасида у "Кўплаб давлат хизматчиларининг зиммасига катта масъулият юкланганига қарамасдан, уларнинг иш куни ва иш ҳафтаси аниқ меъёрга солинмагани ҳеч кимга сир эмас. Жаҳон тажрибаси шуни

кўрсатадики, давлат хизматчилари га юксак талаблар қўйишдан олдин уларнинг ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя тизими билан мустаҳкамлаш даркор. Масаланинг ўта долзарбилигини эътиборга олиб, давлат хизмати бўйича қонун қабул қилиш вақти келди”, деб таъкидлаган эди.

Натижада, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармонида давлат ва жамият қурилиши тизимини такомиллаштиришнинг устувор йўналишларидан бири сифатида давлат хизмати тизимини ислоҳ этиш вазифаси белгиланган эди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикасида Маъмурӣ ислоҳотлар концепцияси”нинг 6-устувор йўналиши профессионал давлат хизматининг самарали тизимини шакллантириш этиб белгиланди. Унда давлат хизматчиларининг профессионал корпусини яратиш мақсадида, давлат хизматини ташкил этиш, шу жумладан, ҳуқуқий мақоми, давлат хизматчиларининг классификацияси, хизматга қабул қилишнинг шаффоф механизmlари (тандов асосида), кадрлар захирасини шакллантириш, хизматни ўташ, ахлоқ нормалари га риоя этилишини таъминлаш масалаларини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий хужжатлар лойихасини ишлаб чиқиши, бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган органни ташкил этиш вазифалари назарда тутилган эди. 2019 йил 3 октябрь куни қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5843-сонли Президент Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4472-сонли Президент қарори билан ягона давлат кадрлар сиёсатини амалга ошириш учун масъул бўлган ихтисослаштирилган орган ташкил этилди.

Қонунчилик палатаси томонидан 2022 йил 2 марта қабул қилинган ва Сенат томонидан 2022 йил 28 майда маъқулланган “Давлат фуқаролик хизмати тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган давлат фуқаролик хизматининг асосий принциплари, давлат фуқаролик хизматчисининг ҳуқуқий мақоми, мажбуриятлари, жавобгарлиги, давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри, Миллий кадрлар захираси, Давлат фуқаролик хизматига кириш тартиби ва шартлари белгилаб берилди.

Қўйидагилар давлат фуқаролик хизматини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилишнинг устувор йўналишлари этиб белгиланди:

Давлат фуқаролик хизмати тизими давлат фуқаролик хизматчиларини марказлаштирилган тарзда танлаб олиш, ҳисобга олиш, жой-жойига қўйиш, уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш, касбий компетенциясини ошириш ва хизматда лавозим бўйича кўтариш механизmlарини жорий этиш;

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри давлат органи даражасидан (миллий, республика, ҳудудий ва туман) келиб чиқсан ҳолда, малака талабларига мувофиқ бирхиллаштирилган ва таснифланган давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг гурухлари ҳамда тоифаларидан, шунингдек давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг малака даражаларидан иборат бўлади;

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ҳамда маҳсус ваколатли давлат органи томонидан юритилади;

Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестри, шунингдек, унга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар маҳсус ваколатли давлат органининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

девлат фуқаролик хизмати лавозимлари сиёсий, бошқарув ва ёрдамчи лавозим гурухларидан иборатдир. Бунда мазкур гурухларга тегишли лавозимларининг тоифалари Давлат фуқаролик хизмати лавозимларининг давлат реестрида белгиланади;

девлат фуқаролик хизмати лавозимларининг сиёсий гурухига тааллуқли давлат фуқаролик хизматчиларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш тартиби алоҳида қонунлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорлари билан белгиланади;

девлат фуқаролик хизматчилари давлат фуқаролик хизматининг бошқарув ва ёрдамчи гурухларига тааллуқли давлат фуқаролик хизмати лавозимларига тандов асосида тайинланади ҳамда давлат органи раҳбари томонидан лавозимидан озод қилинади;

Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсатини ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштиришга оид биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастури уч йўналишдан иборат бўлди:

I. Кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимининг концептуал асосларини ишлаб чиқиш.

II. Кадрлар сиёсати соҳасида ва давлат фуқаролик хизмати тизимида норматив-хуқуқий базани такомиллаштириш.

III. Давлат фуқаролик хизмати тизимининг салоҳиятини юксалтириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармони қабул қилинди. Ҳаракатлар стратегиясининг мантиқий давоми бўлган Тараққиёт стратегиясида устувор йўналишлар сони 7 тага етказилди ҳамда ва 100 та мақсад доирасида мамлакатимизни 2026 йилгача ривожлантиришнинг дастуриламали яратилди. Тараққиёт стратегиясининг 10-мақсади “Давлат фуқаролик хизмати тизимини замонавий стандартлар асосида ташкил этиш” сифатида белгиланди. Мақсад доирасида қўйидаги вазифаларни амалга ошириш белгиланди:

Давлат хизматида коррупция омилларини бартараф этиш, кадрларни танлов асосида ишга қабул қилиш ва улар фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг хуқуқий асосларини такомиллаштириш.

Давлат хизматчилари ва давлат органлари фаолиятини энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (КРІ) асосида баҳолаш тизими бўйича «Миллий рейтинг» тизимини жорий этиш.

Давлат хизматчиларининг касбий тайёргарлик, моддий ва ижтимоий таъминот даражасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Маҳаллий ҳокимлик органлари, вазирлик ва идораларга раҳбарлик лавозимлари учун мунособ номзодларни тайёрлаш мақсадида Миллий кадрлар захирасини шакллантириш.

Давлат хизматига кириш, захирани шакллантириш, баҳолаш ва хизматни ўташ билан боғлиқ жарабёнларни рақамлаштиришни назарда тутувчи «Рақамли давлат хизмати» лойиҳасини амалга ошириш.

Давлат органларида иш вақти ва меҳнат меъёрлари бўйича талабларни қайта кўриб чиқиши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2019 йилнинг 28 май куни илм-фан ва олий таълим соҳасини ривожлантириш бўйича белгилланган вазифалар ижросига бағишланган йиғилишида “Асосий мақсад – мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш” – деган эди.

Дунёдаги қайси давлат бўлишидан қатъий назар, инсон капиталига самарали инвестиция қила олиши нафақат мамлакат тараққиёти, балки жамият аъзоларининг турмуш фаровонлиги ва бойишига ҳам замин яратади.

Усул ва услубиёт. Ҳаммамизга маълумки ривожланган давлатларда XX асрнинг 50-60 йилларидан бошлаб инсон капиталига катта эътибор қаратилган. Инсон капиталига эътибор 1960 йилларда Г.Беккер томонидан дастлабки тадқиқотларда ўз аксини топган бўлсада, ҳозирги кунга келиб инсон капиталига эътибор ёш болаларнинг таълим олиши ва соғлиги каби компонентларга эътибор берилиши билан муҳим аҳамиятга эга эканлиги таъкидлаб ўтилди. Бу эса, болаларда инсон капиталини ривожлантириш учун ислоҳотларни бошлаш ҳар қачонгидан ҳам долзарблик касб этишида ўз аксини топди. Бу борада, ҳалқаро олимларнинг илмий хулосаларини келтириб ўтиш жоиз. Ж.Минсер инсон капиталига инвестициялар ва даромадларнинг тенгсизлиги омилларини аниқлаган ва уларни баҳолаган. Инсонлар даромадининг нотенглиги инсон капиталига қилинган инвестицияларга боғлиқ эканлиги ва инвестиция жараёни эркин танловга асосланишини қайд этиб ўтади. Унинг фикрига кўра, катта маош кўп ўрганишни талаб этади. Шу боисдан, касблараро фарқ уларни ўрганишдаги фарқлар билан изоҳланади ва ўрганиш муддатларидағи ўзаро абсолют фарқ йиллик даромаддаги фоизли фарқларни келтириб чиқаради. Бир касбнинг бир неча эгалари даромадлари ўртасидаги фарқ инсон капитали тажрибасига қилинган инвестиция муддатининг узайтирилганлиги билан боғлиқ. Назарияда инсон капитали 1960 йилларда Г.Беккер томонидан дастлабки тадқиқотларда ўз аксини топган. Ҳар бир кишида мавжуд билим хазинаси, малака кўлами ва мотивациялар захирасидир. Инсон капиталининг жамғарилиши жисмоний капитал сингари катта харажатларни талаб этади ва бу мураккаб инвестицион жараён билан боғлиқдир. Инсон тараққиёти индекси бўйича Жаҳон банкининг 2020 йил учун эълон қилинган инсон капитали индексида Ўзбекистон 62 фоизлик натижага билан МДҲ давлатлари орасида 4-

ўринни эгаллади. Ўзбекистонда ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида давлат хизматидаги кадрлар сиёсатини аввалгидек оддий “ходимларни бошқариш”нинг айрим элементларини эмас, балки “инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш”га йўналтирилган янги сифат босқичига кўтариш вазифаси турибди. Инсон ресурсларини бошқаришни “ташкilotнинг стратегик мақсадларига эришиш учун унинг инсон ресурсларига бўлган эҳтиёжини таҳлил қилиш ва бошқариш жараёни” деб таърифлаш мумкин. Бунда кадрлар бошқарувини ривожлантиришга нисбатан ходимларнинг ташкилий ва шахсий билимлари, қобилиятларини ривожлантиришга ёрдам беришнинг умумий концепцияси сифатида қаралади. Ходимларнинг нафақат қаттиқ кўникмаларини (*hard skills*), балки юмшоқ кўникмаларини (*soft skills*) ҳам ривожлантиришга эътибор қаратилади. Ходимларнинг мансаб поғонасида ўсиши, самарадорликни баҳолаш ва бошқариш, коучинг, менторлик, ходимларни ўқитиш ва бошқа шу каби ёндашувлар киради. Яна шуни таъкидлаш керакки, инсон ресурсларини бошқариш ва ривожлантириш бу ходимларнинг иштирокида қабул қилинган қарорларга асосланувчи стратегик функциядир. Шундай экан, Энг қобилиятли одамлар энг яхши натижаларга эришишлари мумкин ва шунга кўра, барча фуқароларнинг ижтимоий фаровонлиги ошади. Мамлакатимиз амалиётига жорий этилаётган меритократия – инсон учун ҳам, жамият учун ҳам энг яхши натижаларга эришишда адолатли тизим вазифасини ўтайди.

Кадрларни режалаштириш, саралаш ва танлашнинг ноёб турларини амалга оширишда бугунги кунда аксарият ҳолатларда мутахассислар сұхбат билан чекланиб қолмоқдалар. Аксинча, талабгор компетенцияларини аниқлашнинг янада жиддий методологиясини ўрганиш зарур бўлиб, турли тестлар, ишбилармонлик ўйинлари, ассисмент марказлари ва бошқалар номзодларнинг имкониятларини кенгроқ аниқлашга шароит яратиб беради. Хусусан, психологияк тестлардан фойдаланиш ва уларнинг натижаларини инобатга олиш ҳам фойдадан холи эмас.

Ходимларни саралаш ва танлаш санъати – бир қарашда оддий иш туюлиши мумкин, лекин бу мураккаб жараён ҳисобланади. Жуда кўп ҳолатлarda янги қабул қилинган кадр ўз лавозими ва иш жойига номуносиб бўлиши мумкин. Шунинг учун инсон ресурсларини бошқарувчи шахслар рекрутинг тизимида қўлланиладиган барча замонавий технологиялардан хабардор бўлиш ва уларни ўринли қўллай олиш кўникмаларига эга бўлиши шарт.

Давлат фуқаролик хизматида рекрутинг механизmlарини қўллаш ҳозирги кунда малакали кадрларни қидириш билан боғлиқ ҳолда кенг қўлланилмоқда. Аслида, рекрутинг агентлеклари талаб даражасидаги ходимларни танлаш, уларнинг ўқув ва иш тажрибаси билан шуғулланади. Тарихга назар ташласак, рекрутинг тадбиркорлик фаолияти сифатида XX асрнинг 50-йиллари бошларида Америкада пайдо бўлган. Европа мамлакатларида рекрутинг хизматлари XX асрнинг 90-йиллари бошларида кенг тарқалган. Россиянинг йирик шаҳарларида рекрутинг бизнеси мана 15 йилдирки мавжуд. Рекрутинг агентлеклари хизматига нисбатан бўлган талабнинг ошишига ишчи кучининг меҳнатга сафарбарлигини ошириш ҳамда юқори малакали инсон ресурсларига бўлган рақобатнинг кучайиши сабаб бўлди. Бугунги кунда ходимлар рекрутинги – ташки мөхнат бозоридан ишга олиш учун талабгор ташкilotнинг бўш лавозимларига белгиланган талабларга мувофиқ танланган номзодлар рўйхатини шакллантириш ва тақдим этишдан иборат ташкилий чора-тадбирлар мажмуидир. Рекрутларнинг самарали тамойиллари қаторига ташкилот (мижоз)нинг эҳтиёжларини, фаолият соҳасини тўлиқ тушуниш, шунингдек, уларнинг талабларига мос кадрларни саралаш, танлаб олиш ва улар билан малакали ишлаш қобилиятлари мавжудлиги билан баҳоланади.

Хулоса. Шундай қилиб, мухтасар қилиб айтганимизда, замонавий бозор хизмат кўрсатиш технологияларига ўз талабларини бирин-кетин қўймоқда:

* Буюртмани бажариш тезлиги. Ишга қабул қилиш технологияси яхши ривожланган бўлса, мижоз компанияси мутахассислари ариза беришидан то биринчи сұхбатгача бўлган вақт камдан-кам ҳолларда бир ҳафтадан ортиқ бўлади. Кўпинча мунтазам мижозлар билан вакансия бўйича иш қонуний ва бухгалтерия нюанслари келишилгунга қадар бошланади ва шартнома тузилган вақтга келиб, номзод аллақачон компанияда ишлайди. Хизмат нархи ҳам тезлигига боғлиқ бўлиши мумкин.

* Лойиҳали ёндашув. Бундай ёндашув билан ҳар бир вакант бўйича иш алоҳида лойиҳа сифатида ташкил этилади. 4 дан 8 кишигача бир вақтнинг ўзида ҳар бир дастур бўйича ишлайди, уларнинг ҳар бири ўз вазифасини бажаради (эксперт, рекрутер, асосий ҳисобчи ва бошқалар). Бундай ёндашув бўш иш ўринларининг ҳар бири устида ишлашда

юқори сифатга эришиш имконини беради. Рекрутер учун талаблар ёки бешта касбий ва ахлоқий кўникмаларни назарда тутади.

✓ Кўникма: рекрутер ҳалоллик, одобилик ва масъулиятлилик каби қадриятларга эга бўлиши керак ва булар яққол кўриниб туриши керак.

✓ Кўникма: рекрутерлар компетентли бўлиши керак-улар меҳнат бозорида вазиятни билиш ва қулай тарзда боғлиқ масалаларни тушунтириб беришлари керак (бу соҳада маълум бир лавозимига номзод излаш ва у номзодлар билан шартнома қилиш қанчалик қийин).

✓ Кўникма: рекрутерлар дўстона муносабатларни ўрнатиш қуриш ва сақлаб қолиш имкониятига эга бўлиши керак.

✓ Кўникма: Рекрутерлар улар билан ишлаётган мижоз компаниялардан оладиган фойдасини оқлаши керак.

✓ Кўникма: Юқори даражадаги рекрутерларнинг муваффақиятлари имзоланган битимлар сони ва уларнинг бажарилиши билан баҳоланади!

Шунинг учун ишга қабул қилувчи номзодларни ҳам, ишга ёлланувчи ходимларга ҳам яхши хизмат кўrsatiш зарур. У эътиrozларни енгиб, камчиликларни афзалликларга айлантириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислоҳотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида. //<http://lex.uz/docs/3331174>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлар тўғрисида //<http://lex.uz/docs/4549998>

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. //<http://lex.uz/docs/3107036>

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги "2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони // Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси – www.lex.uz

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида. //<http://lex.uz/docs/4552053>

16. Демократик ислоҳотларни изчил давом эттириш, ҳалқимиз учун тинч ва осоиишта, муносиб ҳаёт даражасини яратиш – барқарор тараққиёт кафолатидир. Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Шавкат Мирзиёевнинг Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг VIII съездидаги маъruzаси. // https://uz.fundamental-economic.uz/?page_id=1132

17. Luftim Cania, (2014), "The evolution of human resource management: past, present and future", The Macrotheme Review 3(9), 2014. pp 73-83.

18. Рахимова Д.Н.и другие. Эволюция государственного управления в странах постсоветского пространства. Республика Узбекистан. Москва: Журнал Государственная служба №2, 2021.188-203 с.

19. Рахимова Д.Н. Эволюция государственного управления в Узбекистане. Ташкент.: Экономическое обозрение № 4 (256) 2021.

Gender equality and women's right

Sunnatova Sabrina Dilshod qizi

Tashkent state university of Law "Public law" student

E-mail: lawyersabrina@icloud.com

Phone number: +(998) 900997722

Abstract: This article provides a brief overview of gender equality and women's rights. Reforms carried out in our country, the conditions created for them, and suggestions are discussed. providing financial support for girls' education, helping young families, decisions and proposals of the President of the Republic of Uzbekistan regarding women.

Key words: "Women's register" system, UNODC program, the contract money for master's degree, "The Women's Education Support Program", "On Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men".

The whole world is trying to maintain gender equality and woman's right in the same way. Firstly, we need to know "What is gender equality?". Gender equality occurs when men and women have equal rights, responsibilities, and opportunities. People of all genders should have equal chances, rights, and responsibilities. Gender inequality has an impact on everyone, including men, women, transgender and gender nonconforming individuals, kids, and families. People of all ages and ethnicities are affected. Gender equality is desperately needed. Violence against women and girls is avoided by gender equality. It is necessary for the health of the economy. Women and men are valued equally in societies, which are safer and healthier. Gender equality benefits everyone.

Almost every human rights convention prohibits gender discrimination. Despite significant progress in establishing woman's rights around the world, millions of women and girls continue to face discrimination and violence, being denied their equality, dignity, and autonomy, as well as their lives.

Discrimination and violence against women and girls are chronic and systematic, and are deeply ingrained in the fabric of civilizations. In recent years, there has been a resurgence of skepticism toward and denial of international standards pertaining to women's human rights, gender equality, and gender-based violence, despite the fact that women and girls are increasingly raising their voices to demand equality, including through feminist movements.

A lot of work is being done on the issue of gender equality in Uzbekistan. "Uzbekistan has undertaken significant reform efforts in key policy areas within UNODC's mandates. Be it in the field of border management, law enforcement, criminal justice, health, education, or the fight against corruption, the full success of these reforms will rely on the participation of women in their design and implementation, on an equal footing with men. Women's rights and needs must be taken into account, every step of the way, as women and men are impacted differently by drugs, crime, corruption, and terrorism", said Ms. Ghada Waly while referring to the conference attendees. In 2019, the Uzbek government passed a law titled "Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men," which takes a strong position against gender discrimination and provides equal rights for both sexes.

The Law of the Republic of Uzbekistan "On Guarantees of Equal Rights and Opportunities for Women and Men" was passed on September 2, 2019. The law establishes the notions of "direct discrimination on the basis of sex" and "indirect discrimination on the basis of gender," mandates the legal assessment of normative legislative actions and their drafts, and mandates the collection of gender statistics. The Commission on Gender Equality has been established, led by the chairperson of the Oliy Majlis Senate. The Upper House of Parliament has established the Committee on Women and Gender Equality, and the Lower House has established the Commission for Family and Women's Affairs.

If we consider statistics are showing that in 2020 women in parliament accounted for 32 percent

President Mirziyoyev has taken encouraging steps to improve Uzbekistan's lack of women's rights. Mirziyoyev, who was elected in 2016, spoke about the value of women in Uzbek culture, highlighting their problem-solving ability and administrative qualities.

Our country joined all main international conventions, ensuring legal, social and economic protection of women from any form of discrimination. "The Strategy for Achieving Gender Equality in Uzbekistan until 2030 was adopted", highlighted Ms. Narbaeva. UNODC continues dedicated to assisting Uzbekistan in combating transnational organized crime, human trafficking, and all other kinds of crime and violence. Gender mainstreaming and women's empowerment in the fight against drugs, corruption, and terrorism are top priorities in the new cycle of the UNODC Program for Central Asia 2022-2025.

Gender equality is strengthened in article 18 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan. *"All citizens of the Republic of Uzbekistan shall have equal rights and freedoms, and shall be equal before the law, without discrimination by sex, race, nationality, language, religion, social origin, convictions, individual and social status."*

"Any privileges may be granted solely by the law and shall conform to the principles of social justice". Many reforms are being implemented in Uzbekistan today which is relate to gender equality and women's right. All conditions are being created for girls' education. For example, in 2021, 2 trillion soums in loans and subsidies were awarded to over 200,000 projects under the umbrella of women's entrepreneurship programs, and 320,000 women were given permanent jobs. By 2021, 190,000 women will have received professional training. Approximately 900,000 women received socioeconomic, medical, legal, and psychological assistance through the "Women's Register" system, which was introduced in 2020. More than 4,000 women will get funding for the initial housing payment in 2021 alone. 2,000 girls were admitted to institutions through a separate award, and another 1,800 were given contracts. As a result, by 2021, 60 percent of university students will be female (in 2016, this figure was 38 percent). In 2021, 1,153 women received free high-tech medical procedures.

In particular, more than 630,000 women are listed in the "Women's Registry", 200,000 of them are unemployed. In 2021, crime among unemployed women increased by 1.7 times, and crimes committed by women aged 18-30 increased by 2 times. In addition, there are still cases of humiliation, violence and oppression of women in the family. In 2021, about 39,000 women contacted prevention inspectors about domestic violence by their husbands, mothers-in-law, and daughters-in-law. These numbers are 2.5 times more than in 2020.

"Unfortunately, the role and influence of neighborhood activists, our community and our intellectuals in solving these problems is not felt."

We must understand one thing clearly. "It takes a lot of courage to study, work, or do business while taking care of family and child upbringing", the President said.

Every year, 700,000 infants are born in our country. Women who have children should take maternity leave for at least four months. *"It must be said clearly that, while budget organizations pay pregnancy benefits in full, there are cases in the private sector where women avoid official employment because of this cost," said the President.* They will also receive a one-time pregnancy allowance of 2 million soums for four months. The budget will allocate 200 billion soums for these activities in 2022, and 1.7 trillion soums in 2023.

"We support women who want to study at all levels of the educational system and create conditions for them", the President. The Women's Education Support Program for the years 2022-2026 has been approved. As part of the proposal, a separate textile university based on public-private partnerships will be constructed in the capital to educate primarily women. Its technical schools have also opened in various locations. Simultaneously, the percentage of female students at higher education institutions in certain sciences, technology, and law, where the percentage of women is low, will be increased from 24% to 40%. To that end, at least half of the quota for female students is set aside each year for specified sciences, technical, and legal professions. For the first time, 7-year interest-free loans to girls studying in universities, technical institutions, and colleges will be made available beginning with the new academic year.

Beginning with the new academic year, the contract money for master's degree students will be fully paid by the budget (200 billion soums for 23 thousand girls). Each year, 50 females are sent to prominent international colleges to pursue bachelor's degrees and 10 pursue master's degrees. The local budget will pay for the educational contracts of 150 girls who have lost their father or mother (a total of 2.1 thousand). Remote study arrangements will be established for

students with young children. A quota of at least 300 women in the doctorate program is set aside each year.

Article 46 of the Republic of Uzbekistan's Constitution strengthens gender equality. Chapter 14 of the Constitution of the Republic of Uzbekistan is titled "Family" and is dedicated to the protection of the family, motherhood, and childhood. Article 15 of the Code establishes the marriage age for men and women at eighteen in order to avoid early marriages. National legislation provides dependable safeguards for women's rights.

Subway is our country's most popular mode of transportation, and if everyone considers the subway's TV, you can watch various types of advertising for brands. Instead of showing such advertisements on television, I believe that the reforms implemented in our country, such as those in education and health, will have a positive impact on the minds of young people. In conclusion, in all countries, the issue of gender equality is high and they are adequately addressing this issue. Opportunities for education and health of girls and women are increasing year by year.

References:

Retrieved from <https://review.uz/uz/post/shavkat-mirziyoyev-raisligida-xotin-qizlarni-qollab-quvvatlashga-bagishlangan-yigilishda-ayollar-uchun-qanday-engilliklar-kiritildi>

Retrieved from <https://lex.uz/docs/4032775>

Women Leaders of Uzbekistan Stand For Gender Equality and Human Rights (2019) retrieved from <https://www.unodc.org/centralasia/en/news-cj/women-leaders-of-uzbekistan-stand-for-gender-equality-and-human-rights.html>

Retrieved from <https://www.un.org/sustainabledevelopment/gender-equality/>

Retrieved from https://en.wikipedia.org/wiki/Gender_equality

Retrieved from <https://www.globalgoals.org/goals/5-gender-equality/>

Retrieved from <https://pravacheloveka.uz/en/menu/prava-zhenschin#:~:text=Uzbekistan%20was%20one%20of%20the,Discrimination%20and%20other%20international%20instruments.>

Retrieved from <https://borgenproject.org/womens-rights-in-uzbekistan/>

Retrieved from https://en.wikipedia.org/wiki/Women_in_Uzbekistan

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ УСЛОВИЯ ФОРМИРОВАНИЯ СПОРТИВНОЙ МОТИВАЦИИ

Талипджанов А.А.

кандидат педагогических наук, доцент

Кокандского государственного педагогического института

thecoolguy@mail.ru телефон: +998905569132

Ахмедова Н.А.

Старший преподаватель Ташкентского фармацевтического института

thecoolguyaar9798@gmail.com телефон: +998909022571

Annotatsiya: ilmiy-uslubiy adabiyotlarni nazariy tahlil qilish asosida sport motivatsiyasining mohiyati va mazmuni hamda uning sportchilarning shaxsiy fazilatlari bilan bog'liqlik xususiyatlari aniqlanadi. 15-16 yoshli voleybolchilarning sport motivatsiyasini shakllantirishning pedagogik shartlari aniqlangan.

Kalit so'zlar: motivatsiya, sport motivatsiyasi, sport faoliyati, shaxsiy xususiyatlar, da'volar darajasi.

Аннотация: на основе теоретического анализа научно-методической литературы определены сущность и содержание спортивной мотивации и особенности ее связи с личностными качествами спортсменов. Выявлены педагогические условия формирования спортивной мотивации волейболистов 15-16 лет.

Ключевые слова: мотивация, спортивная мотивация, спортивная деятельность, черты личности, уровень притязаний.

Annotation: based on the theoretical analysis of scientific and methodological literature, the essence and content of sports motivation and the features of its connection with the personal qualities of athletes are determined. The pedagogical conditions for the formation of sports motivation of volleyball players aged 15-16 are revealed.

Keywords: motive, sports motivation, sports activity, personality traits, level of claims.

Введение

Мотивация занимает ведущее место в структуре личности, пронизывая все ее структурные образования: направленность личности, характер, эмоции, способности, психические процессы. Мотивация поведения невозможна вне эмоциональной сферы. Эмоции ориентируют человека, указывая на важность окружающей среды для человека, степень их важности, их модальность. Степень значимости указывает на приемлемый уровень материальных и функциональных энергетических затрат, необходимых для реализации импульсов. В психологической литературе предлагается разграничивать понятия мотива и мотивации. Под мотивами понимаются: 1) субъективные динамические силы (тенденции), направленные на освобождение человека от гнетущих состояний напряжения; 2) субъективные образы предметов, удовлетворяющие соответствующие потребности и придающие личностный смысл деятельности, направленной на них; 3) специальные стационарные установки, определяющие готовность к деятельности в соответствующих условиях и в определенном направлении; 4) стабильные настройки оценки.

Литературный обзор

Мотивация рассматривается как психическое состояние, формирующееся в результате соотнесения человеком своих потребностей и возможностей со спецификой той или иной деятельности и служащее основой для постановки и реализации его целей. Специфика спортивной мотивации обусловлена качественным своеобразием субъекта спортивной деятельности. Р.А. Пилоян определяет спортивную мотивацию как «особое состояние

личности спортсмена, формирующееся в результате соотнесения его способностей и возможностей с предметом спортивной деятельности, служащее основой для постановки и реализации целей, направленных на достижение максимально возможного спортивного результата на данный момент».

Спортивная деятельность характеризуется такими психологическими характеристиками, как ориентация на максимальный уровень достижений и высокая эмоциональная напряженность, связанная с субъективной значимостью результатов деятельности, остротой соперничества, публичностью выступлений на соревнованиях. В продолжительности и результативности занятий спортом значительная роль принадлежит мотивационной сфере личности. По мнению А.В. Родионова, к мотивам занятий спортом высших достижений относятся потребность в экстремальных физических усилиях, переживание состояния сильного психического напряжения, преодоление соперника, проверка собственных физических и психических возможностей. На приоритетность мотивов, особенности структуры мотивов влияют специфика вида спорта, уровень спортивных достижений, возраст, пол, спортивный стаж спортсмена, а также самооценка своих личностных качеств. Спортивные психологи предлагают различать спортивные мотивы и спортивную мотивацию. В частности, В.К. Сафонов выделяет два уровня спортивной мотивации:

1. Общая мотивация. Ее формирование является задачей всего образовательного процесса. Обязательным условием этого является постановка и фиксация в сознании спортсмена отдаленной цели.

2. Мотивация спортсмена на данном тренировочном занятии, на конкретном этапе подготовки, которая, преломляясь через общую мотивацию, актуализируется через осознание задач данного этапа подготовки и самооценку своего состояния, функциональных возможностей.

Методология исследования

Развитие и функционирование спортивной мотивации предполагает необходимость высокого уровня развития ряда качеств личности:

1) положительное отношение к спорту и преодоление трудностей спортивной деятельности;

2) эмоционально-волевые качества - решительность, решительность, настойчивость, уверенность в себе, самообладание, находчивость, эмоциональная устойчивость;

3) чувство коллективизма и его проявления.

Спортивная мотивация определяется как актуальное состояние личности спортсмена, которое служит основанием для постановки и реализации целей, направленных на достижение максимально возможного спортивного результата в данный момент. Выявлено, что, с одной стороны, мотивация влияет на характер тренировочной деятельности и непосредственно на соревновательный результат, с другой стороны, повышение эффективности соревновательной деятельности усиливает спортивную мотивацию.

Е. Г. Бабушкин предлагает различать в структуре спортивной мотивации тренировочную и соревновательную мотивацию. В свою очередь, в соревновательной мотивации выделяют два компонента: мотивация достижения успеха и мотивация избегания неудачи.

Спортсменов с доминирующей мотивацией достижения успеха отличают стремление к победе, умение «бороться до конца», положительные эмоции, склонность к доминированию, стремление к риску, нечувствительность к угрозе, низкая тревожность, атакующий стиль действий. действие. боевые действия, высокая интенсивность усилий и эффективное поведение в экстремальных ситуациях.

Выявлено, что мотивация достижения успеха влияет на цель и содержание действия, интенсивность усилий и поведение в экстремальных ситуациях. Б. И. Степанский установил, что при доминировании мотивации достижения результативность определяется текущим уровнем регуляции деятельности, т. е. ее психофизиологическими характеристиками. Если на любом уровне регуляции деятельности преобладает мотив избегания неудачи, ее эффективность будет низкой. Проявление спортивной мотивации зависит от особенностей самооценки спортсменов своих личностных качеств.

Анализ и результаты

По результатам исследования А.В. Шаболтас, значимыми параметрами самооценки вне зависимости от вида спорта и пола спортсменов являются уверенность в себе, удовлетворенность спортивными результатами, авторитетом, здоровьем. В частности, выявлено, что уверенность в себе тесно связана со спортивными достижениями, мотивом

достижения успеха и эмоциональностью спортивной деятельности. В ряде работ рассматривается соотношение мотивов и целей спортивной деятельности. Г. Д. Горбунов пишет, что процесс субъективного целеполагания и мотивационная сфера спортсмена тесно связаны, и решающую роль в этом играет самоутверждение. Развитие такого мотива следует рассматривать в связи с формированием системы ценностей спортсмена, в основе которой должна лежать критическая оценка личного поведения и достижений. Критическое отношение спортсмена к своему поведению невозможно без чувства собственного достоинства и идентификации с общепринятыми социальными и социальными нормами.

Личностные ценности спортсмена определяют его уровень притязаний к себе и к своим достижениям. Важной предпосылкой реализации регулирующей функции ворот является субъективное принятие их спортсменом. Чем четче спортсмен осознает стоящие перед ним задачи, чем глубже он понимает и переживает важность и социальную значимость решения этих задач, тем сильнее стремление к их решению. Чем сложнее и серьезнее цель, тем больше усилий прилагают спортсмены. Сложность цели, выбранной спортсменкой, характеризует уровень ее притязаний в области спортивной деятельности. Уровень притязаний спортсмена должен соответствовать его возможностям.

По мере нарастания стресса лица с сильной нервной системой завышают уровень притязаний, а лица со слабой нервной системой занижают его. Е. П. Ильин приводит признаки поведения спортсменов с высоким и низким уровнем притязаний. Первые переоценивают свои способности, требуют от окружающих высоких оценок и терпят неудачи. Спортсмены с низким уровнем притязаний недооценивают себя, не стремятся подняться выше достигнутого уровня, неохотно берутся за сложные задачи, боятся неудач. На уровень притязаний спортсмена могут влиять прошлые успехи и неудачи, способность реально оценивать текущую ситуацию, способность предвидеть ход и результат действия. Важнее волевая активность спортсмена, его стремление к намеченной цели, тем выше мотив и выше уровень притязаний (цель сложнее).

В целом результаты исследования свидетельствуют о тесной взаимосвязи между мотивационными установками, уровнем притязаний, самооценкой и чертами личности.

Обсуждение результатов исследования

Подводя итоги исследования, проведенного отечественными и зарубежными исследователями можно сделать вывод о том, что они выделяют следующие мотивы, связанные с процессом спортивной деятельности: потребность в двигательной активности; эстетическое удовольствие; стремление к конкуренции; активный отдых и развлечения; необходимость чрезмерных физических усилий; стремление к состоянию стресса и выход из него. Наряду с этим авторы выделяют мотивы, связанные с результатами спортивной деятельности:

роверка собственных физических и умственных возможностей; стремление стать здоровым, сильным, физически, добиться красивого телосложения, улучшить физические возможности; формирование личности: стремление закалить волю, стать мужественным и настойчивым; повышение социального статуса, социальное самоутверждение; достижение успехов в спорте; сосредоточиться на возможных негативных последствиях успеха; стремление к контактам в спортивной команде; материальные потребности, социальные условия; подготовка к профессиональной деятельности; накопление специальных знаний и умений, знаний о своих противниках; отсутствие болевых и психогенных эффектов; желание посещать соревнования в других городах страны и, особенно, за рубежом; желание в будущем стать тренером; этические мотивы: осознание важности спортивной деятельности, стремление прославить свою страну, стремление к спортивному совершенствованию для успешного выступления спортивной команды. Развитие мотивации к спортивной деятельности обусловлено взаимодействием внутренних и внешних факторов, меняющих свое значение в процессе спортивной деятельности. В качестве внутренних факторов развития мотивации выступают: возраст, задатки двигательных способностей и склонность к деятельности определенного содержания. Роль внешних факторов играет социальная среда, которая отражает как традиционные социально-моральные нормы, присущие обществу, так и отношение к личности спортсмена.

Развитие внутренних и внешних факторов осуществляется посредством их взаимодействия в процессе спортивной деятельности. В результате развития внутренних факторов формируются цели и задачи спорта, адекватные, с одной стороны, личностно значимым потребностям, с другой - возможностям и особенностям выполняемой деятельности.

Развитие внешних факторов проявляется главным образом в совершенствовании организации учебно-тренировочного процесса (условия обучения, организация и методика занятий, высокая эмоциональность тренировочных занятий) и соревновательной деятельности.

Для развития мотивации решающее значение имеет высокая удовлетворенность спортсменов результатами спортивной деятельности с учетом их соответствия ее целям и задачам (в результате эффективного взаимодействия внутренних и внешних факторов), информация о которой оперативно поступает в организм спортсмена от тренера по каналам обратной связи.

Конечной целью психологической подготовки является формирование и повышение спортивной мотивации личности путем ежедневной (в ходе каждой тренировки и соревнования) стабилизации отношения спортсмена к процессу и результатам спортивной деятельности, к тренеру и товарищам по команде, к самому себе. Психологическая подготовка, направленная на формирование спортивной мотивации, проводится в единстве с другими видами спортивной подготовки. Поэтому все физические упражнения и реабилитационные мероприятия, выполняемые спортсменами, должны рассматриваться применительно не только к их физическому состоянию, но и к актуализированным психическим состояниям занимающихся. В литературе не отражены такие вопросы, как: особенности соревновательной и тренировочной мотивации занятий волейболом в подростковом возрасте; взаимосвязь спортивной мотивации, самооценки спортивных возможностей и волевых качеств; управление формированием спортивной мотивации; взаимосвязь спортивной мотивации с особенностями личности спортсмена и уровнем его спортивной подготовленности. Это определило актуальность нашего исследования. Наши многолетние исследования данной проблемы с волейболистами 15-16 лет позволили прийти к следующему выводу. Формирование отношений, лежащих в основе спортивной мотивации, осуществляется через психологические механизмы «снизу вверх» и «сверху вниз». Действие механизма «снизу вверх» обеспечивается направленным созданием особых внешних условий в процессе внетренировочной, тренировочной и соревновательной деятельности (например, ситуаций успеха, необходимости своевременного принятия решений в личностно значимая и неопределенная ситуация и др.), которые объективно требуют от спортсменов актуализации сформированных мотивов и волевых качеств и приводят к самостоятельному принятию решения о совершении соответствующих действий. Одновременно с помещением в специально организованные внешние условия спортивной деятельности тренер, используя методы внушения и убеждения, доводит до сознания и понимания спортсменов, какой направленностью и эмоциональной окраской должно быть отношение к этим условиям, при которых достигается высокая эффективность занятий спортом. достигается активность (действие механизма «сверху вниз»).

Выводы / Рекомендации

Теоретический анализ и обобщение литературных данных позволили выделить ряд педагогических условий, выполнение которых в процессе спортивной подготовки через психологические механизмы «снизу вверх» и «сверху вниз» должно обеспечиваться, по нашему мнению. предположение, возникновение, функционирование и развитие отношения волейболистов к цели спорта, спортивным успехам, своим возможностям, тренировочной и соревновательной деятельности, к команде и тренеру.

Стабилизация этих отношений приводит к формированию мотивов к занятиям спортом, волевых качеств, способности к субъективному контролю и самоуправлению, которые впоследствии становятся личностной основой внутренне организованной спортивной мотивации. При этом, на наш взгляд, необходимо соблюдение следующих педагогических условий, которые мы выделили:

- формирование благоприятного отношения к цели занятий спортом;
- формирование благоприятного отношения к спортивным успехам;
- формирование благожелательного отношения к своим способностям;
- формирование благоприятного отношения к тренировочной и соревновательной деятельности;
- Формирование доброжелательного отношения к команде и тренеру.

Обобщая результаты исследования, можно сделать вывод, что при практической реализации выделенных нами педагогических условий в учебно-тренировочном процессе волейболистов 15-16 лет наблюдается следующее:

- 1) Ускорение темпов развития волевых качеств решительности, настойчивости и настойчивости;
- 2) ослабление значимости мотива эмоционального удовольствия и повышение значимости мотивов успеха, социального и физического самоутверждения;
- 3) Усиление спортивной мотивации и соревновательной мотивации;
- 4) Повышение уровня субъективного контроля и способности самостоятельно управлять общением, поведением и деятельностью.

Для управления формированием спортивной мотивации необходимо создание педагогических условий возникновения, функционирования и стабилизации этих отношений через психологические механизмы «снизу вверх» и «сверху вниз». В том числе научно проанализированы вопросы развития малого бизнеса и предпринимательства, а также правовая база, в настоящее время финансово поддерживающая малый бизнес и предпринимательство, в последнюю внесены изменения и добавлены нормы для данной отрасли национального законодательства. В настоящее время изучение научного наследия, общественно-политической деятельности и знакомства с молодежной благотворительностью наших вышеназванных предков считается одной из главных актуальных задач современной интеллигенции.

Ссылки

1. А.А. Талипджанов, Н.А.Ахмедова (2022) - Teaching of the national sports center of wrestling in higher education. International journal of social science & interdisciplinary research. 2022/11/16. 178-186 стр.
2. А.А. Талипджанов, Н.А.Ахмедова (2021) - Innovative prospects of information technologies in the system of physical education. "UzBridge" электрон журнал. 86-90 стр.
3. А.Р.Ахмедов, Н.А.Ахмедова (2017)- Psychological ensuring process of training. Молодой ученый. №4.2. 8-9 стр.
4. А.И.Зияев. З.Ж.Алиева (2022). Integration internet technologies in the educational process of teaching foreign languages. Вестник магистратуры, 140.
5. Акрамжонович, Икром Якубов, М.А.Азизов, И.А.Мудинов. (2022) "The benefits of table tennis on the development of the child's body." international journal of social science & interdisciplinary research. 5-8 стр.
6. З. Н.Хатамов, Н.А.Ахмедова (2022)- The importance of travel and tourism in the formation of a healthy lifestyle Danang primary school students. 2022/11/16. 75-80 стр.
7. З. Н.Хатамов, Н.А.Ахмедова (2022)- Importance of travelling and tourism at the formation of healthy lifestyle of the pupils of beginning classes. 2022/11/16. 81-86 стр.
8. З. Н.Хатамов, Н.А.Ахмедова (2022)- Social and pedagogical function of sport in spiritual development of youth. 2022/11/16. 255-260 стр.
9. М. Холматова Социально-философские проблемы воспитания здорового поколения. (2000). Узбекистан: актуальные проблемы философских наук. Ташкент
10. Н.А.Ахмедова. Modern Methods of Studying Terms in the Field of Pharmaceutics in English. Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences. № 6. 86-89 стр.
11. С.М.Туйчиева, Н.А.Ахмедова (2020) - Innovative Methods of Interaction of Participants of the Educational Process. JournalINX. 546-551 стр.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТУРИЗМ ХИЗМАТЛАРИ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ТАЪСИРИНИ ОШИРИШ БҮЙИЧА ТАВСИЯЛАР

ТЎРАБЕКОВ СОҲИБЖОН ШЕРБОЙ ЎҒЛИ

Таянч докторант

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

sokhibjon.turabekov@gmail.com

+99833 731-07-07

Аннотация. Бугунги замонавий, инновацион иқтисодиёт шароитида туризм хизматлари соҳасининг Ўзбекистон миллый иқтисодиётида тутган ўрни ва унинг меҳнат бозоридаги роли мақолада кенг ёритилган. Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш асосида аҳоли бандлигини таъминлаш муаммолари чуқур таҳлил қилиниб, уларни бартараф қилишда кадрлар кўнимсизлиги ва мавсумийлик муаммоларини ҳал қилишга асосий эътиборни қаратиш зарурлиги бўйича зарур тавсиялар берилган.

Калит сўзлар. Туризм хизматлари, аҳоли бандлиги, кадрлар қўнимсизлиги, мавсумийлик.

Аннотация. В условиях современной, инновационной экономики в статье широко освещается роль туристических услуг в народном хозяйстве Узбекистана и его роль на рынке труда. В условиях Узбекистана всесторонне проанализированы проблемы обеспечения занятости населения на основе бурного развития сферы туристических услуг, даны необходимые рекомендации о необходимости сосредоточить внимание на решении проблем нехватки кадров и сезонность в их устранении.

Ключевые слова. Туристические услуги, занятость населения, дефицит кадров, сезонность.

Annotation. In the conditions of a modern, innovative economy, the article widely highlights the role of tourism services in the national economy of Uzbekistan and its role in the labor market. In the conditions of Uzbekistan, the problems of ensuring employment of the population on the basis of the rapid development of the tourism services sector are comprehensively analyzed, the necessary recommendations are given on the need to focus on solving the problems of shortage of personnel and seasonality in their elimination.

Keywords. Tourist services, employment, shortage of personnel, seasonality.

Кириш. Жамият тараққиётининг бугунги босқичида миллый иқтисодиётни ривожлантириш ва унинг ташки бозордаги рақобатбардошлигини ошириш, иқтисодиётга инновацион технологияларни жалб қилиш, чекланган ресурслардан унумли фойдаланиш асосида аҳолининг сифатли товар ва хизматларга бўлган талабини тўла қондириш каби ўта долзарб вазифалар муҳим аҳамият касб этмоқда. Аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш нуқтаи назаридан ушбу муҳим вазифаларни амалга ошириш бир неча омилларга боғлиқ бўлиб, у катта куч ва ресурсларни сафарбар қилишни, улардан мақсадли ва тежамкорлик билан фойдаланишни тақозо этади. Бироқ, барча омиллар ичida кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабати, уларнинг фидоийлиги, ижтимоий ишлаб чиқаришдаги фаоллиги алоҳида ўрин тутади. Иқтисодиётда банд бўлганинг фаолияти, мақсад ва интилишлари жамият манфаатларига мос келгандагина меҳнатга лаёқатли ҳар бир киши ижтимоий ишлаб чиқаришда фаол, самара билан, астойдил иштирок этгандагина, жамият олдида қўйилган ҳар қандай мураккаб вазифаларни ҳал этиши мумкин.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (таҳлили): Туризм хизматлари соҳасини жадал суръатларда ривожлантиришнинг таркибий қисмларини, унинг мамлакатни ижтимоий-иктисодий ривожлантиришдаги ўрни ҳамда меҳнат муносабатларини ривожлантиришдаги роли борасида кўплаб иқтисодчи олимлар томонидан бир қатор илмий-

амалий ишлар олиб борилган. А.Смит, Ж.Б. Сей, А. Маршал, Ж.М. Кейнс ва бошқалар шулар жумласидандир.

МДХ мамлакатлари иқтисодчилари орасида ҳам бу борада кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, А. Косолапов, А. Гранберг, Е. Джанджугазова, А. Дружинин, А. Колесников, В. Ильин, И. Исаев, З. Зайнашева ва бошқалар туризм хизматлари соҳасини ривожлантиришнинг назарий ва амалий жиҳатларига катта эътибор қартишган.

Ўзбекистонда ҳам туризм соҳасининг моҳияти, ижтимоий-иктисодий тараққиётда тутган ўрни ҳамда уни ривожлантириш масалалари борасида илмий изланиш олиб борган олимлардан С.С. Гуломов, Н.Т. Тухлиев, Ё.А. Абдуллаев, М.М. Мухаммедов, М.Қ. Пардаев, F.Ҳ. Қурдатов, И.С. Тухлиев, Қ.Ж. Мирзаевларни кўрсатиш мумкин. Улар ўз илмий изланишларида туризм соҳасини ривожлантиришнинг назарий-методологик муаммоларини тадқиқ этганлар.

Тадқиқот методологияси. Туризм хизматлари соҳасидаги меҳнат бозори тўғрисида гап кетганда унинг ўзига хос хусусиятларини эътироф этиш зарур. Яъни, туризмда меҳнат бозори – меҳнат ресурсларидан фойдаланишининг шундай ижтимоий-иктисодий шакли бўлиб, унда ишчи кучи товар сифатида намоён бўлади ҳамда бозор қонунларига мувофиқ сотилади ва сотиб олинади[1]. Бирок, бу туризм хизматлари соҳасида ўзига хос замонавий ва цивилизациялашган меҳнат бозори шаклланган дегани эмас. Унда ҳам баъзида ишчи кучига нисбатан талаб ва таклифнинг мувозанати бузилиб, бозор қонунларига мувофиқ келмай қолиши ҳолатлари учраб туради. Масалан, Ўзбекистонда ҳам аксарият туризм хизматларини кўрсатувчи субъектлар томонидан туризм мавсумига қараб туроператорлар, тугагент ва гидлар, официант, ошпаз, иш бошқарувчи, маҳсус ҳайдовчи ва бошқа шу каби туризм соҳасидаги малакали кадрларга эҳтиёж сезилади. Сабаби, соҳадаги мавсумийлик характеристириши эмас, балки уларни ишдан бўшатишни назарда тутади.

Одатда, мавсумийлик ва тўлиқ бўлмаган иш вақти шароитида малакали ишчиларни ёллаш ва ушлаб туриш корхона фаолиятида жиддий муаммоларга сабаб бўлади. Айниқса, меҳнат бозори назариясига кўра, мавсумийлик мавсумдан ташқари ишчилар иш ҳақини қисқартиришни эмас, балки уларни ишдан бўшатишни назарда тутади.

Бизнингча, туризм хизматлари соҳасидаги меҳнат ресурсларида меҳнатга қизиқиш ҳиссини уйғотиш бошқарига нисбатан бироз қийин, чунки соҳадаги бандликнинг мавсумийлик характеристириши ишчининг лавозимга кўтарилиш, шахсий карерасини яратиш имкониятларини заифлаштиради. Бу эса ўз навбатида ишчиларни рағбатлантириш масалаларини баъзи ҳолларда ҳал қилиб бўлмайдиган муаммога айлантиради. Ушбу муаммони ўз вақтида ҳал қилиш йўллари топилмаса, туристик компаниялар раҳбарияти доимий равиша янги ходимларни ёллашга мажбур бўлади. Бу бир тарафдан туристик компаниялар учун касбий тайёргарлик харажатларини купайтиrsa, иккинчи тарафдан соҳада кадрлар қўнимсизлигининг кучайишига сабаб бўлади. Шу боисдан, мамлакатда туризм хизматлари ва унга алоқадор турдош тармоқларни жадал ривожлантириш ҳамда уларнинг фаоллигини ошириш орқали мамлакатда банд бўлган аҳоли сонини ошириш учун энг аввало, соҳадаги мавсумийлик масаласини ҳал қилиш ўта долзарб масалага айланади. Чунки, соҳада мавсумийлик муаммосининг ҳал қилиниши ундаги кадрлар қўнимсизлигининг қисқаришига ва натижада бандлик даражасининг ошишига замин яратади.

Таҳлил ва натижалар. Туризм хизматлари соҳасидаги мавсумийлик муаммосини ҳал қилиш бўйича кўплаб иқтисодчи олимлар тадқиқот олиб боришган. Россиялик олимлардан И. Т. Балабанов, А. И. Балабанов[2], А.Ю. Александровалар[3] туризм соҳасидаги мавсумий тебранишларни фасллар алмашиниши муносабати билан иқтисодий фаоллик даражасининг ва иқтисодий фаолият кўламининг ошиши ёки камайиши сифатида таъриф беришган. Шунингдек, уларнинг фикрича, ушбу мавсумий тебранишлар соҳадаги нафақат бандлик даражасига балки экологик, ижтимоий-иктисодий, сиёсий, демографик, психологик ва моддий техник жиҳатларига ҳам ўз таъсирини кўрсатади.

Бугунги кунда олимлар томонидан туризм хизматлари соҳасда мавсумийликнинг давомийлигини таъминлашнинг бир қанча таъсиричан усууллари тавсия қилинган бўлиб, унинг ичидаги энг самаралиси мавсумдан ташқари жозибадорлигини йўқотмайдиган туризмнинг янги шаклларини оммалаштириш ҳисобланади. Шундай шаклларидан бири бу ишбилармонлик туризмидир. Сабаби, сўнги йилларда минтақалар ва мамлакатлар ўртасидаги ижтимоий-иктисодий, маданий ва марифий, ишбилармонлик ва бизнес алоқалар йилдан йилга яқинлашиб, ривожланиб бормоқда. Бундай ижтимоий-иктисодий алоқаларнинг ривожланиши ўз навбатида мамлакатлар ўртасидаги ишбилармонлик муносабатларини рағбатлантиради. Шунингдек, мамлакат миллий иқтисодиётининг

ривожланиши ва жаҳон бозорига интеграциялашувини ҳам бошқа давлатлар билан яқин ишбилармонлиқ алоқаларини ривожлантирамасдан тасаввур қилиш қийин. Ишбилармонлик алоқалари, технология ва ахборот алмашинуви, янги бозорларни излаш, сармоявий ва қўшма лойиҳалар бўйича ҳамкорларни топиш, ходимларни ўқитиш ва корпоратив маданиятни жорий қилиш - буларнинг барчаси ишбилармонлик туризмидир[4]. Демак, мамлакатлар ўртасидаги ҳар қандай ижтимоий-иктисодий, маданий, марифий, ишбилармонлик ва бизнес алоқалари бевосита ишбилармонлик туризми билан боғлиқ.

Бироқ, бугунги кунда кўплаб иктиносидий адабиётларда "ишбилармонлик туризми" тушунчаси билан бирга "MICE туризми" тушунчаси ҳам бирга юритиломқда. Бу икки тушунча ўртасидаги фарқ ва боғлиқлик бўйича олимлар ўртасида турлича ёндашувлар мавжуд. Масалан, Н.А.Сорокина ишбилармонлик туризми таркибида бир нечта сегментлар мавжудлиги ва энг катта сегмент номи инглизча "MICE" қисқартмаси билан юритилишини айтган бўлса[5], Р.Девидсон ""MICE туризми" – бу турли хизматларни ўз ичига олган ва кенг қамровли туризм хизматларини тақдим этадиган конференциялар, анжуманлар ва бошқа ишбилармонлик тадбирларни инновацион ривожлантириш ва ташкил этиш" деб таърифлаб, "ишбилармонлик туризми" ва "MICE туризми" атамалари ўзаро боғлиқ, бироқ бир хил тушунчалар эмас деган хуносага келган[6].

Шунингдек, бир гурух хорижий тадқиқотчилар "MICE туризми"ни "ишбилармонлик туризми"нинг замонавийроқ ва мурракаброқ варианти сифатида талқин қилган бўлса, бошқа бир гурух тадқиқотчилар "ишбилармонлик туризми"ни 2 сегментдан иборат деб билишади: одатий (классик) хизмат сафари ва "MICE туризми" [7].

Шундай қилиб, "ишбилармонлик туризми"ни кенг маънода вақтингчалик яшаш жойида даромад олишни назарда тутмайдиган ва ишни дам олиш билан бирлаштиришга имкон берадиган расмий ва профессионал мақсадлардаги саёҳат десак, "MICE туризми"ни ушбу соҳадаги фаолиятнинг 4 та асосий йўналишини қамраб олувчи фаолият тури дейиш мумкин. Яъни улар:

- Meetings – хизмат сафарлари пайтидаги музокаралар, тақдимотлар ва учрашувлар;
- Incentives – компания ходимлари учун рағбатлантирувчи, мотивациян, жамоавий саёҳатлар;
- Conferences – конференциялар, конгресслар, форумлар ва семинарлар
- Exhibitions – кўргазмалар, пресс-турлар, фестивал ва концертлар;

Демак, "MICE туризми" ишбилармонлик туризмининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлиб, корпоратив тадбирларни ташкил этиш, ўтказиш ва қўллаб қувватлашни назарда тутади.

MICE туризм XX асрнинг охириларида жаҳон иктиносидётида интеграциялашув жараёнларининг жадаллашиши, мамлакатлар ўртасида ўзаро иктиносидий алоқаларнинг ривожланиши ортидан маҳаллий ва халқаро савдо битимлари ҳажмининг ортиб бориши натижасида вужудга келиб, ҳозирги даврда жаҳон туризм индустрисида ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда. Масалан, расмий статистик маълумотларга кўра 2019 йил глобал туризмнинг жаҳон ЯИМдаги улуши 10,3 фоизни (9630,0 млрд. АҚШ долл.) ташкил этган бўлса, 2020 йилда COVID-19 пандемияси оқибатида ушбу кўрсаткич 5,3 фоизга (4775,0 млрд. АҚШ долл.) тушиб кетган, аммо 2021 йилда ўсиш суръатлари кузатилган, яъни ушбу кўрсаткич 6,1 фоизни (5812,0 млрд. АҚШ долл.) ташкил этган. MICE туризмнинг жаҳон туризм саноатидаги улуши эса 2019 йилда 1302,0 млрд. АҚШ долларини (21,0 фоиз) ташкил қилган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 658,5 млрд АҚШ долларини ташкил этган[8]. Экспертларнинг фикрига кўра, MICE туризмнинг бозор қиймати 2021-2026 йиллар давомида йиллик ўртача 6,1 фоиздан ўсиб бориб, 2026 йилда 1780,0 млрд. АҚШ долларига етади[9].

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам туризмнинг устувор йўналишлари қаторида MICE туризмини жадал ривожлантириш бўйича давлат томонидан катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу фикримизга асос сифатида Жаҳон саёҳат ва туризм консуллиги (WTTC) томонидан 2021 йил якунлари бўйича тақдим этилган ҳисоботдаги маъумотларни келтириб ўтишимиз мумкин. Унга кўра, 2019 йилда MICE туризмнинг Ўзбекистон туристик бозоридаги улуши 14 фоизни (342.0 млн. АҚШ долл.) ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу кўрсаткич 23 фоизга (277.5 млн. АҚШ долл.) етганлиги кўрсатилган.



1-расм. MICE туризмнинг 2019 ва 2021 йилларда Ўзбекистон туризм индустриясидаги улуши, млн. АҚШ долл.¹⁰³

Юқоридаги рақамлардан шуни англаш мумкинки, 2020 йилдаги глобал пандемия таъсири натижасида, мамлакатимизда умумий туризм ҳажми деярли 2,5 баробарга қисқарган бўлса, бу инқироз бизнес туризмга унчалик катта таъсир қилмаган. Бунга пандемия давридан сўнг жаҳон ва миллӣ иқтисодиётда ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг қайтадан жонланиши, ҳалқаро иқтисодий алоқаларнинг тикланиши, мамлакатлар яна туристик оқимларга чегараларини очиб берганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Бироқ, тадқиқотлар давомида сўнги йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёхларнинг сони ва сафар мақсадлари таҳлил қилинганда мамлакатда туризмнинг ушбу шакли яхши ривожланмаганлиги ҳамда уни жадал ривожлантириш борасида ҳали фойдалинилмаган имкониятлар мавжудлиги аниқланди. Хусусан, 1-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, 2021 йилда Ўзбекистонага жами 1881,3 минг нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрган бўлса, уларнинг энг катта қисми (85,7%) қариндошларини йўқлаш мақсадида келган, ўқиш (0,3%) ва тижорат (0,7%) мақсадида келганлар эса жуда озчилилкни ташқил қилган. Шунингдек, 2016-2021 йилларда мобайнида Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёҳлар таркибида хизмат, қариндошларни йўлаш, тижорат, дам олиш ва бўш вақтни ўтказиш мақсадида келганлар сони камайиш тенденциясини ифодалаган бўлса, уларда энг юқори камайиш хизмат мақсадида келганларга (59,5%) тўғри келади.

1-жадвал

2016-2021 йилларда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёҳларнинг сафар мақсадлари бўйича тақсимланиши, минг нафар¹⁰⁴

№	Сафар мақсадлари	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2021 йилнинг 2016 йилга нисбатан ўзгариши, %
1	Хизмат	149,7	28,4	56,5	53,1	17,4	60,7	40,5
2	Ўқиш	6,3	7,4	14,6	21,4	4,7	6,4	101,0
3	Дам олиш ва бўш вақт	175,5	230,5	458,1	1043,9	129,3	155,1	88,3
4	Қариндошларни йўқлаш	1651,2	2371,7	4713,5	5520,7	1321,4	1613,1	97,6
5	Даволаниш	27,1	26,4	52,5	55,5	15,0	32,4	119,5
6	Тижорат	17,2	25,6	50,9	53,9	16,3	13,6	79,0
	Жами	2027,0	2690,1	5346,2	6748,5	1504,1	1881,3	92,8

¹⁰³ Жаҳон саёҳат ва туризм консуллигининг (WTTC) 2021 йил якунлари бўйича чоп этган ҳисботига асосан муаллиф томонидан тайёрланди.

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ўрганилган даврда Ўзбекистонга ташриф буюрган хорижий сайёхлар таркибида ишбилармонлик мақсадларида (хизмат сафари) келганлар сони бошқа мақсадда келган сонидан бир неча баробар камлиги ва у камайиш тенденциясини ифодалагани бир тарафдан ушбу соҳадаги ишлар самарадорлиги, ишбилармонлик мұхити ва ишбилармонлик жозибадорлиги жағон талабига мөс эмаслигини белгилаб берса, бошқа тарафдан мамлакатдаги ташкилот ва муассасаларда иш юзасидан ходимларнинг ҳаракатланиши (хизмат сафари), хизмат юзасидан тадбирларда иштирок этиши, малака ошириш, инспекцион ҳамда тадбиркорлик мақсадларидағи ташрифлар ва ҳоказо каби ишбилармонлик туризмининг сегментлари ташкилий жиҳатдан яхши йўлга қўйилмаганлигидан ёки улар туристик фаолият билан боғланмаганлигидан далолат беради.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси. Ўзбекистонга ташриф буюрган сайёхлар таркибида хизмат мақсадида (MICE саёҳатлар) келганлар улушининг пастлиги бир тарафдан ушбу соҳадаги ишлар самарадорлиги жағон талабига мөс эмаслигини белгилаб берса, бошқа тарафдан келгусида мамлакат туризм жозибадорлигини кучайтириш ва туризм хизматларини ривожлантириш орқали келаётган сайёхлар оқимини оширишда “MICE туризми”ни ривожлантириш зарурлигини тақозо қиласди.

Хуноса ва таклифлар. Бизнингча, мамлакат туризм хизматлари соҳасини мавсумдан ташқари даврда фаол ва юқори суръатларда ривожлантириш учун “MICE туризми”га туризмнинг энг мұхим йўналишларидан бири сифатида аҳамият бериш ҳамда унга туризмни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлардан бири сифатида қараш зарур. Чунки “MICE туризми” бир тарафдан мавсумга боғлиқ бўлмаган ва мавсумдан ташқарида ўз жозибадорлигини йўқотмайдиган, ўзига хос хусусиятлар эга янги туризм йўналишларидан бири сифатида намоён бўлса, иккинчи тарафдан унинг юқори суръатларда ривожланиши хорижий сайёхларнинг мамлакатга йил давомида доимий ташриф буюришига ҳамда туристик инфратузилма иштирокчилари фаолиятининг ривожланишига катта имконият яратади. Фикримизни қўйидагилар билан асосламоқчимиз:

Биринчидан, “MICE туризми” мавсумийликка эга эмас, MICE саёҳатлари ҳар қандай шароитда ва йилнинг исталган вақтида амалга оширилади (ҳаттоқи, глобал пандемия шароитида ҳам турли чекловларнинг киритилиши ишбилармонлик ташрифларини тўхтатиб қололмади). Шунингдек, унинг рвиожланиши мезбон ҳудуддаги туризм инфратузилма обьектларининг (мехмонхоналар, транспорт компаниялари ва турагентлар ва ҳ.к.) йил давомида фаол ишлаб туришини таъминлайди.

Иккинчидан, “MICE туризми” мижозлари уларга тақдим этилаётган хизматлар сифати ва тезлигига қараб бошқа йўналишлардаги туристларга қарагандан ўч-тўрт баробар кўпроқ пул тўлайди[10]. Сабаби, ишбилармон саёҳатчиларнинг аксарияти компанияларнинг катта ва ўрта менежерлари бўлганлиги сабабли уларга юқори даражадаги (қиммат) хизматлар кўрсатилади. Бу мезбон ҳудуд учун юқори даромад олиш имконияти демакдир.

Учинчидан, конференция, конгресс ва бошқа мақсадда хизмат сафарига келган MICE туризми саёҳатчилари ўзига хос “элчи” вазифасини бажаради. Улар кўп ҳолларда таниқли, обрўли ёки мұхим аҳамиятга эга одамлар бўлганлиги сабабли, уларнинг фикри ўз ватанларида Ўзбекистон имиджини белгилаб беради. Демак, мамлакатда MICE хизматларининг юқори даражада кўрсатилиши мамлакатнинг ташки бозордаги имиджини шакллантиришда ҳамда инвестицион жозибадорлигини оширишда катта аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, ишбилармонлик туризмининг кенг қирралари уларнинг янги сегментларини қамраб олишга имкон беради. Шу билан бирга, ишбилармонлик туризми хизматларининг комплекслиги туризм бозорига янги хизмат турларининг кириб келишига йўл очиб беради. Бу эса ўзи навбатида мамлакатда мавсумдан ташқари даврда ҳам янги иш ўринларини яратиш имкониятини беради.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, “MICE туризми” Ўзбекистон туризм секторида мавсумийлик омилини ҳал этишнинг истиқболли йўланишларидан бири эканлигини ҳисобга олиб, туризм соҳасига масъул ваколатли давлат органлари, маҳаллий ҳокимликлар ва нодавлат ташкилотлари билан биргаликда мамлакатда ишбилармонлик мұхитини янги босқичга олиб чиқиши, ташки бозорда миллий туризмнинг ижобий имиджини шакллантириш, ҳудудларда туризм инфратузилма обьектларига фаол инвестицияларни жалб қилиш мақсадида Ўзбекистонда “MICE туризм”ни ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини ишлаб чиқиши мақсадга мувофиқ деб топдик.

Ўзбекистонда “MICE туризм”ни ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий

Ташкилий

Туристик инфратузилма объектлари ва субъектларининг ҳолати ва имкониятларини ўрганиш;

Ўзбекистонда ташкил этиладиган маҳаллий ва халқаро даражадаги конгресс ва кўргазмалар ўтказиш имкониятига эга бўлган объектлар ҳамда маҳаллий ва халқаро даражадаги конгресс ва кўргазмаларни ташкиллаштириш фаолияти билан шугулланувчи тадбиркорлик субъектлари тўғрисидаги маълумотлар реестрини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси маданият ва туризм вазирлигининг тегишли қарори билан вазирлик хузурида “MICE туризм маркази” ДУКни ҳамда “MICE агентликлар” фаолиятини ташкил этиш;

“2023-2030 йилларга мўлжалланган “MICE туризм” концепцияси”ни ишлаб чиқилиш;

Ҳар бир вазирлик ва идоралар томонидан MICE ҳалқаро ва маҳаллий аҳамиятга эга тадбирларни ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш;

Республиканинг туризм ривожланган ҳудудлар марказларида йирик конгресс ва конференциялар зали, MICE тадбирларини ўтказишга мўлжалланган бино ишоотларни ташкил этиш лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

Иқтисодий

“MICE туризм”нинг инвестицион жозибадорлигини шакллантириш учун шарт-шароитлар яратиш;

“MICE туризм”ни ривожлантиришда хорижий инвесторларни қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш;

“MICE туризм”ни ривожлантиришга йўналтирилган имтиёзли ва узоқ муддатли кредитлаш тизимини жорий қилиш;

Янги ташкил этилган “MICE туризм” инфратузилма объектлари ва субъектлари учун узоқ муддатли мол-мулк ва ер солигидан имтиёз бериш механизмини яратиш;

“MICE туризм”ни ривожлантиришни рағбатлантиришга қаратилган маҳсус божхона режимини жорий қилиш;

Янги ташкил этилган “MICE агентликлар” фаолиятини ҳамд уларда яратилган янги иш ўринларини рағбатлантириш масадида маълум муддатга ягона ижтимоий тўловдан озод қилиш механизмини яратиш;

Бинолардан самарали фойдаланиш мақсадида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидағи халқаро форумлар саройлари, Симпозиумлар саройи ва бошқаларда MICE тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги ҳукумат қарорини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

“MICE туризм” соҳасида профессионал кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш мақсадида туризм соҳасига ихтинослашган ОТМларнинг ўқув дастурига MICE туризми бўйича ўқув соатларини киритиш;

“MICE” мақсадларига ташриф буюрвчилар учун транспорт хизматлари учун маҳсус чегирмалар бериш тизимини ишлаб чиқиш;

Туризм хизматларини кўрсатувчи барча турдаги субъектларнинг МICE туризм маркази” ДУКга аъзо бўлишдан манфаатдор бўлишини таъминлашга қаратилган механизмни яратиш;

2-расм. Ўзбекистонда “MICE туризм”ни ривожлантиришнинг ташкилий-иктисодий механизми¹⁰⁵

Ўзбекистонда “MICE туризм”ни ривожлантиришнинг ушбу ташкилий-иктисодий механизми мамлакатда туризм соҳасидаги мавсумийлик муаммосини ҳал қилиш ва бу орқали бандлик даражасини ошириш ҳамда янги иш ўринларини яратишга қаратилган вазифаларни самарали амалга оширишга имкон беради. Унда бу вазифаларни бажариш учун мувофиқлаштирувчи ва тартибга солувчи функцияларига эга бўлган давлат марказий роль ўйнайди, ташкилий-иктисодий механизм эса зарур куч ва воситаларни тақдим этади. Ташкилий-иктисодий механизмнинг ягона тизим сифатидаги мувофиқлаштирувчи имкониятлари унинг туризмдаги функцияларини амалга ошириш учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Демак, Ўзбекистон шароитида туризм хизматлари соҳасини жадал ривожлантириш, унинг мамлакат ижтимоий-иктисодий тараққиётидаги ролини мустаҳкамлаш, мамлакат меҳнат бозорида банд бўлган аҳоли таркибида туризмнинг ҳиссасини ошириш ва соҳада янги иш ўринларини мунтазам яратишнинг энг муҳим шартларидан бири соҳадаги кадрлар қўнимсизлигига барҳам бериш ва мавсумийлик масаласини ҳал қилишдир. Ушбу ўта муҳим ва долзарб муаммони ҳал қилишнинг энг самарали йўлларидан бири бу мамлакатда мавсумийликка боғлиқ бўлмаган туризм шаклларидан “MICE туризми”ни жадал ривожлантириш ва уни ташкилий-иктисодий жиҳатдан рағбатлантириш зарурлиги тадқиқот давомида асосланди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Золотарева Ю.В. Стимулирование потребителей на рынке туризма и гостеприимства. Международный журнал прикладных и фундаментальных исследований №3, 2017.
2. Балабанов И. Т., Балабанов А. И. Экономика туризма: Учеб. Пособие. М.: Финансы и статистика, 1999. 176 с.
3. Александрова А. Ю. Международный туризм [Учебник]. М.: Аспект Пресс, 2002. 286 с
4. Александрова А.Ю. Экономика и территориальная организация международного туризма. - М., 2000.-399 с
5. Сорокина Н.А. Развитие концептуального подхода к определению делового туризме. // Известия СПБГЭУ. 2015. № 3 (81)..
6. Rob Davidson, Tony Rogers. Marketing Destinations and Venues for Conferences, Conventions and Business Events. 2016.

¹⁰⁵ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ҲАЖМИНИ МОДЕЛЛАШТИРИШ

Тураев Бахтиёр Эргашевич

Термиз давлат университети, таянч докторант

E-mail: tbahtiyor@gmail.com

Тел: +99891-906-40-85

Аннотация: Ушбу мақолада қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш ҳажмини моделлаштиришда асосий таъсир этувчи омил сифатида қурилиш ишлаб чиқариш ҳажмини белгилаш асослаб берилган. Шу аснода одатдаги ARIMA моделига x ни киритиш орқали ARIMAx кўринишидаги модел тузиш таклиф этилган. Натижада ARIMAx(p, d, q, k) моделининг турли тартиблари одатдаги модел тартиблари берадиган натижалардан анча сифатли моделларни тақдим этиши аниқланган.

Калит сўзлар: ARIMA, модел, регрессия, омил, ARIMAX, Сурхондарё вилояти, қурилиш материаллари саноати, қурилиш саноати, Гренжер тести, Дикки-Фуллер тести, ACF, PACF, авторегрессия, сирғалувчи ўртача, MAPE.

Аннотация: В данной статье обосновано определение объема строительного производства как основного влияющего фактора при моделировании объема производства промышленности строительных материалов. В связи с этим предлагается построить модель в виде ARIMAX путем вставки x в обычную модель ARIMA. В результате было обнаружено, что разные порядки модели ARIMAX(p, d, q, k) обеспечивают более качественные модели, чем обычные порядки моделей.

Ключевые слова: ARIMA, модель, регрессия, фактор, ARIMAX, Сурхандарьинская область, промышленность строительных материалов, стройиндустрия, тест Грэнджера, тест Дики-Фуллера, ACF, PACF, авторегрессия, скользящее среднее, MAPE.

Abstract: In this article, it is proved to determine the volume of construction production as the main influencing factor in modeling the production volume of the construction materials industry. In this context, it is proposed to construct a model in the form of ARIMAX by inserting x into the usual ARIMA model. As a result, it has been found that different orders of ARIMAX(p, d, q, k) model provide better quality models than usual model orders.

Key words: ARIMA, model, regression, factor, ARIMAX, Surkhandarya region, building materials industry, construction industry, Granger test, Dickey-Fuller test, ACF, PACF, autoregression, moving average, MAPE.

Кириш

Эконометрик моделлаштиришда ишлаб чиқариш ҳажмига омиллар таъсирини ўрганиш алоҳида ўрин тутади. Одатда ишлаб чиқариш ҳажмини тадқиқ этишда капитал харажатлар ва меҳнат омиллари орқали моделлаштирилади. Баъзи ҳолларда ишлаб чиқариш жараёнiga таъсир этувчи алоҳида омилнинг таъсири салмоқли бўлиши, шунингдек бирор омил бошқаларининг натижага таъсирини ўзида мужассам этиш мумкин. Бундай ҳоллар олимлар томонидан ўрганиб чиқилиб, мазкур омилни одатдаги моделга қўшимча сифатида киритиш орқали модификацияланган моделлар яратилган. Ана шу жиҳатдан қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариши ҳажмини тадқиқ этганимизда, биз унга турли ҳил омиллар таъсир қилишини ва айни дамда қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсири бир неча жиҳатдан ўта юқори эканлигини аниқладик.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Одатдаги моделларга баъзи таъсир даражаси юқори бўлган омилларни киритиш тажрибалари олимлар тадқиқотларида кўплаб учратиш мумкин. Масалан, Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш функциясига технологик омил, вақт омили, ахборот омили ва бошқа

омилларни киритиш орқали такомиллаштириш кенг тадқиқ этилади. Ю.А. Голиков (Голиков, 2010) Кобб-Дуглас ишлаб чиқариш моделига ахборот омилини киритиш орқали модификацияланган модел таклифини берган бўлса, Р.Р.Гафитулина (Гафитулина, 2015) иқтисодий ўсиш жараёнларини моделлаштиришда техник тараққиёт омилини киритиш заруратини баҳолаган. Бундай тадқиқотларга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Шунингдек, А.А.Қосимов (Қосимов, 2021) тадқиқотларида баъзи худудларнинг жуғрофий жойлашишидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш ҳаражатлари таркибида транспорт ҳаражатлари улуши юқори бўлганлиги сабабли моделлаштиришда транспорт омилини тренд тенгламасига киритишни таклиф этилган ва шу асосда $y = ae^{btex}$ кўринишидаги экспоненциал модификацияланган модел ишлаб чиқилган.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотларимиз натижалари қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариши ҳажмига турли ҳил омиллар таъсир қилишини ва айни дамда қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажмининг таъсири бир неча жиҳатдан ўта юқори эканлигини аниқладик:

Биринчидан, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш саноати ягона қурилиш комплексини ташкил этади (Шимов, 2012).


Иккинчидан, қурилиш материаллари саноати бир томондан бутун саноатга хос хусусиятларга эга бўлса, иккинчи томондан қурилиш саноатининг ўзига хос хусусиятларини ўзида акс эттиради (Козловская, 2012). Ушбу хусусият таъсир этувчи омилларда ҳам ўз ифодасини топади. Агар қурилиш мажмуаси қурилиш саноати ва қурилиш материаллари саноатларидан иборат деб қаралса, умумий мажмууга таъсир этувчи омиллар айни пайтда иккала саноатга деярли бир ҳил таъсирини кўрсатади. Бошқача қилиб айтсак, иккала саноатга таъсир этувчи омиллар умумийдир. Мисол тариқасида, биргина давлатнинг қурилиш ишларининг ривожига қаратилган турли кўринишдаги дастаклар орқали тартибга солиш механизми ўз навбатида қурилиш материалларига бўлган талабни вужудга келтиради. Бундай омилларга табиий, ижтимоий-демографик, инфратузилмавий, иқтисодий, истеъмолчилар ва хом ашё етказиб берувчилар, технологик, институционал ва молиявий омилларни мисол келтириш мумкин.

Учинчидан, Қурилиш материаллари саноатининг фаолияти натижалари қурилиш саноати натижаларига, у орқали эса ҳалқ хўжалигининг бошқа тармоқлари самарадорлигига таъсир қиласди (Кузьмич, 2012).

Тўртингчидан, қурилиш материаллари саноати иқтисодиётнинг сектори ҳисобланиб, қурилиш мажмуасини ресурс билан таъминлашни ташкил этувчи тармоғидир (Алешко, 2008). Бу эса қурилиш мажмуасига кирувчи қурилиш саноати биз тадқиқ этаётган қурилиш материаллари саноати учун асосий истеъмолчи – харидор эканлигини англаади. Ушбу тармоқ ишлаб чиқариши ҳажмида қурилиш материалларининг улуши 60 фоиз (Крестьянов, 2006) дан ортиқни ташкил этади. Бу кўрсаткич қурилаётган обьект турига қараб ундан ҳам юқори бўлиши ҳам мумкин.

Бешинчидан, қурилиш саноати қурилиш материаллари саноатида ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг 90 фоизи (Климов, 2015) ни истеъмол қиласди. Бошқача қилиб айтганда қурилиш материаллари бозордаги таклифнинг вужудга келишига хизмат қилса, қурилиш саноати унга тескари бўлган талабни ҳосил қиласди.

Олтинчидан, қурилиш материалларига бўлган талаб ҳосилавий (иккиламчи) хусусиятга эга. Сабаби у ўз-ўзидан пайдо бўлмай, балки қурилиш ҳажмларининг ўсиши туфайли юзага келади (Козловская, 2011). Қурилиш материаллари, буюмлари ва конструкцияларини ишлаб чиқариш қурилиш мажмуасининг ривожланиш суръатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қурилишга бўлган талаб барча турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий омили бўлиб ҳисобланади (Кузьмич, 2012). Шу сабабли асосий омилларнинг таъсир занжирини 1-расмдаги каби тасвиirlаш мумкин.



1-расм. Қурилиш материаллари саноатига таъсир этувчи омиллар¹⁰⁶.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, фикримизча қурилиш материаллари саноати кўрсаткичларини прогнозлашда таъсир этувчи омил сифатида қурилиш саноати ишлаб чиқариш кўрсаткичинигина танлаб олиш етарли ҳисобланади. Айнан қурилиш материаллари саноатига хос хусусият, яъни тармоқнинг қурилиш саноати учун асосий хомашё етказиб берувчи эканлиги, иккала тармоққа ҳам таъсир этувчи омилларнинг бир хиллиги, шунингдек, талабни ҳосил қилиш нуқтаи назаридан омиллар қурилиш саноати орқали қурилиш материаллари саноатига таъсир этиши туфайли қурилиш саноати барча омилларнинг таъсирини ўзида мужассам этган деб қараш мумкин.

Шу сабабли бизнинг фикримизча қурилиш материаллари саноатини моделлаштиришда фақатгини қурилиш саноати ишлаб чиқариши ҳажми омилининг таъсирини инобатга олиш етарли ҳисобланади.

Фикримизни янада қўллаб-қувваш мақсадида масалага Сурхондарё вилояти мисолида ёндашилганда, қўйидагилар аниқланди:

Биринчидан, вилоят қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш ҳажми ва қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажми ўртасидаги корреляцион таҳлил ўта юқори боғланиш зичлигини кўрсатди: $r = 0,991798$. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакк, 0,99 қиймат корреляция коэффициенти шкаласи бўйича энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, тажрибалар шуни кўрсатдики, аксар асосий турдаги қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмлари қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажми билан зич боғланган.

Иккинчидан, қурилиш материаллари саноати ва қурилиш саноати кўрсаткичлари ўртасида сабаб-оқибат боғланишларини ўрганиш учун Сурхондарё вилояти мисолида Гренжер (Granger, 1969) нинг сабабий боғланиш тестини амалга оширидик. Мъълумки Гренжернинг сабабий боғланиш тести боғлиқ бўлмаган ўзгарувчининг ўзгариши у таъсир этаётган боғлиқ ўзгарувчининг ўзгаришидан аввал содир бўлишини ва айни вақтда боғлиқ ўзгарувчи қийматларининг прогнозига муҳим ҳисса қўшааётганлигини аниқлайди.

Тест натижалари 1-жадвалда берилган.

1-жадвал

Сурхондарё вилоятида ишлаб чиқарилаётган асосий турдаги қурилиш материаллари ва қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажмларинг сабаб-оқибат боғланишлари бўйича Гренжер тести натижалари¹⁰⁷

Нолинчи гипотеза	F қиймат	p қиймат	Бошқа параметрлар
Qurilish does not Granger cause	6.20868	0.0177	$m = 2, n = 15, \alpha = 0.05$
Qurilish_materiallari_sanoati			
Qurilish does not Granger cause	19.3677	0.0044	$m = 2, n = 10, \alpha = 0.01$
Nometall_mineral_mahsulotlar			
Qurilish does not Granger cause	6.21278	0.0414	$m = 1, n = 10, \alpha = 0.05$
Qurilish_aralashmasi			
Qurilish does not Granger cause	4.46048	0.0958	$m = 2, n = 9, \alpha = 0.10$
Asbestotsement_mahsulotlari			
Qurilish does not Granger cause Chaqiq_tosh	4.26793	0.0777	$m = 1, n = 10, \alpha = 0.10$
Qurilish does not Granger cause Cherepitsa	0.30773	0.7511	$m = 1, n = 10, \alpha = 0.10$
Qurilish does not Granger cause Gips	15.0297	0.0138	$m = 2, n = 9, \alpha = 0.05$

¹⁰⁶ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

¹⁰⁷ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

G'isht doec hot Granter Cayse Qurilish	5.16721	0.0572	$m = 1, n = 10, \alpha = 0.05$
Qurilish does not Granger cause Qum	3.75873	0.0937	$m = 1, n = 10, \alpha = 0.10$
Shag'al does not Granger cause Qurilish	11.9744	0.0205	$m = 2, n = 9, \alpha = 0.05$
Qurilish does not Granger cause Shlakablok	399.374	0.0368	$m = 3, n = 8, \alpha = 0.05$
Qurilish does not Granger cause Temir_beton_konstruktisyalar	109.715	0.0003	$m = 2, n = 9, \alpha = 0.01$

1-жадвалга кўра тест натижаларидан шу маълум бўлмоқдаки, $m = 2$ кечикиш билан Сурхондарё вилоятининг қурилиш ҳажми кўрсаткичи бевосита қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажми, нометалл минерал маҳсулотлар, асбестоцемент маҳсулотлари, гипс, темир бетон кострукциялари кўрсаткичининг, шунингдек $m = 3$ бўлганда эса шлакаблок маҳсулотининг Гренжерга кўра сабаби бўлмоқда. Бундан ташқари $m = 1$ бўлганда қурилиш аралашмаси, чақиқ тош, қум маҳсулотлари билан сабаб-оқибат боғланишида эканлигини кўришимиз мумкин. Айни пайтда ғишт ва шағал маҳсулотлари билан тескари боғланишда, яъни ушбу маҳсулотлар қурилиш ҳажми кўрсаткичининг Гренжерга кўра сабаби эканлиги аниқланди. Фақатгина черепица маҳсулоти бўйича нолинчи гипотеза қабул қилинди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш ҳажмига фақатгина қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажми омилиниң таъсирини ифодаловчи модел умумий кўриниши қўйидагича бўлади:

$$y = f(x) \quad (1)$$

бу ерда x – қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажми.

Яққол тренд мавжуд бўлган ҳолларда эса:

$$y = f(t, x) \quad (2)$$

бу ерда t – вақт тренди.

Қурилиш материаллари саноатига таъсир этувчи асосий турдаги омилларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бир қанча омилларда, жумладан, истеъмолчи (қурилиш саноати) омилиниң нарх борасидаги кутилмалари, мавжуд техника ва технологияларнинг янгиланишида аввалги давр даражаларининг кейинги даврга таъсири сақланиб қолмоқда. Бундан ташқари, психологияк, технологик, институционал сабаблар лаг ўзгарувчиларнинг таъсирини вужудга келтиради (Википедия, 2022). Шу сабабли қурилиш материаллари саноатини эконометрик моделлаштиришда авторегрессия моделларини (AR), вақтли қаторларни текислаш учун сирғалувчи ўртacha (MA) ни қўллаш ва шу билан бирга асосий омилнинг (x) таъсирини ҳисобга олиш мақсадида $ARMA$ моделига x омилни киритиб, $ARMA + x$ кўринишидаги модел тузиш керак деган хуносага келдик.

Одатдаги $ARMA$ моделига x экзоген омилини киритиш имконияти мавжудки, бунда динамик қаторга ҳам унинг аввалги давр даражалари қийматлари ҳам бошқа боғлиқ бўлмаган ўзгарувчининг жорий ва лаг қийматлари таъсир этади. Одатдаги $ARMA$ моделлари умумий кўриниши қўйидагича (Greene, 2003):

$$y_t = a + \sum_{i=1}^p \varphi_i y_{t-i} + \varepsilon_t + \sum_{i=1}^q \theta_i \varepsilon_{t-i} \quad (3)$$

бу ерда a, φ, θ – модел параметрлари; p ва q – мос равища авторегрессия ва сирғалувчи ўртacha модели тартибини белгиловчи бутун сонлардир.

Агар ушбу модельни лаг оператори $L: Lx_t = x_{t-1}$ орқали белгилайдиган бўлсак, у ҳолда қўйидаги кўриниши олади:

$$y_t = a + \left(\sum_{i=1}^p \varphi_i L^i \right) y_t + \left(1 + \sum_{i=1}^q \theta_i L^i \right) \varepsilon_t \quad (4)$$

Эндоген ўзгарувчиларни тенгликнинг чап томонига ўтказсан:

$$\left(1 - \sum_{i=1}^p \varphi_i L^i \right) y_t = a + \left(1 + \sum_{i=1}^q \theta_i L^i \right) \varepsilon_t \quad (5)$$

Буни қўйидагича ёзиш ҳам мумкин:

$$\varphi(L)y_t = a + \theta(L)\varepsilon_t \quad (6)$$

Ушбу $ARMA$ моделига экзоген x омилини киритиш орқали $ARMAx(p, q, k)$ моделига эга бўламиш:

$$\varphi(L)y_t = a + \theta(L)\varepsilon_t + \omega(L)x_t \quad (7)$$

бу ерда $\omega(L)x_t = (1 + \sum_{i=1}^k \omega_i L^i)x_t$.

Маълумки, $ARMA + x$ типидаги эконометрик моделларни қуришда вақтли қаторнинг стационар бўлиши талаб етилади (Мудров, 2016). Стационар вақтли қатор - вақт давомида ўртачаси, дисперсияси, автокорреляцияси каби статистик ҳусусиятлари ўзгармас бўлган

вақтли қатордир. Агар вақтли қатор стационар бўлмаса, у ҳолда унинг биринчи ёки кейинги фарқларига ўтилади (Kasyoki, 2015). Демак, моделимизи $ARIMAX(p,d,q,k)$ кўринишида бўлиб, қўйидагича ифодаланади:

$$\Delta^d y_t = a + \sum_{i=1}^p \varphi_i \Delta^d y_{t-i} + \varepsilon_t + \sum_{j=1}^q \theta_j \varepsilon_{t-j} + \sum_{g=0}^k \omega_g x_{t-g} \quad (8)$$

бу ерда Δ - фарқлар операторидир, масалан биринчи фарқлар учун $\Delta y_t = y_t - y_{t-1} = (1 - L)y_t$.

(3.1.10) моделни қўйидагича ёзиш мумкин:

$$(1 - L)^d y_t = a + \left(\sum_{i=1}^p \varphi_i L^i (1 - L)^d y_t \right) + \left(1 + \sum_{j=1}^q \theta_j L^j \right) \varepsilon_t + \left(\sum_{g=0}^k \omega_g L^g \right) x_{t+1} \quad (9)$$

Таҳлил ва натижалар

(9) моделдан фойдаланиб, Сурхондарё вилояти қурилиш материаллари саноатини моделлаштириштирдик:

Юқорида таъкидланганидек, $ARMA$ модели вақтли қаторларнинг стационар бўлишини тақозо этади. Сурхондарё вилояти қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш ҳажми вақтли қаторининг стационар эканлигини кенгайтирилган Дикки-Фуллер тести орқали текширилди. Натижада қаторнинг даражалари ва 1-фарқлари стационар эмас эканлиги аниқланди. Шунингдек, вақтли қаторнинг 2-фарқлари ўзгармассиз тест натижаларига кўра стационар ($p = 0,002692$) ва ўзгармасли тест натижаларига кўра $\alpha = 0,10$ аҳамиятлилик даражасидагина ($p = 0,09525$) стационар эканлиги маълум бўлди.

Агар вақтли қаторлар даражаларининг қийматлари кейинги даражаларнинг қийматларига боғлиқ бўлса, қаторда тенденция ёки цикл мавжуд бўлади (Шалабанов, 2008). Буни аниқлаш учун эса биз автокорреляция мавжудлигини текширилди. Маълумки, ACF камаювчи бўлиб, $PACF$ эса p давридан кейин узилса, жараён авторегрессияга хос бўлади (Исмагилов, 2018). Бизнинг тажрибамизда ҳам айнан шу ҳолат аниқланди.

Биз юқоридаги таҳлиллардан моделнинг 2-даражали интеграцияланганлигини, қаторларда автокорреляция мавжудлиги ва коррелограммага асосланиб вақтли қатор авторегрессия жараёнига хослигини аниқладик. Буларнинг барчаси вақтли қаторларни изоҳлашда $ARIMA$ моделлари қўллаш кераклигига, шунингдек, бир қанча сабаблар, шу жумладан, Гренжерга кўра сабабий боғлиқлик тести қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажмини вақтли қаторни моделлаштиришда омил белги сифатида киритишмиз мумкинлигига далолат қилмоқда. Шу мақсадда биз $ARIMA + x$ моделини туздик (2-жадвал).

2-жадвал

Модел параметрларини баҳолаш натижалари¹⁰⁸

Model 1: ARMAX, using observations 2012-2021 (T = 10)

Dependent variable: $(1-L)^2$ Qurilish_materiallari

Standard errors based on Hessian

	Coefficient	Std. Error	z	p-value	
phi_1	-1.10908	0.248089	-4.470	<0.0001	***
phi_2	-1.29254	0.307881	-4.198	<0.0001	***
phi_3	-1.08172	0.247653	-4.368	<0.0001	***
phi_4	-0.659105	0.273156	-2.413	0.0158	**
Qurilish	0.0964673	0.0134591	7.167	<0.0001	***
var	Mean dependent	12.94129	S.D. var	dependent	48.29091
innovations	Mean of innovations	-2.020100	S.D. of innovations	of	21.94450
R-squared		0.983140	Adjusted squared	R-	0.969651
Log-likelihood		-47.34523	Akaike criterion		106.6905
Schwarz criterion		108.5060	Hannan-Quinn		104.6988

¹⁰⁸ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2-жадвалдан модельнинг барча коэффициентлари $\alpha = 0,05$ даражасида статистик аҳамиятга эгалигини, қолдиқлар нормал тақсимот қонунишини ($\chi^2 = 2,43905$ ва $p - qiyat = 0,29537$) кўриш мумкин. Бундан ташқари ушбу модельни тажрибаларда синаш натижасида унинг аҳамиятли ёки аҳамиятсиз эканлигига далолат қилувчи аппроксимация хатолиги $MAPE = 8,0282\%$ ни ташкил этиши ва қолдиқларда автокоррелятсия мавжуд эмаслиги аниқланди.

Шундай қилиб, $ARIMA + x$ модели қўйидаги кўринишни олди:

$$(1 - L)^2 y_t = -1,10908L(1 - L)^2 y_t - 1,29254L^2(1 - L)^2 y_t - 1,08172L^3(1 - L)^2 y_t - 0,659105L^4(1 - L)^2 + 0,0964673x_t \quad (12)$$

Модельнинг $ARIMAX(p, d, q, k)$ тартиби эса $ARIMAX(4, 2, 0, 1)$ каби бўлди. Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, $k = 1$ бўлганда (11) га кўра x нинг жорий даражаларини тушуниш керак.

Тадқиқот натижаларининг муҳокамаси

Сурхондарё вилояти қурилиш материаллари саноати ишлаб чиқариш ҳажми мисолида модификацияланган $ARIMAX(p, d, q, k)$ нинг оддий $ARIMA(p, d, q)$ билан қиёслаганданда унинг бир қанча устунликлари маълум бўлди (3-жадвал).

3-жадвал.

№	Модел тури	MAPE	Параметрлари	Модел тури	MAPE	Параметрлари
			Ўзгармасли			
	$ARIMAX(1, 2, 0, 1)$	13,697	Аҳамиятсиз	$ARIMA(1, 2, 0)$	14,494	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(2, 2, 0, 1)$	12,625	Аҳамиятсиз	$ARIMA(2, 2, 0)$	14,203	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(3, 2, 0, 1)$	9,3846	Аҳамиятсиз ¹⁰⁹	$ARIMA(3, 2, 0)$	14,497	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(4, 2, 0, 1)$	8,1226	Аҳамиятсиз ¹¹⁰	$ARIMA(4, 2, 0)$	14,114	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(5, 2, 0, 1)$	6,0999	Аҳамиятсиз ¹¹¹	$ARIMA(5, 2, 0)$	$n < p$	Аниқланмади.
			Ўзгармассиз			
	$ARIMAX(1, 2, 0, 1)$	13,066	Аҳамиятсиз	$ARIMA(1, 2, 0)$	13,284	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(2, 2, 0, 1)$	12,302	Аҳамиятли ¹¹²	$ARIMA(2, 2, 0)$	12,749	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(3, 2, 0, 1)$	9,3943	Аҳамиятли	$ARIMA(3, 2, 0)$	12,902	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(4, 2, 0, 1)$	8,0282	Аҳамиятли	$ARIMA(4, 2, 0)$	12,901	Аҳамиятсиз
	$ARIMAX(5, 2, 0, 1)$	6,0517	Аҳамиятли ¹¹³	$ARIMA(5, 2, 0)$	12,199	Аҳамиятсиз

3-жадвалда $ARIMAX(p, d, q, k)$ ва $ARIMA(p, d, q)$ билан таққослашда авторегрессия тартибини $1 \leq p \leq 5$ оралиқда тажриба қилиб кўрдик. ACF ва $PACF$ натижаларига кўра сирғалувчи ўртача тартибини $q = 0$ деб олдик. Шунингдек вақтли қаторнинг 2-фарқлари ўзгармассиз тест натижаларига кўра стационар ($p = 0,002692$) ва ўзгармасли тест натижаларига кўра $\alpha = 0,10$ аҳамиятлилик даражасидагина ($p = 0,09525$) стационар бўлганлиги сабабли, авторегрессия модельлари тартибини ҳам ўзгармасли ҳам ўзгармассиз тажрибадан ўтказдик. $ARIMAX(p, d, q, k)$ ва $ARIMA(p, d, q)$ билан таққослаш натижалари шуни кўрсатдики, авторегрессия тартиби p ни оширишимиз билан $ARIMA(p, d, q)$ моделининг ўртача аппроксимация хатолиги турли хил қийматларни: ўзгармасли модельларда 14% атрофида, ўзгармассиз модельларда 13%-12% атрофидаги қийматларни қабул қилди. Шунинг билан бирора модель параметрлари статистик аҳамиятга эга бўлмади. Бунга муқобил равишда $ARIMAX(p, d, q, k)$ модельларда эса авторегрессия модели тартибини оширишимиз билан ўртача аппроксимация хатолиги қиймати $ARIMAX(1, 2, 0, 1)$ моделидаги 13,066 фоиздан $ARIMAX(5, 2, 0, 1)$ моделида 6,0517 фоизгача яхшиланганини кўришимиз мумкин. Айни пайтда $2 \leq p \leq 5$ оралиқдаги барча ўзгармассиз модельлар параметрлари статистик аҳамиятга эга бўлди. Бундан ташқари $ARIMA(5, 2, 0)$ моделида аппроксимация хатолиги 12,199 фоиз бўлган бўлса, $ARIMAX(5, 2, 0, 1)$ моделида 6,0517 ни, ўртадаги фарқ эса 6,1473 бирликни ташкил этди. Демак, $ARIMA$ моделига қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажмини ўзгарувчиси x ни киритишимиз билан модельнинг аппроксимация хатолиги 2 баробарга яхшиланган.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, Сурхондарё вилояти мисолида Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳажмига қурилиш саноати ишлаб чиқариш кўрсаткичининг таъсирини $ARIMAX(p, d, q, k)$

¹⁰⁹ Фақатгина ўзгармас аҳамиятсиз.

¹¹⁰ Фақатгина ўзгармас аҳамиятсиз.

¹¹¹ Фақатгина ўзгармас аҳамиятсиз.

¹¹² $\alpha = 0,10$ да параметрлари статистик аҳамиятга эга.

¹¹³ Қолдиқлар нормал тақсимот қонунига бўйсунмайди.

күринишида киритиш орқали баҳолаш одатдаги $ARIMA(p,d,q)$ модели берадиган натижалардан анча сифатли моделларни тақдим этиши аниқланди. Демак, қурилиш материаллари саноатини моделлаштиришда одатдаги $ARIMA$ моделига қурилиш саноати ишлаб чиқариш ҳажми (x) ни киритиш орқали $ARIMAx$ күринишидаги модели ишлаб чиқиши нисбатан анча сифатли, иқтисодий жараёнга мос ва параметрлари ишончли бўлган моделларни тақдим этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Granger, C. W. J. Investigating causal relations by econometric models and cross-spectral methods. *Econometrica*, Vol. 37, No. 3. (Aug., 1969), pp. 424-438.
2. Greene W.H. *Econometric analysis* – Pearson Education, Inc. New Jersey, USA, 2003
3. Kasyoki A. Simple Steps for fitting ARIMA model to time series data for forecasting using R. // *International Journal of Science and Research (IJSR)*, Volume 4, Issue 3, March 2015.
4. Алешко О.С. Промышленность строительных материалов в ресурсном обеспечении экономического развития России // Научные труды: Институт народнохозяйственного прогнозирования РАН. 2008. №6.
5. Гафитулина Р.Р. Необходимость учета фактора технического прогресса при анализе экономического роста с помощью функции Кобба-Дугласа // Международный студенческий научный вестник. – 2015. – № 4-1.
6. Голиков Ю. А. Учет фактора информации в производственной функции Кобба Дугласа // Интерэспро Гео-Сибирь. 2010. №1.
7. Исмагилов И.И., Кадочникова Е.И.. Специальные модели эконометрики в среде Gretl: учебное пособие для студентов, обучающихся по направлению 38.04.01 «Экономика» – Казань: Казан. ун-т. 2018 – 91 с.
8. Климов Г.М., Основы строительства (профессионально-строительная информация). Нижегородский государственный архитектурно-строительный университет: Ниж. Новгород: ННГАСУ, 2015, стр. 4

YANGI O'ZBEKISTONDA INSON HUQUQLARI SOHASINI RIVOJLANTIRISH

BO'YICHA ZAMONAVIY TENDENSIYALAR

Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti "Xalqaro huquq" fakulteti 1-kurs talabasi
Turg'unboyev Otabek Odiljon o'g'li
Tel: +998 (99) 003-27-75
e-pochta: otabekodilov535@gmail.com

Annotatsiya. Maqolada so'nggi yillarda, yurtimizda prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev tomonidan inson huquqlari va fuqarolarning huquqiy manfaatlarni himoya qilish sohasida amalga oshirilayotgan bir qancha izchil va istiqbolli islohotlar keltirib o'tiladi. Ayniqsa, yurtimizning bu sohada jahon hamjamiyatida ilgari surayotgan aniq, strategik rejalar va chora-tadbirlariga ham urg'o' beriladi.

Kalit so'zlar: BMT, inson huquqlari, ijtimoiy masalalar, ombudsman, diniy konfessiyalar.

O'zbekiston davlat mustaqilligining 31 yillik tantanasida ilgari surilgan "Yangi O'zbekistonda el aziz, inson aziz" g'oyasi asosida siyosiy-ijtimoiy, madaniy va ma'naviy, sohalarda keng ko'lamli izchil, pragmatik va puxta o'ylangan islohotlar amalga oshirilmoqda. Yangi O'zbekiston jahon sahnasida inson huquqlarini himoya qilish uni rag'batlantirish borasida bir qancha zamonaviy va oqilona tashabbuslarni ilgari surmoqda.

Buning yorqin dalilida sifatida muhtaram yurtboshimizning "O'zbekiston Respublikasi davlat mustaqilligining o'ttiz bir yillik bayramiga tayyorgarlik ko'rish va uni yuqori saviyada o'tkazish to'g'risida"gi 01.08.2022 yildagi PQ-340-sun qarori¹¹⁴da keltirib o'tilgan so'nggi yillarda mamlakatimizda amalga oshirilayotgan tub demokratik islohotlar, xalqimizning hayoti, qalbi va ongida yuz berayotgan ijobjiy o'zgarishlarni ta'sirchan usullarda ifoda etish; mamlakatimizda turli millat va diniy konfessiya vakillari o'rtasida ahillik va totuvlik muhitini yanada kuchaytirish, jamiyatda tinch va osoyishta hayotni ta'minlash borasida amalga oshirilayotgan ishlarning ahamiyatini chuqur tahlillar, aniq hayotiy misollar yordamida keng jamoatchilikka yetkazish; bugungi tinch va erkin hayotni qadrlab, shukronalik tuyg'usi bilan yashashga, inson qadrini ulug'lashga da'vet etadigan ma'naviy-ma'rifiy tadbirlarni uyushtirish; aholining hayot darajasi va sifatini yaxshilash, yoshlar, xotin-qizlar, keksa avlod vakillari, ijtimoiy himoyaga muhtoj insonlarga doimiy e'tibor va g'amxo'rlik ko'rsatishga qaratilgan dasturlarimizning ijobjiy natijalarini ko'rsatish; "Temir daftar", "Ayollar daftari", "Yoshlar daftari"ga kiritilgan hamda ko'makka muhtoj insonlarning hoidan xabar olish, ularga beg'arez yordam berish bilan bog'liq xayriya tadbirlarini amalga oshirish tamoyillari natijasida yurtimizda inson huquqlari va manfaatlari sohasida yangi qadam qo'yildi va bu borada o'tkazilayotgan chuqur islohotlar o'zining yorqin mohiyatini ochib berdi. Ijtimoiy muammolarni hal etish, qonuniy va huquqiy manfaatlarni ta'minlash bo'yicha yangi islohotlar davri boshlandi, davlat va xalq o'rtasida tegishli mexanizmni yaratish yo'li bilan noyob ko'priq yaratildi.

O'zbekiston inson huquqlari, ijtimoiy masalalarga yechim topishda o'zining qat'iy va izchil yo'lidan ketayotganligi jahon hamjamiyati tomonidan munosib baholanmoqda. Darhaqiqat, davlatimiz o'z tarixida birinchi marotaba BMT tizimidagi eng nufuzli organlardan biri – "Inson huquqlari bo'yicha kengash" a'zosi etib saylanganidir. O'zbekistonning mana shunday yuqori organga intilganining asosiy sababi, davlat bu a'zolik yuklaydigan majburiyatlarni bajarishga hamda inson huquqlarini global miqyosda himoya qilishga bel bog'laganidan dalolatdir. Prezident Shavkat Mirziyoyev BMT Bosh Assambleyasining yetmish ikkinchi sessiyasida nutq so'zlaganida,

¹¹⁴ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 01.08.2022 yildagi PQ-340-sun qarori <https://lex.uz/ru/docs/-6139554> (foydanilanlgan sana 9.11.2022)

mamlakatda islohotlar davom etadi,adolat va taraqqiyot tomon qadam tashlashdan to'xtamaydi va ortga qaytmaydi, deya ta'kidladilar Uning so'zlarini tinglagan huquq himoyachilari va xalqaro tashkilotlarning pozitsiyasi shuki, ushbu bayonotlar amalda aks etishi va o'z isbotini topishi zarur.

Davlatimiz rahbari BMT Bosh Assambleyasining yetmish ikkinchi va yetmish beshinchisessiyalarida ma'rifat va diniy bag'rikenglik, barqaror taraqqiyot maqsadlariga erishish va inson huquqlarini ta'minlashda parlamentlar ro'lini oshirish, davlatning hal qiluvchi va strategik kuchi bo'lgan yoshlar manfaatlarini ham inobatga olgan holda "Yoshlar huquqlari to'g'risida konvensiya"ni qabul qilish yuzasidan bildirgan tashabbuslari jahon hamjamiyati tomonidan iliq mammuniyat bilan qabul qilindi va qo'llab-quvvatlandi, O'zbekistonni fuqaro jamiyatini taraqqiy ettirish, siyosiy mahbuslar dardini tinglab, ularning reabilitatsiyasi uchun zamin yaratish, so'z va matbuot erkinligini kengaytirish, qamoqxona va hibsxonalardagi vaziyatni yaxshilash, sud mustaqilligi va huquq-tartibot organlari ustidan demokratik nazorat tomon harakat qilinmoqda. Insonparvarlik tamoyillaridan kelib chiqib, hibsda saqlanayotgan shaxslarni hibsga olishning ko'plab individual holatlari ko'rib chiqildi. Ekstremizm mafkurasi ta'siriga tushib qolgan, adashgan fuqarolar ijtimoiy reabilitatsiya qilinib, ularning normal hayotga qaytishi uchun sharoit yaratilmoqda. Jumladan "Mehr operatsiyalari" orqali o'z yurtini tashlab, o'zga yurtlarda, jang maydonlarida yurgan, bilib bilmay to'g'ri yo'ldan adashgan yurdoshlarimiz vatanga qaytarildi. 2017-yil "xalq bilan muloqot va inson manfaatlari yili" deb nomlanganligi, "xalq davlat idoralariga emas, davlat idoralari xalqqa xizmat qilishi kerak" tamoyili asosida davlat organlari tizimida yangi islohotlar davri boshlanganligi, xalq va davlat o'rtaisdagi ishonchni mustahkamlashga, hukumat va xalq o'rtaida ochiq muloqot o'tkazish yo'lida "xalq qabulxonalari" tizimi yaratilganligi, Xalqaro Mehnat Tashkiloti bilan voyaga yetmagan bolalar mehnatidan foydalanmaslik to'g'risida hamkorlik chuqurlashtirilishi, endilikda barcha huquqni muhofaza qiluvchi organlarning inson huquq va erkinliklarini himoya qilish borasidagi faoliyati doimiy parlament va fuqarolar nazoratida bo'lishi, bugungi kun islohotlarining ijobiy aksidir. Islohotlarning eng muhim vektori iqtisodiy tizimni liberallashtirish va qulay investitsiya muhitini yaratishdir. "Xalq qanchalik boy bo'lsa, davlat ham shunchalik kuchli bo'ladi" shiori ostida milliy iqtisodiyotimizni rivojlantirish, aholiga qo'shimcha ish o'rnlari yaratish va daromadini oshirish borasida pirovard islohotlar yuritilmoqda. Birinchi marta tadbirkorlar huquqlarini himoya qilish bo'yicha Ombudsman instituti tashkil etildi. Biznes uchun soliqlar sezilarli darajada kamaydi. Tadbirkorlik subyektlarining kredit olish imkoniyatlari kengaytirildi va yangi erkin iqtisodiy zonalar ishga tushirilib, investorlarga keng imtiyozlar berildi.

So'nghi yillarda qabul kvotalari qariyib bir necha barobarga ortdi. Bundan tashqari, kelgusi yillar davomida bu ko'rsatkichni 50 foizga yetkazish, oily ta'lim muassasalarining nufuzini yanada ortirish, shuningdek, ta'lim sifatini oshirishga qaratilgan maqsadli chora-tadbirlar dasturi, bu sohada ko'plab islohotlar o'tkazilishidan darak bermoqda. Bu jarayonda, o'qituvchilarining ilmiy darajasini orttirish, professor o'qituvchilariningoylikmaoshlariniko'paytirishbo'yicha ham chora tadbirlar ko'rilmoxda. Oliy ta'lim tizimida, umuman olganda, ta'limning barcha bosqichlarida dars berayotgan ingliz tili o'qituvchilarining atigi 4 foizi xalqaro sertifikatga egaigi bu borada qilinishi zarur bo'lgan ishlar salmoqli ekanligini ko'rsatmoqda.

BMT tomonidan 2015-yil qabul qilingan "Barqaror rivojlanish maqsadlari" yurtimizda faol amalga oshirilmoqda. 2030-yilga qadar respublikadagi barcha oily ta'lim dargohini kredit-modul tizimiga o'tkazish belgilab berildi. Kredit-modul tizimi, bu — ta'limni tashkil etish jarayoni bo'lib, o'qitishning modul texnologiyalari jamlamasni va kredit o'lchovi asosida baholash modeli hisoblanadi. Uni bir butunlikda olib boorish serqirra hamda murakkab tizimli jarayondir. Kredit-modul tamoyilida ikkita asosiy masalaga ahamiyat beriladi: talabalarning mustaqil ishslashini ta'minlash hamda talabalar bilimini reyting asosida baholashga asoslanadi. Ta'lim dargohlarida ilm olishni mustahkamlash, yetuk va bilim salohiyati kuchli kadrlarni tayyorlash davlatimizning ta'lim tizimidagi bosh maqsadidir

Hozirgi vaqtida O'zbekiston Respublikasi inson huquqlari bo'yicha 80 dan ortiq xalqaro hujjalarga, jumladan Birlashgan Millatlar Tashkilotining 6 ta asosiy shartnomaci va 4 ta fakultativ protokoliga qo'shilgan bo'lib, ularning amalga oshirilishi yuzasidan BMTning "Inson huquqlari bo'yicha kengashi" va shartnomaviy qo'mitalariga muntazam ravishda milliy ma'ruzalarni taqdim etib kelmoqda. Inson huquqlarini takomillashtirish, xalqimizning huquqiy ongini yanada rivojlantirish maqsadida O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.06.2020 yildagi PF-6012-sen Farmoni¹¹⁵ qabul qilindi. Zero, bu tarixiy hujjatda inson huquqlari va

¹¹⁵ O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 22.06.2020 yildagi PF-6012-sen Farmoni <https://lex.uz/docs/-4872355>

erkinliklarini ta'minlash bo'yicha aniq maqsad va vazifalar belgilab berilgan. Xususan, xalqaro tashkilotlarning inson huquqlarini himoya qilish bo'yicha tavsiyalarini amalga oshirishga qaratilgan milliy harakat rejalar ("yo'l xaritalari")ning so'zsiz bajarilishini ta'minlash; inson huquqlarini himoya qilish va inson huquqlari madaniyatini oshirishda ko'rsatgan xizmatlari uchun har yili Xalqaro inson huquqlari kunida topshiriladigan "Inson huquqlari himoyasi uchun" ko'krak nishonini ta'sis etish; inson huquq va erkinliklarini ta'minlashda, nizolarni sudsiga hal qilishda va taraflarni yarashtirishda advokatlarning vakolatlari sezilarli darajada kengaytirish, sudlarda ishlarni ko'rib chiqishda adolatni, ochiqlik va shaffoflikni ta'minlash uchun "Elektron odil sudlov" tizimi joriy etish, aholiga bepul yuridik yordam ko'rsatish tizimi, shuningdek, Advice.uz huquqiy ma'lumotlar tizimining imkoniyatlarini kengaytirish hamda fuqarolarga bepul huquqiy maslahatlar xizmatini ko'rsatuvchi "Madad" nodavlat notijorat tashkilotini qo'llab-quvvatlash bo'yicha chora-tadbirlar xalqimiz uchun muhim ahamiyat kasb etdi.

O'zbekiston inson huquqlari bo'yicha 80 dan ortiq xalqaro hujjat, jumladan, BMTning 6 ta asosiy shartnomasi va 4 ta fakul'tativ protokoliga qo'shilgan. Mamlakatimizda sud-huquq tizimida ham izchil islohotlar amalga oshirilmoqda. Xalqimizning sud-huquq idoralariga ishonchi oshib borayotganligi - buning dalilidir. Sud-huquq tizmidagi muhim islohotlardan yana bir yaqqol isboti, afv etish va jamoat birlashmalarining kafilligi ostida shaxslarni jazodan ozod qilishning mutlaqo yangi tizimi joriy etilishi, Jasliq qo'rg'onida joylashgan jazoni ijro etish koloniyasining yopilishi, ozodlikdan mahrum qilish joylarida saqlanayotgan mahkumlar sonining 2,5 baravarga kamayishi inson huquqlarini himoyalash sohasida muhim qadam bo'ldi. Mamlakatimizda bolalar mehnati to'liq bartaraf etilib, bola huquqlari bo'yicha vakil faoliyati yo'nga qo'yildi. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi tadbirkorlik subyektlarining huquqlari va qonuniy manfaatlarini himoya qilish bo'yicha vakil lavozimi joriy etildi.

Turli xil madaniyatga mansub aholi vakillari o'zaro ahil-inoq yashab kelayotgan O'zbekistonda milliy va diniy bag'rikenglik hukm surmoqda. Bag'rikenglik turli millat va elatga daxldor kishilarning, turli xil diniy e'tiqodli insonlarning bir zamin, yagona Vatan, bir yurtda, bir hududda olivjanob g'oya, orzu-umid, maqsad va niyatlar yo'lida hamkor, hamfikr va hamjihat bo'lib yashashni anglatadi O'zbekistonda vijdon erkinligi kafolatlanadi va bu borada ham alohida harakatlar amalga oshirilmoqda. Bugungi kunda aholining 94% islom diniga, 3,5%ga yaqini pravoslav va qolganlari boshqa konfessiyalarga mansublarni tashkil etadi. Respublikamizda 16 diniy konfessiyaga mansub 2239 diniy tashkilot faoliyat olib bormoqda.¹¹⁶ Turli madaniyat va mentalitet vakillarining tengligi vat inch-totuvligini ta'minlash maqsadida, har yili "O'zbekiston – umumiyl uyimiz" nomli tadbirlar tashkil etilmoqda. O'zbekiston Respublikasida yashovchi turli millat vakillarini respublika ijtimoiy, ma'naviy-ma'rifi y hayotida faol ishtirok etishini ta'minlash milliy-madaniy markazlar faoliyatining muhim yo'naliishlaridan biridir. Shuningdek, xorijiy mamlakatlardagi turdosh tashkilotlar hamda tarixiy vatanlari bilan do'stlik, hamkorlik, madaniy-ma'rifiy aloqalar o'rnatish va hamdo'stlik aloqalarini rivojlantirish, Respublika Baynalmilal madaniyat markazi, turli davlat va jamoat tashkilotlari hamda ijodiy uyushmalar bilan hamkorlikda mamlakatda fuqarolar hamjihatligi va millatlararo totuvlikni mustahkamlashga ko'maklashish milliy madaniyat markazlarning asosiy vazifalaridir.

Hozirgi paytda, yurtimizdagagi mehnatga layoqatli aholining 45%ini ayollar tashkil etadi. 1500 ga yaqin xotin-qizlar rahbarlik lavozimida ishlamoqda. Ayollar huquqi va ularning davlat boshqaruvidagi ro'lini oshirish masalasida 6 mingdan ziyod ayol hodimlar zaxirasi yaratildi. Joriy yil oktyabr oyi davomida mahallalardagi 80 ming nafar xotin-qizning muammolari hal etildi. Barcha hududlarda xotin-qizlar markazlari tashkil etildi. Bu markazlar tomonidan ko'plab xotin-qizlarning tadbirkorlik, hunarmandchilik, kasbga qayta tayyorlash, bandlikni ta'minlash yuzasidan amaliy yordamlar ko'rsatilmoxda.

Demokratik institutlar va inson huquqlari bo'yicha byuro direktori Matteo Mekachchi mamlakatimizda yangi pog'onada amalga oshirilayotgan demokratik yangilanishlar va ijtimoiy-iqtisodiy islohotlarni, shuningdek, Markaziy Osiyo mintaqasida yaxshi qo'shnichilik munosbatlarini mustahkamlash borasidagi siyosatni yuqori baholadi va qo'llab quvvatladi. Bu mamlakatimizda inson huquqlari, so'z, matbuot, din va e'tiqod erkinligi, gender tengligi, xotin-qizlar va yoshlarni har tomonlama qo'llab-quvvatlash, fuqarolik jamiyati institutlarini rivojlantirish, amalga oshirilayotgan demokratik yangilanishlarning huquqiy bazasini ilg'or xalqaro amaliyot asosida mustahkamlash davlat siyosatining ustuvor yo'naliishiga aylanganligining xalqaro e'tirofidir.

(foydalanilgan sana 9.11.2022)

¹¹⁶ "11-sinf O'zbekiston tarixi", O'rta ta'lim muassasalarining 11-sinf o'quvchilari uchun darslik, Narzulla Jo'rayev, Akbar Zamonov, 62-bet (foydalanilgan sana 9.11.2022)

ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ КОРХОНАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШДА ЭКОНОМЕТРИК ПРОГНОЗ КЎРСАТКИЧЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

М.М.Турғунов-Фарғона политехника институти
таянч докторант

150100, Фарғона шаҳар, Фарғона кўчаси 86 уй
E-mail:Turgunovmuxriddin77@gmail.com

Аннотация: Озиқ-овқат саноати корхоналарида бошқарув механизмини ривожлантириш, унга таъсир этувчи омилларни ўрганиш, ушбу саноат тармоқлағини модернизация қилиш ва озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналарни кўллаб-қувватлаш республикада амалга оширилаётган асосий вазифалардан биридир. Ушбу мақолада озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқаришда эконометрик моделлардан фойдаланиш ва прогноз кўрсаткичлари асосида бошқариш самарадорлиги очиб берилган.

Калит сўзлар: озиқ-овқат саноати, бошқарув, бошқариш механизми, бошқарув обьекти, таъсир этувчи омиллар.

Аннотация: Развитие механизма управления на предприятиях пищевой промышленности, изучение влияющих на него факторов, модернизация этого промышленного сектора и поддержка предприятий по производству продуктов питания является одной из основных задач, осуществляемых в республике. В данной статье раскрывается использование эконометрических моделей в управлении деятельностью предприятий пищевой промышленности и эффективность управления на основе прогнозных показателей.

Ключевые слова: пищевая промышленность, менеджмент, механизм управления, объект управления, влияющие факторы.

Annotation: The development of the management mechanism at the enterprises of the food industry, the study of the factors influencing it, the modernization of this industrial sector and the support of food production enterprises is one of the main tasks carried out in the Republic. This article reveals the use of econometric models in the management of the activities of food industry enterprises and the effectiveness of management based on forecast indicators.

Keywords: food industry, management, control mechanism, control object, influencing factors.

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган ижобий ўзгаришларни ва натижада аҳолимиз хаёт тарзи яхшиланиб бораётганлигини эътироф этиш зарур. Иқтисодий сиёsat эса кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида саноат тармоқларини ривожлантириш учун замин яратилмоқда. Ҳусусан, озиқ-овқат саноати ҳам мамлакатимизда мустақиллик йилларида чинакам ривожланиш босқичига олиб келинди. Ушбу тармоқ бугунги кунда юқори технологияли саноатга айланди. Бунинг натижасида аҳолини сифатли озиқ-авқат маҳсулотлари билан таъминлаш йилдан-йилга ортиб, аҳолимизнинг озиқ-овқат манбаи таъминланмоқда.

Турли хил озиқ-овқат саноати корхоналари аҳолининг зарур озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. Озиқ-овқат саноати бугунги кунда алоҳида ижтимоий-иктисодий аҳамиятга эга бўлиб, унинг ҳолати дунёнинг турли мамлакатларидаги турмуш даражасини акс эттиради. Дунёдаги ҳозирги вазият, бир томондан, ривожланаётган мамлакатларда юз миллионлаб оч одамларнинг мавжудлиги билан, иккинчи томондан, ривожланган мамлакатларда ортиқча озиқ-овқат ишлаб чиқариш билан тавсифланади. Ушбу ҳолат озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолиятини бошқариш ва ривожланишида турли муаммоларга дуч келмоқда. Шу сабабли, озиқ-овқат

саноати корхоналари фаолиятини бошқариш усуллари ва механизмларини ўрганиш замонавий иқтисодиёт учун жуда мухим илмий ва амалий аҳамиятга эга.

Ҳудудий таркибий омиллардан ташқари, саноатнинг ривожланишига фан-техника тараққиёти ҳам сезиларли таъсир кўрсатади, бу саноат корхоналарини ишлаб чиқариш ва бошқаришнинг бутун занжирида намоён бўлади. Ишлаб чиқариш жараёнларини комплекс автоматлаштириш нафақат озиқ-овқат маҳсулотларининг сифатини сақлаб қолади, балки корхона бошқаруви ва ишлаб чиқариш сифатини оширади. Илмий-техника тараққиёти саноат корхоналарини инновацион ривожланиш йўлига ўтказишга, бошқарув ва технологик янгиликларни ишлаб чиқиш ва жорий этишга ёрдам беради.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Бугунги кунда мамлакатимизда озиқ-овқат саноати фаолиятини ривожланиши ва уни бошқариш механизмларини такомиллаштириш йўналишида илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Амалга оширилаётган тадқиқот доирасида озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқариш бўйича маҳаллий олимларимиздан Н.М. Зиявитдинованинг тадқиқотларида озиқ-овқат саноати корхоналарида бозор стратегиясини шакллантиришда, уларни ривожлантириш йўналишларини ишлаб чиқиш ва тармоқ бошқарувининг ташкилий тузилиши такомиллаштирилган[1].

И.Ю.Умаровнинг тадқиқотларида эса озиқ-овқат саноати корхоналарида иқтисодий салоҳиятини баҳолаш бўйича услубий ёндашувлар ишлаб чиқилган ҳамда тадқиқ қилинган. Ҳудудларда озиқ-овқат саноати корхоналарининг молиявий иқтисодий салоҳияти амалий жиҳатдан баҳоланган[2].

Хорижий тадқиқотчи олимлардан Битнер Х., Друскер П.Ф., МакКеан Д., Сфайм Р., Стивенсон В.Ж., Томпсон АА , Вебстер Ф. ва бошқалар. саноат соҳасини, жумладан озиқ-овқат саноати фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштиришга ҳамда соҳа фаолиятини вертикал ва горизонтал кластерли ёндашув асосида ривожлантириш бўйича тадқиқотлар олиб борган[3].

Фикримизча, озиқ-овқат саноати корхоналарининг рақобатбардошлиги ва рискларни бошқариш жараёнига омиллар таъсирини баҳолаш, озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятига мавсумийлик омили таъсирини баҳолаш ва озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш масалалари соҳа фаолиятининг ривожланиш даврини қисқартиради ҳамда иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари ортади.

Тадқиқот методологияси

Тадқиқотда озиқ-овқат саноати корхоналари фаолияти кўрсаткичларини баҳолаш асосида монографик тадқиқотлар асосида назарий ва амалий жиҳатдан кенг ўрганиб чиқилди. Расмий статистик маълумотлари асосида Eviews 10 дастуридан фойдаланган ҳолда, асосий кўрсаткич ҳисобланган бошқарув ходимлари сони, бошқарув харажатлари, капитал қўйилмалар ҳажми ва унга таъсир этувчи вақтли қаторлари негизида эконометрик модел аниқланди, асосий параметрнинг ўзгариш тенденциялари баҳоланди ҳамда қисқа муддатли давр учун прогноз кўрсаткичлари аниқланди. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида тадқиқот методологияси сифатида илмий абстракция, корреляцион-регрессион таҳлил, таҳлил ва синтез усулларидан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Озиқ-овқат саноат тармоғинининг 2021 йил якуни бўйича статистик маълумотлари алоҳида олиб таҳлил қилинганда амалга оширилаётган ислохотлар қай даражада ўзиниг натижасини бераётгани ва яна олдинда турган вазифалар аниқлашади. Ўтган йилда мамлакатимиз ташқи савдо айланмаси 42 071,6 млн. АҚШ долларга етган бўлса, унинг таркибида импорт 25 461,0 млн. АҚШ долларни ташкил этди. Тадқиқотимиз доирасидага таҳлил эса 2021 йилнинг жами имрортининг 11.5 фоизи озиқ-овқат маҳсулотлари хиссасига тўғри келмоқда. Бу кўрсаткич 2020 йилга нисбатан 1.2 фоизга ошгани масаланинг долзарблилик даражасини белгилаб беради [4].

Ушбу статистик маълумотларнинг барчаси озиқ-овқат саноати корхоналарини бошқариш механизмини ишлаб чиқиш масалаларини долзарблаштиради, уларнинг ресурс базасидан самарали фойдаланиш усулларини ўрганишга, соҳавий ўзгаришларнинг истиқболли йўналишлари ва институционал хусусиятларини аниқлашга илмий ва амалий қизиқиш уйғотади. Ушбу йўналиш маҳаллий фан ва амалиётда етарлича ўрганилмаган, бу тадқиқот мавзусининг долзарблигини кўрсатади.

Озиқ-овқат саноати корхоналарида соф фойда ҳажмини ишлаб чиқариш функциясининг юқори чўққиси, яъни натижавий омил сифатида белгилаб олган ҳолда, унга таъсир этувчи омил кўрсаткичлари сифатида соҳа эксперталари хуносаларига асосланган ҳолда қўйидаги кўрсаткичлар танланди:

X1 – ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми;

X2 – доимий харажатлари;

X3 – айланма фондлар қиймати ҳажми;

Мамлакатимиз озиқ-овқат саноатида фаолият олиб бораётган корхоналарда соф фойдани моделлаштириш аниқ ишлаб чиқариш соҳасида юз бераётган тенденциялар, трендлар ва вақтли қаторлар каби моделлар ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Тадқиқот жараёнида Фарғона вилоятида фаолият олиб бораётган учта озиқ-овқат саноати корхоналарида соф фойда ва унинг ортишига таъсир этувчи айрим кўрсаткичларни 2012-2021 йиллар давомидаги ўзгариш тенденциялари таҳлили амалга оширилди (1-жадвал).

1-жадвал

“Фарғона барака” МЧЖда соф фойда ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичлари (млн.сўм)

Йиллар	Соф фойда, млн. сўм (Y)	Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, млн. сўм (X ₁)	Доимий харажатлар, млн. сўм (X ₂)	Айланма фондлар қиймати, млн. сўм (X ₃)
2012	285,2	1124,0	164,4	250
2013	350,4	1397,5	208,6	350
2014	402,5	1568,0	224,7	410
2015	521,6	1951,0	258,8	480
2016	603,7	2313,5	321,7	300
2017	680,6	2553,5	340,8	460
2018	718,4	2717,2	368,5	500
2019	896,2	3304,7	425,7	550
2020	754,3	2688,7	321,2	650
2021	920,5	3458,2	462,8	700

Эконометрик моделдаги натижавий омил сифатида танланган соф фойда ҳажми (Y)га таъсир этувчи экзоген омиллар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми (x₁), доимий харажатлар ҳажми (x₂) ва айланма фондлар қиймати ҳажми (x₃) каби кўрсаткичлар танлаб олинди.

Ушбу корхона бўйича ажратиб олинган натижавий ва унга таъсир этувчи омилларнинг барчаси 2012-2021 йиллар давомида бозор конъюктураси ҳамда 2020 йилда бошланган пандемия таъсирида маълум тебраниш суръатига эга бўлган. Эндоген омил ва унга таъсир этувчи экзоген омил кўрсаткичларининг моҳияти кўриб чиқиладиган бўлса, таъсир этувчи омиллар сифатида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, доимий харажатлар ҳажми ва айланма фондлар қиймати ҳажмига муҳим таъсирга эга бўлган омилларни ифодаловчи омил кўрсаткичлари асосида Кобб-Дугласнинг ишлаб чиқариш модели кўринишидаги моделга яқин бўлган боғланишга эга бўлади. Ажратиб олинган асосий эндоген ва экзоген омилларнинг боғланиши асосида “Фарғона барака” МЧЖда соф фойда ҳажмининг ўзгариш трендларини аниқлаш мақсадида юқоридаги вақтли қатор кўринишидаги маълумотларни EViews10 дастуридан фойдаланган ҳолда таҳлил қилинди.

Юқоридаги жадвалда келтирилган омил параметрларининг корреляцион-регрессион таҳлили ҳамда у асосида ҳар бир корхона соф фойдасининг ортиши кўп омилли моделларини алоҳида корхоналар бўйича амалга оширилади.

“Фарғона барака” МЧЖ фаолиятида соф фойда ҳажми ва унга таъсир этувчи омилларнинг ўзаро жуфт корреляцион боғланиш даражасини корреляцион таҳлил асосида ўрганиб чиқилди. Корреляцион таҳлил натижавий омил билан таъсир этувчи омиллар ўртасидаги боғланиш зичлиги зарурый шартни қаноатлантироқда, яъни $r_{yx1}=0,9815$, $r_{yx2}=0,9777$ ва $r_{yx3}=0,8291$ га teng. Ҳар учала боғланишда ҳам жуфт корреляция коэффициенти зич боғланишни кўрсатмоқда, бу эса натижавий омилга нисбатан таъсир этувчи омиллар тўғри танланганлигини кўрсатади (2-жадвал).

2-жадвал

“Фарғона барака” МЧЖда танланган омилларнинг корреляцион боғланиши¹¹⁷

	y	x1	x2	x3
y	1			

¹¹⁷ Муаллиф томонидан Microsoft Excel дастури асосида ишлаб чиқилди.

x1	0,981516	1		
x2	0,977721	0,938672	1	
x3	0,829093	0,843622	0,759304	1

Юқоридаги жадвалда ажратиб олинган натижавий ва таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг ўлчов бирлиги бир хил эмаслиги, яъни омил кўрсаткичларининг бир жинсли эмаслиги сабабли асосий тренд моделини чизиқли логарифмик боғланиш кўринишида аниқлаб оламиз. Бунинг учун омил кўрсаткичларининг барчасини натурал логарифмик кўрсаткичларга келтириб олинади (3-жадвал).

3-жадвал

“Фарғона барака” МЧЖ фаолиятида соф фойда ҳажми ва унинг ўзгаришига таъсир этувчи омил кўрсаткичларининг логарифмик қиймати¹¹⁸

t	$\ln Y$	$\ln X_1$	$\ln X_2$	$\ln X_3$
2012	5,65	1,95	5,10	5,52
2013	5,86	2,08	5,34	5,86
2014	6,00	2,20	5,41	6,02
2015	6,26	2,64	5,56	6,17
2016	6,40	2,77	5,77	5,70
2017	6,52	3,00	5,83	6,13
2018	6,58	3,09	5,91	6,21
2019	6,80	3,18	6,05	6,31
2020	6,63	3,18	5,77	6,48
2021	6,82	3,26	6,14	6,55

Eviews10 дастурий пакетидан фойдаланган ҳолда амалга оширилган регрессион таҳлил жараёнида аниқланган параметрлар ҳамда моделнинг аҳамияти дастур томонидан ҳисобланган асосий баҳолаш кўрсаткичлари орқали баҳоланган.

Регрессион таҳлил натижаларидан кўрилаётган ҳолат учун регрессион моделнинг коэффициентларини ажратиб олган ҳолда тренднинг логарифмик моделини шакллантириб олинади (4-жадвал).

Аниқланган маълумотлардан фойдаланган ҳолда “Фарғона барака” МЧЖ фаолиятида соф фойда ҳажми ва унга таъсир этувчи омиллар таъсирида ўзгаришининг кўп омилли эконометрик модели тузилди. Унга кўра ушбу жараённи ифодаловчи:

$$\ln Y = 0,413 \cdot \ln X_1 + 0,539 \cdot \ln X_2 + 0,082 \cdot \ln X_3 + 1,657$$

регистрация тенгламаси тузилди.

4-жадвал

“Фарғона барака” МЧЖ бўйича танланган омилларнинг боғланиш ҳусусиятлари ва тузилган омилли модел сифатининг асосий кўрсаткичлари¹¹⁹

Dependent Variable: Соф фойда
Хажми,

LnY

Method: Least Squares
Date: 10/01/23 Time: 19:26
Sample: 2012 2021
Included observations: 10

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, $\ln X_1$	0.413030	0.091581	4.509989	0.0041

¹¹⁸ Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида ишлаб чиқилган.

¹¹⁹ Муаллиф томонидан EViews10 дастурида ҳисоблаш асосида ишлаб чиқилган.

Доимий харажатлари, $\ln X_2$	8545	0.53	0.126	4.271	0.0
Айланма		091	088	053	
фондлар қиймати	0.08	0.063	1.296	0.2	
жажми, $\ln X_3$	2349	527	282	425	
Тасодифий омиллар умумий	1.65	0.591	2.801	0.0	
таъсири, ϵ	7205	479	801	311	
<hr/>					
R-squared	4343	0.99	Mean dependent var	52000	6.3
Adjusted squared	R-1515	0.99	S.D. dependent var	00938	0.4
		0.03	Akaike info	-	
S.E. of regression	6933	criterion		3.470259	
Sum squared resid	8184	Schwarz criterion		3.349225	
Log likelihood	5129	criter.	Hannan-Quinn	-	3.603033
F-statistic	5499	stat	Durbin-Watson	2.1	66102
		0.00			
Prob(F-statistic)	0015				

Аниқланган чизиқли логарифмик модель потенцирланса, корхона фаолиятида соф фойда жажми кўринишдаги эконометрик модель келиб чиқади:

$$Y = X_1^{0,413} \cdot X_2^{0,539} \cdot X_3^{0,082} \cdot e^{1,657}$$

Дастурый пакетдан фойдаланган ҳолда тузилган модель ва унинг параметрларининг ишончлилиги ҳамда адекватлигини бир неча мезонлар асосида текшириб, натижалар аниқлигига ишонч ҳосил қилиш лозим.

Аниқланган моделдаги эндоген омил учун Фишер мезони қиймати 351,55 га тенг бўлиб, унинг аҳамияти 0,00015 га тенг. Бундан кўриниб турибдики, тузилган тренд моделини аҳамият жиҳатидан амалиётда қўллаш мумкин.

Модель сифати дастурый пакет воситасида Акиаке ахборот мезони (-3,47), Шварц мезони (-3,35) ва Ханнан-Куин мезони (-3,6) орқали баҳоланган. Ушбу мезонлар қиймати ҳам тренд моделини қўллаш мумкинлигини кўрсатади.

Тузилган эконометрик моделда автокорреляция ёки мультиколлениарлик мавжудлигини аниқлаш имконини берувчи Дарбин-Уотсон (DW) мезони 2,17 га тенг бўлиб, оптимал чегара 2,0 атрофида эканлиги ҳисобга олинса, моделнинг сифатини нисбатан юқори эканлигини, яъни автокорреляция даражаси паст эканлигини кўриш мумкин.

EViews10 дастурый пакетидан фойдаланган ҳолда “Фарғона барака” МЧЖда соф фойда жажмининг 2012-2021 йиллар оралигидаги жажмининг ± 2 статистик хатолик чегараларида ўзгариши трендини шакллантирамиз ҳамда ушбу тренднинг аҳамиятини ифодаловчи кўрсаткичларни баҳолаймиз. Жумладан, Теил нотенглик коэффициенти 0,0022 га, Теил U2 коэффициенти 0,16 га, Биас нисбати 0 га, вариация нисбати 0,0014 га, ковариация нисбати 0,9986 га ҳамда симметрик MAPE 0,3925 га тенг эканлиги тузилган моделнинг зарурий ораликларда жойлашганлигини кўрсатади. Хусусан, симметрик MAPE учун чегара 10 гача эканлиги ҳисобга олинса, тахминийлик хатолиги даражаси белгиланган чегарадан кичиклигини кўриш мумкин, яъни MAPE: 0,3925<10.

“Фарғона барака” МЧЖда соф фойда жажмининг омиллар таъсирида ўзгариш моделини баҳолашда қолдиқ, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графигидан ҳам фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

5-жадвал

2022-2026 йилларда “Фарғона барака” МЧЖ корхонасида соф фойда жажми ва бошқарув фаолияти кўрсаткичларининг прогнозлари

Йиллар	Соф фойда, сўм (Y)	млн.	Ишлаб чиқарилган маҳсулот жажми, сўм (X_1)	Доимий харажатлар, млн. сўм (X_2)	Айланма фондлар қиймати, млн. сўм (X_3)


2022	1001,0	3683,2	470,6	701
2023	1061,6	3933,4	499,8	744
2024	1142,8	4183,5	529,1	786
2025	1210,3	4433,6	558,3	829
2026	1279,2	4683,7	587,6	872

Таҳлил учун олинган “Фарғона барака” МЧЖ озиқ-овқат саноати корхонасида соф фойда ҳажмининг ўзгаришини ифодаловчи кўп омилли моделлардаги ўзгарувчилар регрессия коэффициентлари асосида уларнинг натижавий омилга таъсири даражасини баҳолашимиз мумкин бўлади. Ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми, доимий харажатлари ҳамда айланма фондлар қиймати ҳажмининг ортиши натижавий омилнинг ўзгаришига тўғри боғлиқлиқда эканлигини кўрсатади.

Ушбу озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхона ўз фаолиятини бошқариш жараёнида юқорида ишлаб чиқилган кўп омилли моделдан фойдаланган ҳолда қуидагиларга асосий эътиборни қартиши лозим:

- бошқарув харажатларини оширгмаган ҳолда бошқарув ходимлари сонини маълум миқдоргача ошириши мумкин, модель бўйича бошқарув ходимлари сонининг ортиши соф фойда ҳажмининг ортишига олиб келсада, бошқарув харажатларининг ортиши натижавий кўрсаткич ҳажмининг пасайишига олиб келади;

- мавжуд ресурс базасига таянган ҳолда корхона томонидан қўшимча инвестицияларнинг жалб этилиши ҳам корхона соф фойдаси ҳажмининг қўшимча ўсишига олиб келади, бироқ ушбу қўшимча ўсиш ҳажми унчалик юқори эмас. Бундан кўринадики, мавжуд қувватлар доирасида корхонанинг ишлаб чиқариш циклари инвестицияга тўйиниш фазасига ўтган.



1-расм. “Фарғона барака” МЧЖда соф фойда ҳажмининг қолдиқ, ҳақиқий ва тузилган модель қийматлари графиғи

Тузилган тренд моделдан фойдаланишда ушбу корхонада бошқарув нуқтаи назаридан киритилаётган ресурслар (экзоген омиллар) ҳажмини ҳар бир бирлик қўшимча киритилаётган ресурс бирлигидан олинадиган самарани ҳисобга олган ҳолда белгилаш ресурс самарадорлигини оптимал таъминлаш имконини беради ҳамда корхонанинг мувозанатлашган ҳолда барқарор ривожланишини таъминлайди.

6-жадвал

Ўзбекистон Республикасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи корхоналар сони¹²⁰

Йиллар	Рўйхатдан ўтган корхоналар сони (1)	Фаолият кўрсатадиган корхоналар сони (2)	Тутатилган корхоналар сони (3)	Фаоллик индекси, коеффицентда (2/1)	Банкротлик индекси, коеффицентда (3/2)
2012	7594	6574	692	0,866	0,11
2013	7924	6893	716	0,870	0,10

¹²⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси www.stat.uz расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

2014	8723	7805	786	0,895	0,10
2015	9113	8109	776	0,890	0,10
2016	9560	8873	990	0,928	0,11
2017	10007	9405	1099	0,940	0,12
2018	11589	11046	916	0,953	0,08
2019	13545	12912	733	0,953	0,03
2020	16801	15869	642	0,945	0,04
2021	23712	22154	364	0,934	0,02

2012-2021 йилларда айнан аҳоли жон бошига озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқариш эса 2012 йилда 286,0 минг сўмни ташкил этиб, 2021 йилга келиб 1584,6 минг сўм (5,54 %)га етгани аҳолимизнинг турмуш тарзи ва харид қобилияти ортиб бораётганини кўрсатиб беради.

Ушбу жадвал кўрсаткичлари 2012-2021 йиллар оралиғида мамлакатимизда озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи корхоналар ва рўйхатдан ўтган корхоналар сони, фаолият кўрсатаётган корхоналар сони, тугатилган корхоналар сони, фаоллик индекси, банкротлик индекси тўғрисидаги статистик маълумотларни акс эттироқда. 2012 йилда айнан озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланиш мақсадида 7594,0 та янги корхона ташкил этилган бўлса, 2021 йилга келиб бундай корхоналарни ташкил этилиши 23712,0 тага етганини кўришимиз мумкин.

Хулоса

Мамлакатимиз иқтисодиётини техник-иктисодий модернизациялаш, озиқ-овқат саноатининг барча тармоқларини янада ривожлантириш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ташқи ва ички бозор талабларга жавоб берадиган рақобатбардош товарларни кўпайтириш ҳисобига амалга оширилишини тақозо этади. Шу боис, юртимизда озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга прогноз корсаткичлари асосида бошқаришга янада катта эътибор берилмоқда.

Статистик маълумотларга кўра, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорт ҳажми 2021 йилда мамлакат экспорти таркибидаги улуши 8,3% ташкил қиласган. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари экспортининг асосий қисми боғдорчиллик ва полиз маҳсулотларини кўп миқдорда етиширилиши нуқтаи назаридан, ушбу салмоқ экспорт салоҳиятига нисбатан жуда кам миқдорни ташкил этади. Фикримизча, бу борада озиқ-овқат саноатининг жадал ривожланишига тўскениллик қилувчи муаммоларни таҳлилий ўрганиш тақозо этилади.

Тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш асосида қўйидаги хулосаларни таъкидлаш мумкинки, ҳар қандай тизимнинг бошқарилиши учун энг муҳим шарт унинг барқарорлиги бўлиб, унда маълум бир қонун ва қарор билан ишлайдиган тизимнинг таъминланганигидир. Озиқ-овқат саноат корхоналари фаолиятини прогнозлаш асосида бошқариш хам нарх даражаси мувозанатини барқарорлигини таъминлаш ва озиқ-овқат саноат корхоналарининг узюксиз ишлашини таъминлашга эришиш мумкин бўлади. Натижада эса ахолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган доимий талаби қондирилади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Зиявдинова Н.М. Озиқ-овқат саноати корхоналари фаолиятин иқтисодий самарадорлигини ошириш. Дисс. и.ф.н. Бух оз.ов ЕСТИ 155 б. Б. – 2006.
2. Умаров И.Ю. Озиқ-овқат саноатида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш (Андижон вилояти мисолида). Дисс. и.ф.н. АМИИ 149 б. А. – 2009
3. Полухин А.А. Организационно-экономический механизм модернизации сельского хозяйства России/ А.А. Полухин// Аграрная Россия. – 2012 - №5 с. 23-29
4. Turgunov, M. (2021). STATE AND PROSPECTS OF THE REPUBLIC OF UZBEKISTAN IN INTERNATIONAL RATINGS OF INNOVATION DEVELOPMENT. Theoretical & Applied Science, (7), 37-42.
5. Turgunov, M. (2021). Issues of innovative approach and financing of innovative projects in rapid economic development. Экономика и социум, (7), 151-159.

Online resources for learning English

Умаркулова Диёра Санжаровна / Umarkulova Diyora Sanjarovna- студентка
Узбекского государственного университета мировых языков
umarkulova04@mail.ru

Аннотация. В этой статье рассматривается концепция онлайн-ресурсов при изучении английского языка, а также рекомендуются полезные сайты для студентов и преподавателей.

Abstract. This article examines the concept of online resources in learning English, and the article also recommends useful sites for students and teachers.

Ключевые слова. Интернет, онлайн-ресурсы , образование, коммуникация, электронные книги, ИКТ.

Key words. Internet, online resources, education, communication, e-books, ICT.

Introduction

In the modern world, scientists have made many inventions to make life easier and improve the quality of life. These are all kinds of household appliances, various equipment, computers, the Internet. The Internet can rightly be called one of the best inventions, as it is currently used by almost every person.

The Internet has intruded very tightly into human life. A person uses the Internet in various spheres of his life. And one of these areas is the field of education. It can be rightfully assumed that in modern society education is closely connected with social networks, especially it was clearly noticeable when education in educational institutions was conducted in a distance format. Learning a second language is one of the most important areas in the modern world. Young people actively use Internet resources to learn foreign languages.

Literature review

Internet sources can be used for various educational purposes. The global Internet creates the conditions for obtaining any information necessary for students and teachers. In addition, students can take part in various competitions and olympiads held on the Internet. It is important to note that now it has become possible to participate in these events not only at the state level, but also at the global level.

To the Internet information resources used in the learning process, these include:

- databases, information systems, reference files, dictionaries, reference books;
- training systems, courses, programs for self-education;
- educational video and audio recordings;
- electronic libraries (newspapers, magazines, books in electronic form);
- distance learning courses;
- email, etc.

The main advantages for students of using the Internet in the educational process include:

- ✓ improving computer literacy (improving the skills of handling and working with a computer and the Internet);
- ✓ development and improvement of skills of independent search for necessary information and work with it, as well as training and research;
- ✓ formation of practical skills.

On the Internet you can find many resources that will help you learn the language. And you can also take online tests to determine the level of language proficiency, try yourself on preliminary international exams (mock tests), such as SAT, IELTS or TOEFL.

Аннотация: В данной статье рассматривается использование компьютерных игр в процессе изучения иностранного языка. Анализируется влияние игровой среды на образовательный процесс и запоминание полученной информации. В статье приведены данные анализа эффективности игровых платформ с образовательной направленностью, а также способы внедрения игр в интегрированные занятия.

Ключевые слова: игровая образовательная среда, компьютерные игры, иностранные языки, эффективность, установки обучения, дифференцированное индивидуализированное обучение, цифровые модели обучения, профессиональная компетенция.

Аннотация: Ушбу мақолада чет тилини ўрганиш усули сифатида компьютер ўйинларидан фойдаланган ҳолда педагогик ёндашув кўриб чиқилган. Ўйин муҳитининг ўқув жараёнига таъсири ва олинган маълумотларни ёдлаш жараёни таҳлил қилинган. Мақолада таълимга йўналтирилган ўйин платформаларининг самарадорлигини таҳлил қилиш маълумотлари, шунингдек ўйинларни интеграциялашган дарсларга киритиш усуллари келтирилган.

Калит сўзлар: ўйин таълим муҳити, ёш тоифаси, компьютер ўйинлари, чет тиллари, самарадорлик, ўқитиши созламалари, табакалаштирилган вайндивидуаллаштирилган таълим, рақамли таълим моделлари, касбий компетенция.

Annotation: This article discusses the use of computer games in the process of learning a foreign language. The influence of the gaming environment on the educational process and the memorization of the information received is analyzed. The article presents data on the analysis of the effectiveness of gaming platforms with an educational focus, as well as ways to introduce games into integrated classes.

Keywords: game educational environment, computer games, foreign languages, efficiency, learning attitudes, differentiated individualized learning, digital learning models, professional competence.

Введение

Исследования показывают, что использование игр в процессе обучения иностранному языку может помочь увеличить активность учащихся, способствовать социальному и эмоциональному обучению и мотивировать студентов к увеличению словарного запаса в процессе аудирования, письма и говорения.

Однако игровой процесс в обучении — это не просто развлечение. Игры и игровые принципы используются для улучшения обучения. Эффективные игры связывают контент с соревнованием и могут обеспечить более совместную и увлекательную аудиторную работу,

особенно для учащихся, которым трудно сосредоточиться или найти свою нишу в обучении. Во время пандемии игры также стали важной отдушиной, позволяющей учащимся оставаться на связи и мотивировать их удаленно.

Использование популярных игр-викторин с несколькими вариантами ответов способно улучшить отношение учащихся к учебе и повысить их успеваемость. Кроме того, виртуальные игры могут улучшить концентрацию у учащихся с рассеянным вниманием и помочь с пространственным и времененным ориентированием, что в свою очередь приводит к улучшению чтения.

Но игры не могут заменить другие формы обучения. Если рассматривать игру в качестве образовательного инструмента, то любой образовательный инструмент должен быть хорошо спланирован и интегрирован в образовательный процесс только тогда, когда он соответствует целям обучения.

Так, формируется своеобразный педагогический подход, который может помочь учащимся по-другому взглянуть на обыденность. Данный процесс может быть ограничен лишь воображением игрока и игровым набором правил.

Критический анализ литературы

Справочник по исследованиям в области цифровых медиа и креативных технологий рассматривает последние исследования в области образования, коммуникации и творческого социального самовыражения с использованием цифровых технологий. Изучая достижения в области искусства и культуры вне национальных и социологических границ, это руководство служит для художников, теоретиков, специалистов по информационным коммуникациям и исследователей инструментами, необходимыми им для эффективного распространения своих идей в цифровом пространстве (Harrison, 2015). Автор отмечает, что новые технологии открывают широкие возможности для творческого самовыражения, от музыки и видео до инноваций в изобразительном искусстве. Эта эстетика, при правильном изучении, может способствовать расширению общения между всеми типами людей и культур.

Однако представьте себе мир, в котором видеоигры являются домашним заданием (Pilegard & Mayer, 2018). Исследователи, изучающие компьютерные игры для обучения, заняты изучением возможности использования образовательных компьютерных игр для улучшения усвоения учащимися учебного материала и соответствующих когнитивных навыков. Несмотря на то, что делается много убедительных заявлений о том, что компьютерные игры способствуют академическому обучению, повествовательное содержание игры может снизить склонность учащегося размышлять над ее академическим содержанием. В настоящем исследовании изучается добавление недорогой обучающей функции, предназначеннной для обеспечения надлежащей когнитивной обработки академического контента во время игры (Pilegard & Mayer, 2018).

В отличие от этого оптимистичного взгляда на компьютерные игры для образования, некоторые исследователи игр придерживаются более осторожного подхода, поднимая вопрос о необходимости доказательств для проверки этих утверждений.

Чтобы лучше понять обучение на основе игр, к этой когнитивной модели мультимедийного обучения необходимо добавить два важных дополнительных элемента: мотивацию и метапознание. Во-первых, мотивация относится к готовности учащегося приложить усилия для изучения материала и определяется как внутреннее состояние, которое инициирует и поддерживает целенаправленное поведение (Mayer, 2018).

Существует пять классов мотивационных теорий, которые способствуют объяснению мотивационной силы игр (Mayer, 2018, Wentzel & Mieles, 2016):

1. Теории интересов и ценностей: люди прилагают усилия, чтобы учиться, когда они заинтересованы и находят личное значение в учебной задаче или материале.

2. Теории самоэффективности и атрибуции: люди прилагают усилия для обучения, когда считают себя компетентными для выполнения задачи и верят, что их усилия приведут к успеху.

3. Теория ориентации на цель: люди прилагают усилия, чтобы учиться, когда их цель состоит в том, чтобы освоить учебную задачу или материал.

4. Теории самоопределения и внутренней мотивации: люди прилагают усилия, чтобы учиться, когда они чувствуют контроль над учебной задачей и когда они получают внутреннее вознаграждение.

5. Социальные сигналы и теории воплощения: люди прилагают усилия, когда они испытывают социальное партнерство с инструктором и когда они могут использовать все свое тело во время обучения.

Учитывая потребность в доказательствах для проверки заявлений об обучении на основе игр, в этой области требуется прочная доказательная база, полученная из методологически строгих исследований компьютерных игр для образования.

Методология исследования

Методологическую основу исследования составляет совокупность философских, психологических и педагогических положений ученых. Основной метод включал в себя систематический обзор, целью которого было выявление исследований на основе ключевых понятий исследуемой области в различных базах данных. Преимущественно проведен теоретический анализ литературы и диссертационных работ по вопросу исследования, обработка, систематизация и представление данных.

Данное направление рассматривается учеными в трех измерениях: философско-культурологическом, социально-экономическом и психолого-педагогическом. Методология исследования состоит из общенаучных методов системного анализа и междисциплинарного подхода к предмету исследования.

В связи с тем, что одним из направлений нашего исследования является анализ и определение понятия «компьютерная игра», необходимо дать определение понятия и его видов.

Следует отметить, что нет единого подхода к определению данного понятия, однако есть некоторые трактовки, которое исследователи формулируют следующим образом:

Термин «компьютерные игры» обычно отождествляют с термином видеоигры, только при игре в компьютерные игры дети пользуются только компьютером. Компьютерные игры более распространены, потому что их можно использовать как для развлечения, так и для обучения. Обычно их делят на следующие категории: стрелялки, борьба, стратегии, ролевые игры или ролевые игры и массовые многопользовательские ролевые онлайн-игры (Harrison, 2015).

Нынешние игры сильно отличаются от первой видеоигры Pong (представленной в 1974 году), которая, по сути, была цифровой версией тенниса с низким качеством воспроизведения. С момента своего появления количество компьютерных игр быстро росло, а их точность резко возросла до такой степени, что некоторые виртуальные среды, смоделированные в играх, стали поразительно реалистичными. С момента появления популярных видеоигр, таких как Space Invaders и Pac Man, в 1980-х годах индустрия видеоигр выросла до огромных масштабов. Однако, в отличие от кино или телевидения в первые годы их существования, было проведено очень мало исследований по применению компьютерных игр для обучения (Kidd, Terry & Song, Holim & Marquis, Justin, 2008).

На данный момент нет четкого разделения компьютерных игр по жанрам, однако данное направление может включать в себя одновременно и познавательный и развлекательный контент. В зависимости от целей разработчиков, игры можно разделить на несколько типов: развлекательные игры, обучающие, специальные образовательные (от крупных разработчиков), игры, сгенерированные самими преподавателями или учениками (к примеру, Kahoot — игровая обучающая платформа, которая позволяет легко создавать, делиться и играть в обучающие игры или викторины за считанные минуты).

Крупные разработчики создают коммерческие игры. Они достаточно сложные и созданы для искушенной публики. Что касается образовательных, то они, наоборот, должны быть предсказуемыми и простыми, чтобы их внешняя форма, сюжет, дополнительная информация не отвлекали от учебного материала (Молчанов, 2021).

Влияние технологий и игр на грамотность молодежи и гражданскую идентичность – один из актуальных вопросов педагогики.

Существует ряд принципов, позволяющих интегрировать в занятия разработанные игры и сделать их ценным инструментом обучения.

Одна из основных причин играть в игры – это удовольствие от игрового процесса, которое и делает их успешными. Игры могут помочь замаскировать обучение важным, но сложным навыкам, которым обучаемые могли бы сопротивляться на обычных занятиях.

По мотивам популярных компьютерных игр, возможно воссоздать сюжет и картину игры, внося образовательное содержание. Так, персонажи из любимых игр помогают учащимся выполнять определенные письменные подсказки, например, описывать объект, сосредоточив внимание на окружающей его обстановке. Шаг за шагом участники игры перемещаются по игровой локации, выполняя задания и практикуя свои языковые компетенции.

Многие игры включают захватывающую сюжетную линию, которая может быстро зацепить детей, что делает обучение с ними более эффективным. Красочные игровые

платформы позволяет удерживать внимание учащихся разных возрастов. Чтобы повысить вероятность участия всей аудитории, рекомендуется устанавливать уровни сложности игры в соответствии с текущими способностями ученика.

Данная деятельность может достичь большего результата, если проводить интегрированные занятия с технологом-инструктором, разработчиком игр и приложений, веб-дизайнером и специалистом по ИКТ.

С помощью игр, участники образовательного процесса могут отправиться на поиски внутри сокровищ, разгадывая загадки и получая новую информацию. В процессе исследования игра помогает закрепить навыки поиска и обработки информации, а также коммуникативные навыки, которые необходимы для командного прохождения игры.

В частности, для учащихся с особыми потребностями, игры могут быть полезны, потому что они разрушают традиционные подходы к обучению и открывают для них возможности добиться успеха там, где им раньше не удавалось.

Большего эффекта позволяют достичь использование различных таблиц со статистическими данными: общая таблица результатов с именами и баллами, таблица лидеров, таблица с разбором каждого пункта задания с выделением часто упускаемых из виду действий или навыков.

Таким образом, происходит оценка командной работы и вклада каждого участника отдельно. Для работы над ошибками также можно внедрить систему забавных номинаций, к примеру, номинация «Самая творческая ошибка» и т.п.

Так, для эффективности данного педагогического подхода необходимо дифференцировать компьютерные игры на исключительно развлекательные и тех, которые были созданы для образовательных целей: иметь четкую структуру, цель, и практическую значимость на всех этапах обучения.

Анализ и результаты

Анализ исследований в области определения эффективности внедрения компьютерных игр в процесс изучения иностранного языка показал, что при организации данного подхода необходимо рассматривать не только психолого-педагогические закономерности взаимосвязи интеллектуальных компонентов участников образовательного процесса, но и специфику игровых платформ, при которых их компетентность будет развиваться с учетом интеллектуально-творческой и эмоционально-мотивационной составляющей без негативного влияния.

Чтобы разобраться в игровой психологии и влиянии цифровых игр на изучение языков необходимо учесть деятельность мозга со своеобразным алгоритмом запоминания.

Полученная информация преобразовывается в ассоциативные цепочки связей с данными, которая хранится в постоянной памяти. Ассоциации позволяют закрепить новые знания.

Игра может повлиять на ассоциативный ряд, а эмоции дают толчок к появлению новых ассоциаций. Так, усвоение информации происходит естественно, без стресса и лишних усилий. К примеру, текст понравившейся песни, запоминается после трех или четырех прослушиваний.

Зaintересованность и эмоциональный фон создают благоприятные условия для усвоения знаний во время игры.

Когда студенты начинают учить язык с помощью игры, важно не только говорить, но и слушать. Когда обучаемые играют в видеоигры со своими друзьями или случайными игроками, им придется столкнуться с рядом проблем, чтобы перейти на следующий уровень. Это будет невозможно, если они не будут общаться с другими игроками. Вот почему игры, основанные на миссиях, являются лучшим выбором.

Конечно, чтение не является большой частью этих видеоигр. Тем не менее, есть шанс выучить язык. Когда обучаемый будет читать команды во время игры, это вдохновит его на изучение основных фраз или слов. Это могут быть простые фразы, такие как «ты рядом», «нападай на врага» или «я ненадолго ухожу с экрана».

Когда участник лучше читает и слушает, он близок к тому, чтобы улучшить свои навыки владения языком. Когда он читает и слушает, он может стать лучшим оратором. Чтобы играть в игру, он должен слушать, что говорят другие. Когда он отвечает той же речью, это улучшает его грамматику и словарный запас. Некоторые видеоигры также добавляют субтитры к тому, что говорят другие. Таким образом, игра с носителями языка работает лучше всего, если нужно поработать над языковыми навыками.

Согласно неврологии, обучение на основе контекста, как правило, происходит быстрее. Пока мы играем в цифровую игру, мы открываем названия реальных вещей,

настоящих инструментов, реальных персонажей и многое другое по мере продвижения по виртуальному миру.

Обсуждение результатов исследования

Так, вопросы определения эффективности использования компьютерных игр в процессе изучения иностранного языка были подняты на заседании кафедры «Узбекского и русского языков» Ташкентского финансового института и обсуждены профессорско-преподавательским составом.

Было также отмечено, что внедрение игровых платформ в образовательный процесс подразумевает несколько этапов:

- обязательное первоначальное уточнение понятия «компьютерная игра»;
- определение влияния компьютерных игр на развитие учащихся;
- установление развивающего значения компьютерных игр для участников образовательного процесса;
- выявление возможностей различных игровых платформ;
- изучение преимуществ и недостатков популярных игр и возможности их внедрения в процесс изучения иностранного языка.

Выводы/Рекомендации

Полученные данные свидетельствуют о том, что ряд компьютерных игр, особенно учебных, эффективны в пополнении словарного запаса при изучении иностранного языка. Кроме того, есть ряд преимуществ их использования, такие как знакомство с целевым языком, увеличение вовлечение или усиление участия учащихся в общении. На ряду с этим определены некоторые недостатки их использования в изучении языка: высокая интерактивность может препятствовать приобретению и изучению словарного запаса.

Чтобы определить список полезных и бесполезных игр, необходимы знания о самой игре, его сценария, правил и стратегии. Процесс изучения новой игры также может занять достаточно времени. Это в свою очередь создаст неудобства для всех участников образовательного процесса. Педагогическому составу учебного заведения рекомендуется провести анализ популярных компьютерных игр с целью сортировки и внедрения в образовательный процесс.

Дальнейшее исследование в области использования компьютерных игр на занятиях должны быть сосредоточены на нескольких аспектах: например, развитие продуктивных языковых навыков, таких как устная и письменная речь, а также педагогические методы и приемы, чем просто приобретение словарного запаса при изучении иностранного языка.

В дальнейшем необходимости использовать комплексное изучение компьютерных игр и невозможности дательного обзора всех аспектов игровых платформ. Междисциплинарный подход позволит не допустить одностороннего взгляда на изучение данного направления и рассмотреть игру в роли ключевого звена в процессе повышения качества образования и развития цифровой культуры.

Список литературы:

Admiraal W. and Berry A. (2016). Video narratives to access student teachers' competence as teachers. *Teachers and Teaching, Theory and Practice*, 22(1), 21-34. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/13540602.2015.1023026>

Kidd, Terry & Song, Holim & Marquis, Justin. (2008). Computer Games as a New Arena for IST Research. 10.4018/978-1-59904-865-9.ch029.

https://www.researchgate.net/publication/314068711_Computer_Games_as_a_New_Arena_for IST_Research

Livingston K. (2014). Teacher Educators: Hidden Professionals? *European Journal of Education*, 49(2), 218-232. <https://onlinelibrary.wiley.com/doi/abs/10.1111/ejed.12074>

Маркова А.К., Матис Т.А., Орлов А.Б. (1990). Формирование мотивации учения. – М.: Просвещение, 192с.

<https://publications.hse.ru/books/78479029>

Молчанов Н.В. (2021). [Текст]: итоговый индивидуальный проект на тему «Разработка и внедрение компьютерных игр в образовательный процесс». — Верхняя Пышма, 21 с.

<https://www.prodlenka.org/profile/591409>

Harrison, D. (2015). *Handbook of Research on Digital Media and Creative Technologies*. 10.4018/978-1-4666-8205-4.

<https://www.igi-global.com/book/handbook-research-digital-media-creative/121155>

ЎЗБЕКИСТОНДА ЭКСПОРТНИ КРЕДИТЛАШ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ЯНАДА КЕНГАЙТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Халилова Феруза Жамоловна
Микрокредитбанк АТБ Навоий вилоят
худудий бошқармаси бош мутахассиси
E-mail: firuza_xalilova@mail.ru

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда экспорт фаолиятини молиялаштириш субсидиялаш механизмларини такомиллаштиришга қаратилаган самарали тадбирларни ташкил этишга хизмат қилувчи Экспортни рағбатлантириш агентлиги ҳамда Ўзэксимбанк ва Ўзагроэкспортбанк фаолиятини ташкил этишга қаратилган маълумотлар келтирилган.

Калит сўзлар: экспорт фаолияти, экспорт кредитлари, экспорт субсидиялари, экспорт импорт банклари, қишлоқ хўжалиги соҳаси экспорти, енгил саноат соҳаси экспорти, экспортни молиялаштириш механизмы, экспорт фаолиятида хориж тажрибаси.

Аннотация. В данной статье представлена информация, направленная на совершенствование механизмов субсидирования финансирования экспортной деятельности в Узбекистане, а также организации деятельности Агентства по продвижению экспорта и Узэксимбанка и Узагроэкспортбанка, которые служат для организации эффективной деятельности.

Ключевые слова: экспортная деятельность, экспортные кредиты, экспортные субсидии, экспортно-импортные банки, экспорт сельскохозяйственного сектора, экспорт легкой промышленности, механизмы финансирования экспорта, зарубежный опыт экспортной деятельности.

Annotation. This article provides information aimed at improving the mechanisms for subsidizing the financing of export activities in Uzbekistan, as well as organizing the activities of the Export Promotion Agency and Uzeximbank and Uzagroexportbank, which serve to organize effective activities.

Key words: export activity, export credits, export subsidies, export-import banks, agricultural sector exports, light industry exports, export financing mechanisms, foreign experience in export activities.

Кириш

Мамлакат экспорт ҳажмини ошиши ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ошишига бу эса ўз навбатида макроқтисодий ўсишга сабаб бўлади. Экспорт фаолиятини турли хил йўллар билан давлат томонидан қўллаб қувватлаш механизмлари мавжуд бўлиб, ривожланган хорижий давлатлар тажрибасига кўра экспортни молиялаштириш инструментлари фаолиятини кенгайтириш, уларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш орқали эришиш мумкин. Иқтисодий тарқаққиётга эриша бошлаган Хитой ва Ҳиндистон каби давлатларда экспортни молиялаштириш, суғурталаш ва субсидиялашни такомиллаштириш орқали мамлакат экспорт ҳажмини оширишга эришилган. Экспортни молиялаштириш асосан Эксимбанклар томонидан амалга оширилиб ривожланаётган давлатларнинг кўпчилигида Эксимбанк институтлари жорий этилган.

Ўзбекистонда экспорт фаолиятини молиялаштириш айнан экспорт қилувчиларни кредитлаш жараёнида бир мунча салбий вазият мавжуд бўлиб, бугунги кунда тижорат банкларида савдо кредитлари бўйича фоиз ставкалари ва гаров таъминоти миқдорининг юқорилиги ҳамда кредит шартларининг мураккабликлиги сабабли кўплаб экспорт қилувчи

корхона ва ташкилотлар учун экспорт фаолиятларини молиялаштиришда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда¹²⁵.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Экспортни молиялаштириш ва унга молиявий хизматларни кўрсатишни такомиллаштириш бўйича МДҲ ва хорижий мамлакатларда кўплаб тадқиқот ишлари олиб борилган. Мақолани ёзиш авомида МДҲ мамлакатлари олим ва мутахассисларидан А.И.Прищепа, А.О.Петров, Н.Н.Шеколинский, Н.Петраков¹²⁶, шунингдек хорижий олим ва мутахассислардан Патрик Мессерлин, Хидеки Фунатсу ва А.Картер¹²⁷нинг бу борадаги иммий ишларини таҳлил қилдик.

Таҳлил ва натижалар:

Экспорт кредитларини ажратишнинг янги механизми ва экспортчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 20 декабрдаги ПҚ-4069-сон ва «Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2019 йил 28 январдаги ПҚ-4135-сон қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 06.05.2019 йилдаги 373-сон қарори ишлаб чиқилди, унга кўра Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги ташкил этилди. Экспортни рағбатлантириш агентлигининг асосий вазифаларидан бири тижорат банкларига экспорт билан боғлиқ савдо операциялари ва экспортолди молиялаштириш кредитлари учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан молиявий ресурслар ажратиш ҳамда халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат молия ташкилотлари, хорижий банклар ва молия компанияларидан экспортолди молиялаштириш учун маблағлар жалб этиш ишларини ташкиллаштириш ҳисобланади. Агентлик томонидан экспорт қилувчи ташкилотларга молиявий ёрдам кўрсатишнинг асосий йўналишлари қилиб қўйидагилар белгиланган; стандартларни жорий қилиш ва мувофиқлик сертификатларини олиш, маҳаллий маҳсулотлар ва брендларни (товар белгиларини) ташқи бозорларга олиб чиқиш мақсадида тақдимотлар ва реклама кампанияларини ўтказиш, халқаро тендер ва танловларда иштирок этиш. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Экспортни рағбатлантириш агентлиги асосий вазифалари таҳлил қилинса унда айнан экспорт кредитини ажратиш инструменти кўринмайди. Шунинг учун АҚШ, Хитой, Япония ва Россия давлатларидағи каби айнан факат экспорт қилувчиларга экспорт олди ва экспортдан кейинги фаолият учун кредитларни ажратишни амалга оширувчи Эксимбанкни ташкил этиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда зарур ҳисобланади. Ривожланган давлатларда Эксимбанк институтлари ташкил этилиши ва уларнинг фаолияти турли даврлардан бошлаб амалга оширилиб келаётганлигини кўрамиз.

АҚШ да АҚШ Эксим банки 1934 йилда экспорт АҚШни иқтисодий тушкунликдан олиб чиқиши мақсадида ташкил этилган.

АҚШ Эксимбанки 2006 йилнинг ўзида умумий қиймати 12,1 миллиард АҚШ доллари микдорида молиялаштиришни амалга оширди, жами молиялаштиришда кичик бизнеснинг улуши 26 фоизни ташкил этган. Шу билан бирга, молиялаштиришнинг кенг қамрови, жумладан, 2677 та экспорт етказиб бериш ва битимлар амалга оширилганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Экспортни рағбатлантириш ва бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги солиқ тўловчининг ҳар бир доллари АҚШ экспортини яратишга 61 доллар ҳисса қўшганидан далолат беради.

Японияда Япония Эксимбанки 1951-йилда Япония экспорт импорт банки тўғрисидаги қонунга асосан ўрта ва узоқ муддатли экспорт операцияларини молиялаштириш мақсадида “мустақил давлат молия институти” сифатида ташкил этилган.

¹²⁵ <https://review.uz/oz/post/eksportni-moliyalashtirish-eksport-oldi-kreditlari-va-eksport-jarayonlarini-sugurtalash> Ўзбекистон Республикаси Президент Администрацияси ҳузуридаги Иқтисодий тадқиқотлар ва ислоҳотлар маркази етакчи илмий ходими Халилуллоҳ Ҳамидов

¹²⁶ Прищепа А.И., Механизмы внешнеторгового финансирования экспортных операций в международной практике ведения торговли. Экономика и управление. – 2012. - № 2 (34); Петров А.О. Развитие внешнеэкономической деятельности малого и среднего бизнеса в различных странах мира. Научный журнал Донецкого национального университета, 2007; Шеколинский Н.Н. Экспортные кредитные агентства как механизм государственной финансовой поддержки. Диссертация на соискание ученой степени кандидата.

¹²⁷ Patrick Messerlin. Export credit subsidies. Economic Policy. Vol 2, No 4. (Apr 1989) www.jstor.org; Hideki Funatsu. Export Credit Insurance. The Journal of Risk and Insurance. Vol 53, No 4. (Dec 1986) www.jstor.org; A. Carter. United States Export Subsidies in Wheat: Strategic Trade policy or Expensive Beggar – Thy – Neighbour Tactic? American Journal of Agricultural Economics. Vol 74, No 3. (Aug 1992) www.jstor.org

Дастлаб у фақат завод асбоб-ускуналари ва оғир машиналарни экспорт қилиш учун кредитлар берган ва Япония экспорт банки деб номланган. 1952 йилдан бошлаб унинг фаолияти Япония иқтисодиёти учун асосий 10 турдаги ресурслар - темир ва марганец рудалари, кўмир, нефт ва бошқалар импорти учун аванс тўловларини молиялаштириш, шунингдек, бошқа молия институтлари томонидан экспортчиларга берилган кредитлар бўйича кафолатлар беришни ўз ичига олган.

Эксимбанк кредитларининг йиллик ҳажми қарийб 15 миллиард АҚШ долларини ташкил этади, Япония Эксимбанкини ташкил этишининг асосий мақсади Япониянинг ташқи иқтисодий сиёсатини амалга оширишга қаратилган бўлиб, Япония иқтисодиёти учун глобаллашув муаммолари, ривожланаётган мамлакатларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишига кўмаклашиш, қашшоқликни камайтириш, глобал исишнинг олдини олиш ва Япония атрофида халқаро барқарорликни таъминлаш каби кенг қўламли сиёsat масалаларини қамраб олади.

Германияда экспортни молиялаштириш функциялари федерал ҳукуматга (80%) ва федерал штатларга (20%) тегишли бўлган **Kreditanstalt für Wiederaufbau** (KfW) томонидан амалга оширилади. KfW нинг мақсади узоқ муддатли ва арzon кредитлар бериш орқали кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашишдан иборат. KfW шунингдек, инновацияларни рағбатлантиради, атроф-муҳитни муҳофаза қилишга ёрдам беради ва шаҳар инфратузилмасини яратишни қўллаб-қувватлайди.

Россияда экспорт фаолиятини молиялаштириш ва уни ривожлантириш мақсадида **Росэксимбанк** ("Россия экспорт-импорт банки" ОАЖ) - давлат ихтисослаштирилган банки 1994 йилда Россия Федерацияси Ҳукуматининг 1993 йил 7 июлдаги 633-сонли "Россия экспорт-импортини шакллантириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ташкил этилган. Росэксимбанк фаолиятининг асосий мақсади экспорт операцияларини молиялаштириш ва экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлашда экспорт қилувчиларнинг эҳтиёжларини максимал даражада қоплашни таъминлаш учун Россия экспортчиларига молиявий ва кафолатли ёрдам қўрсатишдан иборат.

Россиянинг Украинага бостириб кириши муносабати билан Росэксимбанк АҚШ, Канада, Украина ва Австралия томонидан иқтисодий санкциялар остида қолмоқда.

Экспорт фаолияти яхши ривожланган давлатларда анъанавий банк кредитларидан ташқари савдони молиялаштиришнинг замонавий усувлари, жумладан факторинг, форфейтинг, таъминот занжирини молиялаштириш методлари фаол қўлланиб келинмоқда.

Барча иқтисодий тараққиётга эришган ва эришаётган давлатлар ўзидағи иқтисодий шароитдан шунингдек, дунёдаги ташқи иқтисодий, сиёсий вазиятдан келиб чиқсан ҳолда ўз ички иқтисодий сиёсатида экспортни рағбатлантиришнинг турли методларини қўллаётганлигини кўрамиз.

Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва турли хил воситалар орқали давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг хорижий давлатлар тажрибаларидан келиб чиқиб шуни айтишимиз мумкини, экспорт фаолияти давлат аралашуви асосида кўпроқ бозор механизмларига таянган ҳолда ривожлантирилиши мумкин ва айнан Ўзбекистонда экспортни молиялаштиришни амалга ошириш институти сифатида Экспортни рағбатлантириш агентлиги ва Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки томонидан экспорт фаолиятини молиялаштиришни амалга ошириш механизмлари ташкил этилган лекин ТИФ Миллий банкининг бош мақсади тижорат яъни даромад топиш ҳисобланади шунинг учун Ўзбекистонда алоҳида мақомга эга бўлган Ўзэксимбанкни ташкил этиш мақсадга мувофиқdir

Хулоса ва таклифлар

Ўрганишлар шуни кўрсатадики, экспортни рағбатлантириш орқали мамлакат ялпи ички маҳсулоти ҳажми ошади ва мамлакатда бўш иш ўринлари яратилади шунингдек экспортга йўналтирилган инфратузилма яратилади. Экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида қулай макроиктисодий муҳит ва ишлаб чиқарувчilar учун экспортга рағбат яратиш тизими шаклланади. Давлат томонидан экспортни рағбатлантириш чора-тадбирлари давлат даражасида ҳам ҳудудий бўлинмалар доирасида ҳам амалга оширилиши керак. Давлат томонидан турли хил халқаро фонdlардан олинаётган ташқи қарзнинг маълум қисми албатта экспортга кўмаклашувчи институтлар томонидан фақатгина экспорт қилувчиларга йўналтирилиши зарур.

Хиндиштон ва Хитой тажрибасига кўра йирик экспорт қилувчилар билан teng ҳолатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳам молиявий қўллаб-қувватлаш мамлакатнинг иқтисодий тараққиётiga ижобий таъсир кўрсатган. Ўзбекистонда тармоқлар

ва соҳалар миқёсида экспорт қилувчилар фаолиятини таҳлилига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилувчиларни молиявий қўллаб қувватлаш мамлакат иқтисодиёти ўсиши учун улкан имкониятлар эшигини очади. Ўзбекистонда 2022 йил якунлариға кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспорти ҳажми 1134.3 млн АҚШ долларини ташкил этган бўлиб ушбу кўрсаткич 2021 йилга нисбатан 18.5 фоизга ошган¹²⁸ ушбу кўрсаткични янада ошириш имконияти мавжуд бўлиб бунинг учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга ошириш мехенизмларини такомиллаштириш айнан улар учун қисқа муддатли экспорт кредитларини ажратиш амалиётини йўлга қўйиш керак.

Ўзбекистонда қуритилган мева маҳсулотларини экспорти учун паст фоиздаги қисқа муддатли экспорт кредитларини ажратиш механизмини яратиш керак масалан, Жанубий Корея ҳукумати ўртacha ҳар йилда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишга 25.95 миллиард Вонни ташкил қилувчи субсидия ажратади. Ушбу субсидиялар мевалар, гуллар, сабзавотлар, женъшень ва қора мол маҳсулотларига тегишли бўлади¹²⁹.

Мамлакат экспорт ҳажмини янада кенгайтириш имконияти бўлган соҳа ва тармоқларда айниқса енгил саноат текстил маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш ўрта ва узоқ муддатли истиқболда иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Ўзбекистонда Ўзагроэкспорт банк фаолиятини қайта ташкил этиш қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини амалга оширувчи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ҳудудлар доирасида қисқа муддатли паст фоизли экспорт қилинаётган маҳсулот ҳажми доирасида 5000 АҚШ доллардан 30000 АҚШ доллари миқдоригача ҳажмдаги экспорт кредитлари ажартиш амалиётини ташкил қилиш орқали экспорт таркибини янада диверсификациялаш имкониятига эга бўлинади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 декабрь карори. «Экспортга кўмаклашиш ва уни рағбатлантиришни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида».
2. Прищепа А. И., Механизмы внешнеторгового финансирования экспортных операций в международной практике ведения торговли. Экономика и управление. – 2012. - № 2 (34).с.23-27
3. Шеколинский Н. Н. Экспортные кредитные агентства как механизм государственной финансовой поддержки. Диссертация на соискание ученой степени кандидата экономических наук. Москва – 2016.-142с.
4. Петраков Н., О государственной поддержке российского экспорта. М.: ЦЕМИ РАН, 2016. 289с.
5. Kihwan K. "The Korean Economy: Past Performance, Current Reforms and Future Prospects" // Korean Development Institute. 2015.
- 6.WTO Secretariat, "Trade Policy Review: Singapore", 2018 / URL: www.wto.org/english/tratop_e/tpr_e/tp_rep_e.htm#bycountry

¹²⁸ Манба Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлигининг 2022 йил ҳисобати.

¹²⁹ Kihwan K. "The Korean Economy: Past Performance, Current Reforms and Future Prospects" // Korean Development Institute. 2015.

SPIN-OFF КОРХОНАЛАРИ – ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИГА БЮДЖЕТДАН ТАШҚАРИ ҚЎШИМЧА МАБЛАҒЛАРНИ ЖАЛБ ҚИЛИШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ СИФАТИДА

Хожаев Азизхон Сайдалохонович, Фаргона политехника институти “Бухгалтерия ҳисоби ва аудит” кафедраси доценти, иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

E-mail: a.xojayev@ferpi.uz, imf_azizi83@mail.ru

Тел.: +99890-274-33-99

Аннотация: Мақолада республиканинг инновацион тараққиётини таъминлашда олий таълим муассасаларидағи илмий-техник ишланмаларни тижоратлаштиришда Spin-off корхоналари фаолиятини ташкил этиш масалалари тадқиқ қилинган. Шунинг билан бирга Spin-off корхоналари фаолиятларининг назарий, илмий ва амалий жиҳатлари ўрганилган. Spin-off корхоналари фаолиятини ташкил қилишнинг ўзига хос устуворликлари, олий таълим муассасаларига қўшимча бюджетдан ташқари маблағларни жалб қилишдаги ўрни, уларнинг илмий ва амалий жиҳатдан баён қилинган.

Таянч сўзлар: Spin-off корхоналари, олий таълим муассасаси, бюджетдан ташқари маблағлари, илмий техник ишланмалар, илмий тадқиқот натижалари, инновациялар, унитар корхона, маъсулияти чекланган жамият, илмий марказ

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы организации деятельности Spin-off предприятий по коммерциализации научно-технических разработок в высших учебных заведениях в целях обеспечения инновационного развития республики. При этом были изучены теоретические, научные и практические аспекты деятельности Spin-off предприятий. Описаны конкретные приоритеты организации Spin-off предприятий, их роль в привлечении дополнительных внебюджетных средств в высшие учебные заведения, их научно-практические аспекты.

Ключевые слова: Spin-off предприятия, высшие учебные заведения, внебюджетные фонды, научно-технические разработки, результаты научных исследований, инновации, унитарное предприятие, общество с ограниченной ответственностью, научный центр

Annotation: The article examines the issues of organizing the activities of spin-off enterprises in the commercialization of scientific and technical developments in higher education institutions in order to ensure the innovative development of the republic. At the same time, the theoretical, scientific and practical aspects of the activities of Spin-off enterprises were studied. The specific priorities of the organization of spin-off enterprises, their role in attracting additional extra-budgetary funds to higher education institutions, and their scientific and practical aspects are described.

Keywords: Spin-off enterprises, higher education institution, extra-budgetary funds, scientific and technical developments, scientific research results, innovations, unitary enterprise, limited liability company, scientific center

Кириш

Халқаро амалиётда илм-фан-ишлаб чиқариш-инновация принципи асосида олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга, улардаги салоҳиятли профессор-ўқитувчилар томонидан яратилган илмий ишланмаларини самарали йўллар билан тижоратлаштириш асосида қўшимча маблағлар ишлаб топишда алоҳида аҳамият берилади. Шунинг билан бирга олий таълим муассасаларининг моддий техник базаси ва илмий салоҳиятидан келиб чиқсан ҳолда ўзининг таъсисчилигида ташкил қилинган илмий марказлар, унитар корхоналар, Spin-off корхоналари, бизнес инкубаторларни ташкил қилиш асосида қўшимча бюджетдан ташқари маблағлар топишда муҳим ўрин тутади.

Шунингдек ҳалқаро амалиётда олий таълим муассасаларининг тадбиркорлик

фаолияти орқали бизнес вакиллари билан ҳамкорлиги қўйидаги 4 та асосий йўналишларда: таълим йўналишида (талабалар ва компания ходимларига қўшимча таълим хизматларини кўрсатиш), илмий-тадқиқот йўналишида (бизнес вакиллари билан қўшма илмий тадқиқот ишларини олиб бориш, консалтинг, талабалар ва илмий ходимлар мобиллигини таъминлаш), илм-фан, илмий ишланмалар, инновациялар ва яратилган технологияларнинг тижоратлашишига эришиш (“академик” ва “талабалар” тадбиркорлиги, яратилган илмий ишланмаларнинг компаниялар фаолиятига жорий қилиниши), бошқарув (компаниянинг бошқарувида иштирок этиш ва ҳамкорликда мавжуд ресурслардан самарали фойдаланиш) кабиларда намоён бўлади.

Хорижий мамлакатларнинг ўрганилган илфор тажрибалари шуни кўрсатадики, олий таълим муассасалари асосан қўшимча маблағларни тадбиркорлик фаолиятлари асосида ишлаб, ўз фаолиятлари давомида илмий салоҳиятли профессор-ўқитувчилар томонидан тайёрланган кўплаб илмий-тадқиқот ишларини тижоратлаштириш, ҳалқаро лойиҳаларда иштирок этиш орқали қўшимча молиявий маблағларни жалб қилиш, тадбиркорлик ва бизнес субъектлари учун маслаҳат (консалтинг), тренинг ишларини амалга ошириш орқали ташкил этилади.

Мамлакатда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш”¹³⁰ ва “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш”¹³¹ концепцияларида мамлакатимизнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўналишлари асосида республиканинг юксак фаровонлигини оширишга асосланган иқтисодиётни инновацион тараққий эттиришни назарда тутади. Бундай шароитларда инновацион иқтисодиётга мос келадиган ва янги билимларни яратиш, уларни ўзлаштиришга қодир рақобатбардош кадрлар ҳамда мутахассисларни олий таълим муассасаларида тайёрлаш – асосий масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Шунинг билан бирга олий таълим муассасалари томонидан инновацион иқтисодиётни шакллантириш бўйича янги илмий-техник ишланмаларни яратиш ва уларни тижоратлаштиришга эришиш келгуси йилларда алоҳида ўринни эгаллаши зарур ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раислигида 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йиғилишида “Олий таълим муассасалари ректорларига кафедралар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил этиб, уларни ўқув-лаборатория жиҳозлари ва зарур техника билан таъминлаш вазифаси қўйилди. Ҳар бир кафедранинг тармоқ корхоналари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ўқитувчиларнинг корхоналарда амалий тадқиқотлар ўтказишига шароит яратиш зарурлиги” таъкидланди¹³².

Юқорида қабул қилинган хужжатларга асосида ва Президент Ш.Мирзиёев томонидан олий таълим тизими олдида белгиланган янги вазифалар сифатида олий таълим муассасаларининг илмий-инновацион ва илмий-тадқиқот фаолиятини янада кучайтириш асосида қўшимча молиявий маблағлар ҳажмларини ошириш талаб этилади. Бу ишларни олий таълим муассасаларида ташкил этиладиган – Spin-off корхоналари, илмий марказлар ёрдамида амалга ошириши анча қулай ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳозирги ҳолати олий таълими тизимини давлат бюджети томонидан молиялаштириш ҳажмлари ўртача 25-30 фоизни ташкил этиб, ушбу манбааларни сезиларли даражада оширишга етарлича имконият бермайди. Шу туфайли бугунги кунда олий таълим муассасалари олдида тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш асосида Spin-off корхоналари ёрдамида янги молиявий манбаларини излаш, илмий тадқиқот ишларини тижоратлаштириш – бугунги куннинг долзарб масалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ҳозирги рақобат шароитида мамлакат олий таълим муассасалари ҳам кўрсатиладиган таълим хизматларининг сифати ва хилма-хиллигини янада ошириш билан бир қаторда, муассаса олимлари томонидан яратилаётган илмий-техник инланнмаларни тижоратлаштиришда Spin-off корхоналари, илмий марказлар ёрдамида қўшимча бюджетдан ташқари топиладиган маблағлар топиш учун тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари зарур бўлади. Бунда таълим муассасалари таъсисчилигида ташкил этилган турли

¹³⁰ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

¹³¹ “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш” концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

¹³² Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигида 16 июнь куни олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йиғилиши. <https://yuz.uz/news/oliy-talim-tizimidagi-ustuvor-vazifalar-belgilandi>

корхоналар (кичик инновацион корхоналар, унитар, spin-off, илмий марказ ва б.) алоҳида ўрин тутади.

Ўз навбатида олий таълим муассасаларида таълим хизматларини янада ошириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш мақсадида яратилаётган профессор-ўқитувчиларнинг илмий ишланмаларини тижоратлашириш учун олий таълим муассасалари таъсисчилигида Spin-off корхоналари фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу ишларни амалга ошириш механизмларини тадқиқ этиш ва уларни янада такомиллашириш билан боғлиқ тадқиқотларга етарлича эътибор қаратилмаганлиги, мазкур мавзунинг долзарблилигини белгилайди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Spin-off корхоналари фаолиятининг айрим жиҳатлари бўйича хорижий олимларнинг бир қатор фикр-мулоҳазалари билдириб ўтилган. Жумладан, Parhankangas A. (2003) тадқиқотларида Spin-off корхона ва бош (таъсисчи) ташкилот ўртасидаги ресурсларни тақсимлаш, тармоқларнинг пайдо бўлишига ва саноат кластерларининг ривожланишига олиб келадиган муносабатлар шаклланиши сифатида ўрганилган¹³³.

Chesbrough H. тадқиқотларида (2003) микро даражада технологик Spin-off корхоналарининг самарали бошқарув тузилмалари тадқиқ қилинган¹³⁴.

Metcalfe (2000), Belussi, Arcangeli (1998), Balconi, Breschi, Lissoni¹³⁵ (2004) тадқиқотларида Spin-off корхоналарнинг университетлар билан бевосита алоқалари илм-фан билимлари ва воситаларидан фойдаланадиган корхоналар нуқтаи назаридан ҳам, фирмаларни малакали ишчилар – “салоҳиятли миялар” билан таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлиги ва инновацион тадбиркорлик тармоқлари асосида тадқиқ қилинган¹³⁶.

Мамлакатимиз олимларидан Ў.Р.Саломовнинг тадқиқотларида Spin-off корхоналари олий таълим муассасалари иқтисоди ва нуфузини оширишга кўмаклашиши, уларни ташкил қилиш механизми баён қилинган¹³⁷.

Тадқиқот методологияси

Олиб борилган тадқиқот жараёнида илмий ишнинг назарий-методологик асосларини ёритишга бағишлиланган тизимли ёндашув, қиёсий таҳлил, гурухлаш, таққослаш каби усуулларидан кенг фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар

Олий таълим муассасаларида бюджет ташқари маблағларнинг асосий қисми илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш ва илмий маслаҳатлар беришдан келиб тушади. Илмий тадқиқот ва илмий ишланмалар бир вақтнинг ўзида ҳар қандай олий таълим муассасаларининг асосий фаолият йўналишларидан бири бўлиб, уни тўғри ташкил этиш, қўшимча молиявий ресурсларни жалб қилишнинг энг муҳим манбаи бўлиб, бунинг натижасида олий таълим муассасасининг моддий-техник базасини янада ривожлантиришга эришиш мумкин бўлади. Ушбу фаолият турининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик субъектлари билан тузилган хўжалик шартномалари бўйича илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини бажариш;
- фуқароларга, корхона ва ташкилотларга пуллик ахборот ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;
- олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларига тегишли патент, нау-хай, дастурий таъминот ва лицензияларни сотиш;
- олий таълим муассасалари ташкил қилинган технопарклар, бизнес-инкубаторлар, илмий марказлар, корхона ва ташкилотларнинг ходимларини малакасини ошириш, уларга илмий ва тажриба-конструкторлик ишланмалари натижаларини (маҳсулотларини) жорий этиш;

¹³³ Parhankangas, A. From a corporate venture to an independent company : a base for a taxonomy for corporate spin-off firms / A. Parhankangas, P. Arenius // Research Policy. – 2003. – Vol. 32, № 3. – P. 463–481.

¹³⁴ Chesbrough, H. The governance and performance of Xerox's technology spin-off companies / H. Chesbrough // Research Policy. – 2003. – Vol. 32, № 3. – P. 403–421.

¹³⁵ Balconi, M. Networks of inventors and the role of academia : an exploration of Italian patent data / M. Balconi, S. Breschi, F. Lissoni // Research Policy. – 2004. – Vol. 33, № 1. – P. 127–145.

¹³⁶ Balconi, M. Networks of inventors and the role of academia : an exploration of Italian patent data / M. Balconi, S. Breschi, F. Lissoni // Research Policy. – 2004. – Vol. 33, № 1. – P. 127–145.

¹³⁷ Саломов Ў.Р. Спин-офф корхоналари олий таълим муассасалари иқтисоди ва нуфузини оширади. // Ўзбекистонда олий таълим журнали, 2022 йил 2-сони, 21-бет.

- илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, ижтимоий аҳамиятга эга, ижтимоий тадбирларни ўтказиш, илмий-амалий конференциялар, семинарлар ташкил этиш, халқаро ва маҳаллий грантлар, донорлик ёрдамларини жалб қилиниши мумкин.

Бюджетдан ташқари фаолият сифатида олий таълим муассасаси таъсисчилигида очилган корхоналардан (унитар, spin-off, илмий марказ ва ҳ.к.) келадиган даромадлар ҳам – ҳозирги кунда ривожланаётган йўналишлардан бири ҳисобланади. Бунда олий таълим муассасаси таъсисчи бўлган корхоналарда институтнинг моддий, илмий-педагогик, ўқув-услубий, зарур бўлгандан молиявий таъминотларидан фойдаланган ҳолда илмий тадқиқот ишларини, тажриба конструкторлик ишларини ташкил қилиш, реал ишланмаларни бозорга олиб чиқишига қаратилганлиги билан алоҳида ўрин тутади. Энг асосан олий таълимнинг академик тузилмалари - университетлар, институтлар, илмий-тадқиқот муассасалари, илмий ишланмаларни тижоратлаштиришга интилаётган ташкилотлар негизида ташкил этилади. Spin-off корхоналари фаолиятининг муҳим натижалари илмий фаолият натижаларини тижоратлаштириш, юқори турувчи ташкилот бюджетига қўшимча даромад ишлаб топиш асосида иқтисодиёт тармоқларида инновацион фаолликни кучайтиришга қаратилган бўлади.

Spin-off корхонаси – олий таълим муассасаси таъсисчилигида давлат хусусий шерикчилиги шаклида ташкил этиладиган, юридик шахс мақомига эга компания саналади. Spin-off компаниянинг устав жамғармасида ОТМнинг улуши 50% ва ундан юқори этиб белгиланиши мумкин. Spin-off компания ташкил этишдан асосий мақсад олий таълим муассасасининг илмий-техник изланишларини тижоратлаштириш ва ишлаб чиқаришига жорий этиш ҳамда фаолият натижасида олинган даромадларини асосида олий таълим муассасасининг моддий техника базасини ривожлантиришга йўналтириш саналади. Олий таълим муассасасида Spin-off корхоналари таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

Инглиз тилидан "Spin-off" "шўъба корхонани мавжуд корхонадан ажратиш", деб таржима қилинади. Айтайлик, ривожланиш учун катта салоҳиятга эга бўлган маҳсулот ғояси бор, лекин уни бозорга олиб чиқиш учун компаниянинг бутунлай бошқа тузилиши ва модели керак: кадрлар, менежмент, нарх сиёсати. Бунинг учун асосий ташкилот негизида янги ташкилот яратилиб, бу фойдали ўзаро ҳамкорликни рағбатлантиради: "хавфсизлик ёстиғи" сифатида бош компаниянинг тажрибаси ва ресурслари, шунингдек, асосий бизнесни йўқотишдан кўрқмасдан янги инвестицияларни жалб қилиши мумкин бўлади.

Шунингдек, айрим адабиётларда эса "spin-off" сўзи (инглиз тилидан "қўшимча маҳсулот", "филиал") - бошқасига нисбатан филиал бўлган санъат асари (китоб, фильм, компьютер ёки стол ўйини), аллақачон мавжуд бўлган асар ва унинг машҳурлиги, тан олиниши ёки тижорат муваффақиятидан олдинги ишда иккинчи даражали рол ўйнаган ҳар қандай элементлардан - белгилар, воқеалар ёки мавзуулардан фойдаланишни англаради.

Бир қатор маънолари билан ажralиб турган ҳолда spin-off сўзи бизнингча, филиал, асосий корхонанинг ичида ташкил этилган субъект сифатида қаралади. Шунингдек, ушбу корхоналарни ташкил қилишда юқори турувчи корхона ушбу корхонининг бирламчи фаолиятини бошлиши учун маълум бир молиявий маблағларни ҳам киритиши мумкин бўлади.

Тадбиркорлик асосида олий таълим муассасаларининг муҳим афзалликлари сирасига - ҳодимларнинг (профессор-ўқитувчилар, талабалар, магистрантлар, илмий ҳодимлар) ўз фаолиятининг якуний натижасига қизиқишини ошириш, ташки муҳитдаги ўзгаришларга тезкор муносабатда бўлиш имконияти яратилади. Шунинг билан бирга ташки муҳит фаолиятида эштирок этиш орқали назарий масалалар амалий жиҳатларига боғланади.

Европанинг класик тадбиркор олийгоҳлари сирасига Уорвик (Буюк Британия), Твенте (Нидерландия), Стратклайд (Шотландия), Чалмерс (Швеция), Жонсу (Финляндия) университетлариридир. Россия Федерациясида эса энг типик тадбиркорлик университетлари Томск давлат бошқарув тизимлари ва радиоэлектроника университети, Нижний Новгород давлат университети, Тюмен давлат университети, Татар бизнес институти киради.

Биргина Буюк Британиянинг Уорвик университети оладиган бўлсак, доимий равишда Буюк Британия олий таълим муассасалари кучли 10 лигидан тушмайдиган, дунё университетларининг Топ-1000 талигида 64-ўринни эгаллайди. Ушбу университетда ўқиши, илмий тадқиқот олиб бориши кўпчилик орзу қиласди. Уорвик университети таркибида 30 га яқин факультет, 50 дан ортиқ илмий марказ фаолият юритади. Асосан, ижтимоий, илмий-техник фанлар, тиббиёт ва санъат йўналишида мутахассислар тайёрланади. Уорвикда 150 дан ортиқ турли миллатга мансуб 22,5 мингдан ортиқ талаба таҳсил олиб, уларнинг 20 фоизи чет элликлардир. Шунингдек, мазкур университет

битириувчилари энг кўп маош оладиган жаҳон университетлари рейтингида 6-ўринни эгаллаган¹³⁸.

Россия Федерациясидаги олий таълим муассасалари фаолиятини таҳлил қилсак, 2021 йилнинг 1 сентябр ҳолатига М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университети қошида 9 та, Санк Петербург давлат университети қошида 19 та, Москва физика техника институти қошида 10 та, Томск давлат миллий тадқиқотлар университети қошида 34 та илмий-инновацион корхоналар ташкил этилган¹³⁹.

Фикримизча, илмий-техник spin-off корхоналарига қуйидаги корхоналарни киритиш мумкин бўлади: илмий тадқиқотлар ва ишланмаларни яратишга ихтисослашган, илмий тадқиқот институтлари, олий таълим муассасалари ва бошқа илмий тадқиқот фаолияти билан шуғулланувчи корхоналар қошида ташкил қилинган ёки уларнинг илмий ҳодимлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатувчи корхона тушунилади. Ушбу корхоналар илмий-инновацион фаолият билан шуғулланиши туфайли ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини алоҳида ўрин тутади. Шу нуқтаи назардан ушбу турдаги корхоналарни ривожлантириш, мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Қуида келтирилган 1-расм орқали spin-off корхоналарининг бизнес ва илм ва фан соҳалари бўйича ташкил топиш жараёнларини кўриш мумкин (1-расм).



2. Ҳар қандай инновацион ғоя жорий техник ва технологик билимларга асосланиши, олий таълим муассасаларида мавжуд ёки келажакда яратилган лаборатория жиҳозларидан фойдаланишини назарда тутиши керак.

3. Инновацион ғоя, биринчи навбатда, унинг мавжуд бозорлар учун зарурлигини аниқлаш билан боғлиқ бўлган иқтисодий асосга эга бўлиши шарт.

4. Инновацион ғояни яратиш жараёнидан аввал яратилаётган технология томонидан ҳал этилаётган долзарб муаммоларни кўриш имконини берувчи тегишли назарий ва амалий тайёргарликнинг мавжуд бўлиши керак.

5. Илмий-техник трансферларни шакллантиришнинг зарурий шарти таълим тизими ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш бўлиши керак, бу эса илмий раҳбарларнинг "устоз-шогирд" усули бўйича амалга оширилишини таъминлайди.

6. Инновацион спин-офф лойиҳасини ишлаб чиқишининг умумий натижаси ўзининг мослашувчанлиги туфайли потенциал инвестор томонидан белгиланган муайян шароитларда ўзгаририлиши мумкин бўлган реал бизнес-режа концепциясига эга бўлиши керак.

¹³⁸ <https://everyday.uz/society/10564-news.html>

¹³⁹ Информация по организации учредителю. – URL: <https://mip.extech.ru/reestr/reestr.php>

Хозирги кунда ташкил этиладиган spin-off корхоналари асосан унитар корхона, илмий марказ шаклида ташкил қилинмоқда. Шунингдек уларни масъулияти чекланган жамият шаклида ҳам ташкил қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикасида “Корхоналар фаолияти тўғрисида”ги қонунда кичик инновацион корхоналарни ташкил этиш мумкинлиги белгиланган. Олий таълим муассасалари қошида ташкил қилинадиган Spin-off корхоналарининг асосий мақсади – илмий муассасаларни бозор иштирокчисига айланишига эришиш, яратилган илмий ишланмаларни тижоратлаштириш имкониятини беришдан иборат.

Мазкур қонун ёрдамида ташкил этиладиган Spin-off корхоналар орқали олий ўқув юртларига қўшимча инвестицияларни жалб қилиш имкониятига эга бўлинади. Ёш мутахассисларга қўшимча иш ҳақининг берилиши асосида улар ўзларининг илмий қизиқишиларини қондиришлари ва шу билан бирга ҳаёт эҳтиёжларини таъминлаш имконияти яратилади. Бундан ташқари, ёш ишлаб чиқувчилар ўзларининг ихтиrolарини тижоратлаштириш учун ҳар хил танловлар ва грантларни излашлари шарт эмас, чунки бу ишларни таълим муассасасида амалга оширилиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, кўплаб амалий лойиҳаларни жорий этиш имкониятига эга бўлинади.

1-жадвал

Фаргона политехника институтида илмий ва инновацион ишлаб чиқариш фаолиятидаги Spin-off корхоналар ва уларнинг масъул кафедралари тўғрисида маълумот

№	Марказлар номи	Бириктирилган кафедралар	Бириктирилган Spin-off корхоналар
1	Қурилиш материалларини аккредитациядан ўтказиш маркази	Қурилиш материаллари, буюмлари конструкцияларини ишлаб чиқариш, Мухандислик коммуникациялари курилиши ва монтажи, Геодезия, картография ва кадастр, Бино ва иншоотлар қурилиши, Архитектура	FarPI HITECH ENGINEER, FARPI-INNO, ARXIDEYA
2	Илмий-тадқиқот ва ўқув ишлаб чиқариш комплекси маркази	Машинасозлик технологияси ва автоматлаштириш, Технологик машина ва жихозлар, Ер усти транспорт тизимлари ва уларни эксплуатацияси, Тадбиқий механика	FARPI MECH TECHNO, FARPI-INNO, ELECTRONICS, FerPI RE-ENG
3	Бино ва иншоотларни лойиҳалаш маркази	Бино ва иншоотлар қурилиши, Архитектура, Мухандислик коммуникациялари курилиши ва монтажи, Геодезия, картография ва кадастр, Қурилиш материаллари, буюмлари конструкцияларини ишлаб чиқариш	FarPI HITECH ENGINEER, FARPI-INNO, ARXIDEYA
	FerPI_GidroProj - мухандислик-технологик лойиҳалаш ва экспериментал ишлаб чиқариш	Электр энергетикаси, Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, Физика, Электроника ва асбобсозлик, Машинасозлик технологияси ва автоматлаштириш	FarPI Power Project, FARPI-INNO, FERPI MECH-TECHNO, FerPI RE-ENG
4	ENERGETIK INOVATSIYALAR	Электр энергетикаси, Электр техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, Физика, Электроника ва асбобсозлик, Интеллектуал мухандислик тизимлари	FARPI POWER PROJECT, ELECTRONICS AND AUTOMATICS, FARPI-INNO, FARPI HITECH ENGINEER
5	Elektronika, avtomatika va o‘lchov qurilmalarini sertifikatlashitirish	Электроника ва асбобсозлик, Метрология, стандартлаштириш ва маҳсулот сифати менежменти, Интеллектуал мухандислик тизимлари, Электр энергетикаси, Электр	ELECTRONICS AND AUTOMATICS, FARPI-INNO, FERPI – ChEMICAL

		техникаси, электр механикаси ва электр технологиялари, Физика, Кимёвий технологиялар, Технологик машиналар ва жиҳозлар	ENGINEERING, FARPI POWER PROJECT
6	FerPI – chemical engineering	Кимёвий технология, Озиқ-овқат технологияси, Умумий кимё, Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки ишлаш технологияси	FerPI CHEMICAL ENGINEERING, FARPI-INNO, ELECTRONICS AND AUTOMATICS, FARPI HITECH ENGINEER
7	Biznes inkubator, marketing va ilmiy tadqiqotlar	Иқтисодиёт, Бухгалтерия ва аудит, Менежмент, Тилларни ўргатиш	BUSINESS INCUBATOR, FARPI ALPHA, alphaEdu
8	FarPI yengil sanoat va hunarmandchilik ilmiy-ishlab chiqarish	Енгил саноат технологиялари, Табиий толалар, Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги	FERPI TEXTILE INDUSTRY GROUP, FERPI CAMPUS, BUSINESS INCUBATOR
9	Arxitektura va qurilish materiallari	Архитектура, Курилиш материаллари ва буюмлари ишлаб чиқиш, Бино ва иншоотлар курилиш	ARXIDEYA, FarPI HITECH ENGINEER
10	Ёшлар инновация маркази	Институт иқтидорли талабалари	Барча спин-офф корхоналари ва МЧЖлар
11	Тил маркази	Институтнинг барча кафедра профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари	Барча спин-офф корхоналари ва МЧЖлар
12	IT-incubator маркази	Институтнинг барча кафедра профессор-ўқитувчилари ва иқтидорли талабалари	Барча спин-офф корхоналари ва МЧЖлар
13	Патентшунослик маркази	Фарғона политехника институтининг 7 та факултети ҳамда 28 та кафедралари ҳамда вилоятда фаолият юритаётган йирик корхоналар	Барча спин-офф корхоналари ва МЧЖлар
14	Бизнес инкубатор маркази	Институтдаги барча кафедралар ва тадбиркорлик субъектлари	Барча спин-офф корхоналари ва МЧЖлар
15	Медия маркази	Институтдаги барча кафедралар	“Alphaedu”, “AlphaPrint” полиграфия, “AlphaMedia” медиа марказлари (спин-офф) биринкирилган

Фарғона политехника институти кафедралари қошида ташкил этилган марказлар бир пайтнинг ўзида ва Spin-off корхоналарини ҳам қамраб олади. Яъни, Фарғона политехника институтининг бошқарув структурасида марказлар алоҳида ўрин эгаллаган бўлиб, бир вақтнинг ўзида бир нечта кафедралардаги илмий-тадқиқот ишлари, малакавий амалиёт, илмий стажировкаларни ушбу марказларда олиб бориш имконияти яратилган. Шунингдек, кафедралардаги илмий ишланмаларни, илмий тадқиқот ишлари асосидаги хўжалик шартномаларни биринкирилган Spin-off корхоналари томонидан бажарилмоқда. Мазкур марказларга институтнинг инновацион жамғармаси томонидан молиялаштириш асосида керакли жиҳоз ва инвентарлар сотиб олинган. Мазкур жиҳозлар ҳам илмий ҳам ўқув йўналишида институтнинг барча бўлим, кафедралари учун очиқ тартибда ишлайди. Ташкил этилган марказлар таркибида 12 та Spin-off корхоналари ташкил этилган. Шунинг билан бирга ташкил қилинган Spin-off корхоналари орқали вилоятнинг саноат корхоналарига керакли бўлган деталларни тайёрлаш орқали қўшимча молиявий маблағлар ишлаб топмоқда.

Хулоса ва таклифлар

Олиб борилган тадқиқотлар асосида қўйидаги таклифлар ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Илфор илмий билимларни ўз ичига олган илмий-техникавий Spin-off корхонасининг бошқа фирмаларга нисбатан рақобат устунлигининг асоси унинг асосий компетенциясиdir. Илмий ҳамжамият ва ишлаб чиқариш соҳаси билан боғлиқ бўлиб, турли даражадаги ривожланиш даражасига эга бўлиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Ташкил қилинадиган Spin-off корхоналарни ташкилий тузилмаси, унинг бошқа субъектлар билан ўзаро муносабати илмий-техникавий корхонада анъанавий корхонадан фарқли равишда, иқтисодий фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ ҳолда шаклланади: илм-фани талаб қилувчи ишлаб чиқариш, янги маҳсулотлар учун интеллектуал капитал ресурсларининг ўзига хос хусусиятлари билан алоҳида ажраб туради.

2. Илмий-техникавий Spin-off корхоналари олий таълим муассасалари ва илмий тадқиқот институтлари қошида ташкил этилиши, энг аввало илмий ишланмаларнинг тижоратлашиши, илм-фан ютуқларини амалиётга жорий этилишига сабаб бўлади. Бу ўз навбатида иқтидорли талабаларни иш билан таъминлаш, илм аҳлига қўшимча даромад манбани келтириши билан бирга олий таълим муассасининг молиявий мустаҳкамлигини оширишга ижобий таъсир кўрсатади.

3. Илмий-техникавий Spin-off корхоналарини ташкил қилишдаги белгиланган мавжуд тўсикларни бартараф этиш мақсадида олийгоҳлар ва илмий тадқиқот институтларининг моддий техник ва илмий салоҳиятидан, шунингдек бирламчи молиялаштириш манбаларидан фойдаланиш имкониятлари мавжуд. Бу эса мазкур корхоналарнинг ўз фаолиятларини тезлик билан бошлаш имкониятини тақдим этиб, пировардида, жамиятнинг инновацион тараққиётига хизмат қилиши мумкин бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикасидаги “Корхоналар тўғрисида”ги Қонуни. 1991 йил 15 февраль, 229-XII-сон, <https://lex.uz/acts/132219>

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>

3. “Илм-фани 2030 йилгача ривожлантириш” концепцияси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги ПФ-6097-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5073447>

4. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев раислигига 2021 йил 16 июнь куни олий таълим тизимидағи устувор вазифаларга бағишлиланган видеоселектор йиғилиши. <https://yuz.uz/news/oliy-talim-tizimidagi-ustuvor-vazifalar-belgilandi>

5. Parhankangas, A. From a corporate venture to an independent company : a base for a taxonomy for corporate spin-off firms / A. Parhankangas, P. Arenius // Research Policy. – 2003. – Vol. 32, № 3. – P. 463–481.

6. Chesbrough, H. The governance and performance of Xerox’s technology spin-off companies / H. Chesbrough // Research Policy. – 2003. – Vol. 32, № 3. – P. 403–421.

7. Balconi, M. Networks of inventors and the role of academia : an exploration of Italian patent data / M. Balconi, S. Breschi, F. Lissoni // Research Policy. – 2004. – Vol. 33, № 1. – P. 127–145.

8. Саломов Ў.Р. Спин-офф корхоналари олий таълим муассасалари иқтисоди ва нуфузини оширади. // Ўзбекистонда олий таълим журнали, 2022 йил 2-сони, 21-бет.

9. Хожаев А.С.. “Олий таълим муассасаларида илмий-техник трансферларни тижоратлаштиришда Spin-off компаниялари фаолиятини ташкил этиш, бухгалтерия ҳисобини юритиш ва уларни ривожлантириш йўллари” илмий нашр// Монография: 2022 йил,. 124 бет

10. Хожаев А.С. Олий таълим муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш хусусиятлари// UzBridge электрон журнали, 2021, II-сон, 95-103 бетлар <https://cyberleninka.ru/article/n/oliy-talim-muassasalarining-byudzhetdan-tash-ari-mabla-lari-samaradorligini-oshirishda-davlat-haridlariningrni>

Жаҳонда БРИКСга аъзо мамлакатлар фонд бозорининг амалдаги ҳолати ва халқаро молиявий инқизозга таъсири таҳлили.

**Худойқулов Хуршид Хуррамович
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети**

Аннотация. Ушбу мақолада БРИКС(Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой ва Жанубий Африка) мамлакатларини фонд бозори индекси тебранишини 2005 йилдан 2015 йилгача бўйлан давр ва буюк молиявий инқизознини таъсирини инобатга олган ҳолда таҳлил қилдик. Мақоламизда БРИКС мамлакатлар фонд бозорини индексига АҚШ давлатининг S&P 500 фонд бозори индексида кутилаётган ўзгаришлар ва 2008 йилдаги буюк молиявий инқизоз қай даражада таъсирини кўрсатишини GARCH (Generalized AutoRegressive Conditional Heteroskedasticity) моделидан фойдаланган ҳолда таҳлил қилдик. Биз тадқиқотимиз натижасида S&P 500 фонд бозоридаги ўзгаришлар ва кутилаётган янгиликлар, Бразилия, Хитой ва Россия фонд бозорини индексига муҳим даражада таъсир қилишини аниқладик. Бундан ташқари, тадқиқотимизда БРИКС мамлакатлари фонд бозори индексига S&P 500 фонд бозори индексни ўзгариши турли даражада таъсир қилишиниши ҳам аниқладик. Бизнинг бу тадқиқотимиз хорижий инвесторларни акциялар портфелларини рискини дөверсификация қилиш имкониятини беради ва шу билан бирга хорижий инвестор инвестицион портфелларини бошқариш учун муҳим ҳисобланади.

В данной статье приведено анализ доходности акций в странах БРИКС с волатильностью с 2005 до 2015 года, которая также включает в себя финансовый инклиз 2008 г. Также в статье используется обобщенная авторегрессии условной гетероскедастичности (GARCH) модель для изучения влияния новостей происходящих в США, которая находится под влиянием отдачи от глобального индекса S & P 500 и возвращает сгенерированные индексы стран БРИКС. Исследование выявило, что изменения и нововведения на фондовом рынке США оказали значительное влияние на фондовые рынки Бразилии, России и Китая. В ходе исследования нами выявлено значительное расхождение в доходности акций волатильности во всех странах. Эти выводы имеют важные последствия для инвесторов, которые ищут диверсификацию своих портфелей. Также это исследование может иметь важное значение для иностранных институциональных инвесторов и внутренних институциональных инвесторов.

In given article resulted the analysis of profitability of actions in the BRICS countries with the gap between 2005 – 2015 years, which also includes financial crisis of 2008. Also used generalized auto regresses conditional GARCH model for studying the influence of news coming from the USA, which is under the influence of return from global index S&P 500 and returns to the generated indexes of the BRICS countries. Research has revealed that changes and innovations in the share market of the USA have made considerable impact on the share markets of Brazil, Russia and China. An input of research we reveal a considerable divergence in profitability of actions in all countries. These conclusions have the important consequences for investors who search diversification of the portfolios. In addition, this research can have great value for foreign and internal institutional investors.

Калит сўзлар: БРИКС мамлакатлар, умумий шартли гетероскедасттика авторегрессион (GARCH), инвестор, фонд бозори, акциялар даромади ўзгариши, портфел, дөверсификация.

Ключевые слова: БРИКС страны, Обобщенная авторегрессии условной гетероскедастичности (GARCH), инвестор, фондовые рынок, доходности акций волатильности, портфель, диверсификация.

Keywords: BRICS countries, generalized autoregressive conditional heteroskedasticity, investor, stock market, stock return volatility, portfolio, diversification.


Кириш.

Ҳозирги кунда тез суръатларда ривожланаётган мамлакатларда инвестиция ҳажмларининг ошиши, турли хил молиявий инновацияларни¹⁴⁰ пайдо бўлиши фонд бозоридаги активларини кўпайишига, юқори рисклилигга сабаб бўлмоқда. 2008 йилдаги жаҳон молиявий инқизорзи фонд бозоридаги активларни харакати кескин ўзгариши оқибатида содир бўлганлигини такидлашимиз жоиз деб ҳисоблаймиз. Биринчи президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек "Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий инқизорзи, унинг молиявий активларга таъсири ва салбий оқибатлари ўрганиш лозим[1]. Ҳозирги кунда дунё молиявий активларни таҳлил қиласиган бўлса, активларни асосий ҳаракати тез суръатларда ривожланаётган малакатларга тўғри келмоқди. Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, 2010 йил охирига келиб дунё миқиёсидаги барча молиявий активлар \$198 триллион пул маблағни ташкил этган бўлса, шунинг 21 фоизи тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига тўғри келади. 2020 йилга келиб дунё миқиёсидаги барча молиявий активлар \$371 триллион пул маблағни ташкил этади, шунинг 30 фоизи тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига тўғри келади[2]. Тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар ичida бугунги кунда жуда тез суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлган БРИКС (Бразилия, Россия, Хиндистон, Хитой) мамлакатлар бўлиб, 2001 йилда АҚШдаги йирик инвестицион компанияси Голден Сакснинг активларни бошқариш бўлими бошлиғи Джим О'Нил томонидан олиб борган тадқиқотларида БРИКС мамлакатлари иқтисодиёти ва G7 (Канада, Франция, Германия, Италия, Япония, Буюк Британия ва Америка Қўшма Штатлар) ўртасидаги мунособатлар дунё иқтисодиётини асосини ташкил этишини таъкидлаган. Голден Сакс тахлиллари шуни кўрсатадики, БРИКС мамлакатлари иқтисодиёти тез суръатларда ўсиши G7 мамлакатлар иқтисодиётидан ўтиб кетишига сабаб бўлади, натижада инвесторларни хусусий капиталларини БРИКС мамлакатларга жойлаштиришни бошлайди[3]. PwCни прогнозига кўра 2050 йилда Хитой дунёда иқтисодиётида биринчи ўринга эгалайди ва Хиндистон учинчи ўринни эгалайди Бразилиядан кейин, Россия иқтисодиёти эса Германия иқтисодиётидан ўтиб кетади[4]. Хиндистон ва Бразилияни афзаллиги ялпи ички талаб мавжудлиги юқорилиги бўлса, Хитой ва Россия эса иқтисодиёти экспортга йўналтирилганлигидадир. Бундан ташқари, Хитой ва Хиндистон XXI асрнинг биринчи ўн йиллигига кучли иқтисодий ўсишга эришган ва молиявий иқтисодий инқизориздан кейин дунё иқтисодиётини асосий ролини ўйновчи мамлакатлар қаторига кирди[5]. БРИКС давлатларини иқтисодиёти турлича 2008 йилда Хитой мамлакатининг ЯИМга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи Ҳиндистон, Россия ва Бразилия ЯИМга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичига тенг бўлди ва Ҳиндистон ЯИМга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи 23 фоизни, Россия 16 фоизни ва Бразилия 13 фоизни ташкил этди. 2007 йилда эса Россия ЯИМга нисбатан аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад кўрсаткичи Бразилиядан 40 фоиз юқори, Хитой эса Хиндистондан уч баробарга юқори эди[6]. Голден Сакс ва XBФ(Халқаро Валюта Фонд) ўзларининг ҳисоб-китобларида БРИКС мамлакатларини иқтисодиёти келажакда жадал ўсиш тенденцияни эга эканлиги кўрсатганидан кейин бу мамлакатларга инвесторларни қизиқиши ортишини келтириб чиқарди. 2050 йилга келиб дунё иқтисодиётида етакчи бўлган АҚШ иқтисодиётига Хитой иқтисодиёти нафақат етиб олиши, балким ўтиб кетиши эҳтимоли ҳам юқоридир. Голден Сакс тадқиқотлари натижасида 2050 йилгача БРИКС мамлакатлари ва G6 (Франция, Германия, Италия, Япония, Британия ва АҚШ) ривожланган мамлакатларини ЯИМ прогнозини кўйдаги диаграмада кўришимиз мумкин. (1-диаграмма).

1-диаграмма

БРИКС давлатлари ва G6 давлатларини ЯИМ 2050 йилдаги ҳолати млрд.доллар

¹⁴⁰ https://en.wikipedia.org/wiki/Financial_innovation. Умуман олганда, қимматли қофозлар бозорида турлиги хил қимматли қофозларни пайдо бўлиши.




Манба. Голден Сакснинг "Dreaming with BRICS. The Path to 2050" мақоласи маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёрганди

Юқоридаги диаграмадига маълумотлардан кўриниб турибдики, 2050 йилга Хитой ЯИМ махсулоти 44,453 млрд.долларни ташкил қиласа, АҚШни ЯИМ махсулоти 35,165 млрд.долларни ташкил қиласа экан. Хиндистан ЯИМ махсулоти 27,803 млрд.доллар ташкил қилиб, АҚШдан кейинги ўринда турага экан. Бразилия ЯИМ махсулоти 6,074 млрд.долларни ташкил қилиб, Япония ЯИМга етиб олиш прогноз қилинган. Бундан ташқари, БРИКС мамлакатларни жами ЯИМ махсулоти 84,201 млрд.долларни ташкил этса, G6 (Франция, Германия, Италия, Япония, Британия ва АҚШ) давлатларининг жами ЯИМи 54,433 млрд.долларни ташкил этар экан.

Голден Саксни прогрозини кўрган инвесторлар ўзини йирик миқдордаги капиталларини БРИКС мамлакатлари фонд бозорига инвестиция қилишди, чунки активлардан кутилаётган даромад ва фонд бозорларидағи активларни риски юқори бўлгани учун. Бундан ташқари, 2008 йилдаги жаҳон молиявий иқтисодий инқизорзда ривожланаган мамлакатлар иқтисодиёти пасайиш тенденцияси бу давлатларни иқтисодиёти заиф эканлиги кўрсатди ва натижада БРИКС мамлакатлар фонд бозорига инвесторларнинг қизиқишилари орта бошлади. Сўнги йилларда, хорижий инвесторлар Россия ва Бразилияга ўзларини мамлағларини инвестиция қилишмияпти чунки, жаҳон бозорида нефть нархини тушиб кетиши, АҚШ долларини кучлилиги, сиёсий нобарқарорлик ва коррупциянинг юқори даражадалиги бу мамлакатлар фонд бозорига ўзини таъсирини кўрсатмай қолмияпти. Бунинг натижасида фонд бозорларини капитализациясини ЯИМга нисбатан камайиб бориш тенденциясини фақатгина Жанубий Африка Республикасиники ўсиш тенденциясига эканлигини қўйдаги графикда кўришимиз мумкин.(1-график)

1-график



Манба:<https://fred.stlouisfed.org/> вебсайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан таёргланган.

Бугунги кунда БРИКС давлатларини фонд бозори йирик миқдордаги инвесторларни ўзига жалб қилмоқда, чунки бу давлатларга жағон молиявий инқироз йирик миқдорда таъсир қилмади. Бундан ташқари, бу мамлакатлар фонд бозори қимматли қоғозлар бозори рискли, аммо юқори даромадга эга, шунинг учун бу мамлакатлар фонд бозори индекси жудаям ўзгарувчан ҳисобланади. Бу мамлакатлар фонд бозори индекс ўзгарувчанлиги бозордаги акцилардан шаклланган портфелди диверсификация қилишини таъминлади.

Бизнинг тадқиқотимизда БРИКС мамлакатларини фонд бозорини индекисни ўртача қайтимида АҚШ фонд бозорини индекисини ўртача қайтими молиявий иқтисодий инкрозгача бўлаган ва ундан кейинги даврдаги таъсири ўрганиш орқали инвесторлар учун халқаро миқёсидағи қимматли қоғозлар портфелларни диверсификация килиш имконияти яралади. Бундан ташқари, инвестиция стратегиясини ва оптималь халқаро инветиция портфелини диверсификация қилишга имкон беради.

Тадқиқотимиз қўйдаги қисмлардан ташкил топган: биринчи қисм кириш қисм, иккинчи қисмда қисқача адабиётларнинг таҳлили дунё олимларини ARCH (Autoregressive conditional heteroskedasticity) ва GARCH (generalized autoregressive conditional heteroskedasticity) эконометрик моделлар орқали фонд бозорлари индекси тебранишини ўзгаришига АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва S&P 500 индексини ўзгаришини таъсири, учинчи қисми, тадқиқот методологияси бўлиб, унга биноан эмпирикал таҳлил олиб борилиб, БРИКС фонд бозори индекслари тебранишига ўзгаришига таъсирини ҳисоблашда ARCH (Autoregressive conditional heteroskedasticity) ва GARCH (generalized autoregressive conditional heteroskedasticity) методологиясидан фойдаланиш, тўртчи қисмда ARCH ва GARCH моделлар орқали олинган БРИКС фонд бозорини индекси таҳлил ва натижалар, бешинчи қисми таҳлил ва натижалардан келиб чиққан ҳолда хулоса ва таклифлардан иборат.

2. Адабиётлар таҳлили.

ARCH моделини Энгл 1982 йилда кашф килган.(2003 йилда Энгл шу модельни кашф этагани учун нобел мукфоти билан тақдирланди)[7]. Бу модель молия бозориниги бозор рискни баҳолайди ва фонд бозоридаги индексни, қимматли қоғозларини баҳосини, валюта курсини ўзгаринишини тенденциясини прогноз қилишишга хизмат қилади. Боллерслев 1986 йилга келиб бу модельни такоммилаштириб GARCH модельига ўзгартирди. Бу модельда дисперция фақат аввалги йиллар қатори кўрсаткичларини квадратга боғлиқлигини назарада тутади[8] яъни десперция ўзидан олдиги даврдаги десперция боғлиқлигини англатади. Нельсоном 1991 йилда кўрсаткичли EGARCH модельини таклиф қилди ва у бу модельда салбий ва ижобий янгиликларни қандай таъсир этишини кўрсатиб берди[9].

Glosten, Jagannathan and Runkle 1993 йилда GARCH модельини кенгайтириб, унга асосан қимматли қоғозлар бозоридаги қимматли қоғозлар нархиган бозор рискини асимметрик таъсирини ўрганганди[10]. GARCH модельини такоммилаштирган.Хозирда аксарият

тадқикотчилар молия бозорини рискини ўлчашда шу моделдан фойдаланиб келмоқда. Малкиэль (1979) [11] ва Пиндайк (1984) [12] лар АҚШ молия бозоридаги рискларни ўсиб бориш тенденциясида оқибатида молия бозоридаги акциялар 1970 ва 1980 йилларда тушиб кетишини ўзларини тадқиқотларида GARCH модел орқали кўрсатдилар. Хильярд (1979) шу модел орқали дунё бўйлаб давом этаётган молиявий инқроз шароитида ўнта йирик мамлакатлар фонд бозори кўрсаткичлари ўртасида жуда яқин муносабатлар борлигини аниқлади[13]. Poterba and Summers (1987) тадқиқотларига асосан, агар молия бозоридаги риск тебраниши узоқ вақт давом этса, акцияларни нархларига сезиларли даражада таъсир этиши содир бўлишини кўрсатиб берган[14]. French ва бошқалар (1987) йилдаги тадқиқотида 1928 ва 1987 йиллардаги маълумолар асосида NYSE фонд бозоридаги риск ва шу бозордаги акциялар даромади ўрасидаги боғланиш устида тадқиқот олиб бориб, фонд бозоридаги риски кўтилмаганда ўзгариши келажакдаги кутилаётган риск премисини кўтарилиши ва жорий акцияларни нархини пасайишига олиб келишини аниқлаганлар[15]. Baillie and DeGennaro ўзларининг тадқиқотда GARCH модел орқали риск ва қимматли қофозлар порфелидан кутилаётган даромад ўртасидаги боғланишни борлигини кўрсатмоқчи бўлганлар. Лекин тадқиқот натижаси шуни кўрсатдики, риск билан қимматли қофозлар порфелидан кутилаётган даромад ўртасидаги кучли боғланиш йўқлигини аниқлади[16]. Schwert (1990) [17], Энгл и Мустафа (1992) [18] лар 1987 йилдаги инқироз кейин фонд бозори акцияларни риски тез суръатларда ўсиш тенденциясига эга бўлди деган хulosага келган ўзининг ўрганишлари натижасида. Arshanapalli, Doukas and Lang[19] тадқиқотчилар АҚШ, Япония ва Осиёни бешта мамлакатлари фонд бозори ўртасида коинтеграция борлигини ва уларнинг коинтеграция вақт давомида ўзгариши муносабатларини ўрганишган. Бундан ташқари, улар бешта Осиё мамлакатари фонд бозорига Япония ва АҚШ фонд бозорларини 1987 йилдаги инқирозидан олдин ва кейинги таъсирини ўрганишган. Натижада, Осиёning бешта фонд бозори АҚШ фонд бозори билан кучли коинтеграция эканини аниқлаган. Choudhry олтита тез суръатларда ривожланаётган мамлакатлар фонд бозорини 1987 йилдан олдинги ва 1987 йилдан кейинги ҳолатларида рискини ўрганган. У ARCH моделини параметрлари ўзгариши 1987 йилдаги инқироздан олдин ва кейин ҳам бозордаги акция риск премияси ва бозор риски давом этишини аниқлаб кўрсатиб берган. Kumar and Mukhopadyay[21] АҚШ молия бозоридаги риск ва акцияларидан кутилаётган даромад Хиндистон молия бозорига муҳим таъсир этишини ўзинг тадқиқотидан аниқлаган. Nath and Verma [22] тадқиқотчилар Хиндистон молия бозори билан Тайвант ва Сингапур молия бозорлари ўртасида интеграция мавжуд эмаслигини аинқлаган. Wang and Gunasekage (2005) [23] йилдаги АҚШ ва Япония фонд бозорларидағи акцияни даромади ва уларнинг риски учта Жанубий-Шарқий Осиё мамлакатлари яъни Покистон, Хиндистон ва Шри-Ланка капитал бозорларига таъсири остида тадқиқот олиб борганлар ва натижада АҚШ ва Япония фонд бозорларидаги акцияни даромади ва уларнинг риски учала давлатлар капитал бозорига таъсир этиши аниқлаган. Bhar and Nikolova [24] тадқиқотчилар БРИКС мамлакатлар молия бозорлари динамик ва интеграция муносабатларини ўраганиб, БРИКС мамлакатларини ичида Хиндистон молия бозори энг юқори интеграцияни ташкил қилиши аниқланди. Sheikh [25] 2010 йилдаги мақоласида Хиндистон иқтисодиёти глобал молиявий инқирозда зарар кўрди деган хulosага келди лекин банклари ўсиш ва ўзини ҳолатини тезда тиклаб олди, чунки уларда кўчмас мулка берилган кредитлари йўқ эди. Babikir ва бошқалар [26] Жанубий Африка Республикаси фонд бозори JSE индекси кунлик маълумотига асосан бозордаги қимматли қофозларни рискини эмпирик таҳлилини ўтказганлар ва улардан келажакда кутилаётган рискини ҳам аниқлаган. Бундан ташқари, GARCH(1,1) моделини баҳоловчи параметрлари молия бозоридаги риск юқори даражада давом этиши кўрсатди. Zhou ва бошқалар [27] 2012 йилда Хитой фонд бозори билан Жаҳон активлар бозори ўртасида йўналтирилган рискини таҳлил қилди ва Хитой фонд бозорини рикс тўғридан-тўғри бошқа фонд бозорига 2005 йилдан бери муҳим таъсир қилиши аниқлади. Tripathy and Rahman [28] 2013 йилда мақоласида Бомбай фонд биржаси (BSE) ва Шанхай фонд биржаси (SSE) индекслари 23 йиллик кунлик маълумотини йиғиб фонд бозори рискини ўрганди ва иккала мамлакат фонд бозорида муҳим ARCH таъсири мавжудлиги борлиги аниқлади. Makkar and Singh [29] 2013 йилда тадқиқотида молиявий иқтисодий инқироз даврида Хиндистондаги йирик иккита банк яъни Хиндистон давлат банки билан Саноат кредит ва Хиндистон инвестиция корпоратция банклари акцияларини даромадини таҳлил қилиб, Саноат кредит ва Хиндистон инвестиция корпоратция банки АҚШ ипотека инқирозига кўпроқ таъсир қилганлиги аниқланди. Singh and Makkar [30] 2014 йилдаги мақоласида Хиндистон банк секторининг акцияларини риск ва инқироз ўртасидаги муносабат таҳлил қилингандан инқироз муҳим банкларни акциясини рискига таъсир қилганлиги ва банк

акцияларини риск инқироздан олдин ва инқироздан кейин мұхим даражада ўзгарғанлигини аниқлади. Rafiqul Bhuyan, Mohammad G. Robban, Bakhtear Talukdar, Ajeet Jain 2016 йилдаги мақоласыга күра, АҚШ давлатини фонд бозоридаги янгилик ва рисклари БРИКС мамлакатлари фонд бозорига таъсирини 1990 йилдан 2012 йилгача бўлаган фонд бозоридаги маълумотлар асосида таҳлил қилганлар. Уларни АҚШ фонд бозори индекси БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексига таъсир қилинишини ва Хитой фонд бозори индекси ва Ҳиндистон фонд бозори индексиган таъсир қилишини ўзларини таҳлили асосидаги кўрсатиб бердилар. Юқоридаги адабиётлар таҳлили жаҳон молиявий инқироз даврида ва ундан кейин даврда БРИКС мамлакатларини қимматли қоғозлар бозоридаги бозор рискин ўлчашдан иборат.

3. Тадқиқот методологияси.

БРИКС мамлакатлари фонд бозори индекси кўрсаткичи асосида бозор рискини баҳола оладиган ва унга мос келадиган GARCH моделинин танлаш энг асосий вазифа ҳисобланади. Ушбу тадқиқотни асосий мақсади қўйдагидан иборат: БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексини тебраниш тенденциясини аниқлаш ва шу бозор индексига АҚШ фонд бозориги янгиликлар таъсирини таҳлил қилиш. Тадқиқот методи гепотезаси усулида олиб борилади, унга асосан биринчиси unit root тест гепотезасига кўра H_0 БРИКС мамлакатларини фонд бозори индекс қайтими ўзгармас, H_1 БРИКС мамлакатларини фонд бозори индекс қайтими ўзгарувчан, иккинчиси эса GARCH моделига АҚШдаги фонд бозоридаги молиявий инқирозни қўшим инқирозни таъсири гипотезасига кўра H_0 АҚШ қимматли қоғозлар бозири инқироз ёки янгиликлар БРИКС мамлакатларини фонд бозори индекс қайтимига мұхим таъсири H_1 АҚШ қимматли қоғозлар бозири инқироз ёки янгиликлар БРИКС мамлакатларини фонд бозори индекс қайтимига мұхим таъсири этмаслиги.

3.1 Маълумотлар манбаи

Тадқиқотда маълумотлар иккиламчи маълумотлар баъзасидан фойдаланилган бўлиб, БРИКС мамлакатлар фонд бозори маълуматлари www.investing.com ва www.yahoofinance.com сайтларидан муаллиф томонидан тўплланган. Тадқиқотда Бразилия, Россия, Ҳиндистон, Хитой ва Жанубий Африка Республикаларини фонд бозорини индекс қайтмини кунлик маълумотлари асосида, 2005 йил январдан 2015 йилгача бўлган давларда маълумотлар базасини қамраб олиниб таҳлил қилинди. Биз тадқиқотда бозор индекс қайтимини (P_b) белгилаймиз ва шу асосида ҳар бир БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексни қайтимини турли хил ўзгаришини натурал логарифим орқали ҳисобладик. Бу қўйдагича ҳисобланади.

$P_b = \ln(P_b / P_{b-1})$ бу ерда P_b ва P_{b-1} БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексини қайтимини кунлик маълумоти, P_b жорий кундаги маълумоти ва P_{b-1} олдинги кундаги маълумот.

3.2 Тадқиқот методи

Биз тадқиқот методимизда гепотеза услубидан фойланамиз. Дики-Фуллера статистика таҳлили ADF(Augmented Dickey-Fuller) ягона ечимидағи тест БРИКС мамлакатлар фонд бозорини индекс қайтимини биз танлаган вақт мобайнида ўзгармаслигини ёки ўзгарувчанлигини ва уларнинг орасидаги интеграциясини тартибга солишини текширади. ADF unit root регрессион тенглама орқали ифодалайди. Буни қўйдаги тенгламада қўришингиз мумкин.

$$\Delta Y_b = \alpha_0 + \alpha_1 Y_{b-1} + \sum \gamma_j \Delta Y_{b-j} + \varepsilon_b$$

ADF unit root тест нол гепотезасига асосланади. Агар ADFни ҳисобланган статистик кўрсаткичи мұхим қийматидан кичик бўлса, нол гепотезани инкор қиласиз агар тескариси бўлса, уни қабул қиласиз. Бу бизни танлаган вақт давомида трендимиз ўзгарувчанми ёки ўзгармаслигини аниқлаш имконини беради.

БРИКС мамлакатларни қимматли қоғозларини бозори рискини GARCH модел орқали баҳолаймиз. Бу модел асосан ривожланаган ва тез суръатларда ривожланаётган малакатлар фонд бозори рискини молиявий маълумотлар асосида яхшироқ баҳолайди ва таҳлил қиласи. GARCH модел кластер шаклдаги риски танланган маълумотлар тенденциясини баҳолашни амалга оширади. Модел функциядаги мустақил ва боғлиқли ўзгарувчиларни ўтган қиймати билан боғлиқ ўзгарувчиларни хатти-харакатини фараз қиласи ва қайтими хатти-харакатини билишга ёрдам беради. (Engle, 2002). Бу модел риск ва маълумотлар орасидаги муносабатларни тушиниш имкониятини беради. Кунлик бозор индекс қайтими учун GARCH (1, 1) модели.

$$Y_b = a + b Y_{b-1} + \varepsilon_b$$

Дисперсия тенглмаси қўйдагича ёзилади.

$$H_B = \omega + \alpha_1 \varepsilon_{B-1}^2 + \beta_1 H_{B-1}$$

Бу ерда $\omega > 0, \alpha \geq 0, \beta_1 H_{B-1} \geq 0$ H_B шартли дисперция H_{B-1} олдинги давр маълумотлари асосида ҳисобланаган шартли дисперция. GARCH модел фойдаланиш тўғри келадиган жорий дисперцияни шархлаш имкониятини беради, чунки функцияни узоқ муддатли ўртача тортилганлиги (боғлиқли ўзгарувчи ω), олдинги давдаги рисклар ҳақидаги маълумот $\alpha_1 \varepsilon_{B-1}^2$ ва олдинги даврдаги тўғри келадиган диспериция $\beta_1 H_{B-1}$. GARCH (1,1) моделини ўзгармас ҳолатинидаги коэффицентлар $\alpha + \beta < 1$ бўлади. Сохта регрецион тенглмани тузмаслик учун маълумотларни Дурбин Уотсон статистика таҳлилини ўтказамиз. Минамал Акайке мезони қанча даврдан фойдаланишини аниқлаб беради.

4. Таҳлил ва натижаларининг муҳокамаси

Тадқиқотимиз асосий мақсади АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ёки ўзгаришлар БРИКС мамлакатларини акциялар қайтимига таъсирини авторегрессия шартли гетероскедасттика модели орқали ўлчашдан иборатdir. Маълумотларни таҳлил қилишдан олдин, Дики-Фуллера статистика таҳлилини ўтказамиз. Бунда биз хар бир мамлакатларни фонд бозори индексини натурал логорифимдан фойдаланиб, олинги йилга нисбатан қайтимини ҳисоблаб, ундан кейин тўпланган кўрсаткичларни олдинги даврдаги кўрсаткичларга боғлиқлигини ўрганамиз. Кўрсаткичлар олдинги даврга кўрсаткичларини таъсири бор ёки йўқлигига ишонч ҳосил қилиш учун эконометрик таҳлилни амалга оширамиз. Бешта мамлакат фонд бозорлари индекси қайтими натурал логорифим асосида ҳисобланган. Шу йўл орқали бешта ўзгарувчини яратдик ва булар Бразилия фонд бозори, Хинди斯顿 фонд бозори, Россия фонд бозори, Шанхай фонд бозори ва Жанубий Африка фонд бозорлари индексини қайтимиdir. Биз биринчи бўлиб БРИКС мамлакатлари фонд бозорини индексини таҳлили бўйича ягона ечимини амалга оширдик, чунки бу таҳлил шуни кўрсатади фонд бозоридаги индексига ўтган йилдаги фонд бозордаги индексини ўзгариш таъсирини кўрсатади. **(2-жадвал)**

2-жадвал

БРИКС мамлакатлари фонд бозорини индексини таҳлили бўйича ягона ечими

Мамлакатлар	Даражада	Критик қиймати				
		Дики-Фуллера статистика таҳлили	1%	5%	10%	P-қиймати
Бразилия	-53.01984	-3.432541	-2.862394	-2.567269	0.0001	2.001124
Россия	-46.58036	-3.432622	-2.862430	-2.567288	0.0001	2.000291
Хинди斯顿	-48.45362	-3.432615	-2.862426	-2.567287	0.0001	1.995399
Хитой	-50.16133	-3.432656	-2.862445	-2.567296	0.0001	1.998814
Жанубий Африка Республикаси	-39.16083	-3.432523	-2.862386	-2.567265	0.0000	2.002437

Юқоридаги жадвалдаги маълумолардан кўриниб турибдики, барча кўрсаткичлар даражаси илдиз бирлиги мавжуд эмас, чунки БРИКС мамлакатларини хар бир фонд бозори индекси Р-қиймати 5 фоиздан кичик еканлигини кўришимиз мумкин. Шунинг учун, нол-гепотеза илдиз бирлиги биринчи даражасида мавжудлигини инкор қилиб, маълумотлар стационар эканлигини кўрсатади. Бу шуни англатади, БРИКС мамлакатлари фонд бозори индекслари биринчи даражада интеграцияланади, чунки биз хар бир фонд бозори индексини натурал логорифимдан фойдаланганмизда. Нол-гепотеза Дики-Фуллера статистика H_0 да илдиз бирлиги маълумотда мавжуд, H_1 да илдиз бирлиги мавжуд эмас деб ҳисблаганмиз. Дики-Фуллера статистика ҳисоб-китоби шуни кўрсатади, Бразилия фонд бозори индекси қайтими (-53.01984), Россия фонд бозори индекси қайтими (-46.58036), Хинди斯顿 фонд бозори индекси қайтими (-48.45362), Хитой фонд бозори индекси қайтими (-50.16133) ва Жанубий Африка Республикаси фонд бозори индекси қайтими (-39.16083) ташкил қилган, бундан кўриниб турибдики хамма малакатлар кўрсаткичлар (-53.01984, -46.58036, -48.45362, -50.16133 ва -39.16083) критик қиймат паслигини кўришимиз мумкин, шунинг учун нол-гепотеза H_0 да илдиз бирлиги маълумотда мавжудлигини инкор этамиз. Шундан келиб чиқиб, бизнинг маълумотимиз стационар бўлгани учун шартли

гетероскедастика авторегрессион (GARCH) модели таҳлилини давом этирамиз. шартли гетероскедастика авторегрессион модел таҳлилини З-жадвалда кўришингиз мумкин.

З-жадвал

БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексини даромаднинг S&P 500 фонд бозорини индексини даромадини таъсири

Номинал ўртача	Бразилия	Россия	Хинди斯顿	Хитой	Жанубий Африка
Параметрлар					
α_0	0.000265	0.000718**	0.000829*	0.000449***	0.000701*
S&P 500в-1	-0.156475*	0.630493*	-0.011532***	0.111136*	-0.033339**
номинал дисперсия					
β_0	0.000173*	1.14E-05*	3.17E-06*	2.43E-06*	2.35E-06*
β_1	0.107404*	0.090126*	0.094342*	0.049880*	0.093768*
β_2	0.558381*	0.880327*	0.893450*	0.943674*	0.891145*
S&P 500в-1	-0.007825*	-0.001764*	-0.000181***	-0.000621*	1.70E-05***
логарифмик эҳтимол	7203.411	6991.306	7782.048	7169.167	8648.042

Манба: Жадвалдаги маълумотлар муаллиф томонидан Eviews дастурида ҳисобланниб таёргланган.

Эслатма:

1. Юқоридаги жадвалда кўйилган белгилар. 1%* кўрсаткичда муҳимлиги, 5%** кўрсаткичда муҳимлиги, 10%*** кўрсаткичда муҳимлиги.

Юқоридаги жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, Бразилия фонд бозори акциялар даромади жуда паст, 0.000173ни ташкил этади. Коэфициентлар β_1 ва β_2 аҳамиятли, чунки улар 1 фоизли муҳимликлардан хам паст бўлиб, ишончилилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, коэффицентлари акцилар даромадини ўзгарувчанлигига бозордаги ахборотларни таъсири мавжудлигини кўрсатади. 2005 ва 2015 йиллар оралиғида ARCH (β_1) коэффицент 0.107404 ни ташкил этган ва GARCH (β_2) коэффицент эса 0.558381 ни ташкил этганини кўришмиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биз танлаган даврлар оралиғида Бразилия фонд бозоридаги акциялар даромади ўзгарувчанлиги юқори эмаслигини англаради. Чунки, ARCH ва GARCH ($\beta_1 + \beta_2$) йиғиндиси бирдан кичик ва бутун давр оралиғида 0.665785 ни ташкил қинган. Бундан келиб чиқсан ҳолда, Бразилия фонд бозорида акциялар даромади юқори ўзгарувчанлиги мавжуд эмас. Коэффиценлар β_1 ва β_2 кўрсаткичлари паслиги фонд бозоридаги акциялар даромади ўзгарувчанлиги қисқа муддат давом этишини назарда тутади. АҚШ мамлакатини фонд индекси ўзгариши Бразилия фонд бозори индексини ўзгаришига олиб келади. Чунки жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики S&P 500в-1 индекси Бразилия фонд бозори индексига таъсири муҳимлик даражаси хаттоқи 1 фоиздан хам кичиклиги кўришимиз мумкин. Бундан келиб чиқсан ҳолда, АҚШ ипотека инқирозини Бразилия фонд бозорини таъсир қилганини кўришимиз мумкин.

Россия фонд бозори акциялар даромади жуда паст 0.00000114 ни ташкил этади. Коэфициентлар β_1 ва β_2 аҳамиятли чунки булар 1 фоизли муҳимликлардан хам паст бўлиб, ишончилилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Коэффицентлар акцилар даромадини ўзгарувчанлигига бозордаги ахборотларни таъсири мавжудлигини кўрсатади. 2005 йил ва 2015 йиллар оралиғида ARCH (β_1) коэффицент 0.090126ни ташкил этган ва GARCH (β_2) коэффицент эса 0.880327 ни ташкил этганини кўришмиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биз танлаган даврлар оралиғида Россия фонд бозоридаги акциялар даромади ўзгарувчанлиги юқори жуда юқорилиги англаради. Чунки, ARCH ва GARCH ($\beta_1 + \beta_2$) йиғиндиси бирга яқин ва бутун давр оралиғида 0.970453ни ташкил қилиб, фонд бозоридаги акцияларнинг даромадлилиги ўзгарувчанлиги юқори ва бу жараён узоқ давом этишини кўрсатади. Россия фонд бозорига акцияларни даромадлилиги доим юқори ўзгарувчанликага эга бунга АҚШдаги ипотека инқирози таъсири мавжуд эмас балки сўнги йилларда АҚШ ва Европа Иттифоқи томонидан кўйилган санкциялар фонд бозоридаги акцияларни даромадини ўзгаришига олиб келди. Лекин жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибдики, АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар Россия фонд бозори индексига

таъсир этишини кўришимиз мумкин. Чунки, S&P 500_{в-1} индекси кўрсаткичи муҳимлик даражаси бир фоиздан кичик ва таъсир қилиш этимоллиги 99 фоизни ташкил этади.


Ҳиндистон фонд бозори акциялар даромади жуда паст 0.000000317ни ташкил этади. Коэффициентлар β_1 ва β_2 аҳамиятли чунки булар 1 фоизли муҳимликлардан хам паст бўлиб ишончилилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Коэффициентлар акцилар даромадини ўзгарувчанлигига бозордаги ахборотларни таъсири мавжудлигини кўрсатади. 2005 йил ва 2015 йиллар оралиғида ARCH (β_1) коэффицент 0.094342 ни ташкил этган ва GARCH (β_2) коэффицент эса 0.893450 ни ташкил этганини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, биз танлаган даврлар оралиғида Ҳиндистон фонд бозоридаги акциялар даромади ўзгарувчанлиги жуда юқорилиги англаатади. Чунки, ARCH ва GARCH ($\beta_1 + \beta_2$) йифиндиси бирга яқин ва бутун давр оралиғида 0.987792 ни ташкил қилиб, фонд бозоридаги акцияларнинг даромадлилиги ўзгарувчанлиги юқори ва бу жараён узоқ давом этишини кўрсатади. Ҳиндистон фонд бозорига акцияларни даромадлилиги доим юқори ўзгарувчанликага эга бунга АҚШдаги ипотека инқирози таъсири мавжуд эмас. Таҳлил шуни кўрсатадики, АҚШдаги ипотека инқироз Ҳиндистон фонд бозори индексига таъсир этмайди. Чунки, S&P 500_{в-1} индекси кўрсаткичи муҳимлик даражаси ҳаттоқи 10 фоиздан катта, шунинг учун АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар таъсир қиласлиги эҳтимоллиги 90 фоизни ташкил этади. Бундан келиб чиқиб, АҚШдаги ипотека инқироз Ҳиндистон фонд бозорига таъсир этмагани кўришимиз мумкин.

Хитой фонд бозори акциялар даромади хам жуда паст 0.000000243 ни ташкил этади. Коэффициентлар β_1 ва β_2 аҳамиятли чунки булар 1 фоизли муҳимликлардан хам паст бўлиб ишончилилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Коэффициентлари акцилар даромадини ўзгарувчанлигига бозордаги ахборотларни таъсири мавжудлигини кўрсатади. ARCH ва GARCH ($\beta_1 + \beta_2$) йифиндиси бирга жуда яқин ва бутун давр оралиғида 0.993554 ни ташкил қинган. Бундан келиб чиқсан ҳолда, Хитой фонд бозорида акциялар даромади юқори ўзгарувчанлиги мавжуд ва акцияларни даромади ўзгарувчанлиги узоқ муддат давом этишини назарда туттади. АҚШ мамлакатини фонд индекси ўзгариши Хитой фонд бозори индексини ўзгаришига олиб келади. Чунки, жадвалдаги маълумотлар шуни кўрсатадики S&P 500_{в-1} индекси Ҳиндистон фонд бозори индексига таъсири муҳимлик даражаси ҳаттоқи 1 фоиздан хам кичиклиги кўришимиз мумкин. Бундан келиб чиқсан ҳолда, АҚШ ипотека инқирозини Хитой фонд бозорини муҳим таъсир қиласлиги кўришимиз мумкин.

Жанубий Африка фонд бозори акциялар даромади жуда паст 0.000000235 ни ташкил этади. Коэффициентлар β_1 ва β_2 аҳамиятли чунки булар 1 фоизли муҳимликлардан хам паст бўлиб, ишончилилик даражаси 99 фоизни ташкил этади. Коэффициентлар акцилар даромадини ўзгарувчанлигига бозордаги ахборотларни таъсири мавжудлигини кўрсатади. ARCH ва GARCH ($\beta_1 + \beta_2$) йифиндиси бирга яқин ва бутун давр оралиғида 0.984913 ни ташкил қилиб, фонд бозоридаги акцияларнинг даромадлилиги ўзгарувчанлиги юқори ва бу жараён узоқ давом этишини кўрсатади. Таҳлил шуни кўрсатадики, АҚШдаги ипотека инқирози Жанубий Африка фонд бозори индексига таъсир этмаслигини кўришимиз мумкин. Чунки, S&P 500_{в-1} индекси кўрсаткичи муҳимлик даражаси ҳаттоқи 10 фоиздан катта, шунинг учун АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва ўзгаришлар таъсир қиласлиги эҳтимоллиги 90 фоизни ташкил этади.

Қўйдаги 1-шакл 2008 йилдаги молиявий инқироз даврининг охирида БРИКС фонд бозоридаги акциялар баҳоси юқори кўрсаткичда бўлгандиги ва ўн йиллик давр ичida фонд бозорини индексини шартли дисперсия динамикасида хисобланганлигини кўрсатади. Шаклдаги кўрсаткичдан кўриниб турибдик, 2008 йилдаги молиявий инқироз Бразилия фонд бозорига таъсир этиб фонд бозори индексини тез ўзгаршини кўрсатади. Россия фонд бозори келсак, молиявий инқироз фонд бозори индексини таъсир қилиб, индексини катта тезлиқда ўзгаришига олиб келди. 2008-йилдаги молиявий инқироз Ҳиндистон фонд бозори жуда кам микдорда таъсир қиласли кўришимиз мумкин, чунки фақатгина молиявий инқироз энг юқори чўққиси унинг фонд бозори индексига таъсир қилиб, ундан кейинги даврда таъсир қиласлиги кўришимиз мумкин. Хитой фонд бозорига молиявий иктиносий инқироз бошлиланган тугагунга қадар бўлган даврда таъсир қиласли кўришимиз мумкин. АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва ахборотлар ўзгариши Хитой фонд бозорини индексини ўзгаришига олиб келади. Жанубий Африка фонд бозорига келсак, жаҳон молиявий инқироз даврида фонд бозори индекси ўзгарувчанлиги паст бўлиб, фақатгина инқирозни энг юқори чўққисигина Жанубий Африка фонд бозорини индексини сезиларди даражада ўзгаришига олиб келди ва қисқа муддат кейин фонд бозорини индекси барқарор ўзгаришда давом этганини кўришимиз мумкин. АҚШ фонд бозоридаги ўзгаришлар ва янгиликлар Африка фонд бозорини индексини таъсир этмаслигидан далолат беради.

1-шакл
БРИКС мамлакатларини фонд бозори индексида акциялари бозорини даромадини ўзгарувчанлиги баҳолаш



Манба: Маълумотлар асосида муаллиф томонидан Eviews дастури асосида ҳисобланган.

Юқоридаги шаклдан кўриниб турибдик, 2008 йилдаги жаҳон молиявий инқроз энг чўққиси ва ундан кейинги даврида БРИКС мамлакатлари фонд бозоридаги индексларини ўзгариши турли ва бу мамлакатлар фонд бозори кўрсаткичлари статционар нуқтаси аҳамиятидир. Лекин, молиявий инқироз БРИКС давлатларини хар бирини ички иқтисодиётига турли даражада таъсир қилди. Бразилияда миллий валютасини ва фонд бозорини катта тебраниши кузатилиб, хорижий инвестицияларни тушиб кетишига ва товар экспортига бўлган талабни камайишига олиб келди. 2008 йил сентябр ойидаги нефть нархини кескин тушиб кетиши, тўсатдан валюта курсини ўзгариши молия бозорида рискга бўлган мойилликни тўхтаб қолишига олиб келди ва натижада Россия банклари ва фирмаларини инвестиция фондларида хорижий валюталарига таъсири кучайди. Россия фонд бозори индексини ўзгарувчанлиги АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар юқори таъсир қилган. АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ва ахборотларни ўзгариши Россия, Хитой ва Бразилия фонд бозорларида таъсир қилган лекин Жанубий Африка ва Ҳиндистон бозорига таъсир қилмагани кўришимиз мумкин. Молиявий инқироз Хитой мамлакати иқтисодиётига таъсир қилиб, ички талабни тушишига ва иқтисодиёти тушишига ва ишсизлик ошиб кетишига олиб келди. Жанубий Африка давлатида экспорт ва импорт хажмини тушиши натижада давлатнинг асосий хом ашё экспортнига салоҳиятининг пасайишига олиб келди. Жаҳон молиявий инқироз БРИКС мамлакатлари иқтисодиётига мухим таъсир қилди. АҚШ фонд бозоридаги яхши янгиликларига нисбатан, ёмон янгиликлар кўпроқ таъсир қилиши кузатилди, бу янгиликлар таъсири тез суръатларда ривожлаётган мамлакатлар фонд

бозорига тарқалиши кўришимиз мумкин. АҚШ молиявий инқироз БРИКС мамлакатлари иқтисодиётига катта таъсир қилиди ва бунга сабаб қилиб S&P500, Nikkie225 ва FTSE 100 маълумотлари тарқалишини тез суръатларларда ривожланаётган мамлакатлар иқтисодиётига таъсирни мисол қилиб келтиришимиз мумкин.

5. Хулоса ва таклифлар

Ушбу тадқиқотда биз БРИКС мамлакатларини қимматли қоғозларини даромадларини ва АҚШ мамлакатнинг фонд бозоридаги молиявий инқирози, шу билан бирга АҚШ фонд бозоридаги янгиликлар ўртасидаги муносабатларни ўргандик. Биз тадқиқотимизда молиявий инқирозни акциялар нархига таъсири ва турли даврларда акцияларни даромадлигини ўзгаришини GARCH модели орқали таҳлил қилдик.

➤ Биз тадқиқотимизда БРИКС мамлакатларида Ҳиндистон ва Жанубий Африка мамлакатлари фонд бозори ташқаридан қолган учта Бразилия, Россия ва Хитой фонд бозорига АҚШ давлатининг фонд бозоридаги ўзгаришлар янгиликлар муҳим таъсир қилишини аниқладик.

➤ Тадқиқотимизда БРИКС мамлакатларини фонд бозоридаги акциялар даромалилиги ўзгарувчанлиги муҳимлиги даражаси бутун давр давомида турлича бўлганлигини кўрдик. ARCH ва GARCH коэффицентлари БРИКС давлатларини қимматли қоғозлар даромади ўзгарувчанлиги ҳақидаги маълумотини мавжудлиги сезиларли даражада эканлигини кўрсатди.

➤ Тадқиқотимиз натижаси фонд бозордаги эски янгиликлар таъсири фонд бозорига ўзоқ муддат давом этишини ишора қилди. БРИКС мамлакатларини фонд бозорига акциялар даромадига жаҳон молиявий иқтисодий инқироз таъсир қилганлиги тадқиқотимизда натижасида аниқладик.

➤ Аммо, Ҳиндистон ва Жанубий Африка мамлакатлар фонд бозори акциялари даромадига ўрта таъсир қилиб, бу мамлакатлар фонд бозори қимматли қоғозлар даромади ўзгаришига жаҳон молиявий иқтисодий инқироз жуда кам таъсир қилганлигини аниқ хисоб китоблар билан кўрсатиб бердик.

➤ Жаҳон молиявий иқтисодий инқироз даврида Бразилия фонд бозори қимматли қоғозлар даромалилиги жудаям ўзгарувчан бўлди, чунки миллий валютасини тебраниши ва хорижий инвестицияларни пасайиб кетишига ва товар экспортига бўлган талабни камайиши сабаб бўлди.

➤ Россия фонд бозори қимматли қоғозлар даромалилиги ўзгарувчан бўлди, чунки жаҳон бозорида нефть нархини кескин тушиб етиши сабаб бўлди.

➤ Хитой фонд бозори қимматли қоғозлар даромалилиги ўзгарувчан бўлди, чунки Хитой иқтисодиётида ялпи талабни тушиб кетиши сабаб бўлди.

➤ Тадқиқотимизда бутун давр давомида БРИКС мамлакатлари фонд бозори акциялари даромадини ўзгаришига муҳим таъсир мавжудлиги аниқладик. Бундан ташқари, АҚШдаги фонд бозоридаги маълумотлар тарқалиши БРИКС давлатларини фонд бозоридаги акциялар даромадиги таъсири мавжудлиги аниқлади. АҚШдаги фонд бозоридаги яхши ва ёмон янгиликлар БРИКС мамлакатлари фонд бозоридаги акциялар даромадиги муҳим даражада таъсири борлигини аниқладик.

Тадқиқотимиздаги натижалар инвесторлар учун жуда муҳим бўлиб, улар ўзларини портфел инвестицияларини диверсификатция қилишлари имкониятини яратади. Бу тадқиқот ташқи ва ички институционал инвесторлар учун жудаям муҳим ҳисобланади. Чунки, БРИКС мамлакатлари фонд бозоридаги қимматли қоғозлар даромадлилиги ўзгарувчанлиги инвесторларга юқори даромад олиши учун инвестиция стратегия тузиш имкониятини яратади. Бундан келиб чиқсан холда, инвесторлар БРИКС мамлакатларида шакллантирган инвестицион портфелларини диверсификация қилишни таъминлашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

[1]. И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартариф этишнинг йўллари ва чоралари”. Т.: Ўзбекистон, 2009 й., 56 б.

[2]. http://www.mckinsey.com/insights/global_capital_markets/emerging_equity_gap

[3]. Goldman Sachs Global Economics Paper: 66 (2001) “Building Better Global Economic BRICs”

- [4]. PwC, E. (2011, January). World in 2050: The BRICs and beyond: prospects, challenges and opportunities. Retrieved from PwC Economics: <http://www.pwc.com/gx/en/world-2050/assets/pwc-world-in-2050-report-january-2013.pdf>
- [5]. The BRICS report, 2012 http://www.finmin.nic.in/reports/BRICS_Report.pdf
- [6].Source of data: the IMF World Economic Outlook Database April 2015 <http://www.imf.org/external/pubs/ft/weo/2015/01/weodata/index.aspx>
- [7].Engle, Robert F. (1982). "Autoregressive Conditional Heteroscedasticity with Estimates of the Variance of United Kingdom Inflation". *Econometrica*. **50** (4): 987–1007. JSTOR 1912773
- [8].Bollerslev, T. (1986). Generalised Autoregressive Conditional Heteroscedasticity, *Journal of Econometrics*, 31:307- 327.
- [9].Daniel B. Nelson (1991). Conditional Heteroskedasticity in Asset Returns: A New Approach, *Econometrica*, Vol. 59, No. 2. pp. 347-370.
- [10].Lawrence R. Glosten, Ravi Jagannathan, David E. Runkle (1993). On the Relation between the Expected Value and the Volatility of the Nominal Excess Return on Stocks, *The Journal of Finance*, Vol. 48, No. 5 pp. 1779-1801
- [11].Malkiel, B. (1979). The Capital Formation Problem in the United States, *Journal of Finance*, 34: 291-306.
- [12].Pindyck, R. (1984). Risk, Inflation and the Stock Market, *American Economic Review*, 74:335-351.
- [13].Hilliard, J. (1979). The Relationship between Equity Indices on World Exchange, *The Journal of Finance*, 34:103-114
- [14].Poterba, J. M. and Summers , L. H. (1987). *The Persistence of Volatility and Stock Market Fluctuations*, NBER working paper series, working paper no 1462.
- [15].French, K. R., Schwert, G. W. and Stambaugh, R. F. (1987). Expected Stock Returns and Volatility, *Journal of Financial Economics*, 19:3-29
- [16].Baillie, R. T. and DeGennaro, R. P. (1990). Stock Returns and Volatility, *Journal of Financial and Quantitative Analysis*, 25(2):203-214.
- [17].Schwert, G. W. (1990). Stock Volatility and the Crash of '87, *Review of Financial Studies*, 3:77-102
- [18].Engle, R. F. and Mustafa, C. (1992). Implied ARCH Models from Options Prices, *Journal of Econometrics*, 52(1):289-311.
- [19].Arshanapalli, B., Doukas, J. and Lang, L. H. (1995). Pre and Post October 1987 Stock Market Linkages between US and Asian Markets, *Pacific Basin Finance Journal*, 3:57-73
- [20].Choudhry, T. (1996). Stock Market Volatility and the Crash of 1987: Evidence from Six Emerging Markets, *Journal of International Money and Finance*, 15(6):969-981.
- [21].Kumar , K. K. and Mukhopadyay, C. (2002). *Equity Market Interlinkages: Transmission of Volatility-a Case of US and India*, NSE, India Research Paper, <http://www.nseindia.com>.
- [22].Nath, G. and Verma, S. (2003). Study of Common Stochastic Trend and Co-integration in the Emerging Markets: A Case Study of India, Singapore and Taiwan, *Research paper. NSE-India*.
- [23].Wang, Y., Gunasekara, A. and Power, D. M. (2005). Return and Volatility Spillovers from Developed to Emerging Capital Markets: The Case of South Asia, *Economic Finance Analysis*, 86:139-166.
- [24].Bhar, R., & Nikolova, B. (2009). Oil Prices and Equity Returns in the BRIC Countries, *The World Economy*, 32(7):1036-1054.
- [25]. Shaikh, R. K. (2010). Global Economic Recession and its Impact on Indian Economy, *International Research Journal*, 1(2):61-62.
- [26]. Babikir, A., Gupta, R., Mwabutwa, C. and Owusu-Sekyere, E. (2012). Structural Breaks and GARCH Models of Stock Return Volatility: The Case of South Africa, *Economic Modelling*, 29(6):2435-2443
- [27]. Zhou, X., Zhang, W. and Zhang, J. (2012). Volatility Spillovers between the Chinese and World Equity Markets, *Pacific-Basin Finance Journal*, 20(2):247-270

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ ФАОЛИЯТИНИНГ СТРАТЕГИК МАҚСАДЛАРИНИ АНИҚЛАШ

Хайдаров Үрал Ахмадович
“Банк иши ва инвестициялар” доценти, PhD
Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Аннотация: Ушбу мақолада рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув фаолиятида стратегик мақсадларини аниқлаш ва уларга эришиш устидан назорат қилиш учун зарур ташкилий тузилмани, шунингдек бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини таъминловчи, банк бошқарув органлари ва бошқа манфаатдор томонлар ўртасидаги муносабатлар мажмуюи, шу жумладан рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарув органларининг ваколатларини ва жавобгарлигини тақсимлаш ҳамда бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш имконини яратиш масалалари кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: рақамли иқтисодиёт, корпоратив бошқарув, рақобат, бошқарув тизими, акциядорлар умумий йиғилиши, акциядорлик жамияти.

Кириш.

Хозирги кунда миллий акциядорлик жамиятларида шаклланган корпоратив бошқарув республикамизда мустақиллик йилларида амалга оширилган ислоҳотларнинг турли босқичларида ривожланиб бормоқда. Лекин ушбу ривожланиш, жаҳон амалиётида корпоратив бошқарувнинг эволюцион тараққиёти билан қиёсланганда, қисқа даврда сифат жиҳатидан такомиллашиб борганигини кузатиш мумкин. Корпоратив бошқарувнинг шаклланиши ва ривожланиши кўп жиҳатдан амалга оширилган ислоҳотлар натижасида бозор иқтисодиётининг тараққиёти, шаклланган иқтисодий тизим шарт-шароитларига боғлиқ бўлиб, ундаги институционал бирликлар ўзаро муносабатларининг иқтисодий механизми асос ҳисобланади.

Рақамли технологиялар иқтисодиётнинг кўриниши ва тузилмасини ўзгартириб, одатдаги бизнес моделларини бузади, якка тартиbdаги хўжалик юритувчи субъектлар ва бутун мамлакат орасида рақобат ва рақобатбардошликини оширади, бозорлар ва имкониятларнинг кенгайишига олиб келади.

Мамлакатимизнинг ҳар бир соҳасида чуқур иқтисодий ислоҳотлар олиб борилаётган ҳозирги даврда, “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 2 мартағи 5953-сонли фармони билан тасдиқланган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича харакатлар стратегиясини “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш” йили Дастурида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармони билан тасдиқланган “Корпоратив бошқарув тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури” да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, миллий иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг илмий асосларини аниқлашга қаратилган илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишишумҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили.

Корпоратив бошқарув тизимида рақамли технологииларни қўллаш, бугунги кунда ҳар бир раҳбар ходимнинг мұхим ва устувор вазифаларига айланган. Бу борада республикамиз Президенти Ш.Мирзиёев шундай дейди: “Албатта, рақамли иқтисодиётни шакллантириш керакли инфратузилма, кўп маблағ ва меҳнат ресурсларини талаб этишини жуда яхши биламиз. Бироқ қанчалик қийин бўлмасин, бу ишга бугун киришмасақ, қачон киришмасиз? Эртага жуда кеч бўлади. Шу боис рақамли иқтисодиётга фаол ўтиш келгуси 5 йилдаги энг

устувор вазифаларимиздан бири бўлади^{141”}.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мавзуга оид адабиётлар таҳлилини ўтказиш натижасида турли тадқиқотларда рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида корпоратив бошқарув масалаларининг инновациялар билан ўзаро боғлиқлиги кўриб ўтилган.

Жумладан, америкалик олимлар H.Sarpa, A.Subramanian ва K.Subramanian шундай назарияни ишлаб чиқишиганки, унда улар қандай қилиб корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизмлари инновацияларга таъсир этишини кўрсатишган. Улар ташқи корпоратив бошқарув механизмлари (корпоратив назорат бозори) ички корпоратив бошқарув механизмлари (менежерлик шартномалари) билан ўзаро боғлиқ ҳолда компанияда менежерлар томонидан инновацияларни ишлаб чиқиш даражасига таъсир этишини исботлашган. Бошқа бир америкалик олим H.Shadab ўз тадқиқотида инновация ва корпоратив бошқарувни ўрганишда бошқарув тузилмаси, акциядорлик капитали қиймати, ички назорат каби масалаларни, шунингдек, қандай қилиб АҚШ корпоратив қонунчилиги корпорацияларнинг инновацион фаолиятига таъсир этганлигини ўрганган.

Рақамли иқтисодиётни хизмат кўрсатиш соҳасида шакллантириш ва жорий этиш мураккаб жараён бўлиб, кўплаб омилларга боғлиқ бўлади. Бу жараёнларнинг назарий жиҳатларини ишлаб чиқиб, амалиётга тадбиқ қилиш борасида етакчи хорижлик олимлар Дон Топскот, Алекс Топскот Паул Вигна, Майл Кейсейларнинг иқтисодиётда рақамли инновацион технологияларни қўллаш борасида турлича қарашлари мавжуд, жумладан, 1995-йилда муаллиф Дон Топскот томонидан “Рақамли иқтисодиёт” атамаси илк бор “Рақамли иқтисод: интеллектуал тармоқ асридаги ваъда ва ҳавф” китобида ишлатилган.

Муаллифлар кўриб ўтилган омилларни амалга оширишда корпоратив бошқарув соҳасида инновацион технологияларни қўллаш жарёнларига етарлича эътибор қаратмагандир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш давлат дастурида : “Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг асосий омили рақамли маълумотлар, катта ҳажмларни қайта ишлаш ва таҳлил натижаларини қўллаган ҳолда, анъанавий бошқарув шакллари билан таққослаганда, турли хил ишлаб чиқариш, технологиялар, ускуналар, сақлаш, сотиш, товар ва хизматларни етказиб бериш самарадорлигини сезиларли даражада ошириши мумкин” деган фикр билдирилган.

Шу жумладан мамлакатимиз олимларидан С. Ғуломов, Т. Шодиев, Ё. Абдуллаев, Б. Беркинов, К. Абдураҳмоновлар, иқтисодиётда рақамли ва ахборот технологиялари, инновацияларни қўллаш ва жорий қилишга катта ҳисса қўшдилар.

Тан олиш керак, ўтган йилларда юртимизда рақамли иқтисодиёт шароитида акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарувида жорий хўжалик фаолиятига давлат органлари томонидан аралашувлар кўп кузатилар, боз устига уларда бозор тенденцияларига мослашувчанлик ва сезувчанликнинг етарли эмас эди. Хусусан, давлат корхоналарини корпоратив бошқариш учун бозор механизмларини ишлаб чиқиш, улардаги замонавий корпоратив бошқарув усулларига рақамли технологияларни жорий этишини таъминлаш каби вазифаларни қўйилган.

Тадқиқот методологияси.

Ушбу мақолада Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар иқтисодчи олимларининг рақамли иқтисодиёт шароитида корпоратив бошқарувни ривожлантиришни амалга оширишни таъминловчи манбаларнинг таҳлилига бағишлиланган илмий асрлари ўрганилган. Тадқиқот методологияси сифатида адабиётларнинг қиёсий таҳлили ва фаразни асослаш усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди. «Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига IT ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутади. Аввалабор, рақамли иқтисодиётнинг оддий иқтисодиётдан фарқи жиҳатларига эътибор қаратайлик.

¹⁴¹ https://www.norma.uz/uz/bizning_sharhlari/2020_yil - ilm_marifat_va_raqamli_iqtisodietni_rivojlantirish_yili

Масалан, харидорга ноутбук керак. Уни бозорга тушиб ўзи бевосита танласа ва нақд пулга сотиб олса, бу анъанавий иқтисод. Телеграмдаги бирон савдо боти орқали ўзига маъқул товарни танлаб, товар эгасига пулни электрон тўлов тизими орқали тўлаш ва товарни етказиб бериш хизмати орқали олиш – рақамли иқтисодиёт дейилади. Бу масалани энг содда майший мисол орқали тушунтиришдир. Аслида, ҳаммамиз аллақачон рақамли иқтисодиёт ичидамиз, унинг қулайликларидан фойдаланамиз. Масалан, ойликларимиз пластик карталарга тушади, электрон тўлов орқали коммунал хизматлар, телефон, интернет ва бошқа маҳсулот ва хизматларга тўлов қиламиз, электрон тарзда солиқ декларацияси топширамиз, картадан картага пул узатамиз ва ҳоказо.

Рақамли иқтисодиёт – бу нолдан бошлаб яратилиши лозим бўлган қандайдир бошқача иқтисодиёт эмас. Бу янги технологиялар, платформалар ва бизнес моделлари яратиш ва уларни кундалик ҳаётга жорий этиш орқали мавжуд иқтисодиётни янгича тизимга кўчириш деганидир.

Белгилари:

- юқори даражада автоматлаштирилганлик;
- электрон ҳужжат алмашинуви;
- бухгалтерлик ва бошқарув тизимларининг электрон интеграциялашуви;
- маълумотлар электрон базалари;
- CRM (мижозлар билан ўзаро муносабат тизими) мавжудлиги;
- корпоратив тармоқлар.

Қулайликлари:

1. Тўловлар учун харажатлар камаяди (масалан, банкка бориш учун йўлкира ва бошқа ресурслар тежалади).
2. Товарлар ва хизматлар ҳақида кўпроқ ва тезроқ маълумот олинади.
3. Рақамли дунёдаги товар ва хизматларнинг жаҳон бозорига чиқиш имкониятлари катта.
4. Фидбек (истеъмолчи фикри)ни тез олиш ҳисобига товар ва хизматлар жадал такомиллаштирилади.

5. Тезроқ, сифатлироқ, қулайроқ.


Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон ҳужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлди.

Ўзбекистонда рақамли иқтисодиёт қай даражада ривожланган?

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда фойдаланувчилар озиқ-овқат маҳсулотларига буюрта бериш учун Телеграм ботларидан фаол фойдаланмоқдалар. Шунингдек, турли интернет дўйконлар, электрон тўлов тизимлари ҳам фаол ривожланиб бормоқда. Демак, фуқароларимиз электрон битимларни амалга оширишга ишоняптилар. Фақат ҳозирги кунгача фойдаланувчилар катта харажатлар талаб қилмайдиган кичик битимларни амалга оширмоқдалар, ўртacha харид ҳажмини оширишга эса унчалик тайёр эмаслар. Эндиғи масала ўртacha ва йирик иқтисодий битимлар ва молиявий операцияларни рақамли технологиялар орқали амалга оширишни ривожлантиришдан иборат.

Пандемия даврида интернет ривожланиши билан рақамли иқтисодиёт соҳаси ривожланиши жадаллик билан амалга ошмоқда. Рақамли иқтисодиёт корпоратив бошқарувнинг турли жабҳаларида кенг қўлланилиши жамиятнинг ижтимоий иқтисодий ҳолатини такомиллаштириш, иқтисодий ўсишни барқарорлаштиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Такдим этилаётган инновацион маҳсулотлар ва хизматларни амалга оширилиш жараёни жадал суръатларда ошиб бориши ушбу соҳани самарали корпоратив бошқаришни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ эканини тасдиқлади. Ўрганилаётган муаммонинг назарий асосларини тадқиқ қилиш натижасида бир қатор услубий ёндашувлар шакллантирилди. Шу жумладан, рақамли иқтисодиёт соҳасида инновацион фаолиятга таъсир этувчи омиллар ўрганилди.

Рақамли иқтисодиётда инновацион жараёнлар бошқарувига таъсир этувчи омиллар



1-расм. Рақмли иқтисодиёт соҳасида инновацион фаолиятига таъсир этувчи омиллар¹⁴²

Рақамли иқтисодиёт соҳасида инновацион жараёнларнинг ривожланишида корпоратив бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун таклиф этилган услубиётга асосан бугунги кундаги жорий ҳолати таҳлил этилди. (1-жадвал)

Рақамли иқтисодиёт соҳасида инновацион жараёнлар корпоратив бошқарувининг ҳар бир босқичини ахборот билан таъминлашда ахборот манбалари бўлган ҳамда инновацион жараёнлар бошқарувини мониторинг қилишда қўлланиладиган кўрсаткичлар гурӯхини шакллантириш модели ишлаб чиқилди.

Ушбу моделда қуйидаги кўрсаткичлар мониторинг қилишда фойдаланилади:

- 1.Муаммони аниқлаш ва инновацион ғояни шакллантириш босқичи кўрсаткичлари:
 - онлайн мурожатларни таҳлил этиш ва муаммони аниқлаш;
 - рақобатчиларни ўрганиш;
 - хорижий компаниялар фаолиятини таҳлил этиш;
- 2.Техник жиҳатдан хужжатларни ишлаб чиқиш ва тайёрлаш босқичи кўрсаткичлари:
 - Инновацион жараёнлар бошқарув концепциясини режалаштириш фоизи;
 - Бошқариш концепциясини ишлаб чиқиш ва ташкиллаштириш фоизи;
 - Инновацион жараёнларни амалга оширишни бошлаш учун хужжатларни расмийлаштириш фоизи;
- 3.Инновацион жараёнларни амалга оширишни бошқариш босқичи кўрсаткичлари:
 - Инновацион жараёнларни бошқаруви шаклини танлаш – ишчи гурӯхни шакллантириш ва масъулларни белгилаш;
 - Инновацион жараёнларни назорат қилиш ва тартибга солиш;
 - Инновацион жараёнлар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этишга тақдим этиш;
- 4.Инновацион жараёнлар натижасини тақдим этиш кўрсаткичлари:
 - демо версияни ишга тушириш;
 - тест режимида маркетинг тадқиқотларини ўтказиш;

¹⁴² Муаллиф томонидан мустақил тузилди.

5.Технологиялар трансфери ва тијоратлаштириш кўрсаткичлари:

-оммавий тақдим этиш йўналишларини белгилаб олиш;

-трансфер ва реклама харажатларига инвестиция жалб этиш.

Хулоса ва таклифлар.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, илм-фан ва техника ютуқларини кенг қўллаган ҳолда рақамли иқтисодиёт соҳасига замонавий корпоратив бошқарув жараёнини тезкор жорий этиш иқтисодиётимиз ривожланишининг мұхим шарти ҳисобланади. Глобаллашув шароитида дунёнинг етакчи мамлакатларида рақамли иқтисодиёт соҳасига замонавий корпоратив бошқарув жараёни шиддат билан ривожланаётгани ислоҳотларни мамлакатимизнинг жаҳон цивилизацияси етакчилари қаторига кириш йўлида тез ва сифатли илгарилашини таъминлайдиган замонавий инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологияларга асосланган ҳолда амалга оширишни тақозо этади. Давлатнинг рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йўлини танлаганлиги ахборот технологиялари соҳасида ва умуман, электрон хужжатлар айланмаси соҳасида янги йўналишлар очиб беради. “Рақамли технологиялар” томон бурилишга бутун жаҳон интернет тармоғи ва сифатли алоқанинг ривожланиши сабабчи бўлади.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар ишлаб чиқаришни модернизация, диверсификация қилиш, унинг ҳажмини ошириш ҳамда ички ва ташқи бозорларда рақобатбардош маҳсулотлар турларини кенгайтириш борасидаги ишлар лозим даражада олиб борилмаётганини кўрсатди.

Инновацион ривожланиш стратегияси инновацион жараёнларини бошқаришни ўзаро боғлиқ бўлган услубий ва илмий-амалий қоидалар мажмуаси асосида корпоратив бошқарув тизимини ривожлантириш, ташкилий тузилмаларни бозор мунособатларига мослаштириш мақсадида компания ташкилий тузилмасига ўзgartиришлар киритиш лозим.

Рақамли иқтисодиёт бутун дунёни қамраб олиши туфайли, ахборотлаштириш ва рақамлаштиришга оид ҳар қандай давлат лойиҳаси комплекс равишда ҳамда ягона кодлаш тизими, иқтисодий ва бошқарувга алоқадор ахборотни аниқлаш асосида ўрганилиши лозим.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантиришдаги энг мұхим жиҳат ва бир вақтнинг ўзида энг мураккаб босқич – бу ишбилармонлик мұхитини соддалаштириш ҳамда одамлар ва бизнеснинг давлат билан мuloқотига сарфланажак харажатларни максимал қисқартириш зарур.

Юқорида келтирилган таклифларнинг амалиётга жорий этилиши, бизнинг назаримизда, Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ривожлантиришда корпоратив бошқарувнинг юксалишига имкон яратиб беради ва бу ўз навбатида Ўзбекистоннинг реал ишлаб чиқариш секторида акциялаштириш жараёнининг чукурлашувига ўз таъсирини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сонли “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони

3. Sarpa H., Subramanian A. and Subramanian K.V. Corporate Governance and Innovation: Theory and Evidence. Journal of Financial and Quantitative Analysis, 2014, vol.49, issue 4, pp. 957-1003.

4. Shadab H.B. Innovation and Corporate Governance: The Impact of Sarbanes-Oxley. U. Pa. Journal of Business and Employment Law, 2008, vol.10:4, pp. 955-1008. 4. Мелкумов Я.С. Инвестиций: Учебное пособие. М.: ИНФРА-М, 2003.

5. Don Tapscott, Alex Tapscott. Blockchain Revolution: How the Technology Behind Bitcoin is Changing Money, Business, and the World, 2016, 324 р.

6. Carmen Babaita, Gabriela Sipos, Andreia Ispas, Andrea Nagy. Leadership style and culture for innovation in hotel industry. Economic Department-Tourism Services. West University of Timisoara, Faculty of Economics and Business Administration Timisoara Romania. 2010 y. –р 650

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА ИННОВАЦИОН ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Шомансурова Зилола Абдуваҳитовна
Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети Доценти, Phd

Аннотация. Жаҳонда акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш билан боғлиқ омиллар инновацион фаолиятни кенгайтириш ҳамда уни бошқариш жараёнларини такомиллаштириш орқали иқтисодий тараққиётни таъминлаш заруратини юзага келтирмоқда. Тараққий этган мамлакатларда фаолият кўрсатаётган компаниялар кластер тизими орқали инновацияларни жадаллаштиришга муваффақ бўлган. Глобал инновацион рейтинг агентлиги маълумотларига кўра «Илмий-текшириш ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишиларига харажатларнинг 90% дунёдаги 2500 ортиқ компаниялар маблағлари улушига тўғри келади»¹⁴³. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий тараққиётни таъминлашда акциядорлик жамиятларининг инновацион лойиҳаларини молиялаштириш нисбатан устуворликка эга бўлиб, бу эса инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ амалиётни такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Калит сўзлар: акциядорлик жамияти, Инновация, ноу-хау, модернизация, венчур, марказлаштирилган инвестициялар.

Аннотация. Факторы, связанные с финансированием инновационных проектов акционерных обществ в мире, создают необходимость обеспечения экономического развития за счет расширения инновационной деятельности и совершенствования процессов ее управления. Компании, работающие в развитых странах, смогли ускорить инновации с помощью кластерной системы. По данным Global Innovation Rating Agency, «90 процентов расходов на исследования и разработки приходится на более чем 2500 компаний по всему миру». С этой точки зрения финансирование инновационных проектов акционерных обществ имеет относительно высокий приоритет в обеспечении экономического развития, что требует совершенствования практики, связанной с финансированием инноваций.

Ключевые слова: акционерное общество, Инновации, ноу-хау, модернизация, венчурное предприятие, централизованные инвестиции.

Abstract: Factors related to the financing of innovative projects of joint-stock companies in the world create the need to ensure economic development through the expansion of innovative activities and the improvement of its management processes. Companies operating in developed countries have been able to accelerate innovation with the help of a cluster system. According to the Global Innovation Rating Agency, "90 percent of R&D spending is accounted for by more than 2,500 companies around the world." From this point of view, the financing of innovative projects of joint-stock companies has a relatively high priority in ensuring economic development, which requires the improvement of practices related to the financing of innovations.

Key words: joint-stock company, Innovations, know-how, modernization, venture enterprise, centralized investments.

¹⁴³ https://www.wipo.int/wipo_magazine/ru/2020/03/article_0002.html

Кириш. Жаҳонда компаниялар фаолиятини ривожлантиришда илмий ишларни жадаллаштириш, унинг ишлаб чиқаришга таъсирини кучайтириш, нафақат иқтисодий балки ижтимоий ва экологик жиҳатларидан муаммоларни ўрганиш, ишлаб чиқариш корхоналарини замонавий технология билан таъминлашда инновацион ғояларни амалга татбиқ этиш, компаниялар учун муҳим бўлган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор беришга қаратилмоқда¹⁴⁴. Компанияларда давлат улушига мавжуд бўлса, инновацион лойиҳаларини молиялаштириш, корхоналар молиявий хавфсизлигини ошириш билан боғлиқ инновацион лойиҳалар ва турли хил даражадаги стартап лойиҳаларни молиялаштириш орқали илмий тадқиқотлар олиб бориш ва уни ҳаётга татбиқ этиш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг миллий иқтисодиётда тутган ўрнини янада мустаҳкамлаш, уларни самарали ривожлантириш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «...саноатнинг етакчи тармоқлари ва иқтисодиётни янада либераллаштириш ҳамда трансформация жараёнларини якунлаш»¹⁴⁵ муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион жараёнларини фаоллаштиришнинг муҳим йўналишларига: акциядорлик жамиятлари фаолиятини ривожлантириш ва йирик инвестиция лойиҳаларини амалга оширишни таъминлайдиган давлатнинг бошқарув органлари билан маҳсус ихтисослашган инфратузилма ўртасидаги молиявий муносабатларни барқарорлаштириш борасидаги илмий тадқиқотлар кўламини янада кенгайтириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2021 йил 15 сентябрдаги ПФ-6314-сон «Тадбиркорлик субъектлари учун маъмурий ва солик юкини янада камайтириш, бизнеснинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сон «Тадбиркорлик ва инновациялар соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сон «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида, шунингдек ушбу фаолиятга доир бошқа меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Адабиётлар шархи. Ушбу тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг «Демократик ва хукуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни молиялаштириш муаммолари бир қатор хорижлик иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган. Жумладан, хорижлик олимлардан Смит А, Kaplan R.S, Найт Ф.Х, Feroz E. H., Макконел К.Р., Robert W, илмий изланишларида ўз ифодасини топган¹⁴⁶. Россиялик олимлардан Гаврилова А.Н., Кузнецова О.А., Стоянова Е.С., Шуляк П.Н., Брысаев А. С. Бабич В Новиков А. А., Милеева М. Н., Гарафиев И., ўзларининг илмий ишларида кўриб ўтган¹⁴⁷. Ўзбекистон Республикасида бир

144 <http://elibrary.ru/item.asp?id=12802434>

145 Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 28.01.2022 й. ПФ-60-сон

146 Смит А.Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: Эксмо, 2007. - 960 с., Kaplan R.S., Norton D.P. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System // Harvard Business Review, 1996, January/February, p. 176., Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль: Пер. с англ.-М.: Дело, 2003., Feroz E. H., Park K., Pastena V. S. The Financial and Market Effects of the SEC's Accounting and Auditing Enforcement Releases // Journal of Accounting Research. 1991. Vol. 29. Supplement. pp. 107-142., Макконел К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Экономикс: принципы, проблемы и политика. -И.: Инфра-М, 2017., Robert W. Kolb, Ricardo J. Rodriguez. Financial Management,2nd Edition, 1996. - p. 386.

147 Гаврилова А.Н и др. Финансовый менеджмент. -М.: КНОРУС, 2008. - 432 с., Кузнецова О.А Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов.// Экономика и мат. методы. 1994, Т. 31, Вып. 4., Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом. Учебно-практическое пособие. -М.: Перспектива, 1998. - 128 с., Шуляк П.Н Финансы предприятия -М: Издательско - торговая корпорация «Дашков и К» 2005. - 712 с., Брысаев А. С. Инновационное управление производственными программами и проектами в НГХК. Казань Литагент БИБКОМ. 2013. 978-5-7882-1398-9. 249с., Бабич В Инновационная модель бизнес-процесса. М. «Наука» 321с., Новиков А. А. Ресурсы и факторы инновационного развития российской экономики М.: Синергия 2011., Милеева М. Н. "Innovations and inventions. Инновации и изобретения" М.: Финансы. 2013. 386с., Гарафиев И. Инновационный человеческий капитал и когнитивный труд работника.М.: БИБКОМ. 2012. 312с.

қатор иқтисодчи олимлардан Хамидуллин М.Б.,¹⁴⁸ Қурбонов Х.А., Элмирзаев С.Э., Шерқўзиева Н.А.,¹⁴⁹ Хамроев М.С. ларнинг илмий ишларида корхоналарнинг инновацион фаолиятини молиялаштиришнинг назарий ва амалий асослари тадқиқ қилинган.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракциялаш, тасвирий статистика, експерт баҳолаш, гурухлаштириш, динамик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар. Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида инновацион фаолият акциядорлик жамиятларининг иқтисодий ўсиш имкониятини тобора ривожлантиришнинг асосий омили ҳисобланади. Акциядорлик жамиятларида инновацион жараённинг мунтазам ривожланиб бораётган имкониятлари ижтимоий ҳаётнинг барча томонларини сезиларли равишда ўзгартириб, акциядорлик жамиятларида иқтисодий муносабатларни тубдан янгиламоқда.

Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегиясининг 51 ва 52-мақсадларида инновацион иқтисодиётни шакллантириш фан ва ишлаб чиқаришнинг ўзаро реал интеграцион алоқаларини тизимли шакллантириш орқали глобал инновацион индексда Ўзбекистон Республикасининг 2030 йилга келиб энг юқори 50 мамлакатлар қаторига киритиш белгиланган¹⁵⁰.

Ушбу мақсадларда Республикасининг инновацион ҳудудга айлантирилаётган туман ва шаҳарларида юқори қўшилган қийматли инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга асосланган технологик янгиланиш бўйича умумий қиймати 165,9 млрд. сўмлик жами 195 та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган.

Ушбу йирик ва стратегик аҳамиятга эга инновацион лойиҳалар табиий равишда Ўзбекистонинг глобал инновацион индексдаги позициясини мустаҳкамлашга ижобий таъсир этиши табиий ҳолдир. Бу ўз навбатида йирик инновацияларни молиялаштириш билан боғлиқ молиявий ресурсларни талаб қилиб, ушбу молиявий ресурслар ҳисобига инновацион лойиҳаларни молиялаштириш аввало инновацияларнинг иқтисодий табиати ва аҳамиятини замонавий иқтисодий ислоҳотлар шароитидан келиб чиқсан ҳолда тадқиқ қилишни тақозо қиласди.

Ўзбекистон Республикасида акциядорлик жамиятларининг инновацион фаолиятни қўллаб-қувватлаш корхоналарнинг инвестицион жозибадорлигини оширишга, шунингдек илмий тадқиқот натижаларини субъектлар фаолиятига жорий этиш, инновацион лойиҳалар бўйича фаол ҳаракатларини мувофиқлаштиришни тақозо этади. Акциядорлик жамиятлари томонидан инновацион лойиҳаларни тайёрлаш, уларни амалга ошириш мақсадида инвестицияларни жалб этиш, инновацион жараённи жадаллаштиришга хизмат қиласди инфратузилмани яратиш лозим. Инновацион лойиҳалардан манфаатдор бўлган барча корхоналардан уни амалга ошириш доирасида ўзаро интеграциялашни амалга ошириш керак бўлади. Лекин корхоналар томонидан инновацион лойиҳаларни амалга ошириш жараёнида давлат томонидан унинг олиб борилиши ёки амалга оширилиши тартибга солиб борилади.

2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясининг бош мақсадларидан бири 2030 йилда Глобал инновацион индекс рейтингида жаҳон мамлакатларининг биринчи 50 талигидан ўрин олиш ҳисобланади¹⁵¹. Ушбу давлат харажатларини Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2021 йилга бориб 0,8 %гача

148 Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании.-М.: Монография, 2014. - 148 с., Курбонов Х.А. Корпоративные финансы -Т.: Iqtisod-moliya, 2007.-184 с., Элмирзаев С.Э.

Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». 2016. №2. 286.,

¹⁴⁹ Шерқўзиева Н.А. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси Автореферати. 2021й., Хамроев М. Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси Автореферати. 2021й.

¹⁵⁰ Қаранг: 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фаромонига 1-илова. 51,52-мақсадлар. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

151 Қаранг: 2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш Стратегияси (ЎЗР Президентининг 21.09.2018 й. ПФ-5544-Фармонига 1-илова). <http://buvgalter.uz>

етказиш белгиланган¹⁵². Тадқиқот натижасида аниқландики, жаҳон амалиётида миллый инновацион тизимнинг уч асосий модели амал қилиб, улар АҚШ, Европа ва Япония моделлари ҳисобланади. Ўзбекистонда шакллантирилган миллый инновацион тизимнинг ўзига хос хусусиятли жиҳати унда инновацион фаолиятни ташкил қилишда давлат секторининг фаол иштирокига асосланган Европа ва Япония моделлари уйғунлигини кўришимиз мумкин. Хусусан, унда давлат, акциядорлар ва бошқарув бўғинлари бир команда сифатида иштирок этади. Бунда давлат инновацион фаолиятни ташкил қилувчи бош ташаббускор, маҳсус фонdlарни шакллантириш ва уларни корпоратив бошқарув тизимига ўтказиш механизми амал қиласди.

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2018 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш, %да
Илмий-тадқиқот муассасалари, хусусан, ИТИ, Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясини сақлаш харажатлари	56,6	295,1	347	636,9	1125,3
Давлат илмий-техник дастурларни амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларни молиялаштириш харажатлари	202,3	367,3	476,8	531,7	262,8
Марказлаштирилган инвестицияларда илм фанга ажратмалар	26,5	32,8	43,3	50	188,7
Жами харажатлар	285,4	695,2	823,8	1218,60	427,0
ЯИМ, жорий нархларда	424728,7	529391,4	602193,0	734587,6	173,9
ЯИМда илм-фанга давлат харажатлари улуши, %да	0,07	0,13	0,14	0,17	+0,1

1-жадвал. Давлат бюджетининг илм фанни молиялаштириш харажатлари тўғрисида маълумот¹⁵³, млрд. Сўмда

1-жадвалдан кўришимиз мумкинки, соф давлат бюджетидан илм фанга ажратилаётган харажатлар 2018 йилда 285,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ушбу кўрсаткич 2021 йилда 427 %га (қарийиб 4,2 баробарга) ўсиб номинал қиймати 1218,6 млрд. сўмни ташкил қилган. Натижада илм фанга давлат бюджети харажатларининг ЯИМдаги улуши 2018 йилда 0,07 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб +0,1 %га ўсиб 0,17 фоизни ташкил қилган.

Давлат бюджетининг илм фанни молиялаштириш харажатлари таркибида илмий тадқиқот муасасалари, хусусан, илмий тадқиқот институтлари, Фанлар академиясини сақлаш харажатларининг номинал қиймати 2021 йилга келиб 636,9 млрд. сўмни ташкил қилган бўлиб, 2018 йилга нисбатан 2021 йилдаги ўсиш 1125,3 %ни ташкил қилган. Бундан хулоса қилиш мумкинки, миллый инновацион тизимда илмий инфратузилма муассасаларини модернизациялаш давлат харажатлари сиёсатида устувор аҳамият касб этмоқда.

Давлат бюджетининг ижтимоий соҳаларга харажатлари таркибидаги давлат илмий-техник дастурларни амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларни молиялаштириш харажатлари 2018 йилда 202,3 млрд. сўмни, 2021 йилга келиб эса 531,7 млрд. сўмга етган. Ушбу даврдаги умумий ўсиш 262,8 фоизни (қарийиб 2,6 баробарга ўсган) ташкил қилган.

Ушбу харажатлар давлат илмий техника дастури асосида олий таълим муассасалари, илмий тадқиқот лойиҳалари молиялаштириш бўйича грантларни (асосан, Инновацион ривожланиш ва инновацион ғояларни қўллаб-қувватлаш жамғармасига ажратиладиган маблағлар орқали) ўзида мужассамлаштириб, реал лойиҳаларни молиялаштириш тизими ҳисобланади.

Тадқиқот натижасида маълум бўлдики, миллый инновацион тизим фаолияти самарадорлиги илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари натижаси ҳисобланувчи

¹⁵² Ўша ерда: <http://buxgalter.uz>. 3-боб, 3.2-модда.

¹⁵³ www.openbudget.uz сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.


инновацияларни жорий этиш ва натижада иқтисодий ўсишнинг маълум даражасини таъминлаш ҳисобланади. Бунда инновацион лойиҳалар самарадорлиги уларнинг алоҳида турлари бўйича жорий этилган корхоналар сонига боғлиқдир.

Давлат бюджети харажатлари таркибида марказлаштирилган инвестициялар муҳим аҳамият касб этиб ушбу харажатларнинг таркибида реал илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишларини амалиётга жорий қилиш билан боғлиқ инновацион инвестицияларни ўзида мужассамлаштиради. Ушбу харажатлар 2018 йилда 26,5 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб 50 млрд. сўмни ва умумий ўсиш 188,7 %ни ташкил қилмоқда.

Давлат бюджети харажатлари таркибидаги илм фанга ажратилаётган харажатлар элементларининг номинал миқдоридаги ўзгаришлар, унинг таркибий улусидаги ўзгаришларни таъминлаган. Хусусан, 1-расмга мувофиқ, 2018 йилда жами бюджет харажатларида давлат илмий-техник дастурларни амалга ошириш доирасида илмий лойиҳаларни молиялаштириш харажатлари 70,9 %ни ташкил қилган бўлса, 2021 йилга келиб ушбу жами харажатлар таркибида илмий-тадқиқот муассасалари, хусусан ИТИ Ўзбекистон Республикаси фанлар академиясини сақлаш харажатлари етакчи салмоқни ташкил қилиб 52,3 %ни ташкил қилган.

Марказлаштирилган инвестицияларда илм фанга ажратмаларда ҳам пасайиш кузатилиб 2018 йилдаги жами харажатлардаги 9,3 %лик улуш 2021 йилга келиб 4,1 %га пасайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, давлат бюджетининг илм фанни молиялаштириш харажатлари таркибий пасайиши ҳар бир харажат элементларини номинал миқдорини пасайишини эмас балки. Умумий харажатларнинг юқори суръатдаги ўсиши шароитида ҳар бир харажат элементларининг ўсиш динамикаси ҳар хил бўлганлигига боғлиқдир.



1-расм. Давлат бюджетининг илм фанни молиялаштириш харажатлари таркиби¹⁵⁴ (жамига нисбатан фоизда)

Акциядорлик жамиятлари инновацион лойиҳаларини молиялаштириш давлат бюджети ва республика инвестицион дастурига киритилган инновацион лойиҳаларни имтиёзли кредит эвазига олиб бориш сиёсати ҳам қўлланилади. Корхоналарга инновацион фаолиятни амалга оширишга кўмаклашиш, инновацион фаолиятни оли бора оладиган, уларнинг ҳолатини баҳолаш қобилиятига эга кадрлар билан ишлашда турли хил курсларни шакллантириш ва уларнинг фаолиятини доимо ривожлантириб боради.

Инновацион лойиҳаларни молиялаштиришда инновацион лойиҳа иштирокчиларини, у қайси хорижий инвестор билан фаолият олиб бориши, қандай маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиши каби жиҳатларини ўрганади. Давлат органлари томонидан уларни ҳуқуқий ҳужжатлар билан таъминлаш, ахборот кўмагини кўрсатилиши, уларнинг тақдим

¹⁵⁴ Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

етилиши тартиблари кўрсатиб қўйилади. Қолаверса, янги техника ва технологияларнинг ишлаш муддати, уларнинг самарадорлигини ва эксплуатация қилиш харажатлари, инновацион фаолиятни амалга оширишдаги илмий-техник тадқиқотлар натижаси, уларнинг турли даражадаги дастурларга киритилиши, инновацион лойиҳаларнинг ўз вақтида бажарилиши, молиялаштирилиши ва бошқа маълумотлари мулкдорлар учун муҳим аҳамият касб этади.

Қўйидаги жадвалда Ўзбекистон Республикасида фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотда жорий қилинган инновациялар ҳақида маълумот келтириб ўтамиз.

2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2020 йилда инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотларнинг сони технологик ишланмалар бўйича 1514 нафарни ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 620 тага кўпайган. Маркетинг ишланмалари бўйича инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотларнинг сони эса 2020 йилда 28 тани ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 14 тага ортган. Ташкилий инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотлар сони 2020 йилда 2016 йилга нисбатан 18 тага кўпайган. Жорий қилинган инновациялар сони 2016 йилда 1819 тани ташкил қилган. 2020 йилда эса 4689 тани ташкил қилиб, 2016 йилга нисбатан 2870 нафарга ошган.

№	Инновация турлари	2016	2017	2018	2019	2020
1.	Инновацияларни жорий этган корхона ва ташкилотлар сони:	935	933	1023	1024	1587
1.1	Технологик	894	893	975	982	1514
1.2	Маркетинг	14	20	22	17	28
1.3	Ташкилий	27	20	26	25	45
2.	Ишлаб чиқилган инновациялар сони:	1819	1906	2046	2558	4689
2.1	Технологик	1737	1816	1946	2482	4427
2.2	Маркетинг	36	51	62	42	128
2.3	Ташкилий	46	39	38	34	134
3.	Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар (товарлар, ишлар ва хизматлар) ҳажми, млрд.сўм	8023,6	10688,2	18543,3	28871,5	26811,4
4.	Инновацияларга ажратилган харажатлар, млрд.сўм	5528,3	2571,4	4162,3	4707,2	6603,5

2-жадвал. 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида инновацияларни жорий қилган корхона ва ташкилотлар ҳақида маълумот¹⁵⁵

Ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотлар ҳажми 2016 йилда 8023,6 млрд. сўмни, 2020 йилга келиб эса 26811,4 млрд. сўмга етган. Инновацияларга ажратилган жами харажатлар 2016 йили 5528,3 млрд. сўмни ташкил этиб, 2020 йилда унинг ҳажми 6603,5 млрд. сўмгача ортиб борган.

Ушбу жадвал маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхона ва ташкилотлар инновацион фаолияти асосан инновацияларнинг технологик турини кенг жорий этишга қаратилаётганлиги бўйича хуносалар тизимлаштирилди. Ушбу тенденция биринчи бобда кўриб ўтилганидек, инновациялар миллий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгиланиши учун юқори мултипликатив самараға эга бўлиб, истиқболда юқори қўшилган қийматли рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга шарт шароит яратмоқда.

Давлат инновацион фаолиятни кучайтириш учун қонунчилик муҳити яратади, унинг субъектлари ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради.


Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Фармонига¹⁵⁶ мувофиқ венчур молиялаштиришни ривожлантириш мақсадида

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

¹⁵⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизmlарини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли Фармони.

«Инвестицион ва бошқарув компаниялар тўғрисида»ги Низом лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 майдаги 414-сонли Қарори асосан давлат томонидан 1 та ва 2 та хусусий венчур фонди ташкил этилди. Республикада инновацион фоялар ва стартап-экотизимни қўллаб-қувватлаш, инновацион инфратузилмани ривожлантириш жараёнини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 3 ноябрдаги «UzVC» миллый венчур фонди фаолиятини ташкил қилиш чоратадбирлари тўғрисида»ги 684-сонли Қарорига мувофиқ «UzVC» Миллый венчур фонди ташкил этилди ҳамда устав капитали 15 миллиард сўм миқдоридаги Фонднинг бошлангич устав капитали 2020 йил Ўзбекистон Республикаси бюджетидан Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан шакллантирилди.

Кўплаб акциядорлик жамиятларда ИТТКИ ўтказиш, янги асбоб-ускуна ва анжомлар харид қилиш, амалдаги ишлаб чиқаришни қайта таъминалаш ва техник қайта жиҳозлаш, янги обьектлар қурилишини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобига амалга оширилади.



2-расм. 2017-2020 йилларда Ҳудудлар кесимида ўзлаштирилган инновацияларнинг ҳолати¹⁵⁷

2-расмда 2017-2020 йилларда Ҳудудлар кесимида ўзлаштирилган инновацияларнинг ҳолати таҳлилини амалга оширамиз. Жадвалда тақдим этилган маълумотларга кўра, 2017-2018 йилларда Қорақалпогистон Республикаси етакчи ҳисбланган бўлса-да, охирги 3 йилда инновацияларни жорий этиш ҳолати пасайган. Сирдарё вилоятида 76,4%, Тошкент вилоятида инновацион сиёсатга қаратилаётган эътибор натижасидаги ҳолати 69,4%, Сурхондарёда ҳам инновацион ишлар бўйича олиб борилаётган ҳолати 68,2%ни ташкил этган.

Қўйидаги вилоятларда Навоий 56,8%, Жizzax 55,4%, Самарқанд 55,2%, Хоразм 54,2%, Тошкент 53,4% ни ташкил этган. Ушбу Ҳудудларда инновацион ишланмаларни ўзлаштириш ҳолати 50% дан юқорини ташкил этаётган бўлса, Наманган 39,9%, Бухоро 38,2%, Фарғона 5%, Қашқадарё 15,6%, Андижон 13,6% ни ташкил этиб, инновацион лойиҳалар билан ишлаш ҳолати анча паст даража бўлган.

Ўзбекистон Республикаси 2017-2018 йилларда инновацион ишланмаларни амалга ошириш ва амалиётга жорий этиш ҳолати 58,2% бўлган. Бундан шундай хуоса қилиш мумкинки, иқтисодиёт тармоқларида фаолият кўрсатаётган корхоналарда ҳали ҳам етарлича илмий ишланмалар олиб борилмаяпти. Масалан, 2019 йилда Андижон, Бухоро ва Фарғона вилоятлари илмий ишланмалар бўлса ҳам уларнинг ишлаб чиқаришга жорий этишда муаммолар мавжуд бўлган. Етакчилик қилган. 2020 йилда Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида ишлаб чиқариш субъектлари илмий изланиш марказлари билан биргалиқда инновацион ишланмаларни ҳаётга татбиқ этиб илғор Ҳудудлардан бири бўлган. 2020 йилга келиб мамлакатимизда олдин амалиётга жорий этилган ва кейин такомиллаштирилган лойиҳалар 21% ни ташкил этган.

Хуоса ва таклифлар. Акциядорлик жамиятларда инновацион фаолиятни

¹⁵⁷ Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш Вазирлиги маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилган.

ривожлантириш орқали ишлаб чиқаришни технологик жиҳатдан модернизациялаш имкониятлари рўёбга чиқарилади.

Ўзбекистон Республикасида фаолият олиб борувчи корхона ва ташкилотлар инновацион фаолияти асосан инновацияларнинг технологик турини кенг жорий этишга қаратилган. Назарий жиҳатдан ушбу жараён миллий ишлаб чиқаришни модернизациялаш ва технологик янгиланиши орқали иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ортишига шарт шароит яратмоқда.

Миллый инновацион тизим самарали фаолияти натижасида ишлаб чиқилган инновациялар сони ҳам асосан инновацияларнинг технологик турига тўғри келиб, натижада ишлаб чиқарилган инновацион маҳсулотларнинг ҳажмининг кескин ортишини таъминлаган.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш қўйидаги стратегик мақсадларни реализация қилишга шарт шароит яратади:

ишлаб чиқариш жараёнидаги қўшилган қиймат занжирида таннарх ва давр харажатларини иқтисод қилиш, молиявий эксплуатацион эҳтиёжларни оптималлаштириш орқали молиявий харажатларни минималлаштириш пировардида фойдани максималлаштириш орқали рентабеллик кўрсаткичларини барқарорлаштириш учун шарт шароит яратади;

янги инновацион товарлар ишлаб чиқарилиши бозордаги сегментларни кенгайтириш орқали товарлар реализациясини тезлаштиради, ишбилармон фаоллик индексини ортиши натижасида корхонанинг бозор қийматини максималлаштиришга шарт шароит яратади.

Акциядорлик жамиятларида инновацион лойиҳаларни самарали амалга ошириш давлат томонидан инновацион лойиҳаларни молиявий қўллаб қувватлаш сиёсатига боғлиқдир.

Акциядорлик жамиятлари тақдим этадиган инновацион лойиҳаларни амалга оширишда унинг ижтимоий-иқтисодий муҳимлигига эътиборни қаратиш лозим. Агарда инновацион лойиҳалар бюджет маблағлари ҳисобига молиялаштириш кўзда тутилган бўлса, унда ушбу жараённи конкурс асосида молиялаштириш мақсадга мувофиқ. Инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш бюджетдан ташқари фондларига ҳисобига ҳам молиялаштирилган кўзда тутилади.

Келажакда инновацияларга молиялаштиришга муносабатни ўзгартириш ва венчурли молиялаштиришни йўлга қўйиш ва венчур корхоналар фаолиятини ривожлантириш долзарб бўлмоқда, чунки инновацион лойиҳаларнинг кичик бир қисми улкан муваффақият билан якунланиши мумкин. Давлат грантларини жорий этишда ва уни амалга оширишда бюрократия даражасини пасайтириш инновацияларни ривожлантириш учун маблағларни жалб қилиш жараёнини соддалаштириш муҳим ҳисобланади.

Акциядорлик жамиятларда инновацион фаолиятни молиялаштиришнинг самарали механизмини яратиш, акциядорлик жамиятларнинг инқироз ҳолатидан чиқиш йўлини инновацион фаолиятни ривожлантириш асосида бозор талабларига жавоб берадиган янги маҳсулотларни ишлаб чиқиш орқали таъминлаш лозим.

Акциядорлик жамиятлари инновацион салоҳиятига оид илмий қарашларни умумлаштириш натижасида унинг таркибий компонентларини қўйидаги элементларни ажратиш тавсия этилди: биринчиси, инновацион салоҳиятнинг негизини ташкил қилувчи ҳар бир корхонада тадбиркорлик самарали фаолияти натижасида тўпланган ички имкониятлар. Ушбу компонентнинг иккинчи элементи “ИТТКИ бўйича функционал” ва учинчи элемент “ташкилий ва тўпланган тажриба” каби ички имкониятлар компонентлари билан узвий боғлиқлиқда шаклланиб боради. Инновацион фаолият бўйича тўпланган тажриба аввало ушбу фаолиятни тизимли йўлга қўйилганлиги ва функционал секциялар бўйича ваколатларнинг ўзаро тақсимот тизимини ўзида мужассамлаштирувчи яхлит ташкилий тизимга асосланишини тақозо қиласи.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги Фармони, 28.01.2022 й. ПФ-60-сон

2. 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт Стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон Фаромонига 1-илова. 51,52-мақсадлар. <https://lex.uz/uz/docs/5841063>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик ва инновация соҳасида лойиҳаларни молиялаштириш механизмларини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тӯғрисида» ги 2019 йил 24 ноябрдаги ПФ-5583-сонли Фармони.

4. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов.-М.: Эксмо, 2007. - 960 с., Kaplan R.S., Norton D.P. Using the Balanced Scorecard as a Strategic Management System // Harvard Business Review, 1996, January/February, p. 176., Найт Ф.Х. Риск, неопределенность и прибыль: Пер. с англ.-М.: Дело, 2003., Feroz E. H., Park K., Pastena V. S. The Financial and Market Effects of the SEC's Accounting and Auditing Enforcement Releases // Journal of Accounting Research. 1991. Vol. 29. Supplement. pp. 107-142., Макконел К.Р., Брю С.Л., Флинн Ш.М. Экономикс: принципы, проблемы и политика. -И.: Инфра-М, 2017., Robert W. Kolb, Ricardo J. Rodriguez. Financial Management, 2nd Edition, 1996. - р. 386.

5. 1 Гаврилова А.Н и др. Финансовый менеджмент. -М.: КНОРУС, 2008. - 432 с., Кузнецова О.А Структура капитала. Анализ методов ее учета при оценке инвестиционных проектов.// Экономика и мат. методы. 1994, Т. 31, Вып. 4., Стоянова Е.С. и др. Управление оборотным капиталом. Учебно-практическое пособие. -М.: Перспектива, 1998. - 128 с., Шуляк П.Н Финансы предприятия -М: Издательско - торговая корпорация «Дашков и К» 2005. - 712 с., Брысаев А. С. Инновационное управление производственными программами и проектами в НГХК. Казань Литагент БИБКОМ. 2013. 978-5-7882-1398-9. 249с., Бабич В Инновационная модель бизнес-процесса. М. «Наука» 321с., Новиков А. А. Ресурсы и факторы инновационного развития российской экономики М.: Синергия 2011., Милеева М. Н. "Innovations and inventions. Инновации и изобретения" М.: Финансы. 2013. 386с., Гарафиев И. Инновационный человеческий капитал и когнитивный труд работника.М.: БИБКОМ. 2012. 312с.

6. Хамидуллин М.Б. Повышение инвестиционной привлекательности и активизация участия акционерных обществ на рынках капитала // Новые тенденции в экономической науке и образовании.-М.: Монография, 2014. – 148 с., Қурбонов Х.А. Корпоративные финансы -Т.: Iqtisod-moliya, 2007.-184 с., Элмирзаев С.Э. Организационные характеристики и вопросы совершенствования дивидендной политики. Электронный журнал. «Международные финансы и бухгалтерский учет». 2016. №2. 286.,

7. Шерқўзиева Н.А. Акциядорлик жамиятларида дивиденд сиёсатини оптималлаштириш орқали инвестицион жозибадорликни ошириш. Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси Автореферати. 2021й., Хамроев М. Суғурта хизматлари бозорининг инновацион фаолиятини такомиллаштириш. Иқтисодиёт фанлари буйича фалсафа доктори (Phd) диссертацияси Автореферати. 2021й.

Хизмат кўрсатиш соҳаси: унинг моҳияти, аҳамияти ва унинг ривожланиш истиқболларини статистик баҳолаш

Эрназаров Гулам Бекбаевич -

Тошкент шаҳридаги “МЭИ” миллый тадқиқот универсиети“ Федераль давлат бюджети олий таълим муассасаси филиали “Таълим сифатини назорат қилиш” бўлими бошлиғи, иқтисодиёт фанлар номзоди (PhD). тел.91.001-00-91

Аннотация: Мақолада иқтисодиётнинг таркибий қисмлардан бири бўлган хизмат кўрсатиш соҳаси фаолияти статистик кузатувлар асосида ўрганилиб, унинг мазмун-моҳияти очиб берилган. Соҳанинг республика миллый иқтисодиётда тутган ўрни, аҳамияти, ЯИМдаги улуши ва унинг ривожланиш истиқболлари статистик таҳлил қилинган.

Аннотация: В статье на основе статистических наблюдений исследуется деятельность сферы услуг, которая является одной из составляющих экономики, и раскрывается ее сущность. Статистически проанализированы роль отрасли в народном хозяйстве республики, ее значение, доля в ВВП и перспективы ее развития.

Abstract: Based on statistical observations, the article examines the activities of the service sector, which is one of the components of the economy, and reveals its essence. The role of the industry in the national economy of the republic, its significance, its share in GDP and the prospects for its development are statistically analyzed.

Калит сўзлар: хизмат кўрсатиш, ижтимоий соҳа, консалтинг хизматлари, уй-жой коммунал хўжалиги, аҳоли турмуш шароити, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар, халқаро тажриба, хусусий сектор.

Ключевые слова: услуги, социальная сфера, консультационные услуги, жилищно-коммунальное хозяйство, условия жизни населения, здравоохранение и социальные услуги, услуги, предоставляемые на душу населения, международный опыт, частный сектор.

Keywords: services, social sphere, consulting services, housing and communal services, living conditions of the population, health and social services, services provided per capita, international experience, private sector.

Кириш. Мамлакатимизда ҳудудларнинг молиявий салоҳиятини юксалтириш ва унда хизматлар соҳасининг аҳамиятини оширишга қаратилган иқтисодий ислоҳотлар изчилиллик билан амалга оширилмоқда.

2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида ушбу соҳани ривожлантириш борасида аниқ чора-тадбирлар белгилаб берилди.

Демак, хизматлар соҳасининг ривожланиши ҳозирги замон иқтисодиётида мухим аҳамият касб этади. Иқтисодиётда хизматлар ҳажми ошишининг асосий омилларини илмий билимлар, номоддий шаклдаги тўпламлар, ахборот технологиялари ва тадбиркорлик фаолияти интеграцияси омиллари ташкил этади. Иқтисодиётнинг бу сектори турли хил фаолият турларини ўз ичига олиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ёрдам беради. Ушбу фаолиятнинг якуний натижаси тайёр маҳсулот эмас, балки кўрсатилган хизматлардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғриси”да 27 май 2022 йилдаги ПФ-104-сонли қарорида “2021–2023 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасини ривожлантириш дастурини амалга ошириш натижасида 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми қарийб 20 фоизга ўсади. Шу билан бирга, хизматлар соҳасини ривожлантиришга янгича ёндашувларни жорий этиш орқали бозор хизматлари ҳажмини 2022 йилда 1,5 бараварга ошириш ҳамда қўшимча 1,5 миллион янги иш ўринларини яратиш имкониятлари мавжуд, деб таъкидлаб ўтди” [3].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ҳозирги вақтда ушбу мавзу юзасидан бир қатор маҳаллий ва хорижий олимлар илмий тадқиқот ва изланишлар олиб боришмоқда, улар мазкур соҳани ривожлантиришга ўз ҳиссаларини қўшишмоқда. Хорижий олимлардан Разомасова Е.А[4]. Сфера услуг: теория, состояние и развитие: монография // НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации». – Новосибирск, 2011. – 136 с. Монографиясида “Ривожланган иқтисодий жамиятни турли хил хизматлар кўрсатишга ихтисослашган миллий иқтисодиёт тармоқларининг мажмуаси ва иқтисодий механизми бўлган, иқтисодий ривожланган тизимсиз тасаввур қилиш қийин. Ушбу тизимнинг номи хизмат кўрсатиш соҳасидир” деб, хизмат кўрсатиш соҳасига таъриф беради.

Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Servise menedjment and Operation – 2-е международ изд. (пер.с англ нар. наук ряд. В.В. Кулибановой) / К.Хаксивер, Б.Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – Спби. др: Питер бух. 2002. – С. 496[5]. Ушбу асарда сервис иқтисодиётининг шаклланиши ва ривожланиб бориши, хизмат кўрсатиш соҳасида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш ва бошқариш тизими, унинг усули ва воситалари тадқиқ этилган.

Ю.В. Мелешко[6] «Трансформация определения понятия «услуг» в контексте концепции постиндустриального общества» // Россия: Интернет-журнал “Экономическая наука сегодня” №4. 2016 год. номли илмий мақоласида “XX аср охири - XXI аср бошлари иқтисодиётидаги энг ёрқин тенденциялардан бири хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суратларда ривожланиши ҳисобланади. Саноат ишлаб чиқариши – асоси 18-асрнинг охиридан бошлаб мамлакатларнинг муваффақиятли иқтисодий ривожланиши ўз ўрнини хизмат кўрсатиш соҳасига бўшатиб берди, шу сабабли жаҳон иқтисодиётида саноат инқилоби билан таққосланадиган таркибий қайта қуриш содир бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш даражаси давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг мезонига айланди” деб, таъриф бериб ўтади.

Мұхаммедов М.М.[7] “Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш - устувор масала”. Servis jur. №1, 2009.- 47-56 б[8]. Ушбу китобда “Хизмат кўрсатиш соҳаси аҳолининг соғлиғига, кайфиятига, меҳнатга муносабатига, ишчи-ходимларнинг меҳнат унумдорлигига, ўз ҳаётидан розилик даражаси ва хурсандлигига, умуман, ишлаб чиқариш кучларининг ҳаёти ва тараққиётiga бевосита ва сезиларли даражада таъсир кўрсатиши” масалаларини илмий жиҳатдан ёритиб берган.

Р.Ботирова[8] “Ҳудудларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари. №11(119)-2017”. Илмий ишида “Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатлари, янги пайдо бўлган хизмат турлари, бозор ҳамда истеъмолчилар эҳтиёжларига мослашиши, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишдаги аҳамияти тўғрисида” ўз фикрларини билдириб ўтган.

Бугунги кунда ҳам бошқа кўплаб олимлар ҳам хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, унинг статистик таҳлил: муаммолар ва уларнинг ечимлари бўйича тадқиқотлар олиб боришмоқда.

Тадқиқот методологияси. Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг энг мұхим секторлари сифатида кўплаб йўналишлар жамланган хизматларнинг ўрни жуда катта ва долзарбдир. Бу, аввало ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар киритувчи фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади.

Мавзуни ўрганишнинг статистик усууллари таянган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий таҳлиллар, мантиқий ёндашув, статистик кузатиш, танланма кузатув ва бошқа кўплаб илмий ўрганиш усул ва услубларидан кенг фойдаланилган.

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар доирасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида «....арzon уй-жойлар барпо этиш, йўл-транспорт, мұхандислик – коммуникация ва ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш ҳамда модернизация қилиш бўйича мақсадли дастурларни амалга ошириш, ... »[1] юзасидан мұхим вазифалар белгилаб берилган.

Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикаизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа

фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Тадқиқот методологияси. Мавзуни ўрганишнинг статистик усуслариiga таянган ҳолда, иқтисодий-ижтимоий таҳлиллар, мантиқий ёндашув, статистик кузатиш, танланма кузатув ва бошқа кўплаб илмий ўрганиш усул ва услубларидан кенг фойдаланилган.

Мавзунинг долзарблиги. Бу каби устувор вазифалар муваффақиятли ҳал этилиши хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий самарадорлигини ошириш ҳисобига республикамиз аҳолисига сифатли хизмат кўрсатишнинг аниқ чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, статистик кўрсаткичлар тизимини такомиллаштириш ва истиқболларини статистик прогнозлашни талаб этади. Республикаизда хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодий-статистик таҳлил қилиш, соҳа фаолиятига таъсир қилувчи омилларни комплекс статистик баҳолаш ҳамда иқтисодий самарадорлигини оширишга қаратилган, илмий асосланган таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб масалаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда иқтисодиётнинг энг муҳим секторлари сифатида кўплаб йўналишлар жамланган хизматларнинг ўрни жуда катта ва долзарбdir. Бу, аввало ишлаб чиқаришнинг мураккаблашиши, бозорнинг товарлар билан тўйинганлиги, жамият ҳаётига янгиликлар кири туви фан-техника тараққиёти билан боғлиқ. Буларнинг барчаси ахборот, молиявий, транспорт, консалтинг хизматлари ва бошқа турдаги хизматлар мавжудлигини тақозо этади. Айниқса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарорининг қабул қилиниши соҳанинг бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда тутган ўрни ниҳоятда муҳимлигини кўрсатиб бермоқда.[3]

Асосий қисм (таҳлиллар ва натижалар). Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси томонидан берилган 2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра “Хизматлар соҳасида кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми - 283.301,6 млрд. сўмни ташкил этиб, унинг номинал ҳажми 63 323,1 млрд. сўмга ошган. Таққослама эквивалентда 2020 - йилнинг январь-декабр ойларига нисбатан ўсиш суръати 119,2 % ни ташкил этган.


Хизматлар соҳасида кичик тадбиркорликнинг улуши – 51,1 %ни, аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми – 8.114,0 минг сўмни, хизматлар соҳасида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар улуши – 65,7 %ни ва аҳоли жон бошига кўрсатилган хизмаларнинг ўсиш суръатлари –116,9 % ни ташкил этган”¹⁵⁸.

2021 йил 1 январь ҳолатига республикада 475,2 мингта фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар қайд этилди. Уларнинг 309,4 мингдан ортиги хизматлар соҳаси корхона ва ташкилотлариридир. Таҳлиллар кўрсатадики, мазкур кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 18,1 % га ошган¹⁵⁹.

Кўрсаткичлар	2016й	2017й	2018й	2019й	2020й	2021й
I. ЯИМ, жами	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати Маҳсулотларга соғ солинклар	91,2 8,8	89,0 2017	89,3 10,7	91,5 8,5	92,6 7,4	92,8 7,2
II. Тармоқларнинг ялпи қўшилган қиймати	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0	100,0
Кишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги Саноат (курилишни қўшган ҳолда)	32,1 25,1	32,2 26,5	30,0 31,1	26,9 34,4	27,1 34,2	26,9 34,5
саноат курилиш	19,5 5,6	21,1 5,4	25,3 5,8	28,1 6,3	27,5 6,7	27,8 6,7
Хизматлар савдо, яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	42,8	41,4	38,9	38,7	38,7	38,6
ташиши ва сақлаш, ахборот ва алоқа бошқа хизмат тармоқлари	8,0 9,1 25,7	7,6 9,0 24,8	7,1 8,1 23,8	6,7 7,6 24,4	6,7 7,0 25,0	7,0 7,2 24,4

¹⁵⁸ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, //stat/uz.

¹⁵⁹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, //stat/uz.



1.1-расм. Республикализ ЯИМ ҳажмида хизматлар ҳажми¹⁶⁰

Республикализ тармоқлари ялпи қўшилган қийматида (1-жадвал) хизматлар соҳасининг улуши 2021 йил якунлари бўйича 38,6 фоизни ташкил этиб, кўрсатилган хизматлар ҳажми 284 165,4 млрд.сўмга етди ёки 2020 йилдагига нисбатан 1,2 фоиз ўсишга эришилган.

1-жадвал

Иқтисодий фаолият турлари кесимида Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти таркиби (жамига нисбатан, фоизда)

2021 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича таркиби таҳлили қўйидагиларни кўрсатди: хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий сонида яшаш ва овқатланиш бўйича хизмат кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 9,7 %га teng; ташиш ва сақлаш фаолияти билан шуғулланувчи корхона ва ташкилотлар улуши 5,6 %га етди; ахборот фаолияти билан шуғулланувчи ва алоқа хизматлари кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар улуши 3,1 % бўлди; соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар улуши 3,0 %ни ташкил қиласди¹⁶¹

Айтиш лозимки, 2020 йил 1 январь ҳолатига хизматлар соҳасида 262,0 мингта корхона ва ташкилот фаолият юритган. У хизматлар соҳасида фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар умумий таркибида савдо хизматлари энг катта (38,6 фоиз) улушга эга бўлган. Бунда яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар салмоғи 9,8 фоизни, ташиш ва сақлаш хизматлари улуши 5,9 фоизни, ахборот ва алоқа хизматлари ҳиссаси 3,0 фоизни, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар йўналиши улуши 3,0 фоизни, бошқа турдаги хизматлар салмоғи эса 39,7 фоизни ташкил этган.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида транспорт хизматлари энг катта улушни эгаллади (2-жадвал).

2020 йил 1 январь ҳолатига жами хизмат кўрсатиш ҳажмида уларнинг улуши 28,1 %ни ташкил этди. Бу борада, юқори кўрсаткичлар шунингдек, савдо хизматлари (25,1 %) молиявий хизматлар (18,2 %), алоқа ва ахборот хизматларига (5,7 %) тўғри келди¹⁶².

2-жадвал

¹⁶⁰Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари, //stat/uz.

¹⁶¹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

¹⁶²Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий-иқтисодий ҳолати. Статистик тўплам. – Т.: ЎзРДСҚ, 2020. –156 6.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича бозор хизматларининг ишлаб чиқариш динамикаси (2020 йил 1-январь ҳолатига)¹⁶³

Кўрсаткичлар	Млрд.сўм	2018 йилга нисбатан, %	Жамига нисбатан, %
Хизматлар жами. Шу жумладан, асосий турлар бўйича:	190356,0	112,5	100,0
Алоқа ва ахборот хизматлари	10869,2	108,0	5,7
Молиявий хизматлар	34635,0	154,6	18,2
Транспорт хизматлари	53576,5	105,6	28,1
Шу жумладан, автотранспорт хизматлари	25279,1	103,5	13,3
Яшаш ва овқатланиш хизматлари	5715,9	105,6	3,0
Савдо хизматлари	47693,3	105,1	25,1
Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	5862,2	103,1	3,1
Таълим соҳасидаги хизматлар	6990,4	106,8	3,7
Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	2930,3	113,4	1,5
Ижара хизматлари	3952,3	104,1	2,1
Компьютерлар ва майший товарларни таъмирилаш бўйича хизматлар	3102,1	103,7	1,6
Шахсий хизматлар	4564,8	103,7	2,4
Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник соҳасидаги хизматлар	4039,0	108,1	2,1
Бошқа хизматлар	6425,0	102,8	3,4

Агар 2021 йилнинг дастлабки маълумотларига кўра, иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибини статистик ўрганиб чиқадиган бўлсак, “Иқтисодий фаолият турлари бўйича кўрсатилган бозор хизматлари таркибида энг катта улушни савдо хизматлари эгаллайди. 2021-йил январ-декабр ойларида бу хизматларнинг улуши 25,7 % ни ташкил этди. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар транспорт (23,8 %), молиявий хизматлар (21,1 %), алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (6,0 %), шунингдек, таълим соҳасидаги хизматлар бўйича (4,2 %) қайд этилди”¹⁶⁴.

2018 йилга нисбатан аҳоли жон бошига кўрсатилган бозор хизматлари ҳажми 1090,1 минг сўмга ошди ва 5668,6 минг сўмга тенг бўлди, унинг ўсиши 10,4 %ни ташкил этди (3-жадвал).

3-жадвал

Ҳудудлар бўйича аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми (2020 йил 1 январь ҳолатига), минг.сўм¹⁶⁵

Ўзбекистон Республикаси	5668,6
Қорақолпоғистон Республикаси	2964,0
Андижон	3141,6
Бухоро	4275,4
Жizzах	3058,6
Қашқадарё	2691,1

¹⁶³Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

¹⁶⁴Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

¹⁶⁵Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари. //stat/uz.

Навоий	4904,4
Наманган	2675,5
Самарқанд	3196,9
Сурхондарё	2873,2
Тошкент	4705,7
Фарғона	3034,2
Хоразм	3065,0
Сирдарё	3128,1
Тошкент шаҳри	25703,0

Тошкент шаҳрида аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми 25703,0 минг сўм эквивалентида белгиланган. Шу билан бирга, юқори кўрсаткичлар Навоий (4904,4 минг сўм), Тошкент (4705,7 минг сўм), Бухоро (4275,4 минг сўм) вилоятларида қайд этилди. Наманган (2675,5 минг сўм), Қашқадарё (2691,1 минг сўм) ва Сурхондарё (2873,2 минг сўм) вилоятларида бошқа худудлардаги нисбатан аҳоли жон бошига хизматлар ҳажми нисбатан паст бўлди.

Таҳлилларимиз кўрсатдикি, Республикаизда 2021 йилда 2020 йилга нисбатан хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми 102,3 фоизга, аҳоли жон бошига тўғри келувчи хизматлар ҳажми эса 100,4 фоизга тенг бўлган. Бугунги кунда республикаизда бир кишига тўғри келувчи хизматлар ҳажми ўтган йилга нисбатан 0,4 фоизга ошган ёки ўртача 5668,6 минг сўмга тенг. Жами кўрсатилган хизматлар ҳажмида Тошкент шаҳри (34,3 %), Тошкент (7,2 %), Самарқанд (6,4 %) вилоятлари юқори салмоқقا эга, энг паст улуш Сирдарё (1,4), Жizzах (2,2 %), Навоий (2,6 %) вилоятларига тўғри келади.

Хуноса қилиб айтиш лозимки, бу ислоҳатларнинг узвийлигини давом эттириш, хусусан, хизмат кўрсатиш соҳасини истиқболда тизимли ривожлантириш ва унинг сифатини янада ошириш борасида Президентимиз томонидан “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясида” кўплаб мақсад ва вазифалар белгилаб берилиди.

Ушбу мақсад ва вазифалардан келиб чиқсан ҳолда, **биринчидан** худудларда хизматлар кўламини кенгайтириш, янги хизмат турларини жорий этиш орқали соҳада ижобий муҳитни яратиш ҳамда унинг мамлакат иқтисодиётидаги улушкини кескин ошириш. Бунинг учун хизматлар соҳасининг самарадорлигини янада ошириш ва хизматлар соҳасини иқтисодиётнинг драйверига айлантириш зарур.

Иккинчидан транспорт ва логистика хизматларини ривожлантириш, чекка худудларнинг интернет билан таъминланганлик даражасини ошириш ва сифат кўрсаткичларини яхшилаш, йўл бўйи хизмат кўрсатиш инфратузилмаларини замонавий талабларга мослаштириш, соғлиқни сақлаш тизимида бўш турган бино ва ерлардан самарали фойдаланиш мақсадида ушбу соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш ҳамда улар фаолиятини кенгайтириш.

Ушбу вазифаларнинг бажарилиши хизматлар соҳасини ривожлантириш учун концептуал жиҳатдан мутлақо янги тизимни жорий этиш имконини беради.

Манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022—2026 йилларда Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони. // www.lex.uz

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 27 январдаги “Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-104-сонли қарори. // <https://lex.uz/docs/5840284>

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113-сонли қарори. // <https://lex.uz/ru/docs/5421233>

4. Разомасова Е.А. Сфера услуг: теория, состояние и развитие: монография // НОУ ВПО Центросоюза РФ «Сибирский университет потребительской кооперации». – Новосибирск, 2011. – 136 с.

5. В.В. Кулибановой и др. “Управления и организация в сфере услуг: теория и практика: Servise menedjment and Operation – 2-е международ изд. / К.Хаксивер, Б. Рендер, Р.С.Рассел, Р.Г.Мердик – Спб. др: Питер бух. 2002. – С. 496. <http://naukovedenie.ru/PDF/53EVN>

КОРХОНАЛАР МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

ЮЛДАШЕВ ФОЗИЛ ТУРОПОВИЧ

Денов тадбиркорлик ва педагогика институти катта ўқитувчиси
e-mail : fozil_2225@mail.ru +998 91 780 58 81

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакатимиздаги корхоналарнинг молиявий барқарорлигини такомиллаширишнинг аҳамияти ҳамда келгусидаги масалалари кўриб чиқилган. Шунингдек, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги таҳлил қилинган ва уларнинг фаолияти бўйича тегишли хуносалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, маҳсулотни сотишдан тушум, даромад, харажат, самарадорлик, барқарорлик

Аннотация: В данной статье рассматривается важность развития финансовой устойчивости предприятий в нашей стране и вопросы будущего. проанализирована финансовая устойчивость предприятий и сформированы соответствующие выводы об их деятельности.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, доход от реализации продукции, доход, себестоимость, эффективность, устойчивость

Abstract: This article discusses the importance of developing the financial sustainability of enterprises in our country and issues of the future. analyzed the financial stability of enterprises and formed the appropriate conclusions about their activities.

Key words: financial stability, income from sales of products, income, cost, efficiency, sustainability

Кириш

Маълумки, корхона фаровонлигининг калити ва ривожланишининг асоси унинг барқарорлигидир. Шу билан бирга, корхона барқарорлиги нафақат ички ресурсларни бошқариш самарадорлигига, балки умумий иқтисодий ҳолатга, сиёсий, ижтимоий ва бошқа омилларга ҳам боғлиқ. Корхонанинг молиявий ҳолатини баҳолаш молиявий барқарорлик таҳлилисиз тўлиқ бўлмайди. Компания балансининг ликвидлигини таҳлил қилиб, пассивлар ҳолатини активлар ҳолати билан солиштириш; бу компаниянинг қарзларини тўлашга қанчалик тайёрлигини баҳолаш имконини беради. Молиявий барқарорликни таҳлил қилиш вазифаси активлар ва пассивларнинг ҳажми ва тузилишини баҳолашдан иборат. Бу қўйидаги саволларга жавоб бериш учун зарур: корхона молиявий нуқтаи назардан қанчалик мустақил, бу мустақиллик даражаси ўсиб бормоқда ёки пасаймоқда, унинг активлари ва пассивлари ҳолати унинг молиявий-хўжалик фаолияти мақсадларига жавоб берадими. Активларнинг ҳар бир элементи ва умуман мулк учун мустақилликни тавсифловчи кўрсаткичлар таҳлил қилинаётган корхонанинг молиявий барқарорлигини ўлчаш имконини беради. Компаниянинг молиявий барқарорлиги капитал таркибининг кўрсаткичлари билан тавсифланади, бу компания ўз фаолиятини қарз манбаларидан амалга оширишда қанчалик мустақил эканлигини кўрсатади.

Мавзуга оид адабиётларнинг танқидий таҳлили

Маълумки, молиявий барқарорликни баҳолашнинг умумий қабул қилинган ягона мезони ҳозирча мавжуд эмас. Корхоналар молиясини ташкил этиш ва самарали бошқариш аҳамияти юқорилиги ва ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалиётда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллашириш бўйича иқтисодчи олимларнинг турлича ёндашувлари ва вариантлари учрайди.

Жумладан, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва Б.И.Исройлов (2019) молиявий

бақарорликни корхона ўз маблағлари ва барча маблағларнинг нисбати сифатида ифодалаб, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини қўйидаги гуруҳларга ажратадилар:

- ўз маблағлар (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- четдан жалб этилган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

И.Д.Мандель (2009) эса барқарор ўсиш коэффициентини ва ликвидилик, молиявий мустақиллик, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, айланувчанлик ва рентабеллик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи унинг омилларга асосланган моделини кўриб чиқади.

Профессор Т.С. Маликовнинг (2009) фикрига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини умумий (автономия коэффициенти, қарз капиталининг концентрациялашув коэффициенти, қарз ва ўз маблағларнинг нисбати коэффициенти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти) ифодалайди. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодчи олим, профессор Э.А.Акрамов (2003) молиявий мустаҳкамлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичларини тавсия этган ва унга таъсир этувчи омилларни асослаб берган. Шунингдек, у молиявий барқарорлик тоифаси корхонанинг молиявий ҳолатини зарурый бир хил даражада туриши ва пасаймаслигини ифодаловчи кўрсаткич эканлигини таъкидлайди.

Юқорида билдирилган фикрларнинг умумлашма таҳлили "молиявий барқарорлик" тушунчаси моҳиятини тушунишга С.Я. Елецких (2018) уч хил ёндашув мавжудлигини таъкидлайди.

Биринчи ёндашув мазкур тушунчани тор маънода тушунишни изоҳлайди ва хўжалик субъекти молиявий ҳолатининг кўрсаткичларидан бири сифатида талқин этади.

Иккинчи ёндашув вакиллари эса, ўз навбатида, ушбу тушунча мазмунининг талқинида асосий эътиборларини корхона ишchan фаоллиги ва ишончлилиги орқали ифодаланувчи рақобатбардошлик ва корхона ҳамда унинг ҳамкорлари иқтисодий манфаатлари самарали ижросининг кафолати бўлмиш молиявий барқарорлик кўрсаткичлари баҳоланишининг зарурлигига қаратадилар.

Ва ниҳоят, учинчи ёндашув вакиллари корхона молиявий барқарорлигини молиявий ресурсларнинг самарали шаклланиши, тақсимланиши ва ишлатилиши билан боғлайдилар.

Юқорида келтирилган талқинлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, корхоналар молиявий барқарорликгини илмий асослаш ва унинг кўрсаткичларини таснифлаш учун асосан ўрганилаётган объект (соҳа ва тармоқ)нинг ўзига хос хусусиятлари ва ихтинослигидан келиб чиқсан ҳолда ёндашишни талаб этади.

Тадқиқот методологияси

Мақола мавзуси мамлакатимизда корхоналарнинг молиявий барқарорлигини такомиллаштиришнинг аҳамиятига қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Корхоналарнинг молиявий барқарорлигини такомиллаштириш ва уни баҳолашга қўйилган коэффициентларнинг мамлакатимиздаги ҳолати таҳлил қилинди. Уни таҳлил қилишда қиёсий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва монографик таҳлил усууллардан фойдаланилди ва тақлифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлил ва натижалар

Корхоналар молиявий барқарорлигига назарий ёндашувлар асосида қаралганда корхонанинг ҳисоб-китоб кўрсаткичлари ҳамда коэффициентларининг таҳлили корхона активларининг таркиби, улардан фойдаланиш сифати ва молиялаш усуулларини ўрганишга қаратилган бўлиб, бу корхонанинг тўлов қобилиятини, нобарқарор мухитда унинг ликвидилиги ва барқарорлигини баҳолаш имконини беради. Таҳлил натижаларига таяниб, сармоядорлар, кредиторлар ва компания раҳбарияти иқтисодий вазиятнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, самарали диагностик тадбирларни ишлаб чиқиши мумкин бўлади.

Корхонадаги молиявий барқарорлик даражаларини баҳолашда қўйидаги кўрсаткичлардан фойдаланилади.

Автономия коэффициенти: Маълум бир вазнни кўрсатади. Ўз маблағларининг корхона ресурслари умумий миқдорида қанча улушда бўлишини ифодалайди.

Молиявий барқарорлик коэффициенти: Корхона мажбуриятларнинг қайси қисми

корхонанинг ўз капитали томонидан қайтарилиши мумкинлигини кўрсатади. Корхона қарзининг умумий миқдорида ўз маблағлари улушкини кўрсатади

Шахсий ўз маблағлари коэффициенти: Корхона ўз маблағларининг ҳаракатчанлиги даражасини кўрсатади.

Корхона фойда миқдорининг таркиби: Корхонада рентабеллик коэффициентларининг таркибини англаатади.

Автономия коэффициентини аниқлаш учун корхона ўз ресурслари суммасини жами ресурслар суммасига нисбати олинади. Молиявий автономия - бу корхонанинг ёки жисмоний шахснинг ўз мақсадларини қондириш учун бирорнинг пулига боғлиқ бўлмаслик қобилиятидир. Иқтисодий кўрсаткичлар бизга бухгалтерия воситаси сифатида хизмат қилади, бошидан "мураккаб" бўлиши мумкин бўлган иқтисодий ҳолатларни таҳлил қилади.

"Star biznes" хусусий корхонасининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари кўриб чиқамиз. Ўз маблағлари манбалари ҳисобот даври бошига келиб, 75877 минг сўмга, ҳисобот даври охирига келиб 78643 минг сўмга тенг бўлиб, 3,6 фоизга кўпайган. Корхонада жорий мажбуриятлар суммаси ҳисобот даври бошига 96946 минг сўмга, ҳисобот даври охирига келиб эса 249152 минг сўмга тенг бўлиб, натижада бу кўрсаткич 157 фоизга ўсиши кузатилган. (1-жадвал)

1-жадвал

"Star biznes" хусусий корхонасининг молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таҳлили¹⁶⁶

№	Кўрсаткичлар	Ҳисобот даври бошига	Ҳисобот даври охирига	Ўзгариш, фоизда
1	Ўз маблағлари манбалари	75877	78643	103,6
2	Жорий мажбуриятлар	96946	249152	257
3	Корхонанинг ўз ресурслари	71877	71877	100
4	Корхона жами ресурслари	172823	327795	189,7
5	Автономия коэффициенти	0,41	0,21	51,2
6	Молиявий барқарорлик коэффициенти	0,78	0,031	3,97
7	Шахсий ўз маблағлари коэффициенти	0,43	0,23	53,4

"Star biznes" хусусий корхонасининг жами ресурслари ҳажми ҳисобот даври бошига келиб, 172823 минг сўмга, ҳисобот даври охирига келиб эса 327795 минг сўмга тенг бўлган. Натижада бу кўрсаткич 89,7 фоизга ошган.

Корхонада молиявий барқарорлик кўрсаткичлари таркиби бўйича ўзгаришлар кўриб чиқилганда, автономия коэффициенти ҳисобот даври бошига 0,41 бирликка, ҳисобот даври охирига келиб, 0,21 бирликка тенг бўлиб, 51,2 фоизга камайган. Молиявий барқарорлик коэффициенти ҳисобот даври бошига 0,78 бирликка, ҳисобот даври охирига келиб эса 0,031 бирликка эга бўлиб, 96,03 бирликка пасайган. Шахсий ўз маблағлари коэффициенти ҳисобот даври бошига 0,43 бирликка, ҳисоб даври охирига келиб 0,23 бирликка тенг бўлиб, натижада бу кўрсаткичлар 46,6 фоизга камайган. Таҳлил натижаларидан шуни кўриш мумкинки, "Star biznes" хусусий корхонасида молиявий кўрсаткичларнинг барчаси тубдан пасайиши кузатилган. Бунга асосий сабаб қилиб, ўз маблағлари манбанинг 3,6 фоизга кўпайганлигидир, шунга қарамасдан жорий мажбуриятлар суммасининг 157 фоизга ошиб кетганлиги, лекин ўз маблағлари манбай суммасининг 3,6 фоизга жуда кам миқдорда кўпайганлигидир.

Молиявий барқарорликни таъминлаш фақат корхонадаги ҳолат билангина ўнганадиган ҳолат эмас. Бунинг учун албатта ташқи омиллар, макроиқтисодий

¹⁶⁶ "Star biznes" хусусий корхонасининг молиявий ҳисоботлари асосида муаллиф томонидан тузилди

барқарорликни таъминлашнинг мұхим омиллари ҳам корхонада ижобий натижавийликни таъминлашга ёрдам бериши лозим.

Молиявий барқарорликни ўстириш юзасидан нималар қилиш лозим:

Биринчидан, баланснинг чуқур таркибий ўзгаришларини амалга ошириш лозим. Бунда асосий эътиборни молиялаштириш манбаларидан ўз маблағлари манбаси, хусусий капитал ҳажмини ўстиришга, унинг жами молиявий салоҳиятдаги салмоғини имкон даражасида оширишга асосий эътиборни қаратиш лозим. Бунинг ягона ечимиға дастлабки капитални ўстириш, унинг ишчанлиги, натижавийлигини таъминлаш асосида эришиладиган қўшилган капитал, резерв капитали ва фойдани ўстириш ҳисобигагина эришилади.

Иккинчидан молиявий барқарорликни ўстиришнинг мұхим имкониятлари захира ва харажатларни оптималлаштириш, уларнинг ишлаб чиқариш ва фаолият учун зарурый қисмини шакллантириш, туриб қолишларга, ортиқча нормаларда сақланишига йўл қўймаслик киради. Молиявий имкониятларни ўстиришда кредиторлар билан алоқаларнинг яхши йўлга қўйилганлиги ҳам мұхим ўрин тутади.

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб, ҳар бир корхона, фирманинг ривожланиши ва ўзини ўзи таъминлай олишини аниқлаш учун унинг асосий қисми бўлган молиявий ҳолати таҳлилини амалга ошириш лозимдир. Бугунги кунга қадар молиявий таҳлилнинг аҳамияти кам эди. Биз мақолада корхоналарда молиявий ҳолат кўрсаткичларининг самарадорлигини баҳолашнинг инновацион йўлларидан фойдаландик. Агарда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган корхоналар худди шундай усууллардан фойдаланса, келажакда ўзининг ривожланиш тенденцияларини кузатишга, хўжалик ва тижорат фаолиятини ҳар томонлама баҳолашга муваффақ бўлади. Натижада корхона бошқарув қарорларни ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик фаолиятини бир-бирига боғлайди.

Молиявий барқарорликни таъминлашда яна бир мұхим жиҳат дебиторлик ва кредиторлик мажбуриятларини оқилона бошқариш имкониятларига қаратилмоғи лозим.

Уларнинг айланувчанлиги ва айланиш даврини даврий ўрганиш асосида молиявий имкониятлари ҳисоб-китоб қилиниши мақсадга мувофиқ.

Хулоса ва таклифлар

Шундай қилиб, юқорида зикр қилинганларни жамлаб, хулоса чиқариш мүмкин. Молиявий барқарорлик ўз мазмунига кўра иқтисодий-молиявий тизимлар қисмлари яхлитлигининг шундай даражасини акс эттириши зарурки, унинг фарқ қилувчи сифат белгиси ривожланишининг реал жараёнини ва потенциалини аниқлаш ҳисобланади. Бундай ёндашув миллий иқтисодий тизимлар ривожланиши хусусиятлари бўйича фарқларни қўшимча тадбик қилишга ёрдам беради.

Шунингдек, корхоналарнинг молиявий барқарорлиги муаммолари моҳиятига кўра қўйидаги хулосаларга келиш мүмкин:

Биринчидан, таҳлил натижаларига кўра корхонада амалга ошириладиган мұхим тадбирлардан яна бири - корхона молиявий барқарорлигини ошириш учун имкониятлар етарлигини баҳолашдир. Бундай ёндашув корхона муддатли мажбуриятлари ижросини таъминлаш, мажбуриятлар таркибини ўзгартириш, корхонани фаолият юритаётган ва унинг узоқ муддатли барқарорлигини таъминлаш мақсадида ресурс имкониятлари етарлигининг таҳлили корхона молиявий барқарорлигини ошириш учун ички имкониятларни қадрлаш, уларни мустаҳкамлаш ва янги имкониятларини қидириб топишга ундаиди.

Иккинчидан, корхона молиявий барқарорлигини ошириш стратегияси айнан молиявий барқарорликнинг мазкур типларидан келиб чиқиб белгиланади. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашга оид бошқарув қарорларини қабул қилиш учун корхона томонидан ишлаб чиқилган молиявий барқарорлик типини баҳолаш ва аниқлаш алгоритми кўрсатишича, баҳоловчи кўрсаткичлар танлови бир вақтнинг ўзида бирданига амалга оширилмай, у ёки бу мезоннинг ёмонлашуви аниқланишига қараб амалга оширилмоғи лозим.

Учинчидан, ишлаб чиқариш ва ишлаб чиқариш харажатлари ҳажмини қисқартириш ўюли билан барқарорликни мустаҳкамлашда чекланган самарага эришиш мүмкин. Шунинг учун барқарорлик муаммосини ҳал этишнинг бу шаклини чекланган даражада қўллаш лозим. Чунки бу иқтисодий ўсиш даражасига салбий таъсир кўрсатади, иш ҳамда харажатларни тўлақонли амалга ошириш даражаси пасайишига олиб келиши эҳтимоли мавжуд.

Корхона ишлаб чиқариш тизими фаолиятининг юксак даражадаги натижадорлигига эришиш учун менежмент тизими молиявий-иктисодий барқарорликка асосланган оқилона, тўғри стратегияга асосланмоғи лозим. Иқтисодий бўғинни стратегик бошқаришнинг мұхим

таркибий қисми сифатида унинг жорий фаолиятини таҳлил этиш ҳамда келгуси ривожланиш истиқболларини баҳолаш майдонга чиқади. Хўжалик амалиёти молиявий менежмент назариясининг тараққиётини ва энг аввало, таҳлил сифатини ошириш йўналишларида корхона молиявий барқарорлигини баҳолаш методологиясини такомиллаштиришни талаб этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Пардаев М.Қ., Исройлов Б.И. Молиявий таҳлил: (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар). - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2019. – Б. 197.
2. Мандель И.Д. Многомерный статистический анализ экономических процессов. – СПб.: Питер, 2009. -318 с.
3. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. Фқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – Б. 254-257.
4. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003. – Б. 64-85.
5. Елецких С.Я. Анализ теоретических подходов к трактовке сущности понятия «финансовая устойчивость предприятия» // Экономика промышленности 2018. № 1. С. 190.

МИЛИЙ ИҚТИСОДИЁТИМИЗДА САНОАТ КОРХОНАЛАРИНИНГ МОЛИЯВИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЮЛДАШЕВ ФАЗИЛЬ ТУРАПОВИЧ

Деновский институт предпринимательства и педагогики

e-mail : fozil.yuldashev.84@mail.ru +998 88 377 39 60

Аннотация: Мазкур мақолада иқтисодиётни трансформациялаш жараёнида саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ҳамда келгусидаги уни ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган. Саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш йўллари таҳлил қилинган ва уларнинг фаолияти бўйича тегишли хуносалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: молиявий барқарорлик, саноат корхоналари, корхона рентабеллиги, тўлов қобилияти, молиявий мустақиллик, молиявий таҳлил.

Аннотация: В данной статье рассматривается важность обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий в процессе трансформации экономики, а также вопросы ее дальнейшего развития. Были проанализированы пути обеспечения финансовой устойчивости промышленных предприятий и сформулированы соответствующие выводы по их деятельности.

Ключевые слова: финансовая устойчивость, промышленные предприятия, прибыльность предприятия, платежеспособность, финансовая независимость, финансовый анализ.

Abstract: This article discusses the importance of ensuring the financial stability of industrial enterprises in the process of economic transformation, as well as issues of its further development. The ways of ensuring the financial stability of industrial enterprises were analyzed and relevant conclusions on their activities were formulated.

Keywords: financial stability, industrial enterprises, profitability of the enterprise, solvency, financial independence, financial analysis.

Кириш (Introduction)

Бугунги кунда мамлакатимиз миллий иқтисодиётида, жумладан кимё саноати корхоналарининг жаҳондаги рақобатбардошлигини ошириш жараёнида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислоҳотларнинг зарур сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий ва илмий-маърифий асосларини яратиб беришга қаратилган Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида “.....миллий иқтисодиётни ривожлантириш, унинг ўсиш суръатларини замон талаблари даражасида таъминлаш” вазифалари белгилаб берилган [1]”. Шундан келиб чиқсан ҳолда саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш бўйича ички имкониятини жадал ривожлантириш, саноат корхоналарини базасини технологик жиҳатдан янгилаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш муҳим долзарб масала ҳисобланади.

Жаҳон амалиётида саноат корхоналари молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлаш юзасидан амалга оширилаётган тадқиқотларда саноат корхоналарида молиявий барқарорликнинг етарли эмаслиги сабабли, корхона учун жорий ва келажакдаги инвестиция фаолиятини амалга ошириш ҳамда молиявий

кўрсаткичларнинг пасайишига олиб келаётган муаммоларни ўрганиш натижасида уларни ҳал этишга қаратилган илмий тақлифлар ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда чуқур илмий тадқиқотлар олиб боришиңи тақозо қилмоқда. Саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлайдиган, молиявий бекарорликка таҳдидларни минималлаштириш ва молиявий натижаларни яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқадиган молиявий ҳолатни баҳолаш ва илғор хориж тажрибаларини жорий этиш орқали саноат корхоналари молиявий барқарорлигини оширишга қаратилган глобал муаммолардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Мамлакатимизда иқтисодий ислоҳотлар жадал давом эттирилмоқда. Биз биринчи марта камбағалликни камайтириш ҳақидаги қатъий қароримизни очик эълон қилдик. Бунга тадбиркорликни ривожлантириш ва қўшимча иш ўринлари яратиш, инвестиция ва бизнес мұхитини яхшилаш ҳамда замонавий инфратузилмани барпо этиш, одамларни янги касб-хунарларга ўргатиш ва аҳолига манзилли ижтимоий ёрдам кўрсатиш орқали эришмоқдамиз [1]”. Бу жумла бежизга эмас албатта. Дунё амалиётидан кўриш мүмкінки, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда жаҳон аренасида ҳамда ҳалқаро рейтингларда муносиб ўрин эгаллашида инвестиция фаолиятини ривожлантиришнинг аҳамияти каттадир. Демак, бугунги кунда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг инвестиция фаолиятини ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини мухофаза қилиш, ҳалқаро андозалар талабларига жавоб берадиган янги тизим барпо қилиш зарурати туғилмоқда. Аммо, юртимизда маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг фаолиятини ҳалқаро рейтингларда баҳолаш учун етарлича иқтисодий механизмлар ишлаб чиқилмаган.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи (literature review on the topic)

Ушбу мақоламизда кўриб чиқиладиган “молиявий барқарорлик”, тушунчаларини илмий-назарий асослаш чет эл ва маҳаллий иқтисодчи олимлар томонидан кўплаб илмий ишлар қилингандек, китоблар ёзилган ва таърифлар берилган. Шунингдек, иқтисодий адабиётлар ва илмий тадқиқотларда “молиявий барқарорлик”, мазмун-моҳиятининг турлича талқинлари учрайди. Уларни чуқур ва кенг тадқиқ этиб ўтган ҳолда, молиявий барқарорлик мазмунига берилган қўйидаги таърифларга алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ҳисобладик. Маълумки, молиявий барқарорликни баҳолашнинг умумий қабул қилингандек ягона мезони ҳозирча мавжуд эмас. Корхоналар молиясини ташкил этиш ва самарали бошқариш аҳамияти юқорилиги ва ўзига хос хусусиятлари мавжудлиги, корхоналарнинг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича амалиётда рўй бераётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва таҳлил қилиш, унинг назарий-методологик масалаларини такомиллаштириш бўйича иқтисодчи олимларнинг турлича ёндашувлари ва варианtlари учрайди.

Жумладан, иқтисодчи олимлар М.Қ.Пардаев ва Б.И.Истроилвлар (2019) молиявий бақарорликни корхона ўз маблағлари ва барча маблағларнинг нисбати сифатида ифодалаб, молиявий барқарорлик кўрсаткичларини қўйидаги гурухларга ажратадилар:

- ўз маблағлар (хусусий капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- четдан жалб этилган маблағлар (капитал) билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- ҳаракатдаги маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- асосий воситалар билан боғлиқ кўрсаткичлар;
- айланма маблағлар билан боғлиқ кўрсаткичлар.

И.Д.Мандель (2009) эса барқарор ўсиш коэффициентини ва ликвидлилик, молиявий мустақиллик, ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик, айланувчанлик ва рентабеллик кўрсаткичларини ўз ичига олувчи унинг омилларга асосланган моделини кўриб чиқади.

И.А.Павлова (2017) фикрича, корхона молиявий барқарорлигининг моҳияти “унинг шундай молиявий ҳолатидирки, унда корхонанинг хўжалик фаолияти унинг барча мажбуриятларини таъминлашга имкон беради”. И.Н.Омельченко ва Е.В.Борисовалар (2017) фикрича, “молиявий барқарорлик - доимий тарзда бозор конъюнктураси ўзгариб бориши шароитида корхонанинг ўз молиявий стабиллигини саклаб қолиш қобилиятидир”. Л.Т.Гиляровская ва А.А.Вехоревалар (2013) таъкидлашича, корхона молиявий барқарорлиги тушунчаликни унинг шундай ҳолатидирки, бунда мавжуд ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланиш жараёнида нафақат тўловга лаёқатлилик таъминланади, балки шу билан бирга фойда ва капиталнинг ўсишига эришиш мақсадидаги ривожланишга ҳам

эришилади".

Н.Л. Данилова (2014) корхоналарнинг молиявий барқарорлиги бўйича қўйидаги таърифни келтириб ўтади. Унга кўра "молиялаштириш манбаларининг бир қисми сифатида ўз капиталининг етарли улуши билан таъминланадиган корхона молиявий ҳолатининг барқарорлиги корхонанинг молиявий барқарорлиги дейилади".

Профессор Т.С. Маликовнинг (2009) фикрига кўра, хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий барқарорлигини умумий (автономия коэффициенти, қарз капиталининг концентрациялашув коэффициенти, қарз ва ўз маблағларининг нисбати коэффициенти) ва нисбий кўрсаткичлар (захира ва харажатларнинг ўз капитали билан таъминланганлик коэффициенти, молиявий мустақиллик коэффициенти, ўз капиталининг манёврлилик коэффициенти) ифодалайди. Корхоналар молиявий ҳолатини таҳлил қилишда иқтисодчи олим, профессор Э.А.Акрамов (2003) молиявий мустаҳкамлик тушунчаси ва унинг кўрсаткичларини тавсия этган ва унга таъсир этувчи омилларни асослаб берган. Шунингдек, у молиявий барқарорлик тоифаси корхонанинг молиявий ҳолатини зарурый бир хил даражада туриши ва пасаймаслигини ифодаловчи кўрсаткич эканлигини таъкидлайди. Иқтисодчи олим Б.Ж.Хакимов (2020) "корхоналарнинг жами активлари таркибида пул маблағлари энг муҳим молиявий актив сифатида тан олинишини эътироф этади. Демак корхонанинг тезкор ликвидлиги яъни жорий активлари билан жорий мажбуриятларини қоплаш коэффициенти айнан пул маблағларига боғлиқ бўлган муҳим иқтисодий кўрсаткичдир" деб таъриф берган.

Ўтказилган тадқиқотларимиз натижасида, биз молиявий барқарорлик тушунчасига қўйидагича таъриф беришни мақсадга мувофиқ деб топдик. "Молиявий барқарорлик – бу компания капиталининг тузилиши, ўз ва қарз манбаларининг нисбати, қисқа муддатли ва узоқ муддатли мажбуриятлар, ўз маблағлари билан айланма маблағлар билан таъминланишидир". Ушбу таърифга кўра, саноат корхоналарининг маълум вақт давомида ўз фаолиятини таъминлаш, мавжуд қарзларни тўлаш ва товарларни сотишни муаммосиз амалга ошириш имкониятларини баҳолашга имкон беради.


Тадқиқот методологияси (research metodologys)

Мақола мавзуси саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш учун мавжуд молиявий муаммоларни аниқлашга эътибор қаратилган бўлиб, аввало мавзу долзарблиги асосланди, ушбу соҳа бўйича хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий ишлари ўрганилди. Саноат соҳасида корхоналар молиявий барқарорлигини ошириш усулларининг мамлакатимиздаги ҳолати таҳлил қилинди. Уни таҳлил қилишда қиёсий таҳлил, тузилмавий таҳлил ва монографик таҳлил усуллардан фойдаланилди ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Натижа (results)

Ҳозирги вақтда молиявий рискларни ва уни узоқ муддатда ривожлантириш стратегиясини ҳисобга оладиган корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш мезонларини танлаш муаммоси айниқса муҳим аҳамият касб муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ушбу муаммони ҳал қилишда турли хил ёндашувлар мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу мезонларни корхонанинг жорий активлари таркибини таҳлил қилиш ва унинг ўртача қийматларини аниқлаш асосида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Шу билан бирга, мезонларда корхонанинг молиявий ҳолати тўғрисида максимал маълумот бўлиши ва қарама-қарши бўлмаслиги кераклигини ёдда тутиш зарур. Корхонанинг молиявий барқарорлиги кўрсаткичларининг юқоридаги таснифи унинг статик баҳосини олишга имкон беради ва уларнинг молиявий оқимлар динамикасини тавсифловчи бошқа кўрсаткичлар билан муносабатларини етарли даражада ошкор қилмайди. Шу сабабли, ушбу кўрсаткичларнинг янги таснифи 1.3-расмда келтирилади, бу молиявий барқарорликни мустаҳкамлаш жараёнини такомиллаштириш йўналишларини аникроқ белгилашга имкон беради.



1.3-расм. Молиявий барқарорликни таъминлашнинг функционал мақсадлари [2]

Шунинг учун корхонанинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш корхонанинг мажбуриятларини ўз вақтида тўлаш қобилиятини таъминлашга, дисконтланган даромадлар ва молиявий мувозанатнинг ўсишини таъминлашга қаратилган молиявий фаолиятнинг тизимли жараёни сифатида қаралиши лозим.

Узоқ муддатли истиқболда корхонанинг ривожланиши нафақат унинг пул маблағлари ҳолатига, балки бозор шароитидаги ўзгаришларнинг прогноз қилинган динамикасига ҳам боғлиқ. Корхона маблағларининг исталган вақтдаги ҳолати статик кўрсаткичdir. Шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, молиявий барқарорлик корхонага компаниянинг ўз молиявий ресурслари етарли бўлмаса, қўшимча капитални ривожлантириш ва жалб қилиш имкониятини беради. Бироқ, қўшимча қарз капиталини жалб қилиш баъзи омиллар билан чекланиши мумкин, масалан, молиявий Левераж даражасига бўлган талаб. Ушбу ёндашув доирасида корхонани баҳолашда унинг молиявий барқарорлигининг асосий мезонлари мутлақ кўрсаткичлар (фойда, капитал ва бошқалар ҳисобланади.) ва нисбий (капиталнинг рентабеллиги, фаолиятнинг рентабеллиги ва бошқалар.). Шу билан бирга, ликвидлик, рентабеллик, тўлов қобилияти кўрсаткичларининг ошиши ҳар доим ҳам молиявий барқарорликнинг мустаҳкамланишини кўрсатмаслигини ёдда тутиш лозим. Бу қўйидаги омиллар билан боғлиқ: фойда ўсишининг юқори даражаси кўпинча хавф даражасининг ошиши билан бирга келади, бу молиявий барқарорликнинг пасайишига олиб келади, ликвидлик, рентабеллик, тўлов қобилияти кўрсаткичлари узоқ муддатли характерга эга эмас, яъни стратегик ривожланиш йўналишини акс эттирмайди. Улар факат қисқа ёки ўрта муддатли истиқболда компаниянинг ривожланиш имкониятларини намойиш этади. Шунинг учун узоқ муддатли истиқболда молиявий барқарорлик тушунчасини таҳлил қилиш учун корхонанинг ташқи мұхит билан муносабатларини ҳисобга оладиган кўрсаткичлардан кенгроқ фойдаланиш керак.

Мамлакатимиздаги кимё саноати корхоналаридан бири бўлган, «Maxam-Chirchiq» АЖ акциядорлик корхонаси бўлиб, «Ўзқимёсаноат» АЖ ва Корпорация «MaxamCorp, International S.L» унга эгалик қиласди. «Ўзқимёсаноат» АЖ – давлат активларини бошқарувчи компания. Ҳозирги пайтда компания таркибига 11 та йирик саноат корхоналари, 13 та минтақавий дистрибуторлик корхоналари, лойиҳа ва илмий текширув институтлари, транспорт-экспедиторлик компаниялари ва Зта қўшма корхоналар киради.

«MaxamCorp, International S.L» корхонаси дунёда асосий кимё маҳсулотини ишлаб чиқарувчилардан биридир. Корпорациянинг штаб квартираси Испанияда жойлашган бўлиб, дунёning турли минтақаларида ваколатхона ва ишлаб чиқариш қувватларига эга.

«Maxam-Chirchiq» АЖ 40 дан ортиқ турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи Ўзбекистонда кимё саноатининг йирик корхоналаридан биридир. Корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар асосан МДҲ мамлакатлари ва чет элларга: Россия, Украина, Қозоқстон, БАА, Австралия, Эрон, Туркия, Малайзия экспорт қилинади.

Молиявий барқарорликни баҳолашнинг юқоридаги кўрсаткичларга таянган ҳолда “Ўзқимёсаноат” АЖ саноати таркибига кирувчи “Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлик даражасига баҳо берамиз.

Саноат корхоналари молиявий барқарорлигининг нисбий кўрсаткичларини таҳлил қилишни талаб этади. Маълумки, тадқиқот методологиясида молиявий барқарорликнинг нисбий кўрсаткичларини 11 та коэффициентлар билан чегараланиш таклиф этилган. Ушбу коэффициентлар асосида “Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлил қиласиз.

2-жадвал

Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятининг молиявий барқарорлик кўрсаткичларини таҳлили [4]

Т/Р	Коэффициентлар номи	Йиллар				
		2017	2018	2019	2020	2021
1.	Мутлақ ликвидлилик коэффициенти	0,02	0,05	0,12	0,11	0,06
2.	Тўлов қобилияти (жорий ликвидлилик) коэффициенти	1,02	0,92	1,8	1,4	1,6
3.	Молиявий мустақиллик коэффициенти	0,3	0,3	0,6	0,5	0,6
4.	Ўз ва карз маблағлари нисбати коэффициенти	0,4	0,4	2,3	1,4	1,8
5.	Ўз айланма маблағлари билан таъминланганлик коэффициенти	2,5	2,1	0,8	1,1	0,9
6.	Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	1,4	1,4	10,7	12,3	11,3
7.	Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти	1,1	1,2	11,4	7,6	11,5
8.	Баланс фойда меъёри коэффициенти	0,1	0,2	0,3	0,3	0,3
9.	Соф фойда меъёри коэффициенти	0,02	0,09	0,13	0,13	0,14

Юқоридаги жадвал маълумотларига кўра “Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятининг мутлақ ликвидлик коэффициенти меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлмоқда. Бундан хулоса қилиш мумкинки, корхоналарда қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажми пул маблағларга нисбатан анча юқори. Яъни, биргина 2019 йилда корхоналарда қисқа муддатли мажбуриятларнинг атиги 0,12 фоиз пул маблағлари хисобига қайтарилиши мумкин. Бу эса, корхонада молиявий менежмент самарали ташкил этилмаганлигини белгиласа, иккинчидан таъминотчилар (иш ва хизматлар) томонидан эътиrozларни келтириб чиқариши мумкин.

Тўлов қобилияти коэффициенти. Ушбу коэффициент кўра “Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятида меъёрий қийматдан паст бўлиб, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида муайян тебранишлар кузатилган бўлса-да, барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган. Бироқ, 2018 йилдаги сезиларли пасайишни корхоналарда кредиторлик

қарздорликнинг кескин ошганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Молиявий мустақиллик коэффициенти. Маълумки, амалиётда унинг меъёрий қийматининг энг юқори чегараси 0,5 қабул қилинган. Шунга мос равишда таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида “Maxam – Chirchiq” акциядорлик жамиятида ушбу кўрсаткич 2017-2018 йилларда меъёрий қийматдан паст даражада бўлган ва сўнгги йилларда барқарор ўсиш тенденциясига эга.

Ўз ва қарз маблағлар нисбати коэффициенти. “Maxam – Chirchiq” АЖнинг ўз ва қарз маблағлари нисбати коэффициенти таҳлил қилинаётган даврда меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлган. Бироқ, ушбу кўрсаткич сўнгги уч йилда барқарор ўсиш кузатилган. Ушбу коэффициентнинг паст даражаси корхоналарнинг қарз маблағларига тобелик ҳолатини акс эттирумайди. Кўрсаткич даражаси активлар таркиби, улардан фойдаланиш самарадорлиги, даромадлилиги ва корхонанинг ихтисослашувига бевосита боғлиқ.

Ўз айланма маблағлар билан таъминланганлик коэффициенти. Таҳлил қилинаётган йилларда ушбу кўрсаткич “Maxam – Chirchiq” АЖда таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида муайян тебранишлар кузатилган. 2017-2018 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада юқори бўлган. Бироқ 2019-2021 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада паст бўлган.

Дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган йиллар мобайнида дебиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти турли даражада бўлганлигини кўриш мумкин. Хусусан, 2019-2021 йилларда меъёрий қийматдан сезиларли даражада юқори бўлган. Дебиторлик қарзларини коэффициентининг юқори даражасини корхона томонидан сотилган маҳсулот учун тўловларни ўз вақтида йиғиш ва ундириш бўйича ишларни самарли ташкил этилганлиги билан, унинг пастлиги эса, корхоналарда дебиторлик қарзларининг айланувчанлик даражасининг пастлигини икки омил биринчидан, корхонанинг тўлов қобилияти паст бўлган харидорлар сонининг ошиши ва маҳсулот сотиш билан боғлиқ бошқа муаммолар, иккинчидан, бозордаги ўз улушини кенгайтириш мақсадида харидорлар билан алоқаларни енгиллаштиришга йўналтирилган сиёsatни амалга ошираётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Кредиторлик қарзларининг айланувчанлик коэффициенти корхона томонидан қарзларни ўз вақтида тўловлар тезлигини ифодалайди. Ҳисоб-китоблар шуни кўрсатмоқдаки, таҳлил қилинаётган даврларда кредиторлик қарзларнинг айланувчанлик коэффициенти 2021 йилда 2017 йилган нисбатан ўсган, бироқ тебrаниш бекарор тенденцияга эга. Бу эса, корхоналарнинг кредиторлик қарзларини ўз вақтида тўлаб бораётганлигини кўрсатади.

Баланс фойда меъёри коэффициенти. Таҳлил қилинаётган даврда ушбу коэффициент “Maxam – Chirchiq” АЖда барқарор ўсиш тенденциясига эга бўлган (2.3-жадвал). Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, ушбу корхонада ишлаб чиқариш харажатларини бошқариш менежменти яхши йўлга кўйилган ва бу пировардида корхонанинг молиявий барқарорлигини таъминламоқда.

Соф фойда меъёри коэффициенти. Ушбу коэффициент “Maxam – Chirchiq” АЖда 2019 йилдан бошлаб нобарқарор ўсиш кузатилган. Демак, корхона фаолиятидан келиб чиқсан ҳолда бу кўрсаткичнинг нобарқарор ўсиш тенденцияси баланс фойда юқори бўлган бир вақтда салбий аҳамият касб этмайди.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, корхона молиявий барқарорлигини таъминлаш учун қўйидаги тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ:

Муҳокамаси (discussion)

Ўзбекистон иқтисодиёти ва аҳоли бандлигига саноат корхоналари жуда катта ўрин тутади. Бу соҳага зарур шароит яратиш мақсадида сўнгги йилларда 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилди, уларнинг инфратузилмасига 10 триллион сўм йўналтирилди. Шунингдек, тўқимачилик, кимё, қурилиш материаллари, чарм, фармацевтика, электр техникиси каби тармоқларни “драйвер”га айлантириш учун 3 миллиард долларлик молиявий ресурслар ажратилди. Саноатни хом-ашё билан таъминлаш учун геология-қидирув ишлари З баробар кўпайтирилиб, 600 тадан зиёд янги кон аниқланди. Натижада охирги беш йилда саноат корхоналари сони 2 баробар кўпайиб, 100 мингтага етди, ишлаб чиқариш ҳажми 1,4 бараварга кўпайди [5]. Шу билан бирга, сўнгги

йилларда саноат корхоналари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, саноат соҳасида амалга оширилаётган лойиҳаларни молиялаштириш ва лойиҳалар маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда уни кучайтириш, бу жараённинг очиқлиги ва шаффоғлигини таъминлаш давлат сиёсати даражасидаги муҳим масалалардан бирига айланмоқда. Шу жиҳатдан, бугунги кунда саноат корхоналарида молиявий барқарорликни ошириш масалаларини кенг ёритиб бериш корхоналар фойдалилик даражаси ошишига олиб келади.

Хулоса (conclusion)

Тадқиқот жараёнида иқтисодиётни транформациялаш жараёнида саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлашда бевосита ўз таъсирини ўтказадиган бир қатор қўйидаги муаммолар аниқланди. Хусусан:

- молиявий барқарорликни ошириш муаммолари кредит ресурсларидан ушбу компания таъсисчилари ҳисобидан реал капиталини оширмасдан фаол фойдаланадиган компаниялар учун, айниқса ташки мұхитнинг бекарорлиги ҳолатида қоплай олмайдиган бир қатор мажбуриятларга эга бўлган компаниялар учун пайдо бўлиши мумкин;

- бугунги кунда, молиявий барқарорликни таҳлил қилишнинг асосий муаммоси компанияларнинг хусусиятларини ва уларнинг ривожланиш босқичларини ҳисобга оладиган самарали усувларнинг етишмаслиги; таҳлилни амалга оширадиган мутахассисларнинг малакаси етарлича юқори эмас;

- молиявий барқарорликни баҳолаш учун меъёрий-хуқуқий база ва саноат кўрсаткичлари тизимининг йўқлиги, бу корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича барқарорлигини қиёсий таҳлил қилиш учун тўсиқлар яратади. Масалан, хорижий амалиётда рейтинг агентликлари шунга ўхшастандартларни олиб борадилар ва мунтазам равища нашр этиб борадилар.

Шунингдек, мамлакатимиз саноат корхоналари молиявий барқарорлигини таъминлаш юзасидан қўйидаги чора-тадбирларнинг амалга ошириш лозим деб ҳисоблаймиз:

1. Корхона молиявий барқарорлигини таъминлашда корхонанинг молия соҳасидаги ўзаро таъсирини оптималлаштириш ва марказлаштирилмаган маблағларни шакллантириш ҳамда тақсимлаш самарадорлигини оширишга қодир бўлган молиявий механизм ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ

2. Молиявий барқарорликни оширишнинг асосий механизмларидан бири тўлов қобилияти даражасини оширишdir. Чунки тўлов қобилияти даражаси тўғридан-тўғри айланма активлар ва жорий мажбуриятлар билан боғлиқ бўлса, у ҳолда жорий активлар ва жорий мажбуриятларнинг таркибий қисмларининг мутлақ қийматларининг ўзгариши тўлов қобилиятига сезиларли таъсир кўрсатади. Бинобарин, айланма маблағлар структурасини оптималлаштириш ҳам, қисқа муддатли мажбуриятлар ҳажмини ҳам минималлаштириш компаниянинг молиявий барқарорлиги билан бевосита боғлиқдир.

3. Қарз маблағларининг катта улуши мавжуд бўлгандан, компания айланма маблағларини кўпайтириш ўрнига фойдани камайтирадиган улар бўйича фоизларни тўлаши шартлигини унутмаслигимиз керак. Аммо бошқа томондан, қарз маблағлари ҳажмини ошириши ва янги фаолиятни ривожлантириши ёки янги бозорларга чиқиши мумкин, бу эса фойданинг ўсишига ёрдам беради. Натижада, компаниялар қарз маблағларининг мақбул миқдорига эришиш ва улардан самарали фойдаланиш орқали капитал таркибини оптималлаштириш билан боғлиқ муаммони ҳал қилишга ҳаракат қилишадилар.

4. Саноат корхоналарининг молиявий барқарорлигини қандай воситалар билан баҳолаш кераклигини аниқлаш керак. Бунинг учун унинг молиявий ҳолати тўғрисида объектив тасаввур берадиган турли коэффициентлардан оқилона фойдаланиш лозим. Шунингдек, муайян санадаги барқарор молиявий вазиятни таҳлил қилиш компаниянинг ушбу санадан олдинги даврда молиявий ресурсларини қанчалик яхши бошқарганлигини тушунишга имкон беради.

5. Корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолашнинг амалдаги методологиясининг чекланганлиги ва унинг компания фаолиятидаги ҳақиқий жараёнларни акс эттиришнинг етарли эмаслиги таъкидланди. Тадқиқот давомида молиявий барқарорликни баҳолашга такомиллаштирилган услубий ёндашув таклиф этилди, бу молиявий-иктисодий барқарорлик кўрсаткичлари асосида корхонанинг молиявий-иктисодий ҳолатининг юзасидан “молиявий механизм” ишлаб чиқишга имкон беради.

6. Муайян кўрсаткичлар тизимини қўллаш орқали корхонанинг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва таҳлил қилиш мумкин. Ушбу кўрсаткичлар тизими қўйидагича таснифланади: натижани, самарадорликни, молиявий барқарорликнинг ўзига хос хусусиятларини тавсифловчи кўрсаткичлар гуруҳлари, ўзига хос такрор ишлаб чиқариш жараёнининг кўрсаткичлари, профилактика кўрсаткичлари ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар (references)

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 28.01.2022 йилдаги “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” ги ПФ-60-сон Фармони.
2. Иқтисодий адабиётларни ўрганиш натижасида муаллиф томонидан тузилди.
3. “Maxam – Chirchiq” АЖнинг молиявий ҳисоботлариасида муаллиф томонидан тузилди.
4. “Maxam – Chirchiq” АЖнинг молиявий ҳисоботлариасида муаллиф томонидан ҳисоблаб чиқилди.
5. Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2023 йил 10 январь куни Саноатни ривожлантириш ҳамда қўшимча захираларни аниқлаш масалалари бўйича чора-тадбирлари муҳокамасига бағишилган ўтказилган йиғилишидаги маъruzаси.
6. Пардаев М.Қ., Исройлов Б.И. Молиявий таҳлил: (Услубий кўргазмалар ва тавсиялар). - Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2019. – Б. 197.
7. Мандель И.Д. Многомерный статистический анализ экономических процессов. – СПб.: Питер, 2009. -318 с.
8. И.А. Павлова// Финансы и кредит, 2017г.,«Анализ и прогнозирование финансовой устойчивости организации с учетом жизненного цикла на основе интегрального показателя». 23 (июнь), с. 71-75.
9. Омельченко И.И. Финансово экономическая стабильность как составная часть организационно экономической устойчивости предприятий // Вестник машиностроения. 2017. № 4. С. 65.
10. Гиляровская Л.Т, Вехорева А.А. Анализ и оценка финансовой устойчивости коммерческого предприятия. СПб., 2013. С. 13.
11. Данилова Н.Л. Анализ финансовой устойчивости предприятия [Электронный ресурс] // Ассоциация «Открытая наука». Выпуск № 2. 2014
12. Маликов Т.С. Молия: хўжалик юритувчи субъектлар молияси. ўқув қўлланма / и.ф.д., проф. А.В. Ваҳобовнинг умумий таҳрири остида. -Т.: IQTISOD-MOLIYA, 2009. – Б. 254-257.
13. Акрамов Э.А. Корхоналарнинг молиявий ҳолати таҳлили. - Т.: Молия, 2003. – Б. 64-85.
14. Хакимов Б., Холмирзаев У. Пул маблағлари ҳисоби ва таҳлилини халқаро тажрибалар асосида такомиллаштириш. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий электрон журнали. № 1, февраль, 2020 йил.

TEACHING ENGLISH IN PHARMACEUTICAL DIRECTIONS: NEEDS ANALYSIS

Karimova Nilufar Salomdjonovna

Senior teacher

The Tashkent Pharmaceutical Institute

Email: nilufarkarimova887@gmail.com

Abstract: This article provides the research results, which was conducted in order to find out the reason, significance, needs and lacks of learning English for the students at the pharmaceutics direction. During the research, a four-stage- survey was conducted on 125 students of the University of Pharmaceutics by using the Likert scale of importance, agreement and quality. Obtained results were statistically analyzed.

Key words: ESP, teaching process, pharmaceutics, needs analysis, Likert scale, motivation, reason, prescription, seminar, conferences

Annotatsiya: Ushbu maqolada farmatsevtika yo'nalishi talabalarining ingliz tilini o'rGANISHINING ASOSIY SABABLARI, UNING AHAMIYATI, ULARNING EHTIYOJLARI VA TIL O'RGANISHDAGI KAMCHILIKLARINI ANIQLASH MAQSADIDA OLIB BORILGAN TADQIQOT NATIJALARI KELTIRILGAN. Farmatsevtika universitetining 125 nafar talabasi qatnashgan ushu tadqiqotda Likert shkalasi yordamida ahamiyatlilik, hamfikrlik va sifat ko'satkichlari bo'yicha to'rt bosqichli so'rovnoma o'tkazildi. Olingen natijalar statistik jihatdan tahlil qilindi.

Kalit so'zlar: ESP, o'qitish jarayoni, farmatsevtika, ehtiyojlarni tahlil qilish, Likert shkalasi, motivatsiya, sabab, retsept, seminar, konferentsiyalar

Аннотация: В данной статье представлены результаты исследования, которое было проведено с целью выяснения причин, значимости, потребностей и недостатков изучения английского языка у студентов фармацевтического направления. В ходе исследования был проведен четырехэтапный опрос 125 студентов Фармацевтического университета с использованием шкалы важности, согласованности и качества Ликерта. Полученные результаты подвергали статистической обработке.

Ключевые слова: ESP, учебный процесс, фармацевтика, анализ потребностей, шкала Ликерта, мотивация, причина, рецепт, семинар, конференции.

INTRODUCTION

The expansion of international cooperation in the economic, political, scientific, technical, cultural and educational fields requires learning a foreign language, which is reflected in the qualification characteristics of a specialist. A qualified specialist is required to apply the foreign language for professional communication (oral and written) and work with original literature in his specialty. Being able to use a foreign language practically both in professional (industrial and scientific) activities and for the purposes of self-education shows the competence of specialists. Acquiring the knowledge about the terminology of the professional sphere in foreign language provides the specialist's ability to communicate with others, to comprehend and understand what unites him with his partner, to convey his thoughts to the interlocutor, to exchange information and the results of his work. This process is actual in terms of teaching medical students, when the current economic, political, social and cultural changes make them the most important professionals. However, it should be noted that there are a number of problems in the theory and practice of teaching medical terminology in foreign language at a medical university, which we aim to research in this article.

The need of modern society for the specialist capable of perception, comprehension and successful use of English in the work process leads to develop better and effective methods of teaching ESP classes. This article provides the research results, which is conducted for determining the reason, significance, needs and lacks of learning English for the students at the pharmaceutics direction, by finding answers to the following questions:

1. What is the main reason of learning English for the students at the pharmaceutics direction?
2. What are the main cases, where English is necessary for the students at the pharmaceutics direction need English?
3. What are the main problems and lacks of learning English for the students at the pharmaceutics direction?

LITERATURE REVIEW

Teaching pharmaceutical terminology in English was under the study for many years and a number of foreign and native researchers conducted studies on this topic. In particular, Russian scientists (Berdibekova, 2019; Mifonova, 2010; Schukin, 2002; Solovova, 2008) conducted researches on teaching ESP. K.A.Mifonova theoretically substantiated and developed a methodology for teaching foreign language vocabulary of the medical sphere to medical students and identified six criteria for the selection of teaching foreign language of the medical sphere (Mifonova, 2010).

According to S.I. Kang and P. Kurfurst, it is actual to learn English, because main medical data, documents, books, journals and articles is available in English (Kang, 2004; Kurfurst, 2004). M.A.Lodhi and others investigated the communicative needs of doctors at academic and professional level in survey based research and revealed a huge gap between the acquired competencies of doctors with their desired level of English proficiency skills (Lodhi and etc, 2018). M. Niazi consideres the aim of learning medical English for social and career relations (Niazi, 2012). J. Maher put forward the idea that English language course should be based on instructional methodologies like content-based and problem-based learning (Maher, 1886). However, in order to find the best method or methodology of conducting lessons, it is important to find out the needs of students, which we aim to show in this paper.

RESEARCH METHODOLOGY

In this research, the survey, observation, analysis and statistical methods were used to determine the needs of the pharmaceutics students. The survey was conducted by using the Likert scale of importance, agreement and quality. Obtained results were statistically analyzed.

The survey was conducted at four stages. At the first stage, personal data of research subjects were collected, including the age, gender and proficiency levels. According to the results total 125 students who are studying at the pharmaceutics direction at the University of Pharmaceutics were chosen for the survey. The age of subjects is as follows: 13 students are at the age of 19; 28 students at the age of 20, 35 students at the age of 21, 36 students at the age of 22 and 13 students at the age of 23. The English proficiency levels of students are as follows: 15 students have intermediate level, 34 students have pre-intermediate and 78 students have elementary level.

At the second stage, a survey, consisted of three questions were asked about the main motivation of learning English for the pharmaceutics students. The subjects answered the survey "How important is the reasons for learning English for you?" by using the Likert scale of importance. The Likert scale of importance consisted of five points "extremely important", "important", "somewhat important", "minimal important", "not important" and students must give points according to each question.

At the third stage, the students answered the survey "What are the main cases, where English is necessary?" by using the Likert scale of agreement. The subjects expressed their opinion about the importance of English in different case by choosing the alternative options "strongly agree", "agree", "not sure", "disagree" and "strongly disagree".

The final stage aims at determining the lack and needs of pharmaceutical students in learning English. In this stage, subjects were asked about their language capabilities and their answered analyzed using the Likert scale of quality, which includes the options "excellent", "good", "average", "below average", "poor". After conducting the survey, the results were statistically analyzed and conclusions were developed.

RESULTS AND DISCUSSION

According to the first category of the survey (Table 1), it was determined that in learning English the factor of getting a good job is extremely important for 67% of respondents, while 12% of respondents found it important and for 21% of students this issue is somewhat important. The specific part of this category is that, none of the students chose the minimal or no importance of learning English in getting a job. The importance of English in understanding prescriptions and receipts is important for 47% of the respondents, whereas the category of studying at university is the main reason for 35% of the students.

Table 1. The results on the category "How important is the reasons for learning English for you?"

	Extremely important	Important	Somewhat important	Minimal important	Not important
For getting a job	67%	12%	21%	-	-
For understanding prescriptions and receipts	8%	47%	11%	32%	2%
For studying at the university	35%	23%	17%	22%	5%

The second part of the survey, which is aimed at determining the situations and cases, where the respondents can use English (Table 2). Research results showed that the respondents think they do not need English language in their daily conversation (44%), whereas they consider they are in great need of foreign language skills in discussions and debated on pharmaceutical topics (45% and 35%). Acquiring English language is important in scientific seminars, conferences and in writing the dissertation or other research work, estimated to the 56 and 57% of respondents, respectively. However, the main process that needs the usage of English is reading articles, according to 60% of respondents

Table 2. The results on the category "What are the main cases, where English is necessary?"

	Strongly agree	Agree	Not sure	Disagree	Strongly disagree
Daily conversation	-	10%	39%	44%	7%
Debates on pharmaceutical topics	45%	35%	20%	-	-
Scientific seminars and conferences	56%	39%	3%	1%	1%
Writing research paper or dissertation	57%	38%	4%	1%	1%
Reading articles	60%	17%	18%	3%	2%

The final category of the survey aims at determining how well do the respondents know English in different problematic situations (Table 3). According to the results, most respondents find it difficult to communicate on pharmaceutical issues (75%) and to understand pharmaceutical texts (68%). Their understanding of pharmaceutical prescriptions is on average (35%), while the respondents consider that they understand medical instructions relatively good (18 and 33%).

Table 3. The results on the category "How well do you know English?"

	Excellent	Good	Average	Below average	Poor
To communicate on pharmaceutical topics	2%	5%	8%	10%	75%
To comprehend pharmaceutical texts	2%	4%	6%	20%	68%
To understand pharmaceutical prescriptions	13%	22%	35%	10%	20%
To understand medical instructions	18	33	25	14%	10%

CONCLUSION

In conclusion, the survey conducted to determine the current state of students at the pharmaceutical direction in terms of learning English. Furthermore, the main reasons of learning English, their proficiency in language learning, and the main situations, where they use English language. The experiment was conducted in four stages, which included 3 categorical surveys.

Research results showed that English language is extremely important for pharmaceutical students in order to get a better paid job. The main part of the respondents consider that they need English language when reading scientific articles, in attending conferences and seminars, as well, in pharmaceutical discussions and debates. However, the respondents have limitations and lacks in communicating on pharmaceutical topics and to comprehend pharmaceutical texts. To sum up, the research results showed that there is a need for further development of teaching ESP methods, as this process is crucial for professional development.

REFERENCES:

1. Berdibekova D.A. (2019). Problems and their solutions in foreign language education at the non-language universities / Young Scientists. № 34 (272). — pp. 46-48
2. Kang, S. J. (2004). A Korean medical doctor's experiences in learning and use of English in the United States: Individual and environmental affective factors. Paper presented at the Sixteenth Annual Conference in Ethnography.
3. Karimova N.S. and others. (2021). "Effectiveness of case study in teaching foreign languages", "Экономика и социум" №4(83); www.iupr.ru
4. Karimova N.S. (2021). New Methods and Challenges of Distance Learning. *Eurasian Journal of Humanities and Social Sciences*, 3, 54–56. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/ejhss/article/view/242>
5. Kurfurst, P. (2004). English as a lingua franca of medicine. The International Conference on English Is Not Enough: Language Learning in Europe. Olomouc, Czech Republic.
6. Lodhi M.A., Shamim M., Robab M., Shahzad S.Kh. & Ashraf A. English for Doctors: An ESP Approach to Needs Analysis and Course Design For Medical Students. International Journal of English Linguistics; Vol. 8, No. 5; 2018 ISSN 1923-869X E-ISSN 1923-8703 Published by Canadian Center of Science and Education
7. Maher, J. (1886). The development of English as an international language of medicine. *Applied linguistics*, 7(2).
8. Mitrofanova K.A. Teaching foreign language vocabulary of the medical sphere to medical students. Abstract of the dissertation for the degree of candidate of pedagogical sciences. Ekaterinburg –2010.
9. Niazi, M. M. (2012). English for medical purposes: A case of English for specific purposes. National University of Modern Languages, Islamabad, Pakistan. P51.
10. Schukin A. N. (2002) Foreign Language Teaching Methods: Course lectures. M.,
11. Solovova E. N. (2008) Methods of teaching foreign languages. Basic course of lectures. M.: Education.